

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

“Гуманитар фанлар” кафедраси

Ҳ.Ҳ. Ҳамидов, Ш.Э. Эрназаров, ,
Б.М. Рахмонов,

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

олий ўқув юртлари талабалари учун

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

(Қайта тўлдирилган бешинчи нашри)

Тошкент - 2021

“Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти
*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи
масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи методик марказ ҳамда ўқув-услубий
комиссия томонидан нашрга тавсия этилган (02.09.2013 й. №19-сонли баённома).*

UOK: 324(474.1)(027)

КБК 44.22(40)

М 40

Ҳ.Ҳ. Ҳамидов, Ш.Э. Эрназаров, Б.М. Рахмонов,

Ўзбекистон тарихи: ўқув қўлланма. Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи нашри. -Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2021. – 428 бет.

UOK: 324(474.1)(027)

КБК 44.22(40)

Ушбу ўқув қўлланмада халқимизнинг энг қадимги замонлардан ҳозирги кунгача босиб ўтган мураккаб тарихий йўли, Ўзбекистон тарихи фанининг предмети, мақсад ва вазифалари, ўзбек давлатчилиги тарихи, фан ва маданият ривожини, ўзбекларнинг халқ, миллат бўлиб шаклланиш жараёни, халқимизнинг чет эл босқинчиларига қарши мустақиллик ва озодлик учун мардонавор кураши, жасорати, халқ қахрамонлари ва давлат арбобларининг фаолияти, ўзбек халқининг ўз мустақиллигини қўлга киритиши ҳамда мустақиллик йилларидаги оламшумул ютуқлари ёритилган.

Ўқув қўлланма Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти бакалаврлари учун мўлжалланган. Ундан магистратура ҳамда бошқа таълим муассасаларининг талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин. Қўлланма ТИҚХММИ Илмий Кенгаши қарорига (19.03.2021 й. № мажлис баённомаси) кўра нашрга тавсия этилган. Ўқув қўлланма профессор Ҳ.Ҳамидов раҳбарлигида ПЗ-20170930170 “Ўзбекистонда экологик ва ижтимоий тафаккурнинг янгиланиш механизмларини такомиллаштириш” номли амалий лойиҳа асосида тайёрланган.

Муаллифлар жамоаси: Ҳамидов Ҳожиакбар Ҳамидович, профессор
Эрназаров Шермухаммат Эшбекович, катта ўқитувчи

Рахмонов Баходир Мирзаевич, таянч докторант

Масъул муҳаррир: т.ф.д. проф. Ш.Ўлжаева

Такризчилар :

ТМИ “Ижтимоий фанлар” кафедраси
профессори

т.ф.д. **Н.Обламуродов**

ЎЗМУ Тарих факультети “Ўзбекистон
тарихи” кафедраси профессори

т.ф.д. **Ў.Мавлонов**

ISBN 916-8833-5940-0-2

© “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2021.

КИРИШ

Ватан тарихини чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш, унинг бой ва сермазмун саҳифаларига бугунги кун нуқтаи назаридан атрофлича, холисона баҳо бериш давр талабидир. Чунки тарихни ўрганмай, баркамол авлодни шакллантириб бўлмайди. Ватан тушунчаси тарихий хотира, тарихий онг замирида шаклланади. Ватан туйғусининг такомилли ўрта ва олий таълим

муассасаларидаги гуманитар таълим, энг аввало, Ватан тарихини ўрганиш орқали мустахкамланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Буюк аجدодларимиз бўлган ислом оламининг мутафаккирлари асарларини, уларнинг бутунжаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш, теран англаш ва кенг оммалаштириш алоҳида аҳамиятга эга”¹, – деб таъкидлайди.

Ўзбекистон тарихи долгали ва шарафли воқеа-ҳодисалар ҳамда жараёнларга бой кечган. Мамлакатимизни гоят мураккаб ва машаққатли синовларига дош бериб, бугунги истиклолга эришувида юз минглаб Ватандошларимизнинг улкан ҳиссаси борлигини эътироф этмоқ жоиздир. Қолаверса, энг қадимги даврлардан бошлаб жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири ҳисобланган юртимизда маҳаллий халқларга хос ноёб тарихий-маданий жараёнлар бўлиб ўтган. Ўлкамиз ҳудудлари дунё тамаддуни тарихий тараққиётида ўчмас из қолдирган олиму фузалолар, давлат арбоблари, буюк саркардалар билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди. Чунки Ўзбекистон тарихи келажакимиз бунёдкорлари бўлган ёш авлодни тарбиялашда, уларга Ватан туйғусини янада теранроқ англашда, миллий гурур ва ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини сингдиришда муҳим аҳамият касб этади. Биринчи президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажакга йўқ”².

Ушбу ўқув кўлланмаси Ватанимиз тарихининг қадимги давридан бошлаб, ҳозирги кунигача бўлган улкан даврни ўз ичига олади. Мавзуларни ёритиш жараёнида муаммоларнинг туб моҳияти, тарихий-маданий жараёнларнинг асослари, омиллари ва ривожланиши, сабаблари, оқибатлари ва натижалари шарҳига эътибор берилади. Шунингдек, муаллифлар Ватанимиз ҳудудида бўлиб ўтган тарихий-маданий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар ҳақида ҳолисона хулосалар чиқаришга интиланлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.

1-§. Ўзбекистон тарихи фанининг предмети ва вазифалари

Ўзбекистон тарихини ўрганиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки ҳукукий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш вазифасини фақат ўз Ватани тарихини яхши билган, калбида

¹ Мирзиёев Ш.М. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик. / “Халқ сўзи”, 2016 йил 19 октябрь.

² Каримов И. А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т., 2008. – Б.4.

унга хизмат қилишни муқаддас бурч эканлигини ҳис қилган, ижтимоий фаол фуқароларни тарбиялаш орқали ҳал этиш мумкин. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг ташаббуси билан Ватанамиз тарихи ва маданиятини таълим-тарбия тизимининг барча муассасаларида ўрганиш муҳим сиёсий вазифа сифатида белгиланган эди¹.

Ҳар қандай фаннинг тадқиқот майдони, ўрганиш манбаи бўлади. Шу жумладан тарих фанининг ҳам. Тарих фанининг предметини белгилаш тарихий билим назариясидаги энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Унинг ечимини тўғри, илмий асосланган, назарий ва амалий жиҳатдан асосли қилиб яратиш фан тараққиётини белгилайди. Бу эса тарихий билим табиатини, унинг ўзига хослигини белгилашдан иборат. Ана шу илмий мезон ва меъёр тарихий маълумотга эришиш йуллари ва воситаларини аниқ белгилашни тақозо этади. Тарих тушунчаси ҳақида 30 га яқин ёндошув ва тадқиқ этиш усуллари мавжуд. “Тарих” сўзининг лугавий маъноси, аслида, арабча бўлиб, ўзбек тилида “воқеалар, ўтмиш ҳақида ҳикоя қилиш” маъносини англатади.

Ўзбекистон тарихи жаҳон тарихининг таркибий қисми бўлиб, ўз предмети ва вазифаларига эга. Ўзбекистон тарихи фанининг предмети энг қадимги замонлардан бугунги кунгача халқимиз ҳаётида кечаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий жараёнларнинг юзага келиши, ривожланиши ва инкирозга учраши қонуниятларини ўрганишдан иборат. Бошқача айтганда, Ўзбекистон тарихи аجدодларимиз ҳаёти билан боғлиқ воқеалар ривожининг мантиги, сабаб ва оқибатларини, асрлар давомида тўпланган тажриба ҳамда сабоқларни ўрганади.

Ўзбекистон тарихини ўрганиш зарурати қуйидагилардан келиб чиқади.

Биринчидан, бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган халқларнинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Тарихий манбалар, халқ оғзаки ижоди намуналари юртимиз жаҳон тамаддуни бешикларидан бири бўлганини кўрсатади. Бу қадимий ва табаррук заминдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмлар яратилган ва сайқал топган. Милоддан аввалги ва ундан кейинги даврларда бунёд этилган иншоотлар, осори-атиқалар, бу заминда деҳқончилик, хунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳар-созлик санъати ривож топганидан далолат беради.

Мустақиллик шарофати билан аجدодларимизнинг илмий, ахлоқий ва диний билимлари, асрлар давомида турли соҳаларда тўплаган бой тажрибаси, қарашлари, миллий қадриятларини тўлиқ ўрганиш, уларни Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, мамлакатимизни буюк давлатлар қаторига кўтариш, халқ фаровонлигини юксалтиришдек олижаноб мақсадга хизмат қилдириш муқаддас бурчимиздир.

Иккинчидан, Ўзбекистон тарихини фан сифатида ўқитиб, ижтимоий жараёнларни чуқур таҳлил қилиш орқали ривожланиш қонуниятлари, сабаб ва оқибатларини аниқлаш ва тушунтириб бериш билан ёшларнинг илмий дунёқарашини шакллантириш, интеллектуал қобилиятини юксалтириш

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т., 1996. – Б. 38.

мақсадларига эришилади. Тарихий жараёнларнинг тасодифий, ўзаро боғланмаган эмас, аксинча, муайян ривожланиш қонуниятига, мантигига эга ҳодисалар эканлигини тушуниб етган онгли инсон алданмайди. Зеро, у ҳар бир нарсани ақл ва мантиқ тарозисига солиб кўради ва тўғри хулоса чиқара олади.

Учинчидан, Ўзбекистон тарихи миллатимизнинг ўзлигини англашига салмоқли ҳисса қўшади. Айнан Ўзбекистон тарихини ўрганиш жараёнида халқимизнинг ўзлигини англашга бўлган эҳтиёжи тўлароқ таъминланади. Президент Ислом Каримов таъкидлаган эдики: “Юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ гоё керак. Бу гоёнинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаш ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас”¹.

Тўртинчидан, мустақил давлатимизнинг кишилик жамяти тарихий тараққиётида ўзини оқлаган инсонпарвар демократик ривожланиш йўлини танлаши, турли сиёсий партиялар, ҳаракатлар ва бирлашмалар фаолиятида иштирок этаётган фуқароларнинг давлатимизнинг барқарор ривожланиши учун сиёсий онги ва маданияти юксак даражада бўлиши талаб этилади. Ўзбекистон тарихи фани жаҳондаги илгор демократик кучларнинг, давлатларнинг тажрибаларини умумлаштириш асосида фуқароларнинг сиёсий маданиятни шакллантириш орқали, уларни бошқариш ишларида иштирок этишида хатога йўл қўймаслик учун йўл-йўриklarини кўрсатиб бериш каби бир қатор сиёсий-амалий вазифаларни ҳам бажаради.

Бешинчидан, тарих ижтимоий фан сифатида барқамол авлодни тарбиялашда долзарб аҳамиятга эга. Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда”².

Тарихни илмий таҳлил қилиш, уни идрок этиш, юз берган жараёнлар орқали муайян даврни баҳолаш, ҳар бир давр кишилари муносабатини ўрганиш ва уни идрок этиш тарих назарияси тушунчасининг мазмунини белгилайди. Тарихни идрок этиш ва ўрганиш жараёнида тарих назариясининг йирик оқимлари вужудга келди.

Тарих назариясини *теологик* (илоҳият) нуқтаи назаридан идрок этиш, ўтмишни Аллоҳ идораси орқали тушуниш ва англаш ҳисобланади. *Метофизик* тарих назарияси ҳеч қандай чегараларсиз турли шаклларга қирадиган тушунчалар тизимидир. *Идеолистик* тарих назарияси асосан гоёлар, ахлоқий тушунчалар, маънавий руҳий кечинмалар асосида тарихга муносабат билдирилади. Тарихга *табиий* (натуралистик) ёндашиш - тарих назариясининг йирик оқими бўлиб, унда ҳиссиёт ва туйғу орқали инсон табиатига баҳо берилди. Ҳиссиёт ва туйғу орқали оламни англаш, ўтмишни баҳолаш бу оқимнинг моҳиятини белгилайди. *Материалистик* тарих назариясида – асосан иктисодий омилларга эътибор берилди. Унда тарихни

¹ Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т., 1999. – Б. 137–153.

² Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т., 1998. – Б.127.

йўналтирувчи куч сифатида тарих ҳақиқати ва моҳиятини моддий эҳтиёж орқали тушунишга ундайди. Инсоннинг тарихда тутган ўрнини аниқлашнинг *индивидуалистик*, яъни алоҳида шахс мисолида ва жамоатчилик, фуқаролар уюшмаси жиҳатларидан қараб фикр қилувчи тарих назарияси йўналишлари ҳам бор.

Тараққиёт бевосита тарих назариясининг асоси ҳисобланиб, тарих назарияси Геродот ва Фукидиднинг антик даврдаги тарихий ҳаракат кучи ҳақидаги тадқиқотларидан бошланади. Улардан фарқли Августин христиан черкови моҳиятидан келиб чиқиб, илоҳий давлат тарих назариясини яратди. Августин ва унинг издошлари тарихни илоҳийлаштиришга, тарих фалсафасини илоҳий тафаккур орқали идрок этишга даъват этган. Бу назария узокроқ яшади ва оммалашди.

Илмий тарихшунослик шакилланганга қадар фольклор ёки эпик тарихшунослик (герменевтика) воқеаларни ифодалаш усули ҳисобланган. Қадимий эпик тарихшуносликнинг асосини тарихийлик ва бадиийлик ташкил этиб, ҳозирги вақтда эпос ва тарихшунослик илмда икки хил мазмунга эга. Тарих - фан ҳисобланади, эпос эса - санъат. Фан ва санъат турли методларга ва ўзига хос хусусиятларга эга.

Қадимги тарихчиларнинг асарлари эпик тарихшунослик шаклида шаклланди. Энг қадимги тарихий манба Геродотнинг (мил. ав. V аср) «Тарих» китоби ҳисоблансада, биринчи илмий тарих Фукидиднинг (мил. ав. V-IV) асаридир. Полибийнинг (мил. ав. II аср) «Умумжаҳон тарихи» эса энг муҳим давлатларни ўзаро боғлиқликда тасвирлаган биринчи асардир. Унда биринчи марта амалий (прагматик) тарих ибораси учрайди. Шарқ тарихчиларидан биринчи бўлиб Ат-Табарий тарихий воқеаларни аниқ тарихий далиллар асосида («Таворихи Табарий») ёза бошлаган. Натижада Наршахий ва Беруний дастлаб маҳаллий тарихшуносликда далилий илмий тарих яратдилар.

XVIII асрда тарих назариясида янги таълимот пайдо бўлди. Янги гоё - тарихда якка шахслар, индивидуализм орқали ҳаётни англаш, ҳаёт қонуниятлари ана шулар таъсирида амалга ошишини истайдиган, жамиятни руҳлантиришга мойил бўлган гоёлар Августин назариясини синдирди. Гегель дунёвий ақл, умуминсоний тафаккур, инсоният фоолияти ва идроки уйғунлиги асосида вужудга келган, онг ва тафаккур ҳукмрон бўлган яхлит борликни тарих деб тушунади. Гегельнинг тарихга муносабати тарих фалсафасининг янги даврини очиб берди.

XIX аср ва XX аср бошида вужудга келган тарих назарияси XVIII аср тарих назарияси билан маълум даражада яқинлашди ва айрим ҳолларда у билан баҳс ҳам юритади. Бу даврлардаги тарих назарияси айрим пайтларда тарихийликка, тарихий ҳақиқатга, Артур Шопенгауэр, Освальд Шпенглер мисолида тушкунликка, пессимизмга мойил, баъзида эса Арнольд Тойнби каби оптимизм ва баланд руҳдаги мушоҳадалар оқимига огиб туради. Айни пайтда илоҳий тарих назарияси кўпроқ ёйилмоқда.

Марксизм асосчиларининг тарихий материализм гоёси тарихни назарий умумлаштириш, унинг асосий қонуниятларини ўрганишга

багишланган ўзларига хос «илмий» гоёни илгари сурдилар. Коммунистик мафкура назариётчиларининг турли «изм»лари кишилик тарихининг ҳаёт ҳақиқатини тўла қамраб ололмади. Марксистик мафкура инсонинг тарихий тафаккури ва қаршлари холис, эркин ривожланишига шахснинг озод яшашига имкон бермади. Бир гоёни, концепцияни илгари сурганлар. Ўз мақсадлари доирасидан келиб чиқиб тарихга ёндашдилар. Натижада тарихга ноҳолис қараш, бир ёкламалик тенденцияси вужудга келиб, тарих сохталаштирилди.

Ўтмишни баҳолашнинг холисона йўли унга ҳаёт ҳақиқати, шахс ва жамият ўртасидаги боғлиқлик, уйғунлик, жамият тараққиётидаги муносабатлар, манфаатлар орқали баҳо беришдир. Ҳақиқий тарих фани - бу инсон ва тарих, инсон тақдири ва тарихий жараён, инсоният тараққиёти ва воқеалар ўртасидаги аниқ боғлиқлик маҳсули сифатида дунёга келади. Гегель ибораси билан айтганда тарих фани бу - дунёқарашлар, тарихий тафаккур ва тарих хотираси ҳақидаги фандир. У маънавий феномени сифатида инсон ва тарихий тафаккур ўртасидаги боғлиқликни ўрганади. Тарих давлатчилигидан бошланади, «халқ давлат қурилишисиз ҳеч қандай тарихга эга эмас», - дейди аллома.

Тарих фанининг объекти ва методологияси. Тарих назарияси реал тарихий жараённи тафаккур орқали англаш, тарихга инсон ақли ва феъл атворининг маҳсули, манфаатлар натижаси сифатида ёндошиш тарихий жараённинг назарий интерпретациясидир.

Тарих назарияси инсон ва табиат, инсон ва жамият, одам ва олам ҳақидаги назарий билимларнинг алоҳида соҳаси бўлиб, унда асосан инсоният тарихи асослари, тарихий жараён ва унинг моҳияти кишилик жамияти тараққиёти босқичлари ҳақида сўз юритилади, улар илмий-назарий тадқиқ этилади.

Тарих назарияси турли йўналишларда тадқиқ этилади: теологик, метофизик, идеалистик, натуралистик, материалистик, индивидуалистик ва коллективчилик йўналишлар.

Тарих назариясининг илдизлари Герадот ва Фукидид қарашларидан бошланиб Полибий, Плутарх қарашларида шакллана бошлади. Августин илоҳий давлат тарихи назариясини яратди. 18-асрда жаҳон тарихи назариясининг йўналишлари тубдан ўзгарди. Лейбниц тарихда метофизика – яъни кучлар ва гоёлар устивор деб тушунса, Гегель тарихда инсон ақли ва тафаккурини устун қўяди.

XIX-XX асрларда тарихни англашда мавҳум мантиқ ва тарихни билиш назарияси билан бир қаторда А.Шопенгауэр, Я. Бургхардт, О.Шпенглер тарихни тушкунлик орқали англаш, А.Тойнби оптимизм, марксизм асосчилари тарихий материализм гоёларини илгари сурди.

Олимлар тарихий тафаккур Юнонистондан Европага кўчганини, Гарб таффакури қадимий Юнон фалсафаси тасирида дунёга келганини, кейинчалик Шарққа кўчганини таъкидлайди.

Шарқда тарихни назарий англашнинг йўналишлари: тарихшунослик, тарихнавислик, манбашунослик, фалсафа ва бошқа соҳалар каби аниқ бир

йўналиш сифатида шаклланмаган бўлсада, ана шу сохалар билан бирга демократия, маданиятшунослик, аҳолишунослик, социология, рухшунослик ва бошқа ижтимоий фанларнинг яхлит, уларнинг барча талабларини ўзида мужассам этган тарихий-бадий, фалсафий-мантикий тадқиқот сифатида юзага келди. Буни Берунийнинг «Алжавоҳир», «Тавдид», Мирхондининг «Равзат-ус-сафо» ва бошқаларнинг асарлари мисолида куриш мумкин.

Шарқда тарих тушунчаси ўзига хос жиҳатларга эга. Фаробий қарашларига кўра жамият таракқиётини илоҳий қонунлар бошқаради. У Аристотелнинг жамият ҳақидаги таълимотини бойитди. Беруний тарихий таракқиёт босқичларини табиат, астрология, астрономия; кеча ва кундуз, фасллар алмашуви орқали ўрганади. «Ҳиндистон», «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарларида инсоният тарихини англашда янгича ёндашади. Беруний дунё тарихшунослигида асотрлардан илмий билиш ва дунёвий таълимотга ўтишда муҳим ҳисса қўшди.

Шарқ тарих фалсафаси бир неча йўнашларда кўзга ташланади: жумладан, подшоликлар тарихи бадий ифода ва образлар орқали очиқ берилади. Воқеалар таҳлили ибратли ахлоқий меъёрлар билан муштарак ҳолда олиб борилади. Айрим ҳолларда тарихга географик-худудий жиҳатдан ёндашилади. Саёҳатномалар орқали жамият тарихи яратилади. Подшоликларнинг бошқарув усули, сиёсати очиқ берилади.

Вақт ўтган сари таффақкурнинг янги қирралари ўзининг имкониятларини намоён этади. Натижада одам ва олам, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар такомиллашиб боради. Натижада тарих назарияси тушунчаси кенгайди. Ижтимоий фанларнинг муҳим йўналиши сифатида унинг предмети ва тадқиқот объектига аниқлик киритилди. Оқибатда у бугунги кунгача бўлган таракқиёт йўлини ўтди. Ҳозирги замон тарих назарияси олдида турган энг муҳим вазифалар қуйидагилардан иборат:

1. инсоният тарихи ривожланиш қонуниятларининг манбалари ва моҳиятини ўрганиш;
2. инсоният тарихини, жумладан миллий тарихни коммунистик мафкура асосидаги илмий методология тамойилларидан воз кечиш, миллий гоа асосида ўрганиш ҳамда даврлаштириш муаммосини ҳал этиш;
3. цивилизациялар ва маданиятлар юзага келишининг яхлит тизимини ишлаб чиқиш, инқирози сабабларини таҳлил этиш;
4. тарихий жараённинг умумий шаклини таҳлил этиш, уларни ўтмиш, бугун ва келажак тизимида мантиқан ўрганиш ҳамда инсоният истикболи ҳақида тасаввурларга аниқлик киритиш;
5. тарихий таракқиётни диний ва дунёвий қонуниятлар асосида ўрганиш, назарий-илмий ва амалий жиҳатдан асосланган ҳулосаларни ишлаб чиқиш;
6. қадриятлар тизимини ҳозирги замон талаблари нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ва баҳолаш;
7. инсоният тарихида тўпланган моддий, маънавий ва маданий қадриятларнинг тарихий таҳлил орқали мантикий ва фалсафий асосларини ўрганиш;

8. тарихни англашнинг янги йўналишларини ҳозирги замон фалсафий таффақкур мезонлари асосида белгилаш, тарихнинг мураббийлик ролини ошириш;

9. яхлит инсоният тарраққиёти омиллари ва манбааларини ўрганиш, шу асосда жаҳон тарихий тарраққиёт истиқболларини белгилаш;

10. тарих фани предмети ва методологиясини ҳозирги замон талаблари асосида қайта ишлаб чиқиш, тарихни тадқиқ этишнинг турли йўналишларини, жумладан, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, санъат, дин тарихи ва этногенезис йўналишлари билан муштарак ҳолда инсоният тарихи моҳиятини очиқ бериш;

11. ҳуқуқ ва давлатчилик тарихи, социология, антропология инсоншунослик, инсон социогенези каби фанлар билан боғлиқ ҳолда яхлит тарихини идрок этиш.

2-§. Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг илмий-назарий ва услубий асослари

Тарихни ўрганишнинг илмий-назарий ва методологик асослари деганда воқеа, ҳодиса, жараёнларни, тарихий шахсларнинг фаолиятини тўғри, ҳаққоний ёритиш, ҳолисона таҳлил қилишнинг умумэътироф этилган, шунингдек хусусий қонун-қоидалари ва услублари мажмуи тушунилади.

Ўзбекистон тарихининг илмий-назарий ва методик асослари қуйидаги ҳужжатларда ўз аксини топган:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари;
- Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлар;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларидаги илмий ҳулосалар ва методологик кўрсатмалар;
- Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ички ишлар вазирлигининг қарор ва кўрсатмалари;
- жаҳон ва Ўзбекистон тарихига оид илмий адабиётлардаги ҳулосалар.

Қайд этилган ҳужжатлар таркибига кирган учта манбани алоҳида кўрсатиш лозим деб ҳисоблаймиз. Булар биринчи президент Ислон Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон тарихини яратиш ва нашр қилиш тўғрисида» (1996 й.) ва «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги (1998й.) қарорларидир. Ушбу ҳужжатларда Ўзбекистон тарихини яратиш ва ўрганиш муаммолари, концепцияси, илмий-назарий асослари батафсил ёритилган.

Ўзбекистон тарихи фани бошқа ижтимоий фанлар каби ўзининг муайян қонун-қоидаларига эга. Улар умумий ва махсус усулларга бўлинади. Жумладан, умумийларига, диалектик метод, объективлик (ҳолислик), тарихийлик ва бошқа бир қанча қоидаларни киритиш мумкин. Тарихий ҳодисаларни чуқурроқ ўрганиш учун махсус усуллардан фойдаланилади.

Уларга: статистик, математик, социологик тадқиқот усулларини киритиш мумкин. Айнан шу жиҳатлар тарихий ҳодисаларнинг миқдор ва сифат ўзгаришларини таҳлил қилиш асосида илмий хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

Диалектик метод - оламнинг ягона ва яхлит эканлиги, унда содир бўлаётган ҳодисалар, воқеаларнинг умумий ва ўзаро боғлиқлиги, узлуксиз ҳаракатда эканлиги, зиддиятли ривожланиши ҳақидаги таълимотдир.

Диалектик методология Ўзбекистон тарихини жаҳон, шунингдек Марказий Осиё халқларининг тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрганишни тақозо этади. Ҳақиқатан ҳам, Марказий Осиё ушбу ҳудудда яшовчи халқлар учун ягона иқтисодий ва маънавий макон бўлиб келган. Мазкур улкан ҳудудда яшовчи уруг, қабила, қавм, элатлар этник жиҳатдан ўзаро таъсир ва алоқада бўлган. Шу сабабли, Ўзбекистон тарихини қўшни мамлакатлар тарихи билан боғлиқ ва бир халқни иккинчисига қарама-қарши қўймаган ҳолда ўрганиш керак.

Объективлик. Тарихий воқеаларни ўрганишнинг ушбу асосий қоидаси бутун борлиқнинг, ҳар бир тарихий ҳодисанинг инсон хоҳиш-иродасига боғлиқ эмаслигини таъкидлаган ҳолда, уларни қандай бўлса шундайлигича, холисона, ҳеч қандай ўзгартиришларсиз, аниқ ҳужжатлар, ишончли далиллар асосида, уларнинг кўп қиррали, қарама-қарши салбий ва ижобий томонларини бир бутун яхлит ҳолда, бир қутбга жамланган ҳодиса сифатида ўрганиш демакдир. Объективлик тарихий ҳодисалар ва шахсларни сиёсий ва мафкуравий қарашлардан холи таҳлил этилишини тақозо этади.

Тарихийлик. Тарихий воқеаларга аниқ бир тарихий давр ичида биринкетин пайдо бўлган тарихий жараён сифатида қарашни талаб қилади ҳамда уларнинг бир зарурий босқичдан иккинчи зарурий босқичга ўтиш изчиллигини очиқ берувчи қалит ҳисобланади. Бу қоида ҳар бир ҳодисани, энг аввало, унинг келиб чиқишидаги тарихий шарт-шароитларни ўрганишни, сўнгра жаҳондаги бошқа воқеалар ривожига қандай таъсир ўтказганлигини, улар билан ўзаро алоқасини таҳлил этиб, илмий хулосалар чиқариш зарурлигини эътироф этади. Бошқача айтганда, тарихий ҳодисалар ва шахслар фаолиятини таҳлил қилишда ҳар бир даврнинг ўз мантигидан келиб чиқиши зарур. Акс ҳолда, нотўғри хулоса чиқарилиши муқаррардир.

Миллий ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиш. Миллат ва элатлар ўзаро тенг ҳуқуқли бўлиб, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига эга. Шу боис, тарихий воқеа ва ҳодисани ўрганишда миллий ва маҳаллий хусусиятларни, яъни ҳар бир миллат ва элатнинг тили, дини, ҳудуди ва ишлаб чиқариш усули, руҳияти, урф-одатлари, расм-русмлари, анъаналари ва маросимларини тўлалигича, ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда ўрганиш ва иш юритиш муҳим. Мазкур қоидага риоя қилиш ўтмиш замонлардаги каби қабилх ниятлар яширинган мустамлакачилик сиёсатининг «прогрессив» натижалари ҳақида ҳаёлий хулосалар чиқаришга имкон бермайди.

Дарҳақиқат, ўша даврга чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатини амалга ошириш учун қурилган темир йўл, телеграф ёки саноат корхоналарига қараб эмас, балки 1917 йилгача Марказий Осиёда умумий аҳолининг

95 фоизидан ортикрогини ташкил қилган маҳаллий халқнинг турмуш даражаси қандай ўзгарганлиги, сиёсий, иқтисодий ҳуқуқлари қандай рўёбга чиқарилгани, миллий ва маънавий эҳтиёжлари қай даражада қондирилгани, турмуш тарзи, эътиқоди ихтиёрий ёки мажбурий равишда ўзгартирилганига қараб баҳо бериш илмий жиҳатдан тўғри бўлади.

Ижодий ёндашув. Объективлик ва тарихийлик омилларини тўлдириб турувчи омиллардан биридир. Илм-фан бир жойда тўхтаб қолмайди, яъни янги манбалар очилади, изланишлар орқали янги илмий ҳулосалар чиқарилади. Улардан тарихий жараёнлар, шахсларни баҳолашда фойдаланиш объектив ҳақиқатни тиклашга ёрдам беради.

Бундан ташқари, ижодий ёндашув ҳар бир манбанинг асл нусха ёки сохта эканлигини қайта-қайта текшириб кўришни, уларни муайян шароитларда ҳисобга олиш ва қиёслашни талаб этади.

Тарихни ўрганишда ижтимоий ёндашув қондаси. Тарихда ҳеч бир жамият бир хил аҳоли қатламидан иборат бўлмаган. Барча даврларда турли жамиятларда айни вақтнинг ўзида ҳар хил ижтимоий тоифалар, синфлар, табақалар яшаб, ҳамкорлик қилганлар. Манфаатлар турлича бўлгани боис улар ўртасида зиддиятлар пайдо бўлган, лекин айнан шу зиддиятлар жамиятни тараққиётга етаклаган. Ижтимоий ёндашув тарихий жараёнларни, аҳолининг барча табақалари манфаатларини, турли таъсир этувчи омилларини ҳисобга олиб, бирини иккинчисидан устун қўймаган ҳолда ўрганишни тақозо этади.

Инсоният тарихини ҳозирги цивилизация талаблари нуқтаи назаридан баҳолаш, ўтмишга бугунги кун эҳтиёжи билан қараш заруратга айланди. А.Тойнби «XX асрда ялпи жаҳон тарихи бошланади», деган эди. Дарҳақиқат бугунги дунё «умумий макон» тақдири билан боглиқ ҳолда инсоният келажакка дахлдор бўлган интилишлар ва мақсадлар интеграциясини вужудга келтирмоқда. Ҳар қандай миллат ёки макон тарихий тақдири глобал моҳият касб этмоқда.

Ҳарб дунёқарашда икки йўналиш мавжуд: 1) оламни англаш ва уни тушунтиришда тафаккур имкониятларидан фойдаланиш, дунёни рационал талқин этиш ва у ҳақдаги тасаввурларни илгари суриш; 2) инсон, унинг иродаси мавжудлиги ва бошқа фазилатларни ўзида мужассам этган қадриятлар тизими ҳақидаги қарашлар.

Шарқда тарихни ўрганишнинг асосан икки йўналиши мавжуд. Бу бевосита табиат, табиий ҳодисалар, оламнинг яралиши билан боглиқ бўлган йўналишлар, иккинчиси эса инсоннинг дунёга келиши, инсоният тарихи билан боглиқ бўлган кишилиқ ҳаётининг вужудга келиши, инсоният тарихий-тадрижий ривожининг босқичлари, моҳияти, мазмунини қамраб олган тарихий-фалсафий, маънавий-ахлоқий ҳамда буларнинг барчасини ўзига мужассам этган мантиқий таҳлил ва тадқиқ ташкил этади.

Ҳар бир тарихчи ўз даври ижтимоий тузуми, унинг мазмуни ва қадриятлари нуқтаи назаридан ўтмишга ёндашади ва ана шу қарашлар ҳамда эҳтиёжлар асосида тарихий тараққиётга баҳо беради. Бироқ тарихий жараёнларга, маълум воқеа-ҳодисаларга ички ва ташқи таъсир - жамият

маънавий, ижтимоий, йқтисодий асослари ва табиий ҳодисалар моҳияти, улар таъсирида келиб чиққан реал воқелик ўзаро боғлиқликка тадқиқ этилмоғи лозим. Чунки унинг замирида табиий ва ижтимоий-тарихий тараққиётнинг бутун моҳияти ҳар икки йўналишда намоён бўлади.

Шунинг учун ҳам атоқли тарихшунос Аҳмад Заки Валидий ўзининг «Тарихда усул» номли китобида «ўз ҳаётимизни тадқиқ этар эканмиз, кўрамизки, бизнинг бутун борлигимиз асосан икки нарсага боғлиқдир. Бир томондан эҳтиёжларимизга мувофиқ келувчи ёки уларга терс келувчи ташқи аҳвол, шарт-шароитлар, бошқа томондан эса шахсий хоҳиш-истакларимиз мавжуд. Жамият ҳам худди шундай мавжуддир. Умумий шарт-шароит, масалан, зилзилалар, осмондан ёгиладиган ҳар хил офатлар, урушлар ва ваболар, иқлимнинг ўзгариб кетиши каби табиий ҳодисалар билан бирга алоҳида индивидуал гуруҳий истак инсониятнинг ички таъсир қувватлари инсонлар борлигида қатъий таъсир кўрсатувчи омиллар вазифасини ўтайди», деб ёзади.

Аҳмад Заки Валидий Тўгон инсоният тарихини ўрганиш ва тарих фалсафасининг назарий-методологик жиҳатларини ишлаб чиқар экан, қуйидаги тамойилларни илгари суради:

- тарихнинг теократик ва дуалистик талқини;
- тарихни материалистик тушуниш;
- тарихнинг позитивистик талқини;
- тарихни идеалистик тушуниш;
- тарихни экспрессионистик талқини;
- тарихнинг гуманистик талқини ва ҳоказолар.

Шуни алоҳида эътиборга олиш керакки, Шарқ назарий тафаккури Ғарб фалсафий тафаккуридан тубдан фарқ қилади. Бу бевосита диний ва дунёвий қарашларнинг уйғун ҳолда вужудга келгани, жумладан, ислом таълимоти, инсон, табиат ва бутун борлиқ ўртасидаги дахлдорликни, уларнинг ўзаро боғлиқ жиҳатларининг мавжудлигига қаратилганлиги бўлса, иккинчи муҳим жиҳати - инсон ҳаёт гултожи сифатида қалб ва туйғу олами, покиза руҳ ва ахлоқ тимсоли сифатида кўринишидир. Бу бевосита турмуш тарзи, урф-одатлари орқали яхлит жамият маънавий қиёфасини, тарихий-тараққиёт моҳиятини белгилайди.

3-§. Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг асосий манбалари ва уни даврлаштириш.

Ўтмишни ўрганишда тарихий манбалар ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Улар шартли равишда моддий ва ёзма манбаларга бўлинади. Моддий манбаларга меҳнат қуроллари, ҳарбий аслаҳалар, танга пул, уй-жой, қабр, идиш-товоқ, деворий тасвир, қалъа, шаҳар кабилар киради. Ўзбекистон тарихига тегишли моддий манба намуналари республикамиз музей ва кўرғазмаларида ўз аксини топган. Қадимий Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Термиз, Тошкент, Маргилон каби шаҳарларнинг ўзи ҳақиқий тарихий

маълумотлар манбаларидир. Улар ёзма маълумотлар бўлмаган ёки йўқотилган қадимий даврларни ўрганишда айниқса катта ёрдам беради.

Ёзма манбаларга тош, дарахт пўстлоғи, тери, суякларга ёзилган битиклар; китоб ва қўлёзмалар, давлат бошлиқлари, бошқарув органлари, сиёсий ва жамоат ташкилотларининг ҳужжатлари; турли мулкӣ муносабатлар акс эттирилган қоғозлар ва шу қабилар қиради.

Республикамиз Конституцияси, умумий ва олий таълимга оид қонунлари, ҳукумат қарорлари ҳамда Ўзбекистон Президентининг фармонлари тингловчи ва талабалар учун асосий тарихий манба бўлиб хизмат қилади. Бу борада Биринчи Президент Ислоҳ Каримовнинг асарларини алоҳида қайд этиш зарур. Уларда ўтмишни ўрганишнинг моҳияти ва методологияси, юксак маънавиятни шакллантириш, ўзликни англашнинг маънавий тараққиёт учун аҳамияти, тарихий, миллий қадриятлар, диний эътиқодларни тиклаш қабӣ муаммолар баён этилган бўлиб, уларни билиш ва амалда қўллаш ўсиб келаётган ёш авлод учун ниҳоятда муҳим вазифадир. Бундан ташқари, улар ўтмишга ва бугунги қунимизга тааллуқли бой тарихий маълумотлар келтирилган манба ҳисобланади. Мисол тариқасида Ислоҳ Каримовнинг тарихни ўрганишга оид баъзи гоёларини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир: “Тарих бу бизларники, аччиқ бўлса ҳам, чучуқ бўлса ҳам, у биз учун ҳаётдан сабоқ ва ҳулосалар чиқариш учун хизмат қилади”¹. “...Халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан ҳолис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади”².

Ҳозирги кунда Ўзбекистон қутубхоналарида тарихга ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига бағишланган 25 мингдан ортиқ қўлёзма, 28 минг тошбосма нодир асарлар сақланади. Республикамиз қутубхоналарида тарихнинг турли жабҳалари ёритилган минглаб илмий, публицистик, бадий адабиётлар, даврий матбуот материаллари мавжуд бўлиб, ҳар қим уларни ўрганиш орқали Ўзбекистон тарихи ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши мумкин.

Тарихий тадқиқот учун ҳужжат, қўлёзма, адабиёт, санъат, бадий ёки маданий ёдгорликлар манба бўлиши мумкин. Тарихчи ўтмишни ўрганишни ва тарихий воқеаларга баҳо бера олиши учун бир неча соҳаларни билиши лозим. Жумладан: полеография, сфрагистика ва геральдика, дипломатика, эпиграфика, нумизматика, хронология ва метрологи, археография ва бошқ.

Ўзбекистон тарихини ўрганишда уни тўғри давраштираш катта аҳамиятга эга. Бугун тарихни давраштирашга турлича ёндашувлар юзага келган. Масалан, собиқ советлар даврида кишилиқ жамиятининг ривожланиши формацияларга, яъни ибтидоий жамоа тузуми, қулдорлик тузуми, феодализм, капитализм, социализм ва унинг юқори босқичи коммунизмга бўлиб ўрганилган.

XX аср охири ва XXI аср бошларидаги воқеалар бу усул ўзини оқламаганини, зеро бир формациянинг, яъни даврлар алмашинувининг

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т., 1999. – Б. 45.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас қуч. – Т., 2008. – Б. 97.

ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишидаги номутаносибликлар билан изоҳлаш ўзининг номукамаллигини кўрсатди. Материя бирламчи, онг иккиламчи эканлиги тўғрисидаги материалистик фалсафий гоялар жамият ривожланишида маънавиятнинг аҳамияти камситилиши ва ижтимоий ҳаётнинг таназзулга юз тутишига сабаб бўлди.

Тарих фанида даврлаштиришга бошқача ёндашувлар ҳам мавжуд. Масалан, археолог олимлар тарихни меҳнат куроллари ясалган хомашёга, саноат ривожланишининг даражаси, маданиятнинг паст ёки юксаклиги каби омилларга қараб даврлаштирадilar. Бу ҳар гал тадқиқотчиларнинг қандай мавзунини танлагани, қандай мақсадни ўз олдига қўйганига қараб амалга оширилган.

Бугун олимлар Ўзбекистон тарихий тараққиётини қуйидаги йирик даврларга бўлиб ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар:

- ибтидоий жамоа тузуми;
- қадимги давр: давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши;
- Ўрта асрлар даври;
- Чор Россияси мустамлакачилиги даври;
- мустабид совет ҳокимияти ҳукмронлиги даври;
- миллий истиқлол даври.

Мазкур даврлаштириш ҳам камчиликдан холи эмас, шу боис олимларимиз бу масала устида ишлаб, уни такомиллаштириши мақсадга мувофиқ.

Жамият тарихи воқелик сифатида табиат тарихидан фарқ қилади. Чунки жамият тарихини одамлар яратади, табиат эса ўз қонуниятлари доирасида ривожланади. Объектив тарихий шароитда вужудга келган жамият ўша давр одамларининг таффаққури ва иродасидан келиб чиққан ижтимоий ҳодисадир.

Инсоният тарихи - минг йиллар давомида шаклланган, халқлар, миллатлар, давлатлар тарихини қамраб олади. Жамият тараққиёти қонуниятларини ўрганиш учта асосий, ўзаро алоқада бўлган йўналишдан иборат:

-тарихий билимлар инсоният реал тарихи, унинг ривожланиш босқичлари билан боғлиқ бўлган узлуксиз жараён.

-ижтимоий ҳаётнинг алоҳида соҳалари ёки бокеликларини таҳлил қиладиган, уни тушунтириб берадиган ижтимоий гуманитар фанлар тизими;

-жамиятнинг умумий назарий қонуниятларини, жамият ҳақидаги тасавурларни, ижтимоий-тарихий босқичларини ўрганадиган тарихий ва аниқ ижтимоий фанлар методологик асосларига хизмат қиладиган сиёсий ва фалсафий-социологик билим.

Анна шу уч йўналиш кишилиқ жамияти ҳақидаги анъанавий тасавурларни фан шаклидаги билимларга айлантирди.

Жамият, табиат тараққиётидан фарқли ҳолда чекланган вақт ва фазо муносабблиги маҳсули сифатида ҳам юзага келади. Табиат табиий ўзгаришлар ва янгилашлар ҳодисаси бўлса, жамият илмий амалий, доимо

Ўзгариб турадиган, замон ва макон эҳтиёжлари асосида қуриладиган, маълум ижтимоий гуруҳ, халқ, мамлакат манфаатлари устиворлигининг маҳсули сифатида вужудга келади.

Тарихни англаш тушунчаси турли давларда турлича талқин этилган. Натижада тарихий билим ва тарихнинг англашнинг хилма хил шакллари юзага келди. Хусусан, тарихий жараёни тарихий-хронологик тарзда ўрганиш; маълум бир даврда юз берган тарихий жараён ва ҳодисаларни тарихий-назарий ўрганиш.

4-§. Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг талабалар фаолиятидаги ўрни

Маълумки, тарих фанини ўрганиш масаласи республикада давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки тарих инсоннинг ўзлигини англаши, ўзида юксак маънавиятни шакллантиришида муҳим ўрин тутди. Биринчи Президент Ислам Каримов таъбири билан айтганда, “тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Ўзбекистон тарихини чуқур ўрганиш жараёнида қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлинади:

- юртимиз заминида етишиб чиққан буюк алломалар, давлат арбоблари, саркардаларнинг мамлакатни адолатли бошқариш, жамиятда тинчлик ва оқилолликни сақлаш, инсонларда юксак маънавиятни шакллантириш борасидаги улкан ва қимматли илмий ва адабий меросини ўз онгига синдириш ва ундан мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, юрт фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда фойдаланиш талабаларнинг муқаддас бурчидир;

- тарихни ўрганиш жараёнида жамиятда амалга оширилаётган хайрли тадбирлар туфайли юртда тинчлик ва фаровонлик таъминланиши, аксинча, ҳар қандай чуқур ўйланмай кўрилган чоралар мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий беқарорлиги ва таназзулига сабаб бўлишини англайдилар;

- тарихий билимларни ўзлаштириш жараёнида улар ижтимоий-сиёсий жараёнларни таҳлил қилиш ва мустақил ҳулосалар чиқаришни ўрганадилар, уларга асосланган ҳолда воқеа-ҳодисалар оқибатини ва келажакни башорат қилиш кўникмасига эга бўладилар. Бу пировардида, талабалар ва ирригация ходимларининг тарихий тафаккурини шакллантиришда муҳим омил бўлади. Тарихий тафаккур, ўз навбатида, ўзликни англашнинг муҳим воситасидир;

- тарих халқларнинг озодлик, Ватан мустақиллиги учун олиб борган кескин курашлари жараёнида юзага келган. Аждодларимиз Ватан озодлиги йўлида жонларини фидо қилганлар. Ушбу мисоллар орқали талабалар фақат мустақил юртда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишига, улар тараққиёт, фаровонлик, адолат қарор топган шароитда юзага чиқишига ишонч ҳосил қиладилар. Бу эса пировардида ватанпарварлик, инсонпарварлик, адолатпарварлик каби туйғуларни шакллантиради;

- кишилик жамиятининг келажакини нафақат юксак иқтисодий тараққиёт, илгор технологиялар, балки юксак маънавият ҳам белгилаб бериши тарихий ҳақиқатдир. Биринчи президент Ислам Каримов бу борада

шундай фикр билдирган эди: “...Инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган кушнинг икки канотига киёсласак, ўйлайманки ўринли бўлади”¹;

- тарих юртда осойишталик, жамиятда барқарорликни таъминлаш, аҳолининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнидир. Ушбу тарихий тажрибани ўзлаштириш, жамиятда ишлаб чиқариш ва бошқарув ўртасидаги мувофиқликни билиш талабаларнинг бугунги амалий фаолияти учун аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, талабаларнинг Ўзбекистон тарихи фанини билиши нафакат уларнинг илмий дунёқараши ва тарихий тафаккурини бойитади, балки уларнинг амалий фаолияти учун ҳам зарурдир. Президент Ш.Мирзиёев “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида сўзлаган нутқида: “Маълумки, тарихда халқимиз орасидан кўплаб буюқ саркардалар етишиб чиққан. Ана шундай мард ва фидойи аждодларимизнинг ҳарбий соҳадаги бой мероси, мардлик ва жасурлик фазилатлари ёшларимиз учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади,”² - деб таъкидлади.

Таянч сўзлар: тарих, назария, методология, метод, услуб, даврлаштириш: ибтидоий жамият, ўрта асрлар, янги давр, энг янги давр.

І-бўлим. Қадимги дунё.

(Мил. авв. 1 миллион йилликдан – милодий III асргача)

І-боб. Қадимги тарих - тараққиётнинг бошланиши.

1-§. Қадимги тузум. Энг қадимги одамлар. Уруғчилик жамияти

Қадимда одамлар яратган кўп нарсалардан бугун ҳам фойдаланаяпмиз, булар: меҳнат қуролилари, сопол буюмлар, гилдирак, сопол сув қувурлари, газламалар, ёзувлардир. Қадимги замон муаллифлари ёзиб қолдирган асарлар ҳозир ҳам кишиларга сабоқ ва тарбия бермокда. Олимлар қадимги шаҳарларни топиб, қазилмалардан чарм, сопол, тош, ва тангаларга битилган сирли ёзувларни ўқишди. Булар археологик топилмалардир. Қадимги

¹ Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008. – Б. 67.

² Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. –Б.534.

битикларни ўрганиш билан эпиграфика, тангаларни ўрганиш билан нумизматика фанлари шугулланади.

Инсоният содда меҳнат қуроллари яшадан то ҳунармандчилик дурдоналари яратишга қадар, энг оддий уй-жойлар қуришдан то шаҳарлар бунёд этишга қадар узок йўлни босиб ўтди. Энг қадимги шаҳарлар, ёзув, давлатлар ташкил топиши ва ривожланиши даврини олимлар **цивилизация** деб атайдилар. Дастлабки цивилизациялар тарихи Қадимги Шарқда, сўнгра Юнонистондаги Крит оролида бошланган эди, жумладан Ўзбекистон худудида ҳам вужудга келган¹.

Қадимги дунё тарихи - ер юзид аодам пайдо бўлганидан то милодий 476-йилда Ғарбий Рим империяси кулаганига қадар кечган воқеалардир. Бу тарих турли археологик ва ёзма манбалар асосида ўрганилади. Қадимги дунё тарихи Қадимги Шарқ, Юнонистон ва Рим аёнлари ва подшоларининг йилномалари, қонунлари ва биографияларида акс эттирилган. Уларда жанглар, ибодатхона, сарой ва қалъалар қурилиши, ҳунармандчилик ва деҳқончилик, ва қадимги фанлар ва санъат ҳақида ҳикоя қилинади.

Олимлар ўқиган қадимги матнлар «Пирамидалар матнлари» ва «Мархумлар китоби» - мисрликлар тарихи ҳақида, «Ригведа» - ҳиндлар, «Авесто» - Ўрта Осиё халқлари тарихидан ҳикоя қилади. Нил водийсидаги Миср пирамидалари, Дажла ва Фрот оралигидаги Бобил, Ҳинд водийсидаги Мохенждаро, Эрондаги Персепо́л, шунингдек Юнонистон, Рим ва Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарлари бутун жаҳонга машҳур. Тарих кўп нарсаларни ўргатади, шунинг учун уни «Буюк ўқитувчи» деб аташади.

Инсониятнинг қадимги тарихини археолог, антрополог, этнограф олимлар ўрганади. Археологлар - қадимда одамлар яшаган манзилгоҳларда қазишма ишларини амалга оширадилар. Антропологлар - қадимги одамларнинг суяк қолдиқларини текшириб, ташқи қиёфасини тиклайди ва ривожланишини ўрганадилар. Этнографлар - қадимги одамларнинг удумлари, ҳозирда мавжуд қабилалар ва элатларнинг саклаб қолган хўжалик ва маданий анъаналарини ўрганадилар.

Ўлкамиз энг қадимги тарихининг кенг ўрганилган манбалари - археологлар топган *моддий* манбалардир. Моддий (ашёвий) манбалар: меҳнат қуроллари, сопол идишлар, қурол-аслаҳалар, зеб-зийнат буюмлари (тақинчоқлар), хуллас қадимда инсон қўли билан яратилган ҳамма нарсалардир. *Ёзма манбалар* топилиши билан олимларга қадимги мингйилликлар тарихини тиклаш осонлашди.

Ўрта Осиё тарихи бўйича энг қадимги *ёзма манба* - зардуштийларнинг муқаддас китоби «**Авесто**»дир. Унда юртимизнинг қадимги тарихий вилоятлари - Бактрия, Сўгд, Хоразм аҳолиси маданияти тўғрисида ҳикоя қилинади. Қадимги давр тарихига доир яна бир ёзма манба - Эрондаги Кирмоншоҳ шаҳри яқинида жойлашган Беҳистун қоясидаги ёзувлардир. Форс шоҳи Доро I буйруги билан қояга ўйиб ёзилган ёзувларда Хоразм, Сўгд, Бактрия санаб ўтилади.

¹ Саъдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. Ўқув қўлланма -Т.: Университет, 2004. – Б. 6.

Миллоддан аввалги (мил. авв.) V асрда қадимги юнон тарихчиси Геродот турли мамлакатларга саёҳат қилиб ёзган, 9 китобдан иборат «Тарих» асарида ўлкамизнинг қадимги аҳолиси тўғрисида маълумот берилади. Мил.ав. I аср охирида қадимги юнон тарихчиси ва географи Страбон «География» асарида Ўрта Осиё халқлари маданияти ҳақида маълумотлар келтиради.

Милодий (мил.) I асрда қадимги Рим тарихчиси Квинт Курсий Руф «Македониялик Александр тарихи» номли асарни ёзиб, македониялик Александрнинг Ўрта Осиёга ҳарбий юришлари ҳақида маълумотлар келтирган. Милодий II асрда юнон тарихчиси Арриан «Александрнинг ҳарбий юришлари» (Александр анабасиси) деган асар ёзган. асарида Ушбу манбалар ва кейинчалик яратилган илмий ишлар туфайли олимлар юртимизнинг қадимги тарихини ўрганишга муваффақ бўлди.

Географик жиҳатдан Ўзбекистон катта ҳудудни эгаллайди. Амударё ва Сирдарё оралиги, Фарғона, Зарафшон водийлари ва Сурхандарё воҳаси серҳоссиллиги ва илиқ иқлими туфайли қадимда обод бўлган. Қулай географик жойлашувга эга бу замин Шарқ ва Ғарбни боғлаган, бунда қадимги шаҳарлар орқали ўтган Буюк Ипак йўли катта аҳамиятга эга бўлган.

Ўзбекистон кишилиқ маданияти тарихининг энг қадимги масканларидан бири. Бу ерда маҳаллий аҳоли қадимдан яшаган. Дарё воҳалари бўйлаб савдо йўллари ўтган. Ўтмишда Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси билан Қадимги Шарқ элатлари ўртасида кенг маданий алоқалар бошланган. Археологлар кўхна қадамжоларни қазиб Ҳиндистон, Эрон ва Месопотамия хунармандлари тайёрлаган сопол ва метал идишлар, заргарлик буюмларини топишган.

Ибтидоий жамоа тузумидан барча халқлар тарихи бошланган. Ибтидоий жамоа тузуми - инсоният тарихининг бошлангич даври бўлиб, барча меҳнат қуроллари умумий бўлган ва ҳамма биргаликда меҳнат қилган. Инсоният ривожига биринчи босқич кишиларнинг ибтидоий тўдага бирлашуви бўлиб, бу тўда ўзида энг қадимги одамларнинг катта жамоасини мужассам этган.

Ибтидоий тўда - турмуш ва меҳнат умумийлиги негизида бирлашган энг қадимги одамлар жамоаси. Ибтидоий тўда аста-секин қариндошларнинг алоҳида уюшмасига - уруг жамоасига айлана борди. Уруг бу - бирга яшаган ва меҳнат қилган, умумий меҳнат қуроллари ва қурол-яроғларга эга бўлган қариндошлар жамоаси.

Дастлабки уруг жамоалари аёл - она теварагида жипслаша бошлаган. Инсоният тарихидаги бу босқич она уруги даври - матриархат деб аталади. Анча кейинроқ, меҳнат қуроллари ва хўжалиқ юритиш шакллари такомиллашгани сайин жамоадаги етакчилик мавқеи эркакка ўта бошлади, у уругга сардор бўлди. Олимлар инсоният тарихидаги бу даврни патриархат – ота уруги деб аташади. Патриархат билан энг қадимги уругчилик тузуми ҳам яқунланади.

Энг қадимги одамлар дастлабки меҳнат қуролларини тошдан ясагани туфайли археологлар инсоният тарихи бошланишини «Тош даври» деб аташади. Тош даври анча узоқ давом этгани учун ҳам уни қуйидаги босқичларга ажратишади: 1) қадимги тош даври - палеолит (юнон. палеос -

қадимги, литос - тош); 2) ўрта тош даври - мезолит (мезос - ўрта); 3) янги тош даври - неолит (неос - янги); 4) мис-тош даври – энеолит (лот. энеус – мис, юнон. литос - тош).

Тош даври 4 босқичга бўлинади: палеолит, мезолит, неолит, энеолит. Палеолит (қадимги тош) даври 3 та босқичдан иборат: 1) илк палеолит - мил. ав. 1 млн. - 100 минг йил; 2) ўрта палеолит – мил. ав. 100 - 40 минг йил; 3) сўнгги палеолит – мил. ав. 40 - 12 минг йил.

Одам пайдо бўлиши ҳақида: илмий, диний, афсонавий, дунёвий нақллар бўлиб, биз бу масалани илимий – антропология ва археология маълумотлари асосида ўрганамиз. Ер юзидаги дастлабки одамлар қаддини тик тутиб юргани, меҳнат қуролларини яшаш ва уларни ишлатишни билгани учун ҳайвондан фарқ қилган.

Ўта содда меҳнат қуроллари яшашни биладиган энг қадимги одам суяклари қолдиқлари турли минтақалардан топиб ўрганилган: Жанубий Африкадан – *австралопитек*, Шарқий Африкадаги Зинж водийсидан – *зинжантроп*, Ява оролидан (Индонезия) – *питекантроп*, Хитойдан - *синантроп*; Германиядан – *неандертал*; Франциядаги Кроманён горидан - ҳозирги қиёфадаги одам - *кроманён* суяклари топилган.

Илк палеолит (мил. ав. 1 млн. - 100 минг йил)да, ер юзида иқлим илик бўлган даврларда одамларнинг (*Фергантроп*) маконлари кичик дарёлар ёки булоқлар яқинидаги тепаликларда жойлашган. Илк палеолитнинг охирида *Буюк музлик* даври бошлангач, бу ҳол одамларни янгича турмуш шароитига мослашишга ундади. Бундай пайтда кучлиларгина яшаб қолган. Энг қадимги одамлар – *ибтидоий одамлар* деб аталади. Уларнинг маконлари Африка, Осиё ва Европанинг кўпгина ҳудудларидан топилган.

Ўрта Осиёда тошдан ясалган қадимий меҳнат қуроллари Фарғона водийсидаги *Селунгур* макони ва Тошкент воҳасидаги *Кўлбулоқ* манзилгоҳидан топилган. Булар кўпол тош қуроллар бўлиб, уларнинг бир томони уриб ўткирланган. Археология фанида бу тош қуроллар *чопперлар* деб номланган. Меҳнат қуроллари одамларга егулик топиш учун керак бўлган. Дастлабки меҳнат қуроллари содда бўлиб, одамлар учи ўткирланган тош ва таёк билан ҳайвонларни овлаган, учи ўткир таёк билан ўсимликларнинг илдизлари ва илдизмеваларини қовлаб олган. Кишиларнинг энг қадимги машғулоти термачилик ва овчилик бўлиб, бу *ўзлаштирувчи хўжалик* деб аталади.

Ўрта палеолит (мил. ав. 100 - 40 минг йил) даври маданиятининг жаҳонга машҳур ёдгорлиги Бойсун тоғларидан топилган Тешиктош гори ҳисобланади. Тешиктош горидан тош қуроллар ва парчалари, тоғ эчкиси, кийик, ёвойи от, қоплон, қуён, майда кемирувчилар, қушларнинг суяклари топилган. Тешиктош горидан топилган тош асрига мансуб 8-9 яшар *неандертал* боланинг суяк қолдиқлари энг машҳур топилмадир. Бола жасади қабрга қўмилган, жасад атрофига тоғ эчкиси шохлари қадаб чиқилган. Мурданинг дафн этилиши дастлабки диний эътиқодлар билан боғлиқ бўлган.

Меҳнат фаолияти, олам ҳақида тўпланган билимлар инсоннинг фикрлаши ва тафаккурини ўзгартириб борди. Одамлар ўзларига тушунарсиз бўлган ҳодисалар: кун билан тун, йил фасллари алмашиши, вулконлар

отилиши, ер қимирлаши ва бошқа табиат ҳодисалари ҳақида ўйлай бошлади. Ана шу ҳодисаларнинг сабабларини тушуна омаган инсон момақалдирок, яшин, шамол, ёмгир каби *табиат кучларига* сигина бошлади. Овчилик ва термачилик ривожланган бу даврда инсон ўзини табиатдан ажратмаган. Табиатни жонли деб, ҳодисаларда гайритабиий кучлар яширинган деб ҳисоблаган ва шу кучларга эътиқод қилишган.

Одамларнинг ҳайвон ёки ўсимлик билан қариндошлик алоқасига ишониш *тотемизм* деб аталади. Одамнинг ўраб турган муҳитда жонлар ва руҳларнинг мавжудлигига эътиқод *анимизм* дейилган. Қадимги одамлар буюмлар омад келтиришига ёки балони бартараф этишига эътиқод қилиши *фетишизм* дейилган.

Сўнгги палеолитга оид горлар деворидаги *расмларнинг* (тасвирий санъат) топилиши ҳам қадимги одамларда диний тасаввурлари тўғрисида ҳикоя қилади. Бундай расмларидан энг қадимийлари Испаниядаги Алтамир, Франциядаги Ласко ва Бошқирдистондаги Капова горларидан топилган. Одамлар расмлар овда ёрдам беради деб ишонган. Расмлар қаршисида ҳайвонлар ҳаракатига таклид қилиб, рақсга тушган, ов манзараларини тасаввур қилган, найза улоқтиришни машқ қилган.

Қадимги расмлар қимматли *тарихий манбалардир*, улар инсон ўйларини, дунёни тасаввур этгани, қайси ҳайвонни овлагани, қайси ҳайвонларни овлагани, қандай меҳнат қуроллари ва қурол-ярогдан фойдаланганини билиб олишга ёрдам беради. Одам ўзини қуршаб турган дунёни тушунишга интилиши энг қадимги тасвирий санъат ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилди.

Уруғчилик жамияти

Сўнгги палеолит даври (мил. авв. 40 - 12 минг йилликлар)да тошга ишлов бериш техникаси ва меҳнат қуроллари яшаш усуллари ўзгарди. Одамнинг ақлий қобилияти ва ташқи қиёфаси ҳам ўзгариб бориб, бу даврда ҳозирги қиёфадаги одам - *кромонён* одами яшаган. Сўнгги палеолит манзилгоҳлари Самарқанд шаҳридан, Тошкент вилояти Оҳангарон водийсидаги Кўлбулоқ маконидан, Фаргона водийсидан топилган. Сўнгги палеолитда одамлар анча такомиллашган *кесувчи ва арраловчи* меҳнат қуроллари; ҳамда *тақинчоқлар* - мунчок, тумор ва узуклар ҳам ясай бошлаган.

Сўнгги палеолитда инсоният ўз ривожига яна бир поғонага юксалди, одамлар қариндошлардан таркиб топган ихчам гуруҳларга - **уруғ жамоаларига** бирлашди. Уруғ аъзолари битта манзилгоҳда яшаган, бир жойда яшаган бир қанча уруғлар қабилани ташкил этган. Сўнгги палеолит даври одамларининг муҳим ихтироси - турар жойлар қурилиши бўлди. Ҳайвон терисидан кийим тайёрлаган. Сўнгги палеолитда инсон сунъий тарзда олов ҳосил қилишни ҳам ўрганиб олди (ёғочни бир-бирига ишқалаш, чакмоқтошни бир-бирига уриш орқали).

Мезолит (ўрта тош) даври – мил. авв. 12 - 7 минг йилликларни ўз ичига олади. Мезолит даври бошланиши билан *музлик даври тугади*, иқлим исиди

ва одамлар турмушида ўзгаришлар бўлди. Мезолит даврида инсон **ўқ-ёй** яшашни ўрганиб олди, натижада чопқир ҳайвонлар ва қушларни овлаш имконияти вужудга келди. Мезолит даври охирида инсон ҳайвонларни қўлга ўргата бошлади, овчилар итни қўлга ўргатди, энди ов қилганда ўлжа мўл бўлди. Тириклай тутиб олинган кўзичоқ, улоқча, тўнгизчаларни энди ўлдирмасдан захира сифати сақлаб қўядиган бўлди. Мезолит даври охирида Олд Осиёда хўжаликнинг янги тармоқлари - *ибтидоий зироатчилик ва чорвачилик* вужудга келди.

Ўрта Осиёда мезолит даврига оид 100 дан зиёд манзилгоҳлар очилган. Бундай манзилгоҳлар Фарғона водийсининг тоғ ва тоғолди туманларида, Тошкент воҳасида ҳамда Ўзбекистон жанубида кўплаб учрайди. Обишир, Кўшилиш, Мачай манзилгоҳлари ва Зараутсой дарасидаги *қоятош расмлари* муфассал ўрганилган. Амударё ва Сирдарё қирғоқлари, Ўзбекистондаги кўллар ва дарёлар соҳили мезолит даври овчилари ва балиқчилари кўчиб келиб ўрнашган масканларга айланди.

Неолит - янги тош даврида Қадимги Шарқнинг турли вилоятларида *ишлаб чиқарувчи хўжалик* - деҳқончилик ва чорвачиликка ўта бошлайди. Чорвачилик ва деҳқончилик неолит даврининг энг катта ихтиросидир. Ўрта Осиёда неолит даври мил. ав. 6 – 4 минг йилликлар ҳисобланади. Археологлар неолит даври бошланишини сопол идишлар яшашнинг кашф этилиши билан белгилайди. Неолит даврида одамлар Мезолит даврида кашф қилинган майда тош қуроллари – *микролит*дан фойдаланиб, тошга ишлов беришнинг олдин маълум бўлмаган: силлиқлаш ва пармалашни усулларини кашф қилишган.

Неолит даврида қабилалар ўтроқ турмуш тарзига ўтиб, доимий турар жойлар - пахсадан уйлар кура бошлаган, уруғ жамоаларининг манзилгоҳлари шаклланиб борган. Ўтроқ турмуш тарзи ва меҳнат қуролларининг янада такомиллашиши жамоаларнинг деҳқончиликка ўтишига имкон яратади. Деҳқончилик ва чорвачиликнинг ривожланиши хўнарсандчиликнинг шаклланишига олиб келди. Лойдан ясалган ва оловда пиширилган идишлар яшаш – *қулолчилик*, тола ва жундан кийим тайёрлаш – *тўқувчилик* соҳалари неолит даврининг муҳим кашфиёт ва ихтироларидир.

Энеолит - мис-тош асри (мил. ав. 4 м. й. - 3 м. й. ўрталари) - мис қуроллар тош қуроллар билан биргаликда ишлатилган давр. Неолит даври охирида одамлар мисдан фойдаланишга, ундан меҳнат қуроллари яшашга ўтишди. Металлургия ривожини кишиларнинг моддий ва маънавий маданиятига катта таъсир кўрсатди.

Қадимги Шарқда мил. ав. 4 минг йилликда илк шаҳарлар ва давлатлар вужудга кела бошлади. Ўрта Осиё жанубида сунъий сугоришга асосланган деҳқончилик вужудга келди, хом гиштдан кўп хонали уйлар қурилди, идишларни пишириш учун қулолчилик хўдонларидан фойдаланишга киришилди. Сопол идишлар ҳайвон, қуш, ўсимлик (япроқ, гул) нақшлари билан безатилди. Одамлар мисни қалайи, қўргошин ёки рух билан қўшиб, бронза олишни ўрганганлар.

Бронза (даври мил. ав. 3-мингйиллик ўрталари – 2-мингйиллик) мисдан кўра анча қаттиқлиги туфайли мил. ав. 3 минг йиллик ўрталаридан

бошлаб меҳнат қуроллари, қурол-яроғлар ва зеб-зийнатлар тайёрланди асосий ашёга айланиб қолди. Бронза меҳнат қуролларига эга бўлган одамлар энди далаларга анча дуруст ишлов бериш ва экин майдонларини кенгайтириш имконини кўлга киритди. Натижада ортиқча микдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари вужудга келди. Чорвачилик деҳқончиликдан ажралиб чиқа бошлади.

Кўп даврлар давомида уруғ жамоасидаги муҳим ишлар аёллар зиммасида бўлиб (болаларни тарбиялаш, овқат тайёрлаш, ҳайвон териларини тозалаш, кийим-бош тайёрлаш), жамоада айниқса ёши катта аёлларнинг мавқеи эркакларникидан баланд бўлган. Омоч билан ер ҳайдаб зироатчилик қилиш, чорвачилик, ҳунармандчиликнинг вужудга келиши билан уруғни етарли маҳсулотлар билан таъминлаш эркаклар қўлига ўтди. Уй хўжалиги юмушлари аёллар зиммасида қолди. Энди уруғчилик оиласида эркаклар муҳим ўрин тута бошлади. Қариндошчилик эркаклар томонидан белгиланадиган бўлди ва патриархат даври бошланди. Оила ота томонидан яқин қариндошларнинг бир неча авлодларидан ташкил топадиган бўлди. Патриархал оила - ота томонидан яқин қариндошларнинг бир неча авлодларидан ташкил топган оила.

Бронза даври манзилгоҳларидан бири Зарафшон дарёси хавзасидаги Замонбобо кўли (Бухоро вилояти Қоракўл тумани) яқинидан топилган бўлиб, мил. авв. 3 минг йиллик охири – 2 минг йилликка оид. Замонбобо манзилгоҳидан мис кўзгулар топилган. Хоразм воҳасида ҳам манзилгоҳлар ўрганилган. Сурхандарё водийсидан (Музрабод тумани) қадимги зироатчиларнинг Сополлитепа манзилгоҳи топилган. Сополлитепадан хом гиштдан қурилган уй-жой, сопол буюмлар, бронза меҳнат қуроллари ва зеб-зийнат ясалган устахона қолдиқлари, йирик хумларда сақланган бугдой ва арпа дони топилган. Жарқўтон манзилгоҳи Сурхон воҳасида (ҳозирги Шеробод яқинида) вужудга келган. Жарқўтон қурилиши тархида илк шаҳар аломатлари кўзга ташланади. У 2 қисмдан иборат бўлган: қалъа ва унинг атрофида жамоа аъзолари - ҳунарманд ва деҳқонлар уйлари жойлашган. Жарқўтонда ибодатхона (илк) қолдиги топилган.

Бронза даври манзилгоҳлари аҳолиси ҳар хил ҳунармандчиликлар, тўқувчилик, кулолчиликни ривож топтиришда, зеб-зийнат буюмлари ясаш, қурилиш соҳасида катта ютуқларга эришган. Бронза даврида одамлар кулолчилик чархи ва гилдиракни кашф этдилар, шу тарика дастлабки аравалар вужудга келган.

Темир даврига ўтишда Ўрта Осиёнинг ривожланиши. Темирдан буюм ясаш сермашаққат бўлган, чунки темир мисдан кўра анча юқори ҳароратда (1500⁰С) эрийди, аммо темир мис ва бронзага нисбатан қаттиқроқ эди. Темирдан биринчи бўлиб мил. ав. XIV- XIII асрларда Кичик Осиёдаги хетлар, сўнг Месопотамия, Эрон, Кавказорти халқлари фойдалана бошлаган. Темир буюмларнинг тарқалиши секинлик билан борган. Соф темир камёб металл бўлгани учун ундан дастлаб зеб-зийнат буюмлари ясалган. Темирдан ясалган буюмлар Миср фиръавни Тутанхамон макбарасидан ва Кавказдаги Майкоп кўргонидан топилган.

Меҳнат қуроли темирдан ясаши энг аввало, деҳқончилик ривожига таъсир қилди. Темир омов ва болталар пайдо бўлди. Бу меҳнат қуроли катта майдонларда деҳқончиликнинг ривожлантиришга имкон яратиб берди. **Ўрта Осиё**дан ҳам мил. авв. IX-VIII асрларда темирдан ясалган *илк меҳнат қуроли* топилган. Темир қуроли кенг тарқалиши меҳнат унумдорлигини оширди ва ишлаб чиқаришнинг янада ривожланишига замин яратди.

Қабила-уруғ оқсоқолларининг таъсири тобора кучая борган. Доимий ҳарбий тўқнашувлар шароитида *қабилалар иттифоқлари* пайдо бўлди. Бу иттифоқларга ҳарбий сардорлардан сайланган кишилар раҳбарлик қилган. Жамият ҳарбий демократия тамойиллари асосида яшай бошлади. *Ҳарбий демократия* - илк давлатчиликка ўтиш даврида қабилалар иттифоқларига сайлаб қўйилган ҳарбий сардорлар бошчилик қилган бошқарув шакли.

Ўрта Осиё аҳолиси темир асри бошларида 4 гуруҳга бўлинди: қоҳинлар, жангчилар, деҳқонлар, хунармандлар. Ўрта Осиёда жамияти асосини ташкил этган «нмана» - катта патриархал оиласи ҳақида «Авесто»дан биламиз. Бир нечта «нмана»лар уруғ жамоаси «-вис»ни ташкил этган. Худудий қўшничилик жамоаси «варзана» деб номланган. Бундай жамоалар қабила - «занту»га бирлашган. Ўз худудини ҳимоя қилиш учун бир қанча қабилалар иттифоққа - «дахью»га уюшган. Ўрта Осиёда Темир асрига ўтиш даврида жамиятнинг тузилиши шундай бўлган. Ижтимоий тизим тараққиёти: ибтидоий тўда - уруғ - қабила - қабилалар иттифоқи шаклида бўлган.

Таянч сўзлар: Одам эволюцияси: питекантроп, синантроп, неандертал, кроманён. Палеолит: Тешиктош, Селунгур, Капова гори. Илк палеолит: чоппер, ўзлаштирувчи хўжалик. Ўрта палеолит: неандертал, тотемизм, анимизм, фетишизм. Сўнгги палеолит: кроманён, сунъий олов; уруғ жамоа, матриархат, патриархат. Мезолит: ўқ-ёй. Неолит: ишлаб чиқарувчи хўжалик; микролит. Энеолит: мис қуроли; сугорма деҳқончилик (сунъий сугориш); кўп хонали уйлар. Бронза: Замонбобо, Сополлитепа, Жарқўтон. Темир асри. Авесто, Геродот, Страбон, Квинт Курсий Руф, Арриан.

2-§. Ўзбекистон худудидаги илк давлатлар.

Зардуштийлик

Ўзбекистон ва қўшни худудларда мил. авв. VII-VI асрларда *сўғдийлар*, *бактрияликлар*, *хоразмликлар*, *сак ва массагет* қабилалари яшаган. Зарафшон ва Қашқадарё воҳасида деҳқончилик билан шугулланувчи сўғдийлар яшаган. Бу худуд юнон ёзма манбаларда *Сўғдиёна* деб номланган. Сўғдийларнинг энг яқин қўшнилари бактрияликлар бўлиб, улар Сурхон воҳаси, Афғонистоннинг шимолий, Тожикистоннинг жанубий худудларида жайлашган. У ерларни юнон-рим муаллифлари Бактриана ёки Бактрия *Бактрия* деб атаган. Амударёнинг қуйи оқимида ўтроқ деҳқон элатлар - хоразмликлар яшаган. Бу юрт юнон манбаларда *Хорасмия* дейилган.

Массагет қабилалари - чўллар ва Амударё (Окс) бўйларида яшаган. *Саклар* - Ўрта Осиёнинг тоғлик, дашт ва чўл ерларида истиқомат қилган,

асосий машгулоти чорвачилик бўлган. Қадимги юнон-рим тарихчилари ёзишича саклар 3 гуруҳга бўлинган: 1) уларнинг кўпчилиги қисми Сака-тиграхауда, яъни ўткир учли кийгиз қалпоқ кийиб юрвчи саклар деб аталган. Улар Тошкент вилояти ва Жанубий Қозогистон ерларида яшаган. 2) Сака-тиай-тарадарайя, яъни дарёнинг нарғи томонида яшовчи саклар деб аталган, улар Орол бўйлари ва Сирдарё (Яксарт)нинг қуйи оқимида яшаган. 3) Сака-хаумоварка – муқаддас ичимликка сизинувчи саклар Помирнинг тоғли туманлари ва Фарғонада яшаган.

Мил. авв. VII-VI асрларда Хоразм, Сўғдиёна ва Бактрия аҳолисининг асосий машгулоти сунъий сугоришга асосланган *деҳқончилик* бўлиб, ҳунармандчилик ва савдо ҳам анча ривож топган. Манзилгоҳлардан сифатли кулолчилик идишлари, темир ва бронза буюмлар топилган. Кўчманчи сак ва массагет қабилаларининг асосий машгулоти *чорвачилик* бўлиб, туя, от, қўй-эчкиларни боққан. Улар ҳайвон терисидан пойабзал, кийим, чодир тикиб, галла ва мевага айирбошлаган.

Қадимги шаҳарлар ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши натижасида мил. авв. VII-VI асрларда ривжланган. Улар ҳунармандчилик ва савдо марказлари эди. Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари: Афрасиёб (Самарқанд), Ерқўргон ва Узунқир (Қашқадарё), Қизилтепа (Сурхондарё), Кўзалиқир (Хоразм).

Қадимги шаҳарлар муқоффа деворлари билан ўралган. Шаҳарда ҳоким яшайдиган қалъа ва қалаъда хом гиштдан қурилган катта сарой жойлашган. Деворнинг буржлари ва ўқ отиш учун махсус шинақлари ҳам бўлган. Шаҳар ичкарасида турур жойлар ва ҳунармандчилик устахоналари жойлашган. Шаҳарларнинг бир гуруҳи савдо-ҳунармандчилик маркази, бошқалари алоҳида туман ва вилоятлар марказлари ҳисобланган. Афрасиёб - Самарқанднинг шарқий чегарасида мил. авв. VIII-VII асрларда асос солинган қадимий шаҳар харобалари.

Қадимги Бактрия давлати мил. авв. VII асрда ташкил топган Ўрта Осиёдаги қадимги давлатлардан бири саналади. Марғиёна ва Сўғд Бактриянинг сиёсий ва маданий таъсирида бўлган. Сурхондарё, Қашқадарё, Зарафшон воҳаларида қадимги шаҳарлар ривожланган. Қизилтепа, Узунқир, Ерқўргон, Афрасиёб ўрнида Бактрия ва Сўғднинг марказий шаҳарлари жойлашган. Бу қадимги шаҳарларнинг ёши 2700 йилдан кам эмас. Бу шаҳарлар Ўзбекистондаги энг қадимгилари бўлиб, улар шунинг учун Бактрия қариндош бўлган элатларнинг давлат бирлашмаси дейилган. Мил. авв. VII-VI асрларда ва Ўзбекистонга чегарадош вилоятлар Қадимги Бактрия давлати таъсирида бўлган.

Хоразм ҳудудида яна бир қадимий давлат ташкил топган, бу давлат Хоразмдан ташқарида бўлган ерларни ҳам бирлаштирган. Қадимги Хоразм воҳаси марказларидан бири Кўзалиқир қалъаси эди. У қалин муқоффа деворлари билан ўралган. Воҳа аҳолиси деҳқончилик ва чорвачилик билан шугулланган. Қадимги Хоразмда ҳунармандчилик, бинокорлик ва савдо-сотик юксак даражада ривожланган. Маҳаллий кулолчилик, қурлсозлик, заргарлик буюмларининг довруғи ўзга юртларга ҳам тарқалган эди. Хоразмликлар моҳир қурувчи ва ҳунарманд бўлганлар.

Зардуштийлик

Ўрта Осиёда мил. ав. 1-мингйилликда зардуштийлик дини кенг таркалади, бу дин ҳали одамлар табиатни илоҳийлаштирган кезларда куртак ёза бошлаган эди. Зардуштийлар *олов, тупроқ, сув ва юлдузларга* сизинган, уларни муқаддас ҳисоблашган. «Зардуштийлик» сўзи **Зардушт** (Заратуштра, Зороастр) исмидан келиб чиққан, у мил. ав. 1 минг йилликнинг 1-ярмида яшаган тарихий шахс. Кейинроқ Юнонистонда Зардушт исми «Зороастр» шаклида жаранглайди (юнонча “астрон” - юлдуз), чунки уни биринчи галда донишманд, мунажжим сифатида билишган.

Зардуштийлик пайдо бўлиши ҳақидаги афсонада шундай дейилади: Зардушт тонгда сув олиш учун дарёга борибди, сувда Аҳурамазда элчиларидан бирининг сиймосини кўриб қолади, сиймо нур билан қайси томонга боришга йўл кўрсатибди. Зардушт сеҳрли нурга эргашиб олий илоҳ - *Аҳурамазда* қаршисига бориб қолибди. Аҳурамазда худоси унинг эзгу амаллари ҳақидаги билимларни таркатиш учун Зардуштни танлаганини маълум қилибди. Зардушт 30 ёшида янги диний таълимот пайгамбарига айланган. «Пайгамбар» сўзи «эзгу амаллар ҳақида хабар берувчи» маъносини англатади.

Зардуштийлик таркала бошлаган пайтларда ибодатхоналар, одамлар дуо матнларини ўрганиши учун махсус китоблар бўлмаган. Диний маросимлар очик осмон остида, гулхан ёнида ёки уйдаги ўчок олови атрофида ўтказилган. Аввал турли қабилаларни истилочиларга қарши курашга бирлаштириш учун Зардушт уларни бирликка даъват қилган.

Зардуштнинг сўнгги ваъзларини коҳинлар ёзиб олган, улар диний матнларни ёд олиб, диндорларга ўқиб берган. Зардушт вафотидан кейин бир неча асрлар ўтгач диний маросим, мадхия ва дуолар китобга жамланди. Бу китоб «**Авесто**» - «қатъий белгиланган қонун-қоидалар» деган маънони англатади. “Авесто”нинг илк қисми мил. ав. IX-VIII асрларда пайдо бўлган. Зардушт ваъзлари матнларининг ҳаммаси мил. ав. III асрда 21 та китобга жамланган, бу китоблар «Авесто» асосини ташкил этган эди. «Авесто» матнларига шарҳ эса «Занд» деб юритилади. Француз олими А.Дюперрон илк маротаба «Авесто»нинг алоҳида қисмларини таржима қилган.

Зардуштийликнинг эхтиромга сазовор худолари *Аҳурамазда, Митра, Анахита, Аҳурамазда* - зардуштийларнинг улуг ва донишманд олий худоси. *Митра* - қуёш ва ёруғлик худоси. Митра ўтли чакмоқлар ёрдамида ёвузлик ва ўлим худоси - Аҳриман билан жанг қилади. *Анахита* - ҳосилдорлик ва сув илоҳаси. Зардуштийлик таълимоти инсониятнинг Эзгулик ва Ёвузлик ҳақидаги қарашлари такомилга катта таъсир кўрсатди. Зардуштийлар умрининг туб маъноси *эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амалдан* иборат бўлган. Инсоннинг асосий бурчи энг аввало *адолатли турмуш тарзи* ҳисобланган. Зардуштийлар эътиқодига кўра: *ёлгон сўзламаслик, алдамаслик, ваъдага вафо қилиши, фақат эзгу ишларни амалга ошириши* лозим эди.

Зардуштийларда инсон вафот этганида марҳумнинг жасадини ерга кўмиш, оловда куйдириш, сувга ташлаш таъқиқланган. Мурдани кушлар ва

хайвонлар еб кетиши учун тошли ва кумли тепаликда қолдирган. Ёмгирда ювилган ва офтоб қоклаган суякларни махсус сопол тобутчалар - *оссуарий* (суякдон)ларда дафн этишган.

Тянч сўзлар: сўгдийлар, бактрияликлар, хоразмликлар, сак ва массагетлар. Қадимги шаҳарлар: Афрасиёб, Ерқўргон ва Узунқир, Қизилтепа, Кўзалиқир. Давлат: Қадимги Бактрия, Қадимги Хоразм Зардуштийлик: Авесто, Ахурамазда.

Авесто	Беҳистун (форс) ёзувлари	Юнон-рим тарихчилари
Сўғда, (Гава)	Сўғуда	Сўғдиёна
Бахди	Бактриш	Бактриана, Бактрия
Хваризам	Хваразмиш	Хорасмия

II-боб. Милоддан аввалги VI – милодий III асрларда Ўрта Осиё.

1-§. Ўрта Осиёда Аҳамонийлар ва Юнон-македонлар ҳукмронлиги. Салавкийлар ва Юнон-Бактрия давлати

Кир II Ўрта Осиёни босиб олишга ҳаракат қилиб кўрган дастлабки форс подшоси бўлган. У Парфия, Маргиёна ва Бактрияни босиб олди. Мил. авв. 530 йил Кир II массагетлар устига юриш қилди. Бу юриш ҳақида «тарих отаси» Геродот ҳикоя қилиб берган. Форслар бостириб кирганда массагетлар маликаси **Тўмарис** форсларга тинч-омон қайтиб кетишни таклиф қилади, аммо форс шоҳи бу таклифни рад этади ва Амударёдан ўтишга фармон беради.

Геродот массагетларнинг асосий кучлари билан форсларнинг жанги тўгрисида ҳикоя қилади: «бу жанг... барча жанглардан ҳам даҳшатлироғи эди. Аввал ҳар икки томон бир-бирига камондан ўқ ёғдиришди, ўқлари тугагач, ханжар ва найзалар билан жанг қилдилар, ..массагетларнинг кўли баланд келди, ..Кир II ҳалок бўлди» - дейди. Кўплаб давлатларни босиб олган аҳамонийлар сулоласи вакили Кир II мил. авв. 530 йил массагетлар (Тўмарис) билан бўлган жангда ҳалок бўлди.

Доро I ҳукмронлигининг биринчи йили (522) Маргиёнада форсларга қарши халқ кўзғолони кўтарилди. Кўзғолонга Фрада раҳбарлик қилди, ҳал қилувчи жанг мил. авв. 522 йилда бўлди. Фрада асиликка олинади ва қатл этилади (521). Бу воқеа Беҳистун ёзувида қайд этилган. Доро I ҳукмронлигининг учинчи йилида (519) саклар устига юриш қилади. Бу юриш ҳақида ҳам Беҳистун битикларида шундай дейилган: «Доро айтурки: ..учи ўткир кулоҳ кийиб юрувчи саклар жангга кирди, ..мен дарёдан ўтқач сакларни тор-мор келтирдим, **Скунха** деган сардорини хузуримга келтирди, уларга бошқа сардор тайинладим, бу мамлакат тобе бўлди».

Бу юриш ҳақида тарихчи Полиен (мил. авв. II аср) келтирган ривоят ҳам мавжуд. Саклар ривоятига асосланиб ҳикоя қилинишича, сак чўпони **Широк** форсларни орқа томондан бошлаб боришини айтади. Чўл бўйлаб 7

кун йўл босишгач форслар алданганликларини сезиб чўпонни ўлдирадилар. Доро I нинг саклар устига юриши муваффақиятсиз тугайди.

Аҳамонийлар босиб олинган мамлакатларни итоатда тутиш учун ягона давлатни алоҳида вилоят - сатрапликларга бўлиб ташлайди. «Сатрап» сўзи форсча «хшатра–вилоят» сўзидан келиб чиққан. Вилоят бошлиги - сатрапга чекланмаган ҳокимият берилган эди. Сатрапларнинг кўпчилиги аҳамонийлар сулоласи вакиллари бўлган. Ўрта Осиё вилоятлари 3 та сатрапликка бўлинади, ҳар бир сатраплик йиллик солиқ тўлаган. Бундан ташқари, қарам халқлар сарой ва ибодатхона қурилишига ҳам сафарбар этилган. Соликни кумуш, чорва моллари (от, туя, қўй), ҳунармандчилик буюмлари (сопол идиш, қурол-яроғ, зеб-зийнат), кийим-кечак, хайвонлар териси билан тўлашган.

Ксеркс Доро I нинг вориси ҳукмронлиги даврида (486-465) Ўрта Осиё халқлари юнон-форс урушларида ҳам қатнашган. Марафон жангида (мил. авв. 490 й.) форс қўшинлари марказида бўлган саклар муваффақиятли жанг қилган. Ксеркс бошчилигида юнонларга юриш қилган Ўрта Осиёлик жангчилар қурол-яроғларини Геродот тасвирлаган: бактрияликлар камон ва найзалар билан; саклар ханжар ва жанговар болталар билан; хоразмийлар ва сугдийлар бактрияликларники каби қуроллар билан жангга кирган. Ксеркс қўшинида сак ва бактрия суворийлари энг яхши жангчилардан ҳисобланган.

Мил. авв. VI-IV асрлар маданияти ёзма ва археологик манбалар асосида ўрганилган. Улар Ўрта Осиё халқларининг ҳунармандчилик, заргарлик, тикувчилик, кулолчилик ва бинокорлик соҳаларида юксак даражага эришганларидан далолат беради. Қизилтепа, Узунқир, Ерқўргон, Афрасиёб каби йирик қадимий шаҳар-қалъалар ривожланган. Ёзма манбаларда олтин, кумуш, лаъл, фируза маъданлари қазиб олингани, ҳунармандчилик ривожлангани, Ўрта Осиёнинг Шарқ мамлакатлари билан олиб борган савдо ишлари ҳақида хабар берилади.

Мил. авв. V-IV асрларда Ўрта Осиёда дастлабки танга пуллар тарқалган. Заргарлик санъати юксак ривожланганига ҳозирда Британия музейида сақланаётган 1877 йил Амударё хазинасидан топилган олтин ва кумуш буюмлар ёрқин мисол бўла олади. Ҳар бир шаҳарда ички қалъа (арк) бўлган. Шаҳар атофидаги деҳқон хўжаликларидан ота уругига мансуб қатта оилалар кун кечиришган. Деҳқонлар қўргонлари уй-жой ва хўжалик хоналаридан иборат бўлган. Археологлар шаҳар ва уй-қўргонлар атрофида далаларга сув олиб келган анҳор ва ариқлар изларини топган.

Юнон-македон истилочиларига қарши кураш. Ўрта Осиё жангчилари мил. авв. VII-IV асрларда совут ва дубулга кийиб, ханжар, жанговар ойболта ва найза билан қуролланган. Камон ўқи ва ханжар темир ва бронзадан ясалган. Жангчилар отда ҳам пиёда ҳам жанг қила олган. Ханжар - *ақинак*, жанговар ойболта – *сагарис* дейилган. Узок масофага камондан фойдаланган, отлар устига темирдан ясалган *баргуствон* ёпилган.

Ҳужумни суворийлар бошлаб берган, улар от чоптириб ўқ-ёй, найза ёки ханжар билан душманга ҳамла қилган. Қалъа ва шаҳарлар ҳимоясида ўқ-ёй, палахмон фойдаланган. Мудофаада тош ва пиширилган лой тўп ўқлари

кўлланилган. Шахарлар бурж ва шинакли девор билан ўраб олинган, деворлар тепасида камончилар учун йўлаклар қурилган. Ташки деворлар бўйлаб жойлашган думалоқ буржлар ичида ҳам камончилар жойлашган. Сув тўлатилган хандақ қалъага кирадиган йўлни тўсиб турган.

Александр мил. авв. 336 йил 20 ёшида Македония подшоши бўлади. У гайриоддий куч-гайрат ва жасорат соҳиби бўлиб, сафдошлари ва кўшинлари садоқатли эди. Александр мил. ав. 334 йил Шарққа юриш бошлади, бу юриш 10 йил давом этди, бу юришида у Кичик Осиё, Сурия, Миср, Эрон, Ҳиндистонни босиб олди. Македониялик Александр улкан ҳудудда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида босиб олинган шаҳарларга юнонларни жойлаштирди.

Македониялик Александр мил. авв. 330 йил Форс давлатининг Ахамонийлар сулоласидан бўлган охириги шоҳ **Доро III** кўшинини тор-мор келтирди. Александр Ҳиндистонга юриш қилишдан олдин кўшинининг орқа томонини хавфсизлантириш мақсадида Амударёнинг нарғи томонидаги элатларни бўйсундиришга қарор қилди. Александрнинг йўлини биринчи бўлиб тўсган шаҳар Бактрия пойтахти Бактра (Зариясп) бўлди. Ахамонийлар сулоласи вакили **Бесс** Бактрия сатрапи бўлган, у Амударёнинг нарғи томонига қочиб кетади. Александр ўз устози, юнон файласуфи Аристотелнинг Амударё (Окс)дан икки подшо - Кир II ва Доро I ўтиб, иккиси ҳам мағлубиятга учрагани, шу боис Сўгдиёна юришига яхши тайёргарлик кўриш лозимлиги тўғрисидаги маслаҳатини ёдда тутар эди.

Александр кўшини мил. авв. 329 йил Амударё (Окс)дан ўтди, кўшин йўналишида Наутака (Қашқадарёнинг шарқий қисми) ва Мароқанда (Самарқанд) шаҳри турар эди. Мил. авв. 329 йил юнон-македонлар Мароқандани эгаллайди. Александр кўшиннинг бир қисмини қолдириб, ўзи Курушкат (Кирополис) шаҳрини босиб олиш учун асосий кучлар билан Сирдарё қирғоқлари сари юрди. Ривоятга кўра бу шаҳарга Кир II асос солган экан.

Сўгдиёна халқи босқинчиларга қарши курашга чиқади. Сўгдийларга бактрияликлар ва саклар кўшилди, кўзғолонга **Спитамен** бошчилик қилади. Спитамен Мароқандани қамал қилгач, Александр қамалда қолганларга ёрдамга 3000 га яқин жангчи жўнатади. Спитамен Зарафшон (Политимет) дарёси бўйида душман гуруҳини кириб ташлайди. Александрнинг ўзи кўзғолонни бостиришга отланади, Спитамен қамални тўхтатиб кўшини билан саҳрога кетади. Александр сакларга қарши курашда Сирдарё бўйида, Хўжанд яқинида қалъа қурдиради, бу қалъа Александрия Эсхата (Чекка Александрия) деб аталди.

Александр Мароқандада маҳсус кўшин қолдириб, асосий кўшини билан қишлаш учун Зариясп (Бактра)га жўнади. У ўша йилнинг баҳорида кўзғолонни бостириш учун лашкарини 3 қисмга бўлиб Сўгдиёнани кезиб чиқади ва тинч аҳолини кириб ташлайди. Спитаменнинг Александр билан ҳал қилувчи жанги мил. авв. 328 йил кузида бўлади. Спитамен енгилиб, яна чўлга чекинади, у ўша ерда хоинларча ўлдирилади.

Александар Сўгд зодагонлари - Хориен ва Оксартнинг Ҳисор тогидаги қалъаларини кўлга киритиб, Оксартнинг қизи Равшанакка уйланади. Александар Ўрта Осиёни босиб олиш учун деярли уч йил уринди, бироқ унча катта бўлмаган ҳудудни: Маргиёна, Бактрия, Сўгдиёна, Бекобод ва Хўжанд орасида Сирдарё бўйларини бўйсундирди. Хоразм, Тошкент воҳаси ва Фаргона мустақиллигича қолди.

Юнон-македонлар босқини Ўрта Осиёни харобозорга айлантирди, аҳолининг катта қисми қирилиб кетди, кўплаб шаҳарлар вайрон этилди. Юнон тарихчилари ёзишча, Александар Ўрта Осиёда бир нечта шаҳар қурдирган, шаҳарлар унинг номи билан Оксдаги Александрия, Александрия Эсхата, Маргиёна Александрияси деб аталган. Уларнинг баъзилари вайрон этилган Сўгдиёна ва Бактрия шаҳарлари ўрнида, бошқалари таянч қалъалар сифатида янгидан қурилган. Бу шаҳарларда юнон-македон пиёда ва отлик аскарлари жойлашган. Бу аскарларнинг сийраклашган сафи Македония тартибида қуроллантирилган Бактрия ва Сўгдиёна ёшлари ҳисобига тўлдирилади. Бора-бора ҳунармандчилик ва савдо қайта тикланди. Маҳаллий ва юнон маданиятлари анъаналари кўшилиши юз берди. Шу асосда Салавкийлар, Юнон-Бактрия ва Парфия сингари антик давлатлар вужудга келди.

Салавкийлар давлати. Македониялик Александар мил. авв. 323 йил вафот этди, унинг давлати 3 қисмга: Македония, Миср, Сурияга бўлиниб кетди. Ўрта Осиё Сурия давлати таркибида бўлган. Бу давлатларни Александарнинг энг яқин лашкарбошилари бошқарган. Узоқ ўзаро урушлардан кейин мил. авв. 312 йил кичик Македониялик Александарнинг лашкарбошиларидан бири **Салавк** Бобил (Сурия давлати) ҳукмдори бўлди. Салавка давлати таркибига Месопотамия, Эрон, Парфия, Бактрия, Сугдиёна Маргиёна кирар эди.

Салавк ўз давлати таркибига кирган Ўрта Осиёни алоҳида вилоятлар - сатрапликларга ажратди, уларнинг ҳар бирига бошлиқ - сатрап ҳукмронлик қилар эди. Давлат мудофааси ва кўшинни ташкил этиш билан собиқ лашкарбошилардан тайинланган стратег шугулланар эди. Салавк ўз ўгли **Антиох**ни Шарқий вилоятлар: Парфия, Маргиёна, Бактрия, Сугдиёнага ноиб этиб тайинлади. Антиох (280) улкан давлат бошида туриб, уни 20 йилга яқин бошқарди.

Сугдиёна, Бактрия, Маргиёнада аста-секин тинч ҳаёт тикланиб, манзилгоҳ ва шаҳарлар бунёд этилди, савдо, деҳқончилик ва ҳунармандчилик ривожланди. Бактра, Мароқанда, Маргиёна Антиохийси (Марв), Термиз Салавкийлар давлатининг йирик шаҳар ва маданият марказига айланди. Юнон-македон истилосидан кейин Ўрта Осиё тарихида антик даври бошланди. Шарқ ва Ғарб ўртасида маданий муносабатлар кенгайди. Бактрияда юнон ёзуви, огирлик ўлчови, пул муносабатлари, ҳунармандчилик ва санъат буюмлари тарқалди. Юнонлар ҳам Бактриянинг бинокорлик ва ҳунармандчилик анъаналарини ўзлаштирди.

Юнон-Бактрия давлати тарихи мил. ав. 250 йилдан, яъни Бактрия Салавкийлар давлатидан ажралиб чиққан даврдан бошланади. Мингта

Бактрия шаҳри ҳукмдори бўлмиш **Диодот** ўзини подшо деб эълон қилади. Мил. авв. 250 йил Салавкийлар давлатидан ажралиб чиққан Парфия Бактриянинг рақибига айланади. Юнон-Бактрия подшолиги таркибига Бактрия, Сўгдиёна, Маргиёна кирган.

Диодотдан кейин Юнон-Бактрияда ҳукмронлик давлат тарихида сезиларли из қолдирмаган **Евтидемга** ўтади. Евтидемнинг ўгли **Деметрий** даврида (199-167) Юнон-Бактрия подшолиги энг катта сарҳадларга эга бўлди, Ҳиндистоннинг бир қисми кўшиб олинди. Парфияда ҳокимият **Митридат I** кўлига ўтиши билан Бактрияга ҳарбий тазйикни кучайтиради. Юнон-Бактрия тинимсиз урушлар олиб боришга мажбур бўлди, бу ҳол унинг кучсизланишига сабаб бўлди. Бундан фойдаланган кўчманчи юэчжи қабилалари мил. ав. 140-130 йй. Юнон-Бактрияни босиб олади.

Таянч сўзлар: Ақинак, сагарис, баргуствон; Аҳамонийлар: Сатрап, Амударё хазинаси; Юнон-македонлар: Александр Македонский, Спитамен, Александрия Эсхата. Салавкийлар (312-250), Антиох; Юнон-Бактрия (250-130), Диодот, Деметрий (199-167); Парфия, Митридат.

2-§. Қадимги Хоразм, Қанғ, Даван, Кушон давлатлари. Буюк Ипак йўли.

Хоразм мил. ав. IV асрда Аҳамонийлар давлатидан мустақил бўлди. Александр ва Салавкийлар даврида Хоразм давлати мустақил эди. Хоразм аҳолиси хўжалигининг асосини деҳқончилик ташкил қилган. Хоразмда шаҳарсозлик бошланиши мил. авв. VII асрга бориб тақалади (Кўзалиқир шаҳри). Маҳаллий ҳукмдорнинг қароргоҳи бўлган улкан қалъа (Қалъалиқир шаҳари) қурилган. Мил. авв. III-II асрларда Жонбосқалъа Хоразмнинг қадимги шаҳари бўлган. Кўйқирилганқалъа харобалари остидан айлана шаклида қурилган ибодатхона қолдиқлари топилган.

Милодий II-III асрда Тупроққалъа шаҳрида бундан ҳам улугвор ва мустаҳкам қурилиш ишлари амалга оширилган. Тупроққалъа шаҳри муҳофаа девори билан ўралган, девор бурчакларида буржлар қурилган. Марказдан ўтган кўча шаҳарни иккига бўлган, ундан атрофга кўчалар кетган, маҳаллалар бир-биридан ажралиб турган. Марказий майдонда сарой ва ибодатхоналар жойлашган. Тупроққалъа қасридаги сарой девори шох, лашкар, созанда, ҳайвон ва қушлар тасвири билан безалган. Заллардан биридаги тоқчаларда девор бўйлаб 20 дан ортиқ бўйланган лой ҳайкаллар ўрнатилган.

Хоразмда айниқса хунармандчилик юксак даражада ривож топган: кулолчилик, темир, мис асбоблар, қуруллар, заргарлик буюмларига талаб катта бўлган. Хоразм аҳолиси Сўгдиёна, Маргиёна, Бактрия ва дашт кўчманчилар билан савдо ўрнатган. Хоразмдан мил. авв. I асрда ва милодий дастлабки асрларда кумуш ва мис тангалар зарб қилинган.

Ўрта Осиёдаги энг қадимги ёзув Хоразм ҳудудидан топилган, булар: Ойбуйирқалъадан (мил. авв. V-IV асрлар) хум сиртига битилган ёзув ва

Кўйқирилганқалъадан (мил. ав. III-II асрлар) топилган айрим маҳаллий ёзувлардир. Хоразмда милодий I асрда ишлаб чиқилган маҳаллий таквимдан VIII асргача фойдаланган.

Қанг давлати Хитой манбаларида Қангюй дейилган, унга мил. авв. III асрда саклар асос солган. Тошкент воҳасида мил. авв. III асрда асос солинган Қанқа-Қангха шаҳар-қалъаси сакларнинг ўша даврдаги пойтахти **Қанг**дез бўлган. Хитой манбаларида бу шаҳар Битян деб аталган. Қанг давлатининг асосий шаҳарлари Сирдарё соҳиллари бўйлаб жойлашган. Мил. авв. II аср охирида Қанг кудратли давлат бирлашмасига айланади, унинг ҳукмдорлари ўз номидан танга зарб қилдирган. Қанг давлатида истехкомлар, ибодатхоналар, савдо ва хунармандчилик маҳаллалари барпо этилган.

Давлатнинг маданий марказларидан бири Тошкент воҳаси эди. Тошкент воҳасида ўтроқ зироатчилик ва хунармандчилик маданияти вужудга келган. Унинг ҳудудидан Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғи ўтганлиги давлат иқтисоди гуллаб-яшнашига имкон яратди. Бу ҳол кўчманчи қабилалар билан урушларга сабаб бўлди. Бу урушларда қангарлар кўпинча голиб чиқар эди. Қанг давлати аҳолисини қангарлар деб аташган. Қанг давлати милодий III асрда парчаланиб кетди.

Даван давлати (Хитой манбаларида шундай номланган) тахминан мил. авв. III асрда пайдо бўлиб, Фарғона водийсида жойлашган. Хитой ҳукмдорларининг Довонни бир неча бор босиб олишга уриниши беҳуда кетди. Ҳарбий юришларнинг бирида улар Даван давлатининг пойтахти **Эршини** қўлга киритди, бироқ аҳолисининг товон эвазига уни ташлаб чиқишган. Даван давлати Хитой ва Шарқнинг бошқа мамлакатлари билан бўлган халқаро савдода муҳим ўрин тутган.

Хитой ҳукмдорларини кўпроқ Фарғонанинг зотли отлари кизиктирарди. Улар отлар наслининг бирига ҳатто «Самовий» деб ном берган. «Самовий отлар» бақувват ва чопқир бўлган. Кўп сонли аҳолига, яхши қуролланган ва машқ кўрган қуролли кучларга эга бўлган Даван мил. авв. II-I асрларда юксак тараққий этган давлатга айланган. Даван давлатининг Шўрабашат, Учқўргон каби шаҳарлари атрофидаги аҳоли ерни ишлаш, шоли ва бугдой етиштириш, богдорчилик ва узум етиштиришда катта ютуққа эришган. Даван давлати милодий III асрда барҳам топган.

Кушон давлати. Мил. авв. 140-130 йй. кўчманчи юэчжи қабилалари Юнон-Бактрия давлатини босиб олиб Бактрияга келиб ўрнашдилар. Милодий I асрда *Гуйшуан* (Кушон) хонадонининг бошлиғи барча юэчжи мулкларини ўз ҳокимиятига бирлаштириб, Кушон давлатига асос солади. Бирлашган юэчжи мулкларнинг биринчи ҳукмдори бўлган **Кудзула Кадфиз** даврида Кушон давлатига Афғонистон ва Кашмир қўшиб олинган. Кудзуланинг вориси **Вима Кадфиз** ҳукмронлиги даврида Кушон давлати ҳудуди янада кенгайди.

Подшо **Канишка** (78-123 йй.) даврида пойтахт Бактриядан Пешовар (Покистон)га кўчирилади, Кушон подшолиги улкан давлатга айланади. Кушон давлати ҳудудига: Ҳиндистон, Хўтан, Афғонистон ва Ўзбекистоннинг жанубигача бўлган ерлар кирган. Рим, Парфия, Хитой каби Кушон давлати

хам улкан подшоликлардан бирига айланган. Кушон давлати тўхтовсиз урушлар оқибатида инкирозга юз тутди ва парчаланиб (III аср) кетди.

Вима Кадфиз давридан Кушон подшолигида ҳукмдор номи кўрсатилган танга зарб қилиш бошланди. Ҳукмдор пул ислоҳати ўтказди, тангалар кадри ортади. Тангалар олтин, кумуш, мисдан зарб қилинган. Канишка даврида (78-123) Кушон давлати ўз тараққиётининг чўққисига эришади. Янги шаҳарлар қурилди, Ҳиндистон, Хитой ва Рим империяси билан савдо-элчилик ўрнатилди.

Ҳунармандчилик ҳам юксак даражада тараққий этган. Сурхон воҳасидаги Кушон давлати ёдгорликлари: Холчаён, Далварзинтепа, Айритом, Зартепа, Қоратепа каби топилмалар буни тасдиқлайди. Кушон давлати иқтисодиётининг асосини сугорма деҳқончилик, савдо ва ҳунармандчилик ташкил қилган. Кушон давлати даврида сув тегирмони, чигир турларидан кенг фойдаланилди, ерга ишлов бериш қуроллари такомиллаштирилди.

Оромий ёзуви Фарбий Осиёда пайдо бўлиб, алифбога асослангани туфайли ўзлаштириш осон бўлган. Кушон давлатида яшаган халқларнинг ўзаро маданий ва савдо алоқалари туфайли Ўрта Осиёда қадимги оромий ёзуви кенг тарқалади. Қадимги Термиз ёдгорликларидан оромий ёзуви асосидаги *кушон-бақтрия алифбосидаги ёзув* намуналари топилган. Кушон мамлакатада яна *кушон шакли* ёзуви бўлган, бунда ҳарфлар бурчакли, тўртбурчак ва айлана шаклида ёзилган.

Кушон подшолигида ёзув қадимдан мавжудлигини Сурхкўтал (Афғонистондаги Қундуз шаҳри яқинида) ёдгорлигидан топилган юнон алфбосидаги *кушон битиклари* ҳам тасдиқлайди. Амударё қуйи оқимида, Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида оромий алифбоси асосидаги *хоразмий ва сўғдий ёзувлар* ҳам кенг тарқалган эди. Ёзувнинг турли кўринишларига оид топилмалар Кушон подшолигининг жаҳондаги кўплаб давлатлар билан кенг кўламли алоқаларидан гувоҳлик беради.

Кушон давлати ташкил топаётганда Бақтрия ва Сўғдиёнанинг асосий аҳолиси *зардуштийлик* динида эди. Канишка Ҳиндистоннинг бир қисмини қўшиб олгач Кушон ҳудудига кириб келган *буддавийлик* дини зардуштийлик билан бирга VIII асргача Ўрта Осиёда сақланиб қолди. Сурхон воҳаси орқали буддавийлик Ўрта Осиё бўйлаб тарқала бошлади.

Кушонлар даврида *бинокорлик ва меъморчилик* юксак даражада тараққий этган. Далварзин ва Эски Термиз шаҳарлари хом гиштдан қурилган мустаҳкам истехком деворлари билан ўралган эди. Шаҳарлар ҳунармандлар маҳаллаларига ва турар жой мавзеларига ажратилган.

Холчаёндаги Кушон ҳукмдорлари саройи, Эски Термиз (Қоратепа, Фаёзтепа) ва Далварзинтепадаги буддавийлик ибодатхоналарида деворий тасвир ва ҳайкалтарошликнинг юксак санъат намуналари ўрганилган. Булар: Будда ҳайкали, шахзодалар, сарой аъёнлари, жангчилар тасвири ва Айритомда топилган дўмбирачи ва уд чалаётган мусиқачилар тасвиридир. Кандакорлик юқори ривожланган. Далварзинтепадан фил суягидан ясалган шахмат доналари топилган. Кушон санъатида маҳаллий анъаналар, Қадимги

Шарқ ва Қадимги Юнонистон эллинистик санъати услублари мувофиқлашган.

Буюк Ипак йўли

Мил. авв. II асрдан - милодий XVI асрга қадар Шарқ ва Ғарб халқлари ўртасидаги тарихий-маданий ва савдо муносабатлари тараққиётида Буюк Ипак йўли муҳим ўрин тутган. Бу йўл мил. авв. II асрда вужудга келган ва «Буюк меридианал йўл» деб аталган. «Ипак йўли» деган ном 1877 йил немис географи Ф.Рихтгофен томонидан берган.

Буюк Ипак йўли вужудга келгунича қадимги “Лаъл йўли” ва “Шоҳ йўли” мавжуд бўлган: “*Лаъл йўли*” мил. авв. 3-2 мингйилликда вужудга келган энг қадимги йўллардан биридир. У Помир тоғларидан бошланиб, Эрон, Олд Осиё ва Миср орқали ўтган. Помирдан олинаниган ярим нодир Лаъл тоши (ложувард) Қадимги Шарқ мамлакатлари зарғарлари томонидан юксак баҳоланган. Бадахшон лаъли ишлатилган буюмлар Миср фиръавнлари мақбараларидан ҳам топилган.

“*Шоҳ йўли*” Эрон Аҳамонийлари сулоласининг карвон йўли бўлиб, у мил. авв. VI-IV асрларда Ўртаер денгизи бўйидаги Эфес шаҳарини қадимги Форс давлати пойтахтлари - Суза ва Персепол билан боғлаб турган. Яна бир йўл (тармоги) Эрон, Бактрия орқали Сугдиёна, Тошкент воҳаси ва Қозогистон ҳудудидан ўтиб Олтойгача борган.

“Буюк Ипак йўли”нинг узунлиги 12 минг км. бўлган, у Сарик денгиздан бошланиб, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Эрон, Месопотамия орқали Ўрта Ер денгизигача борган. Бу йўлда қадимий шаҳарлар: Сиан, Дунхуан, Ёркент, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Марв жойлашган. Хитойга Сўгдиёнадан жун газлама, гилам, зеб-зийнат буюмлари ва қимматбаҳо тошлар олиб борилган; Бактриядан - туялар, Фарғонадан - зотли отлар, Бадахшондан - лаъл олиб борилган. Ўрта Осиёга Ҳиндистондан - пахта чигити ва ип-газлама, Хитойдан - гуруч келтирилган. Ўрта Осиёдан Хитойга узум, ёнгоқ, анор, деҳқончилик маҳсулотлари ташилган.

Хитой императори У-Ди мил. авв. 138 й. элчи **Чжан Сянни** кўчманчи хунн кабилаларига қарши курашда иттифокчи ва ҳамкорлар топиш учун жўнатади. Хитойнинг шимолий туманларини Хунлар талон-тароғ қилар эди. Элчи хуннларга асир тушиб ўн йилча ҳибсда ётади. У асирликдан қочиб Марказий Тянь-Шан доғлари орқали Иссыккўлга чиқади ва Норин дарёси бўйлаб Фарғонага келади.

Чжан Сян ўзи учун водийдаги шаҳарларни кашф қилади, бу шаҳарлар Фарғона давлатига қарашли эканлигини билиб олади. Фарғона ҳукмдори элчининг ҳарбий ёрдам ҳақидаги таклифига фақат савдо алоқаларини ўрнатиш истагини билдиради. Чжан Сян жануб сари саёҳатини давом эттиради. Олой водийсидан ўтиб, яна хунлар қўлига тушиб қолади, у бир йилдан кейин Хитойга қайтади. Элчи Хитойга Фарғона отларидан бирини ва беда уругини олиб боради, бу отни хитойликлар «самовий» деб атаган. Император У-Ди ўз саройи яқинида беда эктиради, кейинчалик Хитойнинг

бутун шимоли бўйлаб беда экиладиган бўлади. Хитойликлар анор, узум, бодринг, ёнгоқ экишни ҳам йўлга қўядилар.

Чжан Сян юрган йўл бўйлаб мил. авв. II-I асрларда Хитойни Марказий ва Ғарбий Осиё билан боғловчи Буюк Ипак йўли деб аталувчи карвон йўли ўтадиган бўлди. Фаргона водийсида Ипак йўли икки тармоққа бўлинган: 1) Ўзгандан Ахси шаҳри, Қамчиқ довони орқали (ёзда) Элок воҳаси ва Тошкентга келган; 2) жанубий тармоқ бўлиб, Ўзгандан Ўш, Қува, Маргилон, Қўқон орқали Хўжанд, Самарқанд, Бухоро орқали ўтган.

Ўрта Осиё халқлари Буюк Ипак йўли туфайли Шарқ ва Ғарб иқтисоди ва маданияти билан ошно бўлган. Ғарб халқлари эса Ўрта Осиёнинг ривожланган маданиятини кашф қилдилар. Ўрта Осиё аҳолиси Хитой шойисини қадрласа, Хитойда Ўрта Осиё гиламлари, жун газламалари, хунармандчилик буюмларига талаб катта бўлган.

Буюк Ипак йўли Шарқ ва Ғарб халқларини ўзаро маданий алоқаларидан баҳраманд бўлиш имконини берди. Ўрта Осиё Буюк Ипак йўлининг асосий йўналишлари кесиб ўтадиган марказида жойлашган. Бу ерга турли мамлакатлардан савдогарлар, хунармандлар, олимлар ва мусикачилар ташриф буюрар эди. Буюк Ипак йўли туфайли Ўрта Осиё халқлари Шарқ ва Ғарб иқтисоди ва маданияти билан танишдилар.

Таянч сўзлар: Хоразм: Кўзалиқир, Жонбосқалъа, Кўйқирилганқалъа, Тупроққалъа. Қанг: Қангюй, Қанқа-Қанғха, Қангдиз, Битян. Даван (Фаргона), Эрши, Самовий отлар. Кушон: Гуйшуан, Кудзула Кадфиз, Вима Кадфиз, Канишка, Холчаён, Далварзинтепа, Айритом. Буюк Ипак йўли.

II-бўлим. ЎРТА АСРЛАР (IV асрдан XVI аср бошларигача).

III-боб. Ўрта асрларда ерга эгалик муносабатлари.

1-§. Илк ўрта асрлар давлатлари. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар

Қадимги Турон диёрида Қанг ва Кушон давлатлари раванқ топган даврда юксалиш бошланган эди. Бу ўзгаришлар ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётда ўзгаришларга олиб келди. Шаҳарлар сони кўпайиб, шаҳарлар хунармандчилик, савдо ва маданият марказига айланди.

Суғорма деҳқончилик воҳаларда кенгайиб, сув иншоотлари: сув тегирмони, чигир ва чархпалак кашф этилди. Зироатчиликда галлакорлик,

шоликорлик ва полизчилик билан бир қаторда пахтачилик ва богдорчилик майдонлари кенгайди. Экин майдонларини сугориш ва ишлов беришнинг такомиллашуви туфайли аҳоли деҳқончиликдан мўл ҳосил оладиган бўлди. Шаҳарларда аҳолининг гавжумлашуви, хунармандчилик ва савдонинг ривож топиши билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёж ортиб борди. Хомашё етказувчи қишлоқларнинг нуфузи кўтарилгач: 1) зироаткор ерга муносабат, уларга эгалик қилиш шакли ўзгара бошлади. 2) ўтроқ зироаткор аҳоли билан чорвадор қабилалар ўртасидаги алоқалар ривожланди.

Дашт ва тоғ олдида яшовчи *кўчманчи ва ярим кўчманчи* аҳолининг ўтроқ ҳаётга ўтиши кучайгач деҳқончилик учун яроқли обикор ерларга бўлган эҳтиёж ошди, натижада кўрик ва бўз ерларга сув чиқарилиб катта экин майдонлари барпо этилди. Ободончилик ишларини амалга оширишда мулкдор табақа вакиллари, қишлоқ оқсоқоллари, қабила бошлиқлари саркор-ишбоши сифатида фаол қатнашди. Кўрикларда очилган янги ерларнинг маълум бир улуши саркор-ишбошиларнинг қўлига ўтади ва меросий мулкига айланади. Шу тариқа катта ер эгалигига асосланган мулкдорлар табақаси шаклланади.

Деҳқонлар хўжалиги. Саркорлар ўзларига тегишли ер майдонларини сугориш тармоқларининг юқори қисмидан, тўгон бошидан ажратиб олади. Бу йўл билан саркорлар сувдан бемалол фойдаланиш, сув таксимотини назоратга олиб, қишлоқ аҳолиси устидан ўз таъсирини ўтказиш имкониятга эга бўлади. Саркорлар зироаткор аҳоли устидан ҳукмронлик қила бошлайди ва улар **деҳқонлар** деб аталган. Деҳқонлар шаҳарларда қаср ва саройларга, савдо ва хунармандчилик дўкону расталаридан иборат каттагина хўжаликка ҳам эга эдилар. Деҳқонларнинг қишлоқларда экинзор пайкаллардан ташқари яна кўшк ва истехкомли кўргонлари, обжувоз, мойжувоз ва тегирмонлари бўлган. Катта ер эгасининг 30-40, 50-100 ва ундан ортиқ *чокарлари* бўлиб, чокарлар бақувват, абжир, ўз хожасига садоқатли ўспиринлардан танлаб олинган, ҳатто хожаси вафот этган чокарлар бирга кўмилган. Деҳқонлар бундай содиқ ва жанговор чокарлари билан уруш пайтида душманга қарши ҳарбий юришларда қатнашган, тинчлик пайтда чокарларга суяниб қишлоқнинг зироаткор аҳли устидан ҳукмларини ўтказган.

Қишлоқ жамоалари табақаланиши. Аввалда ўз қарамоғидаги хизматкорлари меҳнатидан фойдаланиб келган деҳқонлар кейинчалик қишлоқ жамоалари устидан ҳукмронлик қиладиган, бора-бора улар кучидан фойдаланадиган бўладилар. Ерга эгалик қилиш муносабатларининг шаклланиши билан қишлоқ жамоалари ичида йирик ер эгалари бўлмиш деҳқонлар билан бир қаторда кадиварлар табақаси пайдо бўлди. Ер-сув мулкчилигининг хусусийлиги ортиб бориши билан кадиварларнинг сони кўпайиб, деҳқончилик хўжалигининг асосий ишлаб чиқарувчи кучларидан бирига айланган.

V аср ўрталарида экин ерларининг маълум бир қисми мулкдор деҳқонлар қўл остидаги мулкдан иборат бўлса ҳам, зироаткор воҳалардаги обикор ерларнинг асосий қисми ҳали ҳам қишлоқ жамоаларининг қарамоғида эди. Қишлоқ жамоалари ижтимоий ерли мулкдор деҳқон ва унга қарам бўлган ерсиз ва эркисиз *кадиварларга* ажралиб борди. *Кошоварзлар* - қишлоқ

жамоаси ерларида яшаб, ер ва сувдан иборат умумий мулкка эга бўлган эркин зироатчилар табақаси. Кашоварзларнинг маълум бир қисми жамоа ерларидан маҳрум бўлиб қадиварларга айланган. Айрим деҳқончилик вохаларининг катта ерларга эга бўлган деҳқонлари ўз *вилоятларида* ҳатто мустақил **ҳоким** бўлиб оладилар.

Илк ўрта асрлар давлатлари

Биринчи бўлиб **Хоразм** Қанғ давлатидан ажралиб чиқади, уни маҳаллий *Африғийлар* сулоласига мансуб Хоразмшоҳлар идора қила бошлайди. III аср ўрталарида дастлаб Хоразм давлатининг пойтахти ҳозирги Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа туманида жойлашган Тупроққалъа шаҳар харобаси ўрнида бўлган. Шаҳарнинг мустаҳкам дарвозахонаси бўлган. Дарвоза каршисида шаҳар марказини кесиб ўтган кўчанинг ҳар икки томони бўйлаб тутар жойлар жойлашган. Шаҳар марказидан юқорида ибодатхона мажмуаси, унинг ёнида 25 метрли 3 минорали Хоразмшоҳлар қасри қад кўтарган.

Хоразмшоҳ **Африғ** ўз қароргоҳини 305 йил Хоразмнинг қадимги *Кат* шаҳрига кўчиради. Кат қайта тикланиб Ал-Фир қасри ичида Шоҳ ўзига янги сарой қурдиради. Африғий шоҳлар олдида шоҳ сурати ва орқасига суворий тасвири туширилган кумуш тангалар зарб этиб, ички ва ташки савдо муносабатларини мустаҳкам ўрнатиб олган. Беруний дастлаб Хоразмшоҳлар унвони дастлаб *сиёвушлар* сулоласи томонидан қабул қилингани ҳақида: «Сиёвуш ибн Кайхусравнинг Хоразмга келишидан.. тарих олдилар. Шу вақтдан Кайхусрав.. турк подшолари устидан ҳукмронлигини юргизган эди» деб ёзган. Ўша замонда «Хоразмшоҳ» унвонига Кайхусрав, Саксафар, Фарасман, Хусрав сазавор бўлган.

III асрда Хоразмда бир нечта майда ҳокимликлар таркиб топган. Тупроққалъадан кўлида бургут кўндирилган тождор ҳукмдор ёки Анкақалъа яқинидан кўлида лочин тутган тождор тасвири сўкилган танганинг топилиши ҳукмронлик рамзидан далолат беради. Хоразм III асрда Қанғ давлатидан ажралиб мустақилликка эришади ва Африғийлар сулоласи ҳукмронлигига асос солинади. Хионийлар, кидарийлар, эфталлар, Турк хоқонлиги даврида ҳам Хоразм мустақиллигини сақлаб қолади. Византиялик тарихчи Менандр Хоразм VI асрнинг 60-йилларида Византия ва турклар билан дипломатик алоқалар олиб борганлигини қайд этган.

Хоразмшоҳ – Хоразм ҳукмдорларининг унвони. Беруний ёзишича дастлаб Хоразмшоҳ унвони билан Хоразмни Кайхусрав идора этган. 4 та сулола ҳукмдорлари “Хоразмшоҳ” унвонига эга бўлган: африғийлар, маъмунийлар, олгинтошлар, ануштегинлар. Хоразмнинг ҳукмронлик рамзлари бургут ва лочин бўлган.

Хиёнийлар давлати. Ўрта Осиёга IV аср ўрталарида Еттисув ва Шарқий Туркистондан *хиён қабилалари* хужум бошлаган. Сугдга хиёнийлар 353 йил ўз ҳукмдори **Грумбат** бошчилигида бостириб қиради. Хиёнийлар Эронда ташкил топган ва кучайиб бораётган Сосонийлар давлати билан тўқнашади, дастлабки жангда Сосонийлар шоҳи Шопур II (309-379)

хиёнийлардан енгиледи. Сўнг сулхга келишиб, улар ўртасида иттифок юзага келади. Иттифок гоҳ бузилиб, гоҳ тикланиб турган. Ўрта Осиёда хиёнийлар хукмронлиги IV асрнинг 70-йилларида ўрнатилди. Сирдарё бўйларидан то Амударё хавзасигача Хиёнийларнинг кучли давлати қарор топди. Хиёнийлар давлати 120 йилдан ошиқроқ хукмронлик қилди.

Кидарийлар давлати. Шарқдан V асрнинг 20-йилларида Сирдарё ва Орол бўйлари орқали Хоразм ва Амударё хавзасига кўчманчи чорвадор *тохарлар* кириб келган. Тохарлар *кушонларнинг* авлодлари бўлиб, **Кидар** исмли хукмдор уларга йўлбошчи эди. Шунинг учун улар Кидарийлар дейилган. Кидарийлар Амударё хавзаси ҳамда гарбий ва жанубий Сугд ерларини ишғол қилдилар. Кидарийлар хионийлар давлатининг жанубий қисмида ўз хукмронлигини ўрнатдилар. *Балх* шаҳрини пойтахтга айлантирди.

Кидарийлар ва сосонийлар ўртасида V асрнинг 30-50-йилларида зиддият кучайди, улар бир-бирига душман бўлиб қолган. Кидарийлар ва Сосонийлар ўртасидаги 456 йил бўлган жангда сосонийлардан қакшатқич зарбага учраган кидарийлар ўзини қайта ўнглаб ололмайди. Кидарийлар тез орада яна шимолдан жанубга силжиган кўчманчи чорвадор эфталлийлар билан тўқнашадилар. Натижада Кидарийлар Ўрта Осиёни тарк этиб, жанубга - Шимолий Ҳиндистонга чекиниб, у ерларда 75 йил хукмронлик қиладилар.

Эфталлар давлати. Эфталларнинг илк аждодлари Хитойнинг шимолигарбида (Хеси) яшаган туркий Хун қабилалари иттифоқи таркибида бўлган. III асрда улар Туроннинг жанубий ва Харкон (Каспий) денгизи шимолидаги яйловларга ўрнашиб бошқа туркий элатлар билан аралашиб кетади. Эфталлар аввал хионийларни, сўнг бошқаларни тобе этиб, давлат барпо этган, V асрда Кидарийлар давлатини мағлуб этиб, Хуросоннинг талай қисмини эгалаб, сосонийлар билан тўқнашади.

Ўрта Осиёга V аср *ўрталарида* кириб келган эфталлар ёзма манбаларда эфтал, хафтал, хайтал деган номлар билан тилга олинади. «Эфтал» деган ном илк бор «Хептал» шаклида V аср арман манбаларида учрайди. «Эфтал» деган ном аслида «**Эфталон**» деб юритилган шоҳ номидан олинган, уни *Вахшунвар* деб ҳам атаганлар, у эфталлийлар юришига бошчилик қилган. Эфталлар қисқа вақтда Чағониён, Тохаристон, Бадахшонни бўйсундириб, Сугдда ҳам ўз хукмронлигини ўрнатади. Эфталлар давлати ниҳоятда кучайиб 456 йил Хитойга ўзаро алоқа ўрнатиш мақсадида элчи юборадилар.

Сосонийлар эфталларнинг тажовузидан хавфсираб, уларга қарши юриш қилади. Икки давлат ўртасидаги жанг сосонийлар шоҳи Перўз (459-484) даврида айниқса авжига чиқади. Сосонийлар уч марта эфталларга юриш қилади, дастлабки жангларда Перўз мағлубиятга учраб, асир тушади. Перўз Византия императори Зенон юборган ўлпон эвазига асирликдан озод этилади. Перўзнинг иккинчи марта эфталларга қарши юриши ҳам муваффақиятсиз тугайди. Перуз ўгли Кубодни эфталларга гаров тарикасида юбориб тутқунликдан озод этилади.

Перўз 484 йил эфталларга қарши учинчи марта юришга отланади, жанг Перузнинг ҳалокати билан тугайди. Марв ишғол қилиниб, Эронга огир ўлпон юкланади, Эрон сиёсий қарам бўлиб қолди. Перўз ворислари Кубод (488-531), Анушервон (531-579) даврида Эфталлар билан муносабат анча юмшаб,

тинчлик тусини олган. Сосонийлар кумуш хисобида белгиланган божни узлуксиз тўлаб турган. Эфталлар кейинчалик Кобул, Панжоб, Урумчи, Қорашар, Хўтан, Кошгар шаҳарларини ҳам ўз тасарруфига киритадилар.

Кучли суворий (отлик)лардан иборат қўшинга эга бўлган эфталлар бир канча ярим мустакил мулкдорларнинг уюшмасидан иборат улкан давлат барпо этди. Бу мулклар ҳукмдор - Шо (шоҳ)га тобе сулолалар томонидан бошқарилган. Уларнинг ҳар бири кумуш ёки мис танга зарб қилган.

V аср иккинчи ярми ва VI аср бошларида Ўрта Осиё, Шарқий Эрон, Шимолий Ҳиндистон ва Шарқий Туркистонни бирлаштирган илк ўрта асрларнинг кудратли давлати - Эфталлар давлати ташкил топади. (Бож – ўлпон, солиқ. Бир давлат иккинчи давлатга тўлайдиган ёки бозорда савдогарлардан олинадиган махсус тўлов.)

Хўжалик ҳаёти. Эфталлар давлатига бирлашган аҳолининг этник таркиби хилма-хил бўлиб, ижтимоий-иктисодий ҳаёти бири иккинчисидан кескин фарқ қилган. Эфталлар келиб чиқишига кўра кўчманчи қабилаларга мансублиги туфайли, чорвачилик билан шугулланиб, яйловларда ўтов қуриб яшаган. Эфталлар забт этган ерларида савдо ривожланди. Йиллар ўтиб омилкор маҳаллий аҳоли билан коришиб кетади.

Тохаристон ва Сугд деҳқончилик ва богдорчилик ривож топган марказ ҳисобланган. Қашқадарё ва Зарафшон водийларида галладан ташқари шоли ҳам етиштирилар эди. Хитой манбаларида қайд этилишича Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиёда V-VI асрларда пахта экилган. Пахта толасидан тўкилган оппок ва майин матога Хитой бозорларида талаб катта бўлган, чунки ўша даврларда Хитойда пахта ҳали экилмас эди. Даштларда яшовчи ярим кўчманчи аҳоли чорвачилик, хусусан қорамол ва қўй-эчкилар боқиш, туячилик билан; тоғли ва тоғолди минтақаларида йилқичилик билан шугулланар эди. Фаргона водийси ҳамон зотли аргумоқлари билан машҳур эди.

Ер эгаллиги. Зироаткор ерларнинг каттагина қисми ҳали ҳам кишлок жамоалари тасарруфида бўлсада, ернинг маълум бир қисми деҳқонлар ва ибодатхоналар ихтиёрида бўлган. Натижада кишлок жамоасининг кашоварз-эркин кўшчилари маълум даражада деҳқонларга тобе бўлиб, уларга қарам қадиварларга айлана борган. Яйловларнинг асосий қисми қабилла ва уруг жамоалари ҳамда уларнинг оқсоқоллари - **хвабулари** тасарруфида эди.

V асрда Тошкент воҳаси ва Жанубий Қозогистоннинг бир қисмини сув билан таъминловчи Зогариқ (Зовариқ) ва Бўзсув, Самарқанд вилояти жанубий туманларининг асосий сув манбаи Даргом каналлари барпо қилинган. Шу даврда Чогониён (Сурхондарё), Самарқанд, Бухоро, Кеш (Шаҳрисабз), Нахшаб (Қарши) ва Тошкент атрофлари тўла ўзлаштирилиб, алоҳида деҳқончилик воҳалари шаклланади. Бу воҳаларда кейинчалик ердор деҳқонларнинг сиёсий мавқеи ошиб, улар етакчилик қилганкичик ҳудудга эга воҳа ҳокимликлари вужудга келади.

Савдо ва пул муомаласи. Ташки савдо божидан манфаатдор бўлган эфталлар «Ипак йўли»ни ўз назоратлари остида тутиб туришга ҳаракат қилган. Эфталлар Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва Византия билан халқаро

савдода фаол қатнашарди. Ипак йўли савдосида сосоний савдогарлари билан рақобатда асосан сугдийлар воситачилик ролини ўйнарди.

Халқаро савдо алоқаларининг ривожланиши билан мамлакатда танга пул муомаласи тартибга солинади. Ички ва ташқи савдода эфталлар даставвал Сосоний ҳукмдорларнинг кумуш тангаларидан кенг фойдаланган. Бухоро, Пойканд, Вардона, Нахшаб, Самарқанд ва Хоразмда маҳаллий ҳокимлар чиқарган чақа тангалар ички савдода кенг муомалада бўлган. Бу маҳаллий воҳа ҳокимлари катта нуфузга эга эканидан далолат беради.

Эфталлар даврида аҳолининг табақаланиши, мулкӣ тенгсизлик кучайиб бориши сабабли давлат бошқарувида конун-қоидалар пайдо бўлган. Давлат ҳарбий кучга таянган, жинойт учун каттиқ жазо белгиланган.

Ҳаётӣ ўзгаришлар. Кўчманчи қабилаларнинг деҳқончилик воҳалари атрофига келиб ўтроқлашиши билан маълум даражада дашт удумлари ва эътиқодӣ тасаввурлари ўтроқ аҳолининг ҳаётига кириб борди. Асрий маданий анаъналари кучли бўлган Тохористон ва Шарқӣ Сугд воҳаларида кўчманчилар тез орада ўтроқлашди. Самарқанд, Бухоро, Нахшаб, Чоч (Тошкент) каби деҳқончилик воҳаларида баланд пойдевор устига бино қилинган истехкомли қасрлар ва қўрғонлар қад кўтарди. Уларнинг айримлари икки қаватли бўлиб, юқорисига пандус (қия кўтарма йўлак) орқали чиқилган.

Тил ва маданий алоқалар. Ўрта Осиё аҳолиси турли тилларда сўзлашган. Чорвадор аҳоли ўртасида туркий тил муҳити ҳукмрон эди. Ўтроқ аҳолининг бир қисми сугд тилида, иккинчи қисми туркий тилда сўзлашган. Бу даврда сугд тили халқаро савдо тили сифатида Фарғона ва Еттисув орқали Шарқӣ Туркистон ва Хитойга етиб борган. V-VI асрларда Сугд, Хоразм ва эфтал ёзувлари тарқалган эди. Эфталлар хати Бактрия ёзуви асосида пайдо бўлган. Эфталлар ёзуви 25 ҳарфдан иборат бўлган, хат чапдан ўнгга томон кўндалангига ёзилган.

Эфталлар ўт (олов) ва қуёшга сизгинувчи оташпараст бўлган. Марказий Осиёдаги бошқа халқлар будда, насроний ва зардушт динларига эътиқод қилган. Уларнинг сўнгги авлодлари ўзбек, туркман ва турк элатлари таркибига сингиб кетган. Замонамизгача туркман ва анатолиялик турклар таркибида «абдал» номли этник гуруҳ сақланган. Туркий дунё Евроосиёда муқим ўрин эгаллаган.

Бу даврда иқтисодӣ ва маданий алоқалар Хитой, Ҳиндистон ва Эрон билан кенгайиб боради. Ўрта Осиё шишасозлари V асрда Хитой ҳунармандларга рангли шиша ва шиша буюмлар ясашни ўргатади. Ўрта Осиё шишаси рангдорлиги, ярқироқлиги, тиниқлиги жихатидан Византия шишасидан устун турган. Хитой императорлари ўз саройларини безашда Ўрта Осиёдан келтирилган рангли шишадан фойдаланган. Ўрта Осиёнинг маданий анъаналари қўшни мамлакатлар, хусусан Ҳиндистон ва Эрон тасвирий услублари билан уйғунлашиб шаклланди.

(Эфталлар ҳукмдори *Миҳиракула* танга зарб қилган. Чағониён жез тангасида қўш тасвири бўлган.)

Таянч сўзлар ва атамалар: Африг, Кидар, Грумбат. Вахшунвар; Шопур, Перўз, Кубод, Анушервон; Харкон (Каспий), Зогарик (Зоварик), Бўзсув, Даргом.

Чархпалак - сугориш иншооти. Обикор – сугориладиган ер майдони. Дехқон (қишлоқ ҳокими) - илк ўрта асрларда мулкдор табақа. Кошаварз - зироатчи оддий кўшчилар. Кадивар - қишлоқнинг деҳқонларга қарам аҳлиси. Чокар - деҳқон мулкани кўриқловчи, ҳарбий посбон. Обжувоз – сув кучи билан юрадиган, шоли оклайдиган қурилма. Мойжувоз – ўсимлик уругидан мой оладиган қурилма.

2-§. Турк ҳоконлиги. Маҳаллий ҳокимликлар. VI-VII асрларда маданият

Турк ҳоконлиги ташкил топиши. VI аср ўрталарида Олтой ва Жанубий Сибирда яшаган туркий қабилаларни бирлаштирган янги давлат вужудга келди. Бу давлат тарихга Турк ҳоконлиги (552) номи билан кирган. Унинг асосчиси **Бумин** эди, у 552 йил «ҳокон» деб эълон қилинди. **Олтой** ҳоконликнинг маркази қилиб белгиланди.

Туркларнинг гарбга томон юришларига Истами бошчилик қилади, унга «Ябгу ҳокон» деган унвон берилади. Турклар тез орада Етгисув ва Шарқий Туркистонга туташган юртларда яшовчи туркий қабилаларни бўйсундирди. Турклар 555 йилдаёқ Сирдарё ва Орол денгизи бўйларигача чўзилган кенг ўлкаларни эгаллади. Ҳоконлик чегараси Эфталлар давлатига тутшиб кетган. Турклар 558 йил Ёйиқ (Урал) ва Итил (Волга) бўйларини забт этади.

Турклар 575-576 йилларда Шимолий Кавказни эгаллаб, Қрим ярим оролига кириб борди. Эфталлар давлатининг шимолий ҳудудлари хавф остида қолади. Эрон сосонийлари бу вазиятдан фойдаланиб Тохаристон ва Чоганиённи эфталлардан тортиб олди.

Эфталлар давлати қулаши. Туркларнинг эфталлар билан тўқнашуви муқаррар эди, бу сиёсий вазият Туркларни Эрон ва Византия билан яқинлаштирган. Узоқ вақт эфталлар тазйиқида яшаган сосонийлар эфталларнинг тамомила барбод бўлишидан манфаатдор эди. Хусрав I Анушервон (531-579) ташаббуси туфайли турклар билан юзага келган ҳарбий иттифок Эрон шоҳининг Истамига куёв бўлиши билан янада мустаҳкамланади.

Эроннинг Балхга хужуми кўмагида Турклар 563 йил Эфталлар давлатига бостириб қиради. Парак (Чирчиқ) водийси ва унинг маркази Чоч шаҳри ишғол қилинади. Турклар Сирдарёдан ўтиб Зарафшон водийсига кириб борадилар: Самарқанд, Кеш ва Нахшабни эгаллаб, Бухорога яқинлашадилар, 8 кун давом этган жангда эфталлар енгиледи. Жанубдан Эрон сосонийларидан, шимолдан Турк ҳоконлигидан 563-567 йй. зарбага учраган **Эфталлар давлати** барбод бўлади.

Эфталлар давлати бўлиб олинди: Амударёнинг жанубий қирғоқларигача бўлган вилоятлар Эрон; Амударё соҳилларидан Каспий денгизигача Турк ҳоконлиги тасарруфига ўтади. Эфталлар давлати қулагач вазият тубдан ўзгариб, ўз чегарасини шимоли-шарққа кенгайтирган Эрон

Амударёдан то Сурияга қадар Ипак йўли устида ҳақиқий сарбон бўлиб олади. Узок Шарқдан Эронгача бўлган қарвон йўли назоратини ўз ҳомийлигига олган Турклар Эрон орқали Византия билан савдо қиладиган бўлди.

Турк ҳоконлиги бошқаруви. Турк ҳоконлиги улкан давлат бўлса ҳам, сиёсий жиҳатдан чинакам марказлашган давлат эмас эди. Давлатнинг асоси туркий тилда сўзлашувчи қабилалар иттифоқидан иборат бўлган, бу иттифоқни Ҳокон бошқарган. Ҳукмдорнинг ҳокимияти - Уруг-аймоқ удумларига таянган ҳарбий-маъмурий бошқарувга асосланган.

Мамлакат кўчманчи чорвадор ва ўтроқ деҳқон аҳолига бўлинган. Кўчманчи чорвадор аҳоли Будун ёки Қора будун номлари билан юритилган. Будун ўз навбатида қабилалар иттифоқи бирлашмасини ташкил этиб, Ўн ўқ будун ёки Элнинг ҳокими Ябгу ёки Жабгу дейилган. Ябгу даражасига фақат ҳокон уругига қариндош бўлганларгина кўтариларди. Ўн ўқ эл сардори бир туман (10 минг) суворийни сафга тортар эди; бундай ҳарбий бўлинманинг туманбошиси «шод» деб юритилган.

VI асрда Чирчиқ, Зарафшон, Қашқадарё, Амударё хавзаларида **10 дан ортиқ воҳа ҳокимликлари** мавжуд эди, уларнинг бошқаруви маҳаллий сулола ҳукмдорлари қўлида қолдирилиб, турклар улардан фақат бож ва ясоқ ундириб олиш билан чекланади.

Ҳоконлик бўлиниши. Турк ҳоконлигининг мустақкам марказлашган давлатга айланишига кўп омиллар имкон бермаган: 1) катта-катта қабилалар ёки қабилалар иттифоқи марказий ҳокимиятга бўйсунмасликка интилганлар. 2) Турк ҳоконлиги тасарруфида бўлган ҳудудлардаги ҳокимлар мустақил бўлишни истар эдилар. Турк ҳоконлиги VI аср 80-йиллар охирида 2 га: - Шарқий ва Ғарбий турк ҳоконликларига бўлиниб кетди. Турк ҳоконлиги бўлиниб кетишига сабаб: 1) бўйсундирилган ҳудудларни маҳаллий ҳокимлар орқали бошқарув тартиби ҳоконликни заифлаштирган; 2) Византия, Хитой ва Эрон билан доимий рақобат Ҳоконлик аҳолини янада огирлаштирган.

Буюк Турк ҳоконлиги барпо этилган эл-юрт: Олой тоғи шарқидан то Узок Шарқгача бўлган ҳудуд, яъни Жанубий Сибир, Урхун хавзаси (Мўғулистон), Шимолий Хитой **Шарқий ҳоконлик** тасарруфида бўлган. Бу ҳоконликнинг пойтахти Ўттикан водийси (Мўғулистон) да қарор топган.

Олой тоғининг ғарбидаги ўлкалар: Еттисув, Шарқий Туркистон, Сирдарё ва Амударё хавзалари ҳамда уларга туташ ҳудуд **Ғарбий ҳоконлик** томонидан идора этилган, қароргоҳи Еттисувда жойлашган. Ғарбий ҳоконлик ўтроқ воҳа ва вилоятларни бошқаришда маҳаллий сулоларни сақлаб қолган, муҳим аҳамиятга молик айрим ўлкаларда туркий ҳокимиятни ташкил этиш мақсадида ҳокон хонадонига тегишли мансабдорлар тайинланган.

Ғарбий Турк ҳоконлиги бошқаруви. Ғарбий турк ҳоконлиги тасарруфига Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистоннинг бир қисми кирган, унинг маркази **Еттисув** эди. Шарқий ҳоконлик аҳолисининг асосий қисми чорвадор кўчманчи эди. Ғарбий ҳоконлик аҳолисининг катта қисми деҳқончилик, чорвачилик ва савдо билан машғул эди.

Ғарбий ҳоконлик VII асрнинг биринчи чорагида кучайган. Унинг шарқий чегараси Олтойга, жанубда Синд дарёсигача бўлган. Ҳокон **Тўнг**

ябғу (618-630) даврида бошқарув тартиблари ислоҳ қилинади. Вилоят ҳокимларини хоқонлик маъмурияти билан боғлаш ва уларнинг устидан назоратни кучайтириш учун маҳаллий ҳукмдорларга хоқонликнинг «ябғу» унвони берилади, натижада улар хоқоннинг ноиб (вакили)га айланади. Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон ва Тохаристоннинг деярли мустақил ҳокимликлари устидан сиёсий назорат кучайтирилади, улар ҳузурига хоқонликнинг ноиблари - тудунлар юборилади. Ғарбий Турк хоқонлиги ички кураш оқибатида заифлашиб боради.

Ижтимоий ҳаёт. Турк хоқонлиги аҳолисининг ҳаёти ва ҳўжалиги турлича эди. Кучманчиларнинг асосий машғулоти чорвачилик бўлган. Ғарбий хоқонликнинг ўтроқ аҳолиси маданий жиҳатдан илгор бўлиб, ижтимоий-иқтисодий турмушда етакчи рол ўйнаган. Хоқонликда шаҳар ва қишлоқлар кўп бўлиб, аҳолиси деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо билан шугулланган. Турк ҳунармандлари ясаган буюмлар, зеб-зийнатлар ва қурол-яроғлар хилма-хиллиги ва пухталиги билан айниқса ажралиб турарди. Фарғона ва Сугдда олтин, мис, темир ва симоб; Элоқда кўрғошин, кумуш ва олтин казиб олинади.

Шаҳар аҳолисининг асосий машғулотларидан яна бири ички ва ташқи савдо эди. Сугд савдогарларининг мавқеи баланд эди. VII асрнинг биринчи ярмида Ғарбий турк хоқонлиги ва Хитой ўртасида иқтисодий алоқалар фаоллашди. Хитойга 9 марта савдо элчилиги юборилди. 627 йил Бухоро, Самарқанд, Иштихон, Уструшона (Жиззах ва Ўратепа)дан бирлашган савдо қарвони Хитойга етиб борган.

Ўрта Осида VI-VII асрларда деҳқонлар томонидан ерларни эгаллаш жараёни авж олиб, зулм кучаяди. Ер ва сувдан ажралиб қашшоқлашган озов зироаткор - кашоварлар мулкдор деҳқонлар асоратига тушиб, қарам қадиварларга айланади. Қашшоқлик, зулм ва деҳқонлар асоратига қарши 585-586 йй. Бухорода халқ кўзғолон кўтарди. Кўзғолонга хоқон хонадонига мансуб Абрўй бошчилик қилган. Ваҳимага тушган мулкдор деҳқонлар ва бой савдогарлар Туркистон ва Тароз атрофига бориб ўрнашади. Улар турк хоқонидан ёрдам сўрайдилар. Турк хоқони Қорачўрин ўгли Шери Кишвар (Эл Арслон) бошлиқ кўшин юборади. Абрўй ўлдирилди ва кўзғолон бостирилди, қадивар ва хизматкорлар деҳқонларга қайтарилади.

Маҳаллий ҳокимликлар

V-VII асрларда мамлакат бир қанча ҳокимликларга бўлиниб кетади. Вилоят ва йирик шаҳарлардан иборат 15 дан ортиқ мустақил ҳокимликлар ташкил топади. Бу вилоят ҳокимликлари аввал эфталлар, сўнгра Турк хоқонлигига бўйсунган. Аммо эфталлар ҳам, турк хоқонлари ҳам уларнинг ички ҳаётига аралашмайди. Ҳокимликлар марказий ҳокимиятга бож тўлаб туриш билан ўз мустақилликларини маълум даражада сақлаб қолади.

Сугд. Мустақил ҳокимликлар орасида энг йириги Сугд **ихшидлари** - воҳа ҳукмдорлари эди. Ўрта аср давлатлари иттифоқида Сугд ихшидлари катта сиёсий нуфузга эга эди. Бу иттифоқда Самарқанд, Бухоро, Кеш

воҳаларининг 11 та йирик мулклари бирлашган эди. Уларнинг ҳар бири ўз ҳокими, ҳарбий чокарлари ва мис пулига эга эди. Самарқанд ихшиди саройида ажодлар руҳи хотираси ибодатхонаси бино қилинган. Ҳар йили унда ўтказиладиган хотира маросимида вилоят ҳукмдорларининг барчаси иштирок этарди.

Сугдда аҳоли гавжум яшаган. Сугдийлар деҳқончилик ва богдорчилик, айниқса узумчиликда ниҳоятда соҳибкор эди. Чорвачиликда Сугднинг хисори кўйлари ва тулпорлари жуда машҳур эди. Сугд шаҳарлари бу даврда ҳунармандчилик марказига айланади. 718 йил ҳадя тариқасида Самарқанддан юборилган дубулгадан нусха олиб, Хитой қуролсозлари кўшинини темир қалпоқ (дубулга) билан таъминлаган. Сугд тоғларидан олтин, жез, новшадил ва ялама туз ковлаб олинарди.

Тохаристонда нисбатан мустақил ҳокимликларнинг бир нечтаси жойлашган. Улар 27 тоғ ва тоғолди вилоятларидан иборат эди. Тохаристон пойтахти **Балх** шаҳри бўлган. Тохаристон аввал эфталлар, сўнгра Турк ҳоконлиги томонидан бўйсундирилади. Тохаристон аҳолиси будда динига эътиқод қилган, 25 ҳарфли ёзув бўлган. Аҳолисининг асосий қисми ўтрок деҳқончилик билан шугулланган, айниқса қуролсозлик юксалган.

Ҳозирги жанубий Ўзбекистон ва Тожикистон, Шимолий Афғонистонни ўз ичига олган бу вилоят шимолда Ҳисор тоғлари, жанубда Ҳиндикуш, гарбда Мурғоб ва Херуруд водийси, шарқда Помир билан чегараланган. Тохаристон номи мил. авв. II асрда Юнон-Бактрия давлатини қулатган чорвадор қабила - юечжилар номидан олинган. Тохаристон Ҳиндистон, Яқин ва Узоқ Шарқ мамлакатлари билан савдо-маданий алоқалар ўрнатган, ўз чақа-тангалари ички савдо муомаласида юрган. Тохаристон Марказий Осиёда будда ва монийлик динлари тарқалишида муҳим рол ўйнаган.

Фарғона ҳукмдорлари **ишхид** дейилган, ерлари жуда ҳосилдор бўлиб, аҳолиси деҳқончилик билан кун кечирган, пахта ва шоли эккан. Косон, Ахсикат (Хушкат), Қува (Қубо) каби йирик марказий шаҳарларида ҳунармандчиликнинг турли соҳалари ривож топган; ҳунармандчилик маҳсулотлари ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлган. Фарғонадан кўшни мамлакатларга бўёқ, рангли шиша буюмлар ва дори-дармонлар чиқарилган. Қадимдан чорвадор аҳоли Фарғонанинг Қурама ва Қорамозор тоғлари ёнбағирларида йилқичилик билан шугулланган. Тулпор отларининг донги жаҳонга таралган.

Чоч ва **Элоқ** ҳокимликлари Чирчиқ ва Оҳангарон водийларида мавжуд бўлган. Чочнинг маркази **Чоч** шаҳри бўлиб, ҳукмдори «**тудун**» дейилган. Элоқнинг маркази **Тункат**, ҳокимлари «**деҳқон**» дейилган. Улар V асрда Эфталларга, VI асрда Фарбий турк ҳоконлигига бўйсунар эди.

VII асрнинг дастлабки чорагида Фарбий Турк ҳоконлиги қароргоҳини Чоч вилоятига кўчиради. Ҳукмдор ва малика учун Ябгукат ва Хотункат каби қароргоҳлар барпо қилинди. Чоч тудуни ва Чоч тегини ёзувлари чекилган тангалар зарб этилди. Тангаларнинг олд бетига ҳукмдор сурати, орқасида от, гажак думли барс ёки қоплон тасвири, баъзан сулолавий айри тамга туширилган. Айрим тангаларда ҳукмронга ёнма-ён малика тасвири ҳам чекилган. Бундай кўшалок тасвир қадимги туркий давлатчилигида

хукмдорнинг маликаси - хватун (хотун) вазирлик даражасига эга бўлиб, давлат бошқарувида иштирок этганлигидан далолат беради. Саройда у хоқондан кейинги ўринни эгаллаган. Ғарбий турк хоқонлигининг йирик ўтрок вилоятларидан бири - Чоч ўлкаси ўз танга пуллари тизимига эга бўлган. (Хукмдор сурати туширилган Чоч тангаси VII асрга оид).

Чоч ва Элоқ сертармоқ хўжаликка эга бўлиб, сугорма деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик, кончилик, ички ва ташқи савдо юксак даражада эди. Чоч ва Элоқ тоғлари олтин, кумуш, рангли маъданлар, темир ва жилвадор чакмоқ тошларга бой эди. Чоч ва Элоқда ички ва ташқи савдо кенгайиб, шаҳарлар гавжумлашувига қарвон йўлининг ўлка орқали ўтиши имкон берган.

Ўрта Осиё ҳокимликларида илк ўрта асрларда ташкил топган бошқарув маъмуриятининг вазифаси: фуқаролардан бож, солиқ ва ясоқларни ўз вақтида йигиб олиш, уларни жамоат ишларига сафарбар этиш эди. Кирим-чикимлар аниқ кайд этилиб, ҳужжатлаштирилган, уларга бармоқ босилиб, муҳр билан тасдиқлаб қўйилган.

Шаҳар меъморчилиги. Ўрта Осиёда V-VII асрларда шаҳар ва кишлоқларнинг кифоасига, аҳолисининг турмуш тарзи ва аҳволига: 1) ерга эгалик қилиш муносабатларининг ўрнатилиши ва мустаҳкамланиб бориши; 2) кўчманчи чорвадорларнинг кириб келиши ва ўтроклашуви, жиддий таъсир кўрсатади. Бунинг оқибатида зироаткор ерлар кенгайиб, деҳқончилик воҳаларининг сув таъминоти тубдан яхшиланди. Тоголди ерларга сув чиқарилиб, янги ерлар ўзлаштирилди, шаҳарлар гавжумлашди.

Қишлоқларда Кўшк, Қаср, Қўргон ва Қўргонча каби истехкомли турар жойлар қад кўтарди. Истехкомли қаср, қўргон ва кўшклар асосан ташқи душман ҳужумига қарши мудофаа иншооти, чоқарлар тўпланадиган жой, маъмурий марказ, озиқ-овқат ва қурол-яроғ сақланадиган омбор вазифасини ўтаган. Ўрта асрларда шаҳарлар 3 қисмдан иборат бўлиб, улар кўҳандиз, шаҳристон, рабод деб юритилган. Учала қисм ҳам алоҳида девор билан ўралган ва бир нечта дарвозаси бўлган. Шаҳар деворлари бўйлаб оқиб ўтган анҳор хандак вазифасини бажарган. Ўрта аср араб муаллифлари (Ибн Хавқал, Иштахрий) Бинқат (Тошкент)нинг 22 та дарвозаси бўлганини кайд этади.

VI-VII асрларда маданият. Ёзув. Бу даврда Сугд, Хоразм ва Тохаристон аҳолисининг алоҳида-алоҳида ёзувлари бўлган. Сугд ва Хоразм ёзувчилари оромий ёзуви асосида юзага келган. Тохар ёзуви бактрия ёзуви асосида шаклланган. Хат, ҳужжат ва ахборотлар каби мактуботлар асосан чарм, ёғоч, сополга ва камдан-кам қоғозга битилган. Қоғоз ниҳоятда қимматбаҳо бўлганлиги учун кам ишлатилган. Айрим битиклар подшо саройлари ва ибодатхона деворларига ҳам ёзилган. Улар орасида элчилик мактублари, хўжалик қирим-чикимлари, юридик шартномалар, астраномик ҳужжат, тарихий ёдномалар, диний ақидалар битилган қўлёзмалар бор.

Сугд ёзувлари Панжикент яқинидаги Муг қалъасида, Шарқий Туркистондаги Турфан шаҳри яқинида ва Афросиёбда сақланиб қолган. Уларда Сугднинг сиёсий тарихи, ҳуқуқ ва қонунлари, иқтисодий ва диний эътиқоди хусусида маълумот келтирилган. Сугдда ўғил болага 5 ёшдан ёзув

ва ҳисоб ўргатилган, 20 ёшдан савдони ўрганиш учун бошқа мамлакатга жўнатилган. (VIII асрга оид Сугдий қўлёзма парчаси топилган.)

Уйғур ва Турк ёзувлари Сугд хати асосида шаклланган. Уйғур ёзувидан кейинчалик мўғул ва манжур хатлари пайдо бўлган. Сугдийларнинг каттагина гуруҳи доимо турк хоқонларининг қараргоҳида яшаган, уларнинг айримлари сарой аъёнлари ва маъмурлари қаторидан ўрин эгаллаб, маслаҳатчи, элчи, хат ва саводга ўргатувчи устоз вазифасини бажарганлар.

Туркий рун (кўктурк) хати ҳам кенг қўлланилган, бу ёзув бири иккинчисига тутшиб кетадиган 38-40 ҳарфдан иборат бўлиб, у тош ва ёғочга ўйиб ёзишга қулай эди. Кўктурк битиклари (Култегин ва Билга хоқон битиклари) Олтой, Шарқий Туркистон, Еттисув, Фаргона ва Зарафшон водийларидан топилган. Улар қабртошлари, сопол ва метал буюмлар, ёғоч ҳамда танга пулларга битилган. Илк ўрта асрларда юртимизда сугд, хоразм, тохар, туркий рун (кўктурк) ёзувлари мавжуд бўлган.

Диний эътиқодлар. Ўрта Осиёда VI-VII асрларда Зардуштийлик, Буддавийлик, Христианлик, Монийлик ва Қам (шамонийлик) динлари мавжуд эди. Аҳолининг кўпчилиги зардуштийлик динига эътиқод қилган. Самарқанд вилоятининг Ургут тумани нафақат Сугдда, балки бутун Ўрта Осиёда насронийлик маркази ҳисобланган. Илк ўрта асрларда Ўрта Осиё халқларининг мафкуравий ҳаётида Моний дини ҳам анча чуқур илдиз отган эди. Моний дини таълимоти бўйича оламнинг ибтидоси икки қарама-қарши яратувчи: ёруглик ва эзгулик ҳамда зулмат ва ёвузликдан иборат. Моний динининг аркони: ибодат, рўза, садақа ҳисобланган. Аркон - диндаги энг муҳим вазифа, суянчиқ, маъмурият.

Турк хоқонлигининг чорвадор аҳолиси қадимдан Шомонлик динига эътиқод қилган. Бу дин жон ва руҳларга, ота-боболар руҳига сизиниш эътиқодини тарбиялаган. Қадимги турклар ўз динини «қам» деб юритганлар, чунки уларда «шомон» деган сўз бўлмаган, бу дин коинотни йўқликдан бор қилган Кўк Тангрига эътиқод қилувчи яқка худолик дини ҳисобланади. Чорвадор кўчманчи аҳоли Тангрига багишланган маросимлар ўтказиб, қурбонликка қора қашқа от сўйилган. Қам-шомон - Кўк Тангрига сизинувчи яқка худолик дини. (Туркий балбал мазортош ҳайкали топилган.)

Санъат. Тасвирий санъатда - *рассомлик* ва ҳайкалтарошлик раванк топади. Сурхон воҳасида Болаликтепа, Зарафшон водийсида Панжикент, Афросиёб ва Варахша, Фарғонада Қува каби ёдгорликлардан деворий суратлар, ҳайкаллар ва ганчқори нақшлар топиб ўрганилган. Деворий тасвирлар ўша замоннинг мураккаб ҳаёти, диний эътиқоди ва ташқи мамлакатлар билан алоқалар ҳақида ҳикоя қилувчи манбадир. Афросиёб ва Варахшадан деворий тасвирлар топилган. (Зардуштийларнинг VI-VII асрларга оид оссуарийларида пештоқ остида турган шакллар тасвирланган. Айритомда арфа (чилтор) чалаётган қиз тасвирланган.)

Ҳайкалтарошлик ривожига айниқса будда дини кучли таъсир кўрсатган. Будданинг баҳайбат ҳайкаллари: Фарғона водийсида Қувадан, Қўргонтепа яқинида Ажинатепадан 12 метрли будда ҳайкали топилган. (Қувадаги буддавийлик ибодатхонасидан ҳайкалнинг бош қисми топилган, Кофирқалъадан VII-VIII асрларга оид одам боши тасвирланган сопол кўза

топилган). Бадиий ёғоч ўймакорлиги санъати ҳам бу даврда юкори даражада ривожланган. Илк ўрта аср ганчкорлик санъати намуналари Бухоро хукмдорлари Варахша қароргоҳида тадқиқ этилган, сарой деворларини турли геометрик шакллар, мевали дарахт ва ўсимликларнинг ўймакор нақшлари, ов манзараси безаб турган. (Варахшадан VI-VII асрларга оид ганчкор Хумо куши тасвири, Олқор (тоғ эчкиси) овининг ганчкор бўртма тасвири топилган.)

Муסיқа. Ўрта Осиёда санъатнинг: муסיқа, рақс, кўшиқчилик, кизикчилик, дорбозлик каби соҳалари ҳам ривожланган эди. Санъат соҳасида Бухоро кизикчилари, Самарқанд найчилари, Тошкент раққослари шуҳрат топган эди. Чоч раққослари ижро этган «Чоч рақси» ва ўйноқи «Доира рақси» Хитой аёнларини ҳайратга солган. Бухорода уста хунармандлар 10 турдаги чолгу асбобларини ясаган.

Таянч сўзлар ва атамалар: Хокон, Бумин, Истами, Тўнг ябгу, Шери Кишвар, Абрўй, Будун; Сўгд, Тохаристон, Фаргона, Чоч, Элоқ, Иштихон, Уструшона; Болаликтепа, Панжикент, Варахша.

Мустаҳкам марказлашган давлат - бу барча ҳудудлари ягона хукмдор ҳокимияти томонидан идора қилинувчи давлатдир. Будун - чорвадор аҳоли. Хокон - буюк хукмдор, подшоҳ, император. Ябгу хокон - хокон уругидан бўлган юрт ҳокими. Шад - 10 минг кўшин қўмондони. Ясоқ - деҳқонлар ва чорвадорлардан олинадиган солиқ. Ихшид - вилоят ҳокими. Кухандиз (арк) - шаҳарнинг ҳоким қасри жойлашган қисми. Шаҳристон - шаҳарнинг ички қисми. Рабод - шаҳарнинг ташқи мавзеси.

3-§. Араб халифалиги Ўрта Осиёни фатҳ этиши. Халқ кўзғолонлари (VII-VIII асрлар)

Ислом дини вужудга келиши. Арабистон ярим оролидаги араблар қадимдан тарқоқ ҳолда яшаган. VII аср бошларида Арабистонда ягона эътиқод асосида мамлакатни бирлаштириш ҳаракати бошланади. Бу эътиқод яқка худоликка асосланган ислом дини эди. Бу ҳаракатга Аллоҳнинг расули (элчиси) Макка шаҳрида тугилган Муҳаммад (с.а.в.) бинни Абдуллоҳ (570-632) раҳнамолик қилади. Исломни қабул қилиб, расулulloҳга эргашган унинг издошлари «муслим» (мусулмонлар) деб аталган. Мусулмонлар инсонлар Худо олдида тенг экани, ризқ-рўзини барчага Яратгувчининг ўзи етказиб бериши ҳамда жамиятдаги адолатсизлик барҳам топиши ҳақ эканини тарғиб этадилар. «Ислом» - «бўйсунуш», «итоат этиш», «ўзини Аллоҳ иродасига топшириш» деган маъноларни англатади.

Ислом байроги остида Макка шаҳрида бошланган ислом дини тарғиботи (622 й. 16 июл) Мадинага кўчади. 622 йил 16 июлдан Хижрий қамарий йил ҳисоби бошланди. Муҳаммад (с.а.в.) 630 йил арабларни ягона давлатга бирлаштиради. Муҳаммад (с.а.в.) вафот этгач унинг энг яқин сафдоши Абу Бакр (632-634) халифа деб эълон қилинади. Қуръони Карим ўз ичига ислом ақидалари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларини қамраб олган. Араблар исломни қабул қилиб, сиёсий жиҳатдан ягона ҳокимиятга

бирлашувида, ислом жахон динига айланишида Қуръоннинг аҳамияти буюк бўлди. Араб халифалиги - барча ҳокимият Муҳаммад (с.а.в.)нинг ўринбосари (халифалар) қўлида тўпланган давлат.

Араб халифалиги Миср, Сурия, Фаластин, Ироқ ва Эронни бўйсундириб, беҳисоб ўлжаларга эга бўлгач ҳарбий юришларни Ўрта Осиёга қаратди. Араблар 651 йил Марв шаҳрини жангсиз эгалладилар (Ўрта Осиёга илк юриши). Сўнг Афғонистоннинг шимоли, Эроннинг шимолий-шарқи, жанубий Туркманистондан Амударёгача бўлган ҳудудлар истило қилинди. Араблар бу ҳудудларни Хуросон деб атаган. Хуросоннинг маркази Марв шаҳри эди. Хуросон вилоятини бошқариш учун махсус ноиб тайинлайди, ноиб Марвда турган. Араблар Хуросонга ўрнашиб олгач Амударёдан шимолда жойлашган бой вилоятларни забт этишга тайёргарлик кўради. Амударёнинг шимолидаги ерларни араблар Мовароуннаҳр «дарёнинг нарғи томони» деб атаган.

Мовароуннаҳрга юришлар. Араблар Мовароуннаҳрга дастлаб босиб олиш учун эмас, балки Ислом динини ёйиш жихатдан тайёргарлик кўриш, маҳаллий ҳукмдорларни синаш мақсадида юриш қилади. Мовароуннаҳрга илк ҳужум 654 йил Маймуриг ва 667 йил Чогониёндан бошланади. Хоразм араблар томонидан икки марта талон-тарож этилган. Наршахийнинг ёзишича 673 йил кузида халифа **Муовия I** (661-680) фармони билан *Убайдуллоҳ ибн Зиёд* Амударёдан ўтиб Бухоро ҳудудига бостириб қиради. У Пойканд ва Ромитонни эгаллайди. Бухоро ҳукморини енгиб, ўз фойдасига сулҳ тузади. 1 лак (100 минг) дирхам товон ундиради, 4 минг асир, қурол, кийим, олтин ва қумуш буюмлар билан Марвга қайтади. Араблар қайтишда Термиз шаҳарни эгаллайди.

Мовароуннаҳр забт этилиши. Араблар VIII аср бошида Мовароуннаҳрни тўлиқ босиб олишга киришади. Хуросонга 704 йил **Қутайба ибн Муслим** ноиб этиб тайинланди. Қутайба ҳарбий юришни 705 йил Балх вилояти атрофларини забт этишдан бошлайди; тез орада Чағониён ҳокими жангсиз таслим бўлади. Қутайба 707 йил Пойканд шаҳарини 50 кун қамал қилади, шаҳар вайрон этилади ва эркак зоти кириб ташланади. Сўнг Қутайба Бухорога йўл олади.

Бухорхудотлар ҳудуди 12 та йирик қўргон ва шаҳарларидан иборат эди. Воҳада ҳукмдор хонадонининг тождор тасвири остида «Бухорхудот» деган ёзув билан зарб этилган қумуш дирхам муомалада бўлган. Давлатни **Туғшода** (692-724) бошқарган. Бухороликлар ҳар йили халифаликка бож тўлаш, уйларининг ярмини арабларга бўшатиб беришга мажбур этилади. Қутайба Бухоро шаҳри марказида жойлашган зардуштийлар ибодатхонасини жоме масжидига айлантирди, Сугдий ёзувда битилган асарларни йўқотди. Маҳаллий аҳолини ислом динига киритиш мақсадида масжидга келиб ибодат қилувчилар учун 2 дирхамдан пул ҳадя этишни жорий этди.

Қутайба 710 йил Нахшаб ва Кешни босиб олди. Самарқандга ҳужум бошлаш учун тайёргарлик кўради. Қутайба Сугд юришини кечиктиришига сабаб Хоразмда ички зиддиятлар оқибатида юзага келган қулай фурсат туфайли 711 й. Хоразмга қўшин тортади. Хоразм шоҳи **Чағон** укаси Хурзод бошчилигида қўзғолонни бостириш учун 711 йил Қутайбадан ёрдам сўради.

Хурзод ўлдирилсада Хоразмшоҳ Чагон ҳеч нарса ютмайди, аксинча мустақиллигини йўқотиб, арабларга бож тўлашга, қўшини эса Қутайбанинг ҳарбий юришларида иштирок этишга мажбур этилади. Хоразм шимолий ва жанубий қисмга ажралиб кетган, шимоли Ғурганж (Кўхна Урганч) мири, жанубини Хоразмшоҳ бошқарган. Иккала қисми ҳам халифаликка алоҳида хирож тўлаган.

Қутайба 712 йил Самарқандга юриш бошлади, бу даврда ихшид Тархун ўрнига Ғурак (710-738) Сугдга подшо эди. Кучлар тенг бўлмаганлиги оқибатида Самарқанд (712) таслим бўлади. Ғурак ва Қутайба ўртасида сулҳ тузилиб, Ғурак арабларга бир йўла 2 минг, йилиги 200 минг дирҳам бож тўлаш, 30 минг одам бериш, шаҳарда аскар сақламаслик, ички шаҳарни арабларга бўшатиб бериш, масжид бино қилиш каби шартларни бажаришга мажбур этилади. Қутайба бунинг эвазига Ғуракни Самарқанд, Кеш ва Нахшабга ҳоким этиб тайинлайди, оқибатда Ғурак арабларга қарам бўлиб қолади.

Чоч ва Фарғона забт этилиши. Қутайба 713 йил қўшинининг бир қисми Чоч вилоятига, ўзи асосий куч билан Фарғона водийсига юриш қилди. Чоч воҳаси босиб олиниб бош шаҳри Мадинат аш-Шош, кўп қалъа, қўргонлар ва кишлокларга ўт қўйилиб вайрон қилинади. Араблар 715 йил бошида Фарғона водисини узил-кесил эгаллаб, Қошгаргача кириб борди, ҳамма вилоятларга араблардан амирлар тайинланади. Қутайба халифа Сулаймонга қарши исён кўтаргач Фарғонада араб аркарлари томонидан ўлдирилади. Араблар Мовароуннахрни 10 йил давомида олиб борилган жанглар оқибатида эгаллаб олдилар.

Иқтисодий оқибатлари. Бухоро, Пойканд, Сугд ҳукмдорлари сулҳ тузишга мажбур бўлган, улардан катта миқдорда бож ва товон ундириб олинди. Араблар қўшинига минглаб маҳаллий йигитларни жалб этдилар. Араблар ҳарбий кучга таяниб аҳолидан турли солиқлар ундириб, аҳолини жамоа ишларига сафар этади. Марв, Пойканд, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида шаҳристон ёки ундаги хонадонларнинг қоқ ярми араблар ва ажам (эронлик)ларга бўшатиб берилди. Хирож, ушр, закот, жизья солиқлари жорий этилади.

Исломлаштириш. Мовароуннаҳрда сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун араблар аҳоли ўртасида исломни ёйишга аҳамият берди. Мовароуннаҳр аҳолисининг асосий дини ҳисобланган оташпарастлик ва бошқа динларга қарши қаттиқ кураш олиб борадилар. Ибодатхоналар вайрон этилиб, ўрнига жоме масжидлари барпо қилинади. Исломни қабул қилганлар дастлабки йилларда хирож ва жизья солиқларидан озод қилинган. Исломни қабул қилмаганлардан жон солиги - жизья ундирилган. Солиқларни ўз вақтида тўламаган кишиларнинг бўйинларига «қарздор» деб ёзилган тахтача осиб қўйилган.

Бундай чоралар Мовароуннаҳрда исломнинг тарқалишига ёрдам беради. Бироқ кўпчилик номигагина мусулмон бўлиб, узок вақт пинҳона ўз динларига содиқ қолади. Халифалик томонидан маҳаллий урф-одат, дин ва маданият поймол этилди. Сугд ёзувидаги китобларни, ҳужжатларни ва

санамларни гулханда ёқдилар. Қувадаги будда ибодатхонси ҳайкалларини, Афрасиёб деворидаги суратларни вайрон қилган.

Халифаликка қарши халқ ҳаракатлари

Қўзғолон сабаблари. Маҳаллий халқ орасида норозилик кучайиб, қўзғолон кўтаришига: халифаликнинг талончилик сиёсати маҳаллий халқни ҳуқуқлардан маҳрум этиши, маданиятини оёқ ости қилиши, араб тили ва ёзуви, халифалик қонун-қоидаларининг зўрлик билан жорий этилиши сабаб бўлди. Халифа Умар ибн Абдулазиз (717-719) келишиш сиёсатини амалга ошириб, босқинчиликни тўхтатиш ва молиявий ислоҳат ўтказиш ҳақида фармон берди. Фармонга биноан мусулмон араблар билан бир қаторда исломни янги қабул қилган маҳаллий халқлардан хирож ва жизья солиқларини олиш бекор қилинди. Мовароуннаҳр зодагонлари ўзларини ҳақиқий мусулмон деб ҳисоблаб солиқ тўламай қўйгач Халифалик маъмурияти бир йўла ҳаммадан жизья олиш ҳақида буйруқ беради. Яна жизья олиниши натижасида Мовароуннаҳрда ёппасига исломдан чиқиш ва эски динларга қайтиш бошлангач маҳаллий мулкдорлар ва араб маъмурияти ўртасида зиддият кескинлашиб, халқ қўзғолон кўтаради.

Қўзғолонлар бошланиши. Бундай қўзғолонлардан бири 720 йил Сугдда бошланди. Қўзғолонга Сугд ихшиди **Ғурак** ва Панжикент ҳокими **Диваштич** раҳбарлик қилган. Сугдликларга Еттисувдан турк лашкарлари ёрдамга келади, бирлашган кучлар арабларга қаттиқ зарба берадилар. Шаҳар ва қалъалар ичида қуршовда қолган араблар қатта ўлпон ва эътиборли вакилларини қўзғолончиларга гаровга бериш билан жон сақлайдилар. Хуросонга 721 йил **Саид Хароший** ноиб этиб тайинланди. Унга қўзғолонни бостириш ва сугдликларни исломга қайтариш вазифаси топширилади. Хўжандда бўлган жангда қўзғолончилар енгилди. Саид Хароший Мовароуннаҳр шаҳар ва қишлоқларида жазо чораларини кучайтиради. Бироқ қўзғолонни тўла бостираолмайди.

Қўзғолончиларга ён берилиши. Хуросон ноиби **Ашрос** аҳолини тинчлантириш ва араблар ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида ислом динини қабул қилганлардан хирож ва жизья солиқларини олмасликка қарор қилди. Бу аҳолини тинчлантиришга қаратилган вақтинчалик тадбир бўлсада, зодагон деҳқонлар ўз чоқарлари ва қадиварлари билан исломни қайтадан қабул қилиб, араблар томонига ўтади.

Хуросоннинг янги ноиби **Наср ибн Сайёр** (738-748) ўз мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида *молия ислоҳати* ўтказди: исломни янги қабул қилганлар жизьядан озод этилди; барча мусулмонлар ҳуқуқ жиҳатидан тенглаштирилади; ер эгасининг эътиқодидан қатъи назар хирож тўлаши шарт қилиб қўйилади. Олий мартабали араб лашкарбошилари билан мулкдор деҳқонлар ўртасидаги қардошлик алоқалари ўрнатилади, Наср ҳам Бухорхудотнинг қизига уйланади, бундай сиёсат натижасида араблар билан маҳаллий зодагонлар ўртасида иттифоқ юзага келди. Бирқ, Мовароуннаҳр барибир халифаликдаги энг нотинч ва исёнкор ўлкалардан бири бўлиб қолаверди.

VIII асрнинг 40-йилларида Халифаликда тахт учун кураш кучаяди ва Муҳаммад пайгамбарнинг амакиси Аббоснинг эвараси *Муҳаммад ибн Али* халифалик учун кураш бошлайди. Уммавийлар Муҳаммад (с.а.в.) авлодини қириб ташлашда айбланди ва Халифаликда уммавийларни агдариш учун ҳаракат бошланди.

Аббосийлар даврида норозилик кучайиши. Уммавиларга қарши норозилик халифа **Марвон II** (744-750) даврида кучайди. Бунга хирож солиғи миқдорининг ошиб кетиши ва мажбурий хашар ишлари сабаб бўлади. Уммавийларга қарши тарғибот қилиш учун аббосийлар турли вилоятларга тарғиботчилар юборади. Аббосийлар тарғиботига раҳбарлик қилиш учун куфалик Абу Муслим 746 йил Хуросонга келади ва аҳолини пайгамбар авлодларини қувватлашга чакиради.

Абу Муслим кўзғолони

Абу Муслимни дастлаб араб зодагонлари, сўнг маҳаллий дехконлар кўлаб-қуватлайди. Уммавийларга қарши ташвиқот Хуросон, Мовароуннаҳр ва Тохаристон вилоятларига тарқалади. Кўшин аввал Абу Муслим қароргоҳи Мохувон қалъасига тўпланади. Абу Муслим кўшинига кўшилган кишиларга аввал 3, сўнг 5 дирҳамдан маош тўлаган. Рўйхатдан ўтган кишиларнинг катта қисми ҳар томондан келган қуллар эди. Қуллар паст табақа бўлиб, қуллар билан бир сафда туриш бошқа табақа вакилларига ор туюлганлигини ҳисобга олган Абу Муслим қуллар учун Шаввал қишлоғида махсус жой ташкил эттиради ва қулларга Довуд исми тарғиботчини бошлиқ қилиб тайинлайди.

Кўзғолончиларнинг мақсади. Кўзғолончилар сафида араб зодагонлари, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг маҳаллий мулкдор дехконлари, халифалик Шаркидаги мазлум аҳоли, шаҳар ҳунармандлари ва кишлоқ кадиварлари, қуллар бор эди. Уларнинг мақсадлари ҳам ҳар хил эди: араб зодагонлари ҳокимиятни аббосийларга олиб бериб, мамлакатда ўз мавқеларини кўтармоқчи эди; маҳаллий мулкдорлар сиёсий жиҳатдан араблар билан тенглашиш ва иложи топилса мамлакатни халифаликдан ажратиб, мустақил идора қилишни мақсад қилган эди; меҳнат аҳли уммавийларнинг зулми, огир солиқлар ва мажбурий хашарлардан, қуллар қуликдан қутилиш орзусида эди. Кўзғолончилар қора либосда эди, қора кийим мотам рамзи, қолаверса, забардаст куч байроғи, жангда уммавий ҳарбийлардан ажратиб турадиган белгини англаган.

Аббосийлар даврида Мовароуннаҳр. Абу Муслим 747 йил аҳолини уммавийларга қарши курашга даъват этади. 748 йил бошида Хуросон пойтахти Марв шаҳрини эгаллайди. 749 йил халифа Марвон II тахтдан агдарилди. Аббосийлар сулоласи вакили **Абул Аббос Саффоҳ** (750-754) халифалик тахтига чикди. Бирок халққа берилган ваъдалар бажарилмади.

Абу Муслим Багдодда давлат ва ҳарбий кучларнинг юқори лавозимига тайинланади. Аббосийлар Абу Муслимнинг обрўи ошиб бораётганидан хавфсираб, уни Хуросон ва Мовароуннаҳрга ноиб қилиб юборади. Аббосийларга қарши кўзғолонлардан бири 750 йил Бухорода бўлди. Абу Муслим маҳаллий кучлар ёрдами билан кўзғолонни бостирди.

Мовароуннахрдаги ички зиддиятдан фойдаланиб Хитой Туркистонга бостириб киради. Абу Муслим томонидан Зиёд ибн Солих бошчилигида юборилган араб, сугд, турклардан иборат ҳарбий куч 751 йил Талосда Хитойликларга зарба беради.

Абу Муслим сидкидилдан хизмат қилсада, аммо Аббосийлар унга ишонмас эди. Халифа буйругига биноан Абу Муслим 755 йил ўлдирилади. Абу Муслимнинг ўлдирилиши халифалик шарқида, айниқса Хуросон ва Мовароуннахрда аббосийларга қарши халқ ҳаракати авж олишига баҳона бўлди. Абу Муслим кўзғолони 747-749 йй. Хуросон ва Мовароуннахрда бўлди, натижада Уммавийлар (661-750) ўрнига Аббосийлар (750-1258) сулоласи ҳокимиятга келди.

«Оқ кийимлилар» кўзғолони

Мовароуннахрда 769-783 йй. жуда катта халқ кўзғолони бўлган. Кўзғолончилар оқ либос кийганлари учун тарихда «Оқ кийимлилар» кўзғолони номи билан тилга олинади. Бу ҳаракатнинг раҳбари **Муқанна - Ниқобдор** деб аталган Марвлик хунарманд **Хошим ибн Ҳаким** эди. Муқанна Марв шаҳри яқинидаги Коза қишлоғида тугилган; у юзига кўк парда тутиб юргани учун «Муқанна» яъни «Ниқобдор» лақаби билан аталган.

Муқанна ёшлигида кудунгарлик (матого оҳор берувчи) касби билан шугулланган, у саводли, ақилли ва тадбиркор бўлган. Муқанна Хуросонда сарханг (кичик лашкарбоши)ликдан вазирлик даражасигача кўтарилган. Муқанна Маздак гоёларига асосланган ижтимоий тенглик ва эркин ҳаётга даъват этувчи таълимотни тарғиб этган. У Хуросон амирининг исёнида қатнашиб, пайгамбарлик даъво қилгани учун зиндонга ташланган. Муқанна қочиб Марвга келгач ўз тарафдорларини тўплаб ажнабийлар ҳукмронлиги ва зулмига қарши кўзғалишга даъват қилади. У ўз тарғиботчларини Мовароуннахр вилоятларига юборган: унинг тарғиботи Нахшаб ва Кеш шаҳарларида яхши самара беради.

Кўзғолон бошланиши. Кўзғолонга раҳбарлик қилиш учун Муқанна Марвдан Сугдга йўл олади ва Амударёнинг ўнг қирғоғига ўтиб, Нахшаб ва Кеш шаҳрига етиб боради. У Кеш яқинида тоғ тепасидаги Сом қалъасини ўз қароргоҳига айлантирди. Муқаннага кўпгина қишлоқларнинг қадиварлари, шаҳар хунармандлари ва айрим мулкдор дехқонлар эргашади. Тез орада бутун Қашқадарё воҳаси Муқанна тарафдорлари қўлига ўтади. «Оқ кийимлилар» ҳаракати кенгайиб халқ кўзғолонига айланади. Кўзғолон айниқса Мовароуннахрнинг маркази Сугдда авж олади. Кўзғолон Элок (Оҳонгарон) водийси ва Шошга ҳам ўз тасирини ўтказади.

Кўзғолонга зарба бериш учун халифа **Мансур** 775 йил *Жаброил ибн Яҳё* бошлиқ катта ҳарбий кучни Мовароуннахрга сафарбар қилади. У катта талофат бериб зўрга Самарқанддаги араб қўшинларига келиб қўшилади. Кўзғолончилар ёрдамга келаётган араб қўшинларини Термиз яқинида тормор қилади. Нахшаб ва Чағониён воҳалари кўзғолончилар қўлига ўтади. «Оқ кийимлилар» кўзғолони 776 йилдан бошлаб Бухоро воҳасида кучайиб кетади. Наршах қалъаси қароргоҳга айлантирилди, унда кўзғолончиларнинг катта

қисми тўпланган. Қўзғолончилар 4 ой давом этган курашдан сўнг маглубиятга учрайди.

Араблар энди асосий кучни Самарқанд ва Кешга ташлайди. «Оқ кийимлилар» ва туркий қабилалар Самарқандда арабларга қарши икки йил жанг қилди. Қўзғолончилар енгилди, Самарқанд таслим бўлди. Наршах ва Самарқандда «Оқ кийимлилар» енгилгач, арабларга маҳаллий мулкдор табақа вакиллари ёрдам бера бошлайди. Курашнинг охириги босқичи Кеш водийсида бўлиб ўтади. Муқаннанинг Сом қалъасидаги қароргоҳи 783 йил камалга олинади, узоқ давом этган камалдан сўнг муқанначилар таслим бўлади. Арабларга таслим бўлишни истамаган Муқанна ўзини ёниб турган тандирга ташлаб ҳалок бўлади.

Қўзғолоннинг енгилиш сабаблари: 1) «Оқ кийимликлар» уюшқоқлик билан ҳаракат қила олмаганлиги бўлди. 2) халқ ҳаракатининг оммалашиб кетишидан чўчиган маҳаллий мулкдорлар араблар томонига ўтиб кетган. 3) қўзғолоннинг узоқ давом этиши меҳнаткашларни ҳолдан тойдирган. Муқанна бошчилигида «Оқ кийимлилар» қўзғолони 769-783 йй. бўлиб ўтади.

Самарқандда 806 йил **Рофе ибн Лайс** бошчилигида (806-810) Халифаликка қарши яна қўзғолон кўтарилди. Қўзғолон Самарқанддан бошланиб Шош, Фарғона, Бухоро, Нахшаб, Хоразм вилоятларига тарқалган, тез орада бу вилоятлар халифалик қўлидан кетади. Хуросон ноиб **Маъмун** деҳқонлардан бўлган **Сомонхудо**тнинг набиралари *Нух, Аҳмад ва Яҳёдан* ёрдам сўрайди. Улар Рофе ибн Лайсни қўлга олиб, халифага таслим бўлишга мажбур қиладилар.

Таянч сўзлар ва атамалар: Ислом, Араб халифалиги, Қутайба, Хуросон, Мовароуннахр, Аббосийлар, Уммавийлар, Абу Муслим, Муқанна, Рофе ибн Лайс, Сомонхудо.

Наршахий (899-959) – тарихчи олим, Бухоронинг Наршах қишлоғида тугилган, “Бухоро тарихи” асарини ёзган. Амир (араб. – амр қилувчи, бошлиқ, ҳоким) – лашкарбоши, ҳоким, бек; дастлабки Халифалар ва Уммавийлар даврида алоҳида қўшин қўмондонлари амир деб аталиб, забт этилган вилоятларга ноиб этиб тайинланган. Фатҳ (араб.) – эгаллаш, забт этиш, босиб олиш маъносини беради. Жизъя - исломни қабул қилмаган аҳолидан олинган жон солиги. Закоат - мол-мулкнинг 1/40 қисми ҳажмида олинган солиқ. Хирож - ҳосилнинг 1/3 қисми ҳажмида олинган ер солиги. Ушр - идора ишлари учун даромаднинг 1/10 ҳажми ҳисобида олинган солиқ. Фармон - қонун кучига эга бўлган буйруқ. Ислоҳат - мавжуд тартибни ўзгартириш. Маздак ибн Ҳамдодон (470-529) - Эроннинг бош қохини, у дунё бойликлари одамларга тенг тақсимланиши тарафдори бўлиб, буни зўрлик билан амалга оширишни ёқлаб чиққан.

IV-боб. Мовароуннахрда мустақил давлатларнинг ташкил топиши.

1-§. Мустақил давлатлар шаклланиши. Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразм давлати

Халифалик заифлашуви. VIII аср охири – IX аср бошларида Араб халифалиги огир сиёсий тангликка учради, халқларни итоатда тутиб туриш араблар учун кийин бўлиб қолди. Мовароуннахр ва Хуросонда тез-тез кўзголлон бўлиб туриши, ўзаро уруш ва ички зиддиятлар Араб халифалигини заифлаштирди ва мустақил давлатлар пайдо бўлишига олиб келди. Мовароуннахрнинг шимоли ва шимоли-шарқида, халифаликка бўйсундирилмаган чегарадош ерларда бир нечта давлатлар ташкил топди.

Қарлуқлар туркий қабила ҳисобланиб, қадимда Олтойнинг гарбида, сўнгра Иртишнинг ўрта оқимида яшаган. Улар VI-VII асрларда Турк хоқонлиги таркибига кирган. Еттисув ўлкасида VIII аср ўрталарида Қарлуқлар давлати ташкил топди; пойтахти Чу дарёсининг шимолда жойлашган Суёб шаҳри эди. Қарлуқлар давлати ҳукмдори ябғу ёки жабғу деб номланган. X аср ўрталарида қарлуқларнинг катта қисми мусулмон бўлган, бир қанча шаҳарларида жоме масжиди бино қилинган.

Қарлуқлар **давлати:** шимол ва шарқдан Елсуви дарёси водийсидаги чигил қабиласи яйловларигача; гарбдан ўғуз юрти ва Фарғона водийси; жанубда яғмолар воҳаси ва Шарқий Туркистон билан чегараланган. Суёб, Жўл, Навкат, Карманкат, Ёр қаби шаҳарлари бўлган. Аҳоли кўйчилик, тоғолдида дехқончилик билан шугулланган. Шарқий Туркистон ва Мовароуннахр билан савдо қилган. Четга жун ва жун маҳсулотлар: гилам, шолча, намат чиқарган. Қарлуқлар X асрда Мовароуннахрнинг шимолини эгаллаб, Шош атрофи, Фарғона, Зарафшонга келиб ўрнашган ва ўтроқ маҳаллий аҳолига сингиб кетган.

Ўғузлар Турк хоқонлиги таркибида эди. Турк хоқонлиги емирилгач ўғизларнинг катта қисми Сирдарё хавзаси ва Орол бўйларида ўрнашиб, IX аср охири ва X аср бошида Ўғузлар давлатига асос солди. Пойтахти Сирдарё бўйидаги Янгикент шаҳри бўлган. Ўғизлар X асрдан ислом динини қабул қилади. X аср биринчи чорагида шимоли-шарқдан келган кипчоқлар зарбаси туфайли Ўғузлар иккига бўлиниб кетади. Бир қисми гарбга - Шимолий Кавказ даштларига бориб ўрнашди. Уларнинг иккинчи қисми аввал Мовароуннахрга кириб боради ва ундан жануби-гарбга силжиб, янги сулола - Салжуклар бошчилигида Олд Осиё мамлакатларини истило қилишга киришади.

Бу икки туркий (Қарлуқ ва Ўғуз) давлат Мовароуннахр, Ўрта Шарқ ва Олд Осиё халқларининг сиёсий ва этник тарихига кучли таъсир кўрсатди. Қарлуқлар ўзбеклар ва тожикларнинг, Ўғузлар Туркман, Озарбайжон, Қорақалпоқларнинг этногенезида муҳим рол ўйнаган.

Тоҳирийлар. VIII аср охири – IX аср бошида халифаликни ларзага келтирган огир сиёсий вазият Аббосийларни Мовароуннахр ва Хуросонда олиб борилаётган сиёсатни ўзгартиришга мажбур этди. Маҳаллий зодагонлар Мовароуннахр ва Хуросонни ўз тасарруфига ўтказиб, ҳатто Халифалик марказида ҳам ҳокимиятни бошқаришда кўпроқ рол ўйнайдиган бўлиб қолди. Халифа **Хорун-ар Рашид** (786-809) вафот этгач, ўгиллари **Маъмун ва Амин** ўртасида 809-813 йй. тахт учун кураши бунга катта йўл очиб берди. Халифалик марказидаги араблар Аминни халифалик тахтига кўтаргач, норози бўлган Маъмун укаси Аминга қарши кураш бошлайди.

Маъмун 813 йил тахтни эгаллашида унга Ҳирот вилоятининг зодагонларидан **Тохир ибн Хусайн** бошлиқ Хуросон ва Мовароуннаҳр мулкдорлари ёрдам берди. Халифа Маъмун Хуросон ва Мовароуннаҳрга 821 йил Тохир ибн Хусайнни ноиб этиб тайинлайди (Тоҳирийлар ҳукмронлиги). Маъмун **Сомонхудо**тнинг набираларини шаҳар ва вилоятларга ноиб қилиб тайинлайди: Нухга Самарқанд, Аҳмадга Фаргона, Яҳёга Шош ва Уструшона, Илёсга Ҳирот тегади. Бунинг эвазига сомонийлар Мовароуннаҳрнинг йиллик хирождан катта маблағни тоҳирийлар орқали халифа хазинасига юбориб туради.

Тохир мустақилликка интилиб 822 йил халифа номини хутбадан чиқариб юборади. Тохир тўсатдан вафот этгач, унинг ўғиллари **Талха** ва **Абул Аббос Абдуллоҳ Хуронга** бирин-кетин ноиблик қилади. **Абул Аббос Абдуллоҳ** (830-844) пойтахтни Марвдан Нишопурга кўчирди. Сомонхудо авлодларининг маҳаллий ноиблиги тоҳирийлар томонидан тан олинади ва тоҳирийларга тобе сифатида Мовароуннаҳрни идора этади. Бу Хуросон ва Мовароуннаҳрда бир асрдан ошиқроқ ҳукм сурган халифалик ҳукмронлигининг тугаганлигини билдиради.

Саффорийлар. Тоҳирийлар замонида ҳам меҳнаткашлар аҳволи огир бўлиб, мулкдор дехқонлар зулмидан, давлатнинг огир солиқларидан безор бўлган халқ кўзголон кўтаради, уларга «гозийлар» ҳам кўшилади. Кўзголонга саффорийлар - ака-ука **Яқуб** ва **Амр ибн Лайс** бошчилик қилади. Улар 873 йил Хуросон пойтахти Нишопурни эгаллайди, натижада Тоҳирийлар (821-873) ҳукмронлиги тугатилиб, ҳокимият Саффорийлар (873-900)га ўтади.

Таянч тушунчалар: Қарлуқлар - туркий қабилалардан бири, дастлаб Олтойнинг гарбида, сўнг Иртиш дарёси ўрта оқимида яшаган. Ўғузлар - Ўрта Осиёда яшаган туркий қabila. Тоҳирийлар – Хуросондаги Тоҳирийлар давлатида ҳукмронлик қилган сулола (821-873), расман аббосийларга қарам бўлган. Сулолага 821 йил Тохир ибн Хусайн асос солган. Саффорийлар – Саффорийлар давлатида ҳукмронлик қилган сулола (873-900). Саффорийлар номи унинг асосчиси Яқуб ибн Лайс ас-Саффор номидан олинган, йирик ҳукмдорлари: Яқуб ибн Лайс (873-879), Амр ибн Лайс (879-900). Хутба - жума намозида ҳукмдор номини айтиб, ҳақиқага дуо ўқиш. Ғозий - Ҳақ дин учун курашувчи жангчи.

Сомонийлар давлати

Сомонийлар ҳукмронлиги. IX асрда Мовароуннаҳрнинг сиёсий ҳаётида ўзгаришлар юз бериб, юртга аввал **Нух**, сўнгра **Аҳмад** бошчилик қилди, улар ўз номидан мис чақа зарб этади. Аҳмад вафотидан (865) сўнг ўгли **Наср** Самарқандни марказга айлантиради. У Мовароуннаҳрнинг барча вилоятларини бирлаштириш ва Хуросондан ажратиб олиш чораларини кўради. Мовароуннаҳрнинг деярли барча вилоятлари IX аср охириги чорагида сомонийлар тасарруфига ўтади. Наср бутун Мовароуннаҳрнинг ҳукмдорига айланади ва қумуш дирҳам зарб этади. Ака-ука Наср ва Исмоил ўртасида

тахт учун кураш бошланиб Исмоил голиб чиқади. Исмоил 888 йил бутун Мовароуннахрни бирлаштирди.

Исмоил Сомоний ўрта асрларнинг қобилиятли, серғарйрат ва зукко давлат арбоби эди. У Мовароуннахрни бирлаштириб, мустаҳкам давлат тузишга интилди. У шимоли-шарқий ҳудудларга юриш қилиб, 893 йил Тароз шаҳрини забт этди ва даштликларга зарба берди. Мовароуннахрнинг мустақилликка эришиши Араб халифалигига ёқмас эди. Бир томондан ундириб олинган бойликдан маҳрум бўлиши ранжитса, иккинчи томондан чўчитар ҳам эди. Халифалик бу бой вилоятларга ўз таъсирини қайта тиклашга уриниб, саффорийлар билан сомонийларни тўқнаштириб, иккисини ҳам заифлаштиришга ҳаракат қилди.

Халифа **Муътазид** (892-902) Саффорийлар ҳукмдори Амир ибн Лайсга Хуросон билан бирга Мовароуннахр устидан ҳам ҳукм юритиш ҳуқуқи берилгани ҳақида фармон чиқаради ва уни Исмоилга қарши гижгижлайди. Саффорийлар ва Сомонийлар ўртасида 900 йил бўлган жангда Исмоил галаба қилди. Хуросон сомонийлар қўл остига ўтади, халифа Исмоилга ҳукмдорлик ёрлигини юборишга мажбур бўлади.

Исмоил Сомоний бутун Мовароуннахр ва Хуросонни бирлаштирди, **Бухоро** шаҳри пойтахт бўлди. Сомонийлар мамлакат бошқарувида дастлаб ихчам бошқарув маъмуриятини ташкил этди: у амир даргоҳи ва девон (вазирлик)лардан иборат эди. Даргоҳда амир қароргоҳи ва ҳарами, сарой аъёнлари, навкар ва хизматкорларининг турар жойлари бўлган.

Наршахийнинг ёзишча Сомонийлар бошқаруви асосан вазир, мутовфий, амид ул-мулк, соҳиби шурат каби 10 та девон орқали идора этилган. Вазир девони бош бошқарув маҳкамаси ҳисобланган. **Наср II** (914-943) даврида Бухоронинг Регистон майдонида амир қасри қаршида девонлар учун сарой қурилган, маҳкама мана шу махсус бинода жойлашган эди. Маҳкама хизматчилари араб, форс тилларини пухта эгаллаган, Қуръон ва шариатнинг асосий қоидаларини яхши биладиган, турли фанлардан хабардор бўлган саводли аслзодалардан танлаб олинган.

Исломи дини руҳонийларининг Мовароуннахр равнақиға ҳиссаси катта бўлди. Бухоро Шарқда ислом динининг энг нуфузли марказларидан бирига айланди. Шаҳарларда жоме масжид, хонақоҳ ва намозгоҳлар қурилди. Мусулмон Шарқидаги илк мадраса Бухоронинг кавушдўзлар маҳалласи яқинида X асрда қурилган *Фаржак* мадрасаси эди.

Маънавий ҳаётнинг асоси бўлган Исломи мафкурасига «устод» деб аталган дин ва илм пешволари раҳнамолик қилган. Бу ном кейинчалик «шайх ул ислом» дейилган, устоддан кейин хатиблар турган. Масжид, мадраса, хонақоҳ қурилиши учун махсус жойлар ва харажатлар ажратилган. Исломи дини аҳолининг мустақил халқ бўлиб шаклланишида муҳим аҳамият касб этди.

Мудофаа ишлари. Исмоил Сомоний саройнинг махсус мунтазам сарбозларидан иборат яхши қуролланган ҳарбий қўшин тузган. Яхши ва узоқ хизмат қилган сарбозлар «ҳожиб» лавозимига кўтарилган. Хожибларнинг бошлиғи «ҳожиб ул-хужоб» ёки «ҳожиб бузрук» деб юритилар эди, бундай унвон Сомонийлар саройида олий унвон ҳисобланган.

Сомонийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт

Сугорма деҳқончилик билан IX-X асрларда Мовароуннаҳр ва Хоразм аҳолисининг асосий қисми шугулланар эди. Сугорма деҳқончиликда галокорлик, шоликорлик, пахтачилик, сабзовотчилик, полизчилик, богдорчилик юқори даражада ривожланган. Ваҳаларда пахтачилик катта ўринни эгаллаган. *Богдорчилик* маданияти кенг раванқ топган. Мовароуннаҳр ва Хоразмда сабзавот ва полиз экинлари сероб бўлиб, кувунлари ширали бўлган. Деҳқончилик солиғи - хирождан хазинага тушадиган даромад давлат крим-чиқимининг катта қисмини қоплагани учун Сомонийлар деҳқончиликни ривожлантиришга катта эътибор бердилар.

Чорвачилик Мовароуннаҳр ва Хуросонда IX -X асрларда юксак даражада ривожланиб, дашт ва тоғолди яйловларида кўй-эчкилар, йилқи ва туялар боқилган, қишлоқларда қорамоллар беҳисоб бўлган. Чорвачилик аҳолини чорва маҳсулотлари билан таъминлаб, яна хўжаликнинг ҳамма соҳалари, айниқса кўшин учун от-уловлар етказиб берган.

Хунармандчиликнинг тўқимачилик, кулолчилик, чилангарлик, мискарлик, заргарлик, шишасозлик, дурадгорлик каби турлари Мовароуннаҳр ва Хоразм шаҳарларида ривожланган. Шаҳарларнинг умумий қиёфаси тубдан ўзгариб катта олий иморатлар, устахоналар, масжид, мадраса, макбара, хонақоҳ ва карвонсаройлар кад кўтарди. Эндиликда шаҳарлар 10 дан ортик дарвозали каттагина хунармандчилик марказига айланди. Шаҳарнинг дўнглик ерида жойлашган арқда подшо қароргоҳи - даргоҳ, хазина, чака-танга чиқарадиган зарбхона ва камокхона бўларди. Шаҳар марказида: регистон майдони, девонлар, маҳкама саройи; амирзодалар, сарой аъёнлари, руҳонийлар, мулкдор деҳқонзодалар ва давлатманд савдогарларнинг қасрлари; қурол, асбоб, эгар-жабдуқ ясаيدиган устахоналар; хунармандчилик дўконлари ва савдо расталари жойлашган.

Самарқандда юқори навли қоғоз ишлаб чиқилар эди. Шош - кўнчилик маҳсулотлари ва чарим моллари билан, Илоқ - кумуш ва кўрғошин конлари, кумуш танга чиқарадиган зарбхонаси билан машҳур эди. Хоразмда - кайиксозлик тараккий қилади (Термизда ҳам ясалган). Бухоронинг Зандана қишлоғида тўқилган малларанг бўз «Занданачи», Самарқанднинг Вадор қишлоғида тўқилган «Вадорий» матолар Шарқда машҳур бўлган.

Кончилик IX-X асрларда тараккий қилиб, Зарафшон ва Фаргона водийси тоғларидан темир, кўрғошин, кумуш, симоб, мис, қалай, феруза, новшадил қазиб чиқарилган. Фаргонадан тошкўмир ва нефть топиб ишлатилган. Элоқ вилояти кумуш ва кўрғошин қазиб олиш марказлардан бири эди.

Ички ва ташқи савдо IX-X асрларда кенгайиб, қадимги карвон йўли бўйлаб кудуклар казилиб, ҳар бир бекатда работлар бино қилинади. Карвонлар ўтадиган шаҳар ва қишлоқларда карвонсаройлар қурилган. Шимолий йўл орқали Жанубий Сибир ва Мўғилистонга Мовароуннаҳрдан бўз, кийим, эгар-жабдуқ, қилич, идиш, заргарлик буюмлари, дори, курук мева, кунжут, зигир мойи олиб борилган. Сибирдан турли қимматбаҳо

мўйналар, чорва моллари ва чорвачилик маҳсулотлари келтирилган. Итил, Хазар ва Булгорга Мовароуннахр ва Хоразмдан гуруч, курук мевалар ширинликлар, тузланган балиқ, пахта, шойи матолар, мовут, кимхоб, гиламлар олиб бориб сотилган; Булгор ва Хазардан мўйна, шам, чўкки қалпоқлар келтирилган.

Олимлар айтишича VII-IX асрларда Хитой билан савдода чой, ипак мато, туз ва от асосий ўринда турган. Ҳар бир от Хитой бозорида (тўпи 12,8 м.) 50 ўрам ипак матога айирбош (бартер) қилинган. Ҳар бир отнинг нархи 56 кг. олий навли чойга тенг бўлган. Бир неча «жин» (600 г) чойга бир бош қўй алмаштирилган. Хитойга шиша ва шиша буюмлар чиқарган. VII-VIII асрларда чой асосий импорт маҳсулотларидан бирига айланган. Хитойча «ча», «минг» дейилган хушбўй чой ўсимлиги ва селекцияси Шарқий Туркистон орқали Туркистон ва бошқа мамлакатларга тарқалиб чанқоқбосди ичимликка айланган.

Пул. Ички бозорда «фалс» деб аталган мис чақа, Халқаро савдода кумуш танга - дирҳам ишлатилган. Мис чақаларни марказий ҳокимият ҳам, шунингдек сулола аъзоларидан бўлган баъзи маҳаллий вилоят ҳокимлари ҳам чиқарар эди. Кумуш тангалар фақат ҳукумат бошлиги номидан Марв, Самарқанд, Бухоро ва Шошда давлат зарбхоналарида сўкилар эди. Сомонийлар «исмоилий», «муҳаммадий» номли кумуш дирҳамлар чиқарган. Юқори сифатли соф кумушдан зарб этилган «Исмоилий» тангаси асосан халқаро савдода ишлатилган. Сомоний Абдумалик бин Нух 961-962 йй. Самарқандда танга зарб қилган.

IX-X асрларда ер-мулк муносабатлари. Сомонийлар инқироzi. Ғазнавийлар давлати

Ер эгалигининг Сомонийлар даврида 5 тури: 1) мулки султоний. 2) мулк ерлари. 3) вақф ерлари. 4) мулки хос. 5) жамоа ерлари мажуд бўлган. «Мулки хос» - олий руҳоний ва сайидларга қарашли ерлар бўлган. Бундай имтиёзга ега мулкдорлар ҳосилнинг 1/10 ҳисобида «ушр» солиги тўлаган. Мулки иқто - ҳукмрон сулола ёки олий табақа вакилларида давлат олдидаги хизматлари учун ҳадя қилинган ерлар.

Иқто мулки. Йирик мансабдорларнинг давлат олдидаги хизмати учун X асрда ер ва сувдан иборат катта мулклар инъом қилина бошлайди. Бундай мулк «иқто», унга эга бўлган мулкдорлар «мукто» ёки «иқтодор» деб юритиларди. Иқто тарзида айрим вилоят, шаҳар ва туманлар ҳадя этилган. Иқто даставвал асосан олий табақа зодагонлар: сулола аъзолари - амирзодалар ва йирик мансабдорларга инъом этилган. Иқто мулклари аввалда бир умрга эмас, балки маълум муддатга берилиб, наслдан наслга ўтказилмаган. Иқтодорлар ўзига инъом қилинган ҳудудларда яшовчи аҳолидан олинадиган солиқларнинг маълум қисмини йигиб олиш ҳуқуқига эга бўлганлар. «*Жамоа ерлари*» - қишлоқ жамоалари тассарруфидаги ерлар бўлиб, асосан лалмикор ва тоғолди ерларидан иборат бўлган.

Барзикор-қўшчилар. IX-X асрларда катта ер эгалари кадиварларни ишлатишдан кўра ўз ерларини қишлоқ жамоаларининг кам ерли аъзоларига

ижарага беришни афзал кўрадилар. Ўша замонда ижарачилар барзикор ёки кўшчилар, деб аталарди. Барзикор-кўшчиларнинг шерикликка эккан ерлардан оладиган хиссаси турлича бўлиб: 1) агар барзикор ўз уруги ва кўши билан деҳқончилик қилса, унинг хиссаси ҳосилнинг 1/3, 1/4, 1/5 миқдорида белгиланган. 2) кўш ва уруг ер эгасиники бўлса кўшчи ҳосилнинг 1/10 ёки 1/12 улушига эга бўлган. Давлат солиқлари (хирож ва ушр) ер эгасидан ҳам, кўшчилардан ҳам алоҳида-алоҳида олинар эди.

Сомонийлар инқироzi. Сомонийлар ҳарбий юришлари, ҳукмрон сулоланинг ички низолари, маҳаллий ҳокимларнинг бошбошдоқлиги авж олгач иқтисодий танглик содир бўлди. Ҳатто ҳарбийларга, шу жумладан амирнинг мунтазам турк сарбозлари кўшинига маош тўлаш учун маблағ топилмайди. Бундай огир аҳволдан чиқиш учун 942 йил аҳолидан икки марта солиқ ундириб олинди. Беҳад тартибсизлик вазиятни кескинлаштириб турли табақаларнинг кўзгалишига сабаб бўлади.

Сиёсий вазият **Нух** (943-954) ва унинг набираси **Нух II** (976-997) даврида ниҳоятда кескин тус олди. Нух ибн Насрнинг амакиси *Иброҳим* 947 йил исён кўтарди. Иброҳим сарой сарбозлари ва Чағониённинг йирик ер-мулк эгаси *Абу Али Чағоний* ёрдамида Бухорони эгаллади. Кўп ўтмай Чағоний ҳам исён кўтаради. Нух уни 952 йил Чағониёнга, сўнгра Хуросонга ҳоким қилиб тайинлашга мажбур бўлди. Бухоро ҳарбий аскарлари 961 йил галаён кўтариб, саройни талайди ва ёкиб юборади. Бу воқеалар марказий ҳокимиятнинг заифлашиб қолганидан далолат берарди.

Таянч тушунчалар: Сомонийлар - Бухоро воҳасининг йирик мулкдор ҳукмдорларининг сулолавий номи. Сомонийлар давлати (865 - 999) – Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ўрта аср давлати, унинг ташкил топиши Араб халифалигининг қулаши ҳамда Мовароуннаҳр ва Хуросонни босиб олган Сомонийларнинг давлат тепасига чиқиши билан боғлиқ, раванқ топган даврда Мовароуннаҳр, Хуросон, Шимолий ва Шарқий Эронни ўз ичига олган.

Вазир - девонхона бошлиги, бош вазир. Амид ул-мулк - давлат ҳужжатлари ва элчилик алоқалари вазири. Мустовфий - молия вазири. Соҳиби шурат - ҳарбий ишлар вазири. Уламо - дин олимлари. Хонақоҳ - гарибхона, мусофирхона. Ҳожиб – ҳарбий унвон.

Ғазнавийлар давлати

Огир даврда турк хожиблари сарой гвардиясининг сиёсий нуфузи кучаяди, чунки ҳарбий ва мудофаа ишлари улар қўлида эди. Туркий саркардаларнинг хизматлари эвазига сомоний амирлар иқтидорли лашкарбошилари Ҳожиб-ул-хожиб ёки Ҳожиб-ул-бузрук каби олий ҳарбий мансабларга тайинлаб, уларга айрим вилоятларни бошқариш ҳуқуқини берганлар. Ғазна вилоятини 962-963 йй. **Алптегин** ноиб ва лашкар амири сифатида бошқарган. У Ғазна ва Кобул вилоятларини мустақил идора этишга интилиб, Ғазнавийлар давлатига асос солган. Бу туркий давлатнинг пойтахти Ғазна шаҳрида қарор топган.

Ғазнавийларнинг нуфузи **Собуктегин** (977-997) даврида ортиб сомонийлар эътироф этган. **Махмуд Ғазнавий** (997-1030) даврида унинг худуди кенгайиб, Шарқнинг кудратли давлатига айланган: чегараси гарбда Рай ва Исфаҳон, Каспий денгизи; шимоли гарбда Хоразм ва Орол денгизигача; шарқда Шимолий Ҳиндистоннинг катта қисми ва Жанубий Балужистонгача етган. Сомонийлар барҳам топгач Махмуд Ғазнавий Хуросон худудини, сўнг Хоразмни (1017) эгаллайди. **Масъуд Ғазнавий** (1030-1040) даврида вилоятлар қўлдан кетиб, таназзулга юз тутган. Ғазнавийлар давлати 1186 йил бутунлай тугатилган.

Давлат бошқаруви. Вазир тизимида ҳарбий, элчилик ва расмий тадбирлар, молия ва хабар-почта девонлар бўлган. Вилоят ҳукмдори волий, шаҳар ҳокими раис дейилган. Вилоятда бошқарув ишлари амид, шаҳарларда кутвол амалга оширган. Бош қўмондон - сипоҳсолор, лашкарбоши - солор, ҳарбий қисмлар бошлиги - сарханг деб аталган. Қўшинда ҳарбий кемалар ҳам бўлган.

Илм-фан, маданият. Ғазнавийлар давлатида илм-фан, маданият, адабиёт ривожланган. Махмуд Ғазнавий туркий она тили билан бирга форс, араб, паҳлавий тилларни ҳам билган, шеър битган. Саройда 400 дан ортик олим, шоир, санъаткорлар ижод қилган. Беруний, Носир Хусрав, Ғардизий, Байҳакий каби мутафаккирлар Ғазнада яшаган. Беруний «Қонуни Масъудий», Байҳакий «Тарихи Масъудий» асарларини султон Масъудга багишлаган. Фирдавсий «Шоҳнома» достонини Махмудга тақдим этган. Ғазна, Балх, Нишопур, Лоҳур шаҳарларида мадраса, масжид, хоноко, саройлар қурилган, кутубхоналар фаолият кўрсатган.

Қорахонийлар давлати ва Мовароуннаҳр

Қарлуқлар X аср ўрталарида Иссиқкўл жануби ва Қашгарда яшаган яғмо қабиласи ва шимоли шарқда яшаган чигил қабиласи, шарқроқда қарор топган ўғуз ва бошқа қабилалар билан ягона иттифоққа бирлашган. Бу худудда дастлаб «Хокония ўлкаси» деб юритилган давлат ташкил топади. Бу давлат ҳукмдорлари «жабгу» унвони ўрнига ўзларини «Қорахон», яъни «буюқхон» деб атайдилар. «Хокония» XI-XII асрларда кучайгач «Қарлуқ-Қорахонийлар» давлати номини олган.

Бу давлат бир нечта қабилалар иттифоқи асосида ташкил топгани учун ҳукмдорлари «арслонхон», «буграҳон» «тавгачхон» унвонлари билан юритилган. Бу уч сўз олий даражали ҳукмдор маъносини англатган. Қадимда туркий халқларда буюклик ёки улуглик «қора» сўзи билан сифатланган. Тахта ўтирган Арслонхон, Бугроҳон ва тавгачхонлар «Қорахон» дея эътироф этилган. Давлати рамзий равишда Қорахонийлар давлати номи билан шуҳрат топган.

Қорахонийларнинг Мовароуннаҳрга ҳужуми 992 йил **Хорун Буграҳон** бошчилигида бошланади. Сомонийларда ички зиддият кучайгани учун Қорахонийлар Бухорони қаршиликсиз ишғол қиладилар. Сомонийлар ҳукмдори **Нух ибн Мансур** Ғазнадаги ноиб *Сабуктегинни* ёрдамга чақиради. У 20 минглик қўшин билан Нухга қўшилади ва қорахонийларни

тор-мор қилади. Нух бунинг эвазига Сабуктегинни Хуросонга ноиб этиб тайинлайди. Ғазна ва Хуросонда Собуктакин ва ўгли Маҳмуднинг сиёсий ҳукмронлиги мустаҳкамланади.

Қорахонийлар 996 йил Мовароуннаҳрга яна ҳужум бошлайди. Сабуктегин хиёнат қилиб Бухорони эгаллайди ва қорахонийлар билан музокара олиб боради. Сабуктегин ва қорахонийлар шартнома тузади: Сирдарё хавзаси қорахонийларга ўтади; Сабуктегин Амударё жанубидаги ерларга - Хуросонга ҳукмдор бўлади; Сомонийларга Мовароуннаҳрнинг марказий қисмигина берилади холос. **Наср Элоқхон** Бухорони 999 йил забт этгач Сомонийлар ҳукмронлиги барҳам топди.

Қорахонийлар давлатининг бўлиниши. Қорахонийлар энди Хуросонни ҳам кўшиб олиш учун 1006 ва 1008 йй. Хуросонга 2 марта ҳужум қилди, бироқ Маҳмуд Ғазнавий Хуросонни сақлаб қолади. Бу даврда салжуқийлар газнавийларга хавф сола бошлайди. Бундан фойдаланган Қорахонийларнинг маҳаллий ҳукмдори **Иброҳим Буритегин** «бугроҳон» унвонини олган ва 1038 йил Амударё бўйи вилоятлари - Хутталон, Вахш, Чағониённи газнавийлардан тортиб олади. Иброҳим Мовароуннаҳр ва Фаргонани ҳам бўйсундиргач мустақил сиёсат юрита бошлайди, натижада Қорахонийлар икки мустақил давлатга ажралиб кетади: 1) Шарқий Қорахонийлар давлатининг пойтахти Боласогунда, 2) Мовароуннаҳрдаги Қорахонийлар давлатининг маркази Самарқандда бўлган.

Давлат бошқаруви. Қорахонийлар давлатни вилоятларга бўлиб идора қилганлар, уларни *Элоқхон* ёки *Такин* (тегин)лар бошқарган. Ҳокимлар фақат қорахонийлар хонадонинг элқхон унвонига сазовор бўлган аъзоларидан сайланган. Элқхонлар ўз номлари билан чақа-тангалар зарб қилар ва вилоятларнинг мустақиллиги учун интилар эди. Қорахоний элоқхонлари орасида Мовароуннаҳр элоқхони катта обрўга эга эди, у Самарқандда тахтга ўтирган.

Вилоят бошқарув маъмуриятида сомонийлар давридагидек вазирлар, соҳиббаридлар, мутовфийлар хизмат қиларди. Шаҳарлар шаҳар хокими, раислар томонидан бошқариларди. Қорахонийлар мамлакатда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаб олишда мусулмон руҳонийлари билан дўстона муносабат ўрнатди. Бу даврларда имомлар, сайидлар, шайхлар ва садрларнинг обрў-эътибори кучайди. Қорахоний ҳукмдорлар ҳали ўтрок ҳаётга кўчмаган бўлсалар ҳам дехқончилик воҳалари ва шаҳарларнинг маданий аҳамиятини яхши англади. Улар Боласогун, Кошгар, Тароз, Ўзган, Самарқанд, Бухоро шаҳарларини давлат ёки вилоят пойтахтига айлантириб, шаҳарлар билан алоқа боғлашга ҳаракат қилган.

Қорахитойлар ҳужуми. Қорахонийлар давлати заифлашиб салжуқийларга қарам бўлиб қолади. Қорахонийлар давлати XII асрнинг 30 йиллари охирида шарқдан келган кўчманчи қорахитойлар (мўғулларга мансуб қабила) ҳужумига дучор бўлди. Қорахитойлар давлатининг ҳукмдори **Гўрхон** Боласогун шаҳрини пойтахтига айлантирган.

Еттисувда жойлашиб олган қорахитойлар Сирдарёнинг ўрта оқимида томон юриш бошлайди. Улар дастлаб Шош ва Фарғонага, сўнг Зарфшон ва Қашқадарёга бостириб кириб, 1137 йил Хўжанд яқинида Қорахонийлар

элоқхони **Маҳмудга** зарба беради. Сулҳ тузилиб қорахонийлардан катта товон олган қорахитойлар ўз юртига қайтиб кетади. Қорахитойлар 4 йил ўтгач - 1141 йил яна Мовароуннаҳрга юриш қиладилар, қорахитойлар галаба қозонади ва Қорахонийлар давлати тугатилади.

Хоразм давлати

Хоразмшоҳ Маъмунийлар даври. Хоразмшоҳлар давлати IX-X асрларда тоҳирий, саффорий ва сомонийлар қўл остида бўлган. Хоразм X аср охирида иқтисодий жихатдан тез ривожлана бошлаган. VIII аср бошида мавжуд 3 та шаҳарларнинг сони 32 тага етган. Хоразм IX-X асрларда йирик савдо марказига айланган. Хоразм савдогарлари чорвадорлар (Қозогистон, Туркменистон), Итил (Волга) бўйидаги Хазар ва Булгор подшоликлари, Шарқий Европанинг славян аҳолиси билан савдо қилган. Савдо алоқалари кенгайишида Гурганч (Урганч) шаҳри муҳим рол ўйнаган, унинг ҳокими «Гурганч мири» номи билан улуғланган. Гурганч мири **Маъмун ибн Муҳаммад** 995 йил Кат шаҳрини ишғол қилиб Хоразмнинг иккала қисми бирлаштирди ва Хоразмшоҳ унвонига сазовор бўлди. **Африғийлар** сулоласи бархам топиб **Маъмунийлар** сулоласи ҳукмронлиги бошланди. Кўхна Урганч Хоразмшоҳлар пойтахтига айланди.

Хоразм қисқа вақтда ривожланди. Мамлакат вилоят, шаҳар ва қишлоқ (қалъа)ларга ажратилиб бошқарилди. Хоразмшоҳ давлатнинг олий ва мутлақ ҳокими ҳисобланган. Гурганчда шоҳ қароргоҳи, марказий бошқарма - девонхона ташкил этилади, унинг таркибида зироат, савдо, молия, солиқ, осойишталикни сақлаш, ҳарбий ишлар билан шугулланувчи маҳкамалар бўлган. Энг юқори лавозимлардан бири вазирлик - хўжаи бузрук унвонига эга бўлган. У девонхона ишларига масъул бўлган, ҳарбий сафарлар вақтида ҳукмдор номидан давлатни идора этган. Маъмунийлар даврида Маъмун академияси - “Дорул ҳикма ва маъориф” (Билимдонлик ва маъориф уйи) ташкил этилади.

Мустақиллик учун кураш. Хоразмни 1017 йил **Маҳмуд Ғазнавий** забт этгач, Хоразм ўз мустақиллигидан маҳрум бўлган. Хоразм 1040 йил Салжукийлар давлатига қарам бўлиб қолади. Салжукийлар ҳукмдори **Маликшоҳ** ўз маъмурларидан **Ануштегинни** (1076-1097) Хоразмга ноиб қилиб тайинлайди. Ануштегин вафотидан сўнг, унинг вориси **Қутбиддин Муҳаммад** (1097-1127) Хоразмда ноиблик қилади, у гарчи «Хоразмшоҳ» унвонини тикласада, бироқ салжукийларга тобе эди.

Хоразмнинг мустақиллиги Қутбиддин Муҳаммаднинг ўгли **Отсиз** (1127-1156) номи билан боглик. У дастлаб туркман ва кипчоқларни бўйсундиради. Хоразм билан иқтисодий жихатдан боглик бўлган Сирдарё этаклари ва Мангишлоқ ярим оролини эгаллади. Отсиз Каспий денгизидан то Сирдарёнинг ўрта оқимига қадар бўлган ерларда Хоразмшоҳлар давлатининг пойдеворини барпо этади.

Хоразмшоҳ Ануштегинлар давлати. Отсизнинг сиёсатини унинг ворислари **Эларслон** (1156-1172), **Султоншоҳ Маҳмуд** (1172) ва **Такаш** (1172-1200) давом эттирди. XII асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва

Хуросонда сиёсий вазият янада кескинлашади. Салжукий **Султон Санжарга** қарши кўчманчи ўгузлар 1153 йил исён кўтаргач, Салжукийлар давлати заифлашди. Салжукийлардан дастлаб Кичик Осиё ва Керман ажралиб кетади, сўнгра Форс, Озарбойжон, Хуросон вилоятлари мустақил бўлади. Хоразм давлати айниқса Отсизнинг набираси **Такаш** даврида жуда кенгайиб, у 1187-1193 йй. Нишопур, Рай ва Марв шаҳарларини босиб олади. У 1194 йил салжукий **Тўғрулга** зарба бериб Эронни босиб олди.

Хоразмни кенгайтириш сиёсатини Такашдан сўнг унинг ўгли **Аловуддин Муҳаммад** (1200-1220) ҳам давом эттиради. У 1206 йилдан бошлаб Мовароуннаҳрни қорахитойларнинг қарамлигидан озод этишга киришади. 1210 йил Талос водийсида қорхитойлар мағлубиятга учради ва Еттисувга қадарли ерлар Хоразм тасарруфига олинди. XIII аср бошида Хоразмнинг шимоли гарбий ва гарбий чегаралари Орол ва Каспий денгиз соҳилларидан жанубий-гарбда Ироққа қадар бўлган. Жануби-шарқий ҳудудлари Ғазна вилоятидан, шимоли-шарқий чегараси Еттисув ва Дашти Қипчоқдан ўтар эди. Хоразм давлатининг пойтахти Урганч шаҳри эди. Муҳаммад Хоразмшоҳ «Искандари соний» деб улуғланган, унинг саройида 27 ҳукмдор ва уларнинг вакиллари итоатда бўлган.

Ички зиддиятлар. Меҳнатқаш аҳоли қорахитойлар зулмидан қутилсада, хоразмшоҳларнинг ҳарбий юришлари, солиқ сиёсатидаги бебошлик, амир ва маъмурлар зулми моддий аҳволни оғирлаштириб, халқ хўжалигини заифлаштириши, хоразмшоҳларга қарши норозилигини оширди. Хоразмшоҳга қарши 1210 йил Ўтрорда, 1212 йил Самарқандда кўзголон кўтарилди. Муҳаммад Хоразмшоҳ кўзголонларни шафқатсизлик билан бостирди. Давлат емирилишига вилоят ҳукмдорлари исёни, кўп табакалар норозилиги, сарой ва кўшинда фитнанинг авж олиши сабаб бўлди ва бу давлат кўп яшамади.

Таянч сўзлар: Ғазнавийлар, сипоҳсолор, солор, сарханг; Қорахонийлар, арслонхон, буграҳон, тавгачхон; Маъмунийлар, Ғурганч мири, Кат, Дорул ҳикма ва маъориф; Салжукийлар; Хоразмшоҳ Ануштегинлар, Қутбиддин Муҳаммад, Отсиз, Эларслон, Такаш.

2-§. XI-XII асрларда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт.

Ўзбек халқининг шаклланиши

Қишлоқ хўжалиги. Мовароуннаҳрга XI асрда кириб келган кўчманчи чорвадорлар деҳқончилик майдонларини топтаб, оёқости қиладилар. Ўтлоқ ва яйловга айлантирилган экинзорлар қорахонийлар хонадонининг таянчи ҳисобланган қабилаларнинг асосий мулкига айлантирилди. Маҳаллий мулкдор деҳқонлар билан чорвадор кўчманчилар ўртасида зиддият кучаяди; деҳқонларга қарши кураш кескин тус олди. Қорахонийларнинг тазйиқи оқибатида мулкдор деҳқонлар жон сақлаш мақсадида ўз ерларини ташлаб кетишга мажбур бўлади, маҳаллий мулкдор деҳқонлар ер-сув мулкларидан, сиёсий мавқеларидан ажралиб, илгариги ўрни ва аҳамиятини йўқотади.

XI-XII асрларда “деҳқон” деган тушунча ўзининг “қишлоқ ҳокими”ни англатувчи асл маъносини йўқотди.

Иқто ерлари кенгайиши. Ердан фойдаланишда иқто тартиботи XI асрдан бошлаб жуда кенг ёйилади. Қорахонийлар томонидан ҳукмрон сулола намоёндаларидан ташқари олий даражали ҳарбийлар, давлат маъмурлари ва маҳаллий зодагонларга ҳам катта ер майдонлари иқто тарзида ҳадя қилинади. Қорахонийлар учун иқто тартиби бўйсундирилган мамлакатлардан тегишли солиқларни ундириш бошқаришнинг энг қулай шакли ҳисобланган. XI-XII асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда иқто ерлари кенгайиб, мулкчиликнинг асосий шаклларида бирига айланди.

Бу даврда мусулмон руҳонийларнинг сиёсий таъсирининг ортиб бориши билан вақф ерлари ҳам анча кўпайди. Бу даврда базикорлар илк ўрта асрлардаги қадиварларга нисбатан озод ҳисоблансаларда, аммо уларнинг зиммасига давлат томонидан турли солиқ ва ҳар хил мажбуриятлар юкланган. Сугориш тармоқлари, тўгонлар, йўл ва қалъалар қуриш ва уларни таъмирлашда барзикорларнинг иштироки шарт эди.

Шаҳарлар XI-XII асрларда кенгайди ва аҳолисининг сони кўпайиб янада гавжумлашди. Самарқанд, Бухоро, Термиз, Ўзган, Тошкент шаҳарлари ички ва ташқи савдо учун турли хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ҳамда чақа-тангалар воситаси билан олиб бориладиган бозор тижоратининг марказига айланди. Шаҳарлар марказида саройлар, масжид, мадраса, минора, хаммом қад кўтаради. XI-XII асрнинг сирли кошинкор ва қабартма нақшли сопол товоқлари, рангдор шиша буюмлари, нақшинкор мис идишлари хилма-хиллиги ва нафислиги билан ажралиб туради.

Хунармандчилик, ички ва ташқи савдонинг тараққий этиши билан бозор тижоратида пулга талаб ошади, натижада кумуш ва мисдан чақа-тангалар зарб қилади. Боласогун, Тароз, Ўзган, Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида пул чиқарадиган зарбхоналар бўлган.

Ўрта Осиёлик мутафаккирлар. Илм-фан

«**Байт ул-ҳикма**». IX-XII асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ўзгаришлар маданиятга ҳам кучли таъсир қилди. Араблар истило қилгач ислом дини, араб тили ва имлоси жорий этилди. Араб тили халифаликнинг давлат ва фан тили эди. Шарқнинг йирик илм ва маданият маркази Бағдод шаҳри эди. IX асрда Бағдодда «Байт ул-ҳикма» ташкил этилган, унда катта кутубхона, Бағдодда ва Дамашқда астрономик расадхона мавжуд эди. Олимлар унда тадқиқотлар билан бирга қадимги ҳинд, юнон олимлари илмий меросини ўрганиш ва асарларини араб тилига таржима қилиш билан шугулланган. Мовароуннаҳр ва хуросонлик олимлар Ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фаргоний, Аҳмад ал-Марвазий, ал-Аббос Жавҳарий, Яҳёо бин Абу Мансур «Байт ул-ҳикма»да ижод қилган.

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783-850) турли соҳадаги билимларини Хоразм ва Моваруннаҳр шаҳарларида кўп устозлардан олади. Халифа Маъмун (813-833) даврида «Байт ул-ҳикмат»да мудир сифатида фаолият кўрсатади. Хоразмий математик, астроном, географ олим сифатида

20 дан ортик асарлар ёзган, фақат 10 та асари сақланган. Хоразмий математикага доир «Ал-жабр вал-муқобала», «Ҳинд ҳисоби ҳақида», географияга оид «Китоб сурат ул-арз» (Ер сурати), астраномияга оид «Зиж» ва «Устурлоб билан ишлаш ҳақида китоб», тарихга оид «Китоб ат-тарих», «Яҳудийларнинг тақвими ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола» каби асарлари бор.

Ал-Хоразмий «Ал-жабр вал-муқобала» китоби билан математика тарихида биринчи бўлиб Алгебра фанига асос солди. «Алгебра» атамаси ушбу асарнинг қисқача «ал-жабр» деб аталишидир. Хоразмий номи математика фанида «Алгоритм» атамаси шаклида ўз ифодасини топган. «Ал-жабр» асари асарлар давомида ер ўлчаш, ариқ чиқариш, бино қилиш, меросни тақсимлаш, ҳисоб ва ўлчов ишларида дастуруламал бўлиб хизмат қилди. Хоразмийнинг бу рисоласи XII асрда Испанияда лотин тилига таржима қилинган. Хоразмийнинг арифметик рисоласи ҳинд рақамларига асосланган ўнлик ҳисоблаш тизимининг Европа ва дунёда тарқалишида буюк аҳамият касб этди. Хоразмий ал-жабрни мустақил фан даражасига кўтариб, алгебра фанига асос солди.

Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний (797-865) «Байт ул-ҳикмат»да фаолият кўрсатган астраном, математик ва географ олим. У Фарғона водийсининг Қува шаҳрида тугилгани учун Шарқда Ал-Фарғоний, Европада Алфраганус, номи билан шуҳрат топган. Фарғоний Дамашқдаги расадхонада осмон жисмлари ҳаракати ва ўрнини аниқлаш, янгича «Зич» (астрономик жадвал) яратиш ишларига раҳбарлик қилди. 832-833 йй. Сурия шимолида Синжор даштида ва Ар-Раққа оралигида ер меридиани 1 даражасининг узунлигини ўлчашда катнашди. Фарғоний раҳбарлигида 861 йил Нил соҳилида қурилган қадимги гидрометр – дарё оқими сатҳини ўлчайдиган «Миқёс ан-Нил» иншооти қайта тикланди.

Ал-Фарғонийнинг 8 та асари бизгача етиб келган; улар орасида «Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум» китоби ҳам бор, бу китоб XII асрда лотин ва иброний тилларга таржима қилиниб, нафақат Шарқда, балки Европада ҳам астраномия илми ривожини бошлаб берди ва аллома номи XVI асрда Ойдаги кратерлардан бирига берилган. Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги 1998 йил октябрда нишонланди ва Фарғона шаҳрида унинг номи билан бог яратилиб, ҳайкали ўрнатилди.

Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810-870) муҳаддис уламо, ислом таълимотига оид 20 дан ортик аср ёзган. Имом ал-Бухорийнинг «Ал-Жомийъ ас-Саҳиҳ» асарга 7275 та ҳадис киритилган. Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги 1998 йил октябрда нишонланди. Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида «Ёдгорлик мажмуи» барпо этилди, 4 жилдлик «Ал-жомийъ ас-саҳиҳ» китоби илк бор ўзбек тилида нашр этилди.

Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий (824-894) Мовароуннаҳрлик муҳаддис уламолардан бири, Имом ал-Бухорийнинг замондоши ва шогирди. Ҳадис (араб. ривоят, нақл) - Қуръондан кейинги муқаддас манба, Муҳаммад (с.а.в.)нинг фаолияти ва кўрсатмалари ҳақида маълумотлар йиғиндиси.

Абу Мансур ал-Мотуридий (870-944) калом илмига ҳисса қўшган аллома. У 870 йил Самарқанд яқинидаги Мотурид қишлоғида тугилиб, 944

йил Самарқандда вафот этган. Ал-Мотуридий исломий одоб қоидалари, маънавий-ахлоқий камолот сирларига оид асарлар ёзган. Унинг «Китоб ат-Тавҳид» (Аллоҳнинг бирлиги) ва «Таъвилот аҳл ас-сунна» (Суннийлик анъаналари шарҳи) асарлари сақланиб қолган. Уларда диний таълим, исломий урф-одатлар инсоннинг камол топишида, дунёкараши шаклланиши моҳияти талқин этилган.

Имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги 2000 йил ноябрда нишонланди. Самарқандда ёдгорлик мажмуи барпо этилди, асарлари ўзбек тилида нашр этилди. Аллома ҳақида И.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида: “Ислом оламида “Мусулмонларнинг эътиқдини тузатувчи” деган шарафга сазовор бўлиши бу нодир шахс (Мотуридий)нинг улкан ақл-заковати ва матонатидан далолат беради” – деган эди.

Мовароуннаҳр ва Хоразм маданиятида янги давр (IX - XIII аср бошлари)

Маданий ва маънавий уйғониш. IX асрнинг 2-ярмида халифалик ҳукмронлиги тугаб, Сомонийлар даврида Маданият ривожини учун кенг йўл очилади. Бухоро, Самарқанд, Урганч, Марв, Нишопур шаҳарлари илмий ва маданий марказ сифатида тараққий қила бошлайди. Мовароуннаҳрнинг маданий ҳаётида уйғониш даври бошланди. Бухоро, Самарқанд, Урганч, Марв, Балх, Нишопур каби марказий шаҳарларда кутубхоналар, китоб дўконлари қурилган.

1004 йил шаклланган «Дорул ҳикма ва маориф» (Билимдонлик ва маориф уйи) - «*Маъмун академияси*» асосини Наср ибн Ироқ (X аср-1034), Ҳаммор (991-1048), Масиҳий (970-1011), Беруний (973 –1048), ибн Сино (980-1037) ташкил этган. Маҳмуд Ғазнавий 1017 йил Хоразмга бостириб кириб, олимларнинг кўпчилигини Ғазна шаҳрига олиб кетгач «Дорул ҳикма ва маориф» фаолияти тугатилган. 1997 йил 11 ноябрда Президентнинг «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги фармони чиқди. 2006 йил кузида «Хоразм Маъмун академияси»нинг 1000 йиллиги нишонланди.

Абу Наср Форобий (873-950) Арис сувининг Сирдарёга қуйилишида жойлашган Фароб шаҳрида тугилган. У аввал Форобда, сўнгра Самарқанд, Бухоро ва Бағдодда билим олган, умрининг охирида Халаб ва Дамашқда яшаган. Форобий риёзиёт, фалакиёт, табобат, мусиқа, мантиқ, фалсафа, тилшунослик, тарбияшунослик, адабиёт соҳаларида ижод қилган. У 160 дан ортиқ асар ёзган, жумладан Арастунинг «Метафизика» асарига шарҳ», Мусиқа китоби», «Бахт-саодатга эришув ҳақида», «Тирик мавжудот аъзолари ҳақида», «Фозил одамлар шаҳри». Форобий Шарқда Арасту (Аристотел)дан кейин - «Муаллимус Соний» номи билан шуҳрат топди.

Абу Али ибн Сино (980-1037) Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида маҳаллий амалдор оиласида тугилган. Мактабни битиргач устози Абу Абдуллоҳдан мантиқ, фалсафа, риёзиёт ва фикҳ илмларини ўрганади. 16 ёшидан бошлаб турли фанлар бўйича Шарқ ва Ғарб олимларининг илмий асарларини мустақил ўрганади. Айниқса табобат илми бўйича қадимги

алломалар Гиппократ ва Гален, ўрта аср Шарқ хаками Абу Бакр ар-Розий (865-925) асарларини пухта ўрганади. Ибн Сино 17 ёшида эътиборли ҳаким ва олим бўлиб етишди. У амир Нух ибн Мансурни даъволаб сомонийлар сарой кутубхонасидан фойдаланишга рухсат олади. Ибн Сино Ғурганч (Урганч)даги Хоразм Маъмун академиясида ижод қилади, у 1037 йил Ҳамадонда вафот этган.

Ибн Сино 450 дан ортиқ, тиббиётга доир 43 та асар ёзган. Унинг 5 жилдлик «Ал-қонун фит-тиб» (Тиб қонунлари) асарида касаллик сабаблари, ташхис, муолажа усуллари, доривор ўсимликлар ва дориларнинг хусусиятлари, парҳез, саломатлик учун жисмоний тарбиянинг аҳамияти каби масалаларга эътибор берилган. Унинг «Ал-қонун фит-тиб» асари XII асрда лотинчага таржима бўлиб XVII асргача Европа табобатида асосий қўлланма сифатида фойдаланилган. Ибн Сино Шарқда «Шайх ур-раис», Ғарбда «Авиценна» номи билан машҳур бўлган.

Абу Райҳон Беруний (973-1048) Кат шаҳрида тугилиб, Урганчда таълим олган. Абул Аббос Маъмун II саройида олимлар билан «Маъмун академияси»да ижод қилган. Беруний 1017 йил Маҳмуд Ғазнавийнинг талаби билан Ғазна шаҳрига боради ва умрининг охиригача Ғазнада яшаган. Беруний фалакиёт, география, математика, тарих фанлари бўйича 160 дан ортиқ асар ёзган. Йирик асарлари «Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Минералогия».

Беруний астраномияга оид асарларида Коперникдан беш аср олдин ернинг куёш атрофида айланишини 1-бўлиб илгари сурди; ернинг думалок шаклда эканини асослаб берди. У 1029 та юлдузнинг координатлари ва катталиклари қайд этилган жадвал ва дунёнинг географик картасини тузган. Беруний номига шаҳарлар, Шарқшунослик институти, Техника университети, Беруний номида Давлат мукофоти тасис этилган.

Абул Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий (1075-1144) Хоразмнинг Замахшар қишлоғида тугилган. У Бухоро, Марв, Нишопур, Исфохон, Шом, Бағдод, Ҳирот, Маккада шаҳарларида яшаб араб тили, адабиёти, мақоллари, урф-одатларини; диний илмларни, хаттотлик санъатини чуқур ўрганди, у минтақа географиясига оид маълумотлар тўплайди.

Замахшарий 50 дан ортиқ асарлар ёзган бўлиб, у «Араб ва гайриараблар устози», «Хоразм фаҳри» номлари билан улугланган. Унинг айниқса араб тили фонетикаси ва морфологиясига оид «Ал-муфассал», Қуръон тафсирига оид «Ал-кашшоф» асарлари мусулмон оламида машҳурдир. Қоҳирадаги Ал-Азхар дорилфунуни Қуръон тафсирини «Ал-кашшоф» асосида ўрганади.

Бурҳониддин ал-Маргиноний (1123-1197) Риштонда (Фарғона) тугилган, у 4 жилдлик «Ҳидоя» асарини ёзган машҳур фақиҳ (ҳуқуқшунос) олими. Ал-Маргинонийнинг бир қанча тилларга таржима қилинган «Ҳидоя» асари бир неча асрлар давомида ислом ҳуқуқшунослиги бўйича назарий ва амалий қўлланма бўлиб келмоқда, 2000 йил унинг 910 йиллиги нишонланди.

Туркий ёзма адабиёт. Бу даврда Мовароуннаҳр ва Шарқий Туркистонда туркий халқларнинг қадимдан давом этиб келаётган огзаки адабиёти билан бир қаторда *ёзма адабиёти* юзага келди.

Туркий ёзма адабиётнинг нодир ва йирик асарлари: Юсуф Хос Хожибнинг (XI аср) «Қутадгу билиг», Маҳмуд Қошгарийнинг «Девону лугатит-турк», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-хақойиқ», Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикмат» асарларидир. Бу давр туркий адабий тили *эски ўзбек ва уйғур* тилларининг вужудга келишида муҳим босқич бўлди. Маҳмуд Қошгарий «Дунё харитаси»ни яратди.

Меъморчилик, санъат, мусиқа ва дин

Меъморчилик ва санъат соҳасига ўрта аср жамиятининг ижтимоий-сиёсий тузуми ва ислом дини кучли таъсир қилди. Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Ўзган ва Марв шаҳарларида сарой, масжид, мадраса, минора, макбара, тим ва карвонсаройлар қурилди. Бухоро шаҳридаги Исмоил Сомоний макбараси, Намозгоҳ масжиди, Минорайи Калон ҳамда Вобкент ва Жарқўргондаги миноралар ўша давр меъморчилигининг намуналаридир.

Сув иншоотлари: сув омборлари, бандлар, кўприклар, сардобалар ва коризлар - йўнилган тош, пишиқ гишт ва сувга чидамли қурилиш қоришмаларидан барпо этилди. Нурота тизмасидаги паст тоғ дараси тўсилиб X асрда Хонбанди сув омбори барпо этилган. Унга 1,5 млн. метр куб сув тўпланган, тўгон гранит тоши ва сувга чидамли қурилиш қоришмасидан қурилган. Хонбанди сув омборини қуришда сувнинг вертикал ва горизонтал босим кучи ва зилзила ҳисобга олинган. Бу XVII аср француз физиги Блез Паскал томонидан сувнинг босим кучи тўғрисида яратилган қонун кашфиётидан 7 аср мукаддам мовароуннаҳрлик муҳандисларга маълум эканлигидан далолат беради.

Бинокорликда X асрдан бошлаб синчори иморатлар кенг тарқалади. Яккасинч ва кўшсинчли биноларнинг тагсинчлари, устунлари, сарровлари ва тўсинлари ёғочларни бириктириш усубида қурилиб, синчларнинг ораси хом гишт ёки гувала билан уриб чиқилган, бу ҳозиргача сақланиб келади. Афрасиёб, Варахша, Бухоро ва Пойканд шаҳар харобаларидаги турар жой қолиқлари X-XI асрларда ҳам паҳса ва хом гишздан қурилган иморатлар шаҳар меъморчилигида асосий ўрин тутганини билдиради. *Наққошлик ва ўймакорлик* санъати IX-XII аср бошларида анча ривож топади; иморатнинг пештоқи, эшиги ва деворининг айрим қисмлари турли мазмундаги битиклар билан қопланар эди.

Хаттотлик халқ санъатининг муҳим вакенг тарқалган саҳаларидан бўлиб, бу даврда ҳали китоб босиш кашф этилмаганлиги, кўлёзма китоблардан нусхалари фақат кўлда кўчирилиши туфайли хаттотлик ривож топди. Турли услубда ҳуснихат билан битилган хаттотлик намуналари меъморий нақшларда ҳам ҳаётий мазмун ва эстетик завқ берувчи безак сифатида ишлатилди.

Мусиқа санъати ҳам IX-XIII аср бошларида тараққий қилиб, созандалар уд, танбур, кўбиз, рубоб, най, сурнай, карнай, кўшнайн, қонун каби торли, зарбли ва пуфлаб чалинадиган чолгулардан кенг фойдаланган. Халқ куйлари асосида кейинчалик тожик ва ўзбек халқининг куйи Шашмакомга асос бўлган Рост, Хусравоний, Бода, Ушшок, Буслик, Зерафканда, Сипохон,

Наво, Баста, Тарона каби мумтоз куйлари ижод этилган. Муסיқа санъати шеърят ва муסיқашунослик илми билан узвий боғланган холда тараққий этади.

Ислон дини ва шариат муслмон Шарқида кенг тарқалиб, IX-XIII асрда жаҳон дини даражасига кўтарилди. XII асрда Бухоронинг Дарвози Мансур маҳалласида қонуншунослар учун махсус «Фақиҳлар мадрасаси» қурилган. Бундай олий дорилфунунда Қуръон, Ҳадис ва араб тили мукамал ўргатилган. Шариат аҳкомларини ўрганишда «Тафсир» - Қуръоннинг шарҳлари бой манба ҳисобланган. Фикҳ фани (ислом ҳуқуқшунослиги) ахлоқ ва шариат аҳкомлари борасида мукамал маълумот беради. Ислон таълимоти ва тарғиботининг кенгайишида Бухоро шаҳри марказга айланди. Бухоро мадрасаларидан фикҳшунос олимлар, қозилар, имомлар етишиб чиқади. Шу боисдан Бухоро ислом оламида IX асрдан бошлаб «Қуббат ул-ислом» (ислом динининг гумбази) номини олди.

Тасаввуф таълимоти дастлаб VIII аср ўрталарида Ироқда юзага келди; тасаввуф таълимоти асосида инсон фаолияти ва камолати ётади. Туркистонда XII асрда Яссавия, XII аср охирида Хоразмда Кубравия, XIV асрда Бухорода Нақшбандия тариқатлари юзага келди. *Аҳмад Яссавий* асос солган *Яссавия* тариқати Мовароуннаҳрда кенг ёйилган, унинг асослари Яссавийнинг «Ҳикмат» асарида баён қилинади. Аҳмад Яссавий фикрича шариатсиз тариқат, тариқатсиз маърифат, маърифатсиз ҳақиқат бўлмайди, уларнинг бири иккинчисини тўлдиради. Яссавия тариқатининг асосида камолатга узлат ва таркидунёчилик орқали етишиш гоёси олга сурилади. Камолатга бу дунё роҳатидан воз кечиб, узлатда ибодат йўлида заҳмат чекиб, машаққатли меҳнат қила олган киши етиб боради. Яссавия тариқатида машаққатли меҳнат ва азият шариат йўлида бўлмоғи таъкидланади, унда таркидунёчилик тарғиб этилсада, инсон молу давлатдан устун туриши таъкидланади.

Нажмиддин Кубро (1145-1221) Хоразмда асос солган «*Кубровия*» тариқатининг Яссавиядан фарқи, у таркидунёчиликни рад этади. Камолат йўлида бу дунё неъматидан баҳраманд бўлиш гоёси илгари сурилади. Кубровия тариқатида Халққа ва Ватанга муҳаббат туйғуси кучли. Огир дамда омма билан бирга бўлишга ва Ватанни мудофаа қилишга даъват этади.

Нақшбандия тариқатига асос солган *Баҳоуддин Нақшбанд* 1318 йил Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндувон қишлоғида матога нақш берувчи ҳунарманд оиласида тугилган. Баҳоуддин ёшлиғида таълим олиш билан бирга кимхоб матога гул босишни ўрганиб, ота касби наққошликни эгаллаган. Хожа Баҳоуддин “Ҳаётнома” ва “Далил ал-ошиқин” асарларини ёзган. Нақшбандия тариқати Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразмда кенг тарқалди. Нақшбандия тариқати одамларни ҳалол, пок бўлишга, ўз меҳнати билан кун кечиритишга; муҳтожларга эҳсон беришга; софдил, камтар бўлишга чақиради. «*Дил ба ёру, даст ба қор*» (кўнгил Аллоҳда бўлсину, қўл иш билан банд бўлсин) ҳикмати Нақшбандия тариқатининг моҳиятини ифодалайди. Нақшбандия тариқати таркидунёчиликни рад этиб, меҳнатсеварлик, одиллик ва билимдонликни тарғиб этади. Нақшбандия таълимоти тараққиётига кейинги асрларда Навоий, Жомий, Хўжа Аҳрор катта ҳисса қўшдилар.

Этник жараён ва Ўзбек халқининг шаклланиши

Этник жараён - келиб чиқиши яқин бўлган турли қабила ва элатларнинг асрлар давомида қўшилиб бориши. Ўзбеклар алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб Мовароуннахр, Хоразм, Еттисув, қисман Шарқий Туркистоннинг гарбий минтақаларида шаклланган. Ўзбек халқининг асосини Ўзбекистонда қадимдан ўтроқ яшаб, сугорма дехқончилик, ҳунармандчилик билан шугулланган маҳаллий сугдий, бахтарийлар, хоразмийлар, фаргоналиклар, шошликлар, ярим чорвадор қанглар, кўчманчи сак-массагет каби этник гуруҳлар ташкил этган.

Жанубий Сибир, Олтой, Еттисув, Шарқий Туркистон, Волга ва Урал бўйларида турли даврда Мовароуннахрга кириб келган этник гуруҳ ҳам ўзбек халқи этногенезида иштирок этганлар. Бу этнослар асосан туркий ва шарқий эроний тилларда сўзлашган. Бу қабила ва элатларнинг Амударё ва Сирдарё оралигида этник аралашуви натижасида ўтроқ ҳаётга мослашган *туркий ҳудудий майдон*, ўзбек халқига хос *антропологик қиёфа* шаклланди.

Мил. авв. III асрда Сирдарё ўрта оқимидаги ташкил топган Қанг давлати даврида туркийзабон этнослар устуворлик қилиб, уйғунлашган маданият шаклланади, бу маданият «Қовунчи маданияти» деб аталди. Антропологлар таъкидлашича, шу даврда Ўрта Осиё аҳолисининг ташқи қиёфаларида ҳозирги ўзбек ва воҳа тожикларига хос антропологик қиёфаси тўлиқ шаклланди.

Ўзбеклар этногенезида қатнашган навбатдаги этник гуруҳлар кушонлар ҳамда IV-V асрларда Ўрта Осиёнинг марказий вилоятларига кириб келган хионийлар, кидарийлар ва эфталлардир. Турк хоқонлиги даврида Ўрта Осиёнинг марказий минтақалари ва Хоразмга келиб ўтроқлашган туркий қабилалар ўзбекларнинг этногенезига фаол таъсир кўрсатди. Туркий элатлар ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги этник-маданий муносабатлар ривожини натижасида туркий қатлам маданий ютуқларининг маҳаллий маданий-хўжалик анъаналари билан жадал уйғунлашуви юз берди. Бу ўлка VII асрдан «**Туркистон**» (туркий аҳоли ўрнашган ўлка) номи билан атала бошлаган.

Ўзбек халқининг ташкил топиши. Ўрта Осиёга VIII асрдан араб ва ажам халқлари кириб келиши этник жараёнларга катта таъсир этмаган бўлсада, Мовароуннахрдаги ўтроқ ва ярим ўтроқ туркийзабон аҳоли, сугдийлар ва Хоразмликлар ўз ҳудудларида қолиб, араблар ҳукмронлиги остида ягона ислом бирлиги уйғунлашди. IX асрда Мовароуннахрда яхлит туркий этник қатлам, жонли туркий тил муҳити вужудга кела бошлади, сугдийлар ва бошқа маҳаллий этносларда ҳам туркийлашиш жараёни жадаллашган. Бу даврда Мовароуннахр ва Хоразмда туркий этник қатлам кучли этник асосга эга бўлиб, бу қатлам асосининг аксариятини ўтроқлашган тургун туркий этнослар ташкил қилган.

Қорахонийлар даврида Мовароуннахр ва Хоразмда сиёсий ҳокимият туркий сулолаларга ўтиши билан содир бўлган этник жараёнлар ўзбек халқининг шаклланишида якуний босқич бўлди. Бу даврда ўзбек халқига хос этник омиллар шаклланган; ўзбекларнинг умум элат тили қарор топди. **Ўзбек халқи IX-XII асрларда шаклланди.** Унинг ўқ илдизини ўлкада муқим яшаб

келган ўтрок зироаткор, миришкор чорвадор туб ерли аҳоли ташкил этди. Бу икки турли турмуш тарзидаги - ўтрок ва кўчманчи чорвадор аҳоли қадимдан икки тилда: сугд ва турк тилларда сўзлашган.

Таянч тушунчалар ва атамалар: Тасаввуф (суфийлик) - мусулмонларни ҳалолликка, покликка, тенгликка, инсон кадр-кимматини ерга урмасликка чорловчи, ҳар кимни ўзининг ҳалол меҳнати билан яшашга, бошқаларнинг кучидан фойдаланмасликка даъват этувчи таълимот. Тарикат - тасаввуф қоидаларига амал қилиб яшаш, яъни комил инсон даражасига эришишни кўрсатувчи йўл.

Туркистон, Ўзбек халқи, Этник жараён, Маъмун академияси, Хонбанди, Дил ба ёру, даст ба қор, Байт ул-ҳикмат, Ал-жабр.

V-боб. Чингизхон истилосига қарши озодлик кураши.

1-§. Хоразмшоҳлар давлати. Мўғиллар босқини

Мўғиллар давлати. XI асрда мўғил қабилаларида ҳали уруг-аймоқчилик кучли эди. Улар асосан кўчманчи чорвачилик, овчилик ва ўзаро маҳсулот айирбош қилиш билан шугулланар эди. Уруг бошлиқлари ички курашида *Тимучин* (1155-1227) голиб чиқади. Онон дарёси бўйида **1206** йил мўғул уруг ва қабила бошлиқлари қурултойида Тимучин Улуг хон (қоон) деб эълон қилиниб, «Чингиз» лақаби берилади ва **Мўғиллар давлатига** асос солинади.

Чингизхон яхши қуролланган, интизомли кўшин ҳамда 10 минг нафар турк азаматларидан *кезик* (кешик) - хос соқчилар қисмини тузгач истилочилик урушларига киришади. Дастлаб 1206 йил найманлар, 1207-1208 йй. Энасой хавзаси, сўнгра Еттисув вилоятининг шимоли ва уйгурлар бўйсундирилди. Чингизхон 1211-1215 йй. бир неча бор Хитойга ҳужум қилиб, Шимолий Хитойнинг маркази *Цзинди* (Пекин) шаҳрини ишғол қилди. *Цзин* сулоласини тахтдан қулатди ва Шимолий Хитой Мўғилистонга кўшиб олинди. Чингизхон Хитойдан ҳарбий қурол ясайдиган ва уларни ишлата оладиган хунармандларни Мўғилистонга олиб боргач ўз кўшинини замонасининг энг яхши ҳарбий қуроллар билан таъминлайди.

Чингизхон 1218-1219 йй. Шарқий Туркистон ва Еттисув вилоятларини талофатсиз кўлга киритди ва бу ердаги Кучлук давлатини тугатди. Мўғуллар давлатига Ғўби саҳросининг шарқидан то Тангри тоғ (Тяншан)нинг гарбигача бўлган вилоятлар бирлаштирилиб, Ғарбий ҳудудлари Хоразмшоҳ салтанатининг чегарасига бевосита туташиб кетгди.

Ўзаро элчилик алоқалари. Чингизхон ва Хоразмшоҳ бир-бирининг кучини билиб олиш ва маълумот тўплаш учун элчилик алоқалари ўрнатади. Даставвал Хоразмшоҳ 1216 йил *Баҳоуддин Розий* бошчилигида ўз элчиларини Чингизхон ҳузурига юборади. Чингизхон элчиларни илтифот билан қабул қилиб, Султон Мухаммадни Ғарбнинг соҳибқирони (Ғарб мамлакатларининг султони), ўзини Шарқнинг подшоси деб ҳисоблашини Хоразмшоҳга етказишларини сўрайди.

Чингизхон ҳам Хоразмга юборган элчиларига Хоразмлик савдогар *Маҳмуд Ялавоч* бошчилик қилди. Чингизхон элчиларини Хоразмшоҳ **Султон Муҳаммад** 1218 йил баҳорида Бухоро шаҳрида қабул қилди. Элчилар Чингизхон Султон Муҳаммадни қудратли подшоҳ сифатида билиб, уни энг ардоқли ўгиллари қаторида кўриши ва у билан дўстона шартнома тузишга розилигини айтишади. Энг ардоқли ўгиллари қаторида кўриш «илтифоти» Шарк устамонлигида “Чингизхон Хоразмшоҳни ўзига қарам қилиб олиш нияти бор” деган маънони аңглатарди. Ўзини Искандари соний (Иккинчи Искандар) деб ҳисоблаган Хоразмшоҳга бундай “истикбол” ёқмас эди, Маҳмудни тунда хуфёна чақиртириб, Чингизхонга эмас ўзига хизмат қилишини, жосус бўлишини талаб қилди.

Муносабатлар кескинлашуви. Чингизхон ўз элчиларининг иш натижаларидан мамнун бўлади, чунки Маҳмуд Яловоч мўғуллар тўғрисида Хоразмшоҳга айтган маълумотларга қарганда Хоразм ҳақида кўпроқ ахборот тўплаб қайтган эди. Султон Муҳаммадга миннатдорчилик изҳор этиш ва икки давлат ўртасида шартнома тузиш учун Чингизхон 1218 йилнинг ўзида Хоразмга яна жуда катта савдо қарвони ва элчиларини жўнатади. Чингизхон юборган савдо қарвонида 450 мусулмон савдогарлари, 500 туяда олтин, кумуш буюмлар, хитой ипак матолари, сувсар ва қундуз мўйналари бор эди. Урганча бораётган Чингизхоннинг савдо қарвони чегара шаҳар Ўтрорда, шаҳар ноиби *Фурхон* (Инолчик) томонидан таланиб, савдогарлар кириб ташланади, фақат бир туякаш омон қолади.

Чингизхон Ўтрор ноибидан ниҳоятда газаблансада, бироқ газабини босиб Хоразмшоҳ ҳузурига элчи қилиб *Ибн Кафррож Буғрони* ва иккита мулозимини юборади. Чингизхон Султон Муҳаммаддан айбдорларни жазолашни ва Инолчикни туттириб, унинг ихтиёрига жўнатишни талаб қилади. Хоразмшоҳ Чингизхоннинг талабига жавобан элчини ўлдиришни ва икки мулозимнинг соқол-мўйловини кириб, шарманда қилиб қайтариб юборишни буюради. Бу воқеалар икки давлат ўртасида савдо ва элчилик муносабатлар узилганини билдирар эди. Хоразмшоҳ уюштирган бу воқеа икки давлат ўртасида уруш бошлашига баҳона бўлди.

Хоразмшоҳлар инқирози. Хоразмшоҳ кўшинининг умумий сони XIII аср бошларида Чингизхон ҳарбий кучига нисбатан бирмунча ошиқроқ эди. Хоразмшоҳ ҳокимияти мустаҳкам бўлмаган, чунки мансабдорлар давлат танг аҳволга тушиб қолса ўз вазифаларини ташлаб кетар, подшога итоатсизлик қилар, ўз билганларича йўл тутар эди, айрим вилоят ҳокимлари амалда деярли мустақил эди. Султон олий даргоҳи ичида кучли низо ҳукм сурарди. Айниқса Султон Муҳаммаднинг онаси **Туркан хотун** (турклар онаси) кўшиннинг олий саркардалари бўлган кипчоқ оқсуяклари билан уруг-қабила алоқалари орқали маҳкам боғланган эди. Туркон хотун ўз қабиладошлари манфаати йўлида саройда кўтарилган барча фитналарга бошчилик қилар, шоҳга қарши адоват руҳини уйғунлаштириб қўйган эди. Ички низо, бошбошдоқлик, фуқаролар норозилиги кучайиб, сиёсий ҳаёт инқирозга юз тутган эди. Бу хавфли вазиятни бартараф этиш учун Султон Муҳаммад «Давлат Кенгаши»ни таъсис этилиб, 6 та билимдон вакиллар жалб этилади, бироқ у амалда ижобий натижа бермайди.

Чингизхон босқини

Хоразмшоҳнинг мудофаа режаси. Чингизхон Мовароуннахр юришига катта ахамият бериб, пухта тайёргарлик кўрган эди. Юриш бошланмасдан савдогарлар орқали маълумотларни ўрганган. Чингизхон Хоразмшоҳлар давлатининг ички аҳволидан тўла хабардор эди. Хоразмшоҳ билан саркардалар ўртасидаги ихтилоф устунликдан фойдаланиш имконини бермади. Хоразмшоҳ кўшинларини бир жойга тўпламаслигининг сабаби лашкарбошилар уни тахтдан агдаришидан кўрқар эди. Хоразмшоҳ харбий кенгашда урушда мудофаа тактикасини кўллаш ҳақида қарор қабул қилди.

Ўтрор камали. Чингизхон 1219 йил кузида Хоразмшоҳга қарши юриш бошлади, аскарлари 200 мингга яқин эди. Чингизхон Сирдарё бўйида жойлашган Ўтрор шаҳрига юриш қилди, у Ўтрор яқинида Мовароуннахрни қисқа муддатда забт этиш учун кўшинини 4 қисмга бўлди. Кўшиннинг биринчи қисмини *Чизатой ва Ўқтой* бошчилигида Ўтрорни қамал қилиш учун қолдирди. *Жўжи* бошчилигидаги иккинчи қисмга Сирдарё этагидаги Сигнок, Ўзган, Жанд, Янгикент шаҳарларини босиб олиш буюрилди. Сирдарё юқори оқимидаги Бинокат ва Хўжандшаҳарларига *Олоқнуён ва Сукету Черби* кўмондонлигида 5 минг кишилик учинчи кўшин юборилди. Чингизхон асосий кучлари билан Бухорога аскар тортди.

Ўтрорда 20 минг суворий бор эди, қамал арафасида *Қорача Ҳожиб*нинг 10 минглик кўшини келиб кўшилади. Жувайний айтишича Султон Муҳаммад ҳам «Лашкар Бирун» деб аталган 50 минг аскар юборган. Қамал бошланиши билан шаҳар ҳокимиятининг вакили *Бадриддин Амид, Сафий Ақра Ҳожиб* бошлиқ Султон қатл этган Ўтрор қозисининг авлодлари мўгуллар томонга ўтиб кетади. Ўторор камали 5 ой давом этган. Қорача Ҳожиб мўгулларга таслим бўлган, мўгуллар уни ва аскарларни қатл этган. Ғойирхон Ўтрор аркига жойлашиб мудофаани яна 1 ой давом эттиради, бироқ асирга олиниб Самарқандга олиб борилиб ўлдирилади.

Бухоро фожеаси ва Самарқанд жанги. Чингизхон Бухорога 1220 йил февралда етиб боради. Бухоро душманни қайтаришга тайёр эмас эди. Бухоро қозиси Бадриддин Қозихон оқсоқоллар билан Чингизхон олдига шавқат сўраб чиқади. Бухорони мўгуллар 1220 йил 16 февралда эгаллайди. Бухоро таланиб, Чингизхон амри билан ёқиб юборилади.

Чингизхон 1220 йил мартда Самарқандга етиб келади. У шаҳар ташқарисидagi Кўксарой қасридан туриб Самарқанд қамалига бошчилик қилади. Самарқанд қамали 5 кун давом этади. Самарқанднинг бош сув иншооти «*Кўрғошин нова*»ни бузиб ташлаб, шаҳарни сувсиз қолдиради. Мўгуллар Самарқандга *Намозгоҳ* дарвозасидан бостириб киради. Муҳаммад Хоразмшоҳ 30 минглик мўгил кўшинидан зўрга қутилиб, Эронга қочади. Сўнгра Каспий денгизи жанубидаги Ашура оролига бориб ўгли Жалолиддин Мағубердини тахт вориси этиб тайинлайди ва оролда вафот этади.

Сирдарё бўйидаги жанглар. Бу даврда Жўжи Сирдарё этақларидаги аҳолиси зич, бой савдо шаҳри *Сигноққа* аввал ҳужум бошлайди. Аҳоли 7 кун шаҳарни мудофаа қилади, 8-кун таслим бўлади, аҳоли қириб ташланади.

Мўгуллар 1220 йил апрелда *Жанд*ни эгаллайди, аҳолисининг қуролланган қисми қатл этилади. Мўгуллар 5 минг аскарли кичик қўшин билан Сайхун (Сирдарё) бўйида жойлашган *Бинокат*га юриш қилади. Шаҳар 4 кунлик мудофаадан сўнг таслим бўлади.

Темур Малик жасорати. Сирдарё иккига айрилган ерда *Хўжанд* шаҳри жойлашган бўлиб, ҳокими Темур Малик (1219-1221) эди. Унинг қаҳрамонлиги билан хўжандликлар қутилмаган қаршилик кўрсатади. Кучлар тенг бўлмаганлиги учун Темур Малик шаҳарни ташлаб чиқиб 1000 кишилик лашкари билан Сирдарё ўртасидаги ороллардан бирига жойлашиб олди. 12 та қайиқ ясаптириб, ўқ тешиб ўтмаслиги ва ёниб кетмаслиги учун қайиқлар усти наMAT билан ўралиб, сиркали лой билан суваб чиқилади. Темур Малик 70 та кемада Сирдарё қуйи оқими бўйлаб сузиб *Жанд* шаҳрига келади. *Барчинлигкент* ва *Жанд* яқинида Хўжандликлар дарё соҳилига тушиб сўнгги жангга кирдилар. Темур Малик хоразмликлар билан Сайхун (Сирдарё) дарёсининг қуйи оқимидаги Янгикент шаҳрини Жўжидан қайтариб олади.

Чингизхон 1220 йил ёзда *Нахшоб* (Қарши)ни, кузда *Термиз*ни 11 кун камалдан сўнг босиб олади. Сирдарё хавзаси, Зарафшон ва Қашқадарё водийлари, Амударё ўрта оқимининг ўнг соҳили вилоятлари забт этилгач, Чингизхон асосий кучни Хоразмшоҳлар давлатининг марказий қисми - Хоразмга ташлайди.

Хоразмшоҳлар давлатининг ҳалокати

Урганч қамали. Чингизхон қўшинларининг Урганчга ҳужуми 1221 йил бошларида бошланди. Хоразм Султони деб Жалолоддин Мангуберди (1199-1231) эълон қилинди, бироқ Жалолоддин ҳокимиятини Туркон Хотун тан олмади. *Жанд* ноиб қочқин *Қутлуғхон* бошлиқ қипчоқ лашкарбошилари уюштираётган фитнадан хабар топган Жалолоддин Мангуберди ва Темур Малик Хуросонга чиқиб кетди. Шахзодалар **Ўзлокшоҳ** ва **Оқшоҳ** ҳам Урганчни тарк этади. Пойтахт Урганч тақдири ўта кўрқоқ ва амалпараст амир *Хумортакин* қўлида қолади.

Урганчни мўгиллар 1221 йил қишида 50 минг аскар билан ҳужум бошлаб, қамал қилади, кураш 7 ой давом этди. Шайх *Нажмиддин Кубро* (Аҳмад ибн Умар Хивақий) «Ё ватан, ё шарофатли ўлим» - деб жангга қиради. Чингизхон *Нажмиддин Кубро*га ўз аъёнлари билан шаҳардан чиқиб жон сақлашни таклиф қилади, бироқ у рад этади. *Нажмиддин Кубро* туг тутган мўнгул аскарига ташланиб шаҳид бўлади. Урганч таслим бўлгач, мўгиллар шаҳарни талаб, бош тўгонини бузиб юборди, Урганчни сув босиб вайрон бўлди.

Жалолоддин жасорати. Мовароуннаҳрнинг асосий шаҳарлари эгаллангач, мўгулларнинг юришлари Амударё жанубидаги йирик савдо ва маданият марказлари бўлган Балх, Ҳирот, Марв, Ғазна шаҳарларига йўналтирилади, улар бу вилоятда кучли лашкар тўплаган Жалолоддин Мангубердининг қаршилигига учрайди. Жалолоддин анча йиллар илгари Ғазна, Бомийён, ва Ҳиндистонгача бўлган ҳудудларга ҳоким этиб тайинланган эди. Шу боис у Ғазна томон боради. Жалолоддин Нисо, Қандаҳоршаҳарлари

ёнида мўгулларга зарба бериб, Ғазнага етиб келди, унинг кўшинига янги кучлар кўшилади. Валиён қалъасини қамал қилаётган мўғилларга қарши хужум қилиб, тор-мор этиши Жалолиддиннинг мўгуллар устудан қозонган дастлабки йирик галабаси эди.

Жалолиддин *Парвон* даштида *Шиқи Хутухи нўён* бошлиқ 45 минг мўгул кўшинини енгди. Бироқ лашкарбошлар Сайфутдин Агроқ, Аъзам Малик ва Музаффар Малик ўлжа тақсимлашда келишмовчилик туфайли Жалолиддиндан ажралиб кетади. Чингизхон уларни алоҳида-алоҳида тор-мор этади. Синд (Ҳинд) дарёси бўйида 1221 йил 25 ноябрда қаттиқ жанг бўлади, Жалолиддин Чингизхон кўшининг илгор қисмини енгади. Пистирмада турган 10 минг нафар мўгул аскарлари жангни якунлайди. Жалолиддин 4 минг аскарлари билан Синд дарёсининг нарғи қиргоғига ўтиб олади. Ҳозирда ҳам Синд дарёсининг бир томони «От сакраш», нариги томони «Чўли Жалолий» деб аталади. Жалолиддин жасоратига қойил қолган Чингизхон ўз ўғилларига қараб «Ота ўғил шундай бўлиши лозим» деган экан. Жалолиддин яна 11 йил Эрон ва Озарбайжонда мўгулларга қарши курашни давом эттиради. Хоразмшоҳнинг ҳукмдорлиги 1231 йил тугайди.

1999 йил Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги нишонланди. Хоразмда унга хайкал ўрнатилди, унинг номи кўча ва майдонларга қўйилди, вибеофильм, пьеса ва дostonлар яратилди. 2000 йил 30 августда «Жалолиддин Мангуберди» ордени таъсис этилган.

Мўғиллар Бухоро, Самарқанд, Урганч, Марв, Банокат, Хўжанд шаҳарларини харобозорга айлантирди. Самарқанд аҳолиси шаҳарни тарк этиб чиқиб кетади. Марв воҳасидаги бош тўгон - Султонбанд бўзиб ташланди. Марв аҳолиси сувсизликдан қишлоқларни ташлаб, ўзга ерларга бориб жойлашади. Урганч сувга бостирилиб вайрон этилди. Хоразм ва Мовароуннахрнинг зироатчи аҳолиси сонининг кескин камайиб кетиши оқибатида экин майдонлари қискариб, дехқончилик инқирозга учрайди. Хунармандлар мажбуран Мўғилистонга юборилгач бутун Шарқда шухрат топган қурол-аслаҳа яшаш, нафис ипак матолар тўқиш, нақшли шишасозлик хунармандчилиги барҳам топди. Мўғиллар даврида Туркистон орқали ўтган Ипак йўли бутунлай ҳаракатсиз қолди. Илм-фанга катта зиён етказилди.

Таянч сўзларлар: Мўгуллар, Чингизхон, Жўжи, Чигатой, Ўқтой, Тули, Шиқи Хутухи; Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Туркон Хотун, Ўзлокшоҳ, Окшоҳ, Ғазна, Бомиён, Парвон, Синд.

2-§. Чигатой улуси. Ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт

Ўлкаларнинг тақсимланиши. Чингизхон ҳаётлик чоғида забт этилган ўлкаларни ўғилларига тақсимлаб берди: Шарқий Туркистон, Еттисув ва Мовароуннахрга **Чигатой** эга бўлди. Мўгуллар босиб олинган вилоятларни улусларга тақсимлаш асосида бошқарди. Улусларнинг ҳукмдорлари «Хон» деб юритиларди. Чингизхон вафотидан (1227) сўнг **Ўқтой** мўгуллар давлатининг улуг ҳокони қилиб тайинланди. Улуг Ҳоконнинг қароргоҳи **Қорақурум** шаҳрида бўлган, у ердан туриб хонларни назорат қилиб борар

эди. Чингизхон вафотидан кейин ҳам мўғулларнинг Ғарбга юриши давом этди. Рус давлати 1236-1240 йй. забт этилиб, **Олтин Ўрда** давлати ташкил топади. Эрон 1256 йил босиб олиниб **Хулокийлар** давлати вужудга келади. Хулоку 1258 йил Аббосийлар Халифалигига хотима беради.

Чигатой Улуси XIII асрнинг 20-йилларида Чигатой тасарруфига берилган Мовароуннахр, Етгисув ва Шарқий Туркистонда ташкил топди. Кейинчалик Чигатой давлатига айланди, унинг ўрдаси **Елсуви** (Или) дарёси бўйида эди. Чигатой вилоятлар ва хунармандчилик шаҳарларини бошқаришда бўйсундирилган халқларнинг юқори табақа вакиллари хизматидан фойдаланади. Мовароуннахрни идора этиш, ҳали забт этилмасдан илгари хоразмлик савдогар **Маҳмуд Яловичга** берилади, у **Хўжандни** қароргоҳ қилди. Ҳарбий ҳокимият, аҳолини рўйхатдан ўтказиш, солиқ йиғиш доругачи ва тавгач дейилган мўғул амалдорлари кўлида бўлган. Маҳмуд Ялавоч мўғул босқоқлари (маҳаллий ҳоким) ихтиёридаги аскарларга суяниб мўғул хонлари талабини ижро қилар эди.

Солиқ турлари. Зироатчи деҳқонлардан олинадиган ер солиги - калон деб юритилган, колон солиги - ҳосилнинг 1/10 қисми ҳажмида олинган. Чорвадорларга қопчур солиги солинган, қопчур солиги - чорва моллари бош сонининг 2,5% миқдорида олинган. Давлат хазинаси учун озиқ-овқат солиги шулен ундирилган, шулен - ҳар бир подадан 2 яшар кўй, қимиз учун ҳар 1000 отдан 1 бия ҳисобида олинган. Хунарман ва савдогарлардан тарғу солиги ундирилган, тарғу - ишлаб чиқилган маҳсулот ёки сотилган молнинг 1/30 қисми ҳажмида ундирилган. Яна алоҳида туз солиги, жун ва кумуш солиги солинган. Солиқлар маҳаллий амалдорлар томонидан барот (ижара) тартибида аввалдан бир йўла тўлаб юбориларди, сунгра аҳолидан миқдоридан ошириб ундириб олинарди.

Маҳмуд Торобий кўзғолони. Мўғуллар ва маҳаллий мулкдорлар зулмига қарши кўзғолон 1238 йил Бухоронинг Тороб қишлоғида бўлди. Кўзғолонга галвир ясовчи хунарманд Маҳмуд бошчилик қилди. Маҳмуд Торобийнинг яқин сафдоши Шамсуддин Маҳбубий эди. Маҳмуд Торобий ўз тарафдорлари билан Бухорога киргач шаҳар ичидаги Робия саройини қароргоҳ қилди. Маҳмуд Бухоронинг садрлари, бадавлат аъёнлари, йирик ер эгаларини чақириб, ўзини Бухоро ва атроф вилоятларнинг халифаси, яъни ҳукмдори деб расмий равишда эълон қилишга мажбур этади. Шамсуддин Маҳбубий садр деб эълон қилинади.

Маҳмуд Бухорода ўз ҳукмронлигини ўрнатгач маҳаллий амалдорлар Бухородан қочиб кетиб Маҳмуд Ялавоч ёрдамида Кармана яқинида куч тўплайди ва Бухорога юриш қилади. Жангда мўғуллар енгилиб Кармана томонга қочади. Маҳмуд Торобий ва Шамсуддин Маҳбубий ҳам бу жангда шаҳид бўлгач, Торобийнинг укалари Мухаммад ва Алини бошлиқ қилиб сайлайдилар. Бир ҳафта ўтмай яна мўғуллар қилган ҳужумда кўзғолончилар тор-мор қилинади. Маҳмуд Торобийнинг икки укаси ҳалок бўлади, мўғуллар яна Бухорони босиб олади.

Чигатой солиқларни тартибга солиш ислоҳатида 1238 йил Маҳмуд Ялавочни ноибликдан четлатди, ўрнига Маҳмуд Ялавочнинг ўгли

Масъудбек тайинланди. Улуг ҳокон Ўқтой Ялавочни Пекин шаҳрига ҳоким этиб тайинлади.

Ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг жонланиши

Улуг ҳокон фармони. XIII аср ўрталарида Чигатой улусининг мўгул амалдорлари доирасида ўтроқликка кўчиш, шаҳар ҳаётига яқинлашиш, маҳаллий ўтроқ аҳолининг бой маданиятидан фойдаланиш жараёни кучаяди. Мўгулистоннинг улуг ҳокони **Мунке** солиқ ва ҳашар ишларини тартибга солиш тўғрисида махсус фармон - ёрлик чиқаради. Ёмлар бўйлаб почта хизмати учун ажратилган отлар сони белгиланиб, аҳолидан ортикча от талаб қилиш ман этилади. Элчиларга кўлларида бевосита топшириқлари бўлмаса шаҳар ёки қишлоқларга кирмаслиги, аҳолидан белгиланганидан ортикча ем-хашак ва озиқ-овқат олмаслиги уқтирилади. Шу тарика аҳоли ҳисобсиз тўловлардан озод бўлади. Ёмлар – йўл бекатлари. Чопарлар, йўловчилар от алмаштирадиган жой. Ёмда доимо отлар уловга тайёр турган.

Масъудбек пул ислоҳотини 1271 йил амалга оширган. Бу Мовароуннаҳрда шаҳар ҳаёти, ҳунармандчилик, савдо ва пул муносабатлари тикланишида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Масъудбек Мовароуннаҳрнинг 16 та шаҳар ва вилоятларида: Самарқанд, Бухоро, Тароз, Ўтрор, Хўжандда бир хил вазн ва юкори кийматли соф кумуш тангалар зарб эттириб, муомалага чиқаради.

Кебекхон ислоҳотлари. XIV асрнинг биринчи ярмида Чигатой улусининг ижтимоий ҳаётда жиддий ўзгаришлар содир бўла бошлади, мўгулларнинг ўтроқликка ўтиш жараёни кучайди. Мовароуннаҳр билан мустаҳкам алоқа ўрнатишга ва ўтроқ ҳаёт кечиришга интилган Чигатой улуси хони **Кебекхон** (1318-1326) биринчи бўлиб ўз қароргоҳини Мовароуннаҳрга кўчиради ва қадимги Насаф шаҳри ёнида сарой қурдиради. Сарой мўгул тилида «Қарши» деб юритилади, Сарой атрофида бинолар қурилиб Насаф билан қўшилиб кетади ва *Қарши* деб аталди.

Кебекхон давлатни идора этиш ва иқтисодни тартибга солиш мақсадида **маъмурий ва пул ислоҳоти** ўтказди, мамлакатда ягона пул жорий қилинади. Кебек даврида Эрондаги Хулакуийлар давлати ва Олтин Ўрда хонлигининг кумуш тангалари намунасида 2 хил пул зарб этилган: 1) 8 гр. катта кумуш танга - динор; 2) 1 гр. кичик танга - дирҳам деб аталган. «*Кепак*» деб ном олган бу тангалар Самарқанд ва Бухорода зарб этилган. Урганч ва Бухоро шаҳарлари қайта тикланади, қадимги Самарқанд вайроналари ёнида янги шаҳар қад қўтаради.

Ер эғалигининг 4 хил шакли мўгуллар даврида Ўрта Осиёда мавжуд эди: мулки девон - давлат ери, мулки инжу - ҳукмдор ва ноибларига қарашли ерлар, мулки вақф – масжид ва мадраса ерлари, мулк - хусусий ерлар. Мулкларнинг каттагина қисми ҳарбий маъмурларга хизматлари учун ҳадя қилинган ерлар бўлиб, улар суюрғол ерлари дейилиб, барча солиқ ва тўловлардан озод этилган ва авлоддан авлодга мерос тарикасида ўтарди.

Мўгул ҳукмдорлари орасида босиб олинган халқларга 2 хил қараш мавжуд эди: 1) баъзилари маҳаллий зодагонлар ва савдогарлар билан

якинлашиш, хунармандчилик ва деҳқончиликни ривожлантириш, ислом динини қабул қилиш тарафдорлари эди. 2) бошқалари эса ўтроқлик ва шаҳар ҳаётига қарши бўлиб, шаҳарларни бузиб ташлаш, бог ва экинзорларни ўтловларга айлантиришни истардилар.

Мовароуннаҳрга кўчиб келган мўғулларни Еттисувлик мўғуллар «Қораунас» (дурагай) деб атарди. Мовароуннаҳр мўғуллари Еттисувлик мўғулларни «жете» (қароқчи, талончи) деб аташарди. Чигатой улуси XIV асрнинг 40 йилларида 2 га бўлиниб кетди: 1) Шарқий Туркистон ва Еттисув қисми Мўғулистон деб аталди. Чигатой наслидан бўлган **Туғлуқ Темур** 1348 йил Мўғулистон хони бўлди. 2) улуснинг гарбий қисми - Мовароуннаҳр мустақил идора қилинадиган бўлди.

Маданий ҳаёт жонланиб шаҳарсозлик билан боғлиқ бўлган бинокорлик ва меъморчилик йўлга қўйилди: кошинпазлик, ганчкорлик, парчинсозлик, меъморий гишт ўймакорлиги, меъморий хаттатлик асрий анъана ва тажрибалар асосида тикланиб, бирмунча тараққий қилади. Бухорода Бохарзий ва Баёнқулихон мақбаралари, Самарқандда Қусам ибн Аббос мақбарасининг зиёратхонаси, Кўхна Урганчда 62 метрли минора, Нажмиддин Кубро ва Тўрабекхоним мақбаралари бунёд этилган. Бухорода XIII аср ўрталарида Маъсудия ва Хония мадрасалари бино қилинади, ҳар бирида минтагача талаба таҳсил олган.

Шеърнинг буюк сиймолари Жалолиддин Румий, Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Деҳлавий XIII аср иккинчи ярми ва XIV аср бошида ижод қилган. Тасаввуф шоири *Жалолиддин Румий* (1207-1273) 36 минг байтдан иборат «Маснавий маънавий» асарида тасаввуф фалсафасининг асосларини талқин этади. *Саъдий Шерозий* (1219-1293) «Гулистон» ва «Бўстон» асарлари муаллифи, у асарларида она ерга мухаббат ва инсонпарварлик гояларини баён этади. Шоир ва мусиқашунос *Амир Хусрав Деҳлавий* (1253-1325) Низомийдан сўнг «Хамса» ёзган ҳамда «Зафарлар калити», «Фалакнинг 9 гумбази» асарларини ёзган.

Тарихнавислик ҳам XIII аср иккинчи ярмида тараққий қилиб *Жузжоний* «Табакоти Носирий» (Носир туркумлари), *Жувайний* «Тарихи Жаҳонкушой» (Жаҳон фотиҳи тарихи), *Рашидуддин Фазлуллоҳ* «Жоме ат-таворих» (Тарихлар тўплами) асарини ёзган. Бу даврда туркий тилдаги адабиёт ҳам ривож топиб, кейинчалик Чиготай тили ва Чигатой адабиёти номини олади. (Маҳмуд Қошгарий «Дунё харитасини яратган эди).

Таянч сўзларлар: Қорақурум, Чиготай Улуси, Елсуви (Или), Олтин Ўрда, Ҳулокийлар, Туғлуқ Темур, Мунке, Кебекхон, Маҳмуд Ялович, Масъудбек, Маҳмуд Торобий, калон, қопчур, шулен.

VI-боб. Амир Темур ва темурийлар давлати.

1-§. Амир Темур - марказлашган давлат асосчиси, унинг ҳарбий юришлари

Сиёсий тарқоклик. XIV асрнинг 50-60-йилларида Мовароуннахр 10 га яқин мустақил бекликларга бўлиниб кетади: Самарқанд вилоятида Амир Баён Сулдуз, Балхда Ўлжайту Сулдуз, Кешда Амир Ҳожи Барлос, Хўжандда Амир Боязид Жалоир, Ҳисори Шодмон чегарасида Амир Хусайн ва Амир Ясовурийлар ўзларини ҳокими мутлақ деб эълон қиладилар. Шарқий Туркистон ва Мовароуннахрда ташкил топган Мўғилистон хонлари бир неча бор Мовароуннахрга юриш қилиб, уни талайдилар. Уларга қарши халқ ҳаракати бошланади.

Амир Темур (1336-1405) Кеш вилоятидаги Хўжа Илгор қишлоғи (Яккабоғ тумани)да 1336 йил 9 апрелда тугилган. Унинг тўлиқ исми **Амир Темур ибн Амир Тарағай ибн Амир Барқул**. Темурнинг онаси **Такина хотун** - Кешнинг обрўли бека (бек ого)ларидан бўлган. Отаси **Амир Тарағай** - барлос уругининг оксоқоли бўлиб, аждодлари Кеш ва Насаф вилоятида ҳокимлик қилган. Темурни 7 ёшида отаси ўқишга беради. Темурнинг пири Шайх Шамсиддин Кулол бўлган. Темур ёшлигида чавондазлик, ов, камондан ўқ узиш, от чоптириш ва ҳарбий ўйинлар билан машғул бўлишини ёқтирар эди.

Темурнинг ёшлигидаги дўстлари: Аббос Баҳодир, Жаҳоншоҳбек, Қимори Инок, Сулаймоншоҳбек, Сайфуддинбек кейинчалик лашкарбоши даражасига кўтарилган. Темур илк ҳарбий фаолиятини кўл остидаги навкарлари билан айрим вилоят амирларига хизмат қилишдан бошлаган. Темурни аввал 1352 йил Амир Жоку Барлоснинг қизи **Турмуш Оғога** уйлантиради. Темур 1355 йил Қазогоннинг набираси, Хусайннинг синглиси **Улжой Туркон Оғони** никоҳига олиши туфайли Балх ҳокими Амир Хусайн ва Темур ўртасида иттифоқ юзага келади.

Амир Темурнинг сиёсий курашга кириши. Мовароуннахрда XIV аср 50-йиллари охирида амирларнинг ўзаро кураши кучайиб, сиёсий парокандалик авжига чиқади. Мовароуннахрдаги огир сиёсий вазиятдан фойдаланиб Мўғулистон хонлари ўз ҳокимиятини ўрнатишга ҳаракат қилади. Мўғилистон хони **Туглуқ Темур** 1360-1361 йй. икки марта Мовароуннахрга бостириб қиради. Мовароуннахр беклари бирлаша олмай халқни ташлаб кетади. Темурнинг амакиси Кеш вилояти ҳукмдори Амир Ҳожи Барлос Хуросонга қочади.

Темур 24 ёшда бўлиб, бошқача йўл тутади, у Туглуқ Темур ҳузурига боради ва Туглуқ Темур ёрлиғи билан Кеш вилоятининг **доруғаси** (ҳокими) этиб тайинланади. Темур сиёсий кураш майдонига кириб келди. У кейинчалик бу ҳаракатини мўғуллардан аҳолини ҳимоя қилишда 100 минг кишилиқ қўшиндан кучли режа эди деб, изоҳлайди.

Доруға – мўғулча “назоратчи”, “шаҳар бошлиғи” дегани. Маҳаллий ҳокимлар ҳузурдаги Улуг қоон вакили, ноиб. Доруға зиммасига: аҳолини рўйхатга олиш, маҳаллий халқдан қўшин тўплаш, почта алоқаларини йўлга қўйиш, солиқлар йиғиш, солиқ-тўловларни Улуг қоон саройига етказиш вазифаси юклатилган.

Туглуқ Темур Мовароуннахрга ҳукмдор қилиб қолдирган ўгли Илёсхўжа билан Темурнинг мурасиси тўғри келмайди. Шундан сўнг Темур Балх ҳокими **Амир Хусайн** билан иттифоқ тузиб, мўғулларга қарши кураш

олиб боради. Темур ва Хусайн 1363 йил Амударёнинг чап соҳилида Қундуз шаҳри ёнида мўғуллар устидан галаба қозонадилар. Улар 1364 йил охирида мўғулларни Маворауннаҳрдан қувиб чиқарди.

Моваруннаҳрни қўлдан чиқаришни истамаган Илёсхўжа 1365 йил баҳорида яна ҳужум қилади. Жанг 1365 й. 22 майда Тошкент ва Чиноз ўртасидаги Чирчиқ дарёси бўйида бўлади, у тарихда «Лой жанги» номи билан машҳур. Темур жангда душманнинг ўнг қанотига зарба берсада чекинишга мажбур бўлади, чунки Хусайн душманнинг сўл қанотига ҳужум қилмай, жангни тарк этади. Илёсхўжа бу галабадан сўнг ҳеч қаршиликка учрамай Хўжанд ва Жиззах шаҳарларини эгаллайди; кейин Самарқандга юради. Илёсхўжага қарши Самарқанддаги халқ ҳаракати Сарбадорлар ҳаракати деб номланади.

Самарқанд сарбадорлари. Мовароуннаҳрда Сарбадорлар ҳаракати XIV асрнинг 60-йилларида мўғул хонларининг ҳужуми муносабати билан вужудга келди. Самарқанд сарбадорларига мударрис Мавлонзода Самарқандий, хунарманд Абу Бакр Калавий ва маҳалла оқсоқоли, мерган Хурдаки Бухорийлар бошчилик қиладилар.

Самарқандда сарбадорлар мўғилларга зарба беради, шунингдек ўлат тарқалиб Илёсхўжанинг отлари қирилади. Илёсхўжа аввал Самарқандни, кейин Мовароуннаҳрни ташлаб кетади. Сарбадорлар амалдорлар мулкани бир қисмини мусодара этиб камбағалларга тақсимлаб берган. Бу ҳукмдор табақаларнинг норозилигига сабаб бўлган. Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” китобида: “Ё Оллоҳ! Камбағални бадавлат кишига айлантирдинг”, - деб ёзади.

Самарқандда вужудга келган бекарорликдан хабар топган Темур ва Хусайн 1366 йил баҳорида Самарқандга етиб келади, шаҳар яқинидаги Кониғил мавзейида сарбадорларнинг етакчилари билан музокара олиб борадилар. Учрашувнинг биринчи кунида уларга иззат-икром кўрсатилди, эртаси куни Абу Бакр Калавий ва Хурдакий Бухорий Амир Хусайн буйруги билан дорга тортилади. Бундан кеч хабар топган Темур фақат Мавлонзодани қутқариб қолади. Сарбадорлар ҳаракати бостирилгач Мовароуннаҳрда Амир Хусайннинг ҳукмронлиги ўрнатилади. Кўп ўтмай Хусайн ва Темур ўртасида муносабат кескинлашиб, 1366-1370 йй. бир неча бор ўзаро тўқнашувлар бўлади.

Амир Темур - марказлашган давлат асосчиси

Амир Темурнинг ҳокимиятга келиши. Мовароуннаҳрда XIV аср 60-йилларидаги огир сиёсий-иқтисодий вазият мамлакатни бирлаштириб, кучли давлат ташкил этишни талаб қилмоқда эди. Буни тушунган Темур марказлашган давлат тузишга киришди. Темур бу мақсадни амалга оширишда оқсоқоллар, ҳарбийлар, савдогарлар ва шаҳар хунармандлари табақаларига суянади. Бу улкан мақсадни амалга ошириш ишини аввало ички ганимларга қарши курашдан бошлайди.

Темур 1370 йил баҳорида Балх ҳукмдори Хусайнга қарши йўлга чиқди. Термиз яқинидаги Биё қишлоғига етганда Темур хузурига Саййид Барака

ташриф буюради. Сайид Барака Темурга Олий ҳокимият рамзи табл билан яловбайроқ тортиқ қилади, у салтанат рамзи эди. Темур 1370 йил 10 апрелда Хусайнни енгиб, Балх шаҳрини эгаллайди, Хусайн катл этилади. 1370 йил 11 апрелда бўлган қурултойда **Темур Мовароуннаҳр Амири** деб эълон қилинди.

Марказлашган давлат тузилиши. Амир Темур 1370 йил июлда Самарқандда қурултой чақирди. Унда Шибиргон ҳокими амир Зинда Чашмдан бошқа Мовароуннаҳрнинг барча амир ва қабила бошлиқлари қатнашиб, Темур ҳокимиятини тан олади. Самарқанд пойтахт деб эълон қилинди. Темур ҳарбий бўлинмаларнинг бошлиқлари этиб Ардашер Қавчин, Усмон Аббос, Искандар Аълам Шайх, Жоку ва Сайфуддин Барлосларни тайинлади. Темур 1370 йил Шибургонни бўйсундирди, Зинда Чашм Темур хизматига ўтади.

Амир Темур шарқий ҳудудларни мўғуллардан озод қилиш учун Шарқий Туркистон томон бир неча марта юриш қилди ва Мўғулистон хонларига зарба бериб Фаргона водийси, Ўтрор, Ясси (Туркистон), Сайрамни ўз тасарруфига олди. Ҳисор, Бадахшон, Қундуз вилояти амирлари Темур ҳокимиятини тан олиб, унга бўйсундилар. Темур 1381 йил Ҳирот, Сейстон, Мозандаронни эгаллаб, Сарахс, Жом ва Қавсия, Сабзавор шаҳарларини жангсиз бўйсундиргач бутун Мовароуннаҳр ва Хуросон бирлаштирилди.

Амир Темур салтанати билан Олтин Ўрда хонлиги оралигида бу даврга келиб мустақил бўлиб олган Хоразм давлати қарор топган эди. Хоразм мўғуллар даврида икки қисмга ажратилган бўлиб: 1) маркази Урганч шаҳри бўлган Шимолий Хоразм Олтин Ўрдага. 2) маркази Кат қалъаси бўлган Жанубий Хоразм Чигатой улусига бўйсунган. Олтин Ўрдада 14 аср 60-йиллари охирида юз берган галаёнлар вақтида Қўнғирот суфилари Шимолий Хоразмда янги сулоланинг мустақил ҳукмронлигини тиклаб оладилар, сўнгра Кат ва Хива шаҳарларини эгаллаб, Шимолий Хоразм билан Жанубий Хоразмни бирлаштиради.

Амир Темур бутун Хоразмни Чигатой улусининг ажралмас қисми деб ҳисоблагани учун Хоразмни қўшиб олиш сиёсатини тутди. Темур 1372 йил Хоразмга юриш қилиб, уни эгаллайди, бироқ 5 марта юришдан сўнг 1388 йил Хоразм узил-кесил бўйсундирилди. Темур Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразмни бирлаштириб, йирик марказлашган давлат тузди.

Амир Темурнинг ҳарбий юришлари

Мамлакат хавфсизлиги йўлида. Амир Темур салтанатига ҳали бартараф этилмаган кучлар: бир томондан Мўғулистон хонлари Чигатой улусини бирлаштиришга интилиб тинчлик бермас эди; иккинчи томондан Олтин Ўрда ва Оқ Ўрдага бўлиниб кетган Жўжи улуси хонлари шимол ва Хоразм томондан хавф солиб турарди. Темур давлати учун энг кучли хавф Оқ Ўрда ва Олтин Ўрдлар томонидан эди.

Темур Олтин Ўрдани кучсизлантиришга ҳаракат қилади, лекин Жўжи улусини ўз давлатига қўшиб олиш ниятида эмас эди. Темур Олтин Ўрданинг Мовароуннаҳрга туташган шарқий қисмини ўз таъсири остига олишни, унинг

пойтахти Сарой Берка оркали ўтадиган карвон йўлини Мовароуннахр томон буриб юборишни кўзлайди.

Амир Темур ўз мақсадини амалга ошириш учун Олтин Ўрда тахти учун Жўжи улусидаги ўзаро ички курашдан фойдаланади. Чингизийлардан бўлган Тўхтамиш Ок Ўрдадан кочиб Самаркандга келди, у Темур ёрдамида Олтин Ўрда тахтини эгаллади.

Амир Темур ва Тўхтамиш. Кейинчалик Тўхтамиш хоинлик қилиб, Амир Темурга қарши очик курашга ўтгач Темур Тўхтамишга қарши 3 марта қўшин тортади. Темур ва Тўхтамиш ўртасида сўнгги жанг 1395 йил 15 апрелда Шимолий Кавказда Тарак (Терек) дарёси бўйида бўлди ва 3 кун давом этди. Темур қўшини бу жангда душманга қарши отдан тушиб, камондан ўкка тутиш усулини қўллади, ўк ва килич зарбидан Тўхтамиш қўшини тарқалиб кетди.

Россия тарихчилари Греков ва Якубовский таъкидлашича Темурнинг бу галабаси фақат Ўрта Осиё учун эмас, балки бутун Шарқий Европа ва Рус князликларининг бирлашиши учун буюк аҳамият касб этган.

Эрон, Ироқ, Шом, Ҳиндистонга юриш. Темур ўз салтанатининг жанубий чегараларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш мақсадида Эрон, Озарбайжон, Ироқ, ва Шом (Сурия)га 3 марта: 3-5-7 - йиллик урушлар қилган. Темур *3 йиллик* (1386-1388) юришида Эрон (Форс), Жанубий Озарбойжон, Ироқ шимолини, Гуржистон ва Арманистонни (Ван кўли атрофи) бўйсиндирди.

Эрондаги Музаффарийлар, Жалойирийлар сулоласининг айирмачилик ҳаракатлари, Мозандарон, Жанубий Эрондаги кўзголонлар туфайли Темур Эронга яна юриш қилди. Темур бу *5 йиллик* (1392-1396) юришида Гарбий Эрон, Ироқи Ажам ва Кавказни эгаллайди. Темур 1398-1399 йй. Ҳиндистонга юриш қилиб Деҳлини эгаллайди.

Эрон, Олд ва Кичик Осиёга 1399-1404 йилларда бир неча марта юриш қилинди. Бу юриш тарихга *7 йиллик* уруш номи билан кирган. Ҳарбий юришлар натижасида Темур салтанатининг чегараси Усмонли турклар давлати чегарасига бориб такалди. Амир Темур Усмонли турк султони **Боязид Йилдирим** билан муносабатни яхшилаш тарафдори бўлган.

Амир Темур зиддиятларни дипломатик йўл билан ҳал қилиш мақсадида икки томон ўртасида 4 марта хат алмашиш ташаббускори бўлган. Боязид ҳар сафар манманлик қилиб Темур номига номақбул сўзларни ёзган. Қоракўйунлилар, музаффарийлар, жалойирийларнинг Темурга қарши ҳаракатларини Боязид қўллаб-қувватлагани учун Темур ва Султон Боязид ўртасида тўкнашув бўлиши муқаррар бўлиб қолди.

Анқара жанги. Темур ва Боязид Йилдирим ўртасида ҳал қилувчи жанг 1402 йил 20 июлда Анқара яқинида Чубуқ мавзеида бўлди. 3 кун давом этган бу жанг тарихда «Анқара жанги» деб аталади. Бу жангда ҳар икки томондан жами 360 минг нафар аскар: Темурнинг 200 минг аскари, Боязиднинг 160 минг аскари катнашди. Темур қўшиннинг марказий қисмига кўмондонлик қилади; турк қўшини тор-мор этилиб, Боязид ва ўгли Мусо Чалабий асирга олинади. Темур румлик аскарларни таъкиб этиб Бурса ва Измир шаҳрини забт этади ва салибчиларнинг Якин Шарқдаги охирги қароргоҳига барҳам

беради. Миср Темурга ўз итоаткорлигини изхор этади. Византия ва христиан олаמידан Боязидга бериладиган божлар энди Темурга тўланади.

Боязид устидан қозонган галаба билан Франция қироли Карл VI (1380-1422), Англия қироли Генрих IV (1399-1413), Кастилия ва Леон қироли Генрих III (1390-1407) Темурни табриклаб, муборакномаларини юборади. Чунки Темур эндигина уйғонаётган Европага хавф солиб турган Туркларга зарба бериб Европанинг халоскорига айланган эди. Амир Темур 1404 йил 27 ноябрда Хитой юришига 200 минг кўшин билан чикди. Амир Темурнинг вафоти туфайли (1405, 18 феврал) юриш амалга ошмади.

Амир Темурнинг тарихда тутган ўрни. Амир Темур 35 йил мамлакатни бошқарди. Унинг салтанати Ҳиндистон ва Хитойдан Қора денгизгача, Орол денгизидан Форс қўлтигига қадар худудларни қамраб олган эди. Темур яна Кичик Осиё, Сурия, Миср ва Қуйи Волга, Дон бўйлари, Балхаш кўли ва Елисув дарёси, Шимолий Ҳиндистонгача бўлган мамлакатларни ҳам бўйсундирди.

Амир Темур Мовароуннаҳр ва Туркистондан ташқари Бағдод, Дарбанд, Байлакон шаҳарларини ҳам обод қилиб, қайта қурдирди. Энг муҳими Эрон, Озарбайжон ва Ироқдаги тарқоқликка барҳам бериб, Шарқ билан Гарбни боғловчи қадимий қарвон йўлларини тиклади.

Амир Темур Европанинг Франция, Англия ва Кастилия каби йирик қиролликлари билан савдо ва дипломатик алоқалар ўрнатди. Темур тарихий манбаларда «Соҳибқирон» номи билан бир қаторда «Соҳиби жаҳон» ҳамда «Соҳиби адл» (адолат соҳиби) каби номлар билан улуғланади. ЮНЕСКО ташаббуси билан 1996 йил “Амир Темур йили” деб эълон қилинди.

Таянч сўзлар: Амир Тарагай, Такина хотун, Турмуш Ого, Улжой Туркон Ого, Амир Ҳусайн, Илёсхўжа, Тўхтамиш, Боязид Йилдирим, Мусо Чалабий, Франция, Англия, Кастилия, доруга, қорақўйунлилар, музаффарийлар, жалойирийлар.

2-§. Амир Темур салтанатининг маъмурий ва ҳарбий тузилиши. Ғарбий Европа давлатлари билан алоқалар

Салтанат бошқаруви. Амир Темур давлатининг таркибий тузилиши ҳарбий-сиёсий тартибларга асосланиб, давлат бошқаруви икки идорадан: Даргоҳ ва Вазирлик (девон)дан иборат бўлган, Даргоҳни Олий ҳукмдорнинг ўзи бошқарган. Ижроия ҳокимият - Девонни девонбеги (бош вазир) бошқарган. Девонда: ҳарбий вазир, мулкчилик ва солиқ ишлари вазири, молия вазири фаолият юритган; шунингдек, сарҳадлар ва тобе мамлакатлар бошқаруви билан шугулланувчи яна 3 вазир бўлиб, улар девонбегига ҳисобат бериб турган.

Марказий ҳокимият тизимида: шайхулислом, қозикалон, садри аъзам, додхоҳ, мухтасиб, муҳассил, ясовул, тавочи каби амалдорлар хизмат қилган. Даргоҳда: бош хожиб, хазинабон, хонсолар, қўшчи, баковул, котиблар, битикчилар, табиблар, созандалар, дастурхончилар хизматда бўлган.

Хонсолар – дастурхончи. Хукмдор хузурида овқат тортиш ишларини бошқарувчи. Баковул – хукмдорга ва лашкарга овқат тайёрлаш устидан назорат қилувчи ҳарбий мансабдор, унинг зиммасига лашкарга маош ва озиқ-овқат тақсимлаш ҳам юклатилган. Битикчилар – хон ва маҳаллий ҳокимларнинг барча ёзув ишларини олиб борувчи мансабдор.

Суюрғол ерлар. Амир Темур Мовароуннаҳрдан ташқари, салтанат тасарруфидаги ўлкаларни суюрғол тарзида ўгил ва набиралари, хизмат кўрсатган амирларга инъом қилиб, улар орқали бошқарди. **Мирзо Умар** ибн Мироншоҳга - Озарбойжон, Ғарбий Эрон, Ироқ, Ғуржистон ва Арманистонни; **Пирмуҳаммад** ибн Умар Шайхга - Форсни; **Пирмуҳаммад** Жаҳонгирга - Маҳмуд Ғазнавий мулки Кобул ва Қандаҳордан Синд дарёси ҳавзаси билан бирга Шимолий Ҳиндистонгача; **Шохрух Мирзога** - Хуросон, Мозандорон, Рай ва Сейистонни; **Улуғбекка** - Тошкент, Сайрам, Ўтрор ва Ашпарадан то Хитой чегарасигача; **Иброҳим Султонга** - Фаргона, Тароздан то Хўтангача, яъни Шарқий Туркистоннинг жануби-ғарбини берди.

Улуслар марказий ҳукуматга итоат этсада, аммо маълум мустақилликка эга эдилар. Улус хукмдорларининг алоҳида давлат девонхонаси, кўшини мавжуд эди. Уларнинг марказий ҳукуматга тобелиги хирожнинг бир қисмини Самарқандга юбориб туриш ва олий хукмдор ҳарбий юришларида ўз кўшини билан қатнашиш ёки талаб қилинган аскарни юбориб туришдан иборат эди.

Кўшин тузилиши. Амир Темур давлат мустақиллиги ва муҳофаза йўлидаги ички ва ташқи сиёсатда асосан кўшинга суянар эди; шунинг учун у кўшин бошлиқларини танлаш, ҳарбий қисмларнинг жойлашиш тартиби, навкар ва сарбозларнинг қуролланиши ҳамда ички интизомга қатта аҳамият беради.

Темур кўшини ўнталик аскарини бирикмалар асосида тузилган ҳарбий қисмлардан иборат эди. Лашкар: туман - 10 минглик, ҳазора - минглик, кўшун - юзлик, айл - ўнлик бирикмаларига бўлинган. Амир Темур лашкар бирикмаларини боқариш учун: 10 минглик аскарни бошқариш учун - туман оғаси, минглик бўлинмалар учун – мириҳазора, юзликлар учун - кўшунбоши, ўнликлар учун - айлбоши ҳарбий мансабларни таъсис этади.

Бирор кўшинни енган, бирор мамлакат ёки вилоятни забт этган амир баҳодирлик мартабаси, давлат кенгашларига бемалол кириш ҳуқуқи ва бирор шаҳарнинг ноиблиги билан сийланган. Тавочи мансабидаги амалдорлар вилоятлардан аскарини қисмларни тўплаш билан шугулланар эди.

Жангга кириш усули. Ҳарбий юриш пайтида олдинда хабарчилар, улар орасидан ясовул бўлинмаси, ундан кейинроқда манглай - авангард қисм борарди. Манглай билан кўшиннинг асосий қисмлари оралигида кўмондоннинг қараргоҳи ва унинг ён-атрофида захира (резерв) - изофа қисмлар жойлашган.

Темур кўшинининг асосий жангавор қисмлари: марказ, ўнг - буронгор, сўл - жувонгор қанотлардан иборат бўлган. Ҳар бир қанотнинг олдида биттадан кўшимча кўрикчи манглай - авангарди, ён томонида биттадан кўрикчи аскарини кўшилмалар - қанбуллар бўлган. Шарафиддин Али Яздий ёзишича Амир Темур биринчи бўлиб кўшинни 7 қисм - қўлларга бўлиб

жойлаштириш тартибини жорий қилган. Қўллар жангда мустақил ҳаракат қилиб, факат кўшин кўмондонига бўйсунган

«**Темур тузуклари**». Амир Темурнинг ҳарбий санъати ва давлат бошқариш услубига бағишланган махсус асари - «Темур тузуклари»дир. Унда давлатни бошқаришда кимларга таяниш, тахт эгаларининг вазифалари, вазир ва кўшин бошлиқларини тайинлаш тартиблари белгилаб берилган. Амир Темурнинг «давлат ишларининг 9 улушини кенгаш, тадбир ва машварат, 1 улушини қилич билан амалга оширдим», «Куч-адолатдадир» деган сўзлари, давлатни адолат билан бошқарганидан гувоҳлик беради.

Амир Темурнинг ободончилик ишлари

Шаҳар ободончилиги. Темур ҳар бир зафарли воқеани, севинчли ҳодисани мўморчилик обидасини барпо этиш билан нишонлаш одати бўлган. Иморатларни Ҳиндистондан олиб келинган гишт терувчилар, Шероз, Исфаҳон ва Дамашкнинг уста-ҳунармандлари, маҳаллий усталар бино қилдилар. Темур Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса, Туркистонда Аҳмад Яссавий мақбарасини қурдирди. Шаҳрисабзда отаси ва ўгли **Жаҳонгирга** мақбара, жоме масжиди, Оксаройни қурди. Оксарой пештокига «Агар бизнинг қувват ва кудратимизга ишонмасанг, бизнинг иморатларимизга бок» деган хитобнома битилган. Туркистонда Яссавий мақбарасини бино қилишда ҳам шундай мақсад назарда тутилган.

Самарқанд – пойтахт сифатида Темур даврида қадимги ўрнидан бироз жануброқда қайта қурилади. Самарқанд атрофида 6 та дарвоза: Оханин, Шайхзода, Чорсу, Коризгоҳ, Сузангарон ва Феруза бунёд этилган. Самарқанд аркида Темурнинг қароргоҳлари Кўксарой ва Бўстонсарой бино қилинди.

Кўксарой 4 қаватли бўлиб, гумбаз ва деворлари зангори кошинлар, нақшлар билан қоплангани учун шундай номланган. Кўксаройга хонларни тахтга ўтказиш маросимида ишлатиладиган тош тахт курси - Кўктош қўйилган. Самарқанд аркида яна давлат девонхонаси, қурол-яроғ устахонаси ва аслахона, зарбхона ва қамоқхона жойлашган эди. Самарқандда 1403-1404 йй. бўлган Испания элчиси Клавихо Темурнинг бинокорлик ишларидан ҳайратда қолган эди. Шу даврда Шохизиндадаги баъзи мақбаралар, Бибихоним Жоме масжиди қурилади.

Амир Темур боғлари. Темур Самарқанд атрофида Боги Дилкушо, Боги Чинор, Боги Биҳишт, Боги Баланд, Давлатобод, Боги Нав, Боги Шамол, Боги Жаҳоннамо, Боги Майдон каби чорбоғлар ва уларда кўшқлар қурдирди. Боғлар тузилишига кўра 2 турга бўлинган: 1) ҳар томони 1 км. 4 бурчак шаклдаги чорбоғлар. 2) табиий дарахтзор ва чакалакзорларда барпо этилган овлоқлар, улар шикор (ов) учун мўлжалланган.

Самарқанд шаҳрининг шарқ томонида Боги Дилкушо жойлашган. Унинг ташқи ҳовлисидаги саройда қуролланган аскарлар турган, ички ҳовлисида туглар билан безатилган 6 та фил ҳайкали ўрнатилган. учинчи ҳовли Темурнинг меҳмонларни қабул қиладиган олтин тахтли қароргоҳи бўлган. Темур шу боғда Клавихони қабул қилган.

Дехқончилик майдонлари Зарафшон водийсида кенгайтирилди, ўнлаб сугориш тармоқлари қурилди, янги қишлоқлар барпо этилди. Темур ўз пойтахти Самарқанд атрофидаги янги қишлоқларни Шарқнинг Дамашк, Миср, Бағдод, Султония, Шероз шаҳарлари номлари билан атади. Чунки Самарқанд катталиги жиҳатидан дунёдаги энг йирик шаҳарлардан ҳам устунроқ турмоғи лозим эди.

Ички ва ташқи савдода катта ўрин тутган Самарқандга Хуросондан маъданлар, Ҳинд ва Синддан ёқут, олмос, Хитойдан атлас, чой, мушк, бошқа мамлакатлардан олтин ва қумуш олиб келинган. Клавиҳо ўз кундаликларида Самарқандга Хитой пойтахти Хонбалиқдан 800 туялик савдо қарвони келганини қайд этган.

Гарбий Европа давлатлари билан алоқалар

Халқаро сиёсий вазият. Бу даврда: 1) султон Боязиднинг Болқон давлатларига тазйиқи кучайиб, бутун Европага хавф солаётган эди. 2) Боязиднинг ўзи гарбга шиддат билан бораётган хавфли рақиб – Темурнинг тазйиқига дучор бўлган эди. Боязиддан енгилган Кичик Осиё мамлакатларининг ҳукмдорлари Темурнинг Қорабоғдаги ўрдугоҳига бориб қарор топадилар.

Генуя ҳокимининг Византия ва Галатадаги ноиб, Франция ва Султония шаҳрининг католик миссионерлари Темурдан ёрдам сўраб мурожаат қиладилар. Улар бунинг эвазига ҳарбий юриш вақтида Темурга ёрдам бериш ҳамда Константинопол ва Перанинг Боязидга тўлаётган божини энди Темурга тўлашга ваъда қиладилар. Темурга уларнинг таклифи мақбул тушади, чунки Туркиянинг денгиз соҳилидаги таянчидан ажратиш учун Темурга денгиздан мадад зарур эди.

Давлатлараро ёзишмалар. Амир Темур Боязид билан ўзаро дипломатик ёзишмалар олиб бориш билан бирга, бўлажак тўқнашувда Трапезунд ва Константинопол кемаларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Шу мақсадда Генуя ва Венецияга совға ва мактублар билан элчилар юборади. Темур 1402 йил 15 майда ўзаро ёрдам тўғрисида Константинопол ноиб Иоанн VII Палеолог номига йўллаган хат мазмунига кўра, Константинопол ноиб ва Генуянинг Перадаги ҳокими Боязидга қарши курашда Темурга хизмат қилиш билан ёрдам бериш мажбуриятини олади.

Амир Темур бу даврда Карл VI (Франция), Генрих IV (Англия), Генрих III де Трастамара (Испания) билан дипломатик алоқа ўрнатади. Франция қироли Карл VI Франция фуқаролари ҳисобланган Генуяликларнинг (Италия) ер ва мулкларини, айниқса Галатадаги мустамлакаларини ҳимоя қилиш учун Темурдан мадад кутар ва дипломатик алоқалар ўрнатишга уринар эди.

Амир Темур ва Карл VI ёзишмаларида қайд этилишича Темур қиролни қўллади. Анқара яқинида туркларнинг 160 минглик қўшини устидан қозонган галабадан сўнг Темурнинг Гарбий Европа билан алоқалари тубдан ўзгаради. Темур Гарбий Европа билан муносабатларни мустаҳкамлаш ва ўзаро савдо алоқаларини йўлга қўйиш масалаларига аҳамият беради.

Элчилик алоқалари. Амир Темур 1402 йил ёзида махсус элчилар орқали Франция ва Англияга – Карл VI ва Генрих IV номларига мактублар йўллайди. Темур элчилари Парижга 1403 йил майда етиб бориб, икки мамлакат савдогарлари учун эркин савдони таъминлаш, агар кироли ва герцоглар рози бўлсалар бу эркин савдони битим ёки шартнома билан мустаҳкамлашни таклиф қиладилар. Франция кироли Карл VI Амир Темурга 1403 йил 15 июнда жавоб мактубини йўллаган. Унда Темур таклифини Франция мамнуният билан қабул қилганлиги маълум қилинади.

Амир Темурнинг Англия кироли Генрих IV билан дипломатик муносабатларида Гарбий вилоятлар - Гарбий Эрон, Ироқ, Озарбойжон, Арманистон мулклари ҳокими Мироншоҳ фаол қатнашди, у Гарбда Католик оқимининг ҳомийи сифатида шуҳрат қозонди.

Кастилия (Испания) кироли Генрих III Шарк билан жуда кизиқиб қолган эди. Дастлаб Испания элчилари 1402 йил баҳорда Амир Темурнинг Кичик Осиёдаги қароргоҳига юборилади. Элчиларга Темур ва Боязиднинг кучи, бойлиги ва қўшини сонини билиш ҳамда улар қўл остида яшаётган халқларнинг урф-одати, дини ва қонунлари ҳақида аниқ маълумотлар тўплаш топширилади. Темур Испаниялик элчиларига қўшиб, ўз вакили Муҳаммадқозини Испанияга элчи қилиб юборади.

Генрих III 1403 йил Амир Темур ҳузурига икки марта махсус элчиларни юборади. Унга Клавихо бошлиқ қилиб тайинланади. 1403 йил 21 майда Испаниядан жўнаб кетган элчилар Самарқандга келади. Клавихо бошлиқ Испания элчилари 1404 йил сентябр-ноябрда Самарқандда бўлади. Темурнинг Хитойга юриши муносабати билан Испания ва бошқа давлатларнинг элчилари 1404 йил 21 ноябрда Самарқанддан жўнатиб юборилади. Клавихо Испанияга 1406 йил мартда қайтиб боради. Клавихонинг сафар таасуротлари «Буюк Темур тарихи», «Темур қароргоҳи», «Самарқандга саёхат кундалиги» номи билан испан тилида кўп бор нашр қилинади.

Таянч сўзлар: туман, хазора, қўшун, айл; туман огаси, мирихазора, қўшунбоши, айлбоши; Суюргол, Улус, Оқсарой, Кўксарой, Муҳаммадқози, Карл VI, Генрих III де Трастамара, Генрих IV, Клавихо, Иоанн VII Палеолог.

3-§. Темурийлар ўртасида тахт учун кураш. Улуғбек - маърифатпарвар давлат арбоби

Тахт учун кураш. Амир Темур 1405 йил 18 февралда Хитойга юриши вақтида Ўтрорда вафот этгач йирик салтанат парчалана бошлади. Бунинг асосий сабаби: салтанат тасарруфидаги юртлар ва эллар хилма-хил, узок масофаларга чўзилган бўлиб, уларни ягона марказдан туриб бошқариш мураккаб эди, шунингдек улардаги муҳолифатчи кучлар ажралиш учун пайт кутарди. Салтанатнинг парчаланишида Амир Темурнинг ворислари ўртасида тахт учун узок йиллар давом этган урушлар ҳам сабаб бўлди.

Амир Темур вафоти олдидан тахт вориси этиб Кобул, Қандаҳор ва Ҳиндистон вилоятлари ҳукмдори, набираси **Пирмуҳаммад**ни тайинлаган

эди. Мироншоҳнинг ўгли **Халил Султон Мирзо** 1405 йил 18 март куни Самарқандни эгаллаб, ўзини Мовароуннахрнинг олий ҳукмдори деб эълон қилади. Халил Султон Пирмуҳаммаднинг йўлини тўсиб, унинг режаларини бузиш ниятида ҳатто Амударёнинг ўнг томонидаги ерларни ўз ҳокимиятига кўшиб олади.

Халил Султонга қарши биринчи бўлиб Туркистон ҳамда Фаргонанинг ҳокими *Амир Худойдод* билан *Шайх Нуриддин* исён кўтаради. Халил Султоннинг ўз укаси Султон Ҳусайн Мирзо Амударёнинг чап соҳилидаги вилоятларда ўз ҳокимиятини ўрнатиш ниятида акасига қарши бош кўтаради. Темур тахтининг қонуний валиаҳди Пирмуҳаммад Амударёдан ўтиб Халил Султонга қарши Насаф томонга аскар тортади.

Хуросонда **Шоҳрух**, Балх, Ғазна ва Қандаҳорда **Пирмуҳаммад**, Ғарбий Эрон ва Озарбайжонда Мироншоҳнинг ўгиллари **Умаршайх** ва **Абу Бакр Мирзолар** ҳокими мутлақ бўлиб оладилар. Сирдарё шимолидаги вилоятлар: Туркистон, Саброн, Ўтрор, Сайрам амир *Бердибек*нинг тасарруфида қолади. Ўратепа билан Фаргонани амир *Худойдод Ҳусайний* эгаллаб олади. Олтин Ўрда амири *Идику* Хоразмни босиб олади.

Пирмуҳаммад 1407 йил 22 февралда вазири *Пир Али Тоз* бошлиқ фитначилар қўлида ҳалок бўлади. Мироншоҳ 1408 йил 22 апрелда Қоракўйювли туркманларнинг қабила бошлиғи *Қора Юсуф* билан бўлган жангда ҳалок бўлади. Ироқ ва Озарбайжон вилоятлари темурийлар қўлидан кетади.

Мовароуннахрда 1409 йил баҳорида вазият янада кескинлашади. Амир Худойдод Ўратепа ва Шоҳрухияни қўлга киритиб, Самарқандга аскар тортади. Халил Султон 1409 йил Шероз яқинида Зарафшон бўйида Амир Худойдод билан бўлган жангда мағлубиятга учраб, асирга олинади.

Шоҳрух ҳокимияти. Шоҳрух Хуросондаги амирлар исёнини бостириб, 1409 йил 25 апрелда Амударёдан ўтиб Самарқандга юриш қилади. У Мовароуннахр ва Хуросонда ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Шоҳрух даврида Темур салтанатининг асосий қисми сақланиб қолсада, мамлакат икки давлатга бўлинган эди: 1) Амударёдан жанубда жойлашган Шоҳрух давлати бўлиб, маркази Ҳирот эди. 2) Амударёдан шимолда - Мовароуннахр ва Туркистон ҳудудида Улугбек давлати бўлиб, пойтахти Самарқанд эди.

Улугбек – Мовароуннахр ҳукмдори. Шоҳрух 1409 йил Самарқандан Ҳиротга қайтиш олдидан 15 ёшли Мирзо Улугбекни Мовароуннахр ва Туркистонга ҳоким қилиб тайинлайди. Улугбек (1394-1449) Мовароуннахр ва Туркистон ҳокими дейилсада, аслида ҳокимияти дастлаб фақат Самарқанд, Бухоро ва Насаф вилоятлари билангина чекланди. Чунки, Шоҳрух аввал Фаргонадан то Ўзгандгача Амирак Аҳмадга, Ҳисори Шодмонни **Муҳаммад Жаҳонгир**га берган эди.

Шайх Нуриддин Туркистон билан каноатланмай 1410 йил Муҳаммад Жаҳонгир, Яанги ва Сайрам вилоятлари ҳокими *Амир Абдулҳолиқ*, Оқ Ўрдалиқ хонзодалардан *Чингиз* ўғлонлар билан иттифок тузиб темурийларга қарши исён кўтаради. Улугбек ва исёнкор иттифокчилар ўртасида жанг 1410 йил 20 апрелда Самарқанд яқинида Қизилравот мавзейида бўлади. Улугбек енгилиб Калифга чекинади, Шоҳрух келиб Шайх Нуриддин исёнини

бостиради. 1412 йилдан Мовароуннахр ва Туркистонни бошқариш тўлиқ 18 яшар Улугбек кўлига ўтади. Улугбек 1414 йил Фарғонага ва Кошғарни эгаллайди

Шохрух Хоразмни 1413 йил Олтин Ўрдан қайтариб олади. Натижада Улугбек давлатининг гарбий ва жанубий чегаралари барқарорлашган бўлсада, Улугбек давлатининг шимоли-гарбий ва шимоли-шарқий томонлари ҳали хавотирли бўлгани учун Дашти Қипчоқ ва Мўғулистондаги ички курашларга аралашшига мажбур бўлади.

Мирзо Улугбек 1425 йил баҳорда Мўғулистонга юриш қилиб, Иссиқкўл яқинида мўғуллар устидан галаба қилди ва шарқий чегарани мустаҳкамлайди. Икки бўлак нефрит тошни кўлга киритиб Темур учун қабр тоши ясагтиради. Улугбек Мўғулистон устидан галабаси ҳақида ўзига хос «зафарномани» хижрий 828 (1425) йил Жиззах яқинидаги Илонўтти дараси ичида ёздиради. Мирзо Улугбекнинг Дашти Қипчоққа юришида омади келмайди, отаси Шохрух етиб келиб Улугбекни ҳалокатдан сақлаб қолган.

Тахт учун кураш. Шохрух Рай вилоятида невараси **Султон Мухаммад** исёнини бостириш вақтида ўрнига ворис белгилашга улгурмай 1447 йил 12 мартда оламдан ўтади. Шохрухнинг тўнғич ўгли Улугбек тахтга ўтириши керак эди, аммо Шохрухнинг невараси, Бойсунгурнинг ўгли **Алоуддавла** тахтни эгаллади. У 1447 йил баҳорида Улугбекнинг катта ўгли **Абдулатиф**ни асирга олади.

Мирзо Улугбек Алоуддавла билан сулҳ тузишга мажбур бўлади. Сулҳга кўра Абдулатиф озод қилинади, Улугбек Ҳирот ва Хуросонга бўлган даввосидан воз кечади, бироқ сулҳ бузилади. Улугбек ва Алоуддавла ўртасидаги жанг 1448 йил баҳорда Тарноб яқинида бўлади. Улугбек ва Абдулатифнинг 90 минглик бирлашган кўшини Алоуддавлани тор-мор қилиб, Ҳиротни кўлга киритади. Мовароуннахрда Улугбекка қарши исён бошланган эди, Улугбек Хуросонда Абдулатифни қолдириб ўзи Самарқандга қайтади.

Мирзо Улугбек ва ўгли Абдулатиф ўртасидаги низонинг сабаби, Тарноб галабасидаги фатхномада Абдулатифнинг номи иниси **Абдулазиздан** кейин тилга олиниши ҳамда Ихтиёриддин қалъасидаги хазинани Улугбек олиб кўйиши Абдулатиф учун баҳона бўлади. Абдулатиф Ҳиротда 15 кун ҳокимлик қилади. У **Абулқосим Бобур** келаётганини эшитиб Мовароуннахрга қочади. Улугбек Абдулатифни Балхга ноиб қилиб тайинлагач, у «тамга» солигини бекор қилиб савдогарларни ўзига огдириб олади. Отасидан норози бўлган амирларни тўплайди, ҳатто Абулқосим Бобурни Улугбекка қарши курашга ундайди.

Улугбек фожиаси. Мирзо Улугбек Ҳиротдан Самарқандга қайтар экан Дашти Қипчоқ кўчманчилари ҳужумига дучор бўлади. **Абулхайрхон** Тошкент, Шохрухия, Самарқанд, Бухоро атрофини талайди. Улугбек шу вақтда Самарқандда вақтинчалик ноиб қилиб қолдирилган Улугбекнинг кичик ўгли Абдулазизга қарши амирлар норозилигини бартараф қилишга мажбур бўлади.

Абдулатиф қулай фурсатдан фойдаланиб Амударёдан ўтиб Термиз, Шахрисабз ва Ҳузorni осонгина забт этади, сўнг Самарқандга йўл олади. Улугбек ва Абдулатиф ўртасидаги жанг 1449 йил октябрда Дамашқ қишлоғи

яқинида бўлади. Улугбек енгиледи, Самарқанд амири Мироншоҳ Қавчин шаҳар дарвозасидан Улугбекни киритмайди. Мирзо Улугбек Шохрухияга ҳам киролмай Абдулатифга таслим бўлади. Шаҳар козиси Шамсиддин Муҳаммад Мискиннинг каршилигига карамасдан, Абдулатиф жаҳолатпараст уламоларнинг яширин фатвосини чиқартириб отасини ўлдиради. Мовароуннахрни 40 йил идора қилган Мирзо Улугбек 1449 йил 27 октябрда 55 ёшида фожиали ҳалок бўлган.

Темурийлар салтанатининг инқирози

Сиёсий беқарорлик. Абдулатиф ўз иниси Абдулазизни ҳамда отасига содиқ бўлган амирларни ўлдиртирди. «Падаркуш» (ота қотили) деб лаънатланган Абдулатиф 6 ярим ой ўтгач сарой фитнасида ўлдирилиб, калласи Улугбек мадрасаси пештокига осиб кўйилди. Муҳолифатчи кучлар Самарқандда Шохрухнинг набираси **Мирзо Абдулло**ни, Бухорода Мироншоҳнинг набираси **Абу Саид**ни ҳукмдор қилиб кўтаришади. Улар ўртасида тахт учун яна кураш бошланади.

Мовароуннахр ва Хуросондаги ўзаро курашлар Дашти Қипчоқ ҳукмдорлари учун жуда кўл келади. Абулхайрхон 1451 йил Абу Саид иштирокида Тошкент, Чиноз, Жиззах орқали Самарқандга Мирзо Абдуллога қарши юриш қилади. Шероз қишлоғи яқинида Булунгур анҳори ёқасида бўлган жангда Мирзо Абдулло ҳалок бўлади. Абу Саид Самарқандни (1451) Абулхайрхон ёрдамида эгаллаб Мовароуннахрга ҳоким бўлади.

Хуросон бу даврда Шохрухнинг набираси Абулқосим Бобур тасарруфида эди. Сиёсий тарқоқлик авж олиб Хуросон 11 бўлакка ажралиб кетади. Абулқосим Бобур 1457 йил вафот этгач, Хуросонда вазият яна мушкуллашади. Хуросонда ва Ҳиротда даъвогарлар кўп бўлсада, уларнинг бирортаси ҳам давлатни идора қиладиган кучга эга эмас эди. Абу Саид бу вазиятдан фойдаланиб 1457 йил Ҳиротни эгаллайди, салтанатнинг ҳар икки қисмини (Мовароуннахр ва Хуросонни) бирлаштиради.

Вилоят ҳокимларининг мустакиликка интилиши, айниқса Абулқосим Бобур вафотидан сўнг Хоразмни эгаллаган Умаршайх Мирзо авлоди **Султон Ҳусайн**нинг исёнлари Абу Саидни ташвишлантирди. Абу Саид 1469 йил баҳорида Озарбайжон, Фарбий Эрон, Ироққача бўлган вилоятларни эгаллаб турган туркманларга қарши жангда ҳалок бўлади. Абу Саиднинг ворислари Султон Ҳусайн билан тўқнашишга журъат этаолмай Мовароуннахрга қайтадилар. **Султон Ҳусайн Бойқаро** 1469 йил 24 мартда Хуросоннинг ҳокими сифатида Ҳиротга кириб боради. Темурийлар салтанати яна 2 қисмга: 1) Султон Ҳусайн ҳукмронлигидаги Хуросонга. 2) Абу Саиднинг ўғли Султон Аҳмад ҳукмронлигидаги Мовароуннахрга бўлиниб кетади.

Парокандалик. Мовароуннахрда 1469-1501 йй. Абу Саиднинг ворислари: **Султон Аҳмад** (1469-1494), **Султон Махмуд** (1494-1495), Султон Махмуднинг ўғли **Султон Али** (1498-1500) ҳукмронлик қилган. Бироқ тарқоқлик авж олиб Мовароуннахр кўп вилоятларга бўлиниб кетади. Юрт бошига ташвишлар тушганда сўфий Хожа Убайдуллоҳ Ахрор жонбозлик

кўрсатган. Ҳирот ҳокими Абулқосим Бобур 1454 йил Самарқандни камал қилганда Хожа Аҳрор рақибларни яраштирди.

Султон Ҳусайн ва Навоий. Султон Ҳусайн Бойқаро Амударёнинг жанубидаги ерларга ҳукмрон бўлиб Хуросон, Хоразм, шарқий ва шимолий Эрон вилоятларини бирлаштирган эди. Султон Ҳусайн даврида темурий шахзодаларнинг бошбошдоқлигига қарамай у Темурийларнинг сўнгги йирик ҳукмдори бўлиб, 40 йил ҳукмронлиги даврида хўжалик ва маданият юксалди. Хуросоннинг раванқ топишида Султон Ҳусайн билан бирга Алишер Навоийнинг ҳам хизмати катта бўлди. Алишер Навоий 1441 йил Ҳиротда тугилган, ота-бобоси темурийлар саройида хизмат қилган. Ҳусайн ва Алишер бир мактабда ўқиб, Абулқосим Бобур хизматида бўлган.

Абулқосим Бобур вафотидан сўнг Ҳусайн ва Алишер 12 йил бошқа-бошқа шаҳарларда яшайди. Ҳусайн аввал Хоразмда, сўнг Хуросоннинг Обивард, Нисо, Машҳад вилоятларида куч тўплаб Абу Саидга қарши исёнлар кўтаради. Алишер Навоий бу йилларда Машҳад ва Ҳиротда ўқийди, шоир сифатида шуҳрат қозонади.

Навои ва Ҳусайннинг яқин муносабати сабабли Абу Саидда Навоийга нисбатан адоват кучайгач Навоий Самарқандга кўчади. У Самарқандда фалсафа, мантиқ, ҳуқуқ, араб тили, адабиёт ва поэтика билимдони Фазлуллоҳ Абулайс Самарқандийдан сабоқ олади. Султон Ҳусайн 1469 йил Ҳиротни эгаллагач, Навоий дастлаб муҳрдорлик лавозимига, кейин вазир этиб тайинлайди.

Бош вазир Навоийнинг саройдан, хатто пойтахтдан узоқлашишига: суюрғол тартибига асосланган бу давлатда: 1) вилоят ҳукмдорлари, хатто валиаҳдлар Бадиуззамон ва Музаффар Ҳусайн Мирзо исёнлари. 2) зулм туфайли Ҳирот ва вилоятларда халқ кўзғолонлари кўтарилиши. 3) сарой маъмурлари фитнаси авж олиши эди. Темурийлар давлати XV асрнинг 2-ярмидаги беқарор сиёсий вазият туфайли инқирозга юз тутди.

Таянч сўзлар: Халил Султон, Пирмуҳаммад, Абдуллатиф, Абу Саид, Султон Аҳмад, Султон Маҳмуд, Султон Али, Абулқосим Бобур, Ҳусайн Бойқаро, Бадиуззамон, Музаффар Ҳусайн, Хожа Аҳрор. Алишер Навоий.

4-§. Дехқончилик, ер эгаллиги муносабатлари.

Илм-фан ва маданият

Дехқончилик ва чорвачилик. Темурийлар даштларни ўзлаштириб, ташландиқ ерларни обод қилган хусусий соҳибкорларни қўллаган, улар 1,2 йил ҳамма солиқ ва тўловлардан озод этилган. Темурийлар даврида Самарқанд воҳасида энг йирик сугориш тармоғи бўлган Зарафшон дарёсидан бош олган Даргом анҳоридан чиқарилган қадимги Ангор канали тикланди. Натижада Қашқадарё воҳасига кўшимча сув чиқарилади.

Мирзо Улугбек даврида Бухоро воҳасининг Сомончуқ даштига сув чиқарилиб, янги ерлар ўзлаштирилди. Шохрух томонидан Мурғоб дарёсининг бош тўғони - Султонбанд тикланиб, сугориш тармоқлари

лойкадан тозаланади. Натижада Марв шаҳри ва Мурғоб воҳасининг сув таъминоти тубдан яхшиланади.

Султон Ҳусайн Мирзо ташаббуси билан Марвируддан янги канал чиқарилиб, катта ер майдони сугорилди. Навоий ташаббуси билан Тус вилоятида Турукбанд сув омбори қурдирилади. Ундан 10 фарсах (60-70 км) канал казилиб Машҳадга сув олиб келинади.

Хўжаликнинг иқтисодий ҳаётида айниқса яйлов чорвачилиги: йилқичилик, туячилик, қорамолчилик муҳим ўрин тутган.

Ер ва мулкчиликнинг XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда 4 шакли: мулки девоний - давлат ерлари, мулк - хусусий ерлар, мулки вақф - мадраса, масжид ерлари, жамоа ерлари бўлган. Сугориладиган ерларнинг энг катта қисми давлат мулки ҳисобланган, бу ерларга султон ёки амирлар эгалик қиларди.

Темурийлар даврида давлат ерларини «суюрғол» тарзда инъом қилиш кенг тарқалади. Суюрғол эгалари тобелигини кучайтириш мақсадида марказий ҳокимият баъзан уларнинг ер майдонларини қисқартирар ёки ҳақ-ҳуқуқларини чеклаб, бўйсунмаган тақдирда, суюрғол ҳуқуқидан маҳрум этилар ва бошқа шахсга берилар эди.

Бу даврда бош ҳукмдор томонидан йирик мулк эгаларига яхши хизмати учун тархонлик ёрлиги бериш анъанага айланади, уни олган мулкдорлар солиқ, тўлов, мажбуриятдан озод бўлган. Тархон ёрлиги одатда амирлар, беклар, сарой амалдорлари, саидлар ва юқори табақа вакилларига берилган. Бундай ёрлик олган мулкдор исмига «тархон» мартабаси кўшиб айтилган.

«Мулки вақф» XV асрда ҳам аввалгидек жуда кўп ер ва сувдан иборат эди. Яна дўкон, корхона, тегирмон, обжувоз, бозор расталари, карвонсаройлар ҳам вақф қилиниб, улардан тушган даромад масжид, мадраса, табиблар уйи, хонахоҳлар жихози ва таъмири учун ҳамда мутавалли, мударрис, табиб ва талабаларга бериладиган нафақалар, лангархона (мусофирхона) ва шифохоналарнинг кундалик харжлари учун сарф этилган.

Солиқ турлари. Сугорма деҳқончилик ерларидан олинадиган асосий солиқ - хирож деб аталган. Хирож маҳсулот ёки пул билан тўланган, у ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб белгиланган. Дарё ва булоқ сувлари билан сугориладиган обикор ерлардан хирож ҳосилнинг 1/3 қисми (33 %) миқдоридан олинган. Лалмикор ерлардан ҳосилнинг 1/6, 1/8, яъни 16,5 %, 12,5 % миқдоридан солиқ ундирилган.

Мулк ерларининг бир қисмидан ҳосилнинг 1/10 қисми (10 %) миқдоридан «ушр» олинган, бундай ерлар уламолар ва машойихлар тасарруфида бўлган. Чорва молларидан 1/40, яъни 2,5 % миқдорда «закот» олинган.

Асосий солиқлардан ташқари маҳаллий аҳоли бегор ишларида ҳам қатнашган. Бегорда қатнашган киши асбоб-ускунаси ва овқатини ўзи билан олиб келиши лозим бўлган. «Бегор»- маҳаллий аҳолига юклатилган сарой, жамоат бинолари, мудофаа ва сугориш иншоотларини, йўл қуриш ишларида оммавий ишлаб бериш мажбурияти.

Хунармандчилик ва савдо

Хунармандчилик марказлари Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шохрухия, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши шаҳарлари эди. Шаҳарларда хунармандчилик маҳаллаларининг сони ортиб, касб-хунар билан боғлиқ янги гузар ва кўчалар пайдо бўлади. Кўпгина шаҳарларда заргарлик, мискарлик, игнасозлик, совутсозлик, тоштарашловчилар, шишасозлар, кўнчилик каби хунармандчилик маҳаллалари бўлган.

Шаҳарларда ип, ипак, жун, каноп толасидан турли гулдор ҳамда нафис ва дагал газмоллар кўплаб тўқилар эди. XV асрда темир буюм, қурол-яроғ ва асбоблар яшаш юқори даражага кўтарилади. Чилангарларнинг аксарияти рўзгор буюмлари, қурол ва асбоблар ясовчи темирчилардан иборат эди. Улар орасида мих ясовчилар, такачилар, сим чўзувчилар, пичокчи усталар бўлган. Самарқанд ва Ҳирот шаҳарларида заргарлик ва қурилиш ривож топади.

Бинокорлик, ёғоч ўймакорлиги. ўрта аср хунармандчилигида кулолсозлик энг ривож топган сертармок соҳага айланади. Кулолсозлик: косагарлар, хумчасозлар ва тандирсозлар каби бир неча тармоққа бўлинади. Бу даврда тош йўниш, унга сайкал бериб, ўймакор нақшлар ва хушхат ёзувлар битиш санъати камолатга етади. Бибихоним жоме масжидида Қуръон учун ўрнатилган катта тош лавҳ, Гўри Амирдаги нефрит қабр тоши, Шохизинда (Шайхизинда)даги саганаларга жимжимадор нақшлар чизилган, ўймакор оятлар, марсия ва тарихлар ёзилган.

Самарқанд, Ҳирот ва йирик шаҳарларда қурилиш авж олиб, бинокорларнинг роли ошади. Гишт териб иморат кадини бино қилувчилар «банно» деб; пештоқ, равоқ, тоқиларга парчин ва гирихлар қоплаб иморатга пардоз берувчилар «устод» деб юритилган.

Шишасозлик ҳам XV асрда тараккий қилиб, Самарқандда шишасозлар маҳалласи бўлган. Ёғоч ўймакорлиги санъатининг XV асрга оид энг нодир намуналари Гўри Амир ва Шохизинданинг оятлар битилган нақшинкор эшиклари ҳисобланади. Самарқанд хунармандчилигида айниқса қогоз ишлаб чиқариш алоҳида ўрин тутади. Самарқанд қогози Шарқ хаттотлигида машҳур бўлиб, маълум қисми четга чиқарилган.

Хунармандчиликнинг тери ошлаш, чарм-мўйна маҳсулотлари: маҳсидўзлик, пўстиндўзлик, телпакдўзлик, кавушдўзлик, этикдўзлик соҳалари ривожланган. Самарқанд бозорида ширмойи, седана пайванд, нони заргарон, нони осиеи каби нонлар, зираворлар, атторлик моллари сотилар эди.

Савдо алоқалари. Темурийлар XV асрда кўшни мамлакатлар Хитой, Ҳиндистон, Тибет, Эрон, Рус, Волгабўйи ва Сибир билан савдо-сотик қиларди. Хитойдан ипак, шойи матолар, атлас ва парчалар, чой, чинни, лаъл, гавҳар ва мушк; Ҳиндистондан нафис ок рангли ип матолар, нил бўёқлар, хушбўй зираворлар; Эрондан сурп, марварид, дурлар келтирилган. Рус, Татаристон ва Сибирдан қимматбаҳо мўйна, тери ва мум олиб келинар эди.

Европа мамлакатларидан Самарқандга фаранг газмоллари, мовути, черкас пичоги олиб келинган. Самарқанддан Рус, Татаристон ва Сибирга ип

матолар, бўз, духоба, шойи газлама, коғоз, қуруқ мева, гуруч, пахта, калава чиқарилган.

Шохрух элчилари 1418 йил Ардашер бошчилигида Хитойга борган. Самарқанд ва Хиротга 1419 йил Хитой элчилари Ли-До ва Жонг-фу келади. Шохрух ва Улугбек 1420 йил Хитойга 530 нафардан иборат элчилик карвонини жўнатади, улар 1422 йил Хитойдан қайтиб келади.

Улугбек даврида Бухоро ва Самарқандга 1421 йил Тибетдан элчилар келади. Шохрух 1441-1442 йй. Ҳиндистонга Вижаянагар саройига тарихчи Абдураззоқ Самарқандай бошчилигида элчилар юборади. У Кермон, Хурмузд, Форс қўлтиги орқали Ҳиндистонга боради.

Пул муомаласи. Мирзо Улугбек 1428 йил муомаладаги фулсий пуллар ислоҳатини ўтказди. У енгил вазнли муомаладаги чақа пулларни айирбошлашни ман этиб, эски чақаларни янгисига алмаштиради. Улугбек бир вақтда Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз, Тошкент, Шохрухия, Андижонда зарбхоналар ташкил этиб, бир хил вазндаги фулуслар зарб эттирди.

Улугбекнинг янги фулуслари халқ ўртасида «Фулуси адлия» яъни «адолатли чақа» деб аталди ва ички савдога кенг йўл очди. Улугбек ташқи савдодан давлат хазинасига тушадиган дарамодни кўпайтириш мақсадида «тамга» солигини бирмунча оширди.

Таянч сўзлар: Абдураззоқ Самарқандай, Ардашер, Ли-До, Жонг-фу, Вижаянагар, Даргом, Сомончук, Султонбанд, Туруқбанд, Фулуси адлия, бегор, банно.

Илм-фан

Илм-фан марказлари. XV асрда Самарқанд ва Хиротда ижодкорларнинг кагта гуруҳи тўпланди. Улугбек ўтмишдошлари: Аҳмад Фаргоний, Форобий, Муҳаммад Хоразмий, Беруний, Ибн Сино асарларини батафсил ўрганadi. Уларнинг асарлари орқали қадимги юнон олимлари: Афлотун, Арасту, Гиппарх, Птолемей асарлари билан танишади. Мирзо Улугбек фармони билан 1417 йил Бухорода, 1420 йил Самарқандда, 1433 йил Гиждувонда мадрасалар қурилади.

Бухоро мадрасасининг дарвозасига «Билим олиш ҳар бир мусилмон аёл ва эркакнинг бурчидир» деган хитобнома ёзилган. Мадрасаларда Қуръон, ҳадис, тафсир, фикҳ (дин ва шариат қонун-қоидалари), шунингдек, риёзиёт (математика), хандаса (геометрия), илми ҳайъат (астрономия), тиббиёт, тарих, жўгрофия, илми аруз (назм), араб тили ва морфологияси (қофия) каби дунёвий фанлар ўқитилган.

Улугбек мадрасаси. 1420 йил очилган Самарқанд мадрасаси замонасининг дорулфунини эди. У 2 қаватли, 50 хужрали бўлиб, ҳар бир хужра 3 хонага: қазноқ (омборхона), ётоқхона ва дарсхонага бўлинган. Самарқанд мадрасаси очилган куни биринчи дарсни иқтидорли олим, етакчи мударрис Шамсуддин Муҳаммад Ҳавофий ўқиган, 90 нафар талаба қатнашган.

Қозизода Румий, Фиёсиддин Жамшид Кошоний, Улугбек ва унинг шогирди Алоуддин Али Кушчи турли фанлардан дарс берганлар. Мадрасада илми хайъат (астрономия)дан Қозизода Румий дарс берган. Мадрасасида толиби илимлар камида 15-16 йил ўқиган. Фанларни ўзлаштириб, имтиҳон топширганларга «санад» (шаҳодатнома) ёзиб берилган.

Улугбек расадхонаси. Мирзо Улугбек 1424-1429 йй. Самарқандда Обирахмат анхори бўйида расадхона қурдирган, баландлиги 31 м. бўлган. Фиёсиддин Жамшид бошчилигида расадхонанинг асосий ўлчов асбоби - секстант ўрнатилган. У Шарқдаги секстантларнинг энг каттаси ҳисобланган.

Улугбек расадхона қошида ташкил этган кутубхонада 15 минг жилд китоб сақланган. Расадхона теварагида хужралар, 2 та чорбог: Боги Майдон ва Чиннихона барпо этилади. Расадхона жойлашган бу мавзе «Нақши жаҳон» деган ном билан машҳур бўлган.

Расадхонада Мирзо Улугбек билан бирга математик ва астрономлардан «Афлотуни замон» деб номи олган Қозизода Румий, Фиёсиддин Жамшид Кошоний, «ўз даврининг Птолмейи» номи билан шуҳрат қозонган Али Кушчи тадқиқот олиб боради. Улугбек расадхонасида 1018 кўзгалмас юлдузнинг ўрни аниқланиб, астрономик жадвали тузилади.

Улугбекнинг шоҳ асари «Зижи жадиди Кўрагоний» (Кўрагонийнинг янги астрономик жадвали) 2 қисмдан: кенг муқаддима ва 1018 кўзгалмас юлдузлар ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган жадвалдан иборат. Улугбекнинг йил ҳисоби ҳозирги ҳисобдан 1 минут 2 секундга фарқ қилади.

Улугбек «Тарихи арбаъ улус» (4 улус тарихи) номли тарихий асар ҳамда мусиқа илмига бағишланган 5 та рисола ёзган.

Мирзо Улугбекнинг астрономия мактаби ўз даврининг академияси (олий илмий ташкилот) эди. Француз файласуфи, ёзувчи ва тарихчи олим Вольтер (1694-1778): «Улугбек Самарқандда бўлиб Академияга асос солди, ер шарини ўлчашга буюрди ва астрономия жадвалларини тузишда иштирок этди» - деб ёзган эди.

Хоразмда 1004 йил ташкил этилган «Донишмандлар уйи» (Маъмур академияси)дан кейинги иккинчи - «Дор ул-илм», яъни «Самарқанд академияси» эди.

И.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида: “Улугбекнинг ҳаёти ва илмий фаолияти халқимиз маънавиятининг пойдеворига кўйилган тамал тошларидан бири бўлиб, юртимизда бундан неча замонлар олдин фундаментал фанларни ривожлантиришга қанчалик катта аҳамият берганини кўрсатади” - деган эди.

Маданият

Китобат санъати – қўлёзмка асарларни кўчириш ва у билан боғлиқ бўлган хаттотлик, мусаввирлик, лаввоҳлик ва саҳҳофлик санъати бўлиб, бу санъат ҳам XV асрда тараққий этди. Настаълик деб номланган янги услубдаги хатни хаттот Мирали Табризий (1330-1404) кашф қилади. Хаттот

Султонали Машҳадий (1432-1520) Низомий, Аттор, Ҳофиз, Саъдий, Хусрав Дехлавий, Жомий, Навоий, Ҳусайн Бойқаро асарларини кўчирган.

Султонали Машҳадий кўчирган 50 дан зиёд китоб ва китъалар ҳозиргача етиб келган. У хаттотлик санъати турлари ҳақида махсус асар ҳам ёзган. Султонали Машҳадий ўймакорлик санъатида ҳам моҳир бўлиб, у томонидан Ҳусайн Байқаронинг «Боги Жаҳонаро» богидаги сарой деворидаги битиклар ҳамда унинг қабр тошидаги лавха битилган. Султонали Машҳадий «Қиблат ул-кутуб» (Котиблар кибласи) ва «Султон ул-хаттотин» (Хаттотлар султони) деган ном билан шуҳрат топган.

Самарканд ва Ҳиротда ташкил этилган махсус сарой кутубхоналари ишига китобхона доругаси ёки китобдор бошчилик қилган. У ерда хаттотлар, наққошлар, мусаввирлар, лаввоҳлар, саҳҳофлар ишлаган. Ҳиротда Мирзо Улугбекнинг укаси **Бойсунғур** кутубхонасида 40 та хаттот ва наққошлар ишлаган. Бу кутубхонада 1429 йил Абдулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» поэмаси кўчирилади, у 20 та рангдор миниатюралар билан безатилган.

Тасвирий санъат XV асрда улкан ютуқларга эришган: портретлар, ҳаётий лавҳалар, табиат манзаралари, бино ва бадиий асарларга ишланган тасвирлардан иборат бўлган. Бу даврда чизилган Жомий, Навоий, Абдулло Хотфий, Ҳусайн Бойқаро, Бобур, Бехзод тасвирлари бизгача етиб келган. Навоий тасвирини рассом Маҳмуд Музахҳиб чизган.

Камолиддин Бехзод XV аср тасвирий санъатининг улуг намояндасидир. Бехзод мусаввирликда «Ҳирот мактаби» деб номланган янги услубнинг асосчиси бўлди. У ўз даврида Монийи Соний (иккинчи Моний) деб улуглаган. У Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон тасвирий санъатининг тараққиётига самарали таъсир этди. Бехзод ижоди хилма-хил мазмунга эга бўлиб, тарихий сиймолар: Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Навоий портретларини, саройдаги қабул маросимлари ва жанг манзараларини тасвирлаган. Бехзод Дехлавийнинг «Лайли ва Мажнун» достонига чизган лирик манзаралари ва Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарига чизилган жанг тасвир этилган миниатюралари жозибадор ва таъсирчандир.

Мусиқа соҳасида XIV-XV асрларда Абдукодир Найий, Қулмуҳаммад Шайхий, Ҳусайн Удий, Шоҳқули Ғижжакий, Қосим Раббоний каби созанда, машшоқ, бастакор ва ҳофизлар етишди. Улугбек, Навоий, Жомий, Биноий мусиқа билан шугулланиб, унинг ривожига ҳисса қўшган. Улугбек «булужий», «ахлоқий», «табризий», «шодиёна», «усули равон», «усули отлиг» куйларини. Навоий «Исфажоний» куйини ижод қилади. Жомий ва Биноий мусиқа назариясига доир асар яратган.

Адабиёт соҳасида Қутб ва Ҳайдар Хоразмийлар, Сайфи Сароий, Дурбек, Амирий, Яқиний, Атоий, Саккокий, Лутфий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ каби шоир ва адиблар ижод қилди. Дурбек қайта ишлаган «Юсуф ва Зулайҳо» достони, тошкентлик шоир Атоийнинг девони шу давр бадиий адабиётининг нодир дурдоналаридир. Бу давр ўзбек шоирлари ичида Лутфий (1366-1465) алоҳида ўрин тутади. Алишер Навоийга қадар ўзбек шеърлятида Лутфийга етадиган шоир бўлмаган.

Алишер Навоий 30 дан ортиқ бадиий асар ёзди, улар ичида «Хамса», «Хазойин ул-маоний», «Махбуб ул-кулб», «Лисон ут-тайр» каби йирик асарлар бор. Навоий одамларни тарихни ўрганишга даъват этади.

И.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида Алишер Навоий хақида: “Агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак шоирларнинг султониدير” - деб атайди.

Таянч сўзлар ва атамалар: Дор ул-илм, Бойсунгур кутобхонаси, Шамсуддин Муҳаммад Ҳавофий ўқиган, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Кошоний, Улугбек, Қутб, Ҳайдар Хоразмийлар, Сайфи Сароий, Дурбек, Амирий, Яқиний, Атоий, Саккокий, Лутфий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Камолиддин Бехзод, Маҳмуд Музаҳҳиб.

Тамга - савдо божи, савдогарлардан олинадиган солиқ. Фулус - мисдан ясалган майда чақа пул. Расадхона (обсерватория) - осмон жисмлари тадқиқоти учун махсус жиҳозланган илмий муассаса жойлашган бино. Секстант - осмон ёриткичлари баландлигини белгилаш учун мўлжалланган кўзгу-қайтаргичли асбоб.

III-бўлим. ЎЗБЕК ХОНЛИКЛАРИ (XVI – XIX асрнинг биринчи ярми)

VII-боб. Бухоро хонлиги.

1-§. Мовароуннаҳрда Шайбонийлар ҳукмронлиги. **Бухоро хонлиги ташкил топиши**

Сиёсий аҳвол. Хуросон ҳукмдори *Шоҳрух Мирзо* 1447 йил вафот этгач, тахт учун кураш кучайди. Хуросон бир неча қисмга бўлиниб, ҳар бири ўзини мустақил давлат деб ҳисоблар эди. Хуросон тахтини 1469 йил *Султон Ҳусайн Бойқаро* эгаллади, у Темурнинг иккинчи ўгли *Умаршайх*нинг набираси эди. Бойқаронинг 40 йиллик ҳукмронлик даврида Хуросонда тўла осойишталик ўрнатилмаган бўлсада, ободончилик, хўжалик ва маданият анча

ривожланишида Хусайн Бойқаронинг ҳукмронлик салоҳияти ҳамда Алишер Навоийнинг ҳам хизмати катта бўлди.

Хусайн Бойқаро 1506 йил вафот этгач қўшхокимиятчилик вужудга келиб, унинг иккинчи ўгли - *Бадиуззамон* ва *Музаффар Хусайн* бир вақтда ҳукмдор деб эълон қилинди. Бу Хуросон давлатини тўла поракондаликка олиб келиб, шайбонийлар ҳужуми арафасида давлат кучсиз эди. (рассом Бехзод ишлаган миниатурада Хусайн Бойқаро тасвирланган).

Мавороуннаҳр Мирзо Улугбек вафот этгач бошланган тахт учун кураш оқибатида таназулга юз тутди. Мироншоҳнинг набираси *Абу Саид ибн Султон Муҳаммад* (1451-1469) курашда галаба қозонди. У 1469 йил ҳалок бўлгач Мовароуннаҳрни бирин-кетин икки ўғли - *Султон Аҳмад* ва *Султон Маҳмуд*, кейин набиралари - *Бойсунгур* ва *Султон Али Мирзолар* бошқарган.

Бобур Мирзо. XVI аср бўсағасида Темурийлар тахти учун курашга Темурнинг учинчи ўғли *Мироншоҳ*нинг чевараси Бобур Мирзо чикди. Бобур 1483 йил 14 февралда Андижон шаҳрида тугилган, болалиги Андижон ва Аҳси шаҳарларида ўтган. Бобур ўз даврига яраша барча зарур билимларни отаси *Умаршайх Мирзо* (1455-1494) саройида эгаллаган.

Умаршайх отаси Абу Саид Мирзо даврида дастлаб Кобул вилоятига, сўнг Фаргона вилоятига ҳукмдор этиб тайинланган. Умаршайхга акаси *Султон Аҳмад* даврида Тошкент ва Сайрам ҳам берилган. Ўзаро ички курашлар натижасида Умаршайх қўл остида фақат Фаргона, Хўжанд ва Ўратепа қолган. Умаршайх Мирзо 1494 йил бахтсиз ходиса туфайли ҳалок бўлгач, хоқимият 12 ёшили Бобур Мирзо қўлига ўтди. Бобур ёш бўлгани учун давлатни ишончли беклардан Ҳожикози ва онаси Қутлуг Нигорхоним ёрдамида бошқарган.

Бобур Мирзонинг сиёсий кураш майдонига чиқиши Темурийлар салтанатида ҳарбий-сиёсий вазият огирлашган шароитга тўғри келди. Бу даврда Самарқандда - *Бойсунгур*, Тошкентда - Бобурнинг тоғаси *Султон Маҳмудхон*, Ҳиротда - *Хусайн Бойқаро* ҳукмронлик қиларди.

Бобурнинг ҳам орзуси бобоси Амир Темур салтанатининг маркази - Самарқанд тахтини эгаллаш эди. *Бойсунгур* ва укаси Султон Али тахт учун кураш бошлаганиндан хабар топган Бобур 1496 йил Самарқанд камал қилди. Бироқ киш яқинлашиб қолгани учун камалини тўхтатиб Андижонга қайтади.

Бобур 1497 йил яна Самарқандга юриш бошлаб, камал қилди, камал 7 ойдан ортиқ давом этди. Шаҳар ичида озик-овқат танқислиги туфайли *Бойсунгур* аскарлари орасида парокандалик рўй беради. *Бойсунгур* Қундуз ҳукмдори *Хусравшоҳ* ҳузурига кочди. Бобур 1497 йил ноябр охирида Самарқанд тахтини эгаллашга муваффақ бўлди.

Бироқ бу ҳол узоққа бормади. Бобурнинг Андижондаги душманлари укаси *Жаҳонгир Мирзони* Андижон тахтига ўтказади. Бобур Андижонни сақлаб қолишга қарор қилади ва Самарқандни 100 кун идора этгач тарк этишга мажбур бўлди. Самарқанд тахтини Султон Али Мирзо эгаллади.

Бобур ва Жаҳонгир Мирзолар ўртасида 1500 йил сулҳ тузилди. Унга кўра Сирдарёнинг шимоли ва Аҳси шаҳри Жаҳонгирга, дарёнинг жануби ва Андижон шаҳри Бобурга берилди.

Темурийлар салтанатининг бошқа қисмларида ҳам Фарғонадаги каби тахт учун кураш давом этаётгани ҳақида ўша давр тарихчиси Муҳаммад Солиҳ «ҳамма бир-биридан кўрқар эди, ўзларича шоҳлик талаб қилиб мамлакатда игво уругини сочардилар» - деб ёзган. *Муҳаммад Шайбонийхон* Мовароуннаҳр ва Хуросонни эгаллаши учун кулай шароит вужудга келди.

Дашти Қипчоқдаги сиёсий аҳвол. Муҳаммад Шайбонийхон

«Дашти Қипчоқ» деб аталувчи географик ҳудуд XI асрдан бошлаб араб ва форс манбаларида тилга олинади. Бу атама - Сирдарёнинг юқори оқими ва Тяншаннинг гарбидан Днепр дарёсининг қуйи оқимиға қадар чўзилган даштларға нисбатан ишлатилган. Урал (Ёйик) дарёси Дашти Қипчоқни шарқий ва гарбий қисмларға ажратиб турган.

Бу ҳудудлар рус манбаларида «Половеслар ери» деб қайд этилган, чунки руслар Дашти Қипчоқ аҳолисини половеслар деб аташган. Византия манбаларида улар куманлар, шарқ манбаларида қипчоқлар дейилган. Дашти Қипчоқнинг шарқий қисми аҳолиси ўзбеклар деб аталган.

Шарқий Дашти Қипчоқни Жўжининг бешинчи ўгли Шайбон наслидан бўлган *Абулхайрхон* (1412-1468) эгаллаб, 1428 йил давлатға асос солди. Бу давлат «Ўзбек улуси» (XV аср 20-йилларида, ўзбеклар мамлакати) деб ҳам аталади. У дастлаб темурийларға расман қарам бўлган Хоразмға ҳужм қилади. Абулхайрхон 1446 йил Сирдарё ўрта оқимида жойлашган Сигноқ, Оқкўргон, Арқуқ, Ўзган ва Сузоқ шаҳарларини босиб олди. Пойтахтини Турадан Сигноққа кўчирди. Бу темурийларға қаши курашға кирганлигининг тасдиғи эди.

Самарқанд тахти учун кураш кучайган пайтда Абулхайрхон бу вазиятдан фойдаланди. 1451 йил ундан ёрдам сўраган темурий **Абу Саид**ға Самарқанд тахтини эгаллашда ёрдам бериш баҳонасида юриш бошлади. Абулхайрхон ёрдами эвазига катта ўлжалар билан ўз юртиға қайтади. Абу Саид Улугбекнинг қизи *Робия Султонбегим*ни Абулхайрхонға хотнликка беради. Абулхайрхон кейин ҳам бир неча бор Мовароуннаҳр ишларига аралашиб Мовароуннаҳрда борган сари ўз нуфузининг ортишиға эриша олган. Абулхайрхон 1468 йил вафот этгач, у тузган давлат парчаланиб кетди.

Муҳаммад Шайбонийхон Абулхайрхоннинг набираси бўлиб, унинг Шохбудог Султон исмли ўглининг фарзанди эди. Шохбудогнинг икки ўгли бўлган: Муҳаммад Шайбоний ва Маҳмуд Султон. Муҳаммад Шайбоний 1451 йил тугилган. Абулхайрхон саройида ҳам туркийлар одағиға кўра гўдакка 2 та исм: исломий (араб), туркий исм қўйиш урф бўлган. Тугилганда Муҳаммад деб ном олган Шайбоний ўзининг иккинчи номи (Шайбоний) билан машҳур бўлган. «Бобурнома»да Шайбонийнинг исми Шойбоқхон дейилган, бу ном «куч-қудрат» деган маънони англатади.

Ёш етим колган Муҳаммад Шайбонийни отасиға оталик қилган амир *Бойшайх* тарбиялаган. Унга кейинчалик темурий амирлардан бўлган Туркистон ва Ўтрор ҳукмдори *Муҳаммад Мазид Тархон* хомийлик қилди. Шайбоний ва укаси Туркистонда узок яшамади, кейин ака-ука Бухорода яшаб илм-фан ва шериятни ўргандилар. Шайбоний балогатға етгач кўнглида

бобоси Абулхайрхон давлатини тиклаш орзуси жўш ура бошлади. У Дашти Қипчоққа қайтиб бориб лашкар тўплади.

Шайбоний бобоси давлатини тиклаш йўлида ҳарактни ўз қўшини билан темурийларга ёлланма қўшин лашкарбошиси сифатида хизмат қилишдан бошлаган. Шайбонийнинг хизматидан Мўғулистон, Мовароуннаҳр, Хуросон ҳукмдорлари қўшниларига ва ички рақибларига қарши курашда фойдаланганлар.

Шайбоний турли ҳукмдорларга хизмат қилиши туфайли Темурийлар давлатидаги вазиятни билиб олди. Шайбоний XV асрнинг 80-йилларида бобоси Абулхайрхон давлатини қайта тиклади. Шайбоний эгаллаган Сирдарё бўйларидаги қўргонлар Мовароуннаҳрни истило қилишида таянч вазифасини ўтади.

Мовароуннаҳрда Шайбонийлар ҳукмронлиги ўрнатилиши

Шайбонийхон ҳокимияти кучайиши. Дашти Қипчоқ қабилаларининг раҳнамолари Муҳаммад Шайбонийхон тимсолида Абулхайрхон вафотидан сўнг бошланган қиргинларнинг яна такрорланишига йўл қўймасликка қодир шахсни кўрдилар. Шунингдек Дашти Қипчоқ қабилалари кўпдан буён ўтроқ ҳаёт тарзида яшашни орзу қилиб келардилар, бу орзунинг ушалиши унумдор ерларни босиб олиш ҳисобига рўёбга чиқиши мумкин эди. Кучли ёлланма қўшинга эга бўлган Муҳаммад Шайбонийхонни Дашти Қипчоқ қабилаларининг раҳномалари ва руҳонийлар қўллаб-қувватладилар, чунки улар Муҳаммад Шайбонийхонни ўз орзуларини рўёбга чиқаришга қодир шахс деб ҳисоблардилар.

Қабилалар раҳномалари ва руҳонийлар ерлари унумдор, хунармандчилиги ривожланган ўлкаларда, биринчи навбатда Мовароуннаҳрда Шайбонийхон ҳокимияти ўрнатилиши ўтроқ ҳаётга ўтиш имконини беришини ҳам яхши билганлар. Бу омиллар Шайбонийхон ҳокимияти кучайишига ёрдам берди. Мовароуннаҳрдаги ички сиёсий вазиятни яхши билганлиги ҳам Шайбонийхоннинг нуфузини янада оширди. Темурийларнинг тахт учун курашидан чарчаган Мовароуннаҳр задогонлари, руҳонийлар ва оддий аҳолининг маълум қисми ҳам Шайбонийхон тимсолида Мовароуннаҳрда тинчлик ўрнатишга қодир ягона шахсни кўрганлар. Шу сабабли Шайбонийхонни қўллаб-қувватлаганлар.

Шайбонийхоннинг асосий мақсади Темурийлар салтанатига барҳам бериш эди. У 1499 йил Мовароуннаҳрга юриш бошлади, бунда у рақибларни саросимага солиб қўйган жанг усули - тўлгамани қўллади. Шайбонийхон Самарқандни дастлаб 1500 йил қисқа муддатга бўлса-да эгаллади ва янги ўзбек давлати – Шайбонийлар давлатига асос солди. У 1501 йил Самарқандни узил-кесил эгаллагач, *Султон Али Мирзо* қатл этилди. Шайбонийхон энди бутун Мовароуннаҳрни эгаллашга киришди. *Тўлғама* - жангда душман қўшинини қанотларидан айланиб ўтиб, қуршаб олиб зарба бериш усули.

1503 йил Тошкент ва Шохруҳияни эгалланди. Шайбонийхон бу шаҳарларга Улугбекнинг Абулхайрхонга узатилган қизи Робия

Султонбегимнинг ўғиллари *Кўчкунчихон* ва *Сулончхўжани* ҳоким этиб тайинлади. Бухоро вилоятига ўзининг укаси Маҳмуд Султонни ҳоким этиб тайинлади. 1504 йил Фаргона эгалланди, ҳарбий юришларда фаол қатнашган амакисининг ўгли *Жонибек Султонга* Аҳси ва Андижонни тортиқ қилди. У Абулхайрхоннинг ўгли *Хўжа Маҳмуд Султоннинг* ўгли эди. Шу тарика бутун Мовароуннаҳрда шайбонийлар ҳукмронлиги ўрнатилди. Самарқанд пойтахт этиб белгиланди, Шайбонийхон Мовароуннаҳрда мустаҳкамланиб олгач 1505 йил Хоразмни босиб олди.

Шайбонийхон 1507 йил кузида Хуроссонга юриш бошлади. Хуросон давлатини эгаллаш қийин бўлмади, 1506 йил Балх, 1507 йил Хуросон пойтахти Ҳирот забт этилди. Шундан сўнг Ҳирот ўзининг иқтисодий, сиёсий ва маданий марказ сифатидаги нуфузини йўқотди. Хуросоннинг бўйсундирилиши билан амалда Шайбонийхон бутун минтақани ягона бир марказ - Самарқанд қўл остида бирлаштира олди. У темурийлар амалга ошира олмаган ишни бажарди, бу унинг давлатчилигимиз олдидаги хизматидир. Шайбонийхон Маворуннаҳр, Хоразм ва Хуроссонни ягона давлатга бирлаштира олди, шу тарика Шайбонийлар ҳукмронлиги даври бошланди.

Эронда бу вақта *Исмоил Сафавий* катта ва қудратли кўшин тузиб ҳукмдорлик қилаётган эди, у тузган давлат тарихда Сафавийлар давлати номи билан машҳур. Шоҳ Исмоил давлати катта ҳудудларни ўз ичига олиб, бир сарҳади Хуросон билан, иккинчи сарҳади Усмонли турклар давлати билан туташган эди. Эрон Сафавийларининг Хуросонга тазйиқи кучайди, ниҳоят 1510 йил Марв яқинида икки ҳукмдор ўртасида бўлган жангда Шайбонийхон ҳалок бўлди. Шоҳ Исмоил бутун Хуросонни эгаллади.

Этник жараёнлар. Мовароуннаҳр ва Хоразмда Ўзбек халқи IX–XII асрларда шаклланган, лекин улар XVI асргача ўзбеклар деб аталмаган. Қадимдан туркий этник гуруҳлар нафақат Ўзбекистон заминида, жумладан Дашти Қипчоқда ҳам яшаб келганлар. Дашти Қипчоқни XIII аср бошида забт этган мўгуллар туркий қабилалар таркибига сингиб, ўз миллийлигини йўқотган.

Шайбонийлар Мовароуннаҳрни эгаллагач: 1) XVI асрдан Дашти Қипчоқда яшовчи турли ўзбек қабилалари Мовароуннаҳр ва Хоразмга кўчиб келди ва Этник жараёнга таъсир кўрсатди, Ўзбек халқининг таркиби кенгайди. 2) кўчиб келган турли ўзбек қабилалари тараққиёти устун бўлган маҳаллий қардошлари билан яқинлашди. 3) улар ўтроқ ҳаётга мослашиб аста-секин Мовароуннаҳр ва Хоразмдаги қардошлари таркибига сингиб кетган, фақат ҳукмрон қабиладан маҳаллий аҳолига “ўзбек” деган ном ўтган, халос. XVI асрдан Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг маҳаллий аҳолиси ҳам ўзбек деб атала бошлаган. Бундан ўзбек халқи XVI асрда шаклланган, деган хулоса чикмаслиги лозим.

Захириддин Муҳаммад Бобур

Бобурнинг Шайбонийга қарши кураши. Шайбонийхон 1500 йил Самарқандни эгаллагач, Бобур унга қаши юриш бошлади. Шайбонийхон бу

пайтда Самарқанддан ташқарида эди. Бобур Шайбоний қолдирган 600 та аскарни кириб ташлади ва Самарқанд тахтини *иккинчи* марта эгаллади. Шайбонийхон чекинди ва бўлажак ҳал қилувчи жанга тайёргарлик кўрди.

Зарафшон бўйида 1501 йил апрелда бўлган огир жангда Бобур енгилиб Самарқандга чекинади. Самарқандни қамал қилган Шайбонийхон Бобурга таклиф қилган ҳақоратли сулҳга биноан Бобур Самарқандни тарк этиб, ўзга юртларга кетишга мажбур бўлди. Бобур Кобулга бориб 1504 йил ҳокимиятни кўлга киритди.

Шайбонийхон 1510 йил ҳалок бўлгач, Бобур шоҳ Исмоил ёрдамида Мовароуннахрни шайбонийлардан кайтариб олиш учун кураш бошлади ва 1511 йил кузида Самарқандни *учинчи* марта кўлга киритди. Бобур Самарқандни эгаллагач ноилож исломнинг шиъа йўналишига эътиқод қилувчи шоҳ Исмоилни олий ҳукмдор деб эълон қилди, бу Самарқанд халқининг Бобурдан юз ўгиришига сабаб бўлди. Чунки, Мовароуннаҳр аҳолиси, Бобур ва Шайбонийлар ҳам исломнинг суннийлик йўналишига эътиқод қилганлар.

1512 йил апрел ва ноябрда Шайбонийхоннинг укаси Махмуд Султоннинг ўгли Убайдулла Султон билан бўлган ҳар икки жангда Бобур маглуб бўлди. Шоҳ Исмоилнинг Бобурга ёрдам бериш учун юборган кўшинини ҳам Шайбонийлар ноябрда бўлган жангда маглуб этди. Бобур энди Мовароуннаҳрдан тамоман умидини узиб яна Кобулга қайтиб 1526 йилгача идора қилди, сўнг Кобулни *иккинчи* ўгли *Комрон*га қолдириб, ўзи Ҳиндистонга юриш бошлади.

Бобурийлар салтанати. Бобур 1526 йил 21 апрелда Деҳли ҳукмдори Иброҳим Лодий кўшинларини тор-мор келтирди; натижада Бобур Шимолий Ҳиндистонни эгаллади. Деҳли шаҳрида 1526 йил 27 апрелда Бобур номига хутба ўқилди, шу тариқа Ҳиндистонда бобурийлар сулоласига асос солинди. Бобур подшоҳ Ҳиндистонда бир-бирига душман бўлган майда мустақил рожаларни қилич ва сиёсат йўли билан бирлаштирди ва марказлашган йирик салтанатни барпо этди. Бобурийлар салтанати 1858 йил Буюк Британия Ҳиндистонни тўлиқ босиб олгунига қадар ҳукм сурди. Рожалар - Ҳиндистондаги маҳаллий ҳукмдорлар.

Ҳиндистонда ва чет элларда бобурийларни «буюк мўғуллар» деб аташган, бу мутлақо хато, Бобурийлар юртдошимиз, темурийзода Бобурнинг авлодларидир. Бобурийлар тарихий ҳужжатларда ўзларини «бобурий мирзолар» деб юритишган. Бобурийларнинг мўғуллар деб хато айтилишига европаликлар Темурийларни мўғуллардан тарқалган деб нотўғри ҳисоблашлари сабаб бўлган. Сўнгги йилларда «буюк мўғуллар» деб аталган ибора ўрнига «бобурийлар» ибораси қўлланилиши билан тарихий ҳақиқат тикланди.

Бобур 1530 йил 26 декабрда, 47 ёшида вафот этди. У Агра шаҳрида, Жамна дарёси ёнидаги «Боги Ором»га дафн этилган. Бобурнинг васиятига кўра унинг жасади Бобурнинг ўзи обод қилган Кобулдаги «Боги Калон»га кўчирилади, кейинчалик бу бог «Боги Бобур» деб аталди. Бобур Темурдек бунёдкорлик ишларига катта эътибор билан қараган давлат арбоби эди. У довюрраклиги ва жасурлиги учун ёшлигидан «Бобур» (Шер) лакабини олади.

Бобир давлат ишларини адолат билан юритган, турли дин ва урф-одатларни ҳурмат қилган. Сафдош арбоблардан кимки ўз ватанига қайтишни истаса рухсат берган ва мурувват кўрсатган.

Бобур – мутафаккир. Бобур билимга чанқоқ давлат арбоби бўлгани учун ҳам билим олишга интиланларга оталарча гамхўрлик қилган. У олим, Алишер Навоийдан кейин турадиган шоир ва бастакор эди. Бобур «Бобурнома», «Мубаййин» (баён этилган), «Туркий девон» каби асарлар ёзган. «Бобурнома» - Мовароуннахр, Хуросон ва Ҳиндистон тарихини тўғри акс эттирган асардир. «Бобурнома» хотира асарлар сирасига кириб, 1493-1529 йилларда бўлган тарихий воқеалар ҳақида йилма-йил ҳикоя қилади. Асарда баъзи темурийзодаларнинг биргалашиб умумий душманга қарши курашиш ўрнига ўз душманлари билан ўз манфаатлари йўлида келишишга қилган ҳаракатлари танқид қилинади. Бобур «Бобурнома»да Ҳиндистон ҳақида: «Ҳиндистон бизнинг вилоятлардан ўзгача оламдир. Тог ва дарёси, жангал ва саҳроси, эли ва тили ўзгачадир. Аксар вилояти туз ердан бўлибтур. Ҳиндистоннинг бир айби, оқар суви йўқтур» - деб ёзган.

Бобурнинг «Мубаййин» асари ислом ҳуқуқшунослиги ва ислом динининг асослари: намоз, закот ва ҳаж зиёратининг мезонларига багишланган. У “Хатти Бобурий” деб аталувчи алифбо ҳам яратган. Бобур Мирзо - давлат арбоби, саркарда, шоир ва тарихчи олим эди. Бобур таваллудининг 510 йиллиги муносабати билан 1993 йил Андижонда Бобур ҳайкали ўрнатилди, рамзий қабр макбараси қурилди, «Бобур миллий боғи» ва «Бобур ва жаҳон адабиёти» музейи ташкил этилди.

Бухоро хонлиги ташкил топиши

Хонликнинг ташкил топиши. Шайбонийлар урф-одатига кўра тахтга ёши каттаси ўтказилган. Шайбонийхон ҳалок бўлгач тахтга амакиси Кўчкинчи Султон ўтказилган, бу урф-одатига XVI аср 40-йилларидан сўнг риоя этилмай қўйилган. Кўчкинчихондан сўнг ўгли *Абу Саид* (1530-1533) тахтга ўтирди. Ундан кейин Шайбонийхоннинг укаси Маҳмуд Султоннинг ўгли *Убайдуллахон* (1533-1540) ҳукмронлик қилди.

Убайдуллахон пойтахтни Самарқанддан Бухорога кўчирди. У Бухорога отамерос мулк деб қарар эди, чунки Шайбонийхон Бухоро ҳокимлигини Убайдуллахоннинг отаси Маҳмуд Султонга берган эди. Шайбонийларнинг Мовароуннахрда ташкил этган давлати (Убайдуллахон даврида) энди расмий равишда Бухоро хонлиги деб аталадиган бўлди.

Убайдуллахон Исмоил Сафавийнинг хужумини бартараф этиб Мовароуннахрни ҳарбий-сиёсий тазйикдан сақлаб қолди, бу даврда Бухоронинг марказ сифатидаги нуфузи ошди. Убайдуллахон Бухоро давлатининг чегараларини Шайбонийхон давридаги сарҳадларда қайта тиклашга ҳаракат қилди, у Ҳиротни ишғол этган Эрон кўшинини бир неча марта маглубиятга учратган эди, мамлакат ичкарасидаги ўзаро кураш ва тарқоқликка барҳам берди.

Убайдуллахон вафот этгач ички зиддиятлар яна кучайиб, ҳокимият учун кураш бошланди. Шайбонийхон авлодларининг ҳар бири ўз ота мерос

бўлган ҳудудда мустақилликка интилар, тахтга даъвогар эди. Кўчкинчихоннинг ўгли *Абдуллахон I* нинг қисқа ҳукмронлигидан сўнг кўш ҳокимиятчилик вужудга келиб, бир давлатда икки ҳукмдор пайдо бўлди: 1) Бухорода Убайдуллахоннинг ўгли *Абдулазизхон*. 2) Самарқандда Кўчкинчихоннинг ўгли *Абдулатифхон* ҳукмдорлик қила бошлади.

Абдуллахон II ҳукмронлиги. Мамлакат бир неча мустақил ҳокимликларга бўлиниб кетган шароитда парокандаликка чек қўйиш ва марказий ҳокимиятни тиклаш учун Миёнқол ҳокими *Искандар Султон*нинг ўгли Абдуллахон II (1534-1598) кураш майдонига чикди. У Шайбонийларнинг ёрқин вакилларида бири, *Жонибек Султон*нинг набираси бўлган. Искандархон хонадонига Бухоро яқинидаги Жўйбор қишлоғида яшовчи шайх *Муҳаммад Ислом*нинг ихлоси катта бўлганлиги Абдуллахонга ҳам бу курашда катта мадад бўлди.

Муҳаммад Исломнинг оқ фотиҳаси ва кўмаги билан Абдуллахон 1556 йил Бухоро тахтини амалда эгаллади. У Хоразм ва Хуросонни Мовароуннахрга бирлаштириш учун кўп жанглар олиб борди. 1574-1595 йй. Балх, Самарқанд, Тошкент ва Фаргонани, Бадахшон ва Хоразмни забт этди ва ўз давлатига кўшиб олди. Абдуллахон давлати сарҳадлари жанубда - Хиротдан Машҳадгача, шимолда - Орол денгизигача, Каспий денгизидан Исикқўлгача етди. Мовароуннахр, Хоразм, Хуросон яна ягона ҳукмдор кўли остида бирлаштирилди. Бухоро хонлиги XVI аср охирига келиб нисбатан марказлашган улкан давлатга айланди. Россияда бу давлатни “Великая Бухария” (Буюк Бухоро) деб атаган.

Шайбонийлар XVI асрда етакчи сулола бўлди. Шайбонийларнинг энг қудратли вакили Абдуллахон II даврида ўзбек давлатчилиги ўз тарихида яна бир бор юксак даражага кўтарила олди.

Шайбонийлар ҳукмронлиги тугаши. Абдуллахон II мамлакатни бирлаштириш йўлида шайбоний султонларнинг марказий ҳокимиятни кучсизлантиришга уринишларига қарши шафқатсиз курашди, ҳатто қариндошларига ҳам шафқат қилмади. Абдуллахон II йирик марказлашган давлат барпо этган бўлсада, давлатдаги ички низоларга тўла барҳам бера олмади.

1598 йил Абдуллахон II вафот этгач, тахтга ўтирган ўгли *Абдулмўмин*ни ўша йили фитначилар ўлдирди. Ундан қолган 2 яшар ўглининг хонлик ҳуқуқини ҳеч ким тан олмади. Тахт учун кураш бошланиб Бухоронинг бир гуруҳ амалдорлари Ибодулла Султоннинг ўгли *Абдуламин*ни тахтга ўтқазишга уринди. Шайбонийларнинг бошқа гуруҳи Абдуллахон II нинг амакиваччаси - Балх ҳокими *Пирмуҳаммад*ни тахтга ўтқазди.

Бухородаги ички низолар туфайли огир вазиятдан фойдаланиб: 1) Эрон шоҳи *Аббос* бостириб кирди, у Нишопур, Сабзавор, Машҳад, Хиротни эгаллайди. 2) Хоразм Бухородан чиқиб мустақиллигини тиклади. 3) Қозок хони *Таваккал Ахси*, Андижон, Тошкент, Самарқандни эгаллаб, Бухорога юриш қилди. *Пирмуҳаммадхон* 1599 йил Таваккални тор-мор қилди ва Мовароуннахрни озод қилди. Қозоклар кўшини Дашти Қипчоққа чекинди.

Пирмуҳаммад Бухоро хонлигини яна 2 йилча идора қилди. Пирмуҳаммад ва Самарқанд ҳокими аштархоний *Боқи Муҳаммадхон*

ўртасида 1601 йил бўлган жангда Пирмухаммад енгилди ва ўлдирилди. Абдуллахон II вафотидан 3 йил ўтиб бир аср яшаган шайбонийлар ҳукмронлиги 1601 йил барҳам топди.

Таянч сўзлар: Дашти Қипчоқ, Ўзбек улуси, Шайбонийлар, Бухоро хонлиги.

XVI асрда Бухоро хонлигида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт

Шайбонийлар ислоҳати. Шайбонийхон давлатни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш йўлида ислоҳатлар ўтказди:

1) у давлат бошқарувида суюрғол тизимини жорий этди, яъни ҳудудларни бошқаришни фарзандлари, қариндош-уруглари, биродарларига топширди. Мовароуннаҳрни шайбонийлар 1512 йил тамоман эгаллагач, вилоятларни қайта тақсимлашни нуфузли вакили *Жонибек Султон*га топширдилар. У Самарқандни *Кўчқинчихон*га, Тошкент вилоятини *Суюнчхўжа*га, Бухоро ва атрофини *Убайдулла Султон*га доимий меросий мулк қилиб берди. Лекин суюрғол мулклар марказий ҳокимиятдан мустақил бўлишга интилган.

2) Ер-сув қайтадан тақсим қилиниб, кўчманчи қабила зодагонлари ўз мулкларини енгилган маҳаллий мулкдорлар мол-мулкани мусодара қилиш, сотиш, эгасиз қолган ерларни ўзлариники қилиб олиш йўли билан кўпайтириб олдилар.

3) Мамлакат ичида ижтимоий ҳаётни тартибга солишга имкон берувчи ислоҳат ўтказилди. Кейинги 10 йил ичида солиқлар огирлигидан ва мулкдорлар зулмидан ер-сувларини ташлаб кетган хўжалиқлар ерларини ишга тушириш масаласи кўриб чиқилди.

4) Шайбонийхон 1507 йил пул ислоҳати ўтказди ва катта шаҳарларда вазни бир хил 5,2 гр. кумуш тангалар ва мис чақа пуллар зарб қилиниб, муомалага чиқарилди. Пул ислоҳати-иқтисодиётни тартибга солиш ва савдо-сотикни жонлантириш мақсадида ўтказилган эди. Пул ислоҳати деҳқонларнинг солиқ тўлаш имкониятини оширишга, давлат ва хон мулкани кўпайтиришга имкон берди.

Шайбонийхон амалга оширган бу тадбирлар марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга хизмат қилиши зарур эди. Шайбоний вафотидан сўнг ўзаро тахт учун курашлар ва Эрон босқинчиларига қарши кураш иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатди. Бу ҳол пул кадрсизланишига олиб келган. Олий ҳукмдор *Кўчқинчихон* навбатдаги пул ислоҳатини ўтказишга мажбур бўлган, шу йўл билан аҳвол бир маромга тушишига эришилган.

Абдуллахон II ўтказган пул ислоҳати Бухоро тарихида муҳим аҳамиятга эга воқеа бўлган, у олтин пул зарб этиб, унинг таркибига киймати паст бўлган бошқа маъданлар аралаштирмаслигини қаттиқ назоратга олган. Олтин пуллар хонликнинг бутун ҳудудида муомалага киритилиши ҳокимиятнинг янада марказлашувига, хазинага катта даромад тушишига ва савдо янада жонланишига олиб келди.

Иқтисодиётда Шайбонийлар даврида ҳам сунъий сугориш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ишига жиддий эътибор билан қаралган. Шайбонийлар сулоласи вакиллари Сангзор, Чирчиқ, Сирдарё, Амударё, Вахш ва Мурғоб дарёларидан унумли фойдаланиш чораларини кўрганлар. Шайбонийхон авлодлари кейинчалик Қашқадарёнинг ирмоқларидан Кеш вилоятини сугориш учун 10 дан ортиқ каналлар қаздирган.

Сугориш ишлари айниқса Абдуллахон II даврида кенг ривожланган бўлиб, 1556-1585 йилларда Зарафшон дарёсида Кармана, Мехтар Қосим, Чаҳорминор, Жондор сув айиргичлари; Мурғоб воҳасида Сангзор, Ҳовузихон сув омбарлари; Жиззах воҳасида Сангзор дарёсидан Туятортар канали; Сомонжук даштида Хўжа Каъаб, Афшона каналлари; Амударёдан Чоржўйга; Мурғобдан Марвга; Вахшдан унинг атрофларига каналлар қазилган. Абдуллахон Нурота туманидаги Оқчоб яқинида Бекларсой дарасида жойлашган қадимги тўгон қолдиқлари ўрнида улкан банд қурдирди. Абдуллахон банди унинг равоқларини тўгон тепасида туриб очиши ёки бекитиши мумкин эди.

Абдуллахон II карвон йўллариини жонлантириш, сардобалар, карвонсаройлар қуриш ва таъмирлашга аҳамият берди. Йирик усти берк савдо растаси 1577 йил Бухорода қурилди, у Абдуллахон тими дейилади. Шайбонийлар даврида тикувчилик, кулолчилик, темирчилик, қуролсозлик, заргарлик, қогоз ва қурилиш ашёлари ишлаб чиқариш ривожланди.

Давлат бошқаруви. Бухоро хонлиги маъмурий жиҳатдан вилоятлар ва туманларга бўлинган. Шайбонийлар даврида ҳам теурийлар давридагидек Олий давлат идораси - даргоҳ дейилган, унинг тепасида Хон турган. Ижро этувчи ҳокимият ҳам девон (вазирлик) деб аталган, унга девонбеги (бош вазир) раҳбарлик қилган. Катта нуфузга эга бўлган девонбеги молия ва хўжалик ишларини ҳам бошқарган. Девон теурийлар давридагидек нуфузга эга бўлмаган, сабаби даргоҳдаги мансаблар мавқеининг кучли бўлмаганлиги эди.

Хон сиёсатининг вилоятлардаги таъсири катта давлат мансаби бўлган Оталикнинг нуфузи билан белгиланган. Хон вилоятларни шахзодаларга тақсимлагач, уларга раҳнома этиб тайинланган назоратчи, ишончли шахс оталиқ деб аталган. Шахзодалар улгайиб, балогатга етиб, мустақил фаолият юритгунларига қадар вилоятлардаги давлат ишларини шахзодалар номидан оталиқлар бошқарган.

Парвоначининг вазифаси хон фармонларини, расмий ҳужжатларни масъул шахсларга, ижрочиларга етказишдан иборат бўлган. Додхоҳ мансабида ишлаган амалдор даргоҳга тушган аризаларни қабул қилиб, жавоб қайтарган, у адолат мезонларига амал қилинишини ҳам назорат қилган. Кўкалдош мансабига хон сулоласига энг яқин шахслар тайинланган, у хон сиёсатига фуқароларнинг муносабатини ўрганиб, бу сиёсатнинг дахлсизлигини таъминлаган.

Хон ясовули - хон ва шахзодалар ўртасидаги ички муносабатлар масаласи билан шугулланган. Эшикогабоши - даргоҳ хавфсизлиги, тартиби ва келган-кетганлардан хабардор бўлиб туриш масалалари билан шугулланган. Шайхулисом - шариат қонунлари бажарилиши устидан

назоратни амалга оширган. Қозиколон - суд ишларига етакчилик қилган. Мухтасиб (раис) – мамлакатда жамот тартибини, диний маросимларга риоя қилинишини, бозорларда нарх ва тарозининг тўғрилигини назорат қилган. Меҳтар - закот ва бошқа тушумлардан тушадиган маблағларни зарур ўринларда ишлатишни назорат қилган.

Нақиб давлат мансабдори ҳисобланмасада, саройда нуфузи баланд бўлган, у хоннинг энг яқин ва ишончли кишиси саналган, ички ва ташқи сиёсат масалаларида хоннинг маслаҳатчиси ҳисобланган, зарур бўлганда элчилик вазифасини ҳам бажарган. Нақиб – ўзларини Мухаммад (с.а.в.) пайгамбарнинг авлодлари деб ҳисобловчилар (сайидлар) жамоаси етакчисининг унвони.

Ички зиддиятлар Шайбонийлар давлатида марказий ҳокимият билан маҳаллий ҳокимият ўртасидаги зиддиятларда намоён бўлган. Ер эгаллигининг иқто, суюрғол, танҳо, жогир турлари Шайбонийлар давлатида бўлган. Давлат кичик-кичик мулкларга (суюрғолга) бўлиб идора қилинарди, бу ҳол суюрғол эгаларининг ҳокимиятдан ажралиб чиқишга шароит яратар эди. Шайбонийхон бу хатони тузатишга интилиб бўйсунитишни истамаган маҳаллий ҳукмдорлар мустақиллигини тугатишга, айрим ҳукмдорларни алмаштиришга ҳаракат қилди, бу маҳаллий ҳукмдор ва заминдорларнинг кескин норозилигига сабаб бўлди.

Шайбонийлар даврида меҳнаткашларнинг иқтисодий аҳволи ночор эди, кўпчилик ерсиз бўлиб, ижарага ер олиб ишлаган. Асосий солиқ - сугориладиган ердан олинадиган хирож бўлиб, даромаднинг 30-40 %ини ташкил қиларди. Ихрожат - давлат муассасалари, қўшин ва хон хонадони харажатларини қоплаш учун тўланадиган солиқ. Давлат пулга мухтож бўлганида Фавқулудда солиқлар жорий этилган.

Аҳоли меҳнат мажбуриятини ҳам ўтаган, бу мажбуриятлар: аҳолини канал ва зовурлар қазитишга, йўл ва кўприклар қуришга, ем-хашак йиғитишга жалб этиш. Самарқанд пойтахт сифатида хон тахтига ўтқазиладиган жой ҳисобланган, у ерда хон шарафига хутба ўқитилган ва пул зарб этилган.

Бухоро хонлигининг ташқи сиёсати

Бухоро билан Бобурийлар муносабатлари ўрнатилиши *Бобур* ва *Кўчкинчихон*лар номи билан боғлиқ. Кўчкинчихон даврида Бухоро хонлиги Бобурийлар давлатини тан олди ва савдо-элчилик муносабатларини ўрнатди. Кўчкинчихон ўз элчиси орқали Бобурга Мовароуннаҳр майизи, ўриги ва бошқа неъматлардан 7 туяда совга ва 200 та от тортиқ қилган. Бобур ҳам Бухорога элчилар юборган. Хумоюн даврида ҳам савдо-элчилик давом этган

Абдуллахон II Сафавийларга қарши курашда бобурийлар билан бирга ҳаракат қилишга интилади. У 1572 йил Бобурий *Акбаршоҳ* ҳузурига ўз элчиларини юборди, элчилар совга ва мактуб олиб борди. Абдуллахон ўз мактубида икки давлат ўртасида дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашни баён қилган эди. Бундан мақсад бошқа давлатлар ҳужумига қарши иттифок тузиш эди.

Абдуллахон II Ҳиндистонга иккинчи марта 1577 йил элчи юборган. Бу элчиликдан сиёсий мақсад кўзланган эди: Абдуллахон II Эронни ўзаро тақсимлаб олишни таклиф қилди. Акбаршоҳ бунга рози бўлмади, чунки у турли динга этикод қилувчилар тарафдори бўлиб, диний бағрикенгликни давлат сиёсати даражасига кўтарган эди. Эрон билан ҳам яхши муносабатда эди.

Акбаршоҳ Ҳиндистон шимолидаги Синд ва Кашмирни босиб олди, Бухоро хонлиги бу ҳодисани шайбонийлар давлатининг жанубий чегараларига яқинлашуви деб ҳисоблади. Чунки Ҳиндистонда ҳам Мовароуннаҳрда ҳам Акбаршоҳни Мовароуннаҳрни босиб олишга ундовчи кучлар бор эди. Абдуллахон II эса 1584 йил Бадахшонни эгаллади. Абдуллахон 1585 йил Акбаршоҳ хузурига учинчи марта элчи юбориб, Бадахшон орқали Макка ва Мадинага борадиган йўлни гайридинлардан тозалаш мақсадида Бадахшонни босиб олиш сабабини изоҳлайди.

Акбаршоҳ 1586 йил ўз элчиларини Абдуллахон хузурига юбориб Туркия Эроннинг бир қисмини босиб олганини, Бухоро ва Ҳиндистон Эронга ёрдам бериш зарурлигини маълум қилади. Эрон шайбонийларни ўзининг асосий рақиби деб ҳисоблагани учун Абдуллахон Акбаршоҳнинг таклифига рози бўлмайди. Бу даврда *Аббос I* Эронни бирлаштириб, мустахкамлади.

Шундай шароитда Бадахшонда Абдуллахонга қарши исён кўтарилди. Бухорода бу исёнда Акбаршоҳнинг қўли бор деган гумон пайдо бўлди. Бадахшон ҳукмдори Абдуллахоннинг ўгли *Абдулмўмин* Акбаршоҳдан бошпана берилган бадахшонлик исёнчиларни Бухорога юборишни талаб қилди. Шу туфайли Бухоро ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларга совуқчилик тушади. Абдуллахон Акбаршоҳ хузурига ўз элчисини юбориб, ўглининг хатти-ҳаракати учун Акбаршоҳдан узр сўраган.

Туркия ва Бухоро ўртасидаги шартномани султон *Боязид II* ва Шайбонийхон Эрон сафавийларига қарши кураш тўғрисида тузган. Шайбонийлар элчиси 1515 йил *Султон Салим* хузурига борди. Султон Салимнинг элчиси ўша йили (1515) Бухорога султоннинг мактубини олиб келади, султон ўз мактубида Убайдуллахонни Эронга қарши курашга чақиради. Бунда Туркиянинг манфаати ётар эди. Туркия Бухоронинг ички ишларига ҳам аралашди.

Туркия шайбонийларнинг Мовароуннаҳр тахти учун курашида Тошкент ҳокими *Бароқхон* - Наврўз Аҳмадхон ибн Суюнчхўжага ҳарбий куч жўнатган. Бароқхоннинг Тошкентдаги қароргоҳида 300 нафар турк аскарлари хизматда бўлган. Туркия сафавийларга қарши курашда шайбонийлардан фойдаланибгина қолмай, Бухоро хонлигида ўз сиёсий таъсирини кучайтириш мақсадида ҳам бу ички курашида фаол қатнашди.

Эрон ва Бухоро манфаатлари тўқнашган нуқта Хуросон бўлиб, бунинг сабаби Хуросоннинг ҳарбий-сиёсий, савдо-иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эканлигида бўлиб, Хуросон Эрон, Бухоро ва Ҳиндистон йўналишида дарвоза вазифасини ҳам ўтар эди. Хуросон назорати масаласида шайбонийлар ва сафавийлар ўртасида кураш кетган. Шайбонийлар Хуросон масаласида Шайбонийхон, Убайдуллахон, Абдуллахон II даврида устунлик

қилган. Абдуллахон II Хуросоннинг Марв, Нишопур, Машҳад каби йирик шаҳарларини эгаллаган.

Россия-Бухоро муносабатлари XVI асрнинг иккинчи ярмидан ривожлана борди. Абдуллахон II Россия билан савдо алоқаларини яхшилашга ҳаракат қилди, бу орқали ўз давлатининг сиёсий аҳволни мустаҳкамлашга эришмоқчи эди. Чунки *Иван Грозний* (1533-1584) даврида Россиянинг мавқеи кучая борди. Иван Грозний даврида Қозон (1552), Хожитархон (1556) хонликлари, Волга бўйи ва Гарбий Сибир босиб олиниши Россияга савдо йўллари нозорат қилиш имконини берди. Волга атрофидаги вилоятларда савдо қилиш Бухоро савдогарлари учун қулай эди, чунки Россия яқин кўшни бўлиб, Қозон татарлари ва бошқардлар билан дин ва тили ҳам яқин эди.

Абдуллахон II Москвага 1557-1558 йй. элчилар юборди, элчилар Астрахан орқали Москвага бориб Иван Грозний хузурида бўлади. Элчилар ўз хонлари номидан Грознидан савдогарларнинг Волга бўйлаб эркин ўтишларига ижозат сўрайди. Москвадан элчилар ўқ-дори, ов қушлари ва матолар олиб келган.

Россия ҳам Бухоро хонлиги билан савдони ривожлантиришдан манфаатдор эди: 1) Россия ўз товарларини сотиши учун Бухоро қулай бозор эди. 2) Россия Бухоро орқали Осиё давлатларига, 1-ўринда Ҳиндистонга чиқиш имконига эга бўларди.

Москвада 1555 йил ташкил этилган «*Москва савдо компанияси*» вакили Антоний Женкинсон бошлиқ элчилар рус подшосининг гувоҳномаси билан 1558 йил Бухорога юборилди. Женкинсонни Бухорода Абдуллахон II қабул қилди. Женкинсон Бухоронинг халқаро ва ички савдо имкониятларини «Россиядаги Москва шаҳридан Бактриядаги Бухоро шаҳригача 1558 йилги саёҳат» номли эсдаликларида баён қилган. А.Женкинсон элчилиги натижасида Россия-Бухоро ўртасида яхши савдо-дипломатик алоқалар йўлга қўйилди.

XVI асрда Бухоро хонлигида маданий ҳаёт

Таълим ислохатлари. Шайбонийлар темурийлар даврида яратилган юксак маданиятга муносабат ворис бўла олмаганлар. Шундай бўлсада Шайбонийлар даврида фан ва маданият баҳоли қудрат ривож топишига ушбу сулола ҳукмдорлари орасидан етук илм-фан арбоблари етишиб чиққанлиги ҳам таъсир кўрсатган. Чунончи Шайбонийхон, Кўчкунчихон ва Убайдуллахон ниҳоятда ўқимишли кишилар бўлишган. Шайбонийхон, Абдулазизхон ва Абдуллахонлар кутубхоналарида ажойиб китоб хазиналари бўлган. Шайбонийхон, Убайдуллахон ва Абдуллахон II илм-фан, маърифат ҳомийлари эди. Шайбонийхон темурийлардан сўнг Самарқанд ва Бухорони фан, маданият ва санъат марказлари сифатида ривожлантиришга ҳаракат қилди.

Таълим соҳасида ҳам Шайбонийлар ислохат ўтказишига амалдорлар гуруҳини вужудга келтириш ва уларни жамиятнинг асосий таянчига айлантириш зарурати сабаб бўлди. Ислохатга кўра кўп босқичли ўқитиш тизими жорий этилди: ҳар бир маҳаллада мактаб очилди, баъзи хонадонларда уй таълими жорий этилди, 6 ёшдан таълим бериладиган бўлди, мактабда 2 йил ўқигач, мадрасага ўтказиларди. XVI асрда Самарқандда Шайбонийхон, Бухорода Абдуллахон, Тошкентда Бароқхон ва Кўкалдош мадрасалари қурилди ва фаолият юритди. Мадрасада 3 босқичли таълим жорий этилди: ҳар бир босқичда 7 йилдан, 21 йил давом этарди. Ўқувчилар: илоҳият, ҳисоб, ҳандаса, фикҳ, мантик, мусика, шеърят санъатидан илм олардилар. Таълим олишга ҳаммининг ҳам имкони бўлмас эди.

Илм-фаннинг шайбонийлар даврида маълум даражада ривожланган соҳалари: тиббиёт, математика ва астрономия эди, айниқса тарих ва тиббиёт бошқа соҳаларга караганда илдамрок ривожланди. Тиббиёт соҳасида Муҳаммад Мазид “табиблар ифтихори” деб шарафланган, жарроҳ мавлоно Бақо, кўз касалликларини даволашда Шоҳали ибн Сулаймон, “Даволаш бўйича дастур” асари муаллифи Султонали Самарқандий, “Кўз касаллигига доир асосий китоб” деган асар ёзган Убайдуллоҳ Қахқол машҳур бўлган. Математика илмига Муҳаммад Амин, Бобокалон Самарқандий, мавлоно Кавкабий; Астрономия илмига Муҳаммад Ҳусайни Бухорий “Қибла томонни топиш маърифати”, Аҳмад Фаризий “Ой фазоларининг тенглиги ҳақида рисола” каби асари билан ҳисса қўшди.

Тарих фани соҳасида Шайбонийлар даврида йирик тарихий асарлар яратилган: Камолиддин Биноий “Шайбонийнома”, Муҳаммад Солиҳ “Шайбонийнома”, Муҳаммад Ҳайдар «Тарихи Рашидий», Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон “Меҳмоннамаи Бухоро”, Ҳофиз Таниш Бухорий «Абдулланнома», “Шарҳномаи шоҳий”, Султон Муҳаммад Ҳофиз Тошкандий «Тарихи жадидаи Тошканд» асарини ёзган.

Камолиддин Биноийнинг “Шайбонийнома” асари Дашти Қипчок ва Мовароуннахрнинг XV аср ўрталаридан XVI аср бошларигача бўлган воқеаларни ўз ичига олади. Шунингдек, шайбонийлар билан Эрон сафавийлари ўртасидаги муносабатлар ҳақида маълумот беради. М.Солиҳнинг “Шайбонийнома” асари ўзбек тилида ёзилган бўлиб, Шайбонийхоннинг ҳарбий юришларига бағишланган. Ҳофиз Таниш Бухорий «Абдулланнома» асарини Чингизхоннинг Мовароуннахр, Чингизийлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши, Дашти Қипчокда Абулхайрхон давлатининг ташкил этилиши, Шайбонийхоннинг ҳарбий юришлари, унинг ўлиmidан сўнг Мовароуннахрдаги аҳвол, Абдуллахон II нинг мамлакатни бирлаштириш йўлидаги кураши тарихига бағишланган.

Адабиёт ҳам шайбонийлар даврида ривожланиб, бу давр адабиётида М.Шайбонийхон, унинг жияни Убайдуллахон, К.Биноий, М.Солиҳ ва Мушфиқийлар алоҳида ўрин тутди. Умрини жангда ўтказган М.Шайбонийхон шеърят билан шугулланиб, юқори савияли бадиий асар қолдирган. Унинг асарлари турли мамлакатларга олиб кетилган, шеърлари тўплами бўлмиш “Девон”и Истамбул кутубхонасида сақланади. Шайбонийхон шеърларида Самарқандга, Бухорони Каъбага киёслайди. М.Шайбонийхоннинг жияни Убайдуллахон газал, рубоий, қитъа ва туюқлари

билан шеърятга катта ҳисса қўшган. У «Убайдий», «Убайдулло», «Қул Убайдий» тахаллуслари билан ижод қилган. Убайдуллахон форс ва араб тилларини яхши билган ва шу тилларда ижод қилган ўзбек, форс ва араб тилларидаги шеърлари 3 девонда тўпланган, кейинчалик улар битта муқовага жамланиб «Куллиёт» деб номланган.

Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асари айти пайтда адабий дoston ҳам ҳисобланиб, юксак бадий савияси ва тилининг соддалиги билан ажралиб туради. Абдуллахон II саройида хизмат қилган ва «Малик уш-шуаро» унвонига сазовор бўлган шоир Мушфикий ўз шеърларида юкори табақа вакиллари адолатсизлигини фош этган.

Меморчиликда шайбонийлар пойтахт Бухоро ва унинг атрофларини обод қилишга ҳаракат қилди. XVI асрда шу давр муҳандислиги, маънавияти ва маданиятига мос бинолар қурилди. Бухородаги Мир Араб, Абдуллахон, Самарқандда қурилган Шайбонийхон, Тошкентда қурилган Барокхон ва Кўкалдош мадрасалари меъморчиликнинг ёрқин намуналаридир. Барокхон мадрасасини Суюнчхўжахоннинг ўгли Барокхон қурдирган, гумбазининг баландлиги 22 метр, мустақиллик йилларида таъмирланди. Мир Араб мадрасаси 1530-1536 йилларда *Шайх Абдулла* (Мир Араб) томонидан қурилган, харажатларни Бухоро хони Убайдуллахон берган. Мадраса улкан пештоқли, икки ёнида гумбазли дарсхона, масжид ва гўрхона бор. Гўрхонада Убайдуллахон саганаси ва Мир Араб ҳамда унинг қариндошларининг қабрлари бор. Мадраса буугунги кунда ҳам ислом олий диний ўқув муассасасидир.

Бухорога келган Россия элчиси *Антоний Женкинсон*: «Бухоро катта шаҳар, ғиштлик ва серхашам бинолар кўп. Ҳаммомлар моҳирлик билан қурилган, уларнинг мисли дунёда йўқдир» деб ёзган. Абдуллахоннинг юрт ободончилиги йўлидаги саъй-ҳаракатларини тарихчилар юксак баҳолаган. Абдуллахон даврида марказий ҳокимият кучайиши туфайли катта қурилиш ишлари амалга оширилган. 1000 дан ортик: работ ва сардоба, мадраса, масжид, кўприк, савдо марказлари ва сув омборлари қурилган.

Таянч сўзлар: Шайбонийхон, Кўчкинчихон, Маҳмуд Султон, Абдуллахон.

2-§. Аштархонийлар даврида Бухоро хонлиги. Сиёсий тарқоқлик

Бухорода ҳокимият аштархонийларга ўтиши. Шайбонийларга амакивачча Аштархонийлар *Жўржихон* наслдан бўлиб, XIV аср 80-йилларидан Аштархон хонлигида (Ҳожи Тархон, Астрахан) ҳукмронлик қилган. Руслар бу хонликни Астрахан деб атаган.

Россия 1556 йил Астраханни босиб олгач, Аштархон ҳукмдори *Ёрмуҳаммадхон* оиласи билан Бухорога келади. Уларни Бухоро хони *Искандархон* (Абдуллахон II нинг отаси) ҳурмат билан кутиб олади. Искандархон кизи Зухробегимни Ёрмуҳаммадхоннинг ўгли *Жонибек Султон*га беради. Жонибек Султон Зухробегимдан 3 та ўғил (Дин Муҳаммад, Боқи Муҳаммад, Вали Муҳаммад) кўради. Жонибек султон ва унинг

ўгиллари Бухоро хонлиги вилоятларига ҳоким вазифасида фаолият юритадилар.

Шайбонийлар сулоласидан муносиб ворис қолмагач, Жонибек Султон муносиб номзод бўлиб қолди ва нуфузли кишилар унга тахтни эгаллашни таклиф қилган. У ўгли *Дин Муҳаммад* фойдасига тахтдан воз кечади, бу орада Дин Муҳаммад вафот этади. Натижада 1601 йил Жонибек Султоннинг иккинчи ўгли, Самарқанд ҳокими *Боқи Муҳаммад* (1601-1605) Бухоро тахтига ўтказилди ва Бухоро хонлиги тарихида янги сулола - аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги бошланди. Аштархонийлар сулоласи Бухоро хонлигини 1,5 асрча бошқарди.

Марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун кураш. Боқи Муҳаммад мамлакат сарҳадлари жипслигини мустаҳкамлаш, бошқарув тизимини изга солиш учун кўп уринди. Эрон сафавийларига 1602 йил зарба бериб, Балхни куч билан бўйсундирди ва укаси *Вали Муҳаммадни* ҳоким этиб тайинлади. 1603 йил Балхга ҳужум қилган Эрон сафавийлари кўшинини мағлубиятга учратди. Боқи Муҳаммад Тошкент учун қозоқ султонларига қарши курашди. Қозоқ хони *Келимуҳаммад* кўшинини мамлакатдан ҳайдаб чиқариб, қатор ҳудудларни Бухоро хонлигига бўйсундирди.

Боқи Муҳаммад 1605 йил вафот этгач, укаси *Вали Муҳаммад* (1605-1611) тахтга ўтказилди. Ички кураш янада авж олди, қабила беклари хон ҳокимиятига бўйсунмай муҳолифатчиликни кучайтирди. Бухоролик амирлар хонга қарши исён уюштираётганидан хабар топган Вали Муҳаммад Эронга қочади. Амирлар тахтга Боқи Муҳаммаднинг ўгли *Имомқулихонни* (1611-1642) ўтказдилар. У Вали Муҳаммад бошлаб келган Эрон кўшинини тор – мор келтириб, мамлакат мустақиллигини сақлаб қолди ва Вали Муҳаммад қатл этилди.

Имомқулихон Тошкент ва хонликнинг шимолий-шарқий чегаралари учун қозоқлар, жунгор (ойрот)лар, қалмоқларга қарши муваффақиятли кураш олиб борди. 1613 йил Тошкентни эгаллаган қозоқларга ҳужум қилиб Тошкентни ўз тасарруфига киритди. Имомқулихон даврида марказий давлат ҳокимияти нисбатан мустаҳкамланди.

Сиёсий тарқоқлик Имомқулихондан кейин *Нодир Муҳаммад* (1642-1645) даврида яна кучайди. Нодир Муҳаммад асосий вилоятларни мулк қилиб 12 та ўгли, 2 та жияни ва набирасига тақсимлаб берди, бу ҳодиса давлатчилик асосларини заифлаштирди. Мовароуннаҳрга қозоқлар 1645 йил яна ҳужум қилиб Хўжандгача етиб келдилар. Қозоқларни қувиб чиқариш учун Нодир Муҳаммад ўгли Абдулазизни сафарбар этади. Қозоқларга юриш даврида хондан норози бўлган бир гуруҳ амирлар Абдулазизни хон деб эълон қиладилар.

Нодир Муҳаммад Балхга қочиб кетади ва тахтни қайтариб олиш учун Ҳиндистон подшоси темурийзода *Шоҳ Жаҳондан* ёрдам сўрайди. Шоҳ Жаҳон Балх вилоятини ўзига бўйсундириш мақсадида ўгиллари *Муродбахи* ва *Аврагзебни* юборади. Нодир Муҳаммад Шоҳ Жаҳоннинг ўгилларига қарши чиқади, чунки улар ёрдамга эмас, Балхни эгаллаш учун келаётганини Нодир Муҳаммад билиб қолади.

Нодир Муҳаммад Маймана йўлида бўлган жангда енгилди, Эронга қочади ва *шоҳ Аббос* хузурида паноҳ топади. Шоҳ Жаҳоннинг ўғиллари 1647 йил Балхни эгаллайди. Нодир Муҳаммад шоҳ Аббос ёрдамида Балхни қайта эгаллагач, ташвишга тушган Абдулазизхон Балхга укаси Субҳонқулини юборди. Субҳонқули 1651 йил Балхни эгаллагач ҳоким этиб тайинланади. Нодир Муҳаммад Маккага хажга бораётди йўлда вафот этади.

Бухоро-Хива муносабатлари. Бухорога Хиванинг талончилик юришлари *Абдулазизхон* (1645-1681) даврида кучайди. Хива хони *Абулғозихон* 1655 йил Бухоро атрофларини икки бор талон-тарож қилади. Қоракўл аҳолисининг бир қисмини асир олиб, Карманани вайрон қилади. 1658 йил Вардонзени талаб, 1662 йил Бухоро шахригача етиб боради. Урушлар ва ички зиддиятлар Бухоронинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий аҳволини издан чиқаргач кексайиб қолган Абдулазизхон 1681 йил тахтдан воз кечади.

Тахтга ўтирган укаси *Субҳонқулихон* (1681-1702) даврида ҳам аҳвол ўнганмади. Чунки у: 1) Балх вилоятларида ҳокимлик қилаётган ўғилларига 2) Мовароуннаҳр вилоятларидаги амир ва бекларга 3) Хива хони *Анушахон* кўшинларига қарши курашди.

Хива кўшинлари Бухоро, Кармана ва Вардонзени эгаллади, ҳатто Самарқандни ҳам ишғол қилди. Самарқандда Анушахон номига хутба ўқитилиб, унинг номидан танга пуллар зарб этилади. Субҳонқулихон қатагон уругидан бўлган Бадахшон ҳокими *Маҳмудбий оталиқ* ёрдамида Хива кўшинларини Самарқанддан қувиб чиқарди.

Субҳонқулихон Хива ҳужумига чек қўйиш учун фитна тайёрлайди ва Хива хони Анушахон тахтдан туширилади. Субҳонқулихон Хивадаги тарафдорларидан фойдаланиб 1688 йил Хива хонлигини Бухоро хонлиги тасарруфига олади. Урушлар, ички низолар иқтисодиётни таназзулга туширади.

И.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” (2008) асарида: “XVII асрдан XX аср бошигача Туркистон сиёсий парокандалик ва қолоқликка юз тутди... Юрт ҳукмдорлари жаҳолатга берилиб кетиши оқибатида минтақада таракқиёт орқада қолиб кетди” – деган эди.

XVIII аср биринчи ярмида Бухоро хонлигида сиёсий тарқоқлик

Бухоро хонлиги Убайдуллахон II даврида. Субҳонқулихон 1702 йил вафот этгач, тахтни ўғли Убайдуллахон II (1702-1711) эгаллайди. У исёнкор қабилаларга, бўйсунмас маҳаллий ҳукмдорларга ва бостириб қирган кўчманчиларга қарши уруш олиб боради. Убайдуллахоннинг асосий мақсади сиёсий тарқоқликни тугатишдан иборат эди, у ана шу мақсад йўлида ҳаракат қилди.

Убайдуллахон дастлаб Балхни бўйсундириш йўлини излади. Субҳонқулихон Балхни қатагон қабиласи бошлиги, Бадахшон ҳокими Маҳмудбий оталиқка алоҳида хизматлари учун тортиқ қилган эди. Маҳмудбий Балхда ҳокимиятни тўла ўз қўлига олади ва ўзини **1706 йил Хон**

деб эълон килиб, тез орада Термизни ҳам эгаллайди. Убайдуллахон авал Термизни, 1707 йил Балхни эгаллагач, Маҳмудбий қочиб кетади. Убайдуллахон Бухорога қайтгач Балхни яна Маҳмудбий эгаллайди. Убайдуллахон унинг мустақиллигини тан олишга мажбур бўлади. Убайдуллахон II даврида ички зиддиятлар янада кескинлашди.

Бухоро тасарруфида бўлган Фаргона водийси ҳам XVIII аср бошида ажралиб чиқиб, ҳокимият аввал Чуст яқинидаги Чодак хўжалари кўлига ўтади. 1710 йил минг уруги бошлиги *Шохруҳбий* ҳокимиятни эгаллаб, мустақил **Кўқон хонлигига** асос солади. Мустақилликка интилаётган вилоят ҳокимлари Убайдуллахонга қаша фитна уюштиради ва у 1711 йил ўлдирилди. Парокандаликка қарши, олий ҳокимиятни кучайтириш ва мамлакат бирлигини таъминлаш учун курашган Убайдуллахоннинг ҳукмронлиги фожиа яқунланди.

Убайдуллахоннинг иниси *Абулфайзхон* (1711-1747) тахтга ўтқизилди. У фитна иштирокчиларининг ҳаммасини мукофатлади ва катта лавозимлар берди. Убайдуллахоннинг амалдорлари ва яқинларининг мол-мулки таланди ва қатл этилди.

Парокандалик кучайиши. Абулфайзхон кучайиб бораётган амирлар ва зодагонлар кўлида кўгирчоқ ҳукмдор эди. Абулфайзхоннинг фармонлари сарой остонасидан нарига ўтмай қолганидан у «Регистон (саройнинг олди) тинч бўлса бўлгани» деган гапни доимо такрорлаган. Хон ҳокимияти кучсизланишига мунтазам кўшиннинг йўқлиги ҳам сабаб бўлган, мунтазам кўшин тузишга маблағ етмаган, чунки иқтисодиёт ночор бўлган. Хон зарур бўлганда вилоятлардан кўшин сўраган, бироқ вилоят ҳокимлари ҳар доим ҳам буйруққа итоат этмаган.

Абулфайзхон даврида мангит қабиласидан *Муҳаммад Ҳакимбий* катта нуфузга эга бўлиб, барча шахзодалар оталиқларининг бошлиги деб тан олиниши бошқа қабилалар аслзодаларининг қатъий норозилигига сабаб бўлган. Шахрисабз ҳокими, кенагас қабиласидан *Иброҳимбий* Ургут ва Миёнқол ҳокимлари билан тил бириктириб Бухородан мустақил, пойтахти **Самарқанд** бўлган **давлат** тузишга қарор қилди. Иброҳимбий Кенагас 1723 йил Самарқандни эгаллаб, куёви **Ражаб Султонни** тахтга ўтқазди. Иброҳимбий ўзига «амир-ул умаро» (улуг амир) унвонини олди.

Иброҳимбийнинг навбатдаги мақсади Бухоро тахтини эгаллаш, Ражаб Султонни Бухоро тахтига ўтқозиш ва шу йўл билан хонликнинг энг нуфузли кишиси бўлиш эди. Абулфайзхон сиёсатидан норози бўлган беклар Иброҳимбийга қўшилдилар. Иброҳимбий ва Ражаб Султонлар кимки уларга қўшилса, галабадан сўнг бойлик ва амал улашишни ваъда қилдилар. Иброҳимбий катта кўшин билан Бухорога юриш бошлайди ва жангда Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ бошчилигидаги Бухоро кўшинлари мағлубиятга учрайди. Бироқ Ражаб Султон Бухоро шахрини эгаллай олмайди.

Иброҳимбий ва Ражаб Султон оқибатини ўйламай, катта ўлжалар ваъда қилиб кўчманчи қозоқлардан ёрдам сўрайди. Жунгор қалмоқ кўчманчиларидан талофат кўриб, очарчиликка дучор бўлган қозоқлар бу таклифга рози бўладилар. Қозоқлар 7 йил мобайнида Зарафшон ва

Қашқадарё воҳаларига юришлар қилиб, талаб, хонавайрон қиладилар. Бухорода ҳам Самарқандда ҳам қозоқларни тўхтатишга куч топилмади.

Ички низолар авж олиб, аҳолининг норозилиги кучайгач Абулфайзхон яқинларининг талаби билан Муҳаммад Ҳакимбийни Бухородан чиқариб юборишга қарор қилади. Муҳаммад Ҳакимбий Қаршига кетади, бироқ у Бухорода ҳокимиятни яна олиш ниятидан қайтмаган эди. Абулфайзхон кўнгилхушликка берилиб, давлат ишларини назорат қилмай қўйди. Марказий ҳокимиятнинг заифлашуви сиёсий тарқокликни кучайтириб Самарқанд, Қарши, Балх, Фарғона, Бадахшон амалда **мустақил** бўлиб олди. Энг асосий вилоятлар ва шаҳарлар *мустақил ҳокимликларга* ажралиб кетди.

Бухородаги парокандалик оқибати Эроннинг Бухорога ҳужум қилишига шароит яратди. Эрон шоҳи *Нодиршоҳ* Кавказ, Ҳиндистон, Усмонли турклар ва Афғонистонга зафарли юришлардан сўнг, 1736 йил Бухоро хонлигига бостириб кирди. Нодиршоҳнинг ўғли *Ризоқул* кўшинлари Амударёдан ўтиб кўпгина ҳудудларни босиб олади. Бухоро хони Хива хонидан ёрдам сўрашга мажбур бўлади. Хива хони *Элбарсхон*нинг ёрдамга келаётганидан хабар топган Ризоқул кўшини Нодиршоҳ буйругига биноан қайтиб кетади.

Нодиршоҳ 1740 йил Бухорога иккинчи марта ҳужум қилди. Бухоро хонлигида мунтазам кўшиннинг йўқлиги, ички низоларни бартараф этиш билан банд бўлган Хива хони ҳам Бухорога ёрдам бера олмаганлиги Нодиршоҳнинг галабасини таъминлади.

Таянч сўзлар: Парокандалик - мамлакат вилоятларининг марказий ҳокимиятга бўйсунмаслиги, сиёсий тарқоклик. Миёнкол - Самарқанд атрофидаги Қорадарё ва Оқдарё оралигидаги ҳудуд, кейинчалик Самарқанд ва Хатирчи оралигидаги ерлар.

Аштархонийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт

Давлат тизими ва бошқаруви жиҳатидан Аштархонийлар даврида ўз тузилиши ва моҳиятига кўра шайбонийлар давридан деярли фарқ қилмас эди. Давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига доир масалалар расман олий ҳокимият бошлиги Хон ихтиёри билан ҳал қилинарди. Марказий ва маҳаллий ҳокимият бошқарувида ҳам шайбонийлар даврида амалда бўлган лавозимлар сақланиб қолсада, айрим ўзгаришлар ҳам бўлган. Чунончи, шайбонийлар даврида девонбеги хондан кейинги шахс бўлган бўлса, энди оталиқ бундай мартабага эга бўлган. Шунингдек Аштархонийлар даврида *сарой қутволи* давлат лавозими жорий этилган. У давлат маблаги ҳисобига амалга оширилидаган қурилиш, сув иншоотлари барпо этиш ва ободончилик ишларини бошқарган.

Маъмурий жиҳатдан Бухоро хонлиги вилоятларга, вилоятлар туманларга бўлиб бошқарилган. Вилоят ҳокимлари хон томонидан тайинланган. Энг юқори давлат лавозимларига қудратли қабилаларнинг бошлиқлари тайинланган. Бу эса мазкур қабилаларнинг мавқеини янада кучайтирган. Ҳарбий соҳада доимий қудратли ҳарбий кўшин ва марказий ҳарбий қўмондонликнинг йўқлиги, кўшин замонавий қурол билан

таъминланмаганлиги Бухоро хонлигининг ҳарбий жиҳатдан ўта заифлашувиغا олиб келди.

Ерга эгалик қилишнинг илгариги асрларда бўлганидек Аштархонийлар даврида ҳам мулки султоний, хусусий мулк, мулки хурри холис, вақф ерлари шакллари мавжуд эди. Мулки султоний - давлат ерлари ҳисобланиб, ундан келадиган даромад хон хазинасига тушган. Давлат ерларидан ўша жойларда яшаган деҳқонлар фойдаланган, улар ерни ишлатиб, олинган ҳосилдан хирож солиги тўлаганлар.

Хон давлат тасарруфидаги ерларни, аҳоли яшайдиган қишлоқларни шахзодалар, йирик дин пешволари ва саййидларга суюрғол шаклида инъом қиларди. Суюрғол қилинган катта ер эгалари хон хазинасига солиқ тўламас эди. Ҳарбий қисм бошлиқлари, сарой амалдорларига танҳо шаклида инъом қиларди, бундай ерлар танҳодорнинг хусусий мулки бўлмаган, танҳодор ўша ерларда ишлаётган деҳқонлардан солиқ йигиб олиш ҳуқуқига эга бўлган.

«Мулки хурри холис» - солиқлардан озод қилинган мулклар бўлиб, Хон айрим шахсларга ҳукмдорга кўрсатган алоҳида хизматлари учун инъом этган ер-мулклардир. Вақф мулклари - мулки султоний ҳисобидан диний маҳкамаларга берилган бўлиб, бу ерлар масжид, хонақоҳ, қабристонлар мулки ҳисобланган; вақф мулкидан ҳам солиқ олинмас эди. Барча мулк шакллариغا хос хусусият - уларда ерсиз камбағал деҳқонлар ижара ҳисобига меҳнат қилганлар.

Деҳқончилик ва чорвачилик. Қабилла бошлиқлари ва амирлар ўртасидаги ички қурашлар мамлакат иқтисодий ҳаётини, аҳолининг моддий турмушини аянчли аҳволга туширди. Сугориладиган ерларда бугдой, арпа, жўхори, ловия, мош, шоли, пахта, сабзавот ва полиз экинлари экилган. Дашт ва тоғолди лалми ерларда бошоқли экинлар, кунжут, тарвуз, қовун экилган. Деҳқончилик мамлакат иқтисодини бутунлай инкирозга тушиб қолишидан сақлаб турган асосий омил бўлган.

Аштархонийлар даврида сув иншоотлари қуришга етарли эътибор берилмасда, Имомқулихон 1614-1615 йй. Қашқадарёдан Қарши чўлига, 1633-1634 йй. Кўшқўргонда канал қаздирган. Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлиб, аҳоли гўшт, сут маҳсулотлари етиштирган. Катта яйловлар хон, сарой амалдорлари, дин пешволари, қабилла бошлиқларига тегишли бўлган.

Ҳунармандчилик маҳсулотлари асосан шаҳарларда, йирик қишлоқларда етиштирилган. Ҳунармандчиликнинг тўқимачилик тармоғида ип йигириш, газламалар тайёрлаш, тайёр кийимлар тикиш, гилам тўқиш, каштачилик ривожланди. Ҳунармандчиликнинг қулолчилик тармоғи ҳам ривожланишига соғ тупроқ манбаларининг кўплиги сопол ва чинни идишлар, кўза, коса тайёрлаш имконият берди.

Метал ва ёғочга ишлов бериш орқали уй рўзгор буюмлари тайёрлаш, бинолар қурилишида ёғоч ва ганч ўймакорлиги ҳам анча ўсди. Бухоро ва Самарқандда юқори сифатли қоғоз ишлаб чиқариш; тоғли ҳудудлардан нодир металллар, калий қазиб олиш йўлга қўйилган.

Савдо-сотик ишлари XVII-XVIII аср биринчи ярмида бир қадар ошиб, савдода Бухоро, Самарқанд, Қарши, Тошкент, Балх каби йирик

шаҳарларнинг мавқеи баланд эди. Ички савдода дехқончилик, чорвачилик маҳсулотларига ва ҳунармандчилик буюмларига эҳтиёж катталиги сабабли бозорлар гавжум бўларди.

Ташқи савдода Россия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Қашгар, Туркияга пахта, тери, жун, матолар, қишлоқ хўжалик маҳсулоти чиқарилар эди. Бухоролик савдогарларнинг Сибир шаҳарларида ўз савдо расталари бўлган. Бухорога Хитойдан: шойи матолар, чинни идишлар, дори-дармон, чой; Ҳиндистондан: қимматбаҳо тошлар, матолар, олтин иплар олиб келинган.

Халқ норозиликлари. Аштархонийлар даврида даромад алоҳида шахслар қўлида тўпланиши натижасида хон хазинаси камбағаллашиб, халқ аҳволи огирлашиб борди. Давлат хазинасини бойитишнинг ягона воситаси солиқ эди. Шу боисдан солиқлар тури ва миқдори кўпайтирилган. Асосий солиқ тўловчилар - дехқонлар, чорвадорлар, ҳунармандлар, савдогарлар бўлиб, улардан хирож, закот, бож ундирилган.

Аҳоли каналлар қазिश, ариқларни тозалаш ва қурилиш ишларига мажбуран жалб этилган. Уруш йилларида солиқ миқдори ҳаддан ташқари оширилди. *Субҳонқулихон* даврида раиятдан 7 йиллик солиқларни бирданига йигиб олинган.

Убайдуллахон солиқлар миқдорини 4 бараварга кўпайтирган. Убайдуллахон 1708 йил *пул ислоҳати* ўтказиб, таркибининг 35 %ини кумуш ташкил этувчи тангалар ўрнига, таркибида 9 % кумуш бўлган тангаларни зарб эттиради ва унинг қимматини олдинги тангаларга тенг деб белгилайди, пулнинг қадри 4 баравар камаяди.

Пулнинг қадри камайиб, норозиликнинг кучайиши натижасида дўкандор ва ҳунармандлар ўз маҳсулотларини сотмай қўйганлар. Бунга чидай олмаган халқ 1708 йил Бухорода, кейинчалик Самарқанд, Балх, Кармана, Миёнқол, Шаҳрисабз ва бошқа жойларда қўзғолон кўтаради. Бу қўзғолонлар тартибсиз, тарқоқ ҳолда бўлганлиги учун бостирилади. Шунингдек бу қўзғолонлар Бухоро хонлигини янада заифлаштирган.

Маънавий-маърифий, маданий ҳаёт

Мактаб ва мадраса таълими. Аштархонийлар даврида авж олган ички зиддиятлар, тинимсиз урушлар, сиёсий парокандалик маънавий-маърифий, маданий ҳаётга салбий таъсир этди. Бироқ маориф, илм-фан, маданият ривожини тўхтатиб қўя олмаган. XVII-XVIII асрларда шаҳар ва қишлоқларда кўплаб мактаблар бўлиб (бошлангич таълим), уларда ўғил ва қизлар алоҳида-алоҳида мактабларда ўқитилган. Ўғил болалар мактаблари мадраса ва масжидларда, устахоналар қошида, хусусий мактабдорлар хонадонларида ташкил этилган. Ўғил болалар мактабларида масжид имоми ёки мадрасани тугатган зиёли кишилар ўқитувчилик қилган, уларни домла дейишган.

Болалар мактабга 6-7 ёшдан берилган ва уларга 5-8 йил давомида бошлангич таълим берилган. Ўқувчиларга аввал ҳарфлар, кейин бўгинлар, уларни қўшиб сўз тузиш, «Ҳафтияк» (Қуръоннинг 1/7 қисми) китобини ўқиш ўргатилган. Ҳисоб дарсида сонлар, уларни қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш амаллари ўргатилган. Ўқувчилар Навоий, Фузулий, Бедил, Машраб,

Ҳофиз Шерозий, Сўфи Оллоёр асарларини ва «Чор китоб»ни ўқиб сабоқ олганлар.

Қизлар мактаблари бадавлат кишилар ёки ўқитувчи аёллар уйларида ташкил этилган, қизларни отинойи, отинбиби, бибиҳалифа, бибиотин деб аталган аёл ўқитувчилар ўқитишган. Қизлар мактабларида уй-рўзгор тутиш, пазандачилик, одоб-ахлоқ, покизалик сирларини ўрганишга кўпроқ ўрин берилган.

Болалар ўқишни тўлиқ ўзлаштириб олганларидан кейин ёзишга ўтганлар. Мактабларни битираётганда имтиҳонлар бўлмаган, мактабни битиргани тўғрисида ҳужжат ҳам берилмаган. Ўқувчиларнинг равон ўқиши, тўғри ёза олиши, ҳисоб-китобни билиши мактабни битирганлигига гувоҳ бўлган.

Мадраса - ўрта ва олий ўқув юрти ҳисобланиб, уларга мактабларни тугатганлар қабул қилиниб, мадраса таълими 7-12 йил давом этган. Бухоро хонлиги ҳудудида XVII асрда 150 дан ортиқ мадраса бўлган. Мадрасада араб, форс тилидаги китоблар ўқитилган, уларни мударрис туркий тилда шарҳлаб берган. Ўқиш форс тилидаги «Аввали илм» ўқув кўлланмасини ўзлаштиришдан бошланган, кейин араб тили грамматикаси ўқитилган, фикҳ (ҳуқуқ) курси мажбурий ҳисобланган.

Илм-фан равнақиға диний мутаассиблик, халқдан диний ақидаларға сўзсиз итоат этиш талаби салбий таъсир этди, бироқ илм тўхтаб қолмади. *Маҳмуд ибн Вали* 1636 йил «Баҳрул-асрор» (Сирлар денгизи) асарини ёзган, унда Самарқанд ва Бухоролик 20 нафар олим ҳақида маълумот берилган. XVII асрда Мир Араб мадрасаси мударриси *Муҳаммад Шариф Бухорий* (1609-1697) фалсафа, тасаввуф, тарих, фикҳ, тилшунослик, астраномия соҳасида 20 дан ортиқ асарлар ёзган. Унинг «Ҳоқонга фойдали маслаҳатлар» китобида шарият қонун-қоидалари, ижтимоий ҳаёт ва ахлоқий муаммоларға оид ҳамда ҳукмдорларға оид маълумотлар ўз ифодасини топган.

Субҳонқулихон даврида тиббиёт илми ривожланиб, унинг ташаббуси билан Бухорода «Дор уш-шифо» (шифоҳона) қурилиб, беморлар даволанган, тиббиётға ихтисослашган мадраса қурилиб, шифокорлар тайёрланган. Унинг тиббиётға оид китоблар жамланган нодир кутубхонаси бўлган. *Субҳонқулихон* «Субҳоний тиббиёти бўйича даволаш» ва астраномияға оид «Бахтли соатни аниқлашда ой манзилларининг моҳияти» номли китоблар ёзган.

Тарихнавислик. XVII-XVIII аср биринчи ярмида Бухоро тарихиға доир қатор асарлар яратилди. Тарихчи ва географ олим *Маҳмуд ибн Вали* Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихи, мамлакатлар, шаҳарлар, океан ва денгизлар, ҳайвонот олами ҳақида «Олийжаноб инсонлар жасорати хусусида сирлар денгизи» («Баҳрул-асрор») деган асар ёзган. *Муҳаммад Юсуф Муниший* «Тарихи Муқимхоний», *Муҳаммад Амин Бухорий* «Убайдуллонома», *Муҳаммад Замон Бухорий* «Тарихлар денгизи», *Абдурахмон Толе* «Абулфайзхон тарихи» деган асарлар ёзди.

Адабиёт XVII-XVIII аср биринчи ярмида ривож топди. *Бедил* (исми Мирзо Абдулқодир, 1644-1721)нинг ўрни қатта бўлиб, у асли Кеш (Шаҳрисабз)лик, Деҳлида вафот этган. Унинг йирик асари «Тўрт унсур»

насрода ёзилган бўлиб ҳаво, сув, ер, олов; ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамнинг келиб чиқиши ҳақида. Унинг «Ирфон» (Билим) достонида фалсафа, тарих ва илоҳиятнинг хилма-хил масалалари баён этилган, унинг фикрича дунё абадий бўлиб, тўхтовсиз ҳаракат қилади ва ўзгариб туради. Шеърларида зулм ва адолатсизликни қоралайди. Бедил Туркистонда «Абулмаъоний» (Маънолар отаси) деган ном олган.

Шоир *Сайидо Насафий* “Бухоро шоирлари тахтида султон” деб улугланган. У Насаф (Қарши) шаҳрида тугилган. Уни машҳур қилган “Ҳайвонатнома” номли мажозий мунозора асарига ҳайвонлар тимсоли орқали ер эгаллиги ва амалдорларнинг меҳнаткашларга етказган зулмини ва порахўрлигини фош этади. Бўри ва шер тимсолида ер эгаларининг йиртқичлигини очади. Шер барча ҳайвонлар устидан галаба қозонсада, меҳнаткаш халқ вакили – чумолидан енгиледи. Бу шоирнинг меҳнаткаш халқ ҳам бир кун келиб зулмдан озод бўлиши йўлидаги орзуси эди.

Турди Фароғий жасоратли шоир бўлиб, адолатсизликни, Субҳонқулихоннинг огир солиқлари туфайли халқ тортаётган азобларни танқид қилган. Турди халқ тилидан мамлакатни хонавайрон қилган сиёсий тарқоқлик ва урушларни лаънатлаган. Уруг ва қабилаларни бирлашишга ва ўзаро ҳамкорлик қилишга даъват этган. Уруг оқсоқолларини ва бекларни бир ёқадан бош чиқаришга чақирган. Бу ўринда унинг “Тор кўнгиллик беклар” шеъри алоҳида аҳамиятга эга.

Меъморилик ҳам анча ривож топди. Марказий Осиё меъморичилигининг ноёб тарихий ёдгорлиги Самарқанд Регистон ансамбли ҳисобланади, унинг ҳозирги кифоаси XVII асрда шакллантирилди. Регистони майдонида Улугбек мадрасаси қаршисида Самарқанд ҳокими *Ялангтўш Баҳодир* ўз маблағи ҳисобидан Шердор (1619-1635) мадрасасини ва Тиллакори (1646 -1660) мадраса-масжидини қурдирган.

Бухорода йирик меъморий мажмуа - Лабиховуз ансамблини 1620 йил энг бадавлат киши *Нодир девонбеги* бунёд эттирди. У бўйи 45 метр, эни 36 метр, чуқурлиги 5 метр ҳовуз қурдиради. Ҳовуз атрофида Нодирдегонбеги мадрасаси ва хоноқоҳи, Кўкалдош ва Эрназар элчи мадрасалари бунёд этилади. Бухоро шаҳридаги 1652 йил Абдулазизхон қурдирган кўш иморатли мадраса ўз замонаси меъморичилигининг етук намунаси ҳисобланади. У мустаҳкам ва нафис нақшли кошинларга бойлиги билан ажралиб турган.

Таянч сўзлар: Ялангтўш Баҳодир, Нодир девонбеги, Шердор, Тиллакори, Лабиховуз, Регистон (форсча) - шаҳарнинг майда тош тўшалган марказий майдони.

3-§. Бухоро Амирлиги ташкил топиши. Бухорода манғитлар сулоласи ҳукмронлиги

Бухоро мустақиллигини йўқотиши. Бухоро Эрон босқинига қарши турулмагач, **Абулфайзон** таслим бўлиш ҳақидаги шартномани имзолаш учун Зарафшон дарёси бўйига - **Нодиршоҳ** ҳузурига боришга мажбур бўлади. Шартномага кўра Нодиршоҳ олий ҳукмдор, Бухоро хонлиги Эронга

муте давлат деб тан олинган. Нодиршоҳ кўшини учун 8 йилга етадиган 200 минг *харвор* бугдой ва арпа тўплаб берилади ҳамда Бухоро хонлиги аҳолисидан 10 минг нафарли кўшин тўплаб Нодиршоҳ ихтиёрига жўнатилади. Бу кўшинга Муҳаммад Ҳакимбийнинг ўгли **Муҳаммад Раҳим** кўмондон этиб тайинланди.

Абулфайзхон Эронга қарам кўгирчоқ ҳукмдорга айланиб, бутун ҳокимият амалда *қўшбеги* (бош вазир) лавозимини эгаллаган **Муҳаммад Ҳакимбий** кўлида тўпланди. Энди аштархонийларнинг барҳам топиши муқаррар бўлиб қолди. *Харвор* - бир эшакка юк бўладиган огирлик ўлчови.

Муҳаммад Раҳимбий. Бухорода аштархонийлар даврида мангитларнинг нуфузи баланд эди. Бу қабила аштархонийларга садоқат билан хизмат қилди. Муҳаммад Ҳакимбий 1743 йил вафот этгач, унинг ўгли Муҳаммад Раҳимбий ўзининг кўшинидан фойдаланиб, отаси каби алоҳида давлатга даъвогарлик қилди. Сўнгги аштархоний Абулфайзхон уни отасининг ўрнига тайинлашга мажбур бўлди. Нодиршоҳ 1747 йил ўлдирилгач, Эронда бошланган ички курашлар Муҳаммад Раҳимбийнинг Бухоро тахтини эгаллашига йўл очиб берди. Унинг буйруғи билан 1747 йил Абулфайзхон ҳам ўлдирилди.

Муҳаммад Раҳимбий тахтга Абулфайзхоннинг ўгли **Абдулмўминни** ўтказди (сохта хон) ва ўзига куёв қилиб олди. Раҳимбий кўп ўтмай – Абдулмўминни, унинг ўрнига ўтқизилган *сохта хонларни* ҳам қатл эттирди. Аслзода ва рухонийларнинг қўллаб-қувватлаши билан **Муҳаммад Раҳимбий 1753** йил ҳокимиятни тўла эгаллади. Мангитлар чингизийлар наслига мансуб бўлмаганлиги учун ўзларини Хон деб эмас, **Амир** деб атаганлар. Улар айни пайтда минтақанинг диний ҳукмдори - *Амир ул-мўминин* ҳисобланган. Бухорода 1753 йил ҳокимиятга янги сулола - **мангитлар** сулоласи келди ва 1920 йилгача ҳукмронлик қилди. Бухоро хонлиги 1753 йилдан **Бухоро амирлиги** деб аталди.

Мангит ҳукмдори Муҳаммад Раҳимбий мамлакатда ўзининг мутлақ ҳукмдорлигини ўрнатиш ва ички бошбошдоқликни тугатиш сиёсатини тутди. Бундай сиёсатдан кўзланган мақсад-марказлашган давлатни тиклаш эди. Муҳаммад Раҳимбий бу сиёсатни рўёбга чиқаришга қатъий киришиб барча маҳаллий ҳукмдорларни чорлаб, ўзининг асл мақсадини, ўз бошқарув дастурини маълум қилди.

Муҳаммад Раҳимбий маҳаллий ҳукмдорларга ички низо ва урушлар мамлакатни хонавайрон қилаётганлиги, хўжалик ва савдо издан чиқаётганлиги, агар бу ҳолат яна давом этса давлат ҳалокати муқаррар эканлигини алоҳида таъкидлади. Муҳаммад Раҳимбий қайси маҳаллий ҳукмдор марказий ҳокимиятга бўйсунмаса аёвсиз жазога тортилишини огоҳлантирди.

Муҳаммад Раҳимбий мустақилликни даъво этиб юрган Миёнқол, Нурота, Қўбодиён, Бойсун, Шаҳрисабз, Ургут бекликларини 4 йил давомида бўйсундирди. Бўйсунини истамаган буркут, қипчоқ, 7 уруг, баҳрин, юз, кенагас, сарой қабилаларига нисбатан кўчириш сиёсати юритилди. Муҳаммад Раҳимбий йирик ер эгаларининг давлатни бошқариш ишларида шу вақтгача давом этиб келган аралашувларини кескин камайитиришга

эришди. Бироқ барча вилоятларнинг марказий ҳокимиятни тан олишларига тўла эриша олмади.

Дониёлбий ва Шоҳмурод. Муҳаммад Раҳимбий вафотидан сўнг унинг амакиси **Дониёлбий** оталиқ (1758-1785) ҳокимиятни ўз қўлига олди, у ўз кўшинни мустаҳкамлашга ва унга таяниб иш кўришга ҳаракат қилди, мангит бекларига катта ер-мулкни танҳо қилиб берди, халқдан олинадиган солиқларни кўпайтирди. Дониёлбий даврида Балх, Ҳисор, Кўлоб, Ўратепа бекликларининг мустақилликка интилишлари кучайди. Дониёлбий катта ер эгаларининг ўзбошимчалигини синдира олмади. Дониёлбий тўнғич ўгли Шоҳмуродга ҳокимиятни топширди. Шоҳмурод дарвишона ҳаёт кечириб, бозорда ҳаммоллик қилган, пичоққа қин ясаб сотиб рўзгор тебратарди, халқ ичида обрўси катта эди.

Амир Шоҳмурод (1785-1800) ёшлигидан художўй, порсо бўлиб ўсган, мадрасани битириб, дарвишлик сулуки тарғиботчиси бўлган. Халқ унга «Амири маъсум» (беғуноҳ амир) унвонини берган. Шоҳмурод ўз фаолиятида оммага таяниб иш тутди, адолат тамойилларига қаттиқ амал қилди. Шоҳмуроднинг ҳаёти ниҳоятда камторона кечган: 1 йилда 1 олача чопон, 1 бўз кўйлак кийган, бошига 6 газли бўз салла, оёғига эчки терисидан тикилган сахтийн маҳси ва ковуш кийган.

Шоҳмурод Самарқанд шаҳрида катта бунёдкорлик ишларини амалга оширди, шаҳар марказида 6 қиррали чорсу қурилиб, «Тоқи мусаддас» деб аталган. Шоҳмурод Самарқанддаги ҳар бир мадрасага имом, муаззин, мударрисларни ўзи тайинлаган. Талабалар ва мударрисларнинг маоши учун вақф ерлари ва мулклар ажратган. Шоҳмурод **ислоҳатлар** ўтказиб, давлатни мустаҳкамлашга эришди, бож ва хирождан бошқа солиқларни камайтирди. Раис (мухтасиб) ва қози аскар (ҳарбий суд) мансабларининг нуфузини оширган.

Иқтисодни йўлга қўйишда Шоҳмурод ўтказган **пул ислоҳати** муҳим аҳамият касб этди. Аштархонийлар даврида тангалардаги кумуш миқдори камайиб кетган эди. Шоҳмурод жорий қилган қонун бўйича ким мол-мулкка хиёнат қилса мартабасидан қатъий назар қаттиқ жазоланиши лозим эди, бу халқ манфаатларига тажовузнинг олдини олди.

Амир Ҳайдар ҳукмронлиги даври. Амир Шоҳмурод вафот этгач, тахтга амир **Ҳайдар** (1800-1826) ўтирди. Унинг тажрибасизлигидан фойдаланган айрим вилоят ҳукмдорлари марказий ҳокимиятга бўйсунмасликка уринган. Амир Ҳайдар қийинчилик билан уларнинг аксариятини бўйсундирган. Аксарият вилоятларнинг мустақиллиги тугатилгач, давлат ерлари кўпайган. Натижада давлат ерларини ижарага олиб ишловчилар сони ошган ва иқтисодиёт тез ўсган, ички ва ташқи савдо ҳам ўсди.

Амир Ҳайдар энг билимдон ҳукмдорлардан бўлган, Қуръонни ёддан билган. Амир ҳузурида диний ва илмий мулоҳазалар ўтказилиб турилган. Бухоро мадрасаларига чет давлатлардан ўқишга келувчилар ошган. Амир Ҳайдар ҳам мадраса талабаларига маърузалар ўқиган. Аммо у тўла осойишталикни таъминлай олмаган, бунга жамиятдаги адолатсизликлар ҳам

сабаб бўлган. Халқ норозилигидан айрим вилоят ҳокимлари ва йирик зодагонлар мустақил бўлиш учун фойдаланишга интиланган.

Ҳайдарнинг укаси **Динносирбек** ҳокимлик қилаётган Марв вилояти аҳолиси 1804 йил кўзголон кўтарган, Ҳайдарга қарши кучлар бундан фойдаланиб Динносирбекни тахтга ўтказмоқчи бўлганлар. Ҳайдар уларга қарши Ниёзбек парвоначи бошчилигида кўшин юборган. Ниёзбек буйруғи билан Марвни сув билан таъминлаб турган Султонбанд тўғонини бузиб ташлагач, сувсиз қолган марвликлар жанг қилмай бошқа юртларга кетишга мажбур бўлдилар. Динносирбек Эрондан бошпана топган.

Ҳарбий ҳаракатлар меҳнаткашларнинг аҳволини оғирлаштирган. Шунингдек ҳарбий ҳаракатлар учун қорачерикка сафарбарлик ва ер солигининг муддатидан олдин йиғиб олиниши оқибатда 1821 йил Миёнқолда кўзголон кўтарилади. Амир Ҳайдар кўзголонни тўла бостиrolмагач, кўзголончиларга ён босиб, уларнинг мулки дахлсизлиги ҳақида ёрлик беришга мажбур бўлади.

Амир Насрулло ҳукмронлиги. Амир Ҳайдар вафот этгач, унинг икки ўғли қисқа вақт тахтга ўтирган. Улар фитна қурбони бўлгач, Ҳайдарнинг учинчи ўғли **Насрулло** (1826-1860) тахтни эгаллаган. У амирлик таркибига расмангина кирган бекликларни ягона давлатга бирлаштириш йўлида қатъият билан кураш олиб борди. Насрулло қанчалик қаттиққўл бўлмасин бекликларнинг мустақиллигига чек қўяолмади. Китоб ва Шаҳрисабзни бўйсундириш 30 йил давом этган, ниҳоят 1856 йил Китоб ва Шаҳрисабзни бўйсундирган.

Амирликнинг қуролли кучлари. Амирлик мунтазам (доимий) кўшинга эга бўлмаган, мавжуд кўшин номунтазам бўлиб, қорачерик дейилган. Бу кўшин зарурият тугилганда вилоятлардан тўпланган. Амир **Насрулло** биринчи бўлиб мунтазам кўшин (навқария) тузиш мақсадида 1837 йил ҳарбий ислоҳат ўтказган. Мунтазам кўшинга эга бўлиш: 1) давлат яхлитлигини таъминлашга хизмат қилиб, мустақилликка интилаётган вилоятларнинг имкониятини йўққа чиқарар эди. 2) қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётганлардан қорачерикка сафарбар этилувчилар сонини кескин камайтирар, натижада сафарбарлик даврида қишлоқ хўжалиги қаровсиз қолишининг олдини олар эди. 3) вилоятлар юбориши лозим бўлган қорачерикка умид боғлашдан амирни ҳалос этарди, зеро барча вилоятлар ҳам қорачерикни талаб этилган миқдорда юборавермас эди.

Ҳарбий ислоҳатга (1837) кўра, дастлаб 800 қишлоқ сарбозлар (пиёда аскарлар) ва 250 қишлоқ тўпчилардан иборат мунтазам кўшин тузилган. Улар учун махсус уй-жой қурилган. Сарбозлар махсус кийим (қизил камзул, оқ шалвар ва қалпоқ), найзали қилич, қилич ва тўппонча билан таъминланган. Тўпчилар қисмини шакллантиришда четдан тўп қуйишни ва отишни ўргатувчи мутахассислар жалб этилган. Навқария таркибида отлик кўшин (навқар) ҳам бўлган. Мунтазам кўшиннинг ҳарбий хизматчиларига мансаб даражасига қараб маош тўланган.

Ички сиёсат. Мангит ҳукмдорлари ички сиёсатининг асосий мақсади марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, халқ оммасини қаттиқ итоатда тутишдан иборат эди. Мангит ҳукмдорлари йирик зодагонларнинг нуфузини

камайтиришга имкон берувчи таянч кучларни вужудга келтириш сиёсатини тутдилар. Бундай ижтимоий таянч амалдорлар табақаси бўлиши мумкин эди; амир саройида хизмат қилувчи 300 га яқин юқори амалдорлик лавозими жорий этилди.

Мангит амирлари марказлашган мутлақ ҳокимиятни барпо этишни ўзларининг бош вазифаларидан бири деб ҳисоблаганлар. Улар амир шахсига сизиниш сиёсатини юритганлар. Амирлар мангит қабиласини асосий таянчга айлантирганлар; давлат муассасалари асосан улардан ташкил этилган. Қабила бошлиқлари билан тил топа олиш - бу мамлакат хавфсизлигининг асосий кафолатидан бири эди, шунинг учун мангит амирлари бошқа ўзбек қабила бошлиқларини ўз хизматларига олар эди.

Амирлик давлат тизими ва маъмурий бошқаруви. Бухоро давлат тизимига кўра - монархия давлати бўлиб, давлат тепасида амир, яъни якка мустабид ҳукмдор турган. Ҳукмдор расман чекланмаган ҳуқуққа эга бўлиб, бутун ҳокимият унинг қўлида тўпланган. Ҳукмдор давлатни ўзи ишонган энг олий тоифадаги амалдорлар (аркони давлат)га таяниб идора қилган. Ҳукмдор амалда давлатни бошқаришда энг нуфузли қабилаларнинг бошлиқлари билан ҳисоблашиб иш тутган.

Маъмурий жиҳатдан Бухоро амирлиги: вилоятларга ва туманларга бўлинган. Амирлик 40 вилоят ва туманликлардан иборат эди. Амирликнинг ер майдони тахминан 270 минг км², аҳолиси 2 млн. атрофида бўлган. Аҳолисини ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қолган қисмини қорақалпоқлар, қозоқлар ва бошқа халқлар ташкил этган.

Амир тайинлайдиган ҳоким бошқарадиган ҳудуд *вилоят* деб аталган. Энг қуйи маъмурий бўлинма - *амлокдорлик* (бир нечта қишлоқлар бирикмаси) дейилиб, уни амлокдор бошқарган. Бошқарувда қишлоқ оқсоқоллари, амин ва мирбларга таянган. Амлокдор (мулк эгаси) – ҳосилни ҳисоблаш, солиқ ва тушумларни муддатида йигилиши учун масъул бўлган. Амин (ишончли, ҳалол одам)нинг асосий вазифаси - солиқ ва тушумларни йигиш, аҳолини назорат қилиш, сувни экинларга тақсимлаш бўлган. Қишлоқ мироби – сув иншоотларини таъмирланиши, қишлоқларга ажратилган сувнинг ариқлар бўйича тўғри тақсимланишини таъминлаган.

Юқори давлат лавозимлари. Пойтахт Бухоро шаҳри ва вилоятини қўшбеги бошқарган. Ҳазина амирнинг мулки бўлган. Амирлик давлат муассасалари: маъмурий, молия, қозилик, миршаблик ва ҳарбий идоралардан иборат бўлган, уларнинг ҳар бирига тайинланган амалдор раҳбарлик қилган. Бухоро амирлиги саройида 30 га яқин амалдор хизмат қилган. Маҳаллий бошқарув муассасаларида хизмат қилувчиларнинг сони 30 минг атрофида бўлган. Вилотларнинг беклари (ҳокимлари) хон томонидан тайинланган. Марказий ҳокимиятда юқори мартабали лавозимлар: девонбеги, кўкалдош, қўшбеги, мушриф, миршаб, додхох, иноқ, мирохур, дастурхончи, китобдор, парвоначи, садр, шайхулисом, қозиколон, муфтий, мухтасиб жорий этилган.

Энг катта давлат лавозими - қўшбеги (вазири бузрук), яъни бош вазир лавозими эди, у хон Аркида яшаган. Қўшбегига давлатнинг барча бошқарув идоралари бўйсунар эди, яъни барча ижроия ҳокимият унинг қўлида эди. Вилоят ва туман ҳокимлари қўшбеги тавсиясига биноан тайинланар эди.

Девонбеги хонликнинг молия-хазина ишларини бошқарган, солиқлар ундирилиши устидан назорат олиб борган. Мушриф - амалдорлар хонга инъом этган буюмларни ва ҳарбий анжомларни рўйхатга олган, солиқ тушумларини ёзиб борган. Миршаб - тунги шаҳар соқчилари бошлиги вазифасини бажарган. Иноқнинг вазифаси - амир фармойишларини беклардан бошқа табақага етказишдан иборат бўлган. Мирохур - амир отхонасининг бошлиги бўлган. Дастурхончи - амир хузурида уюштириладиган зиёфатлар учун масъул амалдор. Китобдор - амир кутубхонаси бошлиги. Парвоначи - ҳарбий қўшин бош саркардаси.

Садр - вақф мулкларини бошқарган. Пойтахт қозиси (қозиколон) - «шариатпаноҳ» деб ҳам аталиб, давлатнинг олий қозиси (судяси), амир аралашмайдиган барча қозилик ишларига раҳбарлик қилувчи олий давлат лавозими. Муфтий - қозиколон мураккаб деб ҳисоблаган диний-ҳуқуқий масалалар бўйича шариатга асосланиб, фатво чиқарувчи шахс. Шунингдек, кўкалдош, додхоҳ, оталик, шайхулислом, мухтасиб каби лавозимлар ҳам бўлган.

Таянч сўзлар: Муҳаммад Ҳакимбий, Муҳаммад Раҳимхон, Дониёлбий, Шохмурод, Амир Ҳайдар, Насруллохон.

Амирликда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт

Ер-сув мулкчилигининг Бухоро давлатида 3 хил шакли бўлган: 1) давлат ери (амлок). 2) мулк ерлари (хусусий), 3) вақф ерлари. *Давлат ерларининг* сувсиз дашт, тўқайзор қисми *кўчманчи* жамоаларга бўлиб берилган, улар давлатга хирож тўлаган. Бундай ерлар сотилмаган ва айирбошланмаган. Давлат ерларининг бошқа *бир қисми* давлат олдидаги хизматлари эвазига ҳукмрон сулола аъзоларига, йирик давлат мансабдорларига, лашкарбошиларга *суюрғол* шаклида инъом этилган; суюрғол олганлар у ерни бошқариш ҳуқуқини ҳам олганлар. Суюрғол эгаси давлатга хирож тўлаши лозим эди ва олий ҳукмдор чакиригига кўра ўз қўшини билан ҳарбий юришда иштирок этган.

Давлат ерларини XVI асрдан бошлаб «*танҳо*» шаклида инъом этиш қарор топган. Танҳо эгаси ерга эмас, мансабининг даражасига қараб шу ердан олинадиган солиқнинг маълум қисмига эгалик қилган. XIX асрда ҳам амирликда танҳодорлар сони ортиб борган, энг кичик танҳо ери 3-5 гектарни ташкил этган. Давлат ерларининг *яна бир қисми* деҳқонларга *ижарага* берилган. Хазинага энг кўп солиқ шу ерлардан тушар эди. (Давлат ерларининг бир қисми суюрғол ва танҳо шаклида инъом этилган).

Хусусий (мулк) ерларнинг бир қисми хусусий шахсларнинг ерлари бўлиб, бу ерларга эгалик қилиш давлат хизмати билан боғлиқ бўлмаган, улар асосан арабларга қарашли бўлиб, бу ерлардан 1/10 қисми микдорида ўлпон тўлаган. Мулк (хусусий) ерларнинг иккинчи қисми - (мулки хур ёки мулки хурри холис) давлат хизмати билан боғлиқ бўлиб, урушларда жасорат кўрсатган ёки ҳукмдорнинг алоҳида топшириқларини бажаришда намуна

кўрсатган шахсларга берилган ва махсус ёрлик берилиб, барча солиқдан озод қилинган.

Вақф ерлари - масжид, мазор, хонақоҳ, мадраса ва макбаралар учун ажратилган ерлар. Вақф ерлари мусодара этилган, давлат ҳамда йирик ер эгалари томонидан ҳадыя этилган ерлар ҳисобига вужудга келтирилар эди. Масжид, мадраса, кабристонларнинг сарф-харажатлари; талаба, мударрис, мутаваллиларнинг маошлари вақф ерларидан олинадиган даромад ҳисобидан қопланар эди. Вақф мулкани мутавалли тасарруф этиши белгилаб қўйилган.

Солиқ тизими ва мажбуриятлар. Амирликда асосий солиқ хирож дейилиб, у ҳосил улушидан, маҳсулот билан тўланган. XIX асрда хирожнинг бир қисми пул билан йигиладиган бўлган. Амлоқдор ўз одамлари билан, кишлок оксоколи иштирокида ҳосилни кўз билан чамалаб тўланадиган хирож миқдорини аниқлаган.

Хирождан ташқари бог, полиз, экилган ерлардан танобона дейилган солиқ олинган, бу солиқ миқдори экинзорнинг бозорга яқин-узоклигига қараб белгиланган. Кейинчалик полизларга янги солиқ – қўш пули солинадиган бўлди, унинг миқдори ер ҳайдашга яроқли ҳар бир жуфт ҳўкиз ҳисобидан келиб чиқиб белгиланган. Закот солигининг миқдори нарса қийматининг 2,5 %ини ташкил этган, бу солиққа чорва моллари эгалари ва савдогарлар тортилган. Танобона, закот, қўш пули солиқлари фақат пул шаклида олинган.

Ҳашар йўли билан каналлар, иншоот, қалъа, кўприклар, йўллар таъмири амалга оширилган. Илгари ҳашарчилар озик-овқат билан таъминланган, XVIII асрдан ҳашарга келувчилар озик-овқати, иш асбоби, от-араваси билан келиши лозим бўлган.

Кишлоқ хўжалигининг тақдирини сунъий сугоришнинг тўғри ҳал этилганлигига боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам XVIII асрда сугориш тармоқларининг кенгайтиришига алоҳида эътибор берилди. Зарафшон дарёсида Хурмо (4 чақирим) ва Саразм (3 чақирим) наҳр (арик)лари чиқарилган. Амир Шохмурод замонида Ургут туманида Қозонарик (40 чақирим), Тойман ариги (24 чақирим), Тўғузариқ (24 чақирим); Қорадарё ва Окдарёдан ҳам наҳрлар чиқарилган.

Сугориш иншоотларини яроқли ҳолда сақлашнинг огир юки, меҳнатқашлар гарданида эди. Меҳнатқашлар сув айиргич тўғони қуришда моҳир бўлган. Энг кўп ишлатиладиган сув айиргич дарё ва каналларга ўрнатилган чигир бўлиб, улар сувни 4 метрдан баландга кўтариб бера олган. Сувни чуқур ариқлардан чиқариб олиш учун тутқичли сув айиргичлар ишлатилиб, бунда от, туя, эшак, ҳўкиздан фойдаланган. Бундай иншоотлар Бухоро хонлиги хўжалигида катта ўрин тутган. Ҳар бир деҳқон хонадони йилига 60-100 кунгача сугориш иншоотлари қуриш, канал ва ариқларни тазалаш, созлаш ишларига қатнашиш.

Асосий деҳқончилик қуроли оддий деҳқон сўқаси (омоч) эди, деҳқоннинг суянчиги от, ҳўкиз, сигир, туя, эшак ҳисобланган. Икки муҳим омил: ҳосилдор *тупроқ* ва қулай *иқлим* оддий ишлаб чиқарувчи кучлар билан серҳосил деҳқончиликни йўлга қўйиш имконини берар эди. Амирлик ерларида пахта, бугдой, жўхори, тарик, арпа, беда етиштириш

деҳқончиликнинг асосини ташкил этарди. Ҳар бир деҳқон хўжалигида ўз эҳтиёжи ва сотиш учун пахта етиштирилган. Ипакчилик, богдорчилик, сабзавотчилик, полизчилик кенг ривожланган. Бухоро амирлиги қовун ва узуми билан машҳур эди.

Шаҳарларни боглар ўраб турган. 4 қисмдан иборат алоҳида режа асосида қурилган боглар бўлиб, бог қисмларининг ҳар бирини ариқлар ажратиб турган. Бундай боглар чорбоғ дейилган. Бухородаги Жўйбор ва Тошкентдаги Кайкавус боглари энг машҳури эди. Амирликда бўёқ олиш учун мардона ўстирилган. Доривор ўсимликлардан дори тайёрланган. Амирликда деҳқончиликдан салмоғи пастроқ бўлган чорвачилик ҳам ривожланган. Думбали ва қоракўл қўйлар, йирик шохли қорамоллар, туя ва отлар боқилган.

Таноб (чилвир, арқон) - экин майдонини ўлчаш учун қўлланиладиган юза бирлиги. 1 таноб ер майдони - 8,33 сотих, 1 гектар ер –12 танобни ташкил этган. 1 чақирим – 0,9 км.га тенг

Амирлик шаҳарлари ва савдо

Самарқанд - “Дунёнинг ҳусни” деб улуғланган ва амирликнинг энг йирик шаҳарларидан бири бўлган. Шаҳарда кулолчилик, чўян қуйиш (дегрелик), тери ошлаш, қоғоз, кийим, қурол ишлаб чиқарувчилар; бахмалбофлар, кимхобгарлар, читгарлар, бўёқчилар, пўстиндўзлар, мўйнадўзлар маҳаллалари ва расталар бўлган. Самарқандда 7 та: Улуғбек, Шердор, Тиллақори, Сафед (Хожа Аҳрор), Шайбонийхон, Қози Соқий, Хожа Абдулгофир мадрасалари фаолият кўрсатган.

Самарқанд шаҳри Аштархонийлар даврида сиёсий қурашлар ва чет элликлар ҳужуми натижасида таланган ва вайронага айланган. Амир Шохмурод даврида Самарқанд деярли қайта тикланган. Самарқанд шаҳри XIX аср бошида баланд девор билан ўраб олинган. Унинг 6 та дарвозаси бўлган, улар: Бухоро, Пайқобод, Шохизинда, Қаландархона, Сўзонгарон, Хўжа Аҳрор номлари билан аталган. Кўчалар 6 та дарвозани Регистон майдони билан боғлаган. Шаҳарда 2 та қарвонсарой, 3 та ҳаммом бўлиб, аҳолиси 25-30 минг кишини ташкил қилган. Ҳунармандчиликнинг шойи тўқиш, қоғоз ишлаб чиқариш, кулолчилик, темирчилик, новвойлик, қандолатчилик ва каштачилик соҳалари жуда ривожланган. 2007 йил Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги нишонланди.

Бухорода XIX аср 40-йилларида 38 та қарвонсарой бўлиб, уларда мусофир ва маҳаллий савдогарлар истиқомат қилган. Қарвонсаройда омбор, дўкон, устахона, меҳмонхона бўлган. Қарвонсаройлар амирга, айрим шахсларга ва вақфга тегишли бўлган. Бухоро қарвонсаройларига ҳар йили 12-15 минг туяда мол келган. Савдо ишини қарвонбоши-амирликдаги барча савдо ишларининг бошқарувчиси бошқарган. Бухорода ички ва шаҳарлараро савдо 9 та тим ва чорсуда амалга оширилган. Бухоро шаҳрида 103 та мадраса, 360 масжид, 83 та ҳовуз мавжуд эди. 1997 йил Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланди.

Хунармандчилик амирлик шаҳарларининг иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эди. Хунармандчиликнинг асосий турларидан бири тўқимачилик бўлган. Бухоро олачаси, бўзи, бўзга гул босиш йўли билан тайёрланадиган чити, шойиси, Самарқанднинг тўқ қизил бахмали машҳур эди. Йигирилган ипдан рўмол, чойшаб, салла тўқиш кенг тарқалган.

Хунармандчиликнинг асосий тармоқларидан яна бири темирчилик ва мискарлик бўлиб, ўроқ, пичоқ, қурол ясашган. Темирчилар ойболта, қилич, ханжар, найза, қалқон, камон ва унинг ўқини, тўплар ясаган. Хунармандчиликнинг: заргарлик, кулолчилик, ёғочсозлик соҳалари муҳим ҳисобланган. Ёғочдан: эшик, бешик, дераза, арава, сандиқ, қайиқ ясалган. Ёғоч ўймакорлиги алоҳида аҳамиятга эга эди, новдалардан сават тўқилган. Уй шароитида намаз, гилам тўқиш, ошланган чармдан эгар-жабдук, айллар, пичоқ қинлари, ҳамёнлар тикиш кенг ривожланган.

Ички савдо. Давлат ҳаётида истеъмол эҳтиёжлари ишлаб чиқариш устун бўлмади. Бу эса юқори меҳнат унумдорлигини таъминловчи йирик машиналашган ишлаб чиқаришдан фойдаланиш эҳтиёжини вужудга келтирмади. Оддий хунармандчилик ишлаб чиқариши мануфактура ишлаб чиқариши даражасига кўтарилмади. Шунинг учун ички бозорда одатдаги хунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси етакчи ўрин эгаллаган.

Бухоро бозорида нарх ва тарозининг тўғрилиги қаттиқ назорат қилинган. Харидор ҳаққига хиёнат қилганлар қаттиқ жазоланиб, ярим ялонғоч ҳолда аравада бозор аҳлига сазойи қилиниб «Мен шайтон йўлига кириб, харидорни алдадим» деб жар солишга мажбур этилган. Бухоро бозорлари фақат хўжалик вазифасини ўтамасдан, жамоат ва маданият маркази вазифасини ҳам ўтаган. Хусусан, бозорларда ҳукмдорнинг фармонлари ўқиб эшиттирилган, айбдорлар жазоланган, байрам кунлари турли томошалар кўрсатилган.

Ташқи савдо алоқаларини Бухоро: Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Хитой билан олиб борган. Бухоро бу давлатларга ип газламалар, бахмал, қогоз, эгар-жабдуқлар, қуроллар ва мевалар чиқарган. Бухорода ҳинд савдогарлари ва судхўрлари яшайдиган алоҳида маҳаллалар бўлган. Ҳинд савдогарлари ҳинд газламалари, бўёқлари, шифобахш ва зиравор ўтлар, доридармонлар, қанд-шакар билан савдо қилган.

Бухоро чорвачилик маҳсулотлари, туялар ва хунармандчилик буюмлари билан таъминловчи қозоқ аҳолиси билан кенг савдо олиб борган. Бухоро бозорларида қозоқларнинг машҳур бўлган хом тери, қўй терисини турли рангларга бўяб тиккан камзуллари энг харидоргир эди. Қозоқлар билан савдо алоқаларида қорақалпоқлар воситачилик қилган. Бухоро бозорларига туркманлар зотдор отлар олиб келиб сотганлар.

Бухоро амирлигининг Россия билан савдо алоқалари ўсиб борди. Оренбургда Бухоро савдогарларининг қароргоҳи бўлиб, 1804 йил 20 хонадаон яшаган. 1825 йил 30 хонадон яшаган, улар Россия-Бухоро ўртасидаги савдода муҳим ўрин тутган. Оренбургдаги бухороликлар 1812 йил Наполеонга қарши жангда иштирок қилган. Бухородан чиққан карвон 2 ойда Орскка етиб борган, савдо карвони 5 минг туядан иборат бўлган. Бухоро

хонлигининг Ўрта Осиё-Россия ташки савдосидаги улуши 1844 йил 25 %ни ташкил этган, 1864 йил 42 %га кўтарилган.

Бухоро Амирлигида маданият

Аштархонийлар давридан бошлаб ижтимоий-маданий ҳаётга тўсик бўлган диний муттассиблик Мангитлар даврида янада кучайди ва биринчи навбатда аниқ табиий фанлар ривожига имкон бермади. Диний муттассиблик бу фанлардаги кашфиётларни Худога шак келтириш деб ҳисобларди, шунинг учун уч хонликда, жумладан Амирликда ҳам аниқ табиий фанлар ривожланмади. Бу дарда асосан тарих, адабиёт, санъат ва меъморчилик ривожланди.

Тарихчи *Муҳаммад Яъқуб ибн Дониёл Бухорий* (1771-1831) XIX аср биринчи ярмида ижод қилиб, «Гулшан ул-мулук» (Подшоҳлар гулшани) асарини ёзган. Бу асар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида Бухоронинг қадимги тарихи ва ҳукмдорлари шажараси. Иккинчи қисмида Марказий Осиёнинг XVIII-XIX аср бошларидаги тарихи баён этилган.

XIX асрда *Мирзо Шамс Бухорий*нинг «Баёни баъзи ҳаводисоти Бухоро, Хўканд ва Қошгар» (Бухоро, Қўқон ва Қашгарнинг айрим воқеалари баёни) китоби, *Мир Олим Бухорий*нинг «Фатҳномаи султоний», Муҳаммад Ҳакимхоннинг «Йилномалар тўплами» асарлари муҳим тарихий манба ҳисобланади.

Адабиёт соҳасида XVIII асрда ижод қилган ўзига хос истеъдод эгаси *Муҳаммаднинг Нишотий* эди. У ўртача, баъзан камбағал ва саргорданликда яшаган. Нишотий 1778 йил ўзбек адабиётининг катта ютуғи саналган мажозий шаклда ажойиб «Хусни Дил» достонини ёзган. Достон қаҳрамонлари: Ақл, Хусн, Юрак, Хаёл, Вафо, Назар, Ишқ ғоят гўзал инсоний фазилатларга эга. Рақиб, Фасод, Нафс образлари ёмон сифатлар ва ёвузликлар тимсоли.

Нишотийнинг адабий ижодидаги яна бир ўзига хослик адабиётда мунозара жанри тараккиётига катта ҳисса қўшганлигидир. Нишотий «Қушлар мунозараси» мажмуасида ўша даврга хос иллатлар мажозий шаклда танқид қилинган, меҳнат аҳлининг камтарлиги улугланган. Асарда лайлак, гоз, булбул, товус, тўти, хумо каби 14 та қуш ўртасида бўлиб ўтган баҳс тасвирланган. Нишотий қушлар баҳси орқали такаббурлик, худбинлик, мақтанчоқлик каби иллатларни қоралаган.

Шоир *Мужрим-Обид* (1748-1818) асарларида жамиятдаги номукамаллик, ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик, одамлар феълидаги иллатлар танқид қилинади. Бухорода яна Шавкий, Жоний, Ҳиромий, Вола, Жунайдуллоҳ Ҳозиқ каби истеъдодли шоирлар ҳам ижод қилган. Ўз шеърларида халқ бошига тушган кулфат ва машаққатларни куйлаган шоир Вола (1770-1842) кўзи тугма ожиз, бироқ кучли ирода, ақл, хотира, қобилият, ёқимли овоз соҳиби бўлган. У 2 та девон тузган, 3 минг мисра шеърлари етиб келган.

Хаттотлик ва миниатюра санъати Бухорода яхши ривожланиб, рассомлар асосан қўлёзмаларни нақшли безаш билан шугулланиб, кўпроқ

диний китобларни беаган. *Амир Ҳайдар* даврида ижод қилган Мир Масъум Оламиён «Ахлоқи Муҳсиний» китобини ва Саъдийнинг шеърий асарларини расм билан беаган. *Амир Насруллоҳон* даврида Мирзо Содик Жондорий қўлёзма китобларга лавҳалар, Саъдий ва Ҳофиз асарларига турмуш манзаралари тасвирланган расмлар ишлаган.

Аҳмад Дониш (1827-1897) олим, файласуф, шоир бўлиб, 20 йил Бухоро сарой кутубхонасида хаттот ва рассом бўлиб ишлаган. У астраномия, тиббиёт, риёзат, меъморчилик, мусиқа илмини; хаттотлик, рассомлик ва ранг бериш санъатини ўрганган эди. Аҳмад Дониш «Ажойиб ат-табақот», «Шоҳи дарвеш» қўлёзма асарларни кўчирган, беаган ва расм ишлаган.

Мусиқа санъати марказларидан бири бўлган Бухорода XVIII аср охирида Бухоро «Шашмақоми» вужудга келган. У Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ мақомларидан ҳамда 250 дан ортиқ куй ва ашуладан ташкил топган. Мақом ашулаларининг шеърий матни Рудакий, Жомий, Навоий, Фузулий, Бедил, Бобур, Нодира, Машраб каби туркий ва форсий шоирларнинг лирикасидан тузилган. Шашмақом огзаки тарзда устоз-шогирд анъанаси шаклида авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Таянч сўзлар ва атамалар: Арк, Хурмо, Саразм, Қозонариқ, Тойман ариги. Мақом - мусиқада бир қисмли ёки туркумли чолгу ва ашула йўллари; мусиқий услуб.

VIII-боб: Хива хонлиги XVI – XIX аср биринчи ярмида.

1-§. Хива хонлигининг ташкил топиши.

Хива хонлигида Шайбонийлар ҳукмронлиги.

Хонликнинг ташкил топиши. Шайбонийхон босқини арафасида Хоразм Хуросон давлати тасаруфида эди. Кўнғирот қабиласидан Чин Сўфи ҳоким бўлиб, у расман теурий **Ҳусайн Бойқаро** ноибни ҳисобланарди. Хоразмни 1505 йил Шайбонийхон, 1510 йил Эрон шоҳи Исмоил босиб олди. Хоразмда сафавийлар ҳукмронлигига қарши кураш бошланади. Хоразмнинг мўътабар зотлари тахтга Шайбон авлодларидан Берка султоннинг ўгли **Элбарсхон**ни ўтқозишга қарор қилди, у Дашти Қипчоқда эди. Берка Султон ва Шайбонийхон хонадонлари бир шажарадан бўлсада, душманлик муносабатида эди. Муҳаммад Шайбонийхон 1480 йил тахт учун курашда Берка Султонни ўлдириши бунинг сабабларидан бири эди.

Хоразм халқи Элбарсхон етакчилигида 1512 йил Эрон қўшинларини бутунлай қувиб чиқаришга муваффақ бўлди. Хоразм мустақиллиги тикланди ва бу янги давлат 1512 йил **Хива хонлиги** деб атала бошланди. Хива хонлиги асососчиси **Элбарсхон** ҳам **Шайбонийлар** (1512-1770) вакили эди. Хива хонлигида Шайбонийлар ҳукмронлиги 1770 йилгача давом этди. Элбарсхон даврида пойтахт *Вазир* шаҳридан **Урганч** шаҳрига кўчирилди. Элбарсхон Вазир шаҳрини Эрон қўшинидан озод қилгач, бу галаба шарафига ўгиллари номига «гози» лақабини қўшиб айтишни буюрган. Элбарсхон даврида Дашти Қипчоқдан Хоразмга кўплаб ўзбек қабилалар кўчиб келиши натижасида

хукмдорларнинг ижтимоий таянчи мустақкамланди ва хонлик худудини кўшни давлатлар ҳисобига кенгайтириш имконини ҳам берди.

Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт. Мовароуннаҳрдаги Шайбонийлар давлати каби Хива хонлиги ҳам катта-кичик мулкларга бўлинган. Ўирик ўзбек қабилаларининг бошлиқлари амалда мустақил мулк эгаларига айланиб, ижтимоий ҳаётга ҳал этувчи таъсир кўрсатган. Уларнинг марказий ҳокимиятга бўйсунмасликка, мустақиллика интилиши Хива хонлигида ўзаро низоларни келтириб чиқарган. Шунингдек, XVI аср 70-йилларида Хива хонлиги иқтисодий инқирозга дучор бўлишининг асосий сабабларидан бири - Амударё ўзани ўзгариб Орол йўналишига бурилиши эди. Ерлар чўлга айланиб, аҳоли бошқа худудга кўчиб ўтган. XVI асрда Хива хонлигини икки марта Бухоро босиб олиши, ўзаро қабилавий низолар, огир солиқлар ҳамда турли тўлов ва жарималар аҳолини хонавайрон қилган. Бу савдо-сотикқа катта путур етказган.

Хива ва Бухоро ўртасида ўзаро нодўстона муносабатлари ҳукм суришининг сабаби: 1) хонликлар доимо босқинчилик урушлари ҳисобига ўз худудларини кенгайтиришга уриниши. 2) Хива ва Бухорода ҳукмрон сулолаларнинг бир-бирига ганим бўлиб қолган хонадонларга мансублиги эди. Убайдуллахон ва Абдуллахон II даврида Хива хонлиги Бухорога бўйсундирилган эди.

Хивани Бухорога бўйсундириш ҳаракати **Убайдуллахон** даврида бошланиб, у 1537-1538 йй. Хивани бўйсундирди ва ўгли **Абдулазизни** Хоразмга ноиб этиб тайинлади. Хива хони **Аванешхон** (1525-1538) ўлдирилди. Хоразм халқи Аванешхон авлодлари бошчилигида мамлакатни озод қилди. Убайдуллахон юборган қўшинни тор-мор қилди. Абдулазизхон Урганчдан Бухорога қочиб кетди. 1595 йил Бухоро хони **Абдуллахон II** Хива хонлигини бўйсундирди. 1598 йил Абдуллахон вафотидан кейин Хива хонлиги мустақиллиги тикланди.

Ғози - мусулмон ҳақ дини учун курашувчи. *Ноиб* (арабча-ўринбосар, ёрдамчи) - тобе ўлка ёки вилоят ҳокими.

XVII-XVIII аср биринчи ярмида Хива хонлигида сиёсий аҳвол

Сиёсий поракандалик. Хива хонлиги сиёсий ҳаётида XVII асрдан икки жараён кучая борди: 1) марказий ҳукмрон сулола нуфузининг пасайиши. 2) қабилла бошлиқлари таъсирининг кучайиши. Қабилла бошлиқлари хонга ўз хоҳишларини ўтказа олганлар, хон уларсиз бирор масалани мустақил ҳал эта олмас эди, қабилла бошлиқлари хон тақдирини ҳал этардилар. Бу ҳолат Хива хонлигида давлат поракандалиги юз берналигини англатар эди.

Араб Муҳаммадхон (1602-1621) даврида поракандалик юқори нуктасига етди. Амударё ўзанининг ўзгариши бу даврда ҳам давом этиши натижасида Араб Муҳаммадхон пойтахтни Урганчдан Хивага кўчиришга мажбур бўлди. Араб Муҳаммадхон даврида Россия чегарасини кўриқлаб

турган Ёйиқ казаклари атамани Нечай, атаман Шамай Хоразмга хужум қилди. Хива кўшини уларни тор-мор қилди.

Араб Муҳаммадхоннинг ўғиллари **Ҳабаш** ва **Элбарс** Султонлар 1616 йил айрим қабила бошлиқларига таяниб отасига қарши исён кўтарди. Отаси ён босиб Вазир шахрини ҳам уларга берди. Ҳабаш ва Элбарс 1621 йил яна исён кўтаришди. Араб Муҳаммаднинг бошқа икки ўгли - **Асфандиёрхон** ва **Абулғозий** Султонлар отаси тарафида қатнашди. Ҳабаш ва Элбарс урушда голиб чиқди. Отасини асирга олиб Хивага келтирди ва кўп ўтмай қатл этилди. Абулғозий Султон Бухоро хони **Имомқулихон** саройида паноҳ топди. Асфандиёрхон Эрон шоҳи **Аббос I** ҳузирига борди.

Асфандиёрхон (1623-1643) Аббос I ёрдамида 1623 йил Хива тахтини эгаллагач, Ҳабаш ва Элбарс қатл этилди. Хивага қайтиб келган укаси **Абулғозий**ни Урганч ҳокими этиб тайинлади. Ака-ука ўртасида муносабат бузилгач Абулғозий Султон Туркистон, Тошкент, Бухорода қочиб юришга мажбур бўлди. Асфандиёрхон сиёсатидан норози бўлган туркманларнинг чақириқи билан Абулғозий яна Хивага қайтиб борди. Асфандиёрхон унга Хивани топширишга мажбур бўлди. Бироқ қулай фурсат келгач Абулғозийни 1630 йил Эрон шоҳи ҳузурига гаров тариқасида жўнатди.

Абулғозий Эрондаги 10 йиллик тутқунликдан қочиб Орол ўзбеклари қараргоҳига келади. Асфандиёрхон вафот этгач, 1644 йил **Абулғозий Баҳодирхон** Хива тахтини эгаллади. Абулғози қабила бошлиқлари нуфузини ошириб уларнинг марказий ҳокимиятга қарши ҳаракатига барҳам бериш мақсадида 32 қабилани 4 гуруҳга бўлди: қиёт-қўнгирот, уйгур-найман, қангли-қипчоқ, нукуз-мангит. Хон қабилага тегишли масалаларни ҳар бир қабилавий гуруҳга тайинланган *иноқлар* орқали ҳал қилган.

Бухоро-Хива муносабатлари. Абулғози 1663 йил ҳокимиятни ўгли **Анушахон**га топширди. Анушахон даврда Бухоро-Хива муносабатлари янада кескинлашди. Анушахон кўшини бир неча марта Бухоро хонлигига юришлар қилиб Самарқандни эгаллади, бироқ 1685 йил Гиждувон яқинидаги жангда Хива кўшинлари тор-мор этилди. Бухоро хони Субҳонқулихон Анушахонга қарши Хивада фитна уюштирди, Анушахон 1686 йил тахтдан туширилади. Субҳонқулихон Хивада ўз тарафдорларидан фитначи гуруҳ уюштиради. Бунинг оқибатида Хива хонлигининг сиёсий ҳаёти янада мураккаблашди. Хонлик зиддиятлар, қарама-қаршиликлар гирдобида қолди. Қишлоқлар ва экинлар харобага айланди.

Шерғозихон (1714-1728) даврида Бухоро хони **Абулфайзхон** Хива хонига қарши оролликларни қарши гиж-гижлай бошлади. Натижада Оролбўйи Хивадан ажралиб чиқди. Хива хонлигида бошланган кураш гоҳ у томон, гоҳ бу томоннинг устунлиги билан то Шерғозихон вафот этгунига қадар давом этди. Қабилалар ўзаро келишмагач, тахтга Қозоқ хонлигидан чингизий султонларни ўтказиш бошланди. 1728 йил тахтга ўтказилган **Элбарсхон** (1728-1740) уларнинг биринчиси бўлди.

Сиёсий беқарорликдан фойдаланган Эрон шоҳи **Нодиршоҳ** 1740 йил Хивани босиб олди. Нодиршоҳ Хивага ўз одамани ҳоким этиб тайинлаб, Эронга қайтади. Хивада Эрон бошқарув тизими ўрнатилиб, аҳолига «моли омон» солиги солинади. Бироқ ички низолар тўхтамаган. Тахт учун

қабилараро кураш бошланди, тахтга атайин чингизий хонларни ўтказиш давом этди, бу ҳодиса “хонлар ўйини” дейилди. Хонлар амалда иноқлар қўлида итоаткор бўлиб қолди. Хивада ўзаро ички курашларда маълум муддат туркман ёвмутлари устун келиб турди. Ички бошбошдоқлик *Қўнғирот қабиласи* ҳокимиятга келгунга қадар давом этди.

Иноқ (туркийча-ишонч) - Марказий Осиёда XI-XVIII асрларда ҳукм сурган сулолалар салтанатида «маслаҳатчи», “амалдор”, «вазир» маъносини англатган.

Хива хонлигининг иқтисодий ва маданий ҳаёти

Шаҳарлар. Хива хонлигида Хива, Кўҳна Урганч, Янги Урганч, Вазир каби ўнлаб шаҳарлар бўлган. Улардан энг қадимийси Хива шаҳри бўлиб, у “Минг гумбаз шаҳри” номи билан машҳурдир. XIX аср биринчи ярмида Хива шаҳрида 2 та хон саройи, 17 та масжид ва 22 та мадраса бўлган. 1997 йил унинг 2500 йиллиги нишонланди, бу ҳақда ЮНЭСКО 1995 йил қарор қабул қилган эди. Хива шаҳри мил. ав. V асрда бунёд этилганидан буён машҳурлиги Шарқ билан Гарбни боғловчи савдо йўли ўтганлиги билан изоҳланади. **Хива** шаҳри XVII аср биринчи чораги (бошлари)дан - 1920 йил февралгача Хива хонлигининг **пойтахти** бўлган.

Янги Урганч деб аталган ҳозирги Урганч шаҳрига 1646 йил Абулғозийхон асос солди. Бу шаҳар Буюк ипак йўлида жойлашгани учун тез ривожланиб, савдо ва хунармандчилик марказига айланган. Бунга Амударё ўзани ўзгариб Оролга оқиши оқибатида Гурганж (Кўҳна Урганч)нинг сувсиз қолганлиги сабаб бўлган. Шундан кейин қадимги Гурганчнинг номи Кўҳна Урганч бўлиб қолди. Абулғозийхон Янги Урганчга асос солгач, Вазир шаҳри аҳолисини ҳам шу ерга кўчирган ва бу шаҳар ўз аҳамиятини бутунлай йўқотган.

Хунармандчиликнинг 27 соҳаси борлиги Хива хонлиги тарихий манбаларида қайд этилган, амалда бундан ҳам кўп бўлган. Хунармандлар ўз уюшмаларига эга бўлиб, уюшмалар хунармандлар фаолиятини тартибга солиб, уларнинг манфаатини ҳимоя қилган. Уюшма бошлиги хоннинг хазина сиёсатини ўтказувчи шахс ҳисобланарди. Хива усталарининг жуда оз қисми хусусий устахона - дўконига эга эди. Хунарманд ўз уйида ҳам дўкон очиши мумкин эди. Кўпчилик хунармандлар хонга ва бадавлат кишиларга тегишли дўконларни ижарага олган. Айрим хунармандлар буюртма асосида ҳам ишлаган.

Қишлоқ хўжалигининг икки асосий соҳаси дехқончилик ва у билан боғлиқ бўлган чорвачилик эди. Хонлик аҳолиси асосан қишлоқ хўжалиги билан шугулланган. Дехқончиликда галла, пахта ва полиз маҳсулотларни етиштириш етакчи ўрин эгаллаган. Экинзорларнинг ярмидан ортигида галла етиштирилган. Галлачиликда кузги бугдой экиш етакчи ўрин эгаллаган. Дехқонларнинг дон экинларидан мўл ҳосил олишларига чет элликлар ҳам тан бериб, «мен Германиянинг ўзида далада ишловчиларнинг Хивадагидек миришкорлигини кўрмаганман» деган.

Дон экинлари ичида бугдойдан кейин иккинчи ўринда жўхори экиш турган. Сув кўп худудларда асосан шоли етиштирилган. Экинзорларнинг 1/5 қисмига пахта экилган. Хива иқтисодиётида пиллачилик ҳам муайян аҳамиятга эга бўлган. Полиз маҳсулотлари ичида Хоразм қовунининг донги кенг ёйилган. Хивада богдорчилик ҳам деҳқончиликнинг ривожланган соҳаларидан бири бўлган.

Ички ва ташқи савдодан давлат хазинасига дурустгина дарамод тушган. Хиванинг усти ёпиқ бозори ички савдода алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Бозор йўлининг икки тарафида устахона-дўконлар қурилган. Бозордаги савдо ўринларидан фойдаланганлик учун тагжой деб аталувчи алоҳида солиқ олинган.

Хива хонлигидан қоракўл тери, гилам, хунармандчилик маҳсулотлари Эрон, Ҳиндистон, Хитой ва Туркияга экспорт қилинган. Хива XVI аср охиридан бошлаб Россия билан савдо-сотикни йўлга қўя бошлади. Хива элчилари Россияга газлама ва тўкилган буюмлар олиб боришган. Хива элчиси 1620 йил Қозон шаҳрида 670 кийимлик мато сотганлиги манбаларда қайд этилган. Россияга гилам, қоқи мева, қоракўл тери, ўсимликдан тайёрланган бўёқ олиб борилган. Хива савдогарлари Россиянинг Нижний Новгород ярмаркасида фаол қатнаша бошлаганлар.

Илм-фан тараққиётида XVI - XVIII аср биринчи ярмида Хива хонлигида тарих илми ўзига хос ўринда туради. Абулғозийхон Хива тарихшунослиги мактабига асос солди. **Абулғозийхон** фан ва маданият тарихида 2 асари: «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» билан ўчмас ном қолдирди. «Шажараи турк» асарининг 9-боби Хоразмнинг 1512-1663 йй. ижтимоий-сиёсий тарихига бағишланган, унда аниқ тарихий воқеалардан ташқари, туркий халқлар анъаналари, Хива-Бухоро муносабатлари, пул муомаласи ҳақида маълумотлар берилган.

Абулғозийхоннинг яна бир катта хизмати у асарларини оддий китобхон учун туркий тилда ёзган. Олимлар унинг асарларини янги ўзбек тили ёзма ёдгорлиги деб ҳисоблашади. Венгриялик шарқшунос А.Вамбери «Абулғозининг «Шажараи турк»и учун бутун дунё ундан миннатдор» деб ёзган эди. Абулғозихоннинг топшириги билан «Дастурул амал» асари ёзилган, бироқ муаллифи номалум. «Дастурул амал» асарида Амир Темурдан тортиб Бобурга қадар темурийлар шажараси қисқача шарҳланган. Ҳар бир хукмдорга бир бўлим бағишланган.

Хаттотлик, ҳуснихат мактаби Хива хонлари сарой кутубхоналарида XVI асрда шаклланди. *Эшмуҳаммадхонга* 1556 йил хаттот Ҳамадоний «Шохнома»ни миниатюралар учун очиқ жой қолдириб кўчириб берди. Хивада XVII- XVIII асрларда Муҳаммад Юсую Рожий, Бобожон Санойи, Муҳаммад Ризо Охунд каби уста хаттотлар ижод қилганлар. Ҳар бир китобни кўчиришда бир неча соҳа усталари: коғоз қирқувчи, котиб-хаттот, музаҳҳиб (олтин сувни юритувчи), лаввоҳ (сарлавҳа ёзувчи), миниатюрочи рассом, саҳҳоф (муқоваловчи)лар иштирок этганлар.

Таянч сўзлар: Шайбонийлар, Элбарсхон, Араб Муҳаммадхон, Шергозихон, Абулғозихон.

**2-§. XVIII аср иккинчи ярми - XIX аср биринчи ярмида
Хива хонлигида Қўнғиротлар сулоласи ҳукмронлиги.
Иқтисодий ва маданий ҳаёт**

Қўнғиротлар сулоласи ҳокимиятга келиши. Хива хонлигида кучли марказий ҳокимиятни барпо этиш учун XVIII асрнинг 60-йилларидан бошлаб қўнғирот (йирик ўзбек уруғларидан бирининг номи) қабиласи бошлиқлари ҳокимиятга кела бошлади. Қўнғирот қабиласи йўлбошчиси **Муҳаммад Амин** йирик зодагонлар ва рухонийлар мададига таяниб 1761 йил **иноқлик** лавозимига кўтарилди.

Муҳаммад Амин туркманларнинг ёвмут ва човдур қабилаларига қарши кураш олиб борган, бироқ у дастлаб енгилиб Бухорога Дониёлбий оталик ёнига кетади. Туркман қабилалари Хоразмни эгаллаб, Ҳазорасп, Хонқа, Урганч, Кат, Шоҳобод шаҳарларини хонавайрон қилади. Очарчилик ва вабо тарқалиб, ўзбеклар Оролбўйлари ва Бухорога кетишга мажбур бўлади.

Муҳаммад Амин иноқ 1770 йил Бухородан қайтиб келиб ёвмутларни Хоразмдан ҳайдаб чиқарди. У маҳаллий бекларни ҳам бўйсундирди ва ҳокимиятни қўлга олди. **1770** йил **Қўнғиротлар сулоласи** ҳукмронлиги ўрнатилди. Бу сулола чингизийлар авлодига мансуб бўлмаганлиги сабабли тахтда аввалги сулола вакилларини сақлаб келди. Улар аслида сохта хонлар бўлиб, амалда ҳокимиятга эга бўлмаган.

Муҳаммад Амин (1770-1790) ўз қабиласининг фаол қатламига, савдогарлар ва рухонийлар мададига таяниб ҳамда туркман қабилаларининг ўзаро низоларидан фойдаланиб нисбатан сиёсий осойишталик ва иқтисоднинг кўтарилишини таъминлади. Бошқа юртга қочиб кетганлар қайтиб кела бошлади.

Аваз Муҳаммад иноқ (1790-1804) даврида Хива хонлиги иқтисодий жиҳатдан анча мустаҳкамланди. Муҳаммад Амин ва ўгли Аваз ҳам ҳокимиятни иноқ унвонида бошқарган, ҳокимият амалда иноқ ва махсус кенгаш томонидан бошқарилган. Авазнинг ўгли Элтузар 1804 йил ўзини хон деб эълон қилди. Қўнғиротлар сулоласи Хива хонлиги тахтини **1804** йил **расман** эгаллади. Бу сулола 1920 йилга қадар Хива хонлигини идора қилди. **Элтузархон** (1804-1806) марказлашган давлат сиёсати юритиш учун ҳаракат қилди. Бироқ у 1806 йил Хива-Бухоро урушида ҳалок бўлди.

Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) Элтузархоннинг укаси бўлиб, у ҳалок бўлгач тахтга ўтирди. У Хива хонлигини сиёсий жиҳатдан бирлаштиришга киришди. Шунингдек туркманларни бўйсундириш етакчи ўринга чиқди ва бирин-кетин бўйсундира бошлади. Бўйсуннишни истамаган ёвмут қабиласи Хуросонга кўчиб кетди. Бироқ Эрон тазйиқи туфайли ва яйлов топилмагани учун яна қайтиб келди. Ёвмутлар тақдири Хива билан узил-кесил боғланиб, хонлик фуқаролари таркибига олинди. Уларга ҳам солиқ тўлаш ва навқар юбориш мажбурияти юкланди. Ёвмутлардан энг жанговар отлик ҳарбий қисм тузилди.

Муҳаммад Раҳимхон I ўзбек ва туркманлардан тузилган “хон навқарлари” дейилган мунтазам кўшинга таяниб йирик зодагонлар ва

рақибларини бўйсундирди. Оролбўйи зодагонлари гуруҳи Муҳаммад Раҳимхон I га душманлик руҳида бўлиб, каттиқ қаршилик кўрсатди, уларнинг қашилиги 1811 йил синдирилди. Хива хони қорақалпоқларни ҳам бўйсунтиришга мажбур этди.

Муҳаммад Раҳимхон I даврида Хива хонлиги сиёсий жиҳатдан бирлаштирилди, худудлари янада кенгайди, мамлакатда нисбий барқарорлик таъминланди. У ободончиликка алоҳида эътибор берди, каналлар қаздириб, экин майдонларига сув чиқартирди, мадраса ва масжидлар қурдирди, ичкилик ва бангиликни тақиклади. Илм аҳлига ҳомийлик кўрсатди, олим, шоир ва донишмандлар билан суҳбатлар ўтказиб турди.

Навқар – отлик аскар.

XIX аср биринчи ярмида Хива хонлигининг ташқи сиёсати

Хиванинг Осиё давлатлари билан алоқалари. XIX аср 1-ярмида Хива хонлигининг Бухоро, Қўқон, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ва Туркия билан савдо-элчилик алоқалари ривожланди. Бунга сабаб: 1) Хива хонлиги худуди ўрта осийлик савдогарлар ва Ҳажга борувчиларнинг Каспий орқали Макка ва бошқа шаҳарларга ўтиш манзилгоҳига айланганлиги. 2) чет давлатлар билан савдони ривожлантириш хазинага яхши даромад келтираётганлиги эди.

Хива - Бухоро муносабатлари ҳар доим ҳам силлиқ кечмаган. Хива хони *Муҳаммад Раҳимхон I* Бухоро амирлиги билан элчилик алоқаларини қайта тиклашга ва икки давлат ўртасида савдони ривожлантиришга ҳаракат қилган. Хивага 1811-1812 йй. Бухородан Ўрозбой Жўра ва Аваз Мурод ясовулбоши бошчилигида элчилар келган. Муҳаммад Раҳимхон I бунга жавобан Бухорога Ҳасан Мурод оталиқ бошчилигида элчилар ва савдо қарвонларини юборган.

Айни пайтда бу икки давлат манфаатлари Марв вилоятида тўқнаш келган. Марв ўрта Осиё давлатларини Эрон билан боғловчи савдо йўлида жойлашган эди. XIX аср биринчи ярмида бу икки давлат ўртасида бир неча бор ўзаро урушлар юз берган. Муҳаммад Раҳимхон I Марвни 1822 йил Бухородан қайтариб олган. Ўзаро урушларга қарамай, савдо алоқалари тўхтаб қолмаган.

Эрон ва қозоқларнинг ўрта жуз хонлигидан 1812 йил Хива хонлигига элчилар келишган. Улар билан чегара хавфсизлиги ва савдо масалаларида келишилди. XIX аср бошларида **Афғонистон** ва Хива ўртасида элчилик ўрнатилган. Муҳаммад Раҳимхон I Афғонистонда **шоҳ Маҳмуд**нинг иккинчи марта ҳокимиятга келишига ёрдам берган. Эвазига Афғонистон Хива хонлиги савдогарларига Қобул бозорида эркин савдо қилиш ҳуқуқини берган.

Қўқон хонлиги билан муносабатларни Хива хонлиги мустаҳкамлашга ҳаракат қилган. Хивага 1843-1844 йй. Қўқон хонлиги элчилари келишган. Икки давлат ўртасида ҳамдўстлик ўрнатишга ва ўзаро савдо алоқаларини янада ривожлантиришга келишилди.

Хива хони **Оллоқулихон** (1825-1842) чет эл савдогарларига кулай шароит яратиш учун меъморий обида, Карвонсарой мажмуасини бунёд эттирган. Бу мажмуа 14 гумбазли тим (ёпик бозор), карвонсарой ва омборхонадан иборат бўлган. Бозорда Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Россия, Бухоро ва Қўқондан келтирилган моллар сотилган. Тим ёзда савдо учун кулай ва салқин бўлган. Карвонсарой эса 2 қаватли бўлиб, 105 хужрали эди. Хива хонлигининг анори, ковуни, узуми, нашватиси, анжири ва ўриги чет давлатларда машхур бўлган.

Хива-Россия муносабатларида муҳим жиҳат - ўзаро савдодан икки давлат ҳам бирдек манфаатдор эди: Хива савдогарлари учун Россияга борадиган савдо йўллари хавфсиз эди; Россияда ишлаб чиқарилган тайёр истеъмол молларига Хива хонлигида эҳтиёж баланд эди. Россия Хива хонлигига ўз маҳсулотларини сотадиган бозор деб қарар эди. Чунки: 1) Россия маҳсулотлари Европа товарлари билан рақобат қила олмаётган бир даврда бу «бозор» жуда муҳим эди; 2) Хива хонлиги Россия саноати учун арзон хомашё етказиб берувчи ўлка ҳисобланарди.

Хивадан Россияга пахта, ипак, бўз, гилам, хунармандчилик маҳсулотлари, куритилган мева олиб борилган. Хива савдогарлари Нижний Новгород ярмаркасида қатнашганлар. Россиядан Хивага металл, тўқимачилик маҳсулотлари, рангли бўёқлар, мўйна терилари, курол келтирилган. Бироқ, Хива-Россия ўртасида яхши қўшничилик муносабатларига тўсқинлик қилган *омиллар*: савдо карвонларига хужум хавфининг мавжудлиги, икки давлат ҳам Кичик жуз қозоқларини ва қорақалпоқларни ўз фуқаролари деб ҳисоблашлари. Ҳар икки давлатнинг ўзаро савдодан олинadиган бож ҳажми масаласида узоқ вақт бир тўхтама кела олмаганликлари билан боғлиқ эди.

Хива-Россия муносабатлари кескинлашуви. Россиянинг мақсади Ўрта Осиё давлатларини, хусусан Хивани эгаллаш бўлиб, турли баҳоналарни рўқач қилиб, босим ўтказишни кучайтириб борган. Айни пайтда, қозоқ жузларини, қорақалпоқларни ва туркман қабилаларини Хивага бўйсунмасликка даъват этган. Подшо Россияси Хива хонлиги таркибидаги туркманларнинг ёвмут қабиласини Россия фуқаролигига ўтиш истиқболларини ҳамда савдо карвонлари хавфсизлигини таъминлаш баҳонасида чегарада истеъҳкомлар қуриш имкониятини ўрганиш мақсадида 1819 йил Хивага зобит *Н.Муравёв* бошчилигида экспедиция юборган.

Россиянинг тажовузкорлиги 1822 йил Ўрта жуз, 1824 йил Кичик жуз хонликларини бўйсундирганида яққол кўринди. Энди Россия чегараси Хива хонлиги чегарасига яқинлашиб қолди. Хива хонлиги қозоқ чўлларининг икки давлатни ажратиб турувчи ҳудуд бўлиб қолиши учун ҳаракат қилди. Россия эса буни истамади, натижада икки давлат ўртасидаги муносабат кескинлаша борди.

Хива-Россия муносабатлари кескинлашган шароитда **Мухаммад Раҳимхон I** вафот этди. Тахтга ўтирган ўгли **Оллоқулихон** Хива-Россия муносабатларидаги кескинликни юмшатишга уринди. Эрон-Россия (1826-1829) ва Россия-Туркия (1828-1829) урушлари Россияни Хива билан муносабатларини янада кескинлаштиришдан *ўзини тийишига* мажбур этди.

Бу орада Марказий Осиё хонликларга Буюк Британия разведкаси сукилиб кира бошлади, шундай шароитда Буюк Британия товарларининг хонликлар бозорини тўлдириш хавфи ҳам вужудга келди. Эрон билан уруш оқибатида Россия-Эрон савдо ишларининг ёманлашгани сабабли Марказий Осиё хонликлари билан савдони ҳар қачонгидан кўра ривожлантириш долзарб масалага айланди.

Россия Хивага нисбатан ўз талаблари кўламини тобора кенгайтириб борди. Кейинчалик Хивадан Амударёда Россия савдо кемаларининг сузишига рухсат беришини талаб қила бошлади. Россия Хива билан муносабатларни ҳарбий куч орқали тартибга солиш йўлини танлади, шу мақсадда 1839 йил *В.Перовский* ҳарбий экспедицияси ташкил этилди. Перовский ихтиёрида 4 минг пиёда аскар, 12 та тўп ва юк ортилган 10 минг туя бор эди. Устюртнинг қаттиқ совуғи, озиқ-овқат ва ем-хашак етишмагани учун экспедиция талофат кўрди ва Перовский орқага қайтишга мажбур бўлди. Лекин экспедиция изсиз кетмади. Перовский экспедицияси Хива хонини Петербург билан келишув йўлини ахтаришга мажбур этди.

«**Мажбуриятлар акти**». Россия зўр бериб Хива хонлигига ўз ҳукмини мажбуран ўтказишга киришди. Бу мақсадга эришиш учун *Г.Данилевский* бошчилигидаги элчилик миссиясини юборди. Музокара давом этаётган кунлари **Оллоқулихон** вафот этиб, тахтни ўгли **Раҳимқулихон** (1842-1845) эгаллади. Россия босими остида 1842 йил 27 декабрда Хива-Россия ўртасида «**Мажбуриятлар акти**» дейилган шартнома имзоланди. Шартномада Россия билан тинчлик, дўстлик муносабатида бўлиши эълон қилинди.

Хива хонига: Хиванинг Россияга нисбатан душманлик ҳаракатлари содир этмаслик; савдо қарвонларининг таланишига йўл қўймаслик; Россия фуқароларининг шахсий ва мулкый хавфсизлигини таъминлаш каби мажбуриятлар юкланди. Аслида бу Россиянинг ўз истаklarини мажбуран бажартиришдан бошқа нарса эмас эди. Шунингдек икки давлат ўртасидаги савдо алоқаларига ҳам қатта эътибор берилди: бож тўловлари Россия товарлари қийматининг 5% миқдоридан ошмаслиги белгилаб қўйилди. Бироқ Россия шартноманинг анна шу бандини ҳам амалда бажармаган. Оқибатда ўзаро муносабатлар кескинлашиб борган.

Хива хонлигининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти

Аҳолиси. XIX аср 20-йиллари бошларида Хива аҳолиси 800 минг кишини ташкил этган. XIX аср ўрталарида пойтахт Хива шаҳрида 20 мингдан ортиқ аҳоли яшаган. Ҳунармандчиликнинг 50 дан ортиқ тури ривож топган. 700 дан ортиқ ҳунармандчилик устахонаси, 200 дан ортиқ савдо дўкони, 3 та ката ва 15 та кичик бозорлар бўлган. Хонлик аҳолининг қатта қисмини турли қабилаларга мансуб ўзбеклар ташкил этган, ундан кейинги ўринни туркман, қорақалпоқ ва қозоқлар эгаллаган. Қабилаларнинг ҳар бири ўзларига ажратилган ерларда жойлашган, ҳар бири алоҳида каналга эга бўлиб, канали ҳам шу қabila номи билан аталган, ҳар бир қabila ўзларига қарашли сугориш иншоотларини тиклаш ва таъмирлашда қатнашган.

Давлат тузуми ва бошқарув тизими. Хива хонлиги маъмурий жиҳатдан 15 та вилоятга: Питнак, Ҳазорасп, Хонқа, Урганч, Қўшқўпир, Ғазовот, Қиёт, Шоҳаббос, Тошҳовуз, Амбар-Манок, Ғурлан, Кўхна Урганч, Хўжайли, Чуманой, Қўнгирот ва 2 та ноибликка бўлинган. Вилоятлар: шаҳар ва масжид қавмларини (қисмларни) ўз ичига олган. Масжид қавмлари обрўли оқсоқоллар, қозилар ва мироблар томонидан бошқарилган. Давлат бошлиги – хон ҳокимияти ваколати наслдан наслга ўтган, хонлик мутлақ монархия эди.

Муҳаммад Раҳимхон I даврида давлат бошқарув тизимида ислоҳат ўтказган. Хон ҳузурида юқори маъмурий орган – **Олий Кенгаш** таъсис этилган. У қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини бажарган. Олий Кенгашга хон раҳбарлик қилган, унинг ишида хоннинг яқин қариндошлари, меҳтар, кўшбеги, девонбеги, нақиб, шайхулислом, бош қози, иноқ, оталиқ ва бийлар қатнашган. Олий Кенгаш мажлиси ҳафтада бир марта ўтказилган ва унда ички ва ташқи сиёсатга оид энг муҳим масалалар муҳокама этилган. Кундалиқ масалаларни ҳал этиш учун **Кичик Кенгаш** ҳам таъсис этилган. Унинг ишида хондан ташқари меҳтар, кўшбеги, девонбеги, нақиб ва шайхулислом қатнашган.

Меҳтар – бош вазир ҳисобланиб, у хон сафарда пайтида хонликни идора қилган. Меҳтар ва кўшбеги солиқлар йигилишига жавобгар бўлган. Хонликда 3 та девон (вазирлик): хўжалиқ, ижтимоий-сиёсий, ҳарбий ишлар билан шугулланувчи девонлар фаолият кўрсатган, унга девонбеги раҳбарлик қилган. Қўшинга ясовулбоши қўмондонлик қилган. Хонлик таркибидаги қозоқ ва қорақалпоқлар ўз бийлари томонидан, туркманлар эса уларнинг вакили томонидан бошқарилган, уларнинг лавозими наслдан наслга мерос бўлиб ўтсада, номзодини хон тасдиқлаши шарт бўлган.

Ер эғалиги шаклларида кўра Хива хонлиги ерлари ҳам 3 га бўлинган: 1. Давлат ерлари (подшоҳи). 2. Хусусий мулк (хусусий ерлар). 3. Вақф ерлари. Ер - хонликнинг асосий бойлиги ҳисобланиб, сугориладиган (ахя) ва сугорилмайдиган (адра) ерлардан иборат эди. Барча ерларнинг деярли ярмига Хон ва унинг қариндошлари, олий мартабали амалдорлар, рухонийлар, савдо-сотик табақалари эғалик қилишган. Амалдорларнинг ерлари 2-3 минг танобни ташкил қилган, хон ва унинг қариндошлари ундан ҳам катта ер майдонига эғалик қилган. Қолган ерлар (вақф ерларидан ташқари) давлат ихтиёрига олинган.

Давлат ерларида ва хусусий мулк ерларида ижарачи деҳқонлар меҳнат қилган. Давлат ерини ижарага олувчилар беватан, хусусий ерларни ижарага олувчилар қоранда, вақф ерларини ижарага олувчилар вақфчи деб аталган. Хоннинг қариндошлари, рухонийлар, катта амалдорлар, тархон ер олганлар хусусий еридан солиқ тўламаган ёки давлат солигидан озод этилган. Солиқни бу ерларда ишловчи ижарадорлар, яъни меҳнаткашлар тўлашган.

Шаҳарлар тараққиётдан орқада қолиши, саноатнинг йўқлиги оқибатида Ғарбий Европада ерсиз деҳқонлар шаҳарга иш излаб боришдек имкониятга эга бўлмаган. Оқибатда улар қишлоқда қолишга мажбур бўлган. Сув танқислиги туфайли Амударёдан сув чиқаришга эътибор берилди. XVIII асрнинг 70-йилларида Давкор кўли ёнида канал, XIX аср бошларида Лавзан,

Қилич Ниёзбий, Катта Хонобод каналлари қазилгач ерни сугориш ҳолати яхшиланди.

Солиқ ва мажбуриятлар. Хива хонлигида асосий солиқ ер солиги - салгут эди. Хунармандлар, ташқи савдо билан шугулланувчи савдогарлар, чорвадорлар закот тўлаган. Мехнаткашлар бир қанча мажбуриятлар ҳам ўтаган: 1. Бегар - расман 12 кунлик давлат мажбурияти, ҳар бир хонадондан 1 киши ҳар йили канал қазиб, йўл ва сарой қурилишида ишлаган. 2. Қазу – бутун қишлоқ аҳолисини каналларни тозалашга сафарбар этиш. 3. Ички ва обхўра қазу - ҳар йили каналларнинг сув тақсимлагичини тозалаш мажбурияти. 4. Ҳачи - химоя дамбалари қуриш ва мустаҳкамлашда қатнашиш мажбурияти.

Сугориш иншоотлари қуриш ва таъмирлаш билан боғлиқ мажбуриятлар машаққатли иш эди. Бу ишлар қўлда кетмон билан бажарилар, тупроқ замбилда ёки елкада кўтариб чиқилар эди. Тўгонлар тупроқ, ёғоч ва чимдан қурилар, улар сувнинг босимига бардош бера олмас ва яна қайтадан қуриларди.

Хива хонлигида шаҳарлар ҳаёти

Шаҳарлар ҳаётида узоқ давом этган тушкунлик ҳолати XVIII аср охирига келиб барҳам топди. XVIII аср иккинчи ярми - XIX аср бошида катта сугориш иншоотларининг тикланиши ва янгиларининг бунёд этилиши ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсишига асос бўлди. Бу ҳодиса шаҳарларда хунармандчилик, ички ва ташқи савдонинг ўсишига сабаб бўлди. Бу даврда Фарбий Европа давлатларида туб сифат ўзгаришлари давом этаётган эди, Б.Британияда бошланган саноат тўнтариши Европа давлатларига ҳам ёйилиб, XIX аср ўрталарида ниҳоясига етаётган эди ва капиталистик муносабатлар гуркираб ривожланаётган эди. Марказий Осиё хонликларида, Хива хонлигида ҳам ўрта аср ер эгаллиги муносабатлари ҳамон ҳукмрон эди.

Меъморчилик. XVIII аср охирида **Мухаммад Амин** давридан бошлаб бирмунча *сиёсий барқарорлик* ўрнатилди. Хива шаҳрининг ҳолатига бу омил ижобий таъсир кўрсатди. Натижада Хива шаҳрида 1782 йил қайта тиклаш ишлари тугалланди. Қайта тиклаш ишларидан ташқари янги обидалар ҳам қурилди. 1765 йил Шергозихон ва Мухаммад Амин мадрасалари бунёд этилди. XIX аср бошларида Хива хонлиги пойтахти йирик қурилиш майдонига айланиб, карвонсарой, усти ёпиқ бозор ва 1834 йил Оллоқулихон мадрасаси қурилиши тугалланди. Хива шаҳри XIX асрда бир-биридан девор билан ажралиб турадиган икки қисмга бўлинган. Улардан бири Дишан қалъа - Ташқи шаҳар (қалъа) деб, иккинчиси Ичан қалъа - Ички шаҳар (қалъа) деб аталган. Шарқда шаҳрининг ички қисми, яъни маркази – Шаҳристон, ташқи қисми - Рабод деб аталган.

Ичан қалъа - Марказий Осиёдаги йирик ва ноёб меъморий ёдгорликдир. Ичан қалъа Хива шаҳрининг ички қалъа (Шаҳристон) қисмидир. Ичан қалъа Дишан қалъадан девор билан ажралиб туради, унга 4 та: Богча, Полвон, Тош ва Ота дарвозалари орқали кирилган. Ичан қалъада Хоразм меъморчилигининг ажойиб обидалари – мадраса, масжид, хон саройи, маъмурий бинолар, бош майдон ва миноралар жойлашган. *Мухаммад*

Раҳимхон, Оллоқулихон ва Муҳаммад Аминхон даврида Ичан қалъада кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди: сарой, мадраса, макбаралар қурилди; Кўҳна аркдаги сарой қурилиши тугалланди.

Муҳаммад Аминхон Ичан қалъанинг гарбидаги Кўҳна арк ёнида Калта Минор минорасини қурдирди. Ичан қалъани қуришда Хива меъморлари Марказий Осиёда қадимдан давом этиб келаётган иншоотларни рўпарама-рўпара қуриш усулидан фойдаланди. Бу усул «кўш» деб аталади. Бундан ташқари, биноларни алоҳида ансамбл ҳолида қуриш анъаналарига ҳам амал қилинди, хусусан Полвон дарвозаси олдидаги бир неча масжид, мадраса, ҳаммом, тоқи, қарвонсарой, хон саройи мажмуаси ансамблни ташкил этади. Ноёб меъморчилик обидаси - Ичан қалъа 1961 йил давлат муҳофазасига олинган ва музей-қўриқхонага айлантирилган. Майдони 26 га.ни ташкил этади, унда 54 та тарихий обида жойлашган. 1969 йилдан музей қўриқхона Хива “Ичан қалъа музей-қўриқхонаси” деб аталади. Ичан қалъа 1990 йил Бутунжаҳон ёдгорликлари рўйхатига киритилди.

Дишан қалъа - Ташқи қалъа Хива шаҳрининг рабод қисми ҳисобланиб, унда савдо ва ҳунармандчилик дўконлари, маҳалалар жойлашган. Хива шаҳрини душман ҳужумидан сақлаш мақсадида **Оллоқулихон** 1842 йил узунлиги 6250 м., баландлиги 7-8 м., қалинлиги 5-6 м. девор билан ўратган. Ичан қалъа 4 дарвозали бўлса, Дишан қалъа 10 дарвозали бўлган.

Ҳунармандчиликнинг аввалги асрларда мавжуд бўлган ҳар хил турлари XVIII аср иккинчи ярми ва XIX аср биринчи ярмида ҳам ривожланди. Меъморчиликнинг ривожланиши кулолчиликда ҳам ўз ифодасини топди. Кулоллар фақат алоҳида буюмлар эмас, балки юзлаб лаган, товок ва косалардан иборат тўй мажмуаларини, алоҳида тантаналар учун махсус тўй ва подшойи товоқлар ҳам тайёрлаган. XIX аср 30-40-йилларига оид манбаларда Хивадаги етакчи ҳунар - *заргарлик* тилга олинган. Хиванинг бош тақинчоги - *жиға* Марказий Осиёнинг бошқа минтақаларига ҳам кенг тарқалган. Исиргалар феруза ва маржонлар, билагузуклар қимматбаҳо тошлар билан безатилган.

XIX асрда Хива *ёғоч ўймакорлиги* мактаби хонликда олдинги ўринда турарди ва бадий юксаклиги билан ажралиб турарди. Оллоқулихон саройида Тошҳовли айвон устунлари мажмуи кўркамлиги билан ажралиб туради. XIX аср ўрталарида ўймақори эшик ва устунлар устаси Полвон Абдусаттор ўглининг номи айниқса шуҳрат қозонди. Хива шаҳри XX аср бошларигача хонликда ягона шойи тўқиш маркази бўлиб қолди. XIX асрда Хивада матога гул босиш санъати кулранг уйғунлиги ва майда гуллари билан Марказий Осиёнинг бошқа гул босиш марказларидан фарқ қилган.

Хива хонлиги тарихи бўйича манбалар

Архив ҳужжатлари ва маҳаллий тарихчилар асарлари. 1873 йил Россия босиб олгач Хива хонлари архиви ҳужжатлари Петербургга олиб кетилган. XVII асрда яшаган *Ҳасанбек Румлу*нинг «Энг гўзал тарих» асари XVI аср биринчи ярмидаги Хива тарихига багишланган. Хива хони, тарихчи

олим **Абулғозий Баходирхоннинг** (1603-1664) «Шажарайи турк» асари жуда кўп тарихий далиллар тўплангани билан катта аҳамиятга эга. «Шажари турк» асарининг 1512-1663 йиллардаги Хива ижтимоий-сиёсий тарихига, Хива-Бухоро муносабатларига оид 9-боби тарих фани учун катта аҳамиятга эга. «Шажарайи турк» асари туркий қабилалар шажараси, хиваликлар, Абулғозининг давлатни бирлаштириш учун кураши ҳақида маълумот беради.

Муниснинг тарихий асари «Фирдавс ул-икбол» 1806 йил **Элгузархон** топшириги билан ёзилган. Асар Хиванинг XVI асрдан 1812 йилгача бўлган тарихини қамраб олган. Мунис вафот этгач хонлик тарихини ёзишни *Огаҳий* давом эттирган. Унинг тарихий асари «Шоҳиди иқбол» дейилиб 1812-1872 йилгача бўлган тарихни акс эттиради. *Худойберди Аваз Муҳаммаднинг* 1831-1832 йилларда ёзилган «Дили гаройиб» асари ҳам Хива хонлиги, унинг шаҳарлари ҳақида муҳим маълумотлар беради. **Асфандиёрхон** топшириги билан *Юсуфбек Баёний* 1912 йил Хива хонлигининг 1872-1911 йиллардаги тарихини яратган.

Россиялик муаллифлар асарлари. 1725 йил Хивага келган Россия элчиси *Флорио Беневини* эсдаликларида илмий жиҳатдан муҳим маълумотлар ёзиб қолдирилган. 1793-1794 йй. Оренбургдан Хивага таклиф этилган офтолмолог врач *Бланкеннагел* ёзиб қолдирган эсдалик маълумотлар ҳам жуда муҳим. У хоннинг кўзи ожиз бўлиб қолган амакисини даволаган.

Хивага 1819 йил келган Россиянинг элчиси *Муравёвнинг* «Эсдаликлар»и Хива тўғрисида қимматли манбалар қаторида туради. Унда қадимий обидалар, давлат бошқаруви тизими, савдо ва хунармандчилик тўғрисида батафсил маълумотлар бор. «Эсдаликлар» француз ва немис тилларига таржима қилинган. Муаллиф ўзбек халқига «акл-идроки, суҳбати ёқимли ва ўткир, матонатли, урф-одати оддий, ёлгондан нафратланувчи, ҳарбий ишда толмайдиган жасур кишилар» - деб таъриф берган.

Хива ва Россия ўртасида 1842 йил «*Мажбуриятлар акти*»ни имзолаган *Г.Данилевский* ўзи билан Хивага келган *Р.Базинер* билан биргаликда «Хива ва хонлиқнинг бошқа шаҳарлари, хишлоқлари, савдо ва саноати» номли асар ёзган. 1858 йил Хива ва Бухорога юборилган дипломатик миссия раҳбари *Н.Игнатьевнинг* эсдаликлари ҳам Хива тарихи бўйича муҳим манба ҳисобланади.

Шарқшунос *Н.Василевскийнинг* «Ўзбеклар Хоразмда», «Иноқлар ҳукмдорлиги», «Кўнгиротлар сулоласи» каби асарлари Хива хонлигининг XVI аср ва ундан кейинги асрлар тарихига бағишланган. Хива ва Россиянинг XVIII-XIX асрлардаги ўзаро алоқалари шарқшунос *С.Жуковскийнинг* «Россиянинг кейинги 300 йилда Бухоро ва Хива билан алоқаси» асарида ўз ифодасини топган.

Европа сайёҳлари ва олимлари асарлари ичида инглиз савдо ва дипломатия вакили *А.Женкинсоннинг* «Женкинсоннинг Россиядаги Москва шаҳридан Бактриядаги Бухоро шаҳригача 1558-йилги саёҳати» номли эсдаликлари Хива хонлигининг XVI аср тарихи ҳақида муҳим маълумот беради. Венгер шарқшунос олими, сайёҳ *А.Вамберининг* «Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат» асари Хива тарихи бўйича қимматли манба ҳисобланиб, ўзбек тилида ҳам чоп этилган.

Ўзбек олимлари Хива хонлиги тарихини ўрганиш бўйича катта ҳисса қўшдилар. Академик *И.Мўминов* бошчилигида 1976 йил «Хоразмнинг қадимги даврдан ҳозирги кунгача бўлган тарихи» яратилди. Хоразмнинг энг қадимги даврдан ҳозирги кунгача, жумладан XVI-XIX аср биринчи ярми тарихи ҳақида Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи муносабати билан 1997 йил чоп этилган «Хива - минг гумбаз шаҳри» китоби тарихий далилларга бой асардир. Хива хонлиги архиви 1962 йил Тошкентга олиб келинган, ҳозир Ўзбекистон марказий давлат архивида сақланмоқда.

Таянч сўзлар: Қўнгиротлар, Муҳаммад амин, Аваз инок, Элтузархон, Муҳаммад Раҳимхон, Ичан қалъа, Дишан қалъа.

3-§. Қорақалпоқлар XVI - XIX асрнинг биринчи ярмида. Қорақалпоқ халқининг шаклланиши, сиёсий-ижтимоий ҳаёти

Қорақалпоқ халқининг шаклланиш тарихи. Қорақалпоғистон ҳудудида одамлар *неолит* давридаёқ яшаганлиги тарихий манбаларда қайд этилади. Оролбўйи даштларига II-VIII асрларда бир қатор туркий қабилалар келиб жойлашган. Кириб келган қабилалар билан маҳаллий аҳолининг қўшилиши натижасида Оролбўйида бижанаклар ва ўғизлар шаклланган. Бижанаклар негизида VIII-X асрларда қорақалпоқларнинг **халқ** сифатида шаклланиш жараёни бошланган.

Бижанакларнинг бир қисми X аср бошида Волга ортига, Жанубий Рус даштларига кўчишга мажбур бўлган. Бунга ўғиз ва қипчоқлар тазйиқи сабаб бўлган. Улар XII аср рус йилномаларида «*черные клобуки*» (**қорақалпоқ**) деб тилга олинган. Қорақалпоқ халқининг *номи* шу атамадан олинган. Волга ва Урал (Ёйиқ) дарёлари оралигида қолган бижанакларни Иртиш дарёси атрофидан келган қипчоқлар забт этган. Улар қипчоқлар билан аралашиб, тилини қабул қилган. Қипчоқлар таркибига кирган бижанаклар (қорақалпоқлар) “қора бўркли” деб аталган.

Чингизхон XIII аср бошида Урганчни сувга бостириш учун Амударё тўгонини бузиб ташлагач, Амударёнинг ўзани ҳам ўзгарган. Сувсиз қолган Оролбўйи қорақалпоқларининг бир қисми Волга ва Ўрал (Ёйиқ) бўйларига, Сирдарё воҳаларига кўчиб кетади.

Олтин Ўрда зифлашгач мустақил давлатлар ажралиб чиққан, улардан бири XIV аср охирида ташкил топган **Нўғай** (Мангит) **хонлиги** эди. Унинг чегараси Волгадан Иртиш дарёсигача, Каспий ва Орол денгизидан Кама дарёсигача бўлган ҳудудлар кирган. Қорақалпоқлар кўчиб бориб жойлашган ҳудудлар XV- XVI асрларда Нўғай хонлиги ҳудудига кирган. Нўғай ва қорақалпоқлар бирга яшагани учун Нўғай тили таркиби, фонетикаси ва грамматик қурилиши қорақалпоқ тилига жуда яқин.

Бир неча уруглардан иборат қорақалпоқ халқининг шаклланиш жараёни **XVI асрда** ниҳоясига етган. Улар алоҳида халқ бўлгани ҳақидаги манбалар XVI аср охирларига тўғри келади. Яъни, 1598 й. Бухоро хони Абдуллахон II нинг бир ёрлигида “қорақалпоқлар” деган сўз қайд этилган.

Қорақалпоқ хонлиги ташкил топиши. XVII аср бошларида нўғойларни Волга ва Ёйиқ дарёлари бўйларига бостириб келган жунгор (қалмоқ)лар тор-мор этгач, Нўғойлар Қримга кўчиб кетишга мажбур бўлганлар. Қорақалпоқлар эса Орол ва Сирдарё бўйларига келиб ўрнашади. Қорақалпоқлар ижтимоий ҳаётида бийлар ва ботирлар (харбийлар бошлиги) муҳим ўрин тутганлар. Қорақалпоқ уруғларига Бийлар бошчилик қилиб, улар кўшни халқлар билан муносабатда ўз уруги ёки қабиласи номидан вакил сифатида қатнашган.

Қорақалпоқлар XVI - XVII асрларда гоҳ Бухоро хонлигига, гоҳ Қозоқ хонлигига тобе бўлганлар. Сирдарё бўйида яшовчи қорақалпоқлар XVIII аср бошида бирлашишга ҳаракат қилганлар. Бирлашиш жараёнига Сигноқ ва Жонкент сингари қадимий кўргон-шаҳарлар таянч бўлган. Қорақалпоқларнинг бирлашувида **Кучукхон, Табурчак** ва **Ғойиб Султонлар** муҳим рол ўйнаганлар. Сирдарёбўйи қорақалпоқлари **1714** йил **Эшмухаммад** (Эшимхон) бошчилигида **Қорақалпоқ хонлигига** бирлаштирилган. Бу давлат Сирдарё қўйи оқими, Волга бўйи жунгорлари, Бошқирд улуси ва Кичик жуз қозоқ хонликлари билан чегарадош бўлган.

Жунгорлар 1723 йил бостириб келиб Сирдарёнинг ўрта қисмини эгаллагач, қорақалпоқлар 2 гуруҳга бўлиниб кўчишга мажбур бўлди: 1) Сирдарё юкори оқими - Тошкент томонга; 2) Сирдарё қўйи оқимига бориб жойлашди. Улар шартли равишда «юкори қорақалпоқлар», «қўйи қорақалпоқлар»га бўлиниб кетди. Қўйи қорақалпоқлар Сирдарё ва Амударё орасидаги бўш ётган ерларга ҳам ўрнашиб, Қувондарёдан сув чиқариб, деҳқончилик билан шугулландилар.

Қорақалпоқлар Россия билан муносабат ўрнатиб, яқинлашишга: 1) Россия билан савдони йўлга қўйишдан манфаатдорлик. 2) жунгорларнинг ҳужумидан химояланиш зарурати сабаб бўлган. Қозоқ хони **Абулхайрхон** Петербургга 1726 йил жўнатган элчилари таркибида қорақалпоқлар ҳам бор эди. Россия ҳам бунга жавобан Абулхайрхон ҳузирига 1731 йил ўз элчиси М.Тевкелевни жўнатади. Музокаралар натижасида Кичик жуз ва Қўйи қорақалпоқлар Россия фуқаролигига қабул қилинди. Қорақалпоқларнинг Россияга эмас, Кичик жуз хонлигига ясоқ тўлаши тан олинди. Россия фуқаролигига қабул қилиниши уларни Нодиршоҳ ҳужумидан саклаб қолди.

Қорақалпоқ ва Хива муносабатлари. Қорақалпоқларнинг асосий қисми нотинч огир йилларда Хивага чегара ҳудудларга, Аму ва Сирдарё оралигидаги бўш ерларга, Янгидарё ва Қувондарё бўйларига кўчиб келиб яшардилар. Тарихчилар Янгидарёда яратилган ажойиб сугориш иншоотлари тизимига қорақалпоқ халқи меҳнатининг улугворлиги хотирасидир, деб баҳо берганлар.

Қорақалпоқларнинг аста-секин Оролбўйи ўзбеклари билан яқинлашуви юз берган. Оролбўйи ўзбеклари эса Хива хонлигига бўйсуннишни истамаган. Хива хонлиги Оролбўйи ўзбеклари ва қорақалпоқларни бўйсундиришни мақсад қилган ва узоқ курашлардан сўнг 1735 йил Оролбўйи ўзбеклари ва қорақалпоқлар Хива хонлигини тан олишга мажбур этилди. Айрим қорақалпоқ қабилалари **Муҳаммад Амин Иноқ** даврида ихтиёрий Хива фуқаролигига ўта бошлаган. Амударё, Қувондарё ва Орол денгизи атрофида

яшовчи қорақалпоқлар 1809 йил Хива хонлигига бўйсундирилди. Янгидарё (Жанадарё) атрофида яшовчи қорақалпоқлар ҳам 1811 йил тобе этилгач, қорақалпоқларни Хива хонлигига бўйсундириш *ниҳоясига* етказилди.

Қорақалпоқлар Орол ва Қуйи Сирдарё бўйларида яшаб келган қадимги халқлардан бири. Қорақалпоқ халқи бижанақлар негизда VIII-XVI асрларда шаклланди. **Қорақалпоқ хонлиги** XVIII аср биринчи чорагида **Эшимхон** етакчилигида ташкил топган.

Қорақалпоқларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти

Ижтимоий аҳвол. Қорақалпоқлар ижтимоий ҳаётида уругчилик, қабилачилик муносабатлари, аҳолининг табақаларга бўлиниши анча кучли эди. Уруг ёки қабиллага *бийлар* бошчилик қилган. Ҳарбий қисмларни *ботирлар* бошқарган. Аҳоли орасида руҳонийлар, шайхлар, хўжаларнинг ўрни катта эди. **Овул** - бошлангич маъмурий бўгин бўлиб, уларга *Оқсоқоллар кенгаши* раҳбарлик қилган. Яна юзбоши, мироббоши, қози, раис қаби маъмурий мансаблар ҳам бор эди. Мироб сув тақсимловчи ҳисобланган. Бийлик лавозимиغا илгари уруг йигинларида сайланган, қорақалпоқлар Хивага бўйсундирилгач хон томонидан тайинланадиган бўлди, хон томонидан тайинланган бийга бошқа бийлар бўйсунган. *Қўнғирот* ва *Чимбой* шаҳарлари қорақалпоқларнинг бош маъмурий марказига айланган.

Мулкий табақаланиш кучайиб бориб, ерга жамоа бўлиб эғалик қилиш барҳам топиб, катта ер эғалиги табақаси вужудга келди. Кўплаб чорвага эга табақалар шаклланиб, балиқ овланадиган сув ҳавзаларини ҳам алоҳида кишилар эгаллаб олиши натижасида ери ва чорваси йўқ камбағаллар кўпайиб, улар бойлардан ерни ижарага олиб ишлашга, чорва бокиб кун кечиришга мажбур бўлдилар. Қорақалпоқлар қадимдан деҳқончилик ва чорвачилик билан шугулланиб келганлар. «Қирқ қиз» достонида қорақалпоқларнинг ерлар ўзлаштириб, сув иншоотлари қуриб, ер ҳайдаб галла етиштирганлиги, боғлар яратганлиги ҳақида маълумотлар берилган. Қорақалпоқлар деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик, хунармандчилик билан шугулланиб тирикчилик қилган.

Деҳқончилик билан қорақалпоқлар Орол бўйларида, Сирдарё ва Амударё оралигидаги ерларда шугулланганлар; бугдой, арпа, тарик экиб, мўл ҳосил олганлар. Янги (Жана)дарё ва Қувондарё ҳавзаларида қорақалпоқлар барпо этган канал ва сугориш иншоотлари хўжаликда деҳқончилик тармогининг етакчи ўринда турганлигидан гувоҳлик беради. XVIII аср охирида Амударё қуйи тармоқларида Қалликўл, Кегали; XIX аср ўрталарида Чимбой, Қўнғирот деҳқончилик воҳалари вужудга келди. Деҳқончиликда омов, мола, кетмон, белкурак, ўрокдан фойдаланилган.

Чорвачилик ҳам қорақалпоқлар иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган: қорамол, қўй, эчки, от, туя боқилган. Қорақалпоқ чорвадорлари хўкиз ва туя кўшилган араваларда пода ва отарлари билан яйловларга кўчиб юрганлар; айниқса камишзорлар чорва учун тўйимли озуқа бўлган. Қорақалпоқлар иқтисодий ҳаётида балиқчилик ҳам ривожланган; овчилик ва балиқчилик кўшимча тирикчилик манбаи ҳисобланган.

Хунармандчиликнинг: темирчилик, дурадгорлик, кигиз босиш, тўқувчилик, бўёқчилик, кулолчилик, заргарлик тармоқлари қорақалпоқлар ҳаётида ривожланиб боради. Хўжайли, Қўнгирот, Мангит, Чимбой шаҳарлари йирик савдо марказларига айланган.

Солиқ ва мажбуриятлар. Дехқонлардан салгут (ер) солиги, чорвадорлардан закот солиги, аҳолидан руҳонийлар учун усур солиги олинган. Солиқ миқдорини хон амалдорлари белгиларди. Ер солиги қабила ёки уругга бир йўла солинарди. Солиқнинг кўп қисми камбагаллар бўйнига тушарди. Бий ва амалдорлар ўз харажатларини қоплаш учун халқдан кўшимча солиқлар ундирган. Ҳарбий хавф юз берганда халқдан «қозон» (хўжалик) солиги ундирилган; йигитлар мажбурий ҳарбий хизматга чақириларди. Солиқлардан ташқари камбагаллар канал ва ариқлар қозиш, сугориш иншоотларини тозалашга мажбурий сафарбар этиларди.

Ойдўстбий кўзғолони. Хива хонлиги зулмига қарши 1827 йил қорақалпоқлар кўтарган кўзғолонга қорақалпоқлар бийи Ойдўстбий бошчилик килди. Хива хони **Оллоқулихон** 1827 йил 25 июлда кўзғолонни бостириш учун Муҳаммад Назарбий иноқ кўмондонлигидаги кўшинни Хўжайли шаҳрига жўнатади. Ойдўстбий қорақалпоқ бийларини тўплаб Орол денгизи бўйида маслаҳат қилади. Овулларга чопорлар жўнатилиб «Ҳамма бола-чақаси билан кўзғолонга йигилсин. Ким бош тортса - у душман ҳисобланади» - деган буйруқ берилади.

Ойдўстбий 1827 йил 29 июлда ўгиллари *Ризо ва Тўрани* 300 ботирга бош қилиб Қўнгирот кўргонига чоповулга юборади. Қўнгирот ҳокими **Муҳаммад Яъқуб Мушриф** кўргон мудофаасини уюштиради, Ризо ва Тўра енгилади. *Муҳаммад Назарбий иноқ* Ойдўстбийга қарши сара кўшин жўнатади. Кўзғолончилар тор-мор қилинган Ойдўстбийнинг боши танасидан жудо этилади. Ойдўстбий ўлимига бағишлаб Хива тарихчиси ва шоири **Мунис** марсия ёзган. *Марсия* – бир шахснинг вафоти муносабати билан унинг хотирасига бағишлаб ёзилган мотам шеъри.

Қорақалпоқ халқи маданияти ва адабиёти

Турмуш тарзи. Қорақалпоқлар узок йиллар давомида *кўчманчи* турмуш тарзидан *ўтроқликка* ўтиш жараёнини бошидан кечирган. Аҳолининг асосий қисми ўтов ва пахса уйлардан иборат овулларда яшарди, кейинчалик кўргон (қалъа) ва шаҳарлар вужудга келади. Қорақалпоқларда бир уруг ичида қиз олиш, қиз бериш тақиқлангани учун бошқа уругдан қиз олиб қочиш одат бўлган.

Қорақалпоқлар қишлоғи денгиз ва дарё бўйларида ўтказган. Арава, қайиқ, сол ва от асосий транспорт воситаси бўлган. Кийим-кечагида миллийликка эътибор берган, бу нарса айниқса аёллар ва қизлар савкели (қалин бўздан тикилиб, кумуш ва маржон билан безатилган бош кийим)да яққол намоён бўлган.

Шаҳарлар. Қорақалпоқлар *Қўнгирот, Чимбой, Хўжайли* каби йирик шаҳарларни бунёд этганлар. *Қўнгирот ва Чимбой* маъмурий марказлари бўлган. Бу шаҳарлар XVII аср охири - XVIII аср бошида барпо этилган. Орол

ва Хива орасидаги савдо маркази *Хўжайили* шаҳари бўлиб, божхона шу ерда жойлашган ва Хивага қарши курашда таянч шаҳар бўлган.

Қалъа шаклида қурилган Жанақалъа, Ойдўсқалъа, Эрназарқалъа, Кўкўзакқалъа, Эшон қалъа шаҳарлари меъморчилик ёдгорликлари ҳисобланади. XIX аср бошида шаҳарларда 318 та мактаб бўлган, мадрасалар Қорақум эшон, Қалила охун, Эгамберган охун, Ойимбет эшон мавзеларида ва Эшон қалъада бўлган. Қорақалпоқ ёшлари Бухоро, Хива мадрасаларида ўқиган. Хунарамандлар 12-13 ёшли болаларни шогирдликка қабул қилган.

Фольклор. Қорақалпоқ фольклор намуналарининг 20 жилдлиги нашр этилган. Ўзбекларнинг Афандиси каби қорақалпоқларнинг қизиқчиси Ўмирбек лаққи бўлган. Қорақалпоқларнинг бой тарихи «Қирққиз», «Алпомис», «Кублон», «Мастпошшо», «Едигей» каби қаҳрамонлик дostonларида куйланади. «Едигей» дostonида Темур ва Тўхтамиш фаолияти баён этилади.

Халқ кўшиқларида эл-юрт йўлбошчилари, қаҳрамонлари - Маман ботир, Эсангелди маҳрам, Ойдўстбий, Эрназарбийлар улугланади. Қорақалпоқлар фольклор (халқ оғзаки ижоди)га бой халқ, уларнинг “Дарбадар эл”, «Қирққиз», «Кублон», «Едигей» дostonлари машхур. Қозок олими Чўқон Валихонов «Қорақалпоқлар саҳродаги ҳам биринчи шоир, ҳам кўшиқчилардир» - деб айтган.

«**Қирққиз**» қарақалпоқ халқ қаҳрамонлиги эпоси бўлиб, қарақалпоқ адабиётида алоҳида ўрин тутди. Унда XVII-XVIII асрлардаги тарихий воқеаларни бадиий акс эттирган. Бу дoston эрксеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик гоилари билан сугорилган. «Қирққиз» дostonида қарақалпоқларнинг озодлик кураши ва Хоразм халқининг Нодиршоҳга қарши кураши ўз ифодасини топган. Дostonда Гулойим севгилиси Арслон, ўзининг 40 та дугонаси ва сафдоши Олтиной, Ўтбосган, Сарвинозлар билан бирга юртни жунгор хони Суртойши ва Эрон шоҳи Нодиршоҳдан озод қилади. Гулойим Хоразмни озод қилиб қарақалпоқ, туркман, ўзбек ва қозокларни бирлаштирган давлат тузади.

Тасвирий санъатдаги ўзига хослик қарақалпоқлар тўқиган гилам ва кашта буюмларда ўз ифодасини топган. Улардаги нақшли безаклар сув рамзини акс эттирувчи тўлқин кўринишига эга бўлган, чунки қарақалпоқлар қадимдан дарё ва кўл бўйларида яшаб келган. Тасвирий санъатидаги яна бир ўзига хослик қадама нақшли ёғоч ўймакорлигида намоён бўлади.

Муסיқа. Қарақалпоқ кўшиқчилиги: халқ, тарихий ва маросим кўшиқларига бўлинган, улар кўбиз, дутор, гижжак, сурнай, ногора каби чолгулар ёрдамида ижро этилган. Дoston ижрочилари 3 гуруҳга бўлинган, улар: жировлар, бахшилар ва қиссахонлар деб аталган. Жировлар қаҳрамонлик дostonларини кўбиз жўрлигида, бахшилар дутор ва гижжак жўрлигида, қиссахонлар дoston кўлёмаларини маҳорат билан ўқиб ёки ёддан айтиб берганлар.

XVIII-XIX асрларда қарақалпоқ адабиёти

Ёзма адабиёт қорақалпоқларда XVIII асрдан бошлаб шаклланди ва ривожлана борди. XVIII-XIX аср биринчи ярмида қорақалпоқ адабиётининг кўплаб намояндалари ижод қилди.

Жийен Жиров (1730-1784) бахши ва ҳажвчи шоир эди. У «Ҳой йигитлар, йигитлар», «Юрагимда кўп догим» каби шеърларида жамиятдаги ноҳақликларни, ҳукмрон табақалар зулмини фош этади. Қозоқ хони Абулхайрдан енгилан қорақалпоқларнинг кўчишлари гувоҳи бўлган шоир «Дарбадар эл» достонини ёзди, унда қорақалпоқларнинг машаққатли даври тарихини баён этган. Сирдарё бўйларидаги қорақалпоқларнинг бир қисми Тошкент атрофига (Чирчиқ бўйларига); бошқа қисми Қизилқум орқали Хоразмга (Орол жанубига) кўчиб кетганлар. Ж.Жиров бахши сифатида «Қирққиз», «Алпомиш» каби достонларни куйлаган.

Кунхўжа Иброҳим (1799-1880) қорақалпоқларнинг кўзга кўринган вакилларидан бири. Шоирнинг «Ўроқчилар», «Чўпонлар», «Эл билан» каби шеърларида Хива хонлигига тобе бўлиб қолган қорақалпоқларнинг огир, эрксиз ҳаётини тасвирлайди, ҳукмрон табақалар кирдикорларини фош этади.

Ажиниёз Кўсибой ўгли (1824-1878) (тахаллуси Зевар) қорақалпоқ халқининг атоқли шоирларидан бири. Мўйноқдаги эски мактабда ва Хивадаги Шергозихон мадрасасида ўқиб, илм олди. Унинг «Бўзатов» достони қорақалпоқларнинг бошқа юртларга кўчиши ҳақида. Ажиниёздан 100 дан ортиқ шеър ва достонлар мерос қолган. 1999 йил Ажиниёз таваллудининг 175 йиллиги муносабати билан Нукус шаҳрида Ажиниёз майдони барпо этилиб, унга ҳайкал ўрнатилди.

Бердақ (1827-1900) (исми Бердимурод Қаргабой ўгли) қорақалпоқ халқи адабиётининг асосчиси. Бердақ овул мактабида ва мадрасада таҳсил кўрган, 18-19 ёшидан шеър айтиб, 25 ёшида танилган. Унинг «Бўлган эмас», «Умрим», «Солиқ» каби шеърларида халқнинг огир ҳаёти, Хива хони ва амалдорлари зулмига қарши норозилик акс этган. «Ўғлимга», «Аҳмоқ бўлма», «Халқ учун» шеърларида ёшларни ватанни севишга, маърифатни эгаллашга, халқ учун жонни аямасликка чақирди.

Бердақ хон зулмига қарши курашган халқ қаҳрамонлари ҳақида «Омонгелди», «Ойдўстбий», «Эрназарбий» каби тарихий асарлар ёзган. Унинг «Авлодлар» асари тарихий воқеалар солномаси бўлиб, халқларнинг келиб чиқиши, қорақалпоқларнинг туркий халқлар билан алоқаси, ҳаётидаги умумийлик баён этилган. Бердақнинг «Эрназарбий» достонида Хива хонлиги зулмига қарши кўтарилган исён акс эттирилган. Бердақ таваллудининг 170 йиллиги 1998 йил нишонланди, унга Тошкентда ва тугилган жойи - Бўзатовда бюст, Нукусда ҳайкал қўйилди.

Таянч сўзлар: Кўнгирот, Хўжайли, Мангит, Чимбой, «Қирққиз», «Омонгелди», «Ойдўстбий», «Эрназарбий».

IX-боб. Қўқон хонлиги XVIII - XIX аср биринчи ярмида.

1-§. Қўқон хонлиги ташкил топиши. Тошент беклиги (1784-1810)

Шохрухбий - хонлик асосчиси. Фаргона водийси Бухоро хонлиги тасарруфида эди. Бухоро XVIII аср бошларида ички курашлар оқибатида заифлашади. Бухородаги бу вазиятдан фойдаланиб жунгарлар Фаргона водийсига тез-тез бостириб киради. Вазият ички кучларни бирлаштириб мустақил давлат тузишга ундамоқда эди. Фаргона водийсида дастлаб Чуст яқинидаги **Чодак қишлоғи хожалар** жамоаси ўз мулкларини Бухородан **мустақил** деб эълон қилдилар.

Фаргонадаги ўзбекларнинг минг уруғи **оқсоқоллари** ўз йўлбошчиси **Шохрухбий** бошчилигида Бухородан мустақил давлат тузишга қарор қилганлар. Минг уруғи **1710** йил чодаклик дин пешволарини ағдариб Фаргона водийсида ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар. Натижада кейинчалик **Кўкон хонлиги** дейилган янги давлат вужудга келди. Шохрухбий **Тепакўрғонни** қараргоҳ қилди. Шохрухбийнинг ўғли **Абдурахимбий** (1721-1733) даврида Хўжанд, Ўратепа вилоятлари кўшиб олинди. Шаҳрисабз ҳокми билан Кўконга тобелик ҳақида битим тузди, кейин Самарқанд ва Жиззахни эгаллади.

Абдурахимбий Хўжандда вафот этагач, иниси **Абдулкаримбий** (1733-1750) тахтга ўтиради. У пойтахтни Тепакўрғондан **Кўкон** шаҳрига кўчиради ва шаҳарни девор билан ўратади. **Эрдона** (1751-1762) даврида Кўконнинг қудрати ортди. У Ўш ва Ўзганни бўйсундиради. Эрдона даврида Кўкон гарбда Бухоро, шарқда Хитой билан тенг кураш олиб бора олган давлатга айланди. Эрдона ҳукмроминлик даврида тахт учун кураш кучайди.

Абдукаримбийнинг набираси **Норбўтабий** (1763-1798) тахтга ўтиргач, дастлаб Чуст ва Наманган ҳокимлари исёнини бостирди, Хўжандни қайта бўйсундирди. Норбўтабек даврида Кўконнинг қудрати ошди, мўл ҳосил олиниб, бозорда нарх арзонлашди. Норбўтабийнинг ўғли **Олимбек** (1808-1810) даврида Кўконнинг сиёсий мавқеи янада кучайди. Олимбек Оҳангарон, Тошкент, Чимкент ва Сайрамни, Россияга борадиган савдо йўлларини бўйсундиргач, Россия билан биринчи марта савдо алоқалари ўрнатилган.

Олимхон даврида ўтказилган **ҳарбий ислохатга** кўра “аскария” деб аталувчи мунтазам қўшин тузилган. Қўшин: сипоҳ (отлик), сарбоз (пиёда), ва тўпчи қисмлардан иборат бўлган. Айни пайтда, “қилқуйрук” деб аталувчи номунтазам қўшиндан ҳам фойдаланиш давом этган. Мунтазам қўшин: 1) марказий ҳокимиятнинг таянчига айлантирилди; 2) асосий рақиби – Бухоро амирлигига қарши тура олишини таъминлади. Бухоро амирлигига қарши тура олишига ишонч ҳосил қилгач, Олимхон **1805** йил ўз давлатини расман **Кўкон хонлиги** деб, ўзини эса **Хон** деб эълон қилди.

Давлат тизими ва бошқарувига кўра Кўкон хонлиги мутлақ монархия бўлиб, давлат бошлиги Хон эди, у расман чекланмаган ҳуқуққа эга бўлган. Хон давлатни ҳукмрон қабила, руҳонийлар, бошқа қабилаларнинг ҳукмрон табақалари, давлат бошқаруви амалдорлари ва ҳарбийларга таяниб бошқарган. *Мулла Олим Маҳдумхўжа Тошкандий*нинг 1915 йил Тошкентда нашр этилган «Тарихи Туркистон» асарида Кўкон хонлигидаги мансабларга таъриф берган. Бу китобга кўра Хондан кейинги ўринда мингбоши турган, у бош вазир ва қўшиннинг бош кўмондони саналган.

Кўшбеги хоннинг маслаҳатчиси бўлган, айти пайтда катта шаҳарлардан бирига ҳоким этиб тайинланган. **Тошкент** шаҳрини маълум бир вақтда **кўшбеги** бошқарган. Парвоначи мансаби ҳам ўз нуфузи жихатидан кўшбеги ваколатига тенг бўлган. Кўқонда яна хон ётоги посбонбошиси, тунқатор (хон топшириқларини тунда бажарувчи), оталиқ, додхоҳ, баковулбоши, дафтардор каби мансаблар ҳам жорий этилган. Ислом шариати қоидаларининг амал қилишига маъсул бўлган катта нуфузга эга бўлган: шайхулислом, қозикалон, қози, муфтий лавозимлари ҳам бўлган, бу мансабларга фақат уламолар вакиллари тайинланган.

Маъмурий-худудий жихатдан Кўқон хонлиги вилоятларга (15 та), беклик ва оқсоқолликларга бўлинган.

Баковулбоши – сарой дастурхончилари бошлиги, ҳукмдорга таом тортишдан олдин уни аввал ўзи татиб кўрувчи бош ошпаз. Дафтардор - хоннинг шахсий дарамоди ҳисоб-китобини олиб борувчи амалдор.

Фарғонада ўзбекларнинг минг уруги 1709 й. Кўқон хонлигига асос солди.

Тошкент XVIII аср иккинчи ярми - XIX аср бошларида

Тошкент ҳокимлиги ташкил топиши. XVIII аср иккинчи ярмида Тошкент 4 қисмга: Шайхонтохур, Бешёғоч, Кўкча, Себзор даҳаларига бўлинган давр Тошкент тарихида **4 ҳокимлик** деб ном олган. Шаҳар ҳокимларининг ўзаро курашида Юнусхожа голиб чиқди ва бутун шаҳарга ҳоким бўлди. Юнусхожага «Ҳазрати эшон» унвони берилган, у **Хон** деб ҳам юритилган.

Юнусхожа ҳузурида тузилган Хон кенгашига 4 даҳа мингбошилари киритилган, кенгашда **Юнусхожа** ҳоким этиб тайинланди. Ягона сиёсий ҳокимиятнинг вужудга келиши натижасида 4 ҳокимлик тугатилиб **1784** йил мустақил **Тошкент ҳокимлиги** ташкил топди. Анхорнинг ўнг томонида девор билан ўралган Ўрда - давлат маҳкамаси қурилган, унда хон қароргоҳи, девонхона, зарбхона жойлашган. Ўрдани ҳарбий қисм қўриқлаган.

Тошкент ҳокимлиги худуди кенгайиши. Юнусхўжа 1796 йил Чимкент, Сайрам ва ўнлаб шаҳарларни, 1799 йил Туркистондан Чу дарёсигача ва Қоракўл мавзеини Тошкентга қўшиб олди. Юнусхўжа ўзига тобе бўлган Катта қозоқ жузи қабилаларини бошқаришни ўша уруг бошлиқларига топшириб, қозоқ бийларидан ўзига таянч яратди. Юнусхожа қозоқлар, айниқса Қоракесак бўлиси султони **Букей** билан яқин алоқада бўлган. Чунки Букей султон ва унинг ўгиллари Тошкент ва рус қарвонларини қароқчилардан ҳимоя қилиб, кузатиб борган. Юнусхўжа кўшинида Катта жуз қабилалари асосий кучни ташкил этиб, Кўқонга қарши урушда жонбозлик кўрсатган.

Тошкент давлати Кўқон ва Бухорони Оренбург ва Сибир билан боғловчи қарвон йўллари ўтадиган Туркистон, Чимкент ва Сайрамни ўз қўлида тутиб, Марказий Осиё билан Россия савдосида етакчи бўлишга интилади. Бу ҳол Кўқон билан Бухоронинг Тошкентга муносабатининг кескинлашувига олиб келди. Катта Қозоқ жузи устидан Тошкент ўз

таъсирини кучайтириши Қўқоннинг мавқеини чегаралаб қўйди. Чунки Фаргонани Россия билан боғловчи асосий савдо йўли Тошкент орқали ўтар эди. Қўқон хони **Олимхон** 1799 йил Тошкентга юриш қилди. Юнусхожа 1799 йил Чирчик бўйидаги Қорасув мавзеида Қўқон хони Олимхонга зарба бергач, Сирдарё ўнг соҳилидаги Қурама мавзеини қўшиб олди.

Тошкент шаҳрини ўраган деворнинг узинлиги 18 чакирим бўлиб, 10 минг хонадон яшаган. Тошкент Россия, Қошғар ва Хитой билан савдо қилган. Юнусхожа даврида 2 хил пул: рупия ва танга зарб қилинган (5 танга 1 рупияга тенг бўлган). Шаҳар назорати ва солиқ йиғиш *Бошчихожанинг* қўлида эди. Ҳокимнинг 4 та маслаҳатчиси бўлиб, шаҳар савдосини қози ва девонбеги назорат қилишган. Раис шарият қонунларини, бозордаги нарх ва ўлчовларни назорат қилган.

Тошкент - Россия савдо муносабатлари XVIII аср охири - XIX аср бошларида ривжланди. Тошкентлик савдогарлар Б.Исмоилов ва Азизхожа 1786 йил Ирбит ярмаркасига боришган. Троишдан 1787 йил Тошкентга 27773 сўмлик рус ва немис мовути, қизил чарм, газмол, мис, бахмал келтирилган. 24 кишидан иборат Тошкент савдо қарвони 1795 йил сентябрда Семипалатинск шаҳрига келгани ҳужжатларда қайд этилган.

XVIII асрнинг 90-йилларида Раҳматулла қарвонбоши раҳбарлигидаги Тошкент савдогарлари доимо Петропавловскка катнаб турганлар. Тошкент-Россия элчилик муносабатлари ривожланишига Тошкентнинг қулай географик ҳолати ижобий таъсир кўрсатган. Юнусхожа 1792 йил Сибирга борган Муҳаммадхожа ва Азизхожа бошлиқ Тошкент савдо қарвони орқали Сибир маъмуриятига мактуб жўнатади ва бу савдогарларга Сибир маъмурияти билан музоқоралар олиб бориш ваколатини берган эди.

Юнусхожанинг элчиларига жавобан Сибир маъмурияти 1794 йил Безносиков ва Бурнашевларни Тошкентга жўнатади, бироқ улар Бухородан қайтиб кетади. Сибир маъмурияти 1796 йил иккинчи бор юборган элчиларни Ўрта қозоқ жузи Қоракесак бўлуси султони Букейнинг ўгли Эшим Султон Тошкентга кузатиб келади. Тошкент элчилари 1803 йил Санкт-Петербургга бориб император **Александр I** қабулида бўладилар.

Тошкент мустақиллиги тугатилиши. Тошкент-Қўқон ўртасида кураш муҳити ҳукм суриб, Юнусхўжа Қўқон хонлигида марказий ҳокимиятга бўйсунитишни истамаган бекликлар ва вилоятлар билан иттифок тузишга ҳаракат қилган. Қўқон хони Тошкентни бутунлай бўйсундириш йўлини тутиб, асосий жанг 1800 йил кузида Сирдарё бўйидаги Ғурумсарой (Наманган) яқинида бўлган. Тошкент қўшини енгилган. Юнусхожа 1803 йил вафот этгач, ўгли **Султонхўжа** тахтга ўтиради. Қўқон хони Олимхон бунини эшитгач, Тошкентга қўшин юборади. Тошкент **1810** йил Қўқонга қўшиб олинади. Тошкент мустақиллиги бутунлай барҳам топди.

2-§. XIX аср биринчи ярмида Қўқон хонлигида ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт

Ички вазият кескинлашуви. Олимхон ҳокимиятни марказлаштириш мақсадида **ички ислохотлар** ўтказди: диний раҳнамо унвони - «эшон»ни

бекор қилди; камбагал ва каландарларга ер ва чорва бериб, меҳнатга жалб қилди; диний арбобларни имтиҳон қилади ва ёлгончилиги фош бўлганларни жазолайди. Олимхоннинг марказлашган ҳокимият тузиш ҳаракатлари айрим қабила бошлиқлари норозилигини кучайтирди.

Уламолар ва марказий ҳокимиятнинг кучайишидан норози кучлар Олимхонга қарши фитна уюштирди. Улар 1810 йил Хон Тошкентдаги исённи бостириш учун кетганлигидан фойдаланиб «Олимхон Тошкентда ўлди» деган миш-миш тарқатиб, тахтга укаси Умархонни ўтказди. Олимхон бундан хабар топиб, Қўқонга қайтаётганида отиб ўлдирилади.

Умархон (1810-1822) акаси Олимхон даврида Фаргона ҳокими эди. У Андижон ҳокими *Раҳмонқулбий*нинг қизи Моҳларойим (**Нодира**)га уйланган. Фаргоналик тарихчи *Муҳаммад Ҳаким* Умархон даврине энг яхши подшолик даврларидан бири сифатида тавсифлаган. Умархон дастлаб Бухоро билан ўрнатган дўстона муносабатлар Жиззах ва Ўратепа учун азалий кураш оқибатида яна узилиб қолди.

Қўқон кўшини қозоқ ва қирғизларга муваффақиятли юриш қилиб Катта ва қисман Кичик жуз ўрдалари бўйсундирилди. Сирдарё бўйидаги Янгикўргон, Жулек, Қамишқўргон, Окмасжид, Қўшқўргон истехкомларини қурилди ва Туркистон шаҳрини ўз тасарруфига олди. Улар Марказий Осиёни Россия билан боғловчи муҳим савдо йўлида жойлашган эди.

Муҳаммад Алихон (1822-1841, Мадалихон) Умархоннинг ўгли бўлиб, унинг даврида Қўқон хонлиги худуди анча кенгайди. У Фаргона жанубида ўтроқ тожиклар яшайдиган Қоратегин, Дарбоз ва Кўлобни бўйсундирди. Мадалихон бошқарувининг сўнги даврида у кўнгли тусаган ишни қила берди. Отаси давридаги обрўли аъёнларни сургун ва қатл қилди, айримлари Бухорога қочди. Ғалаёнлар кучайиб, қолган амалдорлар хонни тахтдан агдаришга тайёрланди. Руҳонийлар хонни турли ахлоқсизликда ва шариатга қарши жиноятларда айблаб, унга қарши очиқ тарғибот олиб боришди.

Мадалихон 1841 йил ўз укаси **Султон Маҳмудхон** фойдасига тахтдан воз кечди. Мадалидан норозилар хонга қарши очиқ курашиш учун етарли кучга эга бўлмагани сабабли, ўз элчиларини Бухорога **Амир Насрулло** ҳузурига юбориб, ёрдам сўрадилар. Насрулло кўшини 1842 йил Қўқонни босиб олди. Мадалихон ва аъёнлари тутиб олинди. Насрулло буйругига биноан Мадалихон ва онаси Нодирабегим қатл этилди.

Амир Насрулло истилосидан кейин сиёсий аҳвол. Насруллонинг Қўқондаги ноиб *Иброҳим додхоҳ* аҳолини Қўқондаги солиқларга кўшимча Бухорода жорий қилинган солиқларни ҳам тўлашга мажбур қилиши натижасида 1842 йил кўзголон кўтарилиб, қипчоқлар ёрдамида Насруллонинг Қўқондаги ҳукмронлиги тугатилди. Қўқоннинг мустақиллиги тиклангач, тахтга Норбўтабийнинг укаси Ҳожибекнинг ўгли **Шералихон** (1842-1845) ўтирди. Қўқонликларга ёрдам берган қипчоқлар йўлбошчиси **Мусулмонқул** мингбоши лавозимни эгаллади. Насрулло яна юриш қилиб Қўқонни 40 кун камал қилди. Бироқ Хива хони Оллоқулихоннинг Бухорога ҳужуми туфайли Бухорога қайтишга мажбур бўлди.

Шералихон даврида солиқ ундириш кучайиши аҳолининг норозилигини келтириб чиқарди. Муҳим лавозимларни эгаллаб олган

кипчоқлар давлат ишларида ўз ҳукмронлигини ўтказишга; ўзбек, киргиз ва тожикларнинг таъсирини камайтиришга уриндилар. Қўқонга кўплаб кипчоқлар кўчиб келиб маҳаллий аҳолининг уй-жойини, мол-мулкини ола бошлагач кипчоқларга нисбатан норозилик кучайди.

Мусулмонкул 1845 йил солиқларнинг огирлигидан Ўшда кўтарилган кўзголлонни бостириш учун юборилди. Исфара ҳокими 1845 йил Самарқандда яшаётган Олимхоннинг ўгли **Муродхон**ни олиб келиб тахтга ўтказди ва Шералихон ўлдирилади. Мусулмонкул Наманганга келиб қизини Шералининг ўгли Наманган ҳокими 13 ёшли Худоёрга никоҳлаб бериб, Мурдхонни қатл эттирди. Мусулмонкул куёви **Худоёрни Хон** (1845) қилгач, кипчоқлар ҳукмронлиги бошланди. Қипчоқлар Қўқонга ёппасига кўчиб келиб маҳаллий аҳолини ҳайдаб чиқарди ва уйларига ўрнашиб олди. Давлат бошқаруви Мусулмонкулнинг қўлида эди.

Қипчоқлар сугориш иншоотларини эгаллаши ва маҳаллий аҳоли сув учун солиқ тўлай бошлаши, маҳаллий аҳолининг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди. Қўзғолон хавфи тугилгач Мусулмонкул рус қўмондонлиги вакили Вельяминов-Зернов билан махфий учрашди. Худоёрхон бундан чўчиб қайнотаси Мусулмонкул ва кипчоқлар ҳукмронлигига барҳам беришга қарор қилди. Худоёрхон Тошкентдан чақирилган қўшин билан 1852 йил 9 октябрда кипчоқлар қиргинини уюштирди. Мусулмонкул қатл этилди, кипчоқлар мулки мусодара қилиниб, аҳолига сотилди.

Қўқон хонлигида иқтисодий ҳаёт

Сунъий сугориш маҳоратини Қўқон хонлигида аҳоли мукаммал эгаллаган эди, сувдан оқилона фойдаланарди. Хонликда асосий қишлоқ хўжалиги экини бугдой эди. Шунингдек мева, сабзовот, полиз экинларининг барча тури етиштирилган. Чорвачиликда маккажўхори ва беда етакчи ўринда турган.

Хонликда пахтачилик алоҳида ўрин эгаллаган. Фаргона водийсида кўпчилик дехқонлар пахтакор бўлиб, пахтачилик йилдан йилга ривожлана борди. Пахта экин майдонларининг янада кенгайишига Россиянинг Марказий Осиёдан, аввало Қўқондан пахта сотиб ола бошлаши сабаб бўлди. Қўқон савдогарлари Россияга серкатнов бўлиб қолишининг сабаби пахта савдосига бож бекор қилиниши эди.

Ер эгалигининг: 1) Амлок ерлари. 2) Хусусий мулк ерлари. 3) Вақф ерлари каби шакллари мавжуд бўлган. Хонликдаги бутун ер давлатники бўлиб, хусусий ер эгалари ерга эмас, ердан олинадиган маҳсулотга ва шу ерда қурилган иморатларга эгалик қилган. Мулкларнинг кўпчилиги 30-60 сотих бўлган.

Ерлар ишлов бериш учун дехқонларга ижарага берилар эди. Дехқонлар хон ерларида ҳам меҳнат қилар эди. Хон ерларида ишлаш учун мажбуран сафарбар этилганлар сони 10 мингга етарди, улар мардикор деб аталарди. Чорикорлар - хусусий ерларда ҳосилнинг 1/4 қисми учун ёлланиб ишловчи ерсиз, от-уловсиз табақа. Корандалар - ҳосилнинг 1/4дан 1/2 қисмигача ерларни ижарага олиб, ўз меҳнат қуроллари билан ёлланиб ишловчилар.

Солиқ ва мажбуриятлар. Асосий солиқ – хирож, экин тури ва экин экиладиган ер майдонига қараб, ҳосилнинг 1/3-1/5 қисмигача белгиланар эди. Кўчманчи халқлардан олинадиган закотнинг тури кўп бўлиб, асосийлари «кўра боши», «тутун ҳақи», «йигим солиқ» деб аталган. Кўчманчи чорвадорлардан «Кўра боши» закоти моли бошига ва кўрасига қараб қишда моллар кўраларда турганда йигиб олинган. «Тутун ҳақи» закоти баҳорда янги ўтлоқларга кўчишдан олдин хонадон бошига биттадан кўй билан олинадиган солиқ (закот). «Йигим солиқ» - закот тўламайдиган бойлар ва уларнинг қариндошлари бекка берадиган 9 буюмдан иборат инъомлари йигими.

Меҳнаткаш халқ деярли ҳамма нарса учун солиқ тўлар эди. Чунки ҳамма кўрик ерлар, чакалакзорлар, тўкайлар, дарахтзорлар, кўллар, яйловлар хоннинг ихтиёрида эди. Аҳоли қалъа деворларини таъмирлаш, истеҳкомлар қуриш, каналлар казиш, ариқларни тозалаш, йўл қурилишига сафарбар этиларди.

Хунармандчиликнинг Кўкон хонлигида: мискар, заргар, ўймакор, кулол, коғозгар, тўқимачи, дўппи тикувчи, каштачи, кўприксоз, темирчи, новвой, аравасоз, бохмалбоф, бўйрачи, дорикаш, деворзан, дегрез, кўнчи, милтиксоз, найзагар, панжарасоз, пиллакаш, пўстиндўз, такачи, паранжидўз, чевар, гиламчи каби турлари бўлган.

Олтин маъдани Косонсой (Наманган)дан, Қоратог шимолидаги Кўкрев дарёсидан, Чирчиқ ва Чотқол дарёлари бўйларидан олинган. Самарқанддаги каби коғоз жувозхонаси Кўкон шахрининг Мўйи муборак дарвозаси орқасида макбара ёнида жойлашган.

Савдо. Кўкон шахрида якшанба ва чоршанба кунлари бозор бўлган. Кўкон хонлигининг иқтисодий ҳаётида Бухоро, Хива хонликлари, Қашгар, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон ва айниқса Россия билан савдо қилиш катта ўринни эгаллаган. Қошгар билан олиб борилган савдо фақат Кўкон орқали бўлар эди. Кўкондан Қашгаргача юкланган от қарвони 14-20 кун йўл юриб, Қашгарга темир, қизил чарм, ипак ва ипдан тўқилган матолар, олтин олиб борилган. Кўкон қарвонсаройларида Ҳиндистон, Тибет, Қашгар, Бухоро, Афғонистон, Россиядан олиб келинган моллар айирбошланарди.

Кўкон хонлиги шаҳарлари

Кўкон хонлигидаги шаҳарлар бир-биридан аҳолиси, мадраса ва масжидларининг сони, маҳсулотининг сифати билан фарқ қиларди. У ёки бу шаҳарнинг аҳамияти унинг стратегик мавқеи билан белгиланарди. Катта шаҳарларга хоннинг ўғиллари ёки яқин қариндошлари ҳоким этиб тайинланарди.

Кўкон шахрига оид маълумотлар тарихий манбаларда X асрдан бошлаб учрайди. Кўконнинг ёши 2000 йилдан ортик бўлиб, маълумотларда «Хўқанд», «Ҳавоқанд» деган номлар билан қайд этилган. «Ҳавоқанд» - гўзал,

ёқимли, хушманзара, шамол шаҳри, деган маъноларни англатади. Қўқонни маҳаллий аҳоли “Хўқанди латиф” ёки “Қўқон” деб атаганлар.

Қўқон шаҳри XVIII - XIX аср биринчи ярмида Марказий Осиёнинг йирик шаҳарларидан бири эди. Қўқон шаҳри девор билан ўралиб, маъмурий жиҳатдан 12 даҳага бўлингани учун 12 дарвозали бўлган, шаҳарда 30 минг аҳоли яшаган. XIX аср ўрталарида 38-100 та хужраси бўлган Мадалихон, Норбўтабий, Жоме, Ҳожим Ойим, Хожа додхоҳ, Мингойим мадрасалари алоҳида ажралиб турган.

Марғилон (Маргинон) шаҳрига бундан 2000 йил аввал асос солинган. Марғилон номи тахминан “Майсазор”, “Ўтзор” деган маънони англатади. “Бобурнома”да Фарғонадаги 8 та шаҳардан бири Марғилон эканлиги, унинг ободолиги, ширин мевалари, “донойи калон” деган анори, “субҳоний” навли ўриги макталган. Марғилон Буюк ипак йўлида жойлашгани учун хунармандчилик гуллаб-яшнаган, унинг атлас тўқиш тури ниҳоятда ривожланган, атлас Марғилонни жаҳонга машҳур қилган. Марғилон илм-фан маркази ҳам бўлиб, ҳуқуқшунос Бурхониддин Маргинонийни етказиб берган. Марғилон Қўқон хонлиги даврида пилла сотиладиган асосий бозор маркази эди, шаҳарда кўплаб пиллакашлик ва шойи тўқиш устахоналари бор эди. 2007 йил Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги нишонланди.

Андижон Марказий Осиёнинг машҳур шаҳри бўлиб, «Буюк Ипак йўли»да бунёд этилган. Манбаларда шаҳар номи «анди», «адок» каби уруғ атамалари билан богликлиги айтилган. Араблар босқини даврида шаҳар Андукон дейилган. Андижон XV асрдан Фарғона водийси марказига айланиб, Бобур даврида хўжалик, фан ва маданият равақ топган. Бобур «Бобурнома»да Андижон ҳақида «Ошлиги вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Самарқанд ва Кеш кўргонидин сўнгра мундин улугроқ кўргон йўқтур. 3 дарвозаси бор, 9 тарнов сув кирар» деб ёзган. Қўқон хонлиги ташкил топгач Андижон шаҳри Андижон беклигининг маркази бўлиб, XIX аср ўрталарида 4 даҳага бўлинган, ҳар даҳанинг қозиси, мингбошиси бўлган, даҳалар оқсоқол бошлиқ маҳалаларга бўлинган.

Наманган шаҳри хонликнинг йирик шаҳарларидан бири бўлиб, унинг номи манбаларда XVII асрдан бошлаб учрайди. 1620 йил Фарғонанинг қадимги пойтахти Ахсикант зилзила туфайли вайрон бўлгач аҳоли Наманган атрофига кўчиб ўтган. Наманган туз кони («намак кон») яқинида қурилган бўлиб, XVIII асрда Қўқон хонлиги ҳудудига кирган. Наманган беклик маркази бўлиб, аҳолиси хунармандчилик билан шугулланган. Наманганда 1819-1822 йй. Янги ариқ канали қазилган. Наманган шаҳри 1842-1845 йй. баланд девор билан ўралган.

Тошкет Марказий Осиёнинг қадимий шаҳарларидан бири бўлиб, 2009 йил 2200 йиллиги нишонланган. У турли даврда Чоч, Шош, Бинкат номлари билан аталиб, XI асрдан Тошкент деб атала бошлади. Тошкент 1503 йил Шайбонийлар давлати таркибига киритилди. XVI асрда шаҳарда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, Бароқхон ва Кўкалдош мадрасалари бунёд этилди. Тошкент 1723-1758 йй. кўчманчи жунгорларга тобе бўлди. Сўнг Тошкентда 4 та мустақил ҳокимлик қарор топган. 1784 йил 4 ҳокимлик

тугатилгач, шаҳар 1810 йилгача Юнусхўжа барпо этган Тошкент ҳокимлигининг маркази бўлди.

Тошкент 1810 йил Қўқон хонлиги таркибига кўшиб олингач, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ўрта асрларда яшаган Зайниддин бобо учун янги мақбара бунёд этилди. Юнусхўжа қароргоҳи Эски Ўрда бузилгач, янги - Қўқон Ўрдаси бунёд этилди. Тошкент халқаро савдо йўлида жойлашгани учун хунармандчиликнинг турли соҳалари юксак ривожланган. Чорсу шаҳар ҳаётининг маркази бўлган. Тошкентнинг хўжалик ҳаёти қишлоқ аҳолисининг фаолияти билан боғлиқ эди.

Қўқон хонлигида маданий ҳаёт

Умархон ва маданий муҳит. Қўқон, Маргилон, Андижон, Наманган, Тошкент шаҳарлари Қўқон хонлигининг савдо-хунармандчилик ва маданият марказлари бўлган. Қўқон шаҳрида 120 та мактаб, 40 та мадраса ва масжид, Маргилонда 80 та мактаб, 10 та мадраса ва масжид фаолият юритган. XVIII - XIX аср биринчи ярмида бу ерда илм-маърифатда машҳур ижодкорлар етишиб чиқди.

Қўқон хони Умархон XIX аср бошларида вужудга келган илмий-маданий муҳитнинг асосчиси, маърифатпарвар ҳукмдор ва шоир эди. Қўқон илмий-маданий муҳитининг ривожидида Умархоннинг умр йўлдоши, шоира Нодирабегимнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди. Умархон Амирий тахаллуси билан шеърлар ёзган, унинг атрофида 70 дан ортиқ шоир йигилган. Амирий ўзбек ва форс тилларида ижод қилган; газаллар девони 1882 йил Истамбулда, 1905 йил Тошкентда чоп этилган.

Фазлий Намангоний Умархон амри билан 1821 йил 63 шоирнинг шеърларини ўз ичига олган «Мажмуайи шоирон» тўпламини тузган. 10 минг мисрадан ортиқ ўзбек, форс-тожик тилидаги газал, мухаммас, туюқ жанрларидаги шеърлар тўпланган девон яратилган.

Махмур (Махмуд, XVIII аср охири - 1844) Қўқондаги Мадрасаи Мирда ўқиган, кейин кўшинда сипоҳилик қилган. Махмурнинг ҳажвий шеърлар девонида 69 асар (3717 мисра) жамланган. Махмур ижтимоий ҳажвияни юксак поғонага кўтаради, ҳажвий асарларида халққа жабр етказган амалдорларни танқид қилади. «Ҳапалак» шеърида Ҳапалак қишлоғидаги манзарани акс эттирсада, аслида бутун хонликдаги манзарани ифода этади.

Гулханий (Муҳаммад Шариф) 1770 й. Тожикистоннинг Тавилдара туманида тугилиб, бошланғич таълимни қишлоғида олган, у муҳтожлик туфайли Наманганга келиб мардикорлик қилган. Қўқонда яшаб ҳаммомда гўлаҳ (ўт ёқувчи) бўлиб ишлагани учун «Гулханий» тахаллуси билан ижод қилган. Гулханий ўзбек адабиётида поэзияга масални мустақил жанр сифатида биринчи бўлиб киритган. Гулханийнинг «Зарбулмасал» асарида ахлоқий-таълимий аҳамиятга эга «Маймун ва Нажжор», «Туя билан Бўталок», «Тошбақа билан Чаён» каби масаллар ўрин олган. Асардаги Яполоққуш ва Бойўгли, Кўркуш ва Ҳудхуд, Кулонқир султон ва Малик

шоҳинлар образи оркали жамиятдаги иллатларни, ҳукмрон табакаларнинг халққа зулмини, халқнинг огир турмушини очиб берган.

Увайсий, Жаҳон отин (1779-1845) Маргилонда маърифатли оилада тугилган, отаси ўзбек ва тожик тилида ижод қилган; оиладаги муҳит Увайсийда ижод қобилиятини юзага чиқарди. Умархон Маргилон ҳокими бўлиб турган йилларда (1806-1807) Увайсий эл орасида шоира сифатида танилган эди. Унинг истеъдоди Нодирани ром этган. Умархон тахтга ўтиргач, Увайсий Қўқонга таклиф этилган, у ёшларга мураббийлик қилган. Увайсийдан 4 та лирик девон, 3 дoston мерос бўлиб қолган.

Нодира, Моҳларойим (1792-1842) Андижонда тугилган, отаси Андижон ҳокими Раҳмонқулибий бўлиб, Олимхоннинг тоғаси эди. Умархон Маргилонга ҳоким этиб тайинлангач Нодирага уйланган. Моҳларойим ўзбек ва тожик тилларида Нодира таҳаллусида 180 шеър жамланган девон, Комила таҳаллусида 19 газал, Макнуна таҳаллусида 333 газалдан иборат девон ёзган. Нодира шеърятини асосини лирика ташкил этиб, ундан 10 минг мисрага яқин лирик адабий мерос қолган. Нодира Навоий, Ғолибий ва Бедил газалларига мухаммаслар ёзган. (Нодира ўз даврда ишланган миниатюрада тасвиланган)

Бобораҳим Машраб (1640-1711) Наманганда тугилган исёнкор шоир, 7 ёшида саводи чиккан, 15 ёшидан тасаввуфни эгаллаган, 18 йил дунёни кезган. Машраб асарлари тўпланган девон ҳақида манба топилмаган бўлсада, ундан «Девонаи Машраб», «Девони Машраб», «Эшони Машраб» номли қўлёзма ва тошбосма шаклдаги қиссалари қолган. Машраб динга шак келтирганликда айбланиб 1711 йил ганимларининг игвоси билан Балх ҳокими *Маҳмудбий Қатогон* томонидан ўлимга ҳукм этилган. (Машраб расмини Ўзбекистон халқ рассоми Д.Имомов чизган).

Тарихнавислик, санъат ва меъморчилик

Тарихий асарлар Қўқон хонлигида XVIII-XIX асрларда кўплаб яратилган. *Абдулқарим Фазлий Намангоний* Умархон топширигига биноан 1822 йил 5000 байтдан иборат тарихий «Умарнома» достонини. Фазлий Намангонийнинг «Мажмуаи шоирон» тазкирасида унинг ижтимоий қарашлари ўз ифодасини топган.

Саройда қозинаскар лавозимида ишлаган *Мирзо Қаландар Мушириф Исфарангий* Умархон маслаҳати билан «Шоҳномаи нусратпаём» (Ғалабадан хабар берувчи шоҳнома) тарихий асарини ёзган.

Тарихчи *Муҳаммад Ҳакимхон Тўра ибн Сайид Маъсумхон* (1802-1870) она томондан Норбўтабекнинг набираси бўлиб, Муҳаммад Алихон даврида қувгинга учраган. Маъсумхон Россия ва Шарқ мамлакатларига саёҳат қилиб, умрининг охирида Шаҳрисабзда яшаб, «Мунтахаб ут-таворих» (Сараланган тарихлар) асарини ёзган. «Мунтахаб ут-таворих» Бухоро, Қўқон тарихига доир муҳим манба бўлиб, Марказий Осиё халқларига оид маълумотлар мавжуд.

Тарихчи *Мулла Ниёз Муҳаммад Ҳўқандий* (1802-1872)дан «Тарихи Шоҳрухий» асарини ёзган. Асарда 1872 йилгача олим гувоҳи бўлган

воқеаларни баён қилади. Умархон давридан 1872 йилгача бўлган воқеалар ҳақида *Жунайд Мулла Аваз Муҳаммад Мулла Рўзимуҳаммад ўғли* «Тарихи жаҳономаи» асарини ёзган. Тошкентлик *Муҳаммад Солиҳнинг* «Тарихи жадидаи Тошканд» (Тошкентнинг янги тарихи) асари XV-XIX асрлар Туркистон, Тошкент, Қўқон тарихи илмий нуқтаи назардан ёзилган қимматли асардир.

Тарихчи *Мулла Али қори Қундузий* 1822-1848 йиллар тарихи ҳақида «Таворихи манзума» асарини ёзган. Шоира ва тарихчи олима *Дилшоди Барно* «Тарихи муҳожиран» (Муҳожирлар тарихи), «Сабот ул-башар ма тарихи муҳожирон» (Инсон матонати ва муҳожирлар тарихи) каби тарихий асарлар ёзган.

Хаттотлик санъати ва меъморчилик ҳам Қўқонда ривожланган. Муҳаммад Латиф, Мирзо Шариф Дабир, Абулғозихожа каби хаттотлар китоб кўчиришда машҳур бўлган. Хорижий шоҳ ва элчиларга нафис кўчирилган китобларни тортиқ қилиш одатга айланган эди. Бухородан бир гуруҳ *бинокорлар* таклиф этилиб, қурилган машҳур бинолар Мадрасайи Мир (Норбўтабий мадрасаси), Дахмайи Шоҳон ансамбли, Норбўтабий дахмаси сақланиб қолган.

Умархон Туркистон ва Оролдан Еттисувгача эгаллаб, Оқмачит (Қизил Ўрда), Авлиёота (Жамбул), Пишпак (Бишқак) қалъаларни бунёд этди. Қўқон хонлигида: Норбўтабий, Мадалихон, Камол қози, Тунқотар, Ҳаққули мингбоши, Миён ҳазрат, Моҳларойим, Ҳаким Тўра, Хонхожа эшон, Хожабек, Бузрукхўжа, Пирмуҳаммад ясовул, Охунд девонбеги, Мингойим, Жоме *мадрасалари* қурилган.

Тошкентда XIX аср биринчи ярмида Баракхон ва Кўкалдош мадрасалари қайта таъмирланди. Шайх Ховонду Тохир меъморий мажмуаси ҳозирги кўринишда шакллантирилди; Зайниддин бобо учун янги макбара қад кўтарди. Юнусхўжа қароргоҳи бўлган Эски Ўрда бузилгани сабабли янги марказ - Қўқон Ўрдаси бунёд этилди.

Таянч сўзлар: Чодак, Қўқон хонлиги, Минглар, Тепакўргон, Шохрухбий, Эрдонабий, Олимхон Умархон, Нодирабегим.

Х-боб. Ўзбек холикларининг халқаро муносабатлари.

1-§. XVI – XVIII асрларда халқаро муносабатлар

Хуросон - рақобат майдони. XVI асрда Осиёда учта сиёсий куч: Мовароуннаҳрда шайбонийлар, Эронда сафавийлар, Ҳиндистонда бобурийлар кураш майдонига чиққан эди. Бу уч сулола манфатлари Хуросонда тўқнашди. Хуросон ҳарбий-сиёсий, савдо-иқтисодий жиҳатдан муҳим ўрин тутар эди, чунки Хуросон - Мовароуннаҳр, Эрон ва Ҳиндистон йўналишида ўзига хос дарвоза вазифасини ҳам ўтар эди.

Хуросонни назорат қилиш масаласида шайбонийлар ва сафавийлар ўртасида кескин кураш кетган. Хуросон масаласида Шайбонийхон, Убайдуллахон, Абдуллахон даврида *шайбонийлар* устунлик қилган. Кейинчалик *сафавийлар* қўли баланд келиб, Хуросонни Мовароуннахрдан ажратиб ташлашга муваффақ бўлганлар.

Бухоро ва Бобурийлар давлати муносабатлари. Шайбонийлар билан бобурийлар ўртасида XVI асрда элчилик муносабатлари ўрнатилди. Унга *Кўчкунчихон* ва *Бобур* асос солган эди. *Абдуллахон II* бобурий *Акбаршоҳ* ҳузурига 4 марта элчи юборган. Акбаршоҳ элчиси 1586 йил Бухорога келган. Элчилик муносабатларида икки давлатнинг Хуросон билан боглик ўз манфаатлари масалалари муҳокама қилинган. Шунингдек, Ҳиндистонга меъморлар, минатюрочи рассомлар юборилган. Икки мамлакат ўртасида савдо алоқалари йўлга қўйилган.

Бухоро ва Ҳиндистон ўртасидаги элчилик муносабатлари Акбаршоҳнинг ўгли *Жаҳонгиршоҳ* (1605-1627) ва Бухоро хони *Имомқулихон* даврида давом этган. Бобурий *Шоҳ Жаҳон* (1627-1658) даврида Ҳиндистон-Бухоро муносабатларида *кескинлик* юз берди. Бу Бухоро хони *Нодир Муҳаммадхон* ва ўгли *Абдулазиз* ўртасидаги низо билан боглик бўлиб, Нодир Муҳаммад тахтдан қувилгач Балхга қочади ва Шоҳ Жаҳондан ёрдам сўрайди. Шоҳ Жаҳон ёрдамга эмас Балхни босиб олиш учун келганини тушуниб етган Нодир Муҳаммад Эронга қочади. Абдулазизхон 1645 йил Балхни камал қилгач, ҳинд қўшинлари қайтиб кетади. *Аврангзеб* Оламгир (1658-1707) Бухоро хонлари *Абдулазизхон* ва *Субҳонқулихон* билан элчилик ва савдо алоқаларини давом эттирган.

Марказий Осиё хонликларининг Афғонистон билан алоқалари. Ўрта Осиё давлатларининг энг яқин қўшниси 1747 йил ташкил топган мустақил Афғонистон давлати эди. Бухоро ва Афғонистон ўртасидаги муносабатлар дўстона руҳда бўлмаган. Бунга икки давлат ҳам Амударё жанубидаги ўзбекларни ўз тасарруфида тутушга уриниши сабаб бўлган. Амударё жанубидаги ўзбекларнинг ерларини босиб олиш учун 1751 йил Афғонистон ҳукмдори **Аҳмадшоҳ** (1747-1773) қўшин юборади. Амударё жанубидаги кичик ўзбек бекликлари ўзаро урушлар туфайли заифлашиб Афғонистон вассалига айланиб қолган. Балхни афгон гарнизони эгаллайди ва Аҳмадшоҳнинг *ноиб*и бошқаради.

Маҳаллий ўзбеклар 1768 йил афгонлар зулмига қарши кўзголон кўтарган, кўзголончиларни Бухоро кўллаб-қувватлайди. Аҳмадшоҳнинг ўзи келиб кўзголонни бостиради. Афгонлар зулмига қарши ўзбеклар 1789 йил яна кўзголон кўтаради. Бухоро яна кўзголончиларга амалий ёрдам кўрсатади. Афғонистон ҳукмдори **Темуршоҳ** (1773-1793) Балхга қўшин тортади. Бирок Бухорога қарши юришга юраги дов бермай сулҳ тузади. Темуршоҳ Бухоро билан *шартнома* тузишга мажбур бўлди. Шартномага кўра *Амударё* ҳар икки давлат ўртасидаги чегара деб тан олинди. Бухоро-Ҳиндистон савдо алоқаларида Кобул шаҳри алоҳида ўрин тутган. Афғонистонга Россия товарлари Бухоро орқали олиб борилган.

Қўқон ва Хитой муносабатлари дўстона эмас эди: 1) Син империяси 1755-1759 йилларда Шарқий Туркистонни бўйсундириб Қўқонни кучсизлантиришга уринарди; 2) Қўқон хонлиги Шарқий Туркистонда ўз

ҳоқимиятини ўрнатишга интилиб, чегарасини кенгайтираётган эди. Айниқса XIX аср 20-йилларида Қўқон-Хитой муносабатлари янада кескинлашувига, шарқий туркистонликларнинг *Жаҳонгирхўжа* бошчилигида 1825 йил Син империясига қарши миллий озодлик курашига Қўқон хон **Муҳаммад Алихон**нинг аралашуви сабаб бўлди.

Хитой 1829 йил Қўқоннинг Шарқий Туркистонда савдо қилишини тақиқлади, марказий осиелик савдогарларни хайдаб, мулкларини мусодара қилди. Қўқон хони Муҳаммад Алихон бунга жавобан шарқий туркистонликларнинг Хитойга қарши озодлик кураши раҳбари Жаҳонгирхўжа ва унинг укаси *Юсуфхўжа* ихтиёрига *Ҳаққули* бошчилигида қўшин жўнатди. Юсуфхўжа Қашгарни эгаллаб, Ёркентни эгаллаш учун ҳарбий ҳаракатни давом эттиради. Хитой ҳукумати ташвишга тушиб Юсуфхўжага қарши катта қўшин юборади. Қўзғолончилар сафида бирлик йўқлиги ҳамда Қўқон-Бухоро муносабатлари ёмонлашиб Қўқон ўз қўшинини чақириб олиши туфайли Юсуфхўжа мағлубиятга учрайди. Юсуфхўжа енгилгач Шарқий Туркистонни ташлаб чиқиб Фаргона водийсига келади, у билан 70 минг уйгур оиласи ҳам қўчиб келади.

Қўқон ўз чегараларини Шарқий Туркистон томон кенгайтириш сиёсатини давом эттирди. Син империяси молиявий кийинчилик туфайли Қўқонга қарши очиқ уруш олиб боришга қодир эмас эди. *Хитой-Қўқон шартномаси* 1832 йил Пекинда имзоланган. Унга кўра Қўқон Жаҳонгирхўжа авлодларини Шарқий Туркистонга ўтказмаслик мажбуриятини олган. Шартномага кўра Хитой Шарқий Туркистонда қўқонлик савдогарларга ҳуқуқлар берган: 1) улар фаолиятини тақиқлашни бекор қилган. 2) бож тўламасдан савдо қилиш ҳуқуқи берилган. 3) улардан тортиб олинган мол-мулкларни эвазига Қўқон хонига товон тўлаган. 4) ўрта осиелик савдогарлар тўлайдиган тўловларни олиш ҳуқуқи Қўқон хонлигига берилган.

Ўзбек хонликлари ва Россия империяси муносабатлари

Савдо алоқалари. Рус ва Марказий Осиё савдогарлари узок замонларда Волгабўйи орқали савдо қилишган. XVI асрда йирик давлатлар дунёни бўлиб ола бошлаган даврда Россия Қозон, Астрахан, Сибир хонликларини забт этгач Россия ва ўзбек хонликлари бир-бирига қўшни бўлиб қолади. Бу ҳодиса Россия ва ўзбек хонликлари муносабатларини янада ривожлантиришга имконият яратди. Марказий Осиёнинг савдо-ҳунармандчилик доиралари Россия билан савдони ривожлантирди. Чунки Россияда ипак, пахтадан тўқилган матоларга талаб катта эди. Россиянинг мовут, темир, мис, мўйна, чарм ва бошқа моллари Марказий Осиёда харидоргир эди.

XVII асрда элчилик муносабатлари. Бухоро хони **Имомқулихон**нинг элчиси Одамбий 1619 йил Москвага боради ва подшо **Михаил Ромонов** қабулида бўлади. Михаил Ромонов Одамбий билан биргаликда Бухорога Иван Хохлов бошчилигида элчиларни юборади. Хохловни Имомқулихон қабул қилади. Рус подшоси илтимосига биноан ўз саройидаги 23 нафар рус асирларини озод қилади. И.Хохлов Бухорода 1620-1622 йй. бўлиб, Бухоронинг ички ва ташқи сиёсати ҳақида маълумотлар тўплайди. У қимматли совгалар билан Москвага кузатилади. XVI-XVII асрларда Бухоро

ва Хива хонликларига Россиядан 12 марта элчилар келишган. Москвада 1583-1600 йилларда Бухоро элчилари 5 марта, Хива элчилари 2 марта бўлишган.

Россия империяси тазйиқи кучайиши. XVIII асрдан Россиянинг ўзбек хонликлари билан муносабатларида тазйиқ ўтказиш устунлик қила бошлайди. Россиянинг савдо алоқаларида камситиш сиёсатининг бошланганлиги, табиий бойликларга кўз олайтириш, стратегик мақсадларни рўёбга чиқариш кайфияти устун бўла бошлади. **Пётр I** Хива ва Бухоро хонликлари сиёсий жиҳатдан Россияга тенг давлатлар эмас, деб ҳисоблаб тазйиқ ўтказа бошлади.

Хонликлардаги ички сиёсий аҳвол ҳамда 1700 йил Хива хони **Шоҳниёз**, 1709 йил тахт вориси **Муҳаммад** Хивани Россия тобелигига қабул қилишни сўраши, Пётр I амалда хонликларга тазйиқ ўтказа бошлашига қулай шароит яратиб берган эди. Пётр I Хива хонига жўнатган ёрлигида: “Шоҳона мурувват кўрсатиб, хоннинг жамики нарсалари билан бирга, абадий тобелигимизга оламиз” деб ёзилган эди. Пётр I нинг нияти амалга ошмай қолишига Хивада бошланган ички урушлар ва Россиянинг «Шимолий уруш» билан бандлиги сабаб бўлди.

Амударё соҳилидаги кумлар олтинга бойлигини Хива элчиси Хожа Нафас 1713 йил Астраханга келганда рус маъмурларига, Санкт-Петербургга боргач подшо Пётр I га айтади. Пётр I ўзбек хонликларига кириб бориш режасини тузиб, 2 та ҳарбий экспедиция: 1) Александр Бекович-Черкасский раҳбарлигида; 2) капитан Иван Бухгольц раҳбарлигида ташкил этади. Бекович-Черкасский ҳарбий экспедицияси катта кўшин билан 1717 йил Хива хонлиги худудига етиб келади, ҳарбий тўқнашувлар бўлади, Шергозихон А.Черкасскийни қабул қилади ва қириб ташлайди.

Пётр I уюштирган экспедициянинг ҳалокати Хива-Россия муносабатларини кескинлаштириб юборди. Бухгольц экспедицияси 1715 йил Тоболдан Иртиш бўйлаб Ёркентга йўл олади, Ямишчев кўлида бўлиб, у ерда истехком куради. Бухгольц гуруҳи калмоқлар ҳужумига учраб, орқага чекинишга мажбур бўлади. Бухоро хони **Абулфайзхон** Пётр I ни шведлар устидан галабаси билан қутлаб 1717 йил элчи Қулибекни Пётр I ҳузурига юборган ва Бухорога элчи юборишни сўраган.

Пётр I бунга жавобон 1721 йил Ф.Беневени элчи қилиб жўнатади. Унга: Шарққа борадиган сув ва куруқлик йўлларини ўрганиш, рус савдосини кенгайтириш, Бухорони Россия билан иттифок тузишга ва рус гвардиячиларини таклиф қилишга кўндириш, қаерда олтин борлигини аниқлаб харитага тушириш, қалъа ва кўшини, ички ва ташқи аҳволни, Бухоронинг Эрон ва Хива билан муносабатини аниқлаш вазифаси юклатилган. Ф.Беневени Бухорода тўплаган маълумотларни Санкт-Петербургга очик ва шифрланган хат орқали жўнатиб турди, у Бухорода 3,5 йил турди ва 1725 йил Петербургга қайтиб келди.

Қозокларнинг Кичик, Ўрта, Катта жуз султонлари ўртасида XVIII аср биринчи чорагида ўзаро кураш кучайди. Натижада ночор аҳволга тушиб, ташқаридан ёрдам сўради. Кичик жуз султони Абулхайр Россия тобелигига ўтиш истагини билдириб 1730 йил элчи жўнатади. 1732 йил Кичик жуз, 1739-1740 йй. Семекехон бошчилигидаги Ўрта жуз, 1747 йил Катта жуз

Россия тобелигига ўтади. Қозоқ жузларининг Россия тобелигига ўтиши натижасида Россия учун Марказий Осиёни ўз таъсирига бўйсундириш йўлида қулай имконият юзага келади.

Сенат котиби И.Кириллов бошчилигида 1734 йил ҳарбий гуруҳ тайинланади. У «Орол денгизида Россия байрогини кўтариш», «Бухоро ва Ҳиндистонга» борадиган йўлни очиши, олтин конларини излашни давом эттириши лозим эди. Кириллов гуруҳи 1735 йил Ор дарёси бўйида Ор қалъасини (кейинчалик Оренбург шаҳри вужудга келади), Ёйиқ ва Иртиш соҳили (Сибир)да истеҳкомлар курди.

Россия савдо-иқтисодий алоқаларида Марказий Осиё хонликларининг аҳамияти XVIII аср иккинчи ярмидан янада ортишига: 1) Россияда ривожланаётган саноат учун хомашё манбалари топишга интилиш. 2) Осиёда, хусусан Ҳиндистонда Англия таъсирининг кучайиши сабаб бўлган.

XVIII аср охири XIX аср бошида рус сармояси Марказий Осиё бозорида етакчи ўринни эгаллади. Инглиз моллари Россия орқали олиб келинар эди. Нижегород ярмаркасида Рус савдогарларидан ташқари ўзбек хонликлари, Эрон ва Ҳиндистондан келган савдогарлар ҳам қатнашган. XIX аср бошларида Россия ўзбек савдогарлари учун катта имконият яратди: баъзи чеклашлар бекор қилинди, Россиянинг ички шаҳарларида ҳам савдо қиладиган бўлишди.

XIX аср биринчи ярмида Марказий Осиё учун Буюк Британия - Россия рақобатчилиги

Рақобат сабаблари. XIX аср биринчи ярмида Буюк Британия ва Россия ўртасида Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари ҳудудлари учун рақобат кучайиб, кескинлашиб кетди. Рақобатчилик кучайишига сабаб: 1) Марказий Осиё ҳисобига янги мустамлакаларга эга бўлишга интилишлари. 2) молларини сотиш ва даромад олиш учун Марказий Осиё бозорларини эгаллаш истаги. 3) Марказий Осиёнинг бой хомашё манбаларигага эга бўлишга уриниши эди. Бу омиллар дунёдаги икки йирик мустамлакачи давлатлар манфаатларининг тўқнашувига олиб келди.

Инглизлар Ҳиндистонда ўрнашиб, Ост-Индия (Шарқий Ҳиндистон) компанияси орқали Марказий Осиё томон силжишга уриндилар. Уларнинг мақсади Россиянинг ўзбек хонликларидаги таъсирини йўққа чиқариш ва хонликларни ўз таъсир доирасига олишдан иборат эди. Буюк Британия хонликларнинг ички ва ташқи аҳволини, уларни боғлаб турган йўлларни аниқлаш, хонлар билан алоқа ўрнатиш мақсадида ўзбек хонликларига махсус экспедициялар юбора бошлади. Экспедициялар зиммасигага маҳаллий нуфузли кучлар билан алоқа ўрнатиш вазифаси ҳам юклатилар эди.

Инглиз экспедицияси 1825 йил февралда У.Муркрофт бошчилигидаги Бухорога етиб келди. Экспедиция таркибида 70 та киши бўлиб, улар олиб келган 80 сандиқ турли хил моллар Бухоро қушбегисига кўрсатилган. Инглизлар Бухорони ўрганишга, маҳаллий ҳукмдорлар орасида инглизларга тарафдор гуруҳни шакллантиришга муваффақ бўлган эди.

Россия инглизларнинг Бухородаги ҳаракатидан ташвишланиб, ўз норозилигини Бухоро амири **Ҳайдарга** билдиради. Россия ҳукмрон доираларида борган сари Марказий Осиёни босиб олиш кайфияти кучайиб

борди. Россия 1826 йил полковник Ф.Берг бошчилигида Устюртга экспедиция юбориб Марказий Осиёга борадиган йўллари янада аниқроқ белгилаб олди.

1831 йил инглизларнинг Марказий Осиёга *иккинчи марта* элчилигига лейтенант Александр Бёрнс бошчилик қилган. Бёрнс қўлида ҳинд ва афгон савдогарларининг тавсияномалари бўлиб, у 1832 йил Бухорога кириб келиб ўзини арман савдогари деб танитади ва Бухоро қўшбегиси билан алоқа боғлайди. Буюк Британия Ҳиндистон билан Марказий Осиё ўртасида савдо алоқаларининг кенгайтишига ўзининг хонликларидаги таъсирини қарор топтиришнинг асосий йўли деб қарар эди, шунинг учун Англия ҳинд савдогарларининг ўзбек хонликлари билан савдо қилишига ёрдам берди. Инглизлар ҳинд савдогарларига қарз ва инглиз молларини бериб турди, инглиз моллари Марказий Осиёда Россия моллари нархидан арзон сотилар эди. Бёрнс катта разведка маълумотлари тўплади, унинг миссияси Марказий Осиёда инглиз савдосининг ривожланишига ёрдам берди.

Буюк Британия 1839 йил Афғонистонга ҳарбий ҳаракат бошлаганида Россия - Буюк Британия муносабатлари янада кескинлашган. Чунки Афғонистон босиб олинса навбат Марказий Осиёга келиши мумкин эди. Ҳиротда 1839 йил ўз қароргоҳини ташкил қилган инглиз разведкасидан капитанлар Ж.Эббот, Ч.Стоддорт, Конолли, Р.Шекспирлар ўзбек хонликларига келиб маълумотлар тўплади. Россия бундан ташвишга тушиб 1839 йил Оренбург губернатори Перовский бошчилигида Хивага **биринчи** ҳарбий юриш бошлади, бироқ муваффақиятсизликка учради.

Хонликлар ва Россия муносабатлари кескинлашуви. Россия ўз таъсирини мустақамлаш учун 1847 йил хонликларга борадиган йўлда 2 та истехком: 1) Аралск шаҳри (Сирдарё) яқинида Раим истехкоми. 2) Етисув Олатогидаги Копол истехкоми қурдирди. Бу Россия - Марказий Осиё муносабатлари кескинлашувига сабаб бўлди. Бу истехкомлар қурилиши Россия сиёсатида ҳарбий йўл билан Ўрта Осиёни ишғол этишнинг бурулиш рўй берганлигининг исботи эди.

Хива хони Оренбургга ва 1847 йил Петербургга подшо ҳузурига ўз вакилини юбориб, дўстона яшашни ва Раим истехкомини бузиб ташлашни илтимос қилган. Бироқ қўзланган мақсадга эриша олмади. Хиванинг қурол кучи билан истехкомни йўқ қилиш йўлидаги уринишлари натижа бермади, чунки рус гарнизони яхши қуролланган эди.

Қўқон - Россия муносабатлари ҳам кескинлашиб **Худоёрхон** Николай I га элчи юбориб, Қўқонда жамоат тартиби тикланганлигини, савдо йўллари яхши қўриқланаётганлигини, рус савдогарлари учун хавф йўқлигини, айни пайтда Раим истехкоми қурилганидан норози эканини маълум қилади. Николай I жавоб мактубида Қўқонда тартиб ўрнатилганидан мамнунлигини билдириб, истехком Россия ҳудудида қурилганлиги ва бу ҳудудда тинчликни, савдо қарвонлари осойишталигини таъминлашга хизмат қилади, деб Раим истехкоми бузулмаслигини «асослаган» эди. Россия-Қўқон муносабатлари Қўқон қалъаси бўлган Оқмасжидни Россия босиб олиши маълум бўлгач янада кескинлашди.

Марказий Осиё хонликлари Россияга қарши қурашда Буюк Британияга суяниши мумкин бўлган эҳтимол ўзини оқламади. Англия Афғонистонда

мағлубиятга учрагач Россия-Англия муносабатларида ўзгариш юз бериб, Буюк Британия Россия билан келишишга қарор қилди. Келишувга кўра Россия Марказий Осиё билан чекланиб, Ҳиндистонга чиқиш ниятидан воз кечди, Англия эса Россиянинг Марказий Осиёда олиб борган сиёсатига қаршилик қилмайдиган бўлди. Афғонистон эса Буюк Британия ва Россиянинг Осиёдаги мустамлакалари ўртасида уларни ажратиб турувчи худуд сифатида эътироф этилди. Яққаланиб қолган Марказий Осиё хонликларини фақат ўзаро иттифоқлиги сақлаб қолиши мумкин эди. Россия босқини хавфи ҳам хонликларни бирлаштира олмади, улар ўртасида ўзаро зиддият кучлили эди, натижада хонликлар Россия истилоси қурбони бўлди.

2-§. Ўзбек хонликларининг тараққиётдан орқада қолиш сабаблари

Жаҳон тараққиёти. Ғарбий Европада саноат ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоғига айланиб, XVI аср ўрталаридан тўқимачилик, қозғоз, шиша ишлаб чиқарида меҳнат тақсимооти ва қўл ҳунари техникасига асосланган корхона - мануфактура (лотинча: манус - қўл, фактура - тайёрлаш)лар вужудга келди. XVIII аср иккинчи ярмида асбоб-ускуналарни ҳаракатга келтирувчи буг машинаси (мотор) ихтиро қилинган асосий ишларни машиналар бажарувчи фабрика- заводлар вужудга келди. Буг машинаси билан ҳаракатланувчи паровоз, пороход, чўян ва пўлат олувчи домна печлар яратилди, темир йўллар қурилди.

Саноатнинг ривожланишида йирик бой табақаларнинг ташқи савдодан, мустамлакалардан, мануфактурадан орттирган бойликлари саноатни ривожлантириш учун сармоя сифатида қўйилиши муҳим омил бўлди. Энг муҳими ҳўжалик юритиш учун зарур бўлган машиналарни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва оғир саноат вужудга келди.

Бу жараён жаҳонда нотекис борди ва ўзбек хонликлари ҳам тараққиётдан орқада қолиб бориши ҳақида И.Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўк» (1998) асарида: «бу миллат XVII-XIX асрларга келиб то шу чокқача эришган юсалиш даражаларидан тушиб кетди? Аждодларимиз қаттиқ қаршилик қилишига қарамай, чор Россиясининг ўлкамизни нисбатан осон забт этишида ана шу қоқоқликнинг ҳам ўрни бўлмаганмикан?» - деган эди.

Қолоқлик сабаблари. Бутун мамлакат ва аҳолининг 3 га бўлиниб кетиши, хонликлар ўртасидаги урушлар хонликларни орқада қолишга маҳкум этди. Вилоят ва туманларни, ҳатто бутун мамлакатни ҳар бир хонлик ичидаги ҳокимият учун ички кураш, ўзаро низолар, бошбошдоқлик, игво-фасод авж олиши хонавайрон қиларди.

Ўзбек хонликларида асрлар давомида ўзгармай келаётган давлат идора усули тараққиётга гов бўлиб қолган эди. Хонликлар ўртасидаги ўзаро урушлар, этник низолар туфайли ёки зўрлик билан уруг-қабила жамоаларини бошқа жойларга кўчирилиши этник гуруҳбозликни келтириб чиқариб, аҳолини бир бутун халқ бўлишига халақит берарди. Давлат ва вилоятлар даражасида ҳам ягона халқ, ягона Ватан тушунчасининг қадри англаб олинмади. Одамларни, Туркистонни, халқни **бирлаштириш ғояси** остида уюштира оладиган йўлбошчи, сиёсий куч топилмади.

Хонлар ва сарой амалдорлари ишлаб чиқарувчи кучлар ривожига халакит бераётган эски ишлаб чиқариш усулини ҳимоя қиларди. Хонликларнинг асосий бойлиги бўлган **ерга эгалик** қилишнинг, мулкчиликнинг эски усули асрлар давомида ўзгармасдан келарди. Ернинг эгаси хон эди, хонга алоҳида хизмат кўрсатгани учун бир ховуч кишиларга ер ҳадя қилинарди. Дехқон ерни авайлашдан, унинг унумдорлиги ошишидан манфаатдор эмас эди, чунки ерни ижарага олиб ишловчи дехқон ернинг эгаси эмасди, шунинг учун у бошқа жойларга кетаверарди.

Аҳоли огир солиқлардан, гайриқонуний йигим ва мажбуриятлардан азоб чекарди. Турмуш даражаси паст бўлиб, аҳоли истеъмол учун энг зарур бўлган тор доирадаги оддий буюм ва маҳсулотлар билан қаноатланишга мажбур эди. Ишлаб чиқариш асосан истеъмолга йўналтирилган бўлиб, иқтисодийнинг ўсиши учун туртки бўлолмасди. Дехқончилик ночор аҳволда бўлиб, ерга ишлов бериш эскича-бир жуфт хўкиз, сўка-омоч даражасида қолиб кетган эди. **Суғориш ишларига** аҳамият пасайиб, сугориладиган ер майдонлари қисқариб борарди.

Хонликларда **саноат** ишлари ривожлантирилмади. Рангли металллар, олтингугурт, мрамар, тошқўмир, нефт конлари мўл бўлсада, уларни излаб топиш ва тоғ-кон ишларини йўлга қўйишга эътиборсизлик қилинди. Ўлкада йирик дарёлар бўлсада балиқчиликни саноат даражасига кўтариш, кемасозликни йўлга қўйишга эътибор берилмади. Ўзаро урушлар туфайли Хонликларда товар-пул муносабатлари ривожланмади, савдода ҳамон мол айирбошлаш тарзи давом этарди, жаҳон бозоридан ажралиб қолди, хонликлар ўртасида ягона ички бозор ҳам ташкил топмади.

Қолоқлик оқибатлари. Иқтисодий ва ҳарбий ночорлик, ижтимоий-сиёсий беқарорлик Марказий Осиёни босиб олишга интилаётган давлатларга қўл келди. А.Қодирий “Ўтган кунлар” романида Юсуфбек ҳожи тилидан: “Мақсадлари жуда очик, биттаси мингбоши бўлмокчи, иккинчиси Нормухаммаднинг ўрнига ўтирмокчи.. Шу ҳолатда кетадиган бўлсак подшо истибдоди Туркистонимизни эгаллар”- деган. И.Каримов “Ўксак маънавият – енгилмас куч” (2008) асарида: “Бу ҳаётнинг шафқатсиз қонунияти бор, тарихнинг бурилиш палласида ҳар қандай миллат ва элат аҳил бўлмаса озодлигидан жудо бўлиши шубҳасиз” - деб айтган.

Таянч сўзлар: Буюк Британия, Ост-Индия, Россия, Перовский, Раим, Копал, Оренбург, Оқмасжид, Мухаммад Алихон, Жаҳонгирхўжа, Юсуфхўжа, Ҳаққули, Қашгар, Ёркент, Қозоқ жузлари, саноат, товар-пул.

IV-бўлим: ЧОР РОССИЯСИ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошлари

XI-боб: XIX аср ўрталарида Ўзбек хонликларининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти

1-§. Ўзбек хонликларининг сиёсий тузumi ва давлат бошқаруви

Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. Мамлакат учга бўлиниб кетгач сиёсий-иқтисодий пасайиш даври бошланиб, бу ҳолат XIX асрнинг ўрталарида

хатарли тус олди. Шу даврда Европа мамлакатларида давлат бошқарув усули янгиланиб, фан-техника ўса бошлади, мудофаа кувати Шарқдан устун эди. Учала хонлик бирлашмаганлиги, ўзаро иттифоқ тузмаганлиги, илгор техника билан куролланмаганлиги, Ўзбек давлатчилигини халокатга яқинлаштириб, хонликлар дунёдан узилиб қолишига сабаб бўлди.

Хива хонлиги *Раҳимхон II* даврида бирмунча ривожланиб, туркий давлатлар билан алоқалар кучайди. Хонликларда ўзаро карама - каршилиқ зўрайиб, душмандан химояланишнинг заифлашуви Россия учун босқинчилик юришини бошлашига имконият тугдирди. Хонликларда бошқарув эскича бўлиб, силжиш сезилмасада, бироқ шу даврнинг акс-садолари Уйғониш даврининг вакиллари – *жадидлар* бўлди¹.

Хонликларнинг *асосий бойлиги ер* ҳисобланиб, даромад асосан деҳқончиликдан келар эди. Катта ер майдонлари давлат тасарруфида бўлиб, жасорат кўрсатган ёки хоннинг ишончини қозонган амалдорларга ер ажратиб берилган.

1) Давлатга қарашли ерлар *амлоки подшоҳий, амлоки султоний* дейилган. Давлат ерларидан ижарага ер олган деҳқонлардан солиқ маҳсулот ёки пул тарзида ундирилган. Энг кўп солиқ ижарага берилган ер ва хусусий ер эгаларидан ундирилган.

2) Хусусий ер меросий бўлиб, *мулки холис* дейилган.

3) *Вақф мулки* маориф ва маданиятни ривожлантиришда асосий моддий таянч ҳисобланиб масжид, мадраса харажатлари учун ишлатилган. Вақф мулки мутавалли томонидан бошқарилган. Талабаларга моддий ёрдам эҳсонлар эвазига тушган даромаддан берилган.

4) Учала хонликда ҳам қисман *қишлоқ жамоа ерлари* бўлиб, қишлоқ оқсоқоллари назоратида бўлган. Қишлоқ жамоа ерларида мол боқилган, балиқ овланган, ўтин терилган, уй-жой қурган.

Хива хонлигида *ер эгаллиги* Кўкон ва Бухородан фарқ қилиб, ерларнинг катта қисми хон ва унинг яқин қариндошларига қарашли эди. Хон ва унинг қариндошларига қарашли ерлардан деҳқонларга ижара ер ажратиб берилган. Хива хонзодаларига қарашли ерлар хусусий ҳисобланиб, улар хазинага солиқ тўламаганлар.

Хонликларда *сув ишлари* билан мироб шугулланиб, саройда бош мироб лавозими мироббоши дейилган ва улар давлат маслаҳатчиси вазифасини ҳам бажарган. Мироббошининг сарой ва вилоятлардаги ёрдамчилари мироблар эди. Хонликларнинг асосий сув манбаи Амударё ва Сирдарё ҳисобланган. Амударё сувининг Нил, Ҳинд, Дажла, Сэтлаж дарёлари сувидан ҳам минералларга бойлигини олим В. В. Цинзерлинг текширган.

Давлат сиёсатида сув таъминотида сиёсий тус берилган. Сунъий каналлар казишда биринчи бўлиб хон, кейин мироббоши ишни бошлаб берган. XIX асрда ҳам Мухаммад Хоразмийнинг математикага оид асарларидан каналлар казишда фойдаланилган. Хоразмликлар иккита хавф остида яшаганлар, бу хавф - ташқи душман ҳужуми ва Амударё тошқини.

¹ Қаранг: Раҳимов Ж. Туркистоннинг чор Россияси томонидан забт этилиши. “ЎЗПФИТИ”, Т., 1990.

Кўкон хони мингбошиси Мусулмонкул: «кимки ер олмоқчи бўлса, арик қазисин» - деб, халққа муурожаат қилган.

Дехқончилик хонликларда қишлоқ хужалигининг асоси бўлиб, бошоқли экинлар етиштиришга жиддий эътибор қаратилган. Ҳар бир оилада шахсий ер бўлиб, деҳқон оилалар ҳосилнинг 1/5 қисмини солиқ тариқасида тўлаган. Деҳқонлар пахтани оила ва бозор эҳтиёжи учун етиштирган. XIX аср ўрталарида асосий пахтачилик ҳудудлари Бухоро, Фарғона, Шахрисабз, Янги Урганч, Хозарасп, Каттакўргон бекликлари ҳисобланган.

Туркистонда пиллачилик қадимдан ривожланган соҳа ҳисобланган. Ипакчилик билан Фарғона, Бухоро, Хозарасп, Гурлан, Каттакўргондаги хўжаликлар шугулланишган. Шоликорлик билан Қуйи Амударё, Самарқанд,, Миёнқол водийси, Гурлан, Қўшкўпир бекликлари аҳолиси шугулланишган. Қарши ва Каттакўргонда тамаки етиштирилган. Жўхори етиштириш ва полизчилик кенг ривожланган. Эрон, Россия, Гарбий Европа давлатларига қорақўл жўнатилар эди.

Хунармандчилик қадимдан шаҳарлар ҳаёти ривожланишида меҳнат тақсимотининг муҳим тури ҳисобланган. Хонликларда сифатли мато тўқиш муҳим ўринда турган. Пахтадан калава ип тайёрлашда ўтроқ аҳоли билан бирга ярим кўчманчи аҳоли ҳам шугуллана бошлади.

Хонликларда хунармандчиликнинг: кулолчилик, этикдўзлик, пўстиндўзлик, нонвойлик, темирчилик, дурадгорлик, заргарлик, қандолатчилик, каштачилик тармоқлари ривожланган соҳалар ҳисобланиб, шу номда аталган кўча ва маҳаллалар бўлган. Маҳалла ва гузарлар хунармандчилик номлари билан аталишининг сабаби ихтисослашишнинг кучайганлиги эди. Шаҳарларда буюм яшашнинг маълум бир турига ихтисослашган хунармандчилик кенг ривожланган. Қадимдан хунармандлар ҳурматга сазовор ва шаҳар ҳаётида таъсири кучли бўлиб, халқ ҳаракатларига бошчилик қилганлар.

Хунармандчиликнинг ихтисослашган соҳалари бўйича: Ургут ип, олача; Хозарасп милтиқ яшаш; Чўст ва Ҳисор пичоқлар тайёрлаш; Маргилон ва Бухоро шойи, бўз ва атлас тўқишда машҳур бўлган. Йирик устахона эгасининг вазифаси: бир неча хунармандчилик соҳалари устидан назорат қилар ва маҳсулот сифатини текширган. Оқсоқол хунарманднинг вазифаси жамоаларнинг тартиб-қоидалар асосида иш бажаришини текшириб турувчи ваколатли киши бўлган. У хом ашёларни хунармандларга тақсимлаш, шогирдлар тутиш ишларига жавобгар бўлган. Шогирдларга эл катхудолари фотиха бериб, ускуна билан таъминланган ва мустақил ишлашга руҳсат этилган.

Чорвачилик билан шугулланувчи туманларда ҳисори ва қорақўл кўйлар кўплаб боқилиб, қорақалпоқларда қорамол, туркман овулларида қўй, туя, йилқи, боқиш катта ўрин тутган. Кўчманчи қабилаларда аёллар жундан намат тайёрлаган, арқон, калпоқ, гилам ва палос тўқиган.

Шаҳарлар - Шеробод, Каттакўргон, Наманган, Янги Урганч шаҳарлари XIX асрда ҳудудий ва аҳоли нуфузи жиҳатдан анча кенгайди. Бухоро амирлигидаги Қарши шаҳрининг аҳамияти орта борди. XIX аср ўрталарида Бухоро шаҳрининг мавқеи ошди, шаҳарда: 38 та қарвонсарой, 9

та тим, 16 та ҳаммом, 45 та бозор бўлган. Гиждувон шаҳрида кўй ва моллар сурув-сурув ҳолда олди-сотди қилинган. Каттакўргон бозорига Шаҳрисабз ва Қаршидан кўй подалари келтириб сотилар эди.

Кўкон хонлигида Кўкон ва Тошкентдан ташқари хунармандчилик, савдо ва маданий аҳамиятга эга бўлган Андижон, Наманган, Маргилон, Хўжанд, Чимкент, Хавос, Зомин, Ўратепа шаҳарлари нуфузи ўсиб борди. Аҳолиси 100 мингга яқин бўлган Тошкент Ўрта Осиёдаги йирик шаҳарлардан ҳисобланиб, 310 масжид, 15 та карвонсарой, 11 та катта ҳаммом, 5 та йирик бозор бўлган.

Хива хонлигида XIX асрга келиб Янги Урганч шаҳрининг савдо тармоқлари ривожланиб, бу шаҳардан карвонлар Россия, Бухоро. Эронга жўнаб кетарди. Хазорасп, Шоҳобод, Қўнгирот, Хўжайли, кўҳна Урганч, Тошҳовуз, Гурлан, Хонқа шаҳарларида хунармандчилик, тижорат авж олиб бозорларида қозоқ, туркман, қорақалпоқ ва форс савдогарлари савдо қилган.

Тоғ-кон саноатида янги техника хонликларда амалиётга жорий қилинмай, Европадан орқада эди. Рангли металлар: олтин Қоратегин ва Фаргонадан; кўрғошин ва кумуш Ўратепа, Андижон, Бухоро, Шайхжалил тоглари, Қўхандарё водийсидан; мис Қоратов, Оҳангорон ва Шайхжалил тоғларидан казиб олинган. Ўқ-дори учун хом-ашё Қарши вилояти, кўҳна Урганч, Жумабозор, Ўратепа ва Чиноз ҳудудидаги конлардан олинар эди. Кўкон хонлигида оз миқдорда нефт қайта ишланган. Уч хонликда ҳам мисдан тўп қуйилган.

Хонликлардаги бозорларда махсус назоратчилар харидор ҳақида хиёнат қилган сотувчиларга бозорнинг ўзида жазо бериб, ярим ялонгоч ҳолда «Мен шайтон йўлига кириб, харидорни алдадим» - деб, кичкиришга мажбур бўлган. Ташқи савдо Россия империяси билан алоҳида аҳамиятга эга эди. Сотиладиган буюмларнинг асосий кўпчилиги қадимдагидек қишлоқ хўжалик, хунармандчилик буюмларидан иборат эди.

Чет мамлакатларга дипломатик ёзишмалар савдо карвонига кўшиб жўнатилган. Чор Россияга хонликлардан пахта, ипак, тери, жун, мева, туршак, кандолат маҳсулотлари юборилган. Россия империясидан металл буюмлар, тўқимачилик буюмлари келтирилган. Рус савдогарларига бемалол хонликларда эркин савдо қилишларига шароит яратиб берилган.

Хонликларнинг сиёсий тузуми ва давлат бошқаруви

Бухоро амирлиги ҳудуди, аҳолиси ва иқтисодий жихатдан алоҳида ўринда туриб, исломий мафқураси жихатидан бошқа хонликларга ҳам таъсир қилган. XIX аср ўрталарида Бухоро амирлигининг ҳудуди 200 минг км² квадрат, аҳолиси 3 млн. кишига яқин бўлган. Бухоро амирлигида кўчманчи туркман, қорақалпоқлар чўл зоналарида чорвачилик билан шугулланган; Шарқий Бухорода асосан ўзбек ва тожиклар яшаган.

Бухорода ҳокимият мангитлар сулоласи қўлида бўлиб, давлат ишлари бош қароргоҳ - Арқда ҳал этилар эди. Амирликдаги бошқарув усули бошқа

мусулмон давлатларидан фарк қилиб, Амир давлатни бекларга таяниб идора қилган, бошқарув мутлоқ унинг қўлида эди. Маҳаллий бошқарув ҳуқуқи 26 вилоят бекликларига берилган. Пойтахт Бухоро шаҳрини амирнинг энг яқин ёрдамчиси кушбеги – биринчи вазир идора қилган.

Амир - олий ҳукмдор, яъни чекланмаган ҳокимият эгаси бўлиб, ижроия ҳокимиятни бош вазир - кушбеги амалга оширган. Девонбеги сарой хузурида фаолият кўрсатиб, унинг маҳаллий бўлимлари молия ва иқтисодий масалалар билан шугулланган. Мирохурбоши - амир хазинасининг бош хазиначиси бўлиб, ҳарбий юришга, овга чиқиладиган отларни тайёрлашга маъсул бўлган. Бовул боши – амир ошхонасининг бошқарувчиси. Фаррошбоши - сарой озодалиги ва тартиботи назоратчиси. Баковулбоши - амир ошхонасининг назоратчиси. Закотчи - солиқ йиғиш вазифаларини бажарувчи. Мирзабоши - сарой муншиси амирлик сулоласи тарихини ёзиш, дипломатик ёзишмаларга маъсул бўлган. Қушбегийи поён, Миропоён каби вазирлар кушбеги ва амирга бўйсунган. Тўпчибоши амирнинг ҳарбий қўмондони - саркардаси.

Қозикалон (бош судья) девони - ёрлик масалалари билан шугулланувчилар шариат арбобларини мансабга қўйган ва бўшатган, шариат қоидаларини бажарилишини назорат қилган. Қозикалон девони таркибида яна терговчи маҳкамабоши, мирохур боши, таракачи - меросий низоларни шарий ҳал этувчи; мулозимлар - диний, ҳуқуқий вазифа ижрочилари фаолият кўрсатган. Раис калон девонига халифа, ноиб, дурра-даст - жазоловчи, мулозимлар, мирзалар, мирохур боши, девонбеги, таракачи, терговчи, шаҳар мироби амалдорлик мансаблари кирган.

Қуйи амалдорлар - мирзолар, (шотир, йўрга)ларнинг вазифаси амир давлат ҳудудини айланганда улар йўлларни очиб юрар, одамлардан тушган аризаларни амирга етказар эди. Шаҳар қўриқчилари бошлиги - миршаббошининг вазифаси шаҳар осойишталиги, ва тинчлигини таъминлиш, жинойятчиликнинг олдини олиш бўлган.

Амирликда турли хизматларни адо қилувчи мансаблардан: мироб - сув таъминоти бошлиги; парвоначи - амир фармойишларини эълон қилувчи; ҳудайчи - амирнинг ёнида юриб, тантаналарни бошқарувчи; шиговул - амирнинг ёрдамчи-маслаҳатчиси, хорижий меҳмонларни кутиб олувчи; танқадор - амирнинг кайфиятини кўтариб, оромини сақловчи; салом оғаси - амир мамлакатни кезганда билдирилган эҳтиромни қабул қилувчи; суфийи жилов - амир сафарга чиққанда фотиҳа-дуо қилувчи; имоми жилов – сафар пайтида амирга ривоят сўзловчи; дастурхончи - амир дастурхонини тузатувчи. Мулозимлар амирнинг назарига тушса додхоҳ, иноқ, туксабо, оталиқ, эшик оғаси каби амалдорлик унвонлари берилган.

Амир Насрулло (1826-1860) Бухорода юқоридаги тизим асосида давлатни идора қилган охириги мустақил амир бўлди. Насруллонинг вориси *амир Музаффар* (1860-1885) атиги 8 йил амирликни мустақил идора қилиб, кейин Россияга вассал бўлиб қолган.

Хива хонлиги Хоразм воҳасини буткул бирлаштириб, энг кўп аҳоли ўзбеклар эди. Яна туркман, қорақалпоқ, қозоқлар, ва қисман форс ва араблар яшаган. Хоразм воҳасининг асл аҳолиси турли туркий қавм ва қабилаларнинг бирлашмаси бўлиб, улар туркий тилда сўзлашганлар. Бухоро ва Қўқон

хонлигида давлат тили туркий ўзбек ва форс тили бўлган, Хива хонлигида туркий ўзбек тили давлат тили бўлган.

Хива хонлигининг маъмурий-худудий бўлиниши 17 та беклик ва вилоятларга бўлиниб, Бешариқ ва Қиётқўнгирот ноиблиги бўлган. Хива шаҳри бош вазир ва хоннинг измида бўлган. Пойтахт Хиванинг ички тартибини ва хавфсизлигини миршаббоши, шаҳар қозиси, тўпчибоши, Ичан ва Дишан қалъа қутволи (комендант) таъминлаган. Беклик ва ноибликларни хон тайинлаган беклар, ноиблар идора қилган.

Хива хони ижроий ҳокимиятини бош вазир ва хон девони бошқарган. Бош вазир, вазирлар, қушбеги, оталиқ, раис, қози калон, шайхулислон, мироббоши, тўпчибоши, иноқ, девонбеги, хазиначи, молия ишлари вазири, сарой муншиси, ясовулбоши, маҳрамбоши шахсан хон томонидан тайинланган. Хон айрим мансабларга номзод танлашни бош вазир, шайхулислон, раисларга топширган. Хазинанинг сарф-харажатлари ҳақида хазиначи ё хонга, ёки бош вазирга ҳисоб бериб борар эди.

Хива хонлигидаги энг катта мансаб ва унвонлар иноқ, оталиқ ва бий бўлиб, иноқ, оталиқ ва бий даражасига кўтарилганлар, хатто солиқлардан озод қилинган. Бий хоннинг ишончини қозонса унга оталиқ, иноқ унвонлари берилган. Қуйи Амударёда яшовчи қорақалпоқ овулларида маҳаллий бошқарув урф-одатлар асосида амалга оширилган.

Кўқон хонлиги Ўрта Осиёдаги катта худудни эгаллаб, шимолда Россия, гарбда Хива, Жанубда Бухоро давлатларига чегарадош бўлиб, таркабига Сирдарёнинг ўнг соҳилидан Олатовгача, Хўжанд, Тошкент, Ўратепа ва Фаргона водийси кирган. Кўқон хонлигида 3 млн. атрофида аҳоли яшаб, асосан ўзбек, қирғиз, қозоқ, тожиклар эди; камроқ бўлсада қорақалпоқ, уйгур, қипчоқ, туркий қавмлар яшаган. Андижон, Кўқон, Тошкент шаҳарларида аҳоли зич яшаган.

Суд ишлари уч хонликда ҳам рухонийлар кўлида эди. Ҳуқуқ - тартибот масаласи билан қозилар, муфтилар, раислар; шариат ва ахлоқ қоидаларини ҳамда тош-тарозуни текширувчи мансабдорлар шугулланган. Ҳукмдор хонликка қарши ҳаракатларни очишга бошчилик қилиб умрбод зиндон, ўлим жазосига ҳукм қилган. Ҳукмдор аралшмайдиган даражадаги судлов ишларига шариат-паноҳ - қози калон раҳбарлик қилган.

Амирликда Қози калон ҳузурида таъсис этилган Девон - Аълам ва 12 муфтидан иборат бўлиб, улар жинорий ишни тугаллаш учун қарор тузиб берган. Жойлардаги судлов ҳокимияти туман, беклик, шаҳар қозиларикўлида эди. Ҳуқуқ-тартибот ишлари билан миршаблар ҳам шугулланган.

Хонликларнинг ҳарбий ҳолати. Хонликларни Россия босиб олиши кун тартибига қўйилаётганлиги ҳақидаги Англия ва Туркиянинг махфий хабарлари маълум қилинганда, Хива ва Кўқон чора кўриш заруратини тушундилар. Бухоро бу ҳаракатни йўққа чиқарди.

XIX аср иккинчи ярмида Бухоронинг ҳарбий ҳолати мунтазам кўшин 8200 сарбоз, 52 юқори мартабали зобит, 2 отлик қисм ва алоҳида тўпчилар қисмидан иборат эди. Олий бош кўмондон тўпчибоши бўлиб, ҳарбий ҳаракат пайтида катта ваколатга эга бўлган. Аниқ нишонга олувчи, химиявий усулда портловчи снарядлар учала хонликда ҳам кашф қилинмаган эди.

Хива хонлигида ҳарбий тузилмалар жанговор эмасди. Замонавий артиллерия йўқ бўлиб, тўпларга тош ва гўла солиб отилган. Ёлланма туркман отлик қисмлари ҳам хизмат қилади. Хива қалъаларида сарбозлар кўшини бош кўмондони ясовулбоши эди.

Кўқондаги ҳарбий ишларга асосан Мингбоши, бекликлардаги сарбозларга Беклар кўмондонлик қилган. Уруш бораётган даврда хон энг тажрибали мингбошини Амири лашкар қилиб тайинлаган. Худоёрхон даврида лашкарбоши Амиркул Амири лашкири – Олий бош кўмондон қилиб тайинланган. Олимкул ҳарбий кучларни жанговар ҳолатга келтирди. Артиллерия қуватини оширишда Англиядан ҳарбий мутахасислар чақирилади. Россия ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборгач Андижон ва Кўқондаги милтиқсозлик, Тошкентда тўп қуйиш корхоналари тугалланмай қолди. Хонликлар ўз хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳарбий – сиёсий шартномаларга эга эмасди.

Хонликларнинг солиқ тизими

Бухоро амирлигида солиқ икки хил тартибда: маҳсулот ва пул шаклида-деҳқонлардан маҳсулот тарзида, шаҳар аҳолисидан пул шаклида олинган. Ҳосилдан олинадиган солиқ Хирож дейилиб, Амин ва кишлок Оқсоқоли белгилаган. Боглар, бедазор ва полиз экинларидан Танобона ва Алаф пули солиги олинган. Чорвадор ва савдогарлар моллари миқдорининг 1/40 улушида закот солиги тўлаган. Бухоро амирлигида яна дарёдан қайиқда ўтиш учун Сув ҳақи, бозорда Жой ҳақи, уй ҳайвонлари ва чигир-жувозлардан пул ёки маҳсулот солиги олинган. Амир Насруллога қарши ҳаракатлар Шахрисабз ва Китоб беклигида кенг қулоч ёзди. Насрулло 1856 йил халқ ҳаракатини қийинчилик билан бостиришга муваффақ бўлди.

Хива хонлигида солиқлар 25 турга яқин бўлиб, булар: ердан фойдаланганлик учун салгут солиги; алгут, алгут-бирла, тўла хўжалик иш қуроллари, ҳовли ва ҳоказолар учун; милтиқ пули - мунтазам кўшин учун; тарозу пули, миробона, дарвозабон пули, мушрифона-ер майдони, ҳосил ва ҳосил миқдорини аниқловчи учун тўланадиган солиқ; Афанақ пули солиги-хон фармонни ва хабарларини етказганлик учун тўлов; шунингдек, оммавий ишлардан озод этилганлик учун, руҳонийларга тўланадиган солиқлар эди.

Кўқон хонлигида солиқлар миқдори кўпроқ бўлиб, асосан Хирож ва Закотдан иборат бўлиб, тўлаш мажбурий бўлган. Асосан солиқ тўловчи табақалар деҳқонлар, хунармандлар, чорвадорлар, савдогарлар, овчилар бўлган. Солиқ йиғиш ҳуқуқи икки хил: ҳассачи ва бекликлар ихтиёрида бўлиб, ҳассачи йиғган даромад хон хазинасига, беклик солиги бек хазинасига тушган.

Кўқон хонлигида яна: турли хил моллар ва ҳайвонлардан йиғиладиган закот; тўйлардан (қиз чиқарадиган томон) олинадиган солиқ; меросларни бўлишдан тушадиган солиқ; дўкон, карвонсарой, омборхоналардан олинадиган солиқ; дарё кечувларидан тушадиган солиқ; туз солиги; хонга қарашли ижарага берилган ерлардан олинадиган солиқ турлари мавжуд эди. Донли экинлар - шоли, бугдой, жўхоридан галланинг 1/5 миқдорида солиқ

олинган. Мевазор боғлар - узумзор, сабзавот, пахта экиладиган ерлардан солиқ микдори эгаллаган майдонига караб белгиланган.

Кўзғолонлар. Кўкон хонлигида хон фармони ва солиқлар сиёсатига турлича муносабат билдиришининг сабаби турли миллат ва қавмлар яшаганлиги учун бош кўтарганлар. Қипчоқлар 1852-1853 йй. исён қилиб, Икки сувда Мусулмонкул бошчилигида Худоёрхон кўшини билан жанг қилади. Жанг 26 соат давом этиб, кўзғолончилар енгилади, Мусулмонкул дорга осилади.

Қипчоқ-киргизлар 1854 йил яна ҳаракат бошлаб Андижон ва Маргилонни ишғол қиладилар. Рустамхон ва Мирза Мунаввар бошчилигидаги кўзғолон 1855 йил бўлиб, хон амалдорларини дорга осади. Худоёрхон ён бериб, Мирза Мунавварни Ўрдага мирзабоши қилиб тайинлайди, кейин Тошкентга жўнатиб қатл қилади.

1858 йил Туркистон, Чимкент, Тошкент вилоятларида кўзғолон содир бўлади. Тошкент ҳоқими Аҳмад Парвонанинг солиқ йиғишда ҳаддидан ошиши кўзғолонга сабаб бўлди. Кўнгирот уругидан Канабийнинг бўй етган қизлари учун солиқ ундиришда (20 сўмдан) жанжал чиқиб, Бештамга ва Чангиликлар қишлоғи аҳолиси солиқ йиғувчиларни ўлдиради. Маллабек 1000 кишилик кўшин билан 1858 йил 10 июлда Тошкентга етиб келиб, кўзғолонни тинч йўл билан ҳал қилиб, солиқларни икки марта камайтиради, кўзғолончиларга омонлик беради, бу Худоёрхоннинг ён берганлигини билдиради.

2-§. XIX аср ўргаларида Қорақалпоқлар

Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. Қорақалпоқлар Урал, Эмба, Волга, Орол бўйлари ва Сирдарё куйи хавзаларида кўчиб яшашларига ташки омиллар сабаб бўлди. Улар XIX аср бошларида куйи Амударё, Оролнинг жануб ва жануби-гарбида муқим ҳаёт тарзига ўта бошладилар. Қорақалпоқлар қозоқ ва туркманлар ҳужумига учраб Хива фуқаролигига ўтишга мажбур бўлдилар. Уларга мулк ер-давлатга қарашли ер бергани учун солиқ тўлаб, мажбурият ўтаганлар. Қорақалпоқлар ўтроқлашгач деҳқончилик асосий ўрин эгаллай борган, чорвачилик етакчи соҳа бўлиб қолаверган. Деҳқончилик қизгин пайтларда экинзорларга ўтов тикканлар.

Қароқчилар қорақалпоқ ўтовига ҳужум қилиб мол ва аёлларини олиб кетган. Балиқчилик ва овчилик ҳам муҳим ўрин эгаллаб, балиқ асосий тирикчилик манбаи эди. Шарқдан Ғарбга кетаётган савдо қарвонлари қорақалпоқлардан тузланган балиқ олиб кетган. Хунармандчилик қорақалпоқларда унчалик ривожланмаган бўлсада асосан рўзгорга зарур буюмлар тайёрланиб, ортганини бозорга чиқарган.

XIX асрда ҳам қорақалпоқларда уруг-аймоқчилик мустаҳкам тарзда давом этиб, хитой - қипчоқ, мангит ва кенагас қабилаларининг уруглари «14 уруг» арис (бирлашма)сини ташкил қилган. Кўнгирот бирлашмаси (ариси) икки қисмга: шуллуқ ва жовунгирга бўлинган. Шуллуқ 8 қабиладан иборат эди. Жовунгир қатта арис ҳисобланмаса ҳам бир қанча уругларга бўлинган.

XIX аср иккинчи ярмида ер-сув, чорва уругники ҳисоблансада уруг оқсақоллари, бийлар ва рухонийларнинг улуши катта миқдорни ташкил қилиши табақаланиш кучайишини янада тезлаштирган. Уруг таркибига кирган оилалар солиқ тўлаш ва мажбурият ўташда қарзга ботиши мулк эгаларига қарам бўлиб қолишига сабаб бўлган. Уругларини бошқариш бий ва унинг оқсақоллари қўлида эди. Бий уруг аъзоларига ҳады инъом қилган, жазолаган. Ҳар бир уруг ва қабилалардан тузилган жанговор отрядларни бошқариш учун қорақалпоқ ҳарбий бошлиқларидан ташқари Хива ҳарбийларидан юзбошилар тайинланган.

XIX аср ўрталарида бутун қорақалпоқ уругларини бошқариш, солиқлар ундириш, ҳарбий хизматни ўташ мажбуриятларига доир ишларни янада тартибга солиш мақсадида Бекларбеги тайин этилган. Айрим туманларни идора қилиш учун Амударё ва Орол бўйига Хива хони қариндошлари ва яқин кишиларини, қози ва рухонийларни жўнатиб турган. Уларга қорақалпоқ ёшларини Хива мадрасаларига жўнатиб туриш вазифаси юклатилган.

Қорақалпоқларда асосий солиқ тури ер солиғи - салгит ҳисобланиб, у овул бошига ҳисобланиб олинган. Уруш пайтларида қорақалпоқлар «қозон пули» солиғи тўлаган. Ариқ қазув мажбурияти - ҳар бир оиладан битта эркак 12 кун ишлаб берган. Уруш пайтида жамоа 2 минггача навқар бериши лозим бўлган ёки навқар бера олмаган жамоа 180-252 минг сўм йигиб берган.

Қорақалпоқларда бир уругдан қиз бериш, ундан қиз олиш тақиқланган, бошқа уругдан қиз олиб қочиш одат ҳисобланган. Ҳар бир уругнинг дафн маросими ўзига хос бўлиб, қабристонни ҳам алоҳида бўлган. Тўй ёки дафн маросимида уруг аъзолари иштирок этиши шарт бўлган. Қорақалпоқлар кўчманчиликдан ўтроқликка ўтишгача бўлган узок даврда-ҳалқ бўлиб шаклланиш жараёнида ўзига хос қадриятлар яратиб, турмуш тарзи шаклланди. «Қирққиз» каби дostonларда мардлик, Ватанга садоқат, соф севги каби гоёлар қорақалпоқ ҳаётидан ўрин олди. Қорақалпоқ ҳалқ оғзаки ижодида кулги қаҳрамони бўлган Умрбек лаққи образи орқали салбий иллатлар ҳажв қилиниб, эзгулик улугланди.

Кўзғолонлар. Хива хони *Муҳаммад Аминхон* (1845-1855) даврида Россиянинг Ўрта Осиёга ҳарбий таҳдиди кучайиб кетди. Россия туркман сардорлари, қорақалпоқ оқсақол ва бийларини Хивага қарши қилиб, хонликни парокандаликка учратишга уриндилар. Россия туркий халқларни бир-бирига қарши қўйиб, уруг бошлиқларини сотиб олиш сиёсатини ҳам ишга солди. Хива ва Бухоро ўртасида яна худудий низолар ҳам мавжуд эди.

Хива хони мудофаани ошириш учун солиқларни оширди. 1855 йил қорақалпоқлар кўзғолонига Қўлдовли қабиласидан Эрназарбий - Олақўз бошчилик қилди. Туркманлар ҳам галаён кўтарди. Эрназарбийнинг мақсади руслар таъсирида бўлган қозоқ Зарлиқни хон қилиш ва Россия паноҳида бўлиш эди. Саид Муҳаммад 1856 йил Хива хони бўлгач Эрназарбий кўзғолонини бостириш учун ясавулбоши Муҳаммадниёзни юборди. Эрназарбий ўзи қурдирган Қозоқдарё кўргонида мудофаа жангига тайёрланди.

Россия қутқуси билан 1858-1859 йй. кўзғолон кўтарган қорақалпоқ уругларининг ҳаракат маркази Кўнгирот шаҳри эди. Кўзғолончиларга ёрдам

бериш учун Рус хукумати кема кўмондони Бутаковга кўрсатма берди. Хива хони кўзголончиларни тор-мор қилишни туркман жанговор кучлари бошлиги Отамуродхонга топширди. Кўзголон бостирилди, Қўнгирот шаҳри ва атрофи вайрон этилди.

Таянч сўзлар: Қушбеги, Девонбеги, Мирохурбоши, Фаррошбоши, Баковулбоши, Закотчи, Мирзабоши, Қушбегийи поён, Миропоён, Тўпчибоши, хитой, қипчок, мангит, кенагас, «14 уруг» арис, Қўнгирот ариси: шуллуқ, жовунгир.

ХII-боб: Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олиши.

1-§. Тошкент босиб олиниши. Туркистон генерал-губернаторлиги тузилиши

Босиб олишга тайёргарлик. XIX аср ўрталарида Англия ва Россиянинг манфаатлари Туркистонда тўқнашди. Англия Туркистон ва Каспийнинг шарқий томонларини эгаллаб олишидан Россия хавфсираётган эди. XIX асрда Буюк Британия ўз тасарруфидаги Ҳиндистон ва Афғонистон орқали ўзбек хонликлари билан савдо-дипломатик алоқалар олиб борарди.

Англия айна пайтда Россия Туркистонни босиб олиб Афғонистонгача етиб келишидан хавфсираётган эди. Англиянинг асосий мақсади Россиянинг режаларини барбод қилиб, учала хонликни унга қарши бирлаштириш ва Ўрта Осиё бозорларини эгаллаш эди. Англия хонликларга махсус миссия билан 1841-1842 йй. Стоддарт ва Коннолини юборди. Уларнинг ҳарбий кучларни бирлаштириш таклифига Қўқон ва Хива рози бўлди, Бухоро амири Насрулло элчиларни қатл қилди. Россия бундан фойдаланиб 1853 йил Перовский Қўқон хонлигининг Оқмачит қалъасини босиб олди.

Инглизлар хонликларга ёрдам бериш мақсадида тўп кўйувчи муҳандисни «Мутафо» исми билан Қўқонга жўнатди. 1858 йил мартда Ҳиндистонни мустамлакаштириш ва Туркистонда савдо мақсадида махсус кўмита таъсис этди, натижада инглиз савдогарлари хонликларга келиб турди.

Россия бундан ташвишланиб, дастлабки ҳарбий ҳаракатларни Қўқон хонлигига қаратди. Россиянинг Туркистонни босиб олиш ҳаракатлари Ҳарбий вазирликда ўз ечимига эга бўлиб, режада: асосий зарбани Қўқон хонлигига бериш, Бухоро ва Хиванинг бирлашишига имкон бермаслик, улар ўртасида низони кучайтириш йўллари ўрганиб чиқилган эди. Оренбург генерал-губернаторига кўрсатма берилиб, режада Қўқонга қарашли Оролнинг шарқий қисми ва Сирдарё қуйилиши ва ўрта қисмидаги қалъалар, сўнги зарбани хонлик марказига қаратиш кўзда тутилган.

Россия фақат ҳарбий устунлик билан галаба қилишни асосий мақсад қилмасдан қавмлар ўртасига низо солиб, хонликларни кучсизлантириш чораларни ҳам кўрдилар. Туркий элатларни руслар томонига огдириб, уларни Қўқонликларга қарши ҳаракатини қўллашимиз керак, - деган фикрлар Сибирь кўшинлари кўмондони Г. Госфордга тегишли. У риёкорлик билан Қозоқлардан уруг бошлиги Султон Тезекка олтин медал ва фахрий султонлик

чопони бериб огдириб олди. Қозоқ саркардаси Султон Содик Кенисари ўгли Туркистон учун жонини тиккан.

Истилочилик босқичлари. Ўрта Осиёни босиб олиниши Россия томонидан **4 босқичда**: 1) 1847-1865; 2) 1865-1868; 3) 1873-1879; 4) 1880-1885 йилларда амалга оширилди.

1-босқичда (1847-1864) Қўқон хонлигининг шимолий-ғарбий вилоятлари ва Тошкент шаҳри истило қилинди. Босиб олинган ҳудудларда Оренбург генерал-губернотири таркибига кирувчи *Туркистон вилояти* тузилди (1865).

2-босқичда (1865-1868) Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигига қарши истилочилик ҳаракатлари амалга оширилди.

3-босқичда (1873-1879) Хива хонлиги босиб олинди (1873) ва Қўқон хонлиги тугатилди (1876).

4-босқичда (1880-1885) *туркманлар* бўйсундирилди.

Россиянинг узоқ тайёргарлиги натижасида 1864-1885 йилларда 20 йилдан ортиқ вақт давомида босқинчилик урушлари олиб борилди. Ўрта Осиё хонликлари ҳудудининг катта қисми босиб олиниб, мустамлакага айлантирилди.

Истилочилик бошланиши. Рус императори Александр II, ҳарбий вазир Долгоруков, граф Перовский, Госфорд иштирокидаги 1859 йил бўлган сарой кенгашида Туркистонни босиб олишни кучайтириш, Қўқон хонлигини «Бир ёқли» қилишга қарор қилди. Перовский Оқмачитнинг 1852 йил олишга уринган эди, бироқ мағлубиятга учради. У Оқмачитни 1853 йил 28 июлда босиб олди, мудофаада хотин-қизлар ҳам иштирок этди. 1860 йил ёзида полковник Циммерман отряди Қўқон хонлигида фаол ҳаракатларни қайтадан бошлаб Пишпакни босиб олди.

1861 йил юқори ҳарбий ва сарой амалдорлари кенгашидан сўнг Қўқонни босиб олиш Александр II нинг доимий назоратида бўлиб, Туркистонга янги кучлар сафарбар этилди, натижада Оксув, Пиштепа, Чолдевор босиб олинди. Туркистон ва Авлиё отанинг босиб олиниши, Чимкент жанги ҳақида ўлкашунос тарихчи Исҳоқхон Тўра «Тарихи Фаргона» асарида ёритган. 1864 йил 1 майда полковник Черняев Авлиё отани босиб олди. Туркистон ва Чимкент Қўқон хонлигининг муҳим таянчи бўлиб бу шаҳарларни саркарда Алимкул мудофаа қилди.

Полковник Верёвкин Туркистон аҳолиси таслим бўлмаса кириб ташлашини ва Яссавий макбарасини яқсон қилишини ультиматум тарзида қўйди. Алимкул ўз қўшинини олиб чиқиб Чимкент жангига тайёрланди. Верёвкин 1864 йил 12 июлда Туркистонни босиб олгач, Туркистон «Шайхул машойихи» - Яссавий макбарасидаги асори-атиқаларни Россияга жўнатиб юборди. Черняев ва Мейернинг Чимкентга ҳужумини Алимкул қайтаргач, жангни кузгача тўхтатиб турди. Туркистон томондан Черняев, Авлиё ота томондан Лархе 1864 йил сентябрда Чимкентга ҳужум қилиб, 22 сентябрда босиб олди. Чимкент қиргинини гувоҳи бўлган шоир Камина бу воқеани «киёмат куни» билан тенглаштирди.

Тошкент босиб олиниши

Тошкентга дастлабки хужум. Ўрта Осиёнинг «юраги» ҳисобланган Тошкентни босиб олиш Россиянинг мақсадига айланди. Тошкент атрофи узунлиги 25 чақирим, баландлиги 5-7 метр, кенглиги 2 метр девор билан ўралган. Деворининг 12 та дарвозаси бўлган: Қўқон, Қашқар, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чигатой, Кўкча, Камолон, Самарқанд, Бешогоч, Каймос. Тошкент ичида 10 минг сарбоз сигадиған қалъанинг ўртасида шаҳар ҳокими саройи бўлиб, сарой Қўқон ўрдаси дейилган. Шаҳар 4 та даҳага бўлинган: Себзор, Бешогоч, Кўкча, Шайх Ҳован Тохур. Шайх Ҳован Тохур даҳасида 48 маҳаллада ҳар хил хунармандчилик устахоналари бўлган. Тошкент шаҳри аҳоли нуфузи 200 минг кишини ташкил қилиб, 189 мачит, 10 мадраса мавжуд бўлган.

Россия ҳукумати «Тошкент масаласи»ни 1863 йил 9 мартда махсус кенгашда муҳокама қилиб, Ғарбий Сибирь ген-губернатори Дюгамелга ҳарбий жосуслик билан ўрганиш топширилди. Черняев Тошкентни босиб олишга шошилиб 1864 йил 1 октябрда Дарвишак қопқога етиб келиб, Оккўргон орқали Тошкентга яқинлашди. У 1864 йил 2 октябрда Тошкентга биринчи хужумни бошлади, Обух ва Лерхе қўшини ҳам хужумга ўтди. Черняев енгилиб Чимкентга қайтиб кетади ва кишни тайёргарлик кўриш билан ўтказди. Тарихчи Муҳаммад Солиҳ Тошкандий шаҳар мудофааси ва мударрис-талабалар ҳаммани газотга чорлагани ҳақида баён қилган.

Черняев 1865 йил 3 февралда Россия ҳарбий вазиридан олган телеграммада ҳарбий кучлар етиб боргунча ҳеч қандай тадбир кўрмаслик айтилган. Рус подшоси кўрсатмасидан сўнг Сирдарё ва Янгиқўргон йўналишидаги ҳарбий қисмлар бирлаштирилди. Руслар босиб олган ҳудудларда Туркистон вилояти ташкил қилиниб, уни идора қилиш генерал Черняев зиммасига юкланди.

Сибирь ва Оренбургдан янги кучлар келгач Черняев 1865 йил 28 апрелда Ниёзбек қалъасини босиб олишга буйруқ беради. Ниёзбек қалъасини босиб олиш фикри Абдурахмонбек ва Саидазим каби Русларга сотилган хоинлардан чиқди. Сотқин Абдурахмонбек маслаҳати билан Черняев Чирчиқ дарёси тугёнини бузиб ташлади. Тошкентни босиб олишга доир жосуслик маълумотларини хоин Муҳаммад Соатбой Черняевга етказиб берди. Тарихчи Муҳаммад Солиҳ Тошкандий ўз асарида бу хоинларни ўз дини ва ватанидан юз ўгирган пасткаш одамлар, деб лаънатлайди. Тошкент мудофаасини тайёрлашда Алимкул саркарданинг хизмати катта бўлди, у 8 май куни Қўқондан Тошкентга етиб келди.

Тошкентнинг эгалланиши. Руслар Солор аригидан ўтиб 1865 йил 9 майда Тошкентга хужум бошлади. Тошкент жангини ўлкашунос тарихчи Мирза Олим Тошкандий «Тарихи Туркистон» китобида, жангни ўз кўзи билан кўрган М. Солиҳ «Тарихи жадидаи Тошканд» номли қўлёзма асарида тасвирлаган. Жангда тошкентликлар енгилиб, биринчи бўлиб қозиколон бошчилигида Себзорликлар, кейин кипчоқлар, қирғизлар ва Қўқон қўшинидаги андижонликлар қочиб кетдилар. Алимкул ўлгач, Худоёрхоннинг қариндоши Мирсаид Султон бош кўмондон этиб тайинланди. Тошкент учун

бўлган жангда Султон Содикнинг хизматлари алоҳида диққатга сазовордир. Тошкент бош ўқ-дори омбори портлатилиши фалокатни тезлаштирди.

Тошкент вакиллари Бухоро амири Музаффардан ёрдам сўраганда амир мактанчоклик билан «рус лашкарбошиси билан эмас, хоҳласам бориб Рус давлати билан уришаман» - деб, Қўқонга қарши юришга тайёрланди. Черняев Бухоро йўлини тўсиб, Тошкентга энг сўнгги, асосий ҳужумини Камолон дарвозасидан уюштирди. Қиёт маҳалласининг Абдурахмон ясовул бошчилигидаги кўнгиллилар катта жасорат кўрсатдилар. Руслар 15 июнда Тошкент шаҳрини деярли эгаллаб олишди. Бироқ қаршилиқ давом этсада тошкентликлар 1865 йил 17 июнда музокара бошлашга мажбур бўлди.

Черняев Ҳакимхўжа қозикалон, Абдурахмон эшон, домулло Солиҳбек охун билан музокара ўтказиб, аҳднома имзолади. Аҳдномада аҳоли ўз динида қолиб, шариат асосида иш олиб бориши; ховли, бог ва майдонлар ўз эгаларида қолдирилиши каби шартлар кўрсатилди. Черняев ўз ҳаракатини оқлаш учун оқсоқоллардан Тошкент ихтиёрий русларга бўйсунганлиги ҳақида хат уюштириб беришни талаб қилди. Черняев туздирган сохта хат мазмуни: «Туркистонда Фаргона хонлари зулм ўтказган. Фаргона ва Туркистон заминида қозок, қирғиз бебошлари ҳукмронлик қилди, шунинг учун русларга шаҳарни топширдик» - дейилади. Сохта ҳужжатга Солиҳбек охун ва шаҳар катталаридан 7 киши имзо чекмади, улар Сибирга сургун қилинди. Черняев икки йилдан сўнг махсус одам жўнатиб Солиҳбекни заҳарлаб ўлдиртиради. Черняев сохта аҳдномани тўлдиришни Абдусаттор Қорабоши ўглига топширади.

Тошкент забт этилгач Черняев умрбод нафақа (йилига 3000 сўм) тайинланиб, олтин қилич совга қилинди. Сохта аҳдномани Петербургга Абу Сайид ва Ходихўжа савдогарлар олиб боришди. Россия бу мактубдан босқинчилиги туфайли Англия билан уришишдан чўчиб халқро жамоатчилик олдида ўз ҳаракатларини оқлашга уринди ва мактубдан нусха кўчириб 1865 йил Россиянинг Туркиядаги элчиси Н. Игнатъев орқали Истамбулга жўнатилди. Тошкент руслар кўлига ўтгач 1866 йилгача шаҳарнинг ҳуқуқий макоми нотайинлигича қолди. Тошкентни маъмурий бошқвриш мунозарали бўлиб, Черняев бу масалада қалтис йўл тутганлиги учун лавозимидан олиниб, Петербургга чақирилди.

Туркистон генерал-губернаторлиги тузилиши

Ўратепа ва Жиззах учун жанглар. Оренбург генерал-губернатори Крижановский 1865 йилнинг кузида Тошкентга етиб келди. У Тошкентни Қўқон ва Бухоро таъсиридан мутлақо халос қилиш учун аввал мустақил ўлка деб эълон қилди. Бухоро амири бу пайтда Хўжанддан Қўқон хонлиги ичкарасига бостириб кирди ва рус кўмондонлигига Тошкентни топшириш талабини қўйди. Бухорога юборилган рус элчиларини қамокка ҳукм қилди. Бу русларнинг Бухорога уруш очишига баҳона бўлди.

Черняев ўрнига тайинланган кўмондон Романовскийга Бухорога мумкин қадар келишувчилик муносабатида бўлиш тайинланиб, зарурат бўлса

уруш қилишга рухсат этилган эди. Черняев Рус подшоси олдида ўз мавқеини мустаҳкамлаб олиш учун Романовский рухсатсиз 1866 йил январда Жиззахга хужум қилди. Бухоро амири Музаффарнинг русларга қарши бирга кураш олиб бориш таклифини Худоёрхон рад қилди. Жиззах мудофаасида шаҳар ҳокими Оллоёрбекнинг хизмати катта бўлди. Черняевнинг Жиззахга хужуми қақшатгач зарбага учради. Черняевнинг ўзбошимчалиги ва Жиззахдаги маглубиятидан кейин Рус императори Александр II уни Ўрта Осиёда ҳарбий ҳаракат қилишдан маҳрум қилди ва у яна Петербургга чақириб олинди.

Саркарда Оллоёр девонбеги кариндошлари Тўхтамишбек ва Фозил додхоҳ амирдан норози бўлиб, Эржар жангидан ўз қўшинини олиб кетишига девонбегининг ёшгина кизини амир тортиб олиши ва кизининг ўлдирилиши сабаб бўлди. Романовский Эржар яқинида амир қўшинларини 1866 йил 8 майда тор-мор қилди ва 1866 йил 17-24 майда Хўжанд қалъасини эгаллади. Ўратепа 1866 йил 2 октябрда босиб олинди, аёллар ҳам мудофаада иштирок этиб, 15 минг киши ҳалок бўлган.

Оренбург генерал-губернатори Крижановский Россия ҳарбий вазири Милютинга ёзган телеграммасида Жиззах 1866 йил 18 октябрда эгалланганлиги айтилади. Жиззах ватанпарварларини қиргин қилиш ташкилотчиси фон Репе эди. Қўкон хони Худоёрхон Бухоро амирига нисбатан хоинона иш тутиб генерал Романовскийга табрик телеграммаси йўллади. «Менинг рўпарамда кўплаб одамлар ва отларнинг мурдаси тоғ каби уюлиб ётибди» - деган эди рус зобити Зиновьев Жиззах босқини ҳақида хотираларида («Русский инвалид» 1868 й.).

Туркистон ҳарбий округи ва Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил қилиш тўғрисида Александр II 1867 йил 14 июлда фармон берди. Округ қўмондони ва генерал-губернатори қилиб аъдютант К.П. фон Кауфман тайинланди. Императордан олган «Олтин ёрлик»ка мувофиқ Кауфман бирор давлатга уруш эълон қилиш, сулҳ тузиш ҳуқуқларга эга бўлди ва молиявий-иктисодий масалаларда мустақил ҳукмдор бўлиб, фақат подшога ҳисоб берарди. Унга ҳарбий маъмуриятдан ташқари фуқаролик, маъмурий ишлар ҳам топширилгани учун халқ Кауфманни «ярим подшо» деган.

Кауфман Туркистондаги фожеаларни никобланиш мақсадида бир гуруҳ маҳаллий соткин вакилларни Петербургга юборди. Туркистон вакиллари 1867 йил мартда Петербургга етиб боришди. Улар иззат икром билан кутиб олинди, диққатга сазовор жойларда бўлишди, ҳатто Александр II нинг ўзи вакилларни қабул қилди. Бундай «меҳмондўстликнинг» бош мақсади Россия империясининг қудратини намоён қилишдан иборат эди, гўё улар рус тобелигидан бахтиёрлигини изҳор этувчи мактубни топширганлар. Императорга топширилган мактубга Тошкент, Туркистон, Хўжанд, Чимкент катталаридан 59 киши имзо чекиб муҳр босган.

Бухоро амири сулҳ шартномаси тузишни Кауфманга таклиф этади, бироқ Кауфман Бухоро амирига оғир шартлар қўйгач шартнома имзоланмайди. Амир Музаффар Туркия, Афғонистон ва туркманлардан шошилинч ёрдам сўрайди. Амир Музаффарнинг мактубини Туркия ҳукуматида 1868 йил апрелда Маккадан Истамбулга қайтган элчи Муҳаммад Порсо топширади.

2-§. Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг Россия империяси вассалига айлантирилиши. Қўқон хонлиги тугатилиши

Самарқанд учун жанг. Россия томонидан Қўқон ва Бухоро ҳудудлари катта қисмининг босиб олиниши Англия-Россия муносабатларининг кескин даражада ёмонлашувиغا олиб келди. Инглиз географи ва сайёҳи Генри Роулнсон 1868 йил июлда ўз ҳукуматиغا мактуб йўллаб «Россия Қандоҳор орқали Қобулга юриши, Марвни ишғол этиши» ҳақида тахминларини билдиради.

Англия ташқи ишлар вазири лорд Кларендон Россиянинг Лондондаги элчиси Ф. И. Брунов билан 1869 йилдаёқ Ўрта Осиё масаласида музокара бошлади. Россия империяси ерлари билан Англия мулки ўртасида бирини-бирига туташтирмайдиган йўлак қолдириш тўғрисида Англиянинг таклифини Рус ҳукумати дарров қабул қилди. Россия Афғонистон бетараф ҳудуд бўлишини таъкидлайди, аммо Англия Афғонистонни ўз таъсир доирасида ушлаб туриш ниятида йўлакнинг Афғонистон шимоли ва Амударё бўйлаб ўтишини ультиматум тарзида билдирди.

У. Мерт «Бухоро элчиси М. Порсонинг Истамбулдаги дипломатик фаолияти» асарини ёзган («Турк култури Араштирмалари» журнал, 1976 й). Ҳазрати Султон - Туркистон шаҳри (Яссавийга нисбат берилган номи).

Руслар (Черняев) Жиззах яқинида мағлуб бўлгач Сирдарё соҳилидаги Тўрақўргон деган жойда қишлоқлар. Руслар Хўжанддан сўнг (Абрамов) 2-3 ойдан кейин Янгиқўргонни (1867 й. 27 май) босиб олди. Бухоро амири ёрдам сўраб мурожаат қилган Халифа хазратлари - Туркия султони Абдулазизхон эди. Амир Музаффар сулҳ тузиш тўғрисидаги Кауфманнинг қистовларини кейинга суришга ҳаракат қилишининг сабаби Туркиянинг ёрдамига ишонган эди.

Туркия султони Абдулазизхон бу даврда Россиянинг Болқондаги таъсирини камайтириш юзасидан Европа давлатлари билан музокара олиб бораётган эди. Абдулазизхон Европадан келиб Бухоро масаласи билан шугалланганда кеч бўлган эди. Самарқанд ва Зарбулоқ фожеалари бунга ўрин қолдирмади.

Самарқанд яқинидаги Чўпонота тепалигидаги жанг 1868 йил 1 майда бўлди, ҳужумга Кауфманнинг ўзи бошчилик қилди. Руслар Самарқандни 1868 йил 2 майда жангсиз эгаллади. Ушбу хабарни эшитган амир изтиробга тушиб йиглайди, хабарни етказган кишини осиб ўлдиришга фармон беради. «Халқ урушни давом эттиришни талаб этаётган бир пайтда бир томчи қон қолгунча курашиш афзалроқдир» - деб, амир лашкарбошиси Усмонбек айтган.

Самарқандни қайтариб олиш учун жанг Зирабулоқда бўлди. Амир Музаффар кўшинни руҳлантириш учун «Кауфман талаб қилаётган 125 минг тилла совга сизларга берилади» - деди. Руслар 1868 йил 18 майда Каттакўргон қалъасини босиб олади. 1868 йил 2-8 июндаги Зирабулоқ жангида Амир мағлубиятга учраб, Қизилқумга қочди. Кауфман Зирабулоқ

жангига кетаётиб Штемпен ва Назарвни Самарқандда қолдириб уларга агар шаҳар аҳолиси бош кўтарса шафқатсиз қириш ҳақида топшириқ берган эди.

Бухоро амирлиги Россия протекторатига айлантирилиши. Самарқандни руслар босиб оганини эшитган Қарши, Шаҳрисабз ва Китоб аҳолиси Жўрабек ва Бобобек бошчилигида Самарқанднинг Бухоро дарвозасидан 1868 йил 2 июлда рус горнизонига ҳужм қилади. Кауфман 8 июлда Самарқандга етиб келади. Самарқанд киргинини ўз кўзи билан кўрган рассом Верешчагин хотираларида Назаровнинг маиший бузуклигини, Рус жангчиларига янги милтиқдан кўзголлончиларни отиб тажриба қилиб кўрсатганини. Бир муллаватчани минорадан ташлаб юборганини ҳикоя қилади. Полковник Назаров масжид, обида ва хонадонларга ўт қўйдириб, Самарқанднинг «ёндирувчиси» лақабини олади.

Верешчагин Кауфмандан ўлаётган одамнинг юз ифодасини чизиш учун асирларни дорга осишни илтимос қилади. «Қаердан ўтсак, орқамиздан қора тутун кўтариларди» - деб, ёзган эди рассом Верешчагин. Самарқандликларни қиришда намуна кўрсатгани учун Верешчагин Россия олий ордени - «Георгий хочи» билан тақдирланди. Руслар 400 кишилик талофат учун самарқандликлардан 50 минг кишини ўлдириб, Усмон Қуръонни Россияга олиб кетади.

«Русларни енгсам ок отда Петербургга кириб бораман» - деб, мақтанган амир Музаффар Зирабулоқ жангида енгилгач Кауфман билан **1868 йил 23 июнда** сулҳ тузиб, Россия вассалга айланди. Зирабулоқ сулҳ шартномасига кўра Амир: Самарқанд, Каттақўрғон ва Зарафшоннинг юқори қисмидан ажралди. 500 минг олтин миқдорида товон тўлаш, хорижий мамлакатлар билан мустақил алоқа ўрнатмаслик мажбуриятини олди ва рус савдогарлари амирликдан эркин савдо қилиши, карвонсарой ва дўконлар очишига рози бўлди.

Озодлик ҳаракати. Амирнинг таслимчилик сиёсатидан норози кучлар Самарқандни озод қилиш мақсадида амирнинг катта ўгли Абдумалик Катта Тўра (1848-1909), Жўрабек, Бобобек ва Кенесари Қосимовнинг ўгли Султон Содик атрофида бирлашдилар. Улар Темурнинг Оксаройида Абдумаликни амир деб эълон қилгач Музаффарнинг мулозимлари – Худоёр, Абдулла, Иброҳим тўксаболар ва уломалар буни маъқулладилар. Ватанпарварлар амирга қарши курашиб Шаҳрисабз, Қарши, Кармана, Чироқчини босиб олди. Абдумалик Тўра козок фарзанди Султон Содикни Кармана вилояти ҳокими қилиб тайинлади.

Кауфман сулҳга кўра Бухоронинг ички ишларига аралашолмаслигидан фурсат ва баҳона изларди. Амирликнинг бутун шарқий қисмини эгаллаган кўзголлончиларга қарши курашиш учун Музаффар 1868 йил кузда Кауфмандан ёрдам сўради. Кауфман амирга ёрдам беришни Бухоронинг босиб олинган худудида ташкил этилган Зарафшон округи бошлиги ген. Абрамовга топширди. Абрамов русларнинг Бухоро ишларига аралашшига қонуний тус бериш учун «Бухоро ҳукмдори бўлиш мақсадида Абдумалик Тангри ва пайгамбарини унутди» - деб, 6 октябрда хитобнома тайёрлатди ва навбатдаги босқинни никоблаган.

Қарши остонасида Бухоро ватанпарварлари энгилгач Абдумалик ва Султон Содик Хивага ўтиб кетди. Абдумаликни Хивада Муҳаммад Ниёз девонбеги ва Огаҳий кутиб олишди. Хива хони Раҳимхон II унга 1500 тилла маош ва катта мулк белгилади. Абдумалик Хивада кўп турмай Афгон амири Шералихон хузурига боради. Шералихон унга хайрихоҳ бўлсада Англия билан бўлажак урушда Россия мададига суянишни ўйлагани учун харбий ёрдам бермади.

Кўкон хони Худоёрхон ҳам руслар билан ўчакишишни истамай Абдумаликка ёрдам бермагач, у Қашгарга Ёқуббек хузурига боришга аҳд қилади. Кўкон хонининг собиқ лашкарбошиси Ёқуббек 1853 йилдан бери рус босқинчиларига қарши курашиб, Окмачит, Чимкент ва Тошкент мудофааларида ўзини кўрсатган эди. Абдумалик тўра Афғонистон ҳукмдори Абдурахмон ҳукуматидан паноҳ топиб, 1909 йил Пешоварда оламдан ўтди

Абдумалик бошчилигидаги кўзғолонни бостириш учун амир Музаффарнинг шахсан ўзи Абрамовни Китоб ва Шаҳрисабзга бошлаб келди. Абрамов Зарафшон ва Қашқадарёдаги кўзғолонни бостириб 1870 йил 11 августда Шаҳрисабз ва Китобни эгаллади. Жўрабек ва Бобобек Қашқар ҳукмдори Ёқуббекдан ёрдам сўраш учун кетаётганда Кўкон сарбозлари томонидан Маҳрамда қўлга олинди. Худоёрхон Жўрабек ва Бобекни Кауфманга «совга» қилиб жўнатди. Рус императори содиқ хизматкор қилиш ва истеъдодидан фойдаланиш учун Жўрабекка генерал, Бобобекка майор унвонини берди. Чоризм генерал-майор Жўрабекка ишонмагани учун 1906 йил 24-25 январь куни ўлдирилди.

Чор Россияси Хива хонлигини вассалга айлантириши

Харбий юриш бошланиши. Англия билан муносабатларининг мўтадиллашувига қадар Россия Хивага ҳужм қилишдан тийилиб туришга мажбур бўлди. Россия Хивага дастлаб Пётр I даврида човут солган эди, бироқ 1717 йил Шергозихон русларни қириб ташлади. Пётр I нинг васиятини бажариш иштиёқи XIX аср рус генералларига тинчлик бермади. Граф Перовский Хивага ҳужум қилиб Хива сарбозларининг ҳужуми ва киш туфайли (1839) Устюрт орқали чекинишга мажбур бўлди. Натижада Россия сиёсий – харбий доиралари Хивани «бўйсунмаган Ўрта Осиё Жазоири» - деб атай бошлади.

Россия Бухоро ва Кўконни ўзига тобе қилгандан сўнг Хива гарбда Кавказ, шимолда Оренбург, шарқда Туркистон харбий округлари ва «Орол» харбий флотилияси қуршовида қолди. Барча харбий кучларнинг бош кўмондони Кауфман Хивага 1873 йил баҳорда, 12 минг зобит ва 56 тўп-замбарак билан уруш бошлади. Генераллар Головачёв, Скобелев, Верёвкин, Пистолетовлар жазо отрядлари бошлиқлари сифатида иштирок этдилар. Кауфман Хивага уруш қилишининг асосий баҳоналаридан бири Хива хони Раҳимхон II асирлигидаги русларни озод қилмаганлиги эди.

Раҳимхон II Чоржўй тарафдан келаётган Кауфман йўлини тўсиш учун Муҳаммадмурод девонбегини юборди. Қўнғиротга келаётган Верёвкинни тўхтатиш учун хон ёвмуд ва хоразмлик 6 минг сарбоз билан Элтузар иноқни

жўнатди. Муҳаммадмурод девонбеги билан Кауфманга карашли генерал Иванов ўртасида биринчи тўқнашув Учўчоқда бўлди. Одам қирилган деган жойдаги тўқнашувда Кўхна Урганчлик уста Пирниёз мардлик кўрсатиб ҳалок бўлди.

Кауфман хоразмликлар хужумини артиллерия ёрдамида қайтаргач Хоразм лашкари Амударёнинг чап соҳилига чекинди. Кауфман аҳолини талон-тарож қилиб озиқ-овқат тўплашга буйруқ бергани ҳақида Хиванинг забт этилишини ўз кўзи билан кўрган тарихчи Муҳаммад Юсуф Баёний «Шажарайи Хоразмшоҳий» асарида ёзган.

Кауфман 1873 йил 18 майда Амударёдан ўтиб 23 майда Хазорасп қалъасини эгаллади. Верёвкин Кўнгирот, Хўжайли ва Мангит қалъасини забт этди. Раҳимхон II Хивани мудофаа қилиб бўлмаслигига кўзи етиб Измиқшўр тарафдаги туркман овулига кетади. Амир ва Отажон Тўралар Кауфмандан Хива шаҳрини вайрон этмасликни сўрайди. Кауфман Раҳимхон II саройидан ноёб бойликлар, нодир китоблар, хон хазинаси, тож ва тахтини тортиб олиб Петербургга жўнатди.

Гандимиён шартномаси. Кауфман ўзига Гандимиён қишлоғини қароргоҳ қилди. Раҳимхон II ва Кауфман 1873 йил 17 августда учрашди. Гандимиён шартномасига кўра: Хива хони сиёсий ҳуқуқлардан, мустақил ташқи сиёсат юритишдан маҳрум этилди; хон ҳузурида сарой амалдорлари ва рус кўмондонларидан иборат Девон (кенгаш) тузилди; қуйи Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерлар Россияга берилди; рус савдогарн ва саноатчилари хонликда бож тўлашдан озод қилинди ҳамда эркин савдо қилиш ва корхона қуриш ҳуқуқини олдилар; рус фуқароларини Хива ҳудудида қозилар суд қилиши тақиқланди; хонликка 2 млн. 200 минг сўм товон солинди ва Хива Россия вассалига айланди.

Абдуллабой, Матмурод ва Раҳматулло девонбегилар Хоразмлик ватанпарварлар эди. Кауфман солиқ ва тўловларни хонликдаги азалдан ўзбеклар билан бирга яшаб келаётган - қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, туркманлардан тезда ундириб беришни Раҳимхон II дан талаб қилди. Хон ҳозирги қийин шароитда айниқса туркман қавмларидан солиқ ундириш мумкин эмаслигини айтди. Кауфман ночор туркман овулларига белгиланган товонни 12 кун ичида тўлашни талаб қилди. Туркман қавмлари сардорлари муддатни узайтиришни сўраганда Кауфман рад қилиб туркманларни қиргин қилишни ген. Головачёвга топширди.

Туркманларнинг озодлик урушини Россия 1881 йилгача бостира олмади. Хива хонлиги ҳудудида русларга қарши курашган туркманларнинг раҳбари Тўкма Сардор эди. Туркманларни бостириш учун Европада ва рус-турк урушида тажриба орттирган генерал Скобелев юборилди. У Кўктепа (Гўкдепе) қалъасини яқсон қилиб, эркақларни қиличдан ўтказди. Хива туркманлари масаласи фақат қилич ва қон, зўравонлик йўли билан барҳам топди.

Раҳимхон II нинг халқни моддий ҳимоя қилишдаги маънавий, сиёсий-дипломатик галабаси товон тўлашни пайсалга солиб, рус амалдорларини чалғитишдан иборат эди. Кауфман 1873 йил 11 июнда Ҳарбий Вазирга йўллаган ахборотномасида Измиқшўрга кириб қишлоқларни ёқиб юборганини, Головачёвни Ёвмутлар устига юборганини ёзган.

Россия ўз тасарруфидаги козокларни озодлик курашига рағбатлантирувчи паноҳ деб, Хивани билган. 10 йил давомида Россияни безовта қилган козокларнинг миллий-озодлик кураши раҳбари Кенесари Қосимов Хивадан мадад олиб турган. Петербург бутун Туркистондаги тижорат ишларини ҳам қўлга олишни мақсад қилди. Каспийнинг шарқидан Туркистон шаҳарларига борувчи тижорат йўллари Хива хонлигидан ўтарди. 1872 йил охирида Ҳарбий Вазир бошчилигида Туркистон, Оренбург генерал-губернаторлари ва Кавказдаги подшо ноиб иштирокидаги Петербургда махфий кенгашда Хивани босиб олишга узил-кесил қарор қилинган эди.

Рахимхон II Ҳиндистон вице-қироли Лорд Норсбрук ҳузурига 1872 йил элчи Аминбой Муҳаммад ўглини жўнатиб, Англиядан мадад сўрайди. Элчи Калькутта вице-қирол билан музокара олиб боради, бироқ Англия Россия Ҳиндистон ва Афғонистонга таҳдид солишидан, Россия билан очиқ тўқнашувдан хавфсирайди.

Руслар тўрт йўналиш бўйича Хива хонлигига бостириб киради: 1) Туркистон отряди Кауфман ва Голавачёв қўмондонлигида Тошкент тарафдан; 2) Оренбург отряди Верёвкин қўмондонлигида Хўжайли, Қўнгирот, Мангит томондан; 3) Мангишлоқ отряди Ломакин қўмондонлигида ва 4) Орол флотилияси Морозов қўмондонлигида Каспий денгизи тарафдан.

Хива истилосида император оила аъзолари – Николай, Константин, Евгений Романовлар ва Герцог Лейтенбергский қатнашиб, қисмларга қўмондон қилиб тайинланишининг боиси Александр II Пётр I васиятини бажаришга аҳд қилганини билдирар эди. Кауфман Хивани сиёсий жиҳатдан яққалаб қўйиш учун Хивага ёрдам бермаслик ҳақида Бухоро ва Қўқон хонига мактуб йўллади. Пётр I нинг васияти **1873 йил 29 май**да Хива ишғол қилинган бажарилди. Пётр I нинг иккинчи армони 5 йилдан сўнг (1878) руслар Туркияни мағлуб қилган бажарилди.

Россия ўзбек хонликларини руҳан-маънавий истило қилиш дастурига кўра 1834 йилдаёқ шарқшунос Х. Д. Френ Ўрта Осиёдан топиш мумкин бўлган шарқ муаллифларига мансуб «Юз асарларнинг хронологик рўйхатини» тузиб чиқди; Молия вазирлиги Оренбург божхонасига ушбу қўлёзмаларни Ўрта Осиё савдогарларидан сотиб олиш ҳақида фармойиш беради.

Кауфман топширигига кўра шарқшунос А. Л. Кун Хивадаги нодир китобларни Петербургдаги Халк кутубхонасига юборди. Хива хонлари тахти 1874 йил қурол-аслоҳа Палатасига топширилди. Хивадан талаб кетилган моддий маданият ёдгорликлари Царское Село кўрикхонаси, Москва Политехника музейи, Давлат Эрмитажи, Москвадаги Летков элшунослик музейидан ўрин олди.

Рус давлатчилигини жорий этишга қаратилган бошқарув органи – Девонга Хива томондан русларга хайрихоҳлардан Матниёз девонбеги, Элтузар инок, Абдуллабой меҳтар; руслар томондан подполковниклар Пожаров, Иванов, Хорошкин ва савдогар Олтинбоев аъзо бўлиши лозим эди. Ватанпарварлар Муҳаммад Муродбеги ва Раҳматулла ясовулбоши Хивадан сургун қилиниши кўрсатилди. Головачёв жазо корпуси «Бекович хуни учун» - деган шоир билан туркманларни қирди.

Чор Россияси Қўқон хонлигини босиб олиши

Ички низолар кучайиши. Кауфман Қўқон хонлигидан тортиб олинган ерларни расмийлаштириш учун Қўқон хони билан шартнома тузишга интилди. Кауфман айна пайтди Қўқон хонлигини ҳар томонлама ўрганиш учун полковник Шауфусга Қўқонга ҳам элчи, ҳам жосус бўлиб бориш вазифасини топширди. Қўқон хони Худоёрхон 1868 йил 29 январда Шауфусни қабул қилиб, шартнома тузди. Шартномага кўра рус савдогарларига Қўқон хонлигида истаган карвонсаройга эга бўлиш, савдо агентларини тайинлаш ҳуқуқи берилди.

Қўқон хонлиги савдогарларининг норозилиги кучайишига сабаб шартномада улар фақат Туркистон генерал-губернаторлигидагина шундай ҳуқуққа эга бўлди. Шауфус йиққан маълумотларда Худоёрхон руслар тарафида эканлиги; қарши гуруҳга Шерали додхоҳ ва Абдурахмон офтобачи бошчилик қилиши қайд этилади. 1868 йилги шартнома Қўқон хонлигини ноқулай аҳволга солиб қўйди. Қўқон ташқи оламдан узиб ташланди, чегараси анча қисқарди, даромад камайди, турли солиқлар жорий этилди.

Қўқон хонлигида 1874 йил баҳорда яна галаёнлар бошланиб, Пўлатхон тарафдорлари кўзғолончилар билан алоқа ўрнатишга уриндилар. 1874 йил 7 ноябрда Қўқонга рус дипломати А. А. Вейнберг келиб, 20 кун давомида кўзғолон сабабларини ўрганди. У ҳисоботида кўзғолонга олов ёқувчи Мусулмонқулнинг ўгли Абдурахмон офтобачи бўлиб, низо қабила бошлиқларининг мансаб таллашишлари натижасида пайдо бўлганини ёзади.

Кўзғолон қирғиз ва қипчоғларни бирлаштириб, ўртоқ халқ ҳам кўзғолончилар томонга ўта бошлагани 1874 йил «Санкт-Петербургские ведомости» газетасининг 168-сонида хабар қилинади. Кўзғолон ноябрнинг охирларида вақтинча тўхташининг сабаби Қўқон аграр мамлакат бўлиб, ҳосилни йигиб олишдан ҳамма манфаатдор эди.

1875 йил баҳорда Қоратегинда Худоёрхоннинг невараси Назарбек, Ўзганда Пўлатхон кўзғолон бошлади. Кўзғолончиларга қарши жўнатилган Абдурахмон офтобачи, Исо Авлиё 1875 йил 15 июлда кўзғолончилар томонга ўтиб кетди. Шу кунлари Скобелев ва Вейнберг Қўқонда эди, Вейнберг Худоёрхон билан учрашади.

Худоёрхоннинг ўгли Насриддинбек 1875 йил 18 июлда кўзғолончилар томонга ўтиб Ўш, Андижон, Асака, Наманганни босиб олади. Худоёрхоннинг укаси Султон Муродбек ҳам 20 июлда кўзғолончиларга қўшилиб, Маргилонни эгаллаб, Олтиариққа яқинлашади. Юқори табақадаги феодалларнинг кўзғолончилар томонига ўтишининг сабаби: Худоёрхоннинг мағлубиятига ишониб ўз мавкеларини саклаб қолишга уриниши; кўзғолондан фойдаланиб қўғирчоқ хонзодани тахтга ўтқозиш эди; омма ҳам «одил» хон топилишига ишонарди.

Абдурахмон офтобачи, Исо Авлиё, Насриддинбек, Султон Муродбек кўзғолончилар тарафга ўтаёганларида Пўлатхонни «валиахд» деб тан олдилар. Худоёрхон 1875 йил 20 июлда Кауфмандан ёрдам сўраб хат ёзди. Худоёрхоннинг иккинчи ўгли Муҳаммад Аминбек 1875 йил 22 июлда 400 навқари билан кўзғолончилар томонга ўтди.

Худоёрхон 22 июлда Қўконнинг Мўй Муборак дарвозасидан чикиб Бешарик оркали Хўжанд томонга кочди. Унга яна Вейнберг, Скобелев, казаклар, Худоёрхоннинг кичик ўгли Ўрмонбек, Отабек ноиб, мулло Маъруф, жами 643 киши (350 аскар) ҳамроҳ бўлдилар. Худоёрхон Тошкентга келиб Кауфман билан учрашгач, иккинчи куни Оренбургга жўнатилди. Кейинчалик у Оренбургдан кочиб Ҳиндистон оркали Маккага боради ва қайтишда 1866 йил Афғонистонда вафот этади.

Худоёрхон 1875 йил июлда қочиб кетгач тахтга Насриддинбекнинг ўтириши ҳақида «Тарихи Фарғона» номли рисолада баён қилинади. Насриддинга қарши курашга Пўлатхон бел боғлади, халқ уни қўллади. Қўконда фуқаролар уруши хавфи пайдо бўлгач Абдурахмон русларга қарши газовот эълон қилди. Пўлатхон газовотга қарши бўлсада, уни очиқ рад қилмасдан катта жанглардан сакланиб, халқни ўзига қаратишга интилиб Насриддин ва Абдурахмоннинг ер-мулкини халқка бўлиб бера бошлади.

Қўзғолон янги ҳудудларга ёйилиб, озодлик кучлари Туркистон генерал-губернаторлик чегарасига яқинлашиб келди, Паркент озод қилинди. Кауфман озодлик ҳаракатини бостириш учун Головачёв ва бошқа қўшинларни Оҳангарон водийсидаги Телов истехкоми ва Хўжандга жўнатди. У халқ озодлик ҳаракатини бостириш учун 1875 йил 9 августда уруш эълон қилди.

Август ойида қўзғолончилар сони 50 мингга етди. Кауфман қўзғолонни тор-мор этишда қўзғолончилар орасига нифоқ солиш, уларни пароканда қилиш сиёсатини ишга солди. У «Бўлиб ташла, ҳукмронлик қил» шиоридан хонликларни бир-бирдан ажратиб, кучсизлантиришда ва халқ ҳаракатини бостиришда фойдаланди.

Кауфман 1875 йил 13 августда Қўкон аҳлига мурожаатномасида «сизлар қипчоқ ва қирғиз халқининг душмани Офтобачини ушлаб топширсангиз, сизларга омонлик бераман» дейилган эди. Кауфман халқ ҳаракатини бостиришда қирғиз ва козоқ йигитларидан фойдаланди. Пўлатхон қўзғолонини бостиришда Шабдон Жонтоев ўз йигитлари билан фаол иштирок этди, лекин кўпчилик қўзғолончиларга қўшилди. Ажабек ва Рустамбек қўшини 1875 йил 16 августда рус зобити Геруа отряди билан тўқнашди.

1875 йил 22-23 августда Қурама уездининг Мархам қалъаси жангида қўзғолончилар 2000 кишисидан ажралди. Мингтепа жангида Офтобачи қўшинидаги 5000 қўзғолончидан 25-30 киши омон қолиб, Ўзганга қочдилар. Мингтепа жангида Мирза Ҳаким парвоначи Кауфманга ёрдамчи ва маслаҳатчи бўлганлиги учун Кауфман унга генерал-майёр унвони берилишини сўраб, подшога илтимоснома жўнатди.

Насриддинбек тахтни саклаб қолиш учун халқ ҳаракатига қарши туриб Кауфманга умид кўзини тикди. Кауфман 1875 йил 6 августда Россия Ҳарбий вазирлигига йўллаган мактубида «Қўконда янги ҳокимият русларга дўстона муносабатда бўлмаса, хонлик босиб олиниб, Россия ҳудудига қўшиб юборилиши» - айтилади.

Қўкон хони Насриддинбек 1875 йил 22 сентябрда Маргилон шаҳрида Кауфман билан шартнома тузишга мажбур бўлди. Шартномага кўра Насриддинбек: Россия империясининг содик қулига айланди; қўшни давлатлар билан ҳар қандай муносабат олиб бориш, шартнома тузиш

ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Россия рухсатсиз уруш олиб боришдан воз кечди; Сирдарёнинг ўнг соҳили, Наманган, Чуст Россия ихтиёрига ўтди ва 2 млн. сўм товон тўлайдиган бўлди. Сирдарёнинг ўнг томонида Туркистон генерал-губернаторлигининг **Наманган бўлими** ташкил қилиниб Скобелев бошлик бўлди.

Андижон атрофида яна кўзголон бошланиб 60-70 минг кишилик халқ ҳаракати кўшини 1875 йил 28 сентябрдан 5 октябргача огир жанглар олиб борди. Генерал-майор Троицеик кўшини Андижонни ишғол этиб, бироқ шаҳардан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Пўлатхоннинг ёрдамчиси Валихон 1875 йил 9 октябрда Қўқонни ишғол қилгач, Насриддинбек зўрга қочиб қутилди. **Пўлатхон хон** бўлгач ўзига **Асакани** пойтахт қилиб танлади.

Қўқон хонлиги тугатилиши. Наманган шахрининг бир қисмини эгаллаган Ботир Тўра ва Исо Авлиё бошчилигидаги 9000 кўзголончилар Скобелев бошчилигида кўшимча кучлар етиб келгач шаҳардан чиқиб кетдилар. Кўзголон авжига чиққан 1875 йил кузида Пўлатхон ўз давлатини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўрди. Пўлатхоннинг мавқеи ошиб бораётганини кўриб Абдурахмон офтобачи уни тан олди ва унга кўшилди. Скобелев бу воқеани «икки куч бирлашиб, руслар босиб олган ерларни қайтариб олиш йўлидаги ҳаракат» - деб баҳолади.

Пўлатхон Андижонга - Офтобачини, Маргилонга - Сокот тўра удайчини, Қўқонга - Абдулмўминни, Ўратепага - Абдугаффор девонбегини, Кўргонтепага - Ботир Тўрани ҳоким қилиб тайинлади.

Кауфман ва Скобелевнинг «Икки сув ораси операцияси» дейилган режаси: Норин ва Қорадарё орасида кўзголончиларнинг асосий кучларини қопқонга тушириш; йирик кучларни майда бўлақларга ажратиб тор-мор қилишдан иборат бўлиб, ушбу йўналишда зарбдор казаклар отрядини тўплади. Скобелев асосий ҳужумни 1876 йил 8 январда Андижондан бошлади. Андижондаги жангларда руслар ҳам катта талофат кўрганини ген. Куропаткин тан олади. Кўп ўтмай Абдурахмон офтобачи, Исо Авлиё ва бошқалар хоинлик қилиб русларга таслиб бўлди, уларнинг кўшини 1876 йил 24 январда таркатиб юборилди.

Пўлатхон кўшини Асакада енгилгач Учқўргонга чекинди. Учқўргонга Меллер-Закомельскийнинг казаклар отряди ва Куропаткиннинг отлик отряди ҳужм қилиб кўзголончиларнинг асосий қисмини кириб ташлади. Пўлатхон 18-19 февралда хоинлар томонидан русларга топширилгач 1876 йил 1 мартда Маргилон бозорида дорга осилди. Пўлатхон кўзголонни 1873 йилдан - 1876 йил февралигача давом этди. Кауфман **1876 йил феввалида** Скобелевга телеграмма жўнатиб Қўқон хонлигини Россияга қўшиш ва унинг ўрнида Фаргона вилоятини тузиш ҳақида кўрсатма берди.

Қўқон хонлигидаги кўзголонлар ўз моҳиятига кўра халқ ҳаракати ва миллий-озодлик кураши эди. Қўқон хонлигидаги озодлик ҳаракати ҳақида Кауфман «Кураш хон билан эмас, балки халқ билан олиб борилди, руслар ҳеч қачон шундай каттиқ ва узоқ курашга дуч келган эмас» деган эди. Кауфман Фаргона водийсида юз берган ҳаракатни «очик ялпи кўзголон» - деди.

Бу курашда юқори табақа вакиллари ҳам қатнашсада, лекин уларнинг кўпчилиги руслар томонига ўтиб кетдилар, чор маъмурлари улардан озодлик ҳаракатини бостиришда ва жойларни ўзларининг қоидалари асосида

бошқаришда фойдаландилар. Ўзбек хонликларининг ва халқ ҳаракатининг маглубиятга учраши энг долзарб паллада ҳам уларнинг бирлаша олмаганлиги, ички низо ва зиддиятларни бартараф қила олмаслигининг оқибати эди.

Туркманлар бўйсундирилиши. Ўрта Осиёни босиб олишнинг 4-босқичи (1880-1885) Амударё ва Капеттоғ оралигидаги Қоракум сарҳадларидаги туркманларга қарши қаратилди. Англия 1879 йил июлда Афғонистоннинг бир қисмини босиб олгач инглизлар учун Ўрта Осиёга йўл очилгани учун генерал Лрзерев кўшини 1879 йил июлда Красноводскдан туркманлар яшайдиган ҳудудларга жўнатилди. Бу йўналишда Русларнинг дастлабки ҳаракатлари натижасиз тугаб, рус кўшинлари маглубиятга учради.

Кўқон хонлигига қарши юришларда тажрибаси катта бўлган генерал Скобелев кўшини 1880 йил майда иккинчи юришни бошлади. Қамалга олинган туркманлар қалъаси - Гўктепа 3 ой давом этган жанглардан сўнг қўлга олинди. Босиб олинган ерларда маркази Ашхабод бўлган *Каспийорти* вилояти тузилди. Туркманларни батамом бўйсундириш 1885 йилда амалга оширилди.

Туркманларнинг асосий қалъаси *Гўктепа* бўйсундирилгч 1881 йил Россия ва Эрон ўртасидаги чегаралар белгиланди. Россия ва Хитой ўртасидаги чегаралар ҳам 1881 йил Шарқий Туркистоннинг Или ўлкасидаги кўзголон рус кўшинлари томонидан бостирилиши билан белгиланди. Шу билан Россиянинг Ўрта Осиёдаги босқинчилик юришининг 4-босқичи (1880-1885) тугади.

Истило қилинган ҳудудларда 5 вилоят: *Сирдарё, Еттисув, Фарғона, Самарқанд, Каспийорти* вилоятлари ташкил қилинди, улар Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилди. Россия империяси XIX аср ўрталаридан амалга оширган ҳарбий истилочилик юришлари натижаси Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги Россия протекторатига айлантирилди, Кўқон хонлиги батамом тугатилди.

Таянч сўзлар: Стоддарт, Коннол, Пўлатхон, Асакада, Учқўргон, Меллер-Закомельский, Сирдарё, Еттисув, Фарғона, Самарқанд, Каспийорти, Красноводск, Гўктепа, Куропаткин, Абдурахмон офтобачи, Исо Авлиё.

ХIII-боб. Россия империясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати.

1-§. Мустамлакачилик идора усулининг жорий этилиши

Мустамлакачилик бошқаруви. Россия Ўрта Осиёни босиб олгач, дунёнинг энг йирик мустамлакачи мамлакатлари бирига айланди. Ўша вақтда Россия тўғрисида «улкан миқдордаги мулк ўгриси» деган гап айтилган. Россиянинг икки бошли бургут тасвири туширилган байроги Болтиқ бўйидан Кавказгача; Украинадан Ўрта Осиё ва Узоқ Шарқгача ҳилпираб турди. Россия Польша, Финландия, Кавказ орти, Бошқирдистон, Сибирь ва Қалмоқлар юртини мустамлакага айлантирган эди.

Петербург ҳукмрон доиралари Буюк Британиянинг Ҳиндистондаги ва Франциянинг Тунис ҳамда Жазоирдаги мустамлака тартибларини ўрганган ҳолда, тубдан фаркли, айнан русча мустамлакачилик тизимини яратиб, уни Туркистонда зўровонлик йўли билан амалга оширди. Россиянинг Ўрта Осиёдаги тартиблари Польша, Финландия ва Кавказдагидан тафовутли хусусияти: маҳаллий халқларга ишонмаслик, беписанд қараш каби шовинистик кайфиятдан иборат эди; ҳарбий-комендантлик бошқаруви Ўрта Осиёнинг душманларига топширилган эди. Россиянинг ўнлаб генерал-саркардалари Туркистонда миллий давлатчиликни халқ хотирасидан ўчириш йўлини тутдилар.

Кауфман 1868 йил 22 январда Тошкент жамоатчилик вакиллари йигилишидаги нутқида биринчи марта Русларни Туркистоннинг «катта оғалари» деб атади. Кауфман яқин сирдоши Россия ҳарбий вазири Д. Милотинга 1876 йил йўллаган баённомасида Россия ва Англиянинг Осиёдаги мақсади муштарақлигини таъкидлаб: «умумий душманмиз - мусулмонлик ва ёввойилиқдир» - деган.

Туркистон ўлкасини бошқариш тартиби ҳақида конун лойиҳасини подшонинг яқин мулозими, махфий маслаҳатчи Ф. Гирс тузди. Гирс ҳарбий ва амалдорлардан иборат «Дашт комиссиясига» (1865-1867) раҳбарлик қилди. Император Александр II Гирсининг Туркистонда қайси мустамлака тузимини ўрнатиш ҳақидаги лойиҳасини Ўрта Осиёдаги мулкларни ўзлаштириш бўйича «Махсус қўмита» диққатига хавола этди.

Дашт комиссиясининг Туркистон халқларига берган таърифини «Махсус қўмита» қўллаб, шундай хулосага келган эди: буюк алломаларни етиштирган Туркистон халқларини «жуда қуйи ақлий тараққиёт босқичида», «бу халқлар ҳуқуқ, маъмурият, қонун нималигини билмайди», «жамиyat қонуни» берган ҳуқуқдан фойдаланишни тушунмайди, бу ҳуқуқ уларнинг зарарига хизмат қилади, Туркистонда марказлашган кучли ҳарбий ҳокимият зарур, деди ва генерал-губернаторга чекланмаган ваколат берди; бу ҳокимият расман «ҳарбий халқ бошқаруви» дейилсада, аслида тўла ҳарбийлар қўлида эди.

Мустамлакачилик бошқарувининг хусусиятлари. Россия ҳарбий вазири Милотин 1867 йил Вазирлар Қўмитасига тақдим этган Туркистонни бошқариш ҳақида конун лойиҳаси Россия босиб олган Еттисув ва Сирдарё вилоятларида Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил этиш ва уни ҳарбий вазирлик ихтиёрига беришдан иборат бўлди. Лойиҳа тасдиқланиб, қонун тариқасида кучга киргач Туркистон халқлари тақдирини ҳал этиш 1867-1882 йй. Кауфман ихтиёрида бўлди.

«Ҳарбий халқ бошқарувига» кўра Туркистон ўлкаси - вилоятларга, вилоятлар - уездларга, уездлар - волостларга, волостлар - участкаларга, участкалар - оксоқоллар бошқарувидаги маъмурий ҳудудга бўлинди. Вилоят, уезд ва участкаларни рус ҳарбийлари; оксоқолликларни маҳаллий халқ вакиллари бошқариши назарда тутилди.

Вилоятларга ҳарбий губернаторлар тайинланиб, улар шахсан рус подшоси томонидан тасдиқланган. Уезд бошлиқларига рус полковниклари тайинланган. Участка приставлари капитанлардан тайинланган. Волость

(бўлус) бошқарувчилари, юзбоши-оқсоқоллар, элликбоши ва ўнбошилар маҳаллий аҳоли вакилларидан сайлов асосида сайланган.

Россия империясининг хусусиятлари метрополиядаги 1865-1917 йй. қабул қилинган ҳужжатларда ўз аксини топди. Россия ички ишлар вазири «Туркистон ўлкасининг олий, ўрта ва қуйи бошқарувида кучли ҳокимият зарурки, улар маҳаллий аҳолининг розилигига муҳтож бўлмасинлар» - деб айтган.

Туркистонда марказий ўлка бошқарувида генерал-губернаторлик мутлоқ ҳоким бўлган. Марказий ўлка бошқаруви: Генерал-губернатор, унинг Кенгаши ва Маҳкамасидан иборат эди. Туркистон генерал-губернатори ўз қўлида ҳарбий ва фуқаро ҳокимиятини бирлаштириб бир вақтнинг ўзида подшо ноиби, ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, Еттисув казак қўшинлари қўмондони, бош миршаб, бош прокурор вазифаларини ўтаган. Россия Император сиёсий агентлиги орқали Бухоро амири фаолиятини (1885-1917), Амударё бўлими бошлиги (1873-1918) орқали Хива хонини назорат қилган.

Туркистон ўлкасидаги бошқарувни 1882-1884 йй. императорнинг махфий маслаҳатчиси генерал-губернатор Ф. Гирс тафтиш қилган. Гирс Россиядаги губернаторлардан фарқли Туркистон генерал-губернатори Туркистонда мустабид ҳоким - ярим подшо бўлгани, империя қонунчилигига мутлақо риоя қилмай, ўзича қонунлар чиқаргани ва ўзбошимча ҳукмдор бўлганини эътироф қилган. Кауфманнинг ташаббуси билан тузилган генерал-губернаторлик Кенгаши ҳам бутун Россияда ўхшаши йўқ ташкилот эди.

Янги Низом. Император Александр III (1881-1884) «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом»ни 1886 йил тасдиқлади. Низом бўйича Кенгаш Россиядаги губернатор муассасаси сифатида белгиланган бўлиб, аслида ҳарбий губернатор, суд палатаси раиси, прокурор, округ штаби бошлиги, генерал-губернатор ёрдамчиси аъзоларидан иборат бўлиб, катта ваколатга эга эди. Марказий бошқарувда генерал-губернатор Маҳкамаси Бош бошқарманинг ижроия органи бўлган.

Генерал-губернатор Маҳкамаси дастлаб 4 бўлимдан иборат эди: 1-бўлим: маъмурий ва назорат ишларини бошқарган; 2-бўлим: бош бошқарманинг молия-хўжалик ишларига қараган; 3-бўлим: солиқ, шаҳар маблағлари, бошқарувга доир низом лойиҳасини тайёрлаган; 4-бўлим: махсус бўлим бўлиб, фаолияти серқирра бўлган. 4-бўлим 1886 йилгача мустақил иш кўриб ҳарбий ва адлия вазирлари кўрсатмаларига ҳилоф равишда суд қарорларини ҳам қайта кўриш билан шугулланган.

Россияга тобе бўлган Бухоро, Хива ҳамда Афғонистон ва Қашғар билан генерал-губернаторнинг муносабатини 1899 йилга қадар Маҳкаманинг Дипломатия идораси бошқарган. Бу вазифани бажариш учун генерал-губернаторлик ҳузурида 1899 йилдан дипломатик ишлар бўйича амалдорлик лавозими жорий қилинди. Генерал-губернатор Маҳкамаси ихтиёрига Туркистон оммавий кутубхонаси, Тошкент музейи, Марказий архив, «Туркестанский ведомости» газетаси ва босмахонаси берилган эди.

Генерал-губернатор ўлка ҳаёти билан асосан Маҳкама ҳужжатлари орқали танишгани учун Маҳкама Туркистон бошқарувида муҳим роль ўйнаган. Бундай ҳужжатларни губернаторга турли соҳа мутахассислари тайёрлаб берган. Маҳкама ўлка ҳокими учун ахборотнома, маъруза ва

маълумотлар тайёрлагани ҳамда генерал-губернатор шахсий ҳаётига оид ишларни ҳам ҳал этгани учун Маҳкама бошқарувчиси генерал-губернаторликдаги энг олий амалдорлар қатори юксак мавқеда турган.

Туркистон ўлкаси Марказий Бош бошқармаси таркибига генерал-губернаторга бўйсунмайдиган марказ вакилларининг адлия, молия, зироат ва давлат мулклари вазирликлари идоралари ҳам бўлиб, улар тўғри Петербург Олий ҳукмдорига бўйсунган.

Туркистон генерал-губернаторлиги 90-йилларга келиб 5 та вилоятга: Сирдарё, Фаргона, Самарқанд, Еттисув, Каспийорти вилоятларига бўлинди. Вилоятларни рус генералларидан шахсан императорнинг ўзи тайинлаган ҳарбий губернаторлар бошқарарди. Ҳарбий губернаторлар вилоятларда: ҳарбий ва фуқаро ҳокимиятини мужассамлаштирган: ҳарбий соҳада вилоятдаги кўшинлар (дивизия ёки корпус) кўмондони; фуқаро ишларида кенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишган; маъмурий, полиция ва суд ҳокимияти улар қўлида жамланган. Вилоят ҳаётининг барча масалалари ҳарбий губернаторлар қошидаги вилоят бошқармаларида кўриб чиқилиб, улар губернатор бошқармаси ҳуқуқларига эга бўлган.

Вилоятлар уездларга бўлиниб, уларни уезд бошлиқлари идора этишган. Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурий тузилмасининг ўзагини уездлар ташкил этган. Уездлар рус амалдорлари томонидан миллий анъаналарга зид тарзда, ўзбошимчалик билан тузилган.

Сирдарё вилояти: Тошкент, Авлиёота, Казалинск, Перовск, Чимкент; Амударё бўлими ҳам уездларга бўлинган. Фаргона вилоятига: Маргилон, Андижон, Кўқон, Наманган, Ўш уездлари қараган. Самарқандга: Жиззах, Хўжанд, Самарқанд уездлари кирган. Еттисув вилоятига: Верний, Жаркент, Копал, Лепсин, Пишпак, Пржевальск уездлари кирган. Каспийорти вилоятига: Ашхобод, Красноводск, Мангишлоқ, Марв, Тажан уездлари кирган.

Ҳар бир уезд ўз таркибидаги шаҳар ва қишлоқлари билан уезд ҳокимига бўйсунган. Уезд бошлиғи Россия империясидаги справник, земство бошлиғи, полицмейстер, шаҳар бошқармаси бошлиғи лавозими ҳуқуқларига тенг вазифаларни ўз қиёфасида мужассам этган. Уезд бошлиғи лавозимига майор, ротмистрдан полковниккача бўлганлардан вилоят ҳарбий губернатори тавсия билан генерал-губернатор томонидан тайинланган.

Туркистон ўлкасидаги уезд бошлиқларининг Россиядаги ҳамкасбларидан фарқли томонлари улар маъмурий, полиция ва ҳарбий ҳокимиятни ўзларида бирлаштирган эди. Рус сенатори граф К. Пален Туркистондаги уезд бошлиқларини ўзбек хонлиқлардаги «бекларнинг худди ўзгинасидир» деб атаган. Халқ уезд бошлиқларини «ҳоким тўра» деб атаган.

Уездлар бир неча участкаларга бўлиниб идора қилиниб, участкаларни кичик унвондаги (поручик, штабс-капитан) ҳарбий зобитлар - участка приставлари бошқарган. Участка приставлари ҳарбий бошқарувнинг сўнги кичик бўғини бўлиб, улардан сўнг маҳаллий қўйи маъмурий муассаса турган. Рус мустамлакачилигининг Туркистондаги асосий таянч маъмурий ва мажбур қилувчи ташкилоти - полиция идораси бўлиб, қатта ваколатга эга эди.

Генерал-губернаторнинг ўзи бош мишаб вазифасини ҳам бажарган. Шаҳар полицмейстери ҳуқуқ жиҳатдан туманбошилар билан тенг эди. Тошкентдаги Янги ва Эски шаҳар полицмейстерларига полиция приставлари бўйсунган. Маҳаллий маъмурият - волость бошқарувчилари ва оқсоқоллар куйи полиция зобитлари ваколатларига эга бўлган.

Судлар икки хил: 1) Судлар (мустамлакачилик) 2) Халқ судлари (қозилик) идораси шаклида эди. Судлар ҳудудий бўлинишига кўра туман судлари, суд палатаси ҳуқуқидаги вилоятлар бошқармалари, мировой судлар курилтойлари, ҳарбий суд комиссияларидан иборат бўлган. Туман (уезд) судьялари мулкдан маҳрум этишга дахлдор бўлмаган жиноий ишларни; давлат хазинасига оид бўлмаган 2000 сўмгача миқдордаги даъволарни кўриб чиққан. Туман судларидан норози шикоятларни вилоят бошқармалари қайтадан кўриб чиққан.

Давлат вазифаларидаги жиноятларни, сиёсий жиноятчилик, қароқчилик, давлат мулкани ўғирлаш, сохта пул ясовчилар каби жиноий ишларни кўриш ҳам вилоятлар бошқармалари суд органлари зиммасига юклаган.

Тошкент, Маргилон, Самарқанд, Ўш шаҳарларидаги Ҳарбий судлар муҳим ва оғир деб ҳисобланган жиноий ҳаракатларни кўрган. Ҳарбий суд комиссиялари давлатга хиёнат, ҳокимиятга қарши сиёсий фаолият, почта-телеграфга ҳужум, мансабдорларга суиқасд қилиш, насронийликка ўтганларни ўлдириш, руслар қилган жиноятларни кўриб чиққан. Халқ судлари - қози ва бийлар шариат асосида маҳаллий ва кўчманчи аҳолининг фуқаролик ва жиноий ишларини кўриб чиққан.

1886 йилги «Низом»да: туман судлари бекор қилиниб, вилоят судлари ташкил этилди; вилоят прокурори ва мовуни, суд терговчиси лавозмлари жорий қилинди. Мустамлакачилик тузумига қарши жиноятлар Империя судида кўрилган. Бу суднинг асосий вазифаси давлат ҳокимиятига қарши ҳаракат қилган сиёсий жиноятчилик устида ҳукм чиқариш эди.

Империя суди шавқатсиз жазо, тергов, ҳукм усуллари билан халқ орасида даҳшат солиб турган. Атайлаб суд маслаҳатчиларининг иштирокидан воз кечишни Россия адлия вазири «ён босиш тарзида эмас, балки давлат эҳтиёжларидан келиб чиқиб айрим ўзгартиришларга йўл кўйилди» деб ифодалаган.

Таянч сўзлар: Император Александр II, Ф. Гирс, «Дашт комиссияси», Низом, Дума, Д. Милогин, поручик, штабс-капитан, участка пристави.

2-§. Тошкент шаҳар Думаси. Қишлоқларни бошқариш

«**Шаҳар Низом**». Руслар шаҳарларни босиб олгач руслаштирилди ва рус тартиблари асосида идора қилинишига эътибор берди. Бу даврда ўлканинг йирик шаҳарлари Тошкент, Самарқанд, Кўкон, Андижон, Маргилон, Наманган, Ашхобод эди. Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган Чимкент, Туркистон, Хўжанд, Жиззах, Каттакўргон шаҳарларида иқтисодий ҳаёт ривожлана борди. Қалъа шаҳарлар рус босқинчиларининг юришлари натижасида пайдо бўлди. Казалинск, Пётр-Александровск, Скобелев,

Черняевка шаҳарлари истеъфога чиққан ҳарбийлар ва савдогарлар мулкка эга бўлиб, макон тутиши натижасида вужудга келди.

Шаҳарлар икки қисмга бўлиниб: 1) Эски шаҳар-маҳаллий аҳоли яшаган; 2) Янги шаҳар-руслар яшаган. Шаҳарларни руслаштиришга аҳамият берилиб, дастлаб Еттисув вилоятидаги Сериополь ва Кополь шаҳарларига имтиёзлар берилди (корхона очганлар солиқлардан озод қилинди). Сирдарё вилоятининг Тошкент, Хўжанд, Жиззах, Туркистон, Чимкент, Авлиёота, Перовск, Казалинск шаҳарларидаги рус фуқароларига кўп имтиёзлар берилиб, мусулмонларнинг кучайиб кетмаслик чоралари кўрилди.

Тошкент 1865 йил босиб олингач ҳарбий, сиёсий, стратегик мақсадларни амалга ошириш учун марказга айлантирилди: Ромоновский ва амалдорлар шарқий қисмида жойлашди; махсус кўмита тузилиб маҳаллий аҳоли кўчирилди, янги шаҳар учун маблағ эски шаҳар даромадидан қопланди. Сирдарё вилоят бошқармаси «Шаҳар низомини қўллаш» масаласини 1872 йилда кўрди, Петербург уни 5 йилдан сўнг кучга киритишга рухсат берди. Тошкент шаҳар Думасининг оқсоқоли вазифасини 1877-1907 йй. шаҳар бошлиги – ҳоким тўранинг ўзи бажарди. Тошкент шаҳри маъмурий-полиция қоидалари асосида бошқарилди. Туркистон генерал-губернаторлигининг фақат Тошкент ва Верний (Олмаота) шаҳарларида Низом қўлланилди.

Тошкентда 1870 йил 80 мингга яқин аҳоли яшаган. Аҳолиси ҳунармандчилик, савдо, қисман деҳқончилик билан шугулланган. Ҳунармандлар яшовчи маҳаллаларда айниқса пичоқчилик, заргарлик машҳур эди. Охунгузар, Парчабоб ва Жанггоҳ маҳаллалар аҳолиси савдо ва ҳунармандчилик билан машғул бўлишган. Тахтапул, Себзор, Лабзак, Чувалачи, Қорасарой маҳаллалар аҳолиси асосан деҳқончилик билан шугулланган. Шайхонтоҳур даҳасида мискар, эгарчи, тикувчи, жувозкашлар яшаган. Себзор даҳасида бўёкчи, этикдўз, тикувчилар яшаган. Бешёғоч даҳасида гишт қуувчилар яшаган.

Тошкент Чирчиқ дарёсидан бошланувчи Бўзсув канали тизимидаги 9 та шохобча орқали сугорилган. Аҳолининг кўпайиши, пахта яккаҳокимлигининг кучайиши сабабли XIX аср охирида Тошкентда *буғдой* экиш кескин камайди. Миллий истиқлолга эришиш гоёси дастлаб Тошкент зиёлилари томонидан етишган жадидлар томонидан илгари сурилган эди.

Россиянинг Туркистондаги аграр сиёсатининг бош мақсад, асосий йўналишларини Давлат мулклари ва зироатчилик вазири Кривошеин: «биринчиси «Пахта», иккинчиси «Сугориш», учинчиси «русларни жойлаштириш» - деб, иқтисодий масалага ургу беради. 1886 йилги Низом русларни кўчириб ўлкани руслаштиришни қонунлаштириб, сиёсий тус берди. Бу қонунда келувчиларни танлаш ва жойлантириш тартиби белгиланди. Кўчиб келувчиларга 10 танобдан ер бериш белгиланди, келиб ўрнашиш ва ер-мулкка эга бўлиш ҳуқуқи фақат насронийларнинг православ мазҳабидагиларга берилди. «Бўш давлат ерларига» биринчи навбатда захирадаги зобитларни, кичик ҳарбий хизматчиларни жойлаштириш кўрсатилди.

Ер-сув муносабатларида чоризм 2 та мақсадни кўзлаб иш тутди: Ўрта Осиёда ўз ҳукмронлигини мустақамлаш; ва унинг иқтисодий имкониятидан ҳукмрон табақалар манфаатларида фойдаланишга интилни. Бунинг учун Россия: маҳаллий ҳукмдорлар қаршилигини енгиши; ўлкада эскича ишлаб чиқариш муносабатларини сақлаб қолиши; хўжалик ва маданий тараққиётга имкон бермаслик керак эди.

1886 йилги Низом маҳаллий аҳолининг ерга эгалиги «одат бўйича» деб белгилаб, ерга хўжайинлиги аниқ айтилмади. Руслар асосий эътиборни хонликлардан тортиб олинган ҳудудларда мустамлакачилик давлат бошқаруви асосларига қаратиб, ер эгалиги ва сувдан фойдаланишга аралашмай, солиқ ундириш пайига тушди.

Бу вақтда ўлкада ер-сув муносабатлари давлат, вақф ва хусусий мулкдан иборат бўлган. Дехқончилик, хунармандчилик, чорвачилик хўжаликнинг асосий тармоғи эди. Сугориладиган ерларда дехқончиликнинг пахта, бугдой, шоли, беда, богдорчилик, сабзавотчилик соҳалари яхши ривожланган. Донли экинлар лалмикор ерларга экилиб, тоғ этакларида, адирлар ва тоғ водийларида яхши йўлга қўйилган. Лалмикор дехқончилик чорвачилик билан қўшиб олиб борилган.

Туркистон генерал-губернатори 1870 йил ўтроқ ва кўчманчи аҳолидан олинадиган солиқни кўпайтирди. Кауфман 1873 йил подшога Туркистонда ер тузилишини ўзгартириш лойиҳасини топширди. Лойиҳага кўра Кауфман ер масаласига доир тадбирларни амалга оширди: амлок ерлар уни ишлатиб турган одамлар тасарруфига ўтиши; кўп ерлар давлат ҳисобига ўтказилди; мулк ерлар ва хатто вақф ерларга ҳам солиқ жорий этилди.

Чоризм қишлоқларни бошқаришда 1867 йилги вилоятларни бошқариш ҳақидаги «Вақтли Низом лойиҳаси»га амал қилди. «Вақтли Низом лойиҳаси»га мувофиқ *кўчманчи* аҳолига 2 босқичли (волость ва овуллар); *ўтроқ аҳолига* 1 босқичли (оқсоқоллар) бошқарув жорий этилди. Волость 1000-2000 хонадондан; овул жамоаси 100-200 ўтовдан ташкил топган. Чоризм кўчманчи аҳолининг уругчилик асосидаги тарихий бўлинишини бекор қилди. Руслар ўлка аҳолисига паст назар билан қараб «Туземци» деб атади.

1867-1872 йй. қишлоқ ҳаётини ўрганган комиссия аҳолини уезд, участка, волостларга бўлиб, илк бор сайлов асосида маҳаллий маъмурият сайланди; солиқларни тартибга солиш мақсадида аҳоли биринчи марта рўйхат қилиниб, солиқлар яна оширилди. Волость бошқарувчиси - мингбоши; қишлоқ ва овул оқсоқоли 3 йил муддатга сайланган; номзодлар рус маъмурияти тасдигидан ўтган.

1886 йилги «Низом» аҳолини «киргиз ва сартлар» сифатида эмас, балки «ўтроқ ва кўчманчи» - деган ифода билан ажратди. Волость бошқарувчисини сайловчилар вакилларининг қурултойи сайлаган. Қурултойнинг вақтини ва ўтказиладиган жойини Туманбоши белгилаган. Волость қурултойи икки номзодни - волость бошқарувчиси ва унга муовинни сайлаган.

Россиянинг кўчириш сиёсати. Россия Туркистонни босиб олгач, ўлкани сиёсий-иқтисодий қарам қилишга киришиб «Туркистон - руслар учун» шиори остида ислохатларни амалга оширди. Рус амалдорлари фақат ҳарбий куч ва бошқарув аппарати билан ўлкани узоқ вақт ушлаб

бўлмаслигини англаб русларни маҳаллий аҳоли орасига аралаштириб, доимий яшайдиган рус ва славян аҳоли нуфузини таркиб топдириши ҳамда русларнинг турли табақаларини кўчириб келтириши лозим эди.

Кўчириб келтирилган руслар зарур пайтда захирадаги кўшин, чоризм учун ижтимоий таянч қатлам ва маҳаллий халқ ичида айгоқчи бўлиши лозим эди. Россия кўчириш бўйича 3 ярим асрлик тажрибага эга бўлиб, Болтиқ бўйи, Қозон, Сибирь, Қрим, Астрахан хонлиқларини босиб олиб кўчиришнинг ҳар хил шакл ва услубларини эгаллаган эди.

Руслар дастлаб Ўрта Осиёда Сибирь тажрибасини амалга ошириб бўлмаслигининг англашига сабаб, бу ерда бўш ерлар кам эди. Рус аҳолисини кўчириш ташаббускори Кауфман бўлиб, 1875 йил Авлиёотада биринчи рус қишлогини барпо этди. Унинг даврида 8 та рус қишлоғи вужудга келди. Кауфмандан кейин руслаштириш сиёсатини Розенбах олиб борди.

Рус деҳқонлари марказий ҳудудлардаги ер такчиллигидан кутулиш ва бойиш учун Туркистонга оқиб кела бошлади. 1875-1890 йй. (15 йилда) 1300 та рус оиласи кўчиб келди ва 19 та рус қишлоғи ташкил топди. 1891-1892 йй. Россиядаги очарчилик туфайли Туркистонга кўчиб келувчиларнинг сони кўпайиб, икки йилда 25 та рус қишлоғи пайдо бўлди.

Россиядаги деҳқонлардан ховотирланиб «тўполончи унсурлар»ни Туркистонга кетишига хайрихоҳ бўлган ҳукумат «Кўчириб келтириш бошқармаси»ни ташкил қилди. Рус ҳукумати «ички бало» - камбағал деҳқонлардан дворян-помешчикларни халос қилиш учун кам ерли ва ерсизларга 90-йиллар охиридан «Осиё Россияси ерларидан» кенг имконият яратди.

Маҳаллий деҳқонлар ери камайиб зиддият кучайишини эътиборга олган рус генераллари 1888 йил рус казакларининг ерини ёввойи ҳайвонлардан кўриклаш баҳонасида уларни қуроллантира бошлади. Аслида рус казакларини қуроллантиришдан мақсад маҳаллий халқ озодлик ҳаракати бошласа деҳқон казаклар жанговор қисм бўлиши керак эди. 1906 йил Ўш тумани Покровское қишлоғида ва Андижон тумани Кугарт волостида рус деҳқонлари маҳаллий аҳоли ерини тортиб ола бошлади.

Темир йўл қуриш. Россия қатта ҳудудни сақлаб қолиш, озодлик қурашини бостириш ҳамда жанговор қучларни етказиш учун Туркистонда темир йўл қуришга киришди. Россия Туркистонда темир йўл қуришдан кўзлаган мақсад ва вазифалари: 1) ҳарбий мақсадни кўзлаган эди; 2) Чегаралар бўйлаб мудофаа иншоотлари қуриш вазифаси турарди; 3) бойликларни ташлаб кетиш заруратидан иборат эди.

Дастлабки поездлар ҳаракати 1880 йил сентябрда Михайлова постидан Муллақорғача бўлган 26 км. темир йўлда бошланди. Михайлова постидан Қизил Арвотгача - 232 км. йўл бўйича қатнов 1881 йил 20 сентябрда ишга тушди. Темир йўл яна 1885 йил Ахшободга, 1886 йил Марв, Чоржуй ва Амударёгача бориб етди ва Қорақум орқали Самарқандга туташди. 1898 йил Марв-Кушка, 1899 йил Фаргона-Тошкент темир йўли қурилди. Тошкент-Оренбург темир йўли 1900-1906 йй. қурилди. Оренбургга 2, Москвага 4 суткада бориладиган бўлди. 1915 йил Бухоро-Қарши, Термез-Қарши, Шахрисабз-Китоб темир йўли қурилган. Ўрта Осиёда стратегик йўналишларда темир йўл қуриш тугалланди.

Темир йўл ижобий ҳодиса бўлсада, халқнинг аҳволи ўзгармади; бойликни талон-тарож қилишга имкон берди; пахтачилик туманлари Россиядаги тўқимачилик марказлари билан боғланди; пахтанинг ҳаммаси темир йўлда ташиладиган бўлди. Казалинск ва Оренбург орқали ўтувчи илгариги қарвон йўли аҳамиятини йўқотди. Фаргона водийсига минглаб келгинди мужиклар жойлаштирилди.

«Сиёсий-ҳарбий сабабга кўра» Каспийорти вилояти бошлиғи А. Н. Куропаткин маҳаллий ишчиларни руслар билан алмаштиришни талаб қилди. У Ҳарбий Вазир бўлгач (1898-1903) темир йўлдан «гайридинларни бўшатди» ва «саралаб» ишга олди. 1899 йилдан туркистонликларни ген. губернатор рухсати билан темир йўлга олишга кўрсатма берилди. Темир йўлда ишлаган Д. Манжара «маҳаллий ишчилар сони Ўрта Осиё темир йўлида 15% дан ошганини» - ёзган.

Темир йўл Россия учун *руслаштириш жараёнини тезлаштирди*, Туркистонда Россияга хизмат қилувчи саноат корхоналарининг пайдо бўлишига тўртки бўлди. Дастлаб, пахта дастлабки қайта ишлаш билан боғлиқ саноат корхоналари ташкил этилди. Пахта тозалаш заводларидан сўнг ёғ, чой қадоқлаш, ароқ-вино тайёрловчи корхоналар ҳам ишга тушди. 1867-1900 йй. 175 та саноат корхоналари ишга туширилди, барчаси пахта тозалаш заводлари эди. Ялпи саноатининг 80% пахта дастлабки ишлаш соҳасига тўғри келди.

Таянч сўзлар: темир йўл, Казалинск, Қизил Арвот, Авлиёота, рус қишлоғи, аграр, завод.

3-§. XIX аср охирида Туркистонда озодлик ҳаракати.

Миллий-озодлик ҳаракатлари бошланиши ва сабаблари

Мустамлакачилик зулми кучайиши. Россия Туркистонни босиб олгач, буюк рус давлатчилик гоёсини амалга оширишда миллий давлатчилик туйғуларини сўндиришни асосий вазифа деб ҳисоблайди. Рус давлатчилик гоёсининг хунук оқибатлари ҳақида профессор Н.И.Веселовский «хукмронлигимизга қарши галаёнлар рўй берса, ажабланишга ўрин йўқ» - деган эди. Русларнинг ўзга халқларни руслаштириш сиёсатининг бош йўналиши ҳақида можар (венгер) сайёҳи Херман Вамбери «русларнинг бундай кўпайиши кўп тугилишдан эмас, аксинча босиб олган ўлкалардаги аҳолини тезкор руслаштира олишлари билан изоҳланади» - деган эди. Руслар Ўрта Осиёни ўзлаштириш мақсадида аҳоли рўйхатини олишга киришдилар.

Ўлкани тафтиш қилган махфий маслаҳатчи Гирс Туркистон аҳолисини армияга буткул чақирмаслик сиёсатини ёқлаб чиқди. 6 йилда ҳарбий билимни эгаллаган туркистонликлар округдаги кўшинлар сонидан ортиб кетади, бунинг ўрнига ҳарбий солиқ солиш мақсадга мувафиқ, дейди у. Гирс 1882-1884 йй. ўлка аҳолисини ўрганиб «халқда рус ҳокимиятига қарши кўзголлон кўтариш бефойда ва ҳалокатли, деган тушунча чуқур илдиз отган» - деган хулосага келади. «Илгари Туркистонда аскарликка ҳавас бўлар эди,

ҳозир аскарликдан озод этилгач шижоатлари сўниб, бўшашиб кетдилар» - деб, ёзган эди Аҳмад Заки Валидий.

XIX аср 80-йиллар охири ва 90-йилларда халқ турмуш тарзи кескин пасайиши ва ер-мулк бойлар ва катта савдогарлар қўлида тўплана бориши савдо-судхурлик капитали мавқеининг кучайишига, кам ерли ва ярим қарам деҳқонлар ҳамда чорикорларнинг кўпайишига сабаб бўлди. XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб Москва ва Лодзь фирмалари Большая Ярославская мануфактураси бўлимлари, ака-укалар Крафт ва Шлесберг савдохоналарининг бўлимлари, Познань қоғоз мануфактураси жамиятлари бўлимлари Фаргона пахтасини сотиб олишни кенг йўлга қўйдилар.

Давлат банки йилига хусусий банклар ва пахтачилик фирмаларига 5,5% ҳисобида кредит бериб турарди. Эксплуататорлар деҳқонларни итоатда тутиш ва бойлик тўплашнинг энг мақбул йўли деб деҳқонларни қарздор қилиб ушлаб туришни билдилар. Деҳқонлар қарз ва насиалар туфайли ердан маҳрум бўлиб, ерни сотишга мажбур бўлдилар. Фирма ва савдо бирлашмалари берган қарз эвазига деҳқонлар ҳосилнинг яримидан кўпини беришга мажбур бўларди. Қарздор деҳқонлар Фаргона водийси аҳолисининг 60 % ни ташкил қиларди

Пахта майдонларининг айрим кишилар қўлида тўпланиши ва пахтачиликка ружу қўйилиши озиқ-овқат экинлари қисқариб, очарчилик хавфи пайдо бўлишига сабаб бўлди. Россия саноати ишлаб чиқарган уй-рўзгор буюмлари, айниқса тўқимачилик маҳсулотлари билан Ўрта Осиё бозорларининг тўлдирилиши натижасида хунармандчилик турлари инкирозга учради, қашшоқлар яна кўпайди. Расмий солиқлардан ташқари волость бошқарувчилари, мирзалар, жамоа оқсоқоллари, мироблар учун «жамоа йигимлари» кўпайиб кетди. Солиқ ундирувчи солиқларни ўз вақтида тўламаганларнинг мол-мулкани сотиб юбориш, ўзларини қамаб қўйишга ҳақли эди.

Ижтимоий ва миллий мустамлака зулм натижасида бошланган кўзғолонларнинг ҳаракатлантирувчи кучи деҳқонлар, шаҳар хунарман-косиблари, камбағаллар бўлди. Халқ норозилик ҳаракатида яна ватанпарвар руҳонийлар, бой заминдорлар ҳам иштирок этдилар. «Туркнинг бутун тарихи давомида ирқий хусусиятларидан бири аскар бўлиб келганлиги, интизомсеварлигидир» - деб ёзган эди Аҳмад Заки Валидий.

Озодлик ҳаракатлари бошланиши. Мингтепада чоризмнинг сиёсий ва иқтисодий зулмига қарши 1878 йил *Етимхон* бошчилигида галаён кўтарилди. 1879 йил кузда (570 киши) галаёнчилар Фаргона вилоят бошқармасига келиб, Маргилон уездида солиқни қамайтиришни талаб қилдилар. Комиссия кўзғолон сабаби вилоятда пахта экишнинг авж олдирилиши натижасида бошқа экинлар кескин қамайганлигида, деб маълум қилади. Хўжанд ва Ўратепада Раҳмонқулихожи ва Мирқаримбой бошчилигида намоёиш бўлишига сабаб уезд бошлиги Путинцев 1880 йил ноябрда кўшимча ер солиғи эълон қилиши эди. Таловчилик, солиқ ва зулмнинг авж олиши сабабли Наманган аҳолиси 1882 йил бошларида маъмурларга қарши бош кўтарди.

Аҳоли 1882 йил Ўшда, 1883 йил Чустда маъмурларга қарши бош кўтарди. Фаргона водийсида 1885 йил ёзида кўзголон яна авж олиб кетди. Кураш усуллари ўзгарди, бойлар ва волост хокимларининг кўргонларига ўт кўйиб, хужум уюштирдилар. «Кўзголоннинг асосий сабаби ўринсиз солиқларга қарши аҳолининг норозилигидир» - деб айтган эди Фаргона вилоят прокурори Мединский. Андижон уездининг Кўргонтепа волостида *Дарвешхон* ҳаракати тор-мор қилиниб, ёрдамчиси Мўминбой дорга осилди.

Оқсоқоллар, элликбошилар ва мингбошилар сайлови галаёнга айланди: 1890 йил январда Наманган уезди Капа волостининг Кумкўргон жамоаси; 1893 йил февралда Кўкон волости Қашқар ва Ниёз қишлоқлари, Омончўри жамоаси; 1893 йил Наманган уездининг Оқсув-Шахрихон волостидаги Найманчи, Кўхна Мозор, Лангарбоб, Сарой қишлоқларида; 1895-1896 йй. Кенгкўл-Қорақир, Олмос, Сариксув, Оқсув-Шахрихон волостларида галаёнлар бўлди.

Мустамлакачилар кейинчалик рус ва маҳаллий қишлоқларни бирлаштириб, унинг раҳбарларини рус волость старшиналаридан кўя бошлади. Генерал-губернатор маҳкамаси махсус бўлими бошлигининг фикри «тўполон ва исёнга мойил» Фаргона аҳолисига ҳарбий суд ўлим жазосини ошқоро ижро этиши ягона восита сифатида қабул қилинди. 1892 йилдан рус мустамлакачилари оддий фуқароларни маъмурларга қаршилик кўрсатган тақдирда дала судига бериши ва қатл қилишига рухсат этилди.

Олой ва Туркистонда озодлик ҳаракатларини ўзбек, қирғиз, тожик халқлари давом эттирдилар. Пўлатхон кўзголови бостирилгач омон қолганлар Қурбонжон додхоҳга кўшилдилар. Скобелев 1876 йил ёзда Қурбонжондан енгилгач, сулҳ сўраб майор Ионовни юборганда Қурбонжон «ўзим билан унвони тенг саркарда билан музокара юритишим мумкин, рус майори билан музокара олиб бормайман» - деб жавоб берган.

1876 йил 31 июлда мунгиш ва адигина уруглари Скобелевга таслим бўлди. Скобелев Марказга жўнатган телеграммасида яқинда Фарғонада тинчлик ўрнатилишини айтди. Бу ҳақиқатдан йироқ бўлиб, Скобелев Фарғонадан Олойга «кўчиб ўтган» озодлик ҳаракатини бостира олмаган эди. Подшо Александр II Қурбонжон додхоҳни «Олой маликаси» ва ҳукмдори деб эътироф этган. Олой расман Россия тасарруфига ўтган бўлсада, амалда Қурбонжон ички бошқарувда ўз мустақиллигини сақлаб қолди.

Қирғизларнинг найман уруги кўзголончилари Кўкон хонлари авлодидан Худойкулни Хон деб эълон қилди. Худойкул Қорақия жангида Колпаковскийдан енгилгач Ғулжага қочиб кетади, кейин қўлга тушиб қатл қилинади. Абдуллабек 1876 йил 29 мартда Терак довонида рус отрядини тор-мор қилади. Ғулжа яқинидаги Янгиариқ дарасини Абдуллабек, Умарбек, Сулаймон удайчи, Таникул, Валихон тўраларнинг ўзбек-қирғиз отрядлари эгаллайди.

Абдукаримбек ўзини 1876 йил майда Кўкон хони деб эълон қилди. Икки томон ўртасида 1876 йил май-июль ойларида тўқнашувлар бўлди. Қурама ҳокими Пирмуҳаммад Мирзо ўгли Ёқуббек Тошкент яқинидаги

Пскент қишлоғида тугилган. Полковник Обухнинг казаклар отрядини Ёқуббек сарбозлари яқсон қилади.

Таянч сўзлар: Қурбонжон додхоҳ, Олой маликаси, Дарвешхон, фирма, мануфактура, Лодзь, Большая Ярославская, Крафт, Шлесберг.

4-§. Тошкент ва Андижон кўзғолони

«**Вабо исёни**» (**Тошкент воқеаси**). Қобул ва Ҳиротда вабо тарқалиб 1892 йил июнда Тошкентга етиб келди. Вабо билан оғриганларни руслар йўқотар эмиш деган миш-мишлар халқда ваҳима тугдирди. Тошкентдаги 12 та қабристон ёпилиб, шаҳардан узоқда 1 та қабристон очилди. Норозилик бошланиши баҳонасида Эски шаҳар оқсоқоли Иногомхўжа Умриёхўжаев ўрнига порахўр Мухаммад Ёқуб тайинланди.

Мухаммад Ёқуб пора олиш мақсадида бошқа касалликдан ўлганларни ҳам вабо учун очилагн қабристонга кўмишни буюриши кўзғолон бошланишига сабаб бўлди. Пристав яширинча кўмилганлар гўридан қазиб олинишини маълум қилиб, уларни кўмганлар 1892 йил 24 июнда ҳибсга олинган, кўзғолончилар ҳоким тўра Путинцев, оқсоқол М.Ёқуб ва миршабларни дўппослади.

«Айб ўзимизда «сарт»ларнинг феълени ўрганмаяпмиз. Айб фақат вабода эмас, норозиликлар кўзғолонга айланди» - деб айтган Н.П.Остроумов 1892 йил 29 июлда ёзган мактубида. «Бир чеккаси-руслар зулми, бир чеккаси-камбағаллик, ва ўлат аҳолининг тинқасини қуритиб, ниҳоят, халқ кўтарилди. Машҳур «Тошотар воқеаси портлади» - деб таърифлаган эди академик шоир Ғ.Ғулом. Рус мустамлакачилари зиёли-маърифатпарвар-миллатпарварларни ҳам қатагон қилдилар.

Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори Н.И.Ғродеков 1892 йил 1 июлда генерал-губернаторга юборган ахборотида 24 июнь воқеалари раҳбарлари деб шаҳар оқсоқоли И.Умриёхўжаев, Шайхонтохур қозиси Шарифхўжа, Бешёгочлик Б.Холмухамедов, Б.Дадажонбоевларни айтган, улар 24 июнда қамоққа олинган. Иногомхўжа Умриёхўжаев (1833-1896) асли кўқонлик савдогар, Шайхонтохур, кейин Тошкент шаҳар бош оқсоқоли, турмада вафот этган. Шарифхўжа Пошшахўжа (1814-1904) Тошкентда қозикалон, Вобкентда қози, Хожа Аҳрор мадрасасида мударрис, Шайхонтохур қозиси, рус-тузем мактабида фахрий нозир бўлиб ишлаган, сургун қилинган.

Тошкент кўзғолонидан сўнг (1892) Петербург Туркистонда миршаблик ҳолатини жорий этишга рухсат берди. 1892 йилдан Туркистонда 1887 йил тасдиқланган «Давлат тартиби ва жамоат осойишталиги ҳақида Низом» ҳамда 1892 йил 18 июндан кучга кирган «Ҳарбий ҳолатдаги жойлар ҳақида Қоида» тадбиқ этилди. Туркистон генерал-губернатори «Кучли муҳофазада» - деб эълон қилинган жойларда йигинларни тарқатиш, қорхоналарни ёпиш, матбуотни ёпиш, жарима солиш ҳуқуқларини олди.

«Фавқулудда муҳофазада» - деб эълон қилинган жойларда бутун ҳокимият генерал-губернатор ёки у тайинлаган бош ноибга ўтди. 1892 йил 18

июндаги «Қоида»лар ҳарбий ҳолат жорий этиб, фуқаролар ишини ҳам ҳарбийлар қўлига топширди. Туркистонда ҳар икки миршаблик қонунлари (1887 й. Низом ва 1892 й. Қоида) 1892-1917 йй. амал қилиб турди.

1895 йил «миссионер» Остроумов таклифи билан таклифи бўйича Туркистон халқини саводсиз қилиш мақсадида рус-тузем мактаблари очишга киришилди. Руслар ўзларини ҳоким миллат эканликларини кўрсатиш учун мадраса вақфларини йўқ қилувчи буйруқлар чиқарди, хутбада рус подшоси номини қўшиб ўқиш, рус амалдорига таъзим қилишга амр қилинди.

XIX асрнинг 80-йилларида Россия «катта ога» муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатларини ишлаб чиқди. Мустамлакачилик ҳарбий-сиёсий машинаси 1890 йиллардан Туркистонни хом ашё манбаига айланиш имконини яратди. Мустамлакачилик тузуми XIX аср 80-йилларигача ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлашга ҳаракат қилган бўлса, 90-йилларда Туркистонни талон-тарож қилишга киришди. Чоризм Туркистон халқларидаги ватанпарварлик ва курашчанлик туйғуларини барбод қилишни мустамлакачилик сиёсатининг бош ва асосий мазмуни деб билди.

Андижон кўзғолони. Озодлик ҳаракати даргаси бўлиш масулиятини Муҳаммад Али (Дукчи) Эшон ўз зиммасига олди. У Маргилоннинг Шахидон қишлоғида деҳқон-хунарманд Муҳаммад Собир оиласида тугилган. Муҳаммад Али Бухорода Усмонжон охун мактабида ўқийди, водийлик уламо Султонхон тўра эшон хизматида бўлади, 1882 йил у ўлгач Муҳаммад Али Пир бўлди.

Муҳаммад Али Аравон-Асака ўртасидаги баланд жойга сув чиқариб «оби худойи» барпо қилиши уни машҳур қилди. У 1887 йил Макка-Мадинага ҳажга чиқиб, Саудия Арабистони, Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Қора денгиз, Россия жанубида бўлади. 1890 йил зиёратчилари кўпайгач муридлари 500 от сигадиған отхона қуриб беради. Эшон зиёратчилар кўз олдида оловсиз қозон қайнатган.

Муҳаммад Али эшоннинг машҳурлиги Фарғона мустамлакачи маъмурларини таҳликага солди. Минора кулаб 23 та муллавачча ҳалок бўлсада ҳеч бир ота-она шикоят қилмагани учун мустамлакачилар Муҳаммад Али устидан жиноий иш очолмади. 1895 йил эшон ҳузурига Олой «маликаси» Қурбонжон додхоҳ келади. Қурбонжоннинг ўгли Қамчинбек рус божхонаси ходимини ўлдирилганликда айбланиб, осиб ўлдирилган эди. 1896 йил Кетмотепа, Кўгарт қирғизларидан 25 та вакил Мингтепага Дукчи эшон ҳузурига келиб, рус мужикларидан шикоят қилади ва газотга руҳсат беришини сўрайди.

1896-1897 йй. рус мужиклари ва қирғизлар ўртасида тўқнашувлар кучаяди. Қирғизлар 1897 йил охирида бўлис оқсоқоли Чибил, қози ноиби Раҳматилла раҳбарлигида Кенгаш қилиб, рус мужикларига ҳужум қилиш режасини ишлаб чиқади. Кенгашда Муҳаммад Али Эшон газотга раҳбар қилиб тайинланди.

«Эшоннинг муридлари 10 мингдан ошгани ва Россияга исён қилиши мумкинлигини, мактабида 250 та бола ўқиётгани, уларни Истамбулга юбормоқчи» - экани ҳақида Асака пристави М.Чанишев ахборотида ёзган.

Руслар Россия-Туркия уриши бўлиб тургани учун туркларнинг Туркистонга хайрихоҳ бўлишидан чўчирди. Эшон фаолияти билан генерал-губернаторнинг шахсан ўзи шугулланишининг сабаби: ўлкада русларга қарши кайфият кучайиб, туркларнинг пайдо бўлиши; Турк-Юнон уришида галаба қилган туркларни мадҳ этувчи китоблар тарқалиши; Эшонга турк султони тўн ва газоватга чорловчи фармон юбогани ҳақида гаплар эди.

Тошкент округи қошида тузилган (Судида) терговчи ва 12 кишилик комиссия 1897 йил 12 майда Мингтепага етиб келди. Муҳаммад Али тергов тугагач озодлик курашини ташкил қилиш учун тижорат аҳли ва уломаларга чақириқ мактуби йўллаганда халқ денгиздек тўлқинланиб кетади деган фикрда эди, бироқ 1898 йил 15 январда Мингтепага чақирилган қирғизлар 2 кун бошқа вакилларни кутишди. Қирғизлар ҳукуматга қарши кўзголон бошлаши мумкинлигидан маъмурларни Кетмонтепа ва Кўгартдаги рус мужиклари огоҳлантирди.

Кўзголон бошланиши. Рус махфий хизмати кўзголон бошида Дукчи эшон турганини билиб Эшонни йўқотиш режасини ишлаб чиқди, қирғиз ва ўзбекларни бирлаштирмаслик, кўзголон пала-партиш бошланишини таъминлашга зўр берди. Рус махфий хизмати кўзголонни олдини олиш учун 1898 йил 17 майда Эшоннинг ҳовлисига бостириб кириб, кўзголон бошлашни талаб қилди ва жияни Абдулазизни эмас Эшонни хон деб эълон қилди. Муҳаммад Али бошчилигидаги кўзголон Тожик қишлоғидан бошланиб 17 май кечқурун Андижонга юришди.

Кўшиннинг илгор қисмга мулла Аҳмад қирғиз, Эшон кўшини иккига бўлиниб, бирига Зиёвуддин Махсум бош бўлди. Кўзголончиларга Қутчи қишлоғида 200 киши, мингбоши Ғойибназар йигитлари билан, савдогар Алибой 150 йигити билан қўшилди. Эшонга қўшилган йигитларга аввал русларда хизматкор бўлиб, кейин Эшонга мурид бўлган Муҳаммад Зулум раҳбарлик қилди. Кўзголончилар Андижоннинг Эски шаҳарига кириб, 163 киши 20-Туркистон линия батальон казармасига хужум қилди.

Кўзголончиларнинг хатолари қуйидагилардан иборат эди: уюшмаган оломон тўлқини Эшонни оддий иштирокчига айлантириб қўйди; кўзголонни ҳарбий интизом асосида бошқариб бўлмади; қирғиз Чибил бўлис Эшонга қўшилмасдан рус деҳқонларига юриш қилди; Иноятхон эшон Маргилонга, Умарбек додхоҳ эса Ўшга хужум уюштира олмади. Муҳаммад Али 1898 йил 17 майда муридлари билан пала-партиш, очикчасига ҳукуматга қарши кўзголон кўтарганлиги рус мустамлакачилари учун айни муддао бўлди. Чунки сиёсий-диний арбоб ўзини ошкор қилган эди, энди Эшонни йўқотиш ва қатли ом қилиш мумкин эди.

Кўзголон бостирилиши. Кўзголондан хабар топган подшо Николай II Туркистондаги ноиб барон Вревскийни лавозимидан четлатди, генерал-губернаторлик ваколатини вақтинча Сирдарё вилояти ген-губернатори Корольковга юкледи. Бош штаб унга жазо экспедициясига раҳбардик қилиш, ёзги машқларни бекор қилиш, кўнгилли команда кўшинларини Фаргона туманларига юбориш, русларни қуроллантириш, ишончли ерли амалдорларга ёрлик билан ов милтиқлари бериш ишларини юкледи. Корольков 1898 йил

20 майда «бўшанглик қилган» Фаргона вилоят ҳарбий губернаторири, туман хокими, Асака участка приставини лавозимидан четлатди.

Рус амалдорлари Эшонни тутиб келганга Андижон шаҳрига старший оксокол қилишни ваъда қилишди. Муҳаммад Али ва 3 та муриддини Арслонбоб яқинидаги Тошкўприкда Кўконқишлоқ мингбошиси Қодирқул, бозор саркори Ёқуб қурбоши, штабс-капитан Огабековлар русларга тутиб беришди. Янги тайинланган генерал-губернатор Духовский Ҳарбий Вазир Куропаткинга юборган рапортида «Бу аланга Фаргонада кўтарилган бўлсада, ўлканинг ўзга худудларида ҳам газовотга хайрихоҳлар кўп. Галаён туман доирасидан ташқарига ёйилиб кетди» - деб ёзган эди.

1898 йил 19 майда Яккатутда қуролланган деҳқонлар жазо отрядига қаршилик кўрсатди. Наманганда киргизлар; Кўкон туманида, Бешарик ва Кўгарт волостларида кўзғолончилар қурашни давом эттирди. Жаркент туманида газовотга Или орти волость бошқарувчилари ҳам кўшилиб кетганини Сибирь ҳарбий округи штаб бошлиги Зарубаев 1898 йил 28 июнда маълум қилган. Фаргона вилояти шимолида Эшоннинг сафдошлари Чибил бўлис ва Шодибеклар ҳаракатни давом эттирдилар. Сусамир вилоятидаги ерлилар Шодибек бошчилигида газовот эълон қилишди.

Генерал-губернатор 1898 йил 5 августдаги рапортида «сўнги галаёнларда» Андижон ва Маргилон шаҳарлари «энг ашаддий» газовотчиларни етиштириб берганини ёзган. Генерал-губернатор Мингтепа, Асака, Кува, Шаҳрихон, Аравон, Яккатут, Ёзёвон, Булоқбоши, Кўгарт, Сусамир, Кенгкўл-Қорақир волостлари кўзғолончилар «уяси» эканини хабар қилади. Жазо экспедицияси бошлиги Корольков ўз ҳисоботида Эшондан кейин кўзғолоннинг энг зўр етакчилари сифатида 14 кишининг номини келтиради.

Муҳаммад Али (Эшон) Андижондаги Янги шаҳар ҳибсхонасига қамалгандан кейин ўзбек, киргиз, қипчоқ, қорақалпоқлар «эшонга қарашли ёрдамчилар» деб ўлдирилди. Мустамлакачилар Андижон шаҳри ва тумани фуқароларини эшон билан «тили» бир деб, хавфсираганлар. Рус мустамлакачилари Андижондаги кўзғолон баҳонасида қатагон уюштириб, эшон ва унинг яқин қариндошларини қатл этиши интиқомдан бир кўриниш эди. Рус амалдорлари Муҳаммад Али сиймосида фақат кўзғолончилар раҳбарини эмас, балки ўзлари учун хавфли ислом уламосини кўрдилар.

Муҳаммад Али ва унинг сафдошлари 1898 йил 25 июнда Янги шаҳар Тупроққўргони олдида қатл қилинди. Кўзғолон характерида кўра миллий-озодлик кўринишида юз беришининг сабаби, чунки бу кўзғолоннинг асосий кучи халқ оммаси эди. Кўзғолончилар топталган ҳақ-ҳуқуқлари, дину диёнатлари учун тенгсиз қураш олиб бордилар.

Эшоннинг жияни, Кўкон хони тахтига мўлжалланган 14 ёшли Абдулазиз Андижон турмасига солинганини 1898 йил 3 июнда Корольков хабар қилади. Муҳаммад Али ҳибсга олинган, уни тасдиқлаган гувоҳлардан бири Мирза Маъсуд эди. Эшонни тергов қилганда мирзабоши Мулла Исмоил қатнашган. Ҳарбий суд раиси ва Эшоннинг гапларини уезд (туман)

махкамасининг таржимони Эшмухаммад тўра Тошмухаммедов таржима килиб турган.

Рус мустамлакачилари 1898 йил Туркиянинг Юнонистон устидан қозонган галабасини қутлаётган мусулмон оламида ўзига хос диний интиком олиш учун ҳам Андижон кўзголови баҳонасида Эшон ва унинг маслакдошларини қатл этиш маросими бу интикомдан бир кўриниш бўлди.

Муҳаммад Али «Ибрат ул-гофиллин» (Гофиллар учун ибратлар) номли асар ёзган. Мустамлакачилар 1898 йил 12 июндаги кўзголончилар қатлида мактаб болаларининг ҳам қатнашуви мажбурий эканлиги уқтирилган алоҳида буйруқ эълон қилдилар. Ёш болалар кўп йиллар Россия подшоҳининг сиёсатини айтиб юрадилар, деган губернатор Чайковский. Қатл фожеасини кўрган болалардан бири Фозилбек Отабек ўгли кейинчалик 1927 йил «Дукчи Эшон воқеаси» китобини нашр қилган.

Андижондан ташқари Маргилон, Ўш ва Наманган кўзголончилари тергов қилиниб, қатл ва Сибирга сургун қилинди. Корольков Эшон ва унинг муридларидан олинган интиком етарли эмаслигини таъкидлаб Мингтепадан Андижонгача бўлган аҳолини империянинг ичкари худудларига сургун қилишни таклиф қилди. Мингтепа қишлоғи ер билан яқсон қилиниб, рус мужиклари учун 450 хоналик посёлка қуриш учун маҳаллий аҳоли мардикор сифатида жалб қилинди.

Хўқанддаги Авгон бог деган зироат тажрибагоҳидаги агрономни 18 майда кўзголончилар ўлдиргани учун 500 хонадоннинг иморат ва боғлари текислаб ташланди. Андижоннинг Хўқанд қишлоғида «Духовский майдони» дейилган рус посёлкаси барпо бўлди, ўзбеклар уни «Вайрона-вайрона» деган. «Ярим подшо» 400 та рус хонадонига Мингтепа қишлоғини «Мархамат» қилдик дегани учун Мингтепа Мархамат дейилди.

Маъмурий-полиция бошқаруви. Андижон кўзголонидан кейин Корольков руслаштиришнинг тезкор усулини ишлаб чиқди. Бунга кўра мадрасаларда рус тилини ўқитиш, рус тилига давлат тили мақомини бериш, маҳаллий амалдорлар 5 йил ичида рус тилини ўрганиши, 15 йилдан кейин фақат русчани биладиганларни юзбоши, кози, оксокол лавозимига тайинлаш таклифини айтди.

Туркистон генерал-губернатори Духовский 1898 йил 6 ноябрда ҳарбий губернаторларга кўрсатма бериб, маҳаллий маъмурият рус амалдорлари билан ёзишмаларда рус тили давлат тили сифатида эълон қилинишини билдиришни ва бу тадбир муҳокамадан ўтгунча оксоколлар ва мингбошилар идораларига рус мирзалари тайинланишини айтди. Русчани ўзлаштирган мусулмонлардан барча соҳаларда кенг фойдаланиш фикрини Туркистон генерал губернатори ёрдамчиси Н.Иванов Тошкентдаги эрлар гимназиясида, 1899 йил шаҳар жамоатчилиқ йигинида очиқ айтди.

Рус шовинистлари Андижон кўзголови баҳонасида ўзларининг дилларидаги энг мудҳиш ниятларини энди ошқора амалга ошира бошлашди. Корольков императорга такдим этган ерли аҳоли турмушига маънавий-руҳий таъсир ўтказиш дастурида ўлка хотин-қизларини ва болаларни русча ҳаёт тарзига ўргатиш алоҳида ўрин эгаллаган. У ўз дастурида ўлкада хотин-қизлар

амбулаторияларини кўпайтиришни, Россиядаги аёллар монастирларини Туркистон аёлларига «православ рус карашларини сингдириш учун» хизматга жалб этишни таклиф қилди.

Ўлканинг нуфузли амалдори, шарқшунос В.П.Наливкин «Маъмурий бебошлик ҳеч қаерда 90-йиллар охири ва 1900 йилларда Андижон ноҳиясидагидек кенг авж олмаган эди» - деб айтган. Маъмурий бебошликка ўлка бошлиги Духовскийнинг ўзи бош бўлган эди. Духовский Андижонга келганда Эски шаҳар аҳолисини нон-тузини қабул қилмай бир тўп хинд ва яҳудийларнинг нон-тузини қабул қилиб, уларга «сизлар ҳозирча менга сартлардан кўра яқинроқсизлар», деб айтади.

Корольков ишлаб чиққан дастурни генерал-губернатор Духовский янги фикрлар билан янада кучайтирувчи ҳужжат тайёрлаб Россияга жўнатди. Духовскийнинг дастурида мусулмонларга яҳудийларга нисбатан ўрнатилганга ўхшаш муносабатларни жорий қилиш ва мусулмон мактабларига яҳудийлар ҳақидаги 1893 йил 1 март конунини қўллаш таклифи билдирилди. Дастурда таклифларнинг умумий асосини белгилаб, «нодон осиеликлар учун ислом кучли таъсир қилишини» ва бу таъсир узок давом этишини таъкидлади.

Корольков ва Духовский режалари бўйича: мустамлака аппарати кенгайтирилиб ҳарбий ва миршаблик мансаблари кўпайтирилди; генерал-губернатор ёрдамчиси (1900), бош бошқарма дипломатик маслаҳатчиси (1899) лавозимлари жорий этилди; ҳарбий губернаторлар маоши йилига 10 минг сўмга оширилди; жабҳа (участка) приставлари сони яна 49 кишига кўпайтирилди; генерал-губернатор маҳкамаси харажатлари учун қўшимча 10 минг сўм, ўлка бошлиги маоши оширилди; суд прокурор ва ҳарбий судларга катта ҳуқуқлар берилди.

1886 йилги «Низом»га ўзгартишлар киритилиб, Туркистон генерал-губернаторлиги «Маъмурий-полиция бошқаруви» деб ўзгартирилди. Бунга 90-йиллардаги халқ ҳаракатлари, хусусан Андижон қўзғолони сабаб бўлди. Петербург Ҳарбий Вазирлиги ўлкада «ҳарбий-полиция бошқаруви»ни тиклади.

Таянч сўзлар: “Вабо исёни”, Иногомхўжа Умриёхўжаев, Мухаммад Ёқуб, Мухаммад Али – Дукчи эшон, Наливкин, Корольков, Духовский.

XIV-боб. XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шаклланиши.

1-§. Туркистонда демократик ғоялар тарқалиши. Жадидлар ҳаракати

Пахта хомашёсига бўлган эҳтиёж. XIX аср охирларида Россия саноати жадал суръатда капиталистик муносабатларга тортилди. Европада йирик ҳисобланган тўқимачилик марказлари Москва, Иванова, Иванова-Вознесенск, Ярославлда вужудга келди. Россияда ёлланма меҳнатга

асосланган тўқимачилик саноатининг тез ўсиши Туркистонда *пахта яккаҳоқимлигининг* кучайишига олиб келди. Туркистон пахтаси Россияга 1894 й. - 2600, 1904 й. - 6400, 1914 й. - 15500, 1916 й. - 17500 минг пуд чиқарилган.

Энг катта пахта плантациялари Фарғонада бўлиб, рус буржуазияси XX аср бошларида Фарғона водийсида 157 та пахта тозалаш заводи курди. Рус буржуазияси маҳаллий бойлар, савдогарлар билан шерикчилик асосида корхоналар куриши куртак холатдаги ўзбек буржуазиясининг вужудга келишига шароит яратди. Россия Туркистонда пахта яккаҳоқимлигини таъминлаш асосида АҚШ, Хитой ва Миср пахтасига бўлган қарамлигини бартараф этишни кўзлади. Туркистон пахтаси рус саноати эҳтиёжининг 1880 йил - 25 % ини таъминлади, биринчи жаҳон уруши арафасида (1914) – 50 % га етди.

Америка навли пахтани Туркистонда кенг тарқатиш ташаббускорлари Беляков, Раевский, Тарсин каби плантаторлар бўлди. Энг катта плантация Катта Ярославл мануфактураси (2750 десятина) ва Андреев хутори (Андижон яқинида –700 десятина) га тегишли эди. Пахтачилик Россиянинг чет элларга сарфлайдиган 70 млн. олтин пулини тежаш имконини берди.

Рус савдо-саноат буржуазияси даромад олиш мақсадида илм-фан эгаларини, агрономия ва биология фани олимларини Туркистонга сафарбар қилди. 1884 йил Туркистонда тажриба-уруғчилик станцияси очилди. 1907 йил Россиянинг пахта мустақиллиги таъминланди. Пахта даласи, пахта заводи, тўқимачилик фабрикасидан иборат ишлаб чиқариш мажмуаси марказий районлар темир йўл орқали Туркистон билан боғлангач (5-млн. пуд пахта толаси олиб кетилди) юзага келди.

Пахтачилик билан 30 дан ортиқ катта савдо тармоқлари шугулланди. Банклар пахта олиш-сотиш ишини қўлга олиб, банк капитали билан саноат капитали Туркистон пахта майдонларида топишди. Россия-Осиё банки, Москва савдогар ва Давлат банклари, кейин Полтава ва Нижегород-Самара ер банклари Туркистон пахтакорларини қарзга ботирдилар.

Пахта савдоси билан шугулланувчи рус савдогарлари ўзларининг компанияларини тузди. Компания эгалари пилла, тери, беда уруги етиштириш соҳаларини ўз назоратига ола бошлади. Энг катта компания Вадьяевларнинг пахта-ёғ ширкати, 30 та пахта заводи бўлиб, қайси корхона 1916 йил Иванова-Вознесенск тўқимачилик мануфактураси уларга ўтди.

Маҳаллий ишчилар шаклланиши. Туркистонда темир йўл курилиши ва саноат корхоналарининг вужудга келиши туфайли маҳаллий ишчилар синфи шакллана бошлади. Маҳаллий ишчилар хонавайрон бўлган хунармандлар ва қашшоқлашган дехқонлардан таркиб топган эди. Хунармандлар рус саноат маҳсулотлари рақобатидан хонавайрон бўлди. Капиталистик муносабатлар туфайли қишлоқларда табақаланишнинг кучайишидан дехқонлар қашшоқлашди.

Туркистон аҳолисининг 90 % ини ташкил қилган дехқон ва чорвадорлар турли мавсумий ишлар билан шугуллана бошлади. Ишчилар сафини XX-аср бошларида дехқон ва хунармандлар тўлдирди бошлади. Маҳаллий ишчилар синфининг шаклланишида курувчи ишчилар асосий

заминлардан бири эди. Рус амалдорлари игвогарона мақсадларни кўзлаб Туркистондаги рус ишчиларига имтиёз бериб, истилочиларга хос мавке яратиб берди.

Рус мужиклари ва ишчи-хизматчиларига яратилган юкори имтиёзлар «катта огалик» туйгусини вужудга келтирди. Россияда дворян-помешчиклар билан деҳқонлар, буржуазия билан ишчилар ўртасида кураш авж олди. XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон халклари миллий ўз-ўзини англай бошлади. Туркистон генерал-губернатори Россия ички ишлар вазирига йўллаган махфий хатида Туркистондаги рус аҳолисининг ҳукуматга қарши ҳаракати Туркистонга сургун килинган сиёсий кишилар ҳамда темир йўл қирилганидан сўнг ишчилар пайдо бўлгач бошланганига тўхталади.

Рус подшосининг ноиби маҳаллий аҳоли ўртасида «инкилобий ташвиқот ҳали-бери илдиз отолмайди», маҳаллий аҳоли ҳукуматга «хайрихоҳ» бўлиб, «маҳаллий аҳоли билан инкилобий ташвиқот ўртасида улкан тўсик - икки томоннинг тил билмасликлари», - деган хулосага келади. Генерал-губернатор, агар рус инкилобий фиркалари маҳаллий аҳолини инкилобга тортса, уларнинг ҳаракати «Барча русларга қарши қаратилади ёки Кавказдагига ўхшаб қароқчилик тусини олади», - деб башорат қилади.

Туркистондаги демократик ҳаракатлар. Рус социал-демократлари Туркистонга сургун килинган сиёсий муҳожирлар марказий ташкилотлар билан алоқа ўрнатиб, инкилобий газета-журналлар ва сиёсий адабиётларни тарқатиб Туркистонда марказий ташкилотнинг ячейка гуруҳларини тузди. Туркистонда дастлабки социал-демократик тўғарақлар 1902 йил Тошкентда, 1905 йил Самарқандда, сўнгра Қозонжиқ, Қизил-арват, Красноводск, Пишпак, Қўқон, Когонда тузилди.

Россиядаги 1905 йил «Қонли якшанба» ва Умумроссия октябр стачкаси, Декабр курулли кўзголони Туркистонда ҳам инкилобий ҳаракатлар бошланишига туртки бўлди. 1905 йил январда Тошкент ва Самарқандда ишчиларнинг сиёсий иш ташлашлари бошланиб бошқа шаҳарларга тарқалди, ўзбек ишчилари ҳам катнаша бошлади.

Тошкентда 1904 йил «Социал-демократлар ва социал инкилобчиларнинг иттифоқ гуруҳи» ташкил топди. «Иттифоқ гуруҳи» варакаларида «Курашда сен ўз ҳукукингни қўлга киритасан», - деб ёзилган эди. «Иттифоқ гуруҳи» биринчи сиёсий чиқишни ва 1905 йил февралда Тошкент ишчиларининг биринчи иш ташлашини уюштирди. «Иттифоқ гуруҳи» узок «яшамади», ундан 1905 йил мартда социал-демократлар ажралиб чиқиб, РСДРП нинг Тошкент гуруҳи ташкил топди. Тошкентдаги 1905 йил 1 май воқеаларини РСДРП нинг Тошкент гуруҳи амалга оширди. РСДРП Тошкент гуруҳи Боку кўмитаси билан ҳамкорликда иш кўрди. 1905 йил 8 сентябрда Бокудан келган А.Бузанский маъруза қилади.

Подшо 1905 йил 17 октябрда фуқароларга эркинлик берганлиги ҳақида Манифест эълон қилди. Манифестга ишончсизлик билдирган РСДРП нинг Тошкент гуруҳи уни «қогоздаги қонун», - деб атади. Тошкент гуруҳи Ўрта Осиё Тошкент Бош темир йўл устахонаси олдида митинг ўтказиб, сиёсий маҳбусларни озод қилиш ва ҳукуматга қарши куч ишлатишга даъват этди. Сирдарё ҳарбий губернатори Федотов 1905 йил 19 октябрда Тошкент шаҳар

Думаси олдидаги намоёишни ўққа тутишни буюрди. Эсерларнинг ташвиқоти билан 1905 йил ноябрда Тошкент тўп омбори ва устахоналарида ва 1-Туркистон захира батальони Тошкент кўргонида қуролли кўзғолон кўтарилди.

Тошкент инқилобий кўмитаси. Туркистонда баъзи бошқарув ваколатлари 1905 йил ноябр-декабрда ишчи ва аскар ноиблари Шўроси вазифасини ўтовчи темир йўл стачка кўмиталари кўлига ўтди. Бу даврда генерал Сахаров Туркистон генерал-губернатори вазифасини бажарувчи эди. Иш ташлаш давомида Тошкент инқилобий кўмитасини одамлар «Вақтли ҳукумат» деб атади. 1906 йил февралда РСДРП Туркистон ташкилотларининг 1-конференцияси (таъсис) бўлди. РСДРП нинг Тошкент гуруҳидан сайланган «Иттифоқ кўмитаси» га адабиётлар нашр қилиш ва марказий ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш юклатилди.

Бухородаги Россия императорлиги сиёсий агентлигининг 1905 йил ноябрдаги номасида рус ишчилари ўзбекларни «бузаётгани» ва Дўст Муҳаммад Устабоев катта роль ўйнагани кайд этилади. Тошкентнинг Жомеъ масжидида 1905 йил 12 сентябрда Тошкент шаҳар Думасига ноиблар (гласний) фақат бойлардан сайланаётганидан норозилик чиқиши бўлди. 1905-1907 йй. воқеалари рус мустамлакачиларини улар орасида бирлик йўқолиб, ўзаро кураш бошланганидан воқиф қилди. Туркистон генерал-губернатори 1906 йил январда вилоят ҳарбий губернаторларига аҳоли кайфиятини билиб туриш ва инқилобий ташвиқотга қарши ташвиқот ўтказишни тавсия қилди.

Рус-япон урушида (1904-1905) чоризмнинг енгилиши ва харажатни қоплаш учун мустамлакаларни талаш илпи норозиликка сабаб бўлди. Петербургдаги 1905 йил 9 январь «Қонли якшанба» фожеаси чекка туманларни ҳам курашга кўзгатди. Россиядаги 1905 йил баҳор, ёз ва кузидаги инқилобий чиқишлар Туркистон дехқонларини ҳам ҳаракат майдонига тортди. Дехқонлар галаёнлари 1905 йил феврал-апрелда волост ва қишлоқ оқсоқолларини қайта сайлаш вақтида айниқса кескин тус олди.

«Намоз ботир» фаолияти. Каттакўргон уезди бошлигининг 1905 йил майда Самарқанд ҳарбий губернаторига юборган рапорти уездда «кучайтирилган муҳофаза» муддатини узайтириш, Туркистондаги аҳвол ҳам Кавказдагига ўхшаб бораётганилиги ва юқори табаканинг яшаши хавfli бўлаётгани ҳақида эди. Қишлоқда зўравонликларга қарши кураш **Намоз Пиримкулов**дек курашчиларни етиштирди. Бу ном Туркистон мустамлакачилик маъмурияти ва генераллари учун «хавф манбаи» бўлиб қолди. Халқ унга «Намоз ботир» деб ном қўйди, Генерал-губернаторлик ҳарбий суд маҳкамаси уни «Намоз ўғри» деб атади.

Намоз отряди 1905 йил 10 майда Каттакўргон яқинида бозордан қайтаётган бой ва савдогарлар мол-мулкани мусодара қилиб камбағалларга беради. Намозни халқ хурмат қилишини ва у афсановий қаҳрамонга айланганлигини Самарқанд ҳарбий губернатори Гескет тан олган. Намоз курашнинг энг нозик усули – пистирмадан ҳужум қилиш усулини қўллаб душманни доғда қолдирган. Китоб беги бошчилигидаги Бухоро амирининг жазо отрядини Намоз тор-мор қилгач, амир генерал-губернатордан ёрдам сўради. Намоз Хўжаарқ волости бошқарувчиси, сотқин Лутфулла

Хўжаевнинг хабари билан 1905 йил кузида Полов қўшини томонидан қўлга туширилди.

Намоз ва унинг 50 та шериги турмадан қочиб кетгач, у билан Туркистон генерал-губернатори Гродеков шугулланди. Мустамлака маъмурияти «Намоз»чилар орасига игвогар жосус Ширин Мухамедовни юборди, у «намоз»чилар орасида ишонч қозонди. Намозга қарши Туркистон казак дивизияси ва Уральск казак полки юборилди.

Туркистон генерал-губернатори Намозни «тутиш ишини ташкил этиш» операциясига Самарқанд вилоят харбий губернатори ёрдамчиси полковник Сусанинни тайинлади. Операция муваффақиятини таъминлаш ишига Бухоро амири, рус армияси кавалерия генерали Саид Абдулаҳадхон жалб этилди. Генерал-губернатор маҳкамаси 1907 йил мартда Сусанинга «Намоз операцияси» учун қўшимча маблағ ажратди. 2-Уральск казак полки командирига операция 1907 йил 28 майда бошланишини Гескет хабар қилади.

Намознинг ўлдирилиши ҳақида 2 та тахмин мавжуд. Самарқанд туманбошиси ёрдамчиси Соколовский ва штабс-капитан Голов 1907 йил 3 июндаги хабарномасида Қобил ва Кенжа Алиқул ўртоқлари билан Намоз ва Туркманни ўлдириб Бухоронинг Зиёвуддин беклигига қаршли Тошқудук қишлоғи яқинига ташлаб қочиб кетгани ҳақида тахминни илгари суради.

Бухоро амири кушбегиси Остонақулбий додхоҳ баён қилган иккинчи тахминда Туркман Зиёвуддин беклигининг Энкичик деган жойида Намзни ўлдиради, Қобил ва Жума Туркманни ўлдириб Намознинг жасадини Каттақўргонга олиб кетади, дейилади.

Намзни ўлдиришда «ўрناق кўрсатган»лар 1907 йил 19 декабрда Полвонариқ мингбошиси кичик олтин нишон, Калқўргон мингбошиси, Полвонариқ қишлоқ оқсоқоли ва миршаблар кичик кумуш нишон билан тақдирланди.

Таянч сўзлар: Намоз ботир, Зиёвуддин, Гескет, инқилоб, плантация. Бир десятина 1,09 гектарга тенг.

Жадидлар ҳаракатининг вудудга келиши. Думага сайлов

Жадидчилик шаклланиши. Мустамлакачиликнинг русча шакли маҳаллий халқни жаҳолатда, саводсизликда, қашшоқликда ушлаб туриш орқали ташкил килинди. Мустамлакачилар Туркистонни узок вақт саклаб қолиш учун чиновниклар, харбийлар, руҳонийлар, муҳандис-техниклар, олимлар ва ишчиларни сафарбар қилди. Ўрта Осиё капиталистик бозор муносабатларига ишчилар, илмий кучлар, ишлаб чиқариш воситаларининг фаол иштирокида тортилди. Ана шу жараёнда узбек миллий буржуазияси – савдо-саноат эгалари шакиллана борди. Чоризм маҳаллий буржуазиянинг пайдо бўлишини асло истамасди, чунки унга тўла ишонмасди.

Миллат равнакини ўйловчи тараккийпарвар кучлар - хунармандлар, деҳқонлар, буржуазия, руҳонийлар – барча табақа орасида мавжуд эди. Улар халқнинг миллий онгини ошириш ва ўзлигини англаштириш энг аввало маърифат, илму урфондан кидирдилар. Зиёлилар мустақиллик учун курашга халқни уйғотишни дастлаб маърифатдан бошлади.

Мусулмон ва туркийларни жаҳон таракқиётидан узилиб қолганлигига барҳам бериб, маърифат орқали таракқиётга эришиш зарурлигини туркий қрим-татар халқининг фарзанди **Исмоил Ғаспирали** (1851-1914) биринчи бўлиб тушуниб етди. Ғаспирали бутун турк дунёсидаги Жади́дчилик ҳаракатининг «гоявий отаси» ҳисобланади. Бир нечта чет тилларни билиши ва жаҳон илм-фани ютуқлари билан танишуви туфайли Ғаспирали Шарқ ва Ғарбни таққослаш, хулосага келиш имконига эга бўлди. У Россияга мустамлака бўлган барча мусулмон ҳудудлардаги маорифини ислоҳ қилиш, уларда дунёвий фанларни ўқитиш масаласини кўтарди ва 1884 йил Қримдаги Бокчасарой шаҳрида жади́д мактабига асос солди.

Ғаспирали дастур тузиб, ўзи ёзган дарслик ёрдамида 40 кун ичида 12 ўқувчининг саводини чиқарди. Бу усул «усули савтия» – ҳарф товуши усули, яъни «усули жади́д» номи билан шуҳрат қозонди. Ғаспирали мактаб ва мадрасаларда диний таълимот, араб, форс, рус тили билан бирга тиббиёт, ҳикмат, кимё, наботат, нужум, хандаса фанларини ўқитишни илгари сурди. Унинг гояларини ёйишда «Таржимон» газетасининг хизмати катта бўлди. Ғаспиралининг 1888 йил нашрдан чиққан «Раҳбари муаллимин ёки муаллимларга йўлдош» китобида жади́д мактабларининг қурилиши, дарсни ташкил қилиш, жиҳозланиши, дарс жадвали, таътил, имтиҳон баён қилинган.

Ғаспирали мусулмон мактабларини ислоҳ қилишга доир лойиҳасини 1892 йил Туркистон генерал-губернатори Розенбахга юборди, лекин у лойиҳани рад қилди. Ғаспирали 1893 йил Туркистонга келиб, Самарқанд, Тошкент ва Бухорода бўлди. У Бухоро амири **Абулаҳадхон** ҳузурида 1893 йил 8 июнда бўлди, амир зўрга битта жади́д мактаби очишга рухсат берди. Унинг Бухородаги шогирдлари: мударрис ва тарихчи Маржоний, гиждувонлик домла Фозил, Мўминхўжа Вобқандий, мулла Худойберди жади́д мактабларини кўпайтириш мақсадида амирни кистай бошлади. Жоҳил руҳонийлар амирни уларга қарши қайрашлари туфайли Маржоний Қозонга кетди ва унинг сафдошлари зиндонга ташланди. Ғаспирали бундан хабар топиб 1904 йил Бухорога яна келиб амир билан музокара олиб боргач амир ўз отаси номи билан аталувчи «Музаффария» жади́д мактаби очишга рухсат берди.

Туркистондаги жади́дчилик ҳаракати 2 душманга: 1) чор маъмуриятига, 2) маҳаллий жоҳил руҳонийларга қарши кураш жараёнида куртак ёйди. Туркистондаги иккинчи жади́д мактабига 1898 йил Қўқонда Салоҳиддин домла асос солди, шу йили Тўқмоқда ҳам очилди. 1899 йил Андижонда Шамсиддин домла ва Тошкентда Маннон қори жади́д мактабларига асос солдилар. Туркистон ўлкасида 1903 йил 102 та бошланғич ва 2 та ўрта жади́д мактаблари бор эди.

XX-аср бошида жади́длардан Бехбудий, Айний, Авлоний, Фитрат, Мунаввар қори, Бобоохун Салимов зиёлиларнинг бутун бир авлодини тарбиялаш ишини бошлади. Тошкент жади́дларининг отаси сифатида

Мунаввар қори Абдурашидхонов катта обрў қозонди. XX-аср бошларида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фрагона водийси шаҳарларида ўнлаб «усули жаид» мактаблари очилди. «Усули жаид» мактабининг биринчи қалдирғочлари Бехбудий, Шакурий, Азжий, Мунаввар қори, Авлоний, Зохирий, Олимий, Сўфизода, Фитрат, Айний, Ҳамза эди.

Туркистон жаидларининг раҳнамоси – Махмудхўжа Бехбудий (1875-1919) Самарқанд яқинидаги Бахшитева кишлоғида 1875 йил 19 январда рухоний оиласида тугилган. Отаси Бехбудхўжа Солихўжа ўгли Яссавий авлодларидан, онаси асли хоразмлик бўлган. Отаси 1898 йил вафот этгач, у тоғаси, қози Муҳаммад Сиддиқ тарбиясида бўлди ва ундан араб, форсий тилларни ўрганди. Бехбудий Самарқанд ва Бухорода таҳсил олиб, имом-хатиб, қози, муфти даражасига кўтарилди. У Ғаспиралининг туркий халқларни жаҳоннинг илгор маърифати билан қуроллантириш ҳаракатига қўшилди.

Бу эзгу орзуларни Ғаспирали 1881 йил ёзган «Русия мусулмончилиги» китобида асослаб берган эди. Ғаспирали гоёларининг тез ёйилишига унинг 1892-1897 йй. Туркистонда бўлиши сабаб бўлди. Миллий ўзликни англаш, миллий уйғониш курашининг байроқдори бўлган Бехбудий 1899-1900 йй. Ғарб ва Шарқ мамлакатларига сафар қилиб, Байтуллохни зиёрат қилиб қайтгач янги усул мактаблари очишга киришди ва ўз уйида ҳам мактаб очди.

1906 йил августда Нижний Новгород шаҳрида Россия мустамлака қилган мусулмон ҳудудлари аҳолиси ва маданияти муаммоларига бағишланган анжуманда Бехбудий маъруза қилди. Бехбудий халқни яқдил миллат қилиш учун фақат янги усул мактабларидан ташқари яна миллий матбуот ва миллий театр зарур деди. Ўзбек драматургиясининг илк намунаси Бехбудийнинг «Падаркуш» асарини «Турон» труппаси сахнага қўйди. Бухбудий матбуот ва ноширлик соҳасида 1913 йил «Самарқанд» газетасини ва «Ойина» журналинини (августда) чиқарди. «Ойина» журналинини Татаристон, Кавказ, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Туркиягача тарқалар эди. Бехбудий ўз номи билан «Нашриёти Бехбудия» хусусий нашриётини ва унинг қошида «Кутубхонаи Бехбудия»ни очди.

Бехбудий асос солган миллий матбуот – газета ва журналларда миллат ва Туроннинг долзарб муаммоларидан баҳс очилди. «Ойина» журналинини Фитратнинг миллат ва Ватан фожияларидан ўқинган «Ҳиммат ва сабот бўлмаган миллатнинг ҳаққи ҳаёти йўқдур» деб номланган мақолалари босилган ва унда адиб «Тушундигим замон кўнглум ёнар, йигламоқ истарман, кўз ёшларим келмайду»,- деб ўқинган. Бехбудий жаидлар матбуотида ёзган 200 дан ортиқ мақолаларида миллат, Туркистон, миллий қадриятларни ҳимоя қилиш, халқларнинг эркини таъминлаш, маърифатли қилиш гоёлари асосий ўринда турди.

Буюк маърифатчи Бехбудий «Миллат ўзини англагандагина ижтимоий-сиёсий масалаларга бошқалар билан тенг аралаша олади», - деган фикрда собит турди. У миллат ўзини англашида миллий тарихни билишнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. Бехбудий ижтимоий-сиёсий жиҳатдан илгарилаб кетганлигини ва узоқни кўрувчи назариятчи-сиёсатчи бўлганлигини 1906 йил большевиклар партияси ишлаб чиққан сиёсий дастурни рад қилганликда кўриш мумкин.

Бехбудий маърифатчи сифатида жаид мактаблари учун 6 та фан асослари бўйича: «Қисқача умумий жугрофия», «Болалар мактублари», «Мухтасари тарихи ислом», «Аҳоли географиясига кириш» каби дарслик ва кўлланма ёзди. Бехбудий Бухоро истибдодини демократик жамият тизими билан алмаштириш йўлида сиёсий фаолият кўрсатди. Бехбудий ҳақида «Ёш бухороликлар» ҳаракатининг йўлбошчиларидан бири Файзулла Хўжаев «Туркистоннинг ўша вақтдаги жаидларидан унга тенг келадигани йўқ», - деган эди. Борлигини миллат, Ватан озодлигига бағишлаган, туркийларнинг XIX - XX аср чорраҳасидаги порлоқ юлдузи бўлган Бехбудий 1919 йил Бухоро амири жаллодлари томонидан қатл қилинди.

Мунаввар қори Абдурашидхонов (1878-1931) маърифий, сиёсий арбоб, жаидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси, миллий уйғонишга катта ҳисса қўшган миллатнинг маънавий раҳнамоси. У Тошкентнинг Шайхонтохур даҳасидаги Дархон маҳалласида диндор зиёли оиласида таваллуд топди. Отаси Абдурашидхон мадраса мударриси, онаси Хосиятхон маҳалланинг отин ойиси бўлган. Мунаввар қори илк сабоқни ота-онасидан, маҳалла мактабидан олиб, сўнгра Тошкент ва Бухоро мадрасаларида ўқиган. У 1904 йилдан фаол ижтимоий-сиёсий, маърифий фаолиятга тортилди.

Жаидлар сиёсий куч сифатида XX аср бошида тарих саҳнасига чиқа бошлаган эди. Шу даврда зиёлилар орасида табақаланиш юз бериб, улар 2 та гуруҳга: 1) тараққийпарвар кишилар – «жаид»ларга; 2) қолоқ, жоҳил руҳонийлар «қадимчилар» гуруҳига ажралди. Тараққийпарварлар онгининг юксалишида Бокчасаройда нашр этилган «Таржимон», Қозонда чиққан «Вақт», «Юлдуз» журналлари, Истамбулда чоп этилган «Сироти мустақим» (Тўгри йўл) газета-журналлари катта рол ўйнади. Мунаввар қори жаидларнинг сиёсий вазифаси ҳақида «Чор ҳукуматини йўқотиш жаидларнинг тилагида бор эди. Сиёсий мақсадимиз ҳам шундан иборат» деган эди.

Жаид раҳбарларидан бири *Абдулла Авлоний* (1878-1934) ўз таржимаи ҳолида «Рус-япон уруши Россия ишчилари ва бизнинг ҳам кўзимизни очди. 1905 йил инқилоби туфайли ташкилотимиз сиёсий маслақларга тушуниб, қора халқни оқартмоқ учун газета чиқарилди», - деб айтган. Ҳукумат 1906 йил «Тараққий», «Хуршид» газеталарини тўхтатгандан сўнг Авлоний темир йўл ишчилари социал-демократ фиркаси ёрдами билан 1907 йил «Шухрат» газетасини чиқарди.

Жаидларнинг Туркистон озодлиги учун кураш дастурида асосан 3 та йўналиш мавжуд эди: 1) янги усул мактаблари тармогини кенгайтириш; 2) ёшларни чет элларга ўқишга юбориш; 3) маърифий жамиятлар тузиш ва зиёлилар фиркасини ташкил этишга қаратилган газеталар чоп этиш. Бу дастурни амалга ошириш борасида Мунаввар қори, У.Асадуллахўжаев, Бехбудий, Авлоний, Т.Норбўтабеков, Ҳамза, Чўлпон, Фитрат жонбозлик кўрсатишди. Тошкентлик бир бойнинг раислигида 1909 йил Мунаввар қори дўстлари билан «Жамияти хайрия»ни ташкил қилади. Бу жамият раисининг ўринбосри Мунаввар қори эди.

Мунаввар қори «Тошкентда мусулмон жамияти» мақоласида бу ташкилот ҳақида «Ёшларнинг совуққонлик ва сабрлилиги яхши натижа берди. Бойлар иттифоқ бўлиб Тошкент жамиятининг аксарият аъзоларини

ёшлардан сайлатдилар. «Дорул ожизин»ни очиб, мактаб ва мадрасаларга хайрия, бева-бечораларга садақа берди. Қашшоқларни мактабда ўқитиб, тарбия қилмоқда. «Грамофон жамияти» билан келишиб пул топмоқда» деган эди. Жаидлар «Жамияти хайрия» жамияти орқали Россия ва Туркия олий ўқув юртларига Туркистон ёшларини ўқишга юбориш иши билан ҳам жиддий шугулланди. Мунаввар қори Шайхонтохурдаги Каттахўжа Хўжаевнинг уйига бойларни тўплаб, ёшларни Германияга юбориш ҳақида нутқ сўзлади.

Бухорода 1910 йил ташкил килинган «Тарбияи атфол» (Болалар тарбияси) жамияти 1911 йил - 15 та; 1912 йил - 30 та талабани Туркияга ўқишга юборди. Абдурауф Абдурахим ўгли 1909-1913 йй. Истамбулда таҳсил олиб, ўзига «Фитрат» (Тугилиш) тахаллусини кўйди.

Тошкентнинг «Қорёғди» маҳалласидан богбон Асадуллахўжа ўгли Убайдуллахўжа Россияда адлия бўйича таълим олиб, биринчи олий маълумотли ўзбек адвокати бўлди. У 1909 йил рус ёзувчиси Лев Толстойга мактуб ёзади. Дастур ва ҳаракат йўналишига эга бўлган Убайдуллахўжа 1913 йил Тошкентга кайтгач жаидлар билан уюшиб «Тараккийпарвар» номли ўзбек зиёлиларининг мустақил фирқасини тузишди.

Убайдуллахўжа дастлабки кадамини Умумтуркистон ижтимоий-сиёсий газетасини ташкил қилишдан бошлади. Газета чиқаришга Туркистон генерал-губернатори Самсонов рухсат берсада, Туркистон махфий сиёсий полициясиқарши бўлди. Жаидлар бир йил уриниб «Тараккийпарвар» фирқасининг 1914 йил «Садои Туркистон», «Садои Фаргона» газеталарини чиқаришди. 1913 йил «Ойна», 1915 йил «Ал-Ислох» журнали чиқди. У.Асадуллахўжаев муҳаррирлик қилган «Садои Туркистон»га Мунаввар қори, Қодирий, Авлоний, Ҳамза, Олимий, Чўлпон уюшган эди. «Садои Туркистон»да энг кўп Бехбудийнинг 300 та мақоласи, Мирмуҳсин Шермуҳаммедовнинг 100 дан зиёд асар ва мақолалари чоп этилди.

Жаидлар 1913 йил «Турон» жамиятини тузгач, Кўконда «Гайрат», Андижонда «Тараккийпарвар» жамиятлари тузилди. 1914 йил 27 февралда Тошкентдаги Колизей театри биносида ўзбек миллий театрининг биринчи расмий мавсуми очилди. Биринчи мавсумда театр режиссёри Зоки Боязидский-Валеев раҳбарлигида Мунаввар қори, Убайдуллахўжа, Н.Хўжаевлар Бехбудийнинг «Падаркуш» пьесасини томошабинларга кўрсатди. Мунаввар қори театрнинг очилишида нутқ сўзлаб, театрни «Халқ дардига даво берувчи табибга» ўхшатди.

Чоризм махфий полицияси. Жаидларни курашдан четлатиш учун Бош штаб генерал-майори Гескет 1907 йил Туркистонда жандарм бошқармасини ташкил этиш масаласини кўтарди. Подшо Туркистонга сенатор граф Г.Пален раҳбарлигида тафтиш комиссиясини жўнатди. Ички ишлар вазири Тошкентга жўнатган алоҳида жандармлар корпуси подполковниги, жосус Н.Васильевга: 1) жаидлар қандай сиёсий партиялар тузаётганини, ҳаракат дастурини, фаол жаидларни аниқлашни; 2) рус фирқалари билан жаидлар ҳамкорлигини аниқлашни топширган эди. Васильев Тошкентга келиши билан махфий фаолият бошлаб, шаҳар ҳокимидан жаидларнинг етакчилари ва уларнинг матбуот нашрлари ҳақида маълумотни талаб қилди.

Тошкентда сарт тилида 1907 йил 6-7 ой давомида «Хуршид» номли газетани муҳаррир Мунаввар қори, ёрдамчиси Фансуруллабек (Қўқон хони Худоёрхоннинг ўгли), котиби Муҳиддинхўжаев чиқарган. Сиёсий изқувар Васильевнинг жадидлар ва социл-инқилобчи (эсер)лар ўртасидаги алоқани аниқлашига эсерлар (социал-инқилобчилар)нинг «Мусулмонларга» хитобномаси ва «Молот» газетасидаги мақоласи дастак бўлди.

Петербургда хизмат қилувчи рус махфий сиёсий полицияси – *Туркистон район муҳофаза бўлими* (ТРМБ) 1907 йил ноябрда Васильев ва полиция маслаҳатчиси Квицинский яратган махфий жосуслик тармоги асосида ташкил қилинди. Петербургнинг «қўз-қулоғи» бўлмиш ТРМБни руслар «охранка», ўзбеклар «сиёсий идора» деб атади.

Рус сиёсий разведкаси ва контрразведкаси вазифасини бажарувчи махфий полицияга Леонид Квицинский раҳбар бўлди. Подполковник Васильев генерал-губернатор маҳкамасидаги сиёсий ёзишмалар мутасаддиси, махсус бўлим бошлиғи вазифасини бажара бошлади. Изқувар жосуслар Квицинский ва Васильев ҳамкорлигида Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатини бўғиш, истиқлол курашчиларини «зарарлантириш» режаси ишлаб чиқилди.

Туманбошилар ерли аҳоли фикрини ўрганиш йўриқномасидаги 19 та саволга жавоб юборишга мажбур эдилар. 1908 йил ёзида Туркистонга келган алоҳида жандармлар корпуси кўмондони, барон Таубе судлардан мустақиллик учун курашувчилар устидан фақат ўлим ҳукмини чиқаришни талаб қилди. Таубе Туркистонда дор қуришга сарф-харажат қилинмаслиги учун дор ўрнини «қайрагочлар бажаради» деган эди. ТРМБ агентураси ўлкада социал-демократик ташкилотларни тор-мор қилиб, кўплаб одамларни қамокқа олди. Чор мустамлакачилари жадидлар ҳаракатини йўқотига киришганда чор ҳукумати биринчи жаҳон урушига тортилди.

Вужудга келаётган **миллий буржазия вакиллари** орасида энг каттаси андижонлик мурувватли ватанпарвар Миркомил Мирмўминбойхожи ўгли (1860-1919) бўлган. У «Ака-ука Шлосберг», «Кноп», «Ака-ука Степун» фирмалари, Москва, Рус-Хитой, Рус-Осиё банклари билан ҳамкорликда ўз капиталини ҳаракатга қўйди. Улардан тушган даромадни Миркомилбой Андижоннинг маданий-маиший ва соғлиқни сақлаш ишларига сарф қилган.

Туркистонда чор маъмурияти Давлат Думасига вакиллар сайлашда рус аҳолисидан мусулмон вакиллари сони ошиб кетмаслик чораларини кўрди. «Туркистондаги сайловлар қоидалари лойиҳаси» мулкдор табақалар ва асосан мустамлакачи маъмурият манфаатини ўзида мужассам этди. Қўзгалмас мулк эгаларининг мол-давлати қиймати ҳақида Тошкент шаҳар ҳокими генерал-майор Рябушкин маълумот тўплади.

Думага сайлов. 1906 йил 27 апрелда Россия парламентининг биринчи йигини очилди Дума иш бошлагандан 5 кун ўтгач Санкт-Петербург Тошкентга юборган подшо фармони «Еттисув, Каспийорти, Сирдарё, Самарқанд ва Фаргона вилоятларида Давлат думасига сайлов қоидалари» деб аталди. Дума фракцияси – «Меҳнатчилар гуруҳи бюроси» 1906 йил майда тузилди, бюро котиби конституцион демократ (кадет)лар фиркасидан Закаменний эди. РСДРПнинг Тошкент гуруҳи, эсерлар ва «Халқ тараққиёти фиркаси» сайловда ўз номзодлари учун кураш бошлади.

Сайловда мустамлакачилар танлаган номзодлар енгилгач, социал-демократ (большевик ва меньшевик)лар, социал-революционер (эсер)лар ва конституцион демократ (кадет)лар уюшмаси – «Тараққийпарвар сайловчилар гуруҳи» галаба қозонди. Тошкентдан Дума аъзолигига «Жаҳонгир домла» – В.Наливкин сайланди. Тошкентда эсер Гордеевнинг уйдан топилган «Муслмонларга» номли хитобнома рус маъмуриятини хавотирга солиб, Рус императори Николай II биринчи Думани тарқатиб юборди. Хитобномада 1905-1907 йй. энг муҳим воқеаларга сиёсий шарҳ берилиб, чоризмнинг мустамлакачилик ва руслаштириш сиёсати фош қилинган эди.

Рус императори Николай II халқ ўз мақсадига эришиш учун курашда давом этгани учун иккинчи давлат Думасини чақиришга мажбур бўлди. Иккинчи давлат Думаси депутатлари халққа ер ва эрк беришни талаб қилди. Рус императори Николай II ўз вазири Столипин оркали халқ вакилларига «ерга муҳтож мужиклар Туркистонга кўчиб борсин, уларга ёрдам бераман» - деган жавобни йўллади. Туркистон вакиллари вазирнинг сўзларига эътироз билдириб, «Туркистон ерлари киргиз ва сартларнинг ўзларига ҳам етишмайди», - деди.

Думадаги рус ва бошқа депутатлар туркистонликларнинг ерини тортиб олиш, ердан маҳрум қилиш адолатсизлик, деган фикрни билдиришди. Депутатларнинг бизга помешчиклардаги ўзимизнинг еримиз керак, Туркистонга бормасдан шу жойда ўз еримизга эга бўламиз, деган баёнатини эшитган Рус императори Николай II иккинчи Думани тарқатиб юборди.

Туркистонлик депутатларнинг сўзларини эшитган рус мужиклари помешчиклар ерларини тортиб олишга киришди. Подшо учинчи давлат Думасига Туркистон вакилларини кириш ҳуқуқидан маҳрум қилгач Туркистон вакиллари Россияга ўз аҳволларини ошкора билдириш имкониятини йўқотдилар.

Таянч сўзлар: Жаҳидчилик, Исмоил Ғаспирали, Мунаввар қори, У.Асадуллаҳўжаев, Бехбудий, Авлоний, Т.Норбўтабеков, Ҳамза, Чўлпон, Фитрат.

2-§. Биринчи жаҳон урушининг Туркистонга таъсири. 1916 йилги қўзғолонлар

Туркистонда «фавқулодда ҳолат» жорий этилиши. 1910-1914 йй. миллий ўзликни англашнинг сезиларли тарзда кучайган даври бўлди. Бунда жаҳидлар муҳим рол ўйнаб, уларнинг дунёқарашига Россия ва жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар катта таъсир кўрсатди. Россияда 1912 йил бошланган инқилоб Туркистонда социал-демократик ҳаракатнинг ривожланишига имкон берди. Туркистондаги инқилобий гуруҳлар фаолияти Россиядан сургун қилинган малакали инқилобчилар ҳисобига кучайиб, мустаҳкамланди. Генерал-губернатор Самсоновнинг 1909 йил подшога йўллаган маърузаномаси ўлканинг аҳволи, мусулмонлар онгида ўзгариш бўлгани, инқилобий ҳаракат ўз кучини кўрсатгани ҳақида эди. 1912 йил 1

июлда Тошкентдаги ҳарбий Троицк гарнизонида сапёрлар кўзгалони бошланди.

Германия 1914 йил ёзида Россияга уруш эълон қилгач, Россия Антанта тарафида туриб биринчи жаҳон урушига кирди. Подшонинг ялпи сафарбарлик ҳақидаги фармони ялпи норозиликка сабаб бўлди. Туркистонда яшаётган 19 ёшдан 43 ёшгача европалик аҳоли армияга чакирилди. Туркистондаги рус оилаларининг чоризмга карши курашига ҳосилни йиғиштириш мавсуми бўлгани туфайли рус мужикларининг оилалари иш кучидан маҳрум бўлиши туртки бўлди.

1914 йил 26 июлда Туркистон ўлкаси «*фавқулодда муҳофаза ҳолатида*» деб эълон қилинди. Ташвиқот-тарғибот қилганларга 50 сўмгача жарима ёки 3 ой муддатга қамаш жазоси қўлланди. Бироқ корхоналарда иш ташлаш давом этиб, янги ташкил топган социал-демократлар ва эсерлар ташкилотлари яширин фаолият олиб борди. 1914 йил июлда урушга карши норозилик чиқишлари Тошкент Бош темир йўл устахоналарида, Самарқанддаги йиғув манзилгоҳида, Андижонда ва Пишпақда бўлди.

Туркияга қардошлик ёрдами. Замон силсиласи туркий халқларни Шарқий Туркистондан Сибир ва Волгагача, Туркистондан Болқонгача, Болқондан Кичик Осиёга қадар сочиб юборди. Хитой ва Россия туркий халқларнинг бирлашувини истамай Шарқий ва Ғарбий Туркистонни босиб олди. Туркия ўзининг мустақиллигини сақлаб қолди. Андижон кўзголинида (1898) турк султонининг қўли бор дейишдан Россиянинг мақсади Туркистон-Туркия-Шарқий Туркистондаги қардошлик алоқаларини йўқ қилиш эди. 1908 йил Туркиядаги инқилоб туфайли «Ёш турклар»нинг ҳокимиятга келиши Россияни жиддий ташвишга солган эди. «Ёш турклар»га эргашиб Туркистонда «Ёш сартлар», Бухорода «Ёш бухороликлар», Хивада «Ёш хиваликлар» жадиличлик ҳаракатлари кенг авж олди.

Турк ёшларининг «Турк ўчоги», «Идтиход ва тараккиёт» ташкилотларининг сиёсий гоялари; афғонистонлик Жамоллиддин Афғоний, мисрлик Муҳаммад Абдух, кримлик Исмоил Ғаспирали гоялари мусулмон ўлкаларига тарқалди. Жадиждар мафқурасини шакллантиришда Туркия ҳудуди катта таъсир кўрсатди. Туркистонда тарқалган «Сироти мустақим» деган турк журналида мусулмон дунёсининг уйғониши Шарқ мусулмонларининг ислом байроғи остида бирлашишида намоён бўлиши айтилган эди. Туркияда очилган «Янги Жомий» мактабида Туркистон ва Бухоро ёшларидан иборат тарғиботчилар таҳсил олган.

Юнонистон билан урушаётган Туркияга ёрдам бериш ҳақида 1913 йил «Мусулмонлар кенгаши» ташкилотининг «Мусулмонларга» хитобномасида уқтирилган эди. Рус сиёсий разведкаси Туркияга ёрдам бериш кўмиталари Бухоро, Самарқанд, Марв, Андижон, Қўқон ва Тошкентда тузилгани ҳақида ахборот олган. Туркия биринчи жаҳон урушида Германия тарафида туриб Россияга карши урушди. Жадиждар Германия ва Туркия фойдасига ташвиқот қилишди.

Россия Германияга карши уруш олиб бориши жараёнида урушга мутлақо тайёр эмаслиги маълум бўлиб қолди. Рус маъмурлари танглиқдан кутулиш мақсадида Туркистонда зулмни кучайтириб, халқни талади.

Фронтда ҳарбий қийинчиликлар бошланиб, фронт ортида зарур маҳсулотларнинг етишмай қолиши рус армиясининг ҳарбий-руҳий ҳолатига ёмон таъсир қилиб, галабага ишончи йўқолди. Фронт орқасида етишмаётган ишчи кучини чекка мустамлакалар аҳолиси ҳисобига тўлдириш мўлжалланди.

1916 йил кўзғолони. Рус императори Николай II нинг 1916 йил 25 июн фармони «фронт орқасидаги хизматлар учун Туркистон, Сибир ва Кавказда 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркакларни сафарбар қилиш» ни кўзлаган эди. Фармонни бундай тарзда Туркистонга тадбиқ этиб бўлмаслигини собиқ ҳарбий вазир А.Н.Куропаткин ва генерал Фролов тушунган эди. Фаргона вилояти мардикор юбориш бўйича анча енгил мажбурият олди, ҳар 5 хонадондан 1 мардикор берадиган бўлди. Фаргонадан кўп мардикор олиш пахта толасининг камайишига ва устама фойданинг пасайишига зарар кўрсатар эди.

1916 йил 2 июлда Тошкентда ўтган Олий амалдорлар кенгашида пахта яккаҳоқимлиги ўз кучини кўрсатиб, зарур ишчи кучи миқдоринини сақлаб қолиш масаласи биринчи ўринга чиқарилди. Мардикорликка олиш тартиби пахтачилик экин майдонларининг 50 % ни ташкил қилган районларда белгиланган мардикорларнинг 1/6 қисми, 25 % ни ташкил этган жойларда 50 % олинадиган бўлди. Мардикорлар рўйхатини тузишда қуйи маъмуриятнинг ўзбошимчалиги учун Фаргона вилоят ҳарбий губернатори Гиппиус вазифасидан четлатилди.

Кўзғалон шоҳиди Машариф Ҳусайнов хотираларида 1916 йил кўзғалон тилга олинади. Рус ҳокимияти вакиллариининг ноқобиллигини ўлкада 40 йил яшаб Самарқанд ҳарбий губернатори бўлган Н.Ликошин таърифлаган. Фарғонада 10 йил губернатор бўлган бош штаб генерал-лейтенанти А.Гиппиуснинг «халқ ишончини қозониш» ва «подшо амрини тинч йўл билан бажариш» учун қилган барча ҳаракатлари зое кетди. У генерал-губернаторга подшо фармонини Фарғонада қўллаб бўлмаслигини ёзади. Марказ Гиппиусни фармонни бузишда ва мусулмонларга ён босишда айблаб вазифасидан бўшатгач, унинг ўрнига шовинист полковник П.Иванов кўйилди.

1916 йил ёзидаги подшонинг мардикор олиш ҳақидаги фармони халқнинг норозилигини кучайтириб юборди. 4 июлда Хўжанд шаҳрида ва Самарқанд уезида норозилик намойишлари бошланди. Тошкент шаҳрида 11 июлда галаён бошланди. Тошкент кўзғолонини жазо қўшинлари кўмондони полковник Савицкий ва генерал Галкин бостирди. Норозиликлар Россиянинг асосий пахтакор районига айлантирилган Фаргона водийсида тобора кучая бошлади.

Жиззах кўзғолони 1916 йилги миллий-озодлик ҳаракатида алоҳида шонли ва қонли саҳифа очди. Жиззахликлар газовот эълон қилдилар. Кўзғолонга Назирхўжа эшон ва Абдурахмон жевачи раҳбарлик қилдилар. Абдурахмон жевачи бошчилигидаги кўзғалоннинг асл мақсади мустамлакачиликка, мардикорликка, ҳуқуқсизликка қарши кураш ва чоризм идора усулини йўқотишдан иборат эди.

Кўзголончиларга умумий раҳбарликни Назирхўжа эшон ўз зиммасига олди. Абдурахмон жевачининг укаси Бобобек Жиззахга келиб Назирхўжа эшон ва унинг ёрдамчиси мулла Муҳаммад Раим билан учрашгач ўлканинг мустақиллигини таъминлаш масаласи кўтарилиб, кўзголон янада кенг тус олди. Жиззах шаҳрида 13 июлда бошланган кўзголон 14 июлда Богдон, Фориш, Синтоб бекликларига тарқалди. Кўзголон маркази ва Абдурахмон жевачи қароргоҳи Богдон беклигидаги Шотолиб қишлоғи эди.

Жиззах кўзголонини бостирувчи жазо отрядига полковниклар Афанасьев ва Иванов кўмондонлик қилди. Абдурахмон жевачи бошчилигидаги фаоллардан 12 киши осиб ўлдиришга ҳукм этилди. 1916 йил 13 декабрда тўртинчи Давлат Думасида сўзга чиққан ноиб А. Керенский «Уруш фронтларига янги бир Туркистон fronti кўшилди» - деб, вазиятга холис баҳо берган эди. Шўрошунос Ричард Пирснинг таъбирича 1916 йил кўзголон чор ҳукумати ва рус халқининг Ўрта Осиё халқлари ишончи ва дўстлигини қозониш йўлидаги урунишини пучга чиқарди.

Бу кўзголон рус социал демократлари ва социал инқилобчи (ўнг ва сўл эсер)лар билан Туркистон халқлари дўстлигининг пухта заминга эга эмаслигини ҳам исботлади. Жадидлар рус демократлари ёрдамида Петроградда 4-Давлат Думасининг 13 декабрь сессиясида (ноиблар Мансуров ва Жаъфаров) 1916 йил кўзголонини бостиришда (июл-августа) русларнинг қонхўрлигини фош этдилар.

Таянч сўзлар: Биринчи жаҳон уруши, Антанта, «Фавқулодда ҳолат», «Ёш турклар», «Ёш сартлар», «Ёш бухороликлар», «Ёш хиваликлар», Жиззах кўзголонини 1916 йил кўзголонини.

4-§. XIX аср охири - XX аср бошларида Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг ижтимоий-сиёсий аҳволи

Ярим мустамлакага айланган Бухоро амирлиги сиёсий фаолиятини 1885 йил иш бошлаган «Россия императори Сиёсий агентлиги» назорат қила бошлади. Бу сиёсий назорат идораси Россия-Бухоро (1868) шартномаси ва чет эл моллари келтирилишини тақиқлашнинг Бухоро амирлиги томонидан қандай бажарилишини кузатиб борарди. Амирликка темир йўлларнинг кириб келиши рус шаҳарча ва манзилгоҳлари вужудга келиш жараёни кучайтирди.

Амирликдаги янги Бухоро (Когон), Чоржўй, Карки, Патта, Ҳисор каби шаҳарлар Россия империяси қонунларига биноан идора қилинди. Карки ва Термиз шаҳарларида 14-Туркистон бўлинмаси ва казак қисмлари учун жой ажратилди. Бухоро амири рус чегара истехкоми учун 1900 йил Сурхандарё қуёи оқимидаги 9 минг десятина ерни ажратиб берди. Россия-Бухоро сиёсий-иқтисодий муносабатларида Зарафшон дарёси сувини тақсимлаш муаммоси кескинлаша борди.

Шартномага кўра (1868) Россия Бухоронинг ички бошқарув тизими ва диний ишларига аралашмаслик мажбуриятини олган эди. 1895 йил Бухоронинг Россия бож тизимига киритилиши амирликнинг рус империясига қарамлигини кучайтирди. 1905 йил Оренбург темир йўли ишга туширилиши

Россия-Бухоро савдо алоқаларининг янада кенгайишига сабаб бўлди. Россия билан 1901 йил Бухоро тангаси зарб этилишига доир битим тузилди. Пахта ва қоракўл савдосидан Бухоро амири ва савдогарлар катта бойлик жамгарар эди. Бухоро амири 73 млн. 252 минг сўмлик нақд бойликка эга бўлган. Амирнинг Қрим, Кисловодск, Железноводскда бог-саройлари, Петербургда ҳовли-жойлари мавжуд эди.

Бухоро амири *Абдулаҳадхон* (1885-1910) Петербург, Москва, Қримга сафар қилиб, рус императори ва мулозимларига совга тортиқ қилган. «Зоти олийлари» зодагонлик мартабасига кўтарилган Абдулаҳадхон буюк рус князларидан ҳам юқори туриб, унвон ва мартабаси билан Туркистон генерал-губернаторидан ҳам ўзиб кетган. У генерал-адъютант, кавалерия генерали (генерал-полковник), энг олий «Андрей Первозванный» ордени соҳиби, Терек казак кўшини фаҳрий атамани ва 5-Оренбург казак полкининг оталиги бўлган. Петербургда имтиёзли зодагонлар ҳарбий корпусида ўқиган *Саид Олимхон*га дастлаб полковник, кейин генерал-лейтенант унвони берилган.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. Бухоро пахта етиштириш ва унинг хом ашёсини Россияга жўнатиш бўйича Фаргона вилоятидан кейин иккинчи ўринда турарди. Бухородан Россияга чиқариладиган маҳсулотнинг 40 % ини пахта толаси ташкил қилар эди. Бухоро босиб олингунча Россияга 50 пуд пахта толаси жўнатган бўлса, XX-аср бошида 1200 минг пуд жўнатарди. Бухородан Россияга пахтадан ташқари қоракўл, жун, гилам, пилла ва курук мева чиқарилган. Россиядан Бухорога Россия-Бухоро кўшма воситачилик идоралари ва тижорат корхоналари томонидан маҳсулотлар келтирилган. Бухорода 4 та транспорт жамияти (Шаркий, Акционерлар, Гергард ва Гей, Кавказ) ва 3 та сугурта жамияти Россия савдо-саноат буржуазияси ва Бухоро савдогарларига хизмат қиларди.

Бухорода капиталистик, яъни ёлланма меҳнатга асосланган саноат корхоналари XX аср бошларида вужудга келди. Мухандис Журавко Покорский Сафид дарёси бўйларидаги олтин конларини казиш учун амирликдан рухсат олди. Капитализмнинг Бухоро амирлиги иқтисодий ҳаётига кириб келиши 1894 йил Янги Бухоро Давлат банки бўлимининг очилишига сабаб бўлди. Давлат банкларидан ташқари 1915 йил Рус ташқи савдо банки, Сибир савдо банки; Рус-Осиё, Азов-Дон, Бирлашган ва Волга-Каспий тижорат банклари ҳам очилди. Амирликда пахтачилик ва қоракўлчиликнинг ривожланиши бозор ва савдо-судхўрлик капитали билан чамбарчас боғлиқ бўлди.

Норозилик кучайиши. Савдо уйлари ва тайёрлов идоралари маҳаллий тарозидорларга йилига 12 % эвазига қарз берар эди. Баҳорги экиш пайтида тарозидорлар деҳқонларга ойига 1 сўм устама фойдаси билан 15 сўмдан бўнак пули таркатган. Бўнак пули олган деҳқон гаровга ери ва мулкани кўйган, кози уни тасдиқлаб кози хати берган. XX аср бошларида ерини қарз эвазига қарздорга топширган 20 минг деҳқон йилига Туркистон шаҳарларига иш кидириб кетарди. Помирда чегараланиш ўтказилиши натижасида Шугнон, Рошаннинг шаркий қисми ва Ваҳоннинг шимолий қисми (Шаркий Бухоро) Бухоро амирига топширилди. Шаркий Бухоро бекликлари аҳолисига 1900 йил 4 июлда хирож, закот ва молиёт тўлаш мажбурияти юкланди.

Дон ва истъмол моллари келтириш камайиб, чайқовчилик авж олиши ва ҳарбий солиқ кўпайиши оқибатида 1914 йил пахтачиликка ихтисослашган Зиёвуддин ва Шаҳрисабз бекликларида, 1915 йил Шерободда галаёнлар бўлди. Амир Олимхон «оқ» подшога яхши кўриниш учун биринчи жаҳон урушида иштирок этаётган рус кўшинларига «хайр-эхсон» қилиш мақсадида халқнинг мол-мулкани тортиб ола бошлаши натижасида Амирликнинг деярли барча бекликларида 1916 йил галаёнлар бошланиб кетди. Полковниги Д.Логофет амалдорларнинг бебошлигини кузатиб Бухорони «хуқуқсизлар мамлакати» деб атаган. Норозиликни бостириш ва амирлик пойтахтини ҳимоя қилиш учун Туркистон генерал-губернатори Бухорога генерал Лилиенталь бошчилигида кўшин юборди юборди.

Жадидчилик ва маданият. Бухорода XX-аср бошларида янги «Ёш фикрлилар» оқими юзага келишида И.Ғаспирали бошлаган таракқийпарварлик йўли ижобий таъсир қилди. 1905-1907 йй. Россиядаги, 1905, 1910-1911 йй. Туркия ва Эрондаги инқилобий ҳаракатлар Бухоро ижтимоий ҳаётига катта таъсир кўрсатди.

Бухоро ижтимоий ҳаётида қарама-қарши икки оқим пайдо бўлган: 1) Бухоронинг сиёсий ҳаётини демократик қайта қуриш ва унинг илгор давлат бўлиши учун курашувчилар; 2) янгилик ва ислохотлар душмани бўлган диний мутаассиблар – «қадимлар» оқими. «Ёш фикрлилар» ташкилотининг вазифалари ва иштирок этувчилари ҳақида шу оқимга мансуб бўлган С.Айний «Жадидлар ёки ёш бухороликлар партияси таркиби ёки ёзилмай қолган режалар» номли китобида маълумот беради.

Уломолар ва давлат арбоблари «Ёш фикрлилар» фирқасини бирлаштирувчи сабаб янги усул мактаби (усули жадид) бўлгани учун «Жадидлар» деб атади. Таракқийпарварларнинг қўллаб-қуватлаши туфайли ака-ука Отахўжа ва Усмонхўжа, Мазҳар ва Бурҳон Маҳзумлар, Фитрат ва Муқимбеклар Истамбулга ўқишга борди. Истамбулда таълим олаётган Бухоро талабалари ичида Фитрат энг иқтидорли ҳисобланарди. 1910 йил сентябрда сафардан қайтаётганида Бухорода тўхтаган Мирза Сирож Ҳаким ўз уйида Овропа услубида шифохона очиб, янги усул билан одамларни даволай бошлади.

Бухоро жадидлари ташкил қилган «Тарбияи атфол» (Болалар тарбияси) жамияти ёрдамида Фитрат 1909-1913 йй. Истамбулда ўқиди. Фитратнинг хурофот, бидъат ва жоҳилликни қоралаган «Сайҳа» ва «Сайёҳи ҳиндий» асарлари XX-аср бошида жадид адабиёти ва Бухоро маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. У «Вайрон бўлган қабрлар» шеърида Оллоҳга мурожаат қилиб, Абдуллахон ва Темурнинг руҳини ёдга олади. Фитратнинг 70 йил давомида миллатчилик руҳида баҳоланган «Миррих юлдузига» шеъри оталаримизнинг замин, замон ва золимлардан чора топмай Марс-Миррихга қилган илтижоси ҳақида.

Бухоро амирининг бойлигини Бош вазир - кушбеги Мирзо Насрулло рўйхатга олган. 1914 йил «Ойина» журнали «Амир хазинасидаги олтин ва кумуш пуллар бўйи 50, эни 20, баландлиги 8 олчин (1 олчин - 70см.) бўлган бир тоғдир. Яна 3 олчин катталиқда ертўла олтин пуллар билан тўлдирилган»

- деб ёзган. Бу хазина 1920 йил сентябрда М.Фрунзе бошчилигида қизиллар Бухорони босиб олгач Кремль (Москва)га жўнатилди.

XIX аср охири - XX аср бошларида Хива хонлигининг ижтимоий-сиёсий ахволи

Ижтимоий-сиёсий аҳвол. Хива хонлигини руслар босиб олгач (1873) Амударёнинг ўнг томонидаги ерлар (76000 кв.км.) Россия таркибий қисмига киритилиб, Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан идора этилди. Бу ерда Россия тартибларини жорий этиш учун Амударё бўлими ташкил этилди, унинг маркази Петро-Александровск шаҳри қурилиб, маъмурияти Хива хонлигининг фаолиятини ҳам назорат қилиб борар эди. Амударё бўлими расман 1874 йил ташкил этилган бўлиб, Нукус ва Чимбой приставликларидан иборат эди. Амударё бўлими бошлиги Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторига бўйсунувчи туманбоши ҳисобланиб, бошқа туманбошиларга нисбатан анча кенг ҳуқуқларга эга бўлиб, у Туркистон генерал-губернаторининг Хива хони ҳузуридаги мухтор вакили ҳам ҳисобланган.

Россия томонидан 1873 йил Хива хонлигига 2200 минг сўм жарима солинган. Императорга садоқатли хизматлари учун Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (Ферузшоҳ) рус ҳукумати томонидан «зоти олийлари» мақомига кўтарилиб, генерал-майор унвонига эга бўлган. Хива хонлиги худди Бухоро каби Россиянинг бож тизимига ўтказилиб, пул ислоҳати амалга оширилгандан сўнг империянинг иқтисодий тизимига тўла қарам бўлиб қолди. Раҳимхон II маърифатпарвар ва дониш ҳукмдор сифатида миллий пул қадрини рубл билан тенг ушлаб қолишга уринди, аҳоли сонини камайтириб кўрсатиб Россияга тўланадиган товоннинг йиллик миқдорини оширишга имкон бермади. Бу унинг халқпарварлигини, нозик сиёсатчи бўлганлиги ва душманни чалгитганлигини кўрсатади.

Пахта яккахокимлиги бошланиши. Хиванинг Россия билан иқтисодий алоқалари Хива – Оренбург, Мангишлоқ - Красноводск қарвон йўллари орқали олиб борилар эди. Хива Россия билан темир йўллар орқали туташмаган даврда қарвон ва сув йўли (Амударё) транспорти муҳим аҳамиятга эга эди. Пахта толаси ортилган қарвон 1869 йил Красноводскдан йўлга чиқди. Хива хонлигидан Россияга жўнатилган пахтанинг ҳажми 1870 й.- 50 минг пуд , 1915 й.- 900 минг пудга етди.

Хива хонлигида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналарга Москва савдо-саноат акционерлик жамиятлари ва тижорат банклари бўлимлари асос солди. Маҳсулотларни қарвон билан ташиш мураккаблиги туфайли 1910 йилдан бошлаб Орол кемачилиги (қишдан ташқари) йўлга қўйилди. Орол кемачилиги Хива хонлигини Оренбург – Тошкент темир йўли станциялари билан боғлади. Хивадан Россияга асосий чиқариладиган маҳсулот пахта, ипак ва қорақўл тери эди.

XX аср бошидан сугориладиган экинларни пахта сиқиб чиқариши рус капиталининг Хивага кириб келишига кенг йўл очиб юборди. Янги Урганчда Рабенек, Циндель, Познанскийнинг «Большая Ярославская мануфактура»

сининг филиали, ака-ука Нобель, Москва савдо-саноат жамиятининг маҳкамалари, «Кавказ ва Меркурий», «Умид», «Россия транспорт», «Шарқий» жамиятлар бор эди.

Савдо-судхўрлик ишларида пахта сотиб олувчилар, тарозидорлар, аравакашлар ва пахта заводи хўжайинлари катта бойлик орттирдилар. Аваз Ёқубов, Полвон Ниёз, Сагирчи, Муҳаммад Вафо Юсупов, бош вазир Ислохўжа каби маҳаллий буржуа-капиталист вакиллар етишиб чиқди. Маҳаллий буржуа вакиллари АҚШ ва Европа мамлакатлари билан савдо ишларини йўлга қўйдилар. Ислохўжа маҳаллий буржуа вакилларининг нуфузини мустаҳкамлаш учун янги тadbирларни амалга оширди.

XIX аср охиридан *Америка пахта нави* экилиши туфайли Хивада миқдор ва сифат ўзгариши бўлди. Рус-Осиё банки ёрдамида Хива хонлигидан беда уруги Германия ва АҚШ га юборилди. Рус буржуазияси катта фойда берувчи пиллачилик соҳасига эътибор берди. Петро-Александровск шаҳрида ипак курти уруги станцияси очди. Янги Урганчда 1889 йил «Большая Ярославская мануфактура» ширкати *биринчи* пахта тозалаш заводини курди.

Халқ қўзғолонлари. Халқ рус армиясига мажбурий тўловлардан чидаб бўлмас даражага келганда саройда Асфандиёрхоннинг маишатпарастлиги халқпарвар амалдорлар орасида ҳам норозилик уйғотди. **Ислохўжа** 1913 йил хон томонидан махфий ўлдирилгач, норозилик кучайиб кетди. Ислохўжа хонликни колокликдан кутқариш учун чуқур ислохотлар бошлашга интилаётган эди.

Ислохўжа ўлиmidан сўнг саройдаги норози кучлар машҳур ҳуқуқшунос олим, адолатпеша қози калон **Бобоохун Салимов** (1874-1929) атрофида тўпланди. Хоннинг хатти-харакатларини сарой аҳли олдида қоралагани учун Б.Салимов номи эл ичида машҳур, тилларда дoston бўлиб кетди. Бобоохун ўзининг ҳуқуқ ва ваколатидан фойдаланиб 1915 йил хоннинг якин дўсти, деҳқонларга зулм қилган Матқарим Какилбойни жазога торггирди.

Турли бекликлардан келган қўзғолончилар раҳбарларининг штаби Қози калон мадрасаси бўлиб қолди. Бобоохун ўз шогирди С.Ёқубовни Гурлан беклигидан Худойберган бек, қипчоқлардан Давлатназар қайроқ, Хўжайлидан Авазхўжа ва Исомиддин эшон, Тошхóвуз туркманларидан Эшонхўжа каби қўзғолон раҳбарлари олдига жўнатиб, улардан бир вақтда Хивага юриш бошлашни сўрайди.

Бадиркентда **Жунаидхон** (Қурбон Муҳаммад) сардор човдир, ёвмут туркман уруг-қабилаларидан қўшин тузиб Асфандиёрхонга қарши чиқди. Унинг мақсади русларга бўйсунмаган феодал-деспотик давлат тузиш эди. Бобоохун раҳбарлигидаги ўзбек, қозок, туркман, короқалпоқ қўзғолончилар жаидлар таъсирида бўлиб, уларнинг мақсади демократик давлат барпо этиш, Конституцион монархия ва парламент бошқарувини жорий этиш эди. Бобоохун энг фаол жаидлардан бўлиб, «Ёш турклар» партиясининг дастури билан яхши таниш эди.

Жунаидхон 1915 йил Асфандиёрхон сарбозларини тор-мор қилгач, Туркистон генерал-губернатори аралашуви билан генерал Гаппнер

воситачилигида битим тузилди. Битимдан кўнгли тўлмаган Жунаидхон 1916 йил январда Хивага хужум бошлади. Жунаидхон 1916 йил 11 февралда Хивадаги рус гарнизонини қуршаб олгач хон Жунаидхонга пешвоз чиқиб кутиб олишга мажбур бўлди. Хивага генерал Галкиннинг жазо кўшини келаётганини эшитган Жунаидхон 1916 йил 16 февралда Хивани талаб, шаҳарни тарк этди.

Бобоохун рухсати билан 1916 йил 14 январда Гурлан беклигидаги Худойберган бек бошчилигидаги отряд ҳаракат бошлади. Барча бекликлардаги кўзголончилар отрядлари бирлашиб 1916 йил 18 январда Хивада пайдо бўлди. Асфандиёрхон кўзголончиларга қарши полковник Колосовскийнинг рус жазо кўшинини ташлади. Асфандиёрхон Туркистон генерал-губернаторидан ёрдам келгунча вақтдан ютиш учун кўзголончилар вакиллари билан музокаро олиб боришга рози бўлди.

Хон рус кўшинлари ёрдамга келаётганини эшитгач кўзголончилар бошлиқларини ҳибсга олиш тўғрисида фармон берди. Кўзголончилар вакиллари Асфандиёрхон ва генерал Галкин иштирокида қатл этилди. Тошҳовуз, Хўжайли, Тахтақалъа ҳамда Илолли ва Бадиркент каби туркман овуллари аҳолиси тигдан ўтказилди. Кўзголон кўтарган бекликларга 4 млн. 554 минг сўм товон (контрибуция) солинди.

Ферузшоҳ даврида маданият. Хива маданий ҳаётида XIX-аср охирида ўзгариш бўлганлигининг боиси Саид Муҳаммадхондан сўнг 19 ёшида тахтга ўтириб 47 йил ҳукмронлик қилган **Муҳаммад Раҳимхон II** нинг маънавиятга эътибор қаратганлигидир. Раҳимхон II Муҳаммад Ризо Огаҳийдан тарих, фалсафа, шеърят, мусиқа сабоқларини ўрганди. **Феруз** тахаллуси билан газаллар ёзган хон Эрон, Бухоро ва Кўкон билан иқтисодий-савдо алоқаларини ўрнатди. Хива хонлигида ўзбек, қорақалпоқ, туркман, қозоқ, қирғиз халқлари яшаган. Хива ҳудудига келиб жойлашган немислар Оқмачит немислари номи билан тарихда қолган. Ферузшоҳнинг яқин маслаҳатгўйлари амалдор Иброҳимхўжа, шайхулислом ва қози қалон Салимохун эди. Феруз номи тарихда улугланишининг сабаби: 1) маишатга берилмай одил ва халқпарвар бўлганлиги; 2) фан ва маданиятга ҳомийлик қилганидир. «Ферузким, жаҳоншоҳи доно эрур, фазилатда суҳандон эрур» - деб, таърифлаган тарихчи Лаффасий.

Феруз раҳнамолигида 1877 йил тош босмага асос солиниши Хоразм маданий ҳаётида қатта воқеа бўлди. Феруз топширигига биноан Эрондан босмаҳон анжомлари олиб келинди. Кейинчалик босмаҳона ишини маърифатпарвар Отажон Абдолов давом этгирди. Хива адабий муҳитида Комил Хоразмий, Баёний, Нозирий, Шиносий, Табибий, Аваз Ўтар каби шоир ва тарихнавислар жаҳолатга қарши қалам тебратдилар. Худойберган Девонов ўзбек кинематографиясига асос солган. Х.Девонов Хоразмга кўчиб келган Паннер деган немисдан суратқашлик сирларини ўрганиб олди.

«Ёш хиваликлар» ташкилоти. Раҳимхон II вафот этгач, 1910 йил **Асфандиёрхон** Бош вазир ва қайнотаси Ислом хўжа ҳамда Маноқ ҳокими Нуржон ботир ёрдамида тахтга чиқди. Хон ва Исломхўжа муҳолиф бўлиб қолиб 1913 йил Ислом Хўжа ўлдирилди. Чунки, рус императори ва халқ орасида унинг обрўйи баланд бўлиб, Туркия ва Эрон билан алоқаси

аниқланди. «Ёш хиваликлар» ҳаракати илгор руҳоний, зиёли, тижорат ахли, хунарманд ва дехқонларни ўз сафига бирлаштирди.

Тараққиётга гов бўлган тургунликнинг асосий сабаби феодак тартиблар ва рус мустамлакачилик сиёсати эди. Бу тургунликни англаган илгор ёшлар халқни маърифатли қилиш учун XIX аср охири – XX аср бошида Гурлан, Шовот, Янги Урганч, Чандиркиётда янги усул мактаблари очишди. Янги усул мактаблари очишга киришган илгор ёшларни Қози калон Салимохун ва Бобоохун маблаг билан таъминлади. Хур фикрлилар Россия, Туркия ва Эрондаги демократик чиқишлар таъсирида мустақил сиёсий ташкилотларга бирлашдилар. Сиёсий ташкилотларни маблаг билан таъминлашда Бош вазир Ислом Хўжа ўз ҳиссасини қўшди.

Сиёсий ташкилот биринчи жаҳон уруши арафасида расман шаклланганлигини эълон қилиб, ўз дастурига эга бўлди. «Ёш хиваликлар» ташкилотининг мақсади *конституцион монархия, парламент бошқаруви ва демократик жамият* ўрнатиш эди. «Ёш хиваликлар»нинг йирик вакиллари Бобоохун Салимов, савдо-саноат табақасидан Полвонниёз хожи Юсупов, Мулла Жуманиёз Султонмуродов эди.

«Ёш хиваликлар» ташкилоти дастлабки қабул қилган қарорларида истибдод тузумини ва биринчи жаҳон урушини қоралайди. «Ёш хиваликлар» ташкилотининг ячейкалари Урганч, Кўхна Урганч, Тошҳовуз каби беклик ва қалъаларда тузилди. «Ёш хиваликлар» ташкилотининг сафи турли табақа ва сиёсий қатлам вакиллари билан тўлиб борди, чунки улар ўта махфий иш кўриб, қарор ва ҳужжатларини ишончли одамлар орасида тарғиб қилар эди. Асфандиёрхон полковник Колосовскийга 187 минг сўм берганини махфий полиция бошлиги, полковник Волковга айтади.

Таянч сўзлар: «Тарбия атфол», «Ёш фикрлилар» Отахўжа, Усмонхўжа, Мазҳар, Бурхон Маҳзум, Фитрат, Муқимбек. «Ёш хиваликлар», Иброҳимхўжа, Салимохун, Бобоохун, Полвонниёз хожи Юсупов, Мулла Жуманиёз Султонмуродов.

4-§. XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларида қорақалпоқлар. Қорақалпоқларнинг ижтимоий ҳаёти

XIX асрда қорақалпоқлар. Қорақалпоқлар тарихан Урал, сўнг Волга бўйларида, Орол атрофи ва Сирдарё қуйи этакларида яшаб келганлар. Уларнинг кўчиб юришига ташқи омиллар сабаб бўлиб XIX аср бошларида қуйи Амударё ҳавзаси, Оролнинг жануб ва жануби гарб томонларида муқим ҳаёт тарзига ўта бошлади. Қорақалпоқлар козоқ ва туркманлар ҳужуми оқибатида Хива хонлиги фуқаролигига ўтдилар. Қорақалпоқлар Қуйи Амударёнинг катта чўл ва сув чиқмаган чўлга туташ шўрхок ерларини машаққатли меҳнати эвазига ўзлаштирди. Ўтроқ ҳаётга ўта бошлагач *деҳқончилик* қорақалпоқлар ҳаётида асосий ўринни эгаллай бошлади, шунингдек *чорвачилик* ҳам етакчи соҳа бўлиб қолаверди.

XIX аср ўрталарида қорақалпоқлар Хива хонлиги ҳукмронлиги остида бўлиб, Амударёнинг ҳар икки қиргоғида ва Оролга қуйилиш ерларида яшаган, уларнинг сони 100 мингдан ошмаган.

Қорақалпоқларнинг ижтимоий ҳаёти. Қорақалпоқлар уруғларга бўлинган, уларда ердан фойдаланиш жамоа тариқасида кечар эди. Уруғлар каналлар казиш учун масъул бўлган, ҳар бир овул аҳолиси битта уруғга мансуб эди. Чорва хусусий мулк бўлгани боис унга уруғ тамгаси урилар ва жамоа яйловларида боқилар эди.

Қорақалпоқларни бошқариш қулайроқ бўлиши учун Муҳаммад **Раҳимхон** «Қорақалпоқ улуси»ни шакллантирди ва барча жамоалар шу улусга кирган. Улусни бошқариш хоннинг ихтиёрида эди; айрим вилоятларни бошқариш учун тайинланган ҳокимлар Хоннинг кариндошлари бўлган. Уруғ ва қабилалар йирик гуруҳларга бирлаштирилиб, хон уларни бошқариш учун хон саройининг олий амалдорлари - *оталиқ ва бегларбеги* тайинлаган. Руҳонийлар, эшонлар, нуфузли кишилар Хива хонларининг алоҳида ҳомийлигида бўлган. Қорақалпоқларда судларнинг 2 тури - *қозилар ва бийлар суди* мавжуд эди.

Хўжалиги ва машғулоти. Қорақалпоқлар XIX аср иккинчи ярмига келиб ўтроқлашди, *деҳқончилик* улар ҳаётида асосий ўринни эгаллади, аммо *чорвачилик* ҳам етакчи соҳа бўлиб қолаверди. Деҳқончилик қизгин вақтларда қорақалпоқ оилалари экинзорларнинг қулай жойига ўтовларини тикиб меҳнат қилган. Қорақалпоқлар тинч меҳнат билан банд пайтларда карокчилар ҳужум қилиб қолса юрт оқсоқоллари Хива хонидан ҳимоя қилишни сўраб чопарлар юборган.

Қорақалпоқлар ҳаётида *балиқчилик ва овчилик* ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Амударё ва Орол атрофидаги кўлларда балиқ сероб бўлиб, уруғлар учун асосий тирикчилик манбаи эди. Ана шу балқчилардан шарқдан гарбга бораётган савдо қарвонлари тузланган балиқни кўп миқдорда олиб кетарди. Қорақалпоқлар асосан *рўзгор* учун зарур *буюмларни* тайёрлаш билан шугулланар эди. Эҳтиёждан ортган буюмлар эса бозорга чиқарилган, улар ўтовни ўраш учун *матолар*, туя жунидан гулдор *наматлар* тўқиган. Халқ амалий санъатида ўтовлар учун ўймакор эшиклар ва рўзгор буюмлари ясаш, гилам тўқиш, каштачилик соҳалари юкори даражада ривожланган. Қорақалпоқларнинг хўжалик ва турмуш талабларини таъминлаб турувчи ҳунармандчилик соҳалари, айниқса ёғоч ва суякка ишлов бериш ривожланди.

Уруғчилик ва қабилавий муносабатлар. XIX асрда ҳам қорақалпоқларнинг айрим овулларида уруғ муносабатлари мустаҳкам давом этди. Хитой-қипчоқ, мангит ва кенагас қабилалари таркибидаги уруғлар “*ўн тўрт уруғ*” - *арис* (уруғ) бирлашмасини ташкил қилган. Арислар орасида энг йириги *ўн тўрт уруғ* бўлган. Ҳарбий куч борасида иккинчи ўринда *шулук ва жоунгурни* бирлаштирган *арис* - *қўнғиротлар* турар эди.

Қорақалпоқларда ер-сув мулки, чорва маҳсулотлари уруғники деб ҳисоблансада, уруғ оқсоқоллари, руҳонийлар ва бийларнинг мулки катта улушни ташкил қилган. Бу ҳол XIX аср иккинчи ярмида *табақаланиш* жараёнининг кучайишини тезлаштирди. Қорақалпоқ уруғларни бошқариш *бий* ва унинг *оқсоқоллари* қўлида бўлиб, *уруғ бийларини* Хива хони тайинлар

ва унинг мансабга тайинланганини тасдиқловчи ёрлик берар эди. Бийлар уруг аъзосига айби учун жазо берар, лойиқ деб билган одамларига тортиқ ва ҳадялар инъом қиларди. Хива хонининг ишончини қозонган бийларнинг ваколатлари янада кенгайтирилиб, уларга алоҳида мурувват кўрсатилган.

Уругларни бирлаштириш, солқ ундириш, ҳарбий хизмат мажбуриятини тартибга солиш мақсадида XIX аср иккинчи ярмида *бекларбеги* лавозими тайин этилган. Хон айрим туманларни идора қилиш учун қариндошлари ва ишончли одамларини қорақалпоқлар яшаётган қуйи Амударё ва Оролбўйи ҳудудларига жўнатиб турган. Қорақалпоқ халқи орасида ислом динини мустаҳкамлаш, ёшларини Хива мадрасаларига жўнатиб туриш учун Хивадан руҳонийлар жўнатилган.

Қорақалпоқларда уругчилик ўзига хос қадрият бўлиб, унинг таъсири оила ва қариндошчилик муносабатларида кўзга ташланиб турар эди. Ҳар бир уруг ўз қавмининг мустаҳкамланишини таъминлашга интилган. Қорақалпоқларда ҳар бир уругнинг ўзига хос дафн маросими бўлиб, қабристонни ҳам алоҳида эди; тўй маросимида уругнинг барча аъзолари иштирок этиши шарт бўлган. Қорақалпоқлар кўчманчиликдан ўтрокликка ўтишгача бўлган узок даврда-халқ бўлиб шаклланиш жараёнида ўзига хос қадриятлар яратиб, турмуш тарзи шаклланди. “*Қирққиз*” каби турли дostonларда мардлик, Ватанга садоқат, соф севги каби гоёлар қорақалпоқ ҳаётидан ўрин олди.

Қорақалпоқларда солиқ ва мажбуриятлар. Халқ кўзғолонлари

Солиқ ва мажбурият турлари. Аҳолидан ер солиги – *солғут*, руҳонийлар фойдасига - *ушр* солиги ундирилган. Уруш пайтларида қорақалпоқлар “*қозон пули*” солиги тўлаган. Чорвачилик билан шугулланувчи ҳар бир оила чорва молларининг 1/40 қисмини *закот* солиги тариқасида тўлаган. XIX аср иккинчи ярмидан аҳолидан пул миқдорида 40 бош қорамол учун 9 сўм, 40 бош қўй ва эчки учун 2 сўм 50 тийин закот олинган. Мажбуриятлардан энг огири ҳар оиладан битта эркак 12 кун Ариқ қазишда қатнашиши эди. Уруш пайтида ҳар бир жамоа 1000-2000 тагача аскар бериши лозим бўлган; аскар бера олмаган жамоа 180-250 минг сўм пул йиғиб берган.

Халқ кўзғолонлари. Хива хони Муҳаммад Аминхон (1845-1855) ҳукмронлигининг охирларида Россиянинг Ўрта Осиёга ҳарбий таҳдиди кучайиб кетди. Россия туркман сардорлари, қорақалпоқ оқсоқол ва бийларини Хива хонига қарши қўйиб, хонликни парокандаликка учратишга ундирди. Хива ва Бухоро ўртасида яна ҳудудий низолар ҳам мавжуд эди. Хива хони мудофаани кучайтириш учун солиқларни оширди. Россия яна туркий халқларни бир-бирига қарши қўйиб, уруг бошлиқларини сотиб олиш сиёсатини ҳам ишга солди.

Бу жарёнлар натижасида 1855 йил қорақалпоқларнинг *Қўлдовли* қабиласидан бўлган **Эрназарбий** бошчилигида **кўзғолон** бошланди. Қорақалпоқлар Хива хонлигига бўйсунмаслигини эълон қилдилар.

Эрназарбий Россия таъсирида бўлган қозоқ уруги бошлиги **Зарикни** хон қилиш ва Россия тобелигига ўтишга интиларди.

Саид Муҳаммад 1856 йил Хива хони бўлгач Эрназарбий қўзғолонини бостириш учун ясавулбоши *Муҳаммадниёз*ни юборди. Эрназарбий ўзи қурдирган *Қозоқдарё* қўргонида мудофаа жангига тайёрланди. Хиванинг катта қўшини қамал қилганини кўрган қўзғолончилар орасида ўзаро келишмовчилик чиқиб, Эрназарбий отиб ташланади. Эрназарбийни қўллаган гуруҳ, руслар 1853 йил босиб олган Оқмачит қалъасидан паноҳ топди ва Россия фуқаролигига ўтишни сўраб мурожаат қилдилар.

Айрим қорақалпоқ оқсоқол ёки бийларининг мурожаатини Россия ташқи ишлар ва ҳарбий вазирликлари “Россияга бутун туркий қабилалар ўзларини қўшиб олишни сўраб мурожаат қилаётирлар, улар на Хива, на Қўқон хонлари таркибида бўлишни истамаяпти” деган баҳона билан оқлашга уринди. Қорақалпоқ уругларидан айримлари 1858-1859 йй. яна қўзғолон кўтарди. **Қўнғирот** шаҳри қўзғолон марказига айланди. Хива хони қўзғолончиларни тор-мор қилишни *туркман* жанговор кучлари бошлиги *Отамуродхон*га топширди, қўзғолон бостирилди, Қўнғирот шаҳри вайрон этилди.

Россия томонидан Хива хонлиги протекторатга айлантирилгач Амударё бўлимидаги қорақалпоқларга нисбатан зулм кучайди. Русларга қарши халқ қўзғолони Бийбозор ва Нукус волостида **Бобо Гўклан** бошчилигида жиддий тус олди, қўзғолон 10 йилча (1881-1891) давом этди. Деҳқонларнинг аҳволи оғирлашгач 1900 йил *Нукус* волости ва *Қўнғирот* беклигида норозилик ҳаракатлари амалга оширилди.

Қорақалпоқлар Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида

Гандимиён шартномасидан кейин ўзгаришлар. Хива хонлари қорақалпоқларнинг кўчиб юришига чек қўйгач, улар хонликда бир канча янги деҳқончилик туманлари ташкил этишди. Улар XIX аср 70-йилларида деярли *ўтроқ* турмуш кечира бошлади. Қорақалпоқлар Амударёнинг икки қиргогини ўзлаштириб шоли, бўғдой, арпа ва пахта етиштиришди. Россия газеталаридан бири 1868 йил “Бу халқнинг асосий хунари деҳқончиликдир..” - деб ёзган.

Россия Хивани тобе қилгач, гандимиён шартномасидан (1873) кейин, Амударёнинг ўнг қиргогидаги қорақалпоқ ерлари Россияга қўшиб олинди. Бу ерда 1873 йил Туркистон генерал-губернаторлигининг Сирдарё вилоятига қирувчи **Амударё бўлими** ташкил этилди. Амударёнинг чап қиргогидаги қорақалпоқларнинг камроқ қисми Хива хонлиги таркибида қолди.

Амударё бўлимида қорақалпоқлар сони қарийб 70 минг бўлиб, жами аҳолининг 48,6 % ини ташкил этар эди. Россиядан келганлар 1000 киши бўлиб, улар Петро-Александровск (Тўрткўл)да, Уралский посёлкасида ва Нукус қишлоғида яшарди. Улар асосан балиқ овлаш билан шугулланувчи Урал казаклари бўлиб, 1875 йил рус ҳукуматининг армия хизмати тўғрисидаги янги низомига бўйсунмагани учун бу ерга қўчирилган эди. Хива

хонлигида қорақалпоқлар сони 25 минг кишини, яъни 3,8 % ни ташкил этар эди.

Қорақалпоқлар худуди Россияга кўшиб олингач рус ҳукуматининг Ўрта Осиёдаги таъсир доираси янада кенгайди. Ҳар иккала худудда яшайдиган қорақалпоқлар 70 % дан зиёд ерсиз дехқонлар бўлиб, улар асосан ёлланиб меҳнат қилишар эди. Қорақалпоқ худудига Россия капиталининг кириб келиши товар-пул муносабатларини ўзгартириб юборди. Пахта тозалаш ва баликчилик соҳасида дастлабки *саноат* корхоналари пайдо бўлди. XIX асрнинг 70-йилларида қорақалпоқларда *савдо* муносабатлари ривожланиб борди. Туманларни иқтисодий жиҳатдан бирлаштирган шаҳар бозори **Чимбой**да вужудга келди. Хунарманд ва дехқонлар Чимбой бозорига келган.

Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар. Россияни **Чимбой** Хива хонлигининг асосий иқтисодий марказлари билан боғларди. Бу ерда кўплаб дўқонлар ва катта бозор яқинида йирик қарвонсарой бўлган. Касалхона мактаблар пайдо бўлади. 1914 йил қорақалпоқларда 4 та умумтаълим мактабида 200 та ўқувчи ўқиган, 2 та касалхона ва фелдшерлик пунктида 3 та шифокор ишлар эди. Дехқонлар ва чорвадорлар орасида мулкий табақаланиш кучаяди. Бий, юзбоши, мулла ва эшонларнинг *ер мулклари* 15 минг танобгача бўлса, оддий халқ томорқалари 1-2 танобдан ошмаган (1 таноб - 2500 кв.м. ер).

1871-1872 йй. маълумотида кўра уругнинг оддий аъзолари чорвага эга бўлмаган, айрим бойлар 1000 бош қорамол ва 1500 бош қўй-қўзига эга эди. Қашшоқлашган ва косоғда учраган дехқонлар катта ер эгалари ва бойларга қарам бўлиб қолишди. Бойлар ёрдам сифатида ўз қариндошларига ҳосилнинг тенг ярми - *«ярмчи»* шарти билан ер берган. Ерсиз ва чорвасиз қолган дехқонлар ҳар қандай огир ишларни бажариб, бадавлат чорвадорлар ва заминдорларнинг моли ва еридан фойдалангани учун ишлаб берган.

XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларида қорақалпоқлар маданияти

Халқ оғзаки ижоди. Қорақалпоқ халқи тинч ҳаёт излаб асрлар давомида кўчиб юргани учун моддий маданият ёдгорликларини тўлиқ сақлаб қолиш имкониятига эга бўлмаган. Оғзаки шеърӣ ижодиётнинг мақол, ҳикмат, лапарлар ва насихат кўшиқлари - *«оталар сўзи»* каби хиллари бўлган. Қорақалпоқ халқ оғзаки ижодида кулги қаҳрамони бўлган **Ўмирбек** лаққи образи орқали салбий иллатлар ҳажв қилиниб, эзгулик улугланди.

Халқ орасида қорақалпоқ фольклорининг дoston йўллари машҳур эди. Қорақалпоқларнинг озодлик ва мустақиллик учун кураши *«Қирққиз»* дostonида тасвирланади, бу дoston халқ оғзаки ижодининг дурдонаси ҳисобланади. Бу дostonда *Сарқуб* қалъаси ҳукмдори **Оллоёр** қизи **Гулойим**га Муйэли деган ерни тортиқ қилгани ҳақида айтилади. Гулойим бу ерда 40 канизаги билан қалъа барпо қилишади. Сарқуб ерларига душманлар ҳужум қилганда хоразмлик баҳодир *Арслон* Гулойимга ёрдам беради.

Илм-фан. Қорақалпоқларда XIX аср охири – XX аср бошларида энг катта *мадраса* Қорақум эшон ва Тош мадрасалари эди. XIX аср ўрталарида

қурилган *Қорақум* эшон мадрасаси, дастлаб *масжид* вазифасини бажарган. Тош мадрасани 1841 й. Мангит хокими Хўжаниёз қурдирган. Мадрасада таълим икки босқичли бўлган: 1-босқичда араб тили грамматикаси, 2-босқичда диний-ҳуқуқий билимлар ўқитилган.

Қорақалпоқларнинг илк ёзма асарлари XIX аср охирида пайдо бўла бошлади. Қорақалпоқ шоирларидан Кунхўжа (1799-1880), Оташ Олшинбой (1788-1875), Ажиниёз (1824-1878)нинг номи кенг танилди. Кунхўжа адолатсиз тартибларни қоралаб, ўз ижодини оддий кишиларнинг меҳнати ва турмушига бағишлади.

Ажиниёз Қасибой ўгли (1824-1878) (тахаллуси Зевар) Мўйнокдаги эски мактабда ва Хивадаги Шергозихон мадрасасида ўқиб, илм олди. У ўзбек, қозоқ, туркман тилларини билган. Ажиниёз зиёлилар орасида 1-бўлиб **охунд** (ўқимишли, илмли, дostonларнинг маҳоратли куйчиси) даражасига эришган, ундан 100 га яқин шеърлар ва дostonлар етиб келган. Ажиниёзнинг «*Бўзатов*» дostonи қорақалпоқларнинг бошқа юртларга кўчиши ҳақида; «*Қиз Менгеш билан айтишуев*» асари халқ орасида машҳур бўлган. Ажиниёз ҳаёти ва ижоди ҳақида қорақалпоқ ёзувчиси К.Султонов “*Ажиниёз*” романини ёзган.

Бердақ (1827-1900) Қўнгирот уругидан бўлган, у Оролбўйида тугилиб, овул мактабида, кейин Қорақум эшон мадрасасида ўқиган, 20 ёшидан шеърлар ёзган ва ярим аср давомида ўланлар тўқиди. Бердақнинг шеърлари халқ ҳақида бўлиб, бир шеъри ҳам «*Халқ учун*» деб номланган. Бердақнинг исёнкорлик кучи жўшқин, зулмни қораловчи «*Аҳмоқ подшо*» дostonи улкан таъсир кучига эга. Бердақнинг тарихий мавзудаги “*Авлодлар*”, “*Омонгелди*”, “*Ойдўстбий*”, «*Эрназарбий*» асарларида қорақалпоқ халқ қаҳрамонларини фахр билан куйлайди. Қорақалпоқ адабиётининг демократик анъаналарини XX аср бошларида Умар, Қулимбет, Сарибой, Қулмурот, Содик каби янги авлод вакиллари давом эттирди.

Таянч сўзлар: Бобо Гўклан, Петро-Александровск (Тўрткўл), Уралский, Ажиниёз, Бердақ, “Омонгелди”, “Ойдўстбий”, «Эрназарбий».

5-§. Мустамлака Туркистон маданияти XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошлари

Халқ маорифи ва мадрасалар. Дастлабки босқичда рус босқинчи ҳукумати ўлкадаги халқ таълими анъаналарига тегмади. Бу вақтда Туркистонда асосан *бошланғич, ўрта ва олий диний таълим* берувчи билим ўчоқлари бор эди. Эски мактабда камбағалларнинг болалари биринчи босқич таълим-тарбиядан сўнг ўқишни тамомлаган ҳисобланарди. Ўзига тўқ оилаларнинг фарзандлари яна 8 йил ўқишни давом эттирар эди. Ўқишни тамомлаган иқтидорли талабалар мадрасага кирган.

Мадрасалар XIX-асрга келиб ўз нуфузини йўқотиб, маҳаллий мутахассислар тайёрловчи даргоҳ даражасига тушиб қолди. Бунинг сабаби хонларнинг ўзаро урушлари, чор Россиясининг ўлкани хароб қилувчи

сиёсати, диний таълимга кўп эътибор берилиб, дунёвий фанларга давлат гамхўрлигининг йўқлиги эди. Йирик мадрасалар олий таълим вазифасини бажариб, диний фалсафа, мусулмончилик ҳуқуқлари, шариат (фиких) қонунчилигидан дарс берилар эди.

Ўрта таълим мадрасаларида асосан араб-форс грамматикасидан, мантик унсурлари, шариат асосларидан сабоқ берилган. Қизларнинг саводини шаҳарларда мударрисларнинг аёллари ёки отинойилар чиқарган. XIX аср иккинчи ярмида Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейин мактаб ва мадрасалар таълимида қисман ўзгаришлар рўй берди. Босмаҳонада босилган китоблар: Қозондан Қуръон ва «Ҳафтияк»лар, Ҳиндистон ва Эрондан шоирларнинг девонлари олиб келина бошланди.

Янги усул мактаблари. Мадрасалар миллий мафкура тарқатувчи илм даргоҳлари бўлгани учун мусулмон маорифи генерал-губернаторлик таъминотидан маҳрум қилиниб, мадрасалардан тушган шикоят эътиборсиз қолдирилди. Янги усул мактабларининг вазифаси капиталистик савдо-саноат муносабатларига тортилаётган ўлка учун саводли кишиларни тайёрлашдан иборат эди. Дастанбаки янги усул мактаби 1897 йил Андижон атрофида пахта заводи қошида очилди.

Янги усул мактаблари ўз олдига 1) замонавий билимлар бериш; 2) замонавий таълим усуллари кўллаш вазифаларини қўйган. Таълим жараёнидаги ижобий усул: синф-дарс тизимига ўтилди; тарих, география дарсларида кўрғазмалилик-дунё харитаси ва глобусдан фойдалана бошланди; парталарда ўтириб ўқитиладиган ва танаффуслар жорий этилди. Янги усул мактабларида дарсларнинг тенг ярими диний таълим-тарбия асосларига, қолгани дунёвий билимларга ажратилган. Генерал-губернаторликни 1908 йил тафтиш қилган сенатор граф Пален комиссияси янги усул мактабларини хатарли деб топди, чунки улар миллий маданият тараққиётига йўл очар эди.

Туркистон жадидлари Исмоил Ғаспиралининг «Хўжаи Сибиён» (Болалар муаллими), «Раҳбари муаллимин ёки муаллимларга йўлдош» дарсликларида намуна олиб янги усул мактабларини дарсликлар билан таъминлашга киришдилар. Биринчи бўлиб миллатни уйғотишга ундайдиган Авлонийнинг «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», Азизийнинг «Устози аввал», Мунаввар Қорининг «Адиби аввал», Фахриддиновнинг «Раҳбари аввал», Ибодийнинг «Таҳсил ул-Алифбо», Айнийнинг «Таҳзиб ус-сибён» дарсликлари яратилди.

Жадидлар мустамлакачилик моҳиятини очувчи миллий тарих ва география, миллий тил ва адабиёт, миллий ахлоқ ва тарбия имло қоидалари, ислом тарихи ва маънавиятига доир қўлланмалар яратдилар. Маърифатпарварлар Тошкентда «Умид», «Мактаб» кутубхоналари, Самарқандда «Беҳбудий», «Зарафшон», Қўқонда «Ғайрат», «Мадора» каби нашр муассасаларини очдилар.

Рус-тузем мактаблари. Россия Давлат Кенгашида Туркистондаги маҳаллий болаларни руслар билан бирга ўқитиш масаласига 1880 йил ҳарбий вазир Милютин ва маориф вазири Толстой розилик беришди. Кауфманнинг издоши Розенбах (1884-1889) бошлангич мактаблар, «рус-тузем мактаблари» тармогини яратиш лойиҳасини ишлаб чиқди.

Биринчи рус-тузем мактаби 1884 йил Тошкентда Саидазимбой уйида очилди. Абдугаффоров, Саидазий, Шарифхўжа ва Мухиддинхўжа қорилар рус-тузем мактабларининг ўқитувчилари ва хомийлари бўлдилар. Бартольд маълумотига кўра 1911 йил рус-тузем мактаблари сони 89 тага етган. Бехбудий «Туркистон вилояти газети»нинг 1909 йил 2 сентябр сониди «Русский туземный мактабида ўқиганлар зиёли тугун хиёли ҳам ҳисобланмайдур. Улар русча чаласавод кишилардир» деб ёзган.

Рус-тузем мактабига руслаштиришда асосий воситалардан бири деб қараган рус маъмурлари ўқувчилар русча фикрлаши учун фақат русчадан таржима қилинган дарсликларни, жумладан, Ликошиннинг ўзбек тилида 1906 йил чоп этилган Россия тарихи дарслигини ўқита бошлади. Рус-тузем мактабларининг сони XIX-аср охирида 100 дан ошиб кетди.

Рус-тузем мактабларида ўқув куни 2 қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида рус ўқитувчиси (ўқув, ёзув, ҳисоб); иккинчи қисмида ўзбек домласи ўқитган. Фаргона ҳарбий губернатори Корольков 1898 йил ўлкани руслаштириш дастурини императорга баён қилди. Корольков «ерликларнинг ўз болаларини» ихтиёрий рус-тузем мактабларига бериши учун 5 йил ичида иш юритиш рус тилига ўтказилиши лозимлигини уқтирди. Мажбурий рус тилида иш юритиш тадбиридан Карольков «ерлилар мансабга кизиқиб» фарзандларини рус-тузем мактабларига беради деб, ҳисоблади.

Миллийликка қарши кураш. Руслар фақат ҳарбий йўл билан халқни итоатда тутиб бўлмаслигини ангаб миллатни миллат сифатида ушлаб турадиган таянчларини емириб ташлашга киришди. *Гўктепада* (Туркменистон, 1881) 40 минг одамни қиришга буйруқ бериб, уларнинг 80 минг бўлмаганига ачинаман, деган қиргин ташаббусқори генерал Скобелев. Туркистон забот этилгач Скобелев «Бирор миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг тили, тарихи, дини ва маданиятини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи адоий тамом бўлади», - деб айтган.

Рус мустамлакачилари маориф сийсатини икки йўналишда олиб бордилар: 1) Туркистон халқ маорифига рус тили ва рус-тузем мактаблари орқали ёриб кириш; 2) миллий кадриятларни тарбияловчи маънавият ўчоқларини йўқ қилиш. Туркистон генерал-губернатори Веревский вилоят ҳарбий губернаторларига «Русчани билувчи мусулмонлардан барча соҳаларда фойдаланилсин ва имтиёз берилсин» - деб айтган.

Россиянинг қудратини кўриб унга қарши кўзголон кўтармаслиги учун Рус маъмурлари рус-тузем мактаби ўқувчиларини Россия бўйлаб саёҳат режасини ишлаб чиқдилар. 1898-1899 йй. катта ёшдаги туркистонликлар ва ўқувчилар Россияга саёҳатга юборилди. Туркистон ўлка билим юртлари бош инспектори Ф.Керенский «Сартлар ва киргизларнинг болалари Россиянинг қудратини узоқ вақт эслаб юришади» - деб айтган.

Адабиёт. Шоир, сатира ва юмор жанри устаси Мухаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўгли - *Муқимий* (1850-1903) ижоди гуллаган давр Кўқон хонлигининг Россия томонидан босиб олинишига тўғри келди.

Лирик шоир ва публицист Зокиржон Холмуҳаммад ўгли - *Фурқат* (1858-1909) жаҳолат ва қолоқликка қарши курашиб, илгор гоёлар тарафида турди. Фурқат кўриб, ҳайратга тушган воқеаларни 1890 йил «Туркистон

вилояти газети» нинг қатор сонларида эълон қилди. Генерал-губернаторлик Фурқатга Шарқий Туркистонда Россия фойдасига иш олиб бориб, махфий маълумот жўнатиб туриш вазифасини топширди.

Демократик гоёлар руҳида ижод қилган шоир Убайдулла Солиҳ - *Завқий* (1853-1926) Муқимий ва Фурқат анъаналарини давом эттириб, ижоди халқчил ва меҳнаткашга ҳамдард бўлди. У «Ажаб эрмас» шеърини 1916 йилги миллий-озодлик ҳаракатига бағишлаб ёзди.

Хивалик шоир-демократ *Аваз Ўтар* (1884-1919) «Ёш хиваликлар» билан алоқа ўрнатиб, қадимийлар гуруҳига қарши ўтли мисралар битди.

Таракқийпарвар гуруҳининг фаолларидан бири Садриддин *Айний* (1878-1954) XIX аср охири – XX аср бошларидаги адабий муҳитда ўз ўрнига ва овозига эга бўлган адибдир. Айний амирликда демократик ислоҳатлар зарурлигини илгари суриши билан Аҳмад Дониш изидан борди.

Бутун кучини болаларнинг илму урфондан баҳраманд бўлишига сарфлаган *Ҳамза* Ҳакимзоди Ниёзий (1889-1929) XX-аср бошларида таракқийпарвар зиёли адиблар сафига келиб қўшилади. У дунё аҳволатидан хабардор бўлиш учун Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Араб, Россияга сафар қилди. Илм-фан қудратини идрок қилган Ҳамза педагог, шоир, муסיқашунос, актёр сифатида танилди.

Адолатсизликка қарши кураш тугёни, халқни фаолликка ундаган шоира *Анбар отин* (1870-1906) ижодида ҳам яққол сезилди.

Матбуот. 1905 йилги рус буржуа-демократик инқилоби Туркистондаги мустабид ва ҳарбий-полиция тизимига зарба берди. Инқилобдан кўрққан «оқ подшо» 1905 йил 17 октябрда чиқарган Манифестда мустамлака халқларга ҳам эркин яшаш, билим эгаллаш, ўз миллий матбуотига эга бўлиш каби ваъдалар мавжуд эди. 1905 йилга қадар Туркистонда фақат генерал-губернаторликнинг расмий органи «Туркестанские ведомости» ва «Туркистон вилоят газети» бор эди. 1870-1917 йй. давомида чиқиб турган «Туркестанские ведомости»нинг муҳаррири 1877-1917 йй. олим ва журналист Н.Остроумов эди.

Жадидлар 1905-1907 йй. Исмоил Обидов муҳаррирлигида чиқарилган «Таракқий», «Шухрат», «Хуршид» газеталари чоризм томонидан ёпиб қўйилди. Чоризмнинг миллий матбуотга бўлган муносабати реакцион бўлганлигини эсерлар партиясининг яширин чоп этилган «Молот» газетаси ёзган. «Молот» газетасидаги мақолада «Оқ подшо»ни Рус Ватикани, деб атаган. Икки йил (1905-1907) давомида «Русский Туркестан», «Туркестанская жизнь», «Туркестан», «Вперёд», «Работник», «Фергана», «Самарканд», «Новый Самарканд», «Ташкентский курьер» газеталари ёпилди.

Миллий онг ва ўзликни англашда 2 йил давомида (1914-1915) фаолият кўрсатган «Садои Туркистон» газетасининг хизматлари катта бўлди. Ўзбек миллий журналистикаси мактаби шаклланиб Чўлпон, Мунаввар қори, Бехбудий, Хуршид, Мискин, Ҳамза, Холид, Л.Омилий, Ш.Шарафиддинов, М.Шермухаммедов, М.Муҳаммаджонов бу мактабда ижод қилди.

Ижтимоий ва табиий фанлар. Санъат

Фалсафий-тарихий фикрлар ривожда XIX аср охири XX аср бошларида фалсафий фикрга нисбатан тарихий илмлар соҳасида силжиш анча кучли эди. Олим ва мутафаккир *Аҳмад Дониш* (1827-1897) фалсафий ва тарихий фикрлар ривожига ҳисса қўшди. У амир элчиси сифатида Санкт-Петербургга бир неча бор саёҳат қилган. Дониш ўз фалсафий карашлари билан демократик ва илгор жабҳани эгаллаб, амир Бухорасида халқчиллик асосида давлат бошқарувини ислоҳ қилиш лойиҳасини ишлаб чиқди. У амирлик тарихига оид «Наводир ул-вакоъ» (Нодир воқеалар), «Амир Дониёлдан то Абдулахадгача бўлган Бухоро амирларининг таржимаи аҳволи» рисолаларини ёзди.

Бухоролик ўлкашунос тарихчи олим *Мирзо Абдуазим Сомий Бўстоний* (1833-1914) Бухоро амири Музаффарнинг шахсий муншийси бўлган. Амир Абдулахад (1885-1910) даврида подшоликка қарши фикрлари учун С. Бўстоний саройдан четлатилиб, ночорликда умр кечирди. Сомий «Миръот ул-хаёл» (Хаёл кўзгуси), «Иншо», «Тухфайи шоҳий», «Тарихи солотини Мангития» каби адабий ва тарихий асарлар ёзган. Унинг «Тарихи салотини Мангития» асарининг муҳим томони унда Бухоро ва Ўрта Осиёнинг Россия босиб олиши арафасидаги иктисодий-сиёсий аҳволи, Бухоро-Россия муносабатлари ёритилган.

Хоразмда узок вақтлардан давом этиб келаётган анъана шажаравий тарихнависликдир. Эл-улус ўтмишини кейинги авлодларга ёзиб қолдириш анъанаси ўлкада «Авесто» дан бошланади. Ал-Хоразмий, Беруний, Муҳаммад Солиҳ, Мунис Хоразмий, Огаҳийнинг тарих ёзиш ишини *Муҳаммад Юсуф Баёний* (1840-1923) давом қилди. У мустамлакачилик тарихини ҳаққоний ёзишдек оғир вазифани ўз зиммасига олиб, Хоразм, Туркман худудларини Эрон сарҳадларигача яёв кезиб чиқди. Баёний тарих фани – мозий илмига маърифат ва ҳақиқат чироғи деб қаради. У 2 та тарихий асар ёзди: «Хоразм тарихи» ва «Шажарайи Хоразмшоҳий». Баёний Хива хонлигини Россия томонидан босиб олинишини ҳаққоний ва содда халқ тилида ёзган йирик тарихчи.

Бухоро амирининг 1884-1885 йй. Туркистон генерал-губернатори ҳузуридаги вакили *Мирза Салимбекнинг* илмий-тарихий, ўлкашунослик фаолияти диққатга сазовор. Бухорода 1850 йил тугилган М. Салимбек «Кашкули Салимий», «Тарихий Салимий», «Ҳикоят Абдулла ибн ал Муборак», «Каъб ал-ахбор ҳикоялари» каби тарихий рисолалар яратди.

XIX-асрда тарихнавислик ривожига машҳур «Самария» (Самарқанд) асарини ёзган ўлкашунос тарихчи *Абу тоҳирхожа* (1874 й. вафот этган) катта ҳисса қўшди. XIX асрнинг иккинчи ярмида тарихчи сифатида танилган олим *Мулла Олим Маҳмуд ҳожи* манбаларининг бойлиги билан ажралиб турувчи қимматли манба «Тарихи Туркистон» асарини ёзган.

Тошкентнинг «Қор ёғди» маҳалласида 1830 йил тугилган (вафот номаълум) тарихчи ва географ *Муҳаммад Солиҳ Раҳим Қорахўжа ўғли* ўз шажарасини Шайх Хованди Тохурга (XIV аср) бориб уланиши ҳақида асар ёзган. Муҳаммад Солиҳнинг отасини Тошкент аҳли улуглаб «уламолар нодир, давр муаллими», деб аташган. М.Солиҳ 1840-1863 йй. Тошкент,

Кўкон ва Бухоро мадрасаларида билим олиб араб ва форс тилларини ўрганди. Солиҳ таъбабат билан шугулланиш билан бирга 25 йил (1863-1888) ўлка тарихини ўрганиб тарихий-жугрофий «Тарих жадидаи Тошканд» (Тошканднинг янги тарихи) асарини ёзди.

Археология жамиятига қабул қилинган тошкентлик савдогар *Ақром Асқаров*нинг тангашунослик соҳасидаги фаолияти Рус археология жамияти томонидан кумуш нишон билан тақдирланиб, Франция Археология жамиятига аъзо қилиб сайланди. Шайбонийхон мадрасаси мударриси *Абу Саид Махсум* қадимги буюмлар ҳавасманди бўлган. Н.Веселовский таъкидлашича у «мусулмон адабиётида энг ўқимишли кишилардан бири» бўлган. У Гўри Амир, Шоҳи Зинда каби ёдгорликларда сақланиб қолган ва ўқиш қийин бўлган ёзувлардан нусха олишни синаб кўрди. Абу Саид Махсум Улугбек расадхонасининг аниқ ўрнини олим Вяткинга кўрсатди.

Еттисувда археологияга оид нарсаларни 16 йил тўплаган Турди Мирғиёсов А.Диваевга ирригация ишлари олиб борилаётган Тўқмоқ райони чеккасида қадимги шаҳар вайроналари борлигини хабар қилган.

Савдогар *Мирза Абдулла Бухорий* 1878 йил Тошкентдаги ва 1886 йил Туркистон кўрғазмасида иштирок этиб, ноёб кийимлар тўпламини тақдим этади. Савдогарлар Мирза Абдулла ва *Муҳаммад Шоқир* «Ипак буюмлар ишлаб чиқаришни такомиллаштиргани» учун *олтин* нишонга сазовор бўлди. Н.Веселовский Мирза Абдулла билан танишиб, ундан ноёб буюмларни сотиб олган. М.Абдулла ўз ташаббуси билан Москва ва Петербургга саёҳат қилган: Кремл ва Третьяков галереясини кўрди, олимлар билан учрашди. Император археология комиссияси М.Абдуллонинг коллекциясини кўриш учун Туркистон генерал-губернатори Г.Розенбах орқали мурожаат қилди.

Рус шарқшунос олими ва тарихчи *Н.Веселовский*нинг (1846-1918) «Биз осиеликларга маданият, тинчлик бердик деб ўзимизни овутамиз, аммо булардан ҳам юксак бир олий туйгу борки, бу-миллат ва унинг миллий ифтихоридир» – деган иқрори рушлаштириш сиёсатини очиб ташлади. Туркистонни маданий-иқтисодий тараққиётдан четда тутиб турганлигини Туркистон генерал-губернатори *Куропаткин* эътироф этган.

Чоризм маданият тарғиботи баҳонасида Туркистонга шовинистик гоёсини ёйди. Генерал-лейтенант *Мациевский* «Шарқшунослик жамияти Шарқни фан ва Шарқ манфаати учун эмас, балки маҳаллий аҳолини чор Россиясига сингдириб юбориш, яъни рушлаштириш мақсадида ўзлаштирилиши лозим» – деб айтган. Россиялик шарқшунослар тўплаган ноёб асарларни Россияга жўнатмасдан Туркистон генерал-губернаторлик ҳузурида 1870 йил очилган кутубхонага топшириши лозим эди.

Осиё хонликлари қимматбаҳо буюмлар макони эканлиги Россияга Пётр I замонидаёқ маълум эди. Россия Туркистонни босиб олгач моддий-маънавий бойликларни Россияга жўнатиш учун 1876 йил Тошкентда музей очилиб, осори-атиқалар турларга ажратилди. Қимматбаҳо буюмларни тўплаш ҳақида рус армияси қисмлари учун ишлаб чиқилган «Тавсия» - кўрсатмада тарихий буюмларга алоҳида эътибор бериш уқтирилди.

Кўлга киритилган буюмларни Петербургга жўнатиш генерал-губернаторнинг маслаҳатчиси, шарқшунос *А.Кун* зиммасига юклатилди. 1873

йил Хива хонлиги сарой хазинаси осори атикалари ва ноёб китоблар Петербургга жўнатилди. 1876 йил Қўқон хонлиги тугатилиб, саройдаги барча бойликлар ташиб кетилди.

Санъат даражасидаги нақш ўймакорлиги намунаси бўлган М.Раҳимхоннинг (Хива) тахти 1874 йил Москвадаги курол-аслаҳа палатасига топширилди. Рус амалдорларининг Хивага сафари 1900 йилдан кучайди, мақсади совга илинжида юртни талаш эди. А.Темур макбарасининг нақшинкор дарвозаси 1895 йил Петербургга олиб кетилди. Темур макбарасидаги ойна 1903 йил Николай II талаби билан Петербургга жўнатилди.

Табий фанлар. Рус зоологи ва сайёҳи, дарвинизм тарафдори *Н.Северцев* (1827-1886) «дунё томи» - Помир тоғ тизимини ўрганди, зоология, ботаника, минералларга доир намуналар тўплади. Рус географи *П.Семёнов-Тяншанский* (1827-1914) Тяньшань тоғ тизими баёнида география билимларига асос солиб, музлик ва вулконлар ҳақида манба тўплади. Рус табиатшуноси *А.Федченко* (1844-1873) Фарғона водийси ва Олойни, Зарафшон водийси ва Қизилкумни текшириб чиқди.

Шимолий Тяньшань тизмаларининг геологик асосларини кўрсатиб берган геолог ва географ *И.Мушкетов* (1850-1902) Туркистоннинг биринчи минералогик харитасини (Ғ.Романовский билан) ва фойдали қазилмалар рўйхатини тузди ҳамда «Ўрта Осиёни ўрганиш тарихи» асарини ёзди. *В.Докучаев* Ўрта Осиё тупроқларининг таркибини ўрганишга кўп меҳнат сарф қилди.

Тошкентда 1867 йил *метеорология* станцияси ва Туркистон халқ *кутубхонаси*, 1874 йил *обсерватория* очилди. 1870 йил тузилган *Осиё олимлари жамияти* ўз олдига Ўтра Осиё тарихи, географияси, этнографияси, статистикаси, иқтисодига оид маълумотларни тўплашни мақсад қилиб қўйди. Туркистонда ҳаммаси бўлиб 15 га яқин илмий жамиятлар иш олиб борди.

Меъморчилик. XIX-аср охири XX-аср бошларида **Бухорода** Облоқул ва Иброҳим Ҳофизовлар, Мўминжон Солиҳов, Ширин Муродов каби машҳур усталар етишиб чиқди. Бухорода XX-аср бошларида қурилган Ситораи Моҳи Хоса қурилишида Ғарб ва Шарқ меъморчилиги анъаналаридан фойдаланилди. Моҳи Хосадаги маҳсус (оқ сарой) залга пардоз беришни Уста Ширин Муродов бошчилигидаги уста ва ганчкорлар амалга оширди.

Бухоро меъморчилик услубида уйлар асосан қўш синчли бўлиб, ёзлик уйлар, болохоналар қурилган. Бухоро ва Самарқанд бинокорлигида ганч, ёғоч ва мрамартошга нақш ўйиб ишлов бериш санъати оммалашган эди. Қишлоқ уй-жой қурилишида оилаларнинг асосий истиқомат жойи ички ва ташқи ховлидан иборат бўлган. Атрофи паҳса девор билан ўраб олинган қишлоқ ховлиси кўргон деб аталган

Хоразм меъморчилик мактабининг саркори Одина Мухаммад Мурод эди. Уста кулол Нурмухаммад, Абдужаббор унинг ўгли Сўфимухаммад Ниёз ва Абдулла пардоз ва нақшинкор парчинларни жойлаштириш усталаридир. XX аср бошида Асфандиёрхоннинг бош вазири Ислон Хўжа хомийлигида қурилган Ислон Хўжа минораси Хиванинг фахри ҳисобланади.

Хивада XIX-аср охири XX-аср бошларида Қози калон мадрасасини ҳуқук илмининг Ўрта Осиёда эътироф килинган билимдони шаҳулислом Салимохун қози калон қурдирган. Салимохунни Раҳимхон II ўзига Пиру устоз тутган ва у билан фахрланган. Туркманлар сардори Жунаидхон Салимохуннинг вафотини эшитиб 40 кунлик маросими ўтгунча Хивага ҳужумни тўхтатган. Мулла Ўроз Хўжамуҳаммедов ва Нурмуҳаммад Бобоев Салимохун қўлида таҳсил олиб туркман халкининг сиёсий арбоблари бўлиб етишган.

Кўқон хонлиги 1876 йил тугатилгач, рус услубида бинолар қуришга эътибор кучайди. Кўқонлик усталар Муҳаммад Аминхўжа, Муҳаммад Мусо ва унинг ўғиллари Исохон ва Юсуфали Мусаевлар миллий меъморчилик услубларини сақлаб қолишга интилдилар. Кўқон ва Тошкентда «Қашқарча» деб ном олган ёзги-қишки бинолар кенг расм бўлди. XIX-аср охирида қурилган Андижон жомеъ масжиди юксак меъморчилик намунаси бўлди.

Европа меъморчилигига хос бўлган айрим услублар Бухоро амирининг ёзги саройи Моҳи Хоса ва Хива хони Раҳимхон II нинг Нуриллабой саройи (1904-1912) кўзга ташланади.

Санъат. Ўзбек миллий кўшиқчилиги XIX аср охири - XX аср бошларида асосан 4 йўналишда: Хоразм, Бухоро-Самарқанд, Фаргона-Тошкент, Сурхандарё-Қашқадарё йўлида ривожланди. Сурхандарё-Қашқадарё йўли ўзининг дostonчилиги билан фарқланар эди. Бухоро-Самарқанд услуби касбий ва халқ мусикаларига асосланиб, фольклорнинг турли жанр ва мавзуларини ўз ичига олган. Бухоро мусикасида мавригихонлик ҳам мавжуд эди.

Ўзбек мусика ва кўшиқчилик санъатини Шарк ва Европага танитган самарқандлик ҳофиз ҳожи Абдулазиз Абдурасулов Эрон, Афғонистон, Ироқ, Ҳиндистон ва Юнонистонда танилган эди. Тошкентлик ҳофиз Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедовнинг (1868 й. тугилган) овозаси Туркистондан ташқари Шарқий Туркистон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Европа ва Америка қитъаларига тарқалган эди. Тўйчи ҳофизнинг ашулаларини ёзиб олиш учун 1905 йил Рига «Грамофон» жамияти уни Латвияга таклиф қилди.

Чоризм зулми кучайгач халқнинг дардини ифодаловчи дасталар вужудга келди. Скобелев (Фаргона) шаҳрида 1916 йил Муҳиддин Қори Ёқубов миллий мусқа созлари оркестрини тузди. Уста Рўзмат Исабоев Наманганда, Ҳамза Кўқонда даста ташкил қилди.

Хоразмшоҳ *Отсиз* мусика назарияси амалиёти билан чуқур шугулланган. Шоҳ, шоир, тарихчи, мусикашунос ва фан-маданият ҳомийси Муҳаммад Раҳимхон II - *Феруз* Хивани Туронзаминда иккинчи Ҳирот маданий-маърифий муҳит даражасига етказди. Мақомларни келажак авлодларга асл ҳолатда етиб бориши зарурлигини англаган Ферузшоҳ 1882 йил махсус фармон чикарди. Фармони олийда «мақомларни камситганлар ва уни бузиб ижро этганлар қаттиқ жазолансин» дейилган.

Дostonчиликнинг ривожланиши бахшилар ижоди билан мутлак боғланган. Туркистон генерал-губернатори 1870 йил Самара театрини рус қудратини Туркистонда намойиш этишга ундайди. Рус олимлари Н.Миронов,

А.Эйхгорн, В.Лейсек, Н.Карцева, Т.Вербовский, Ю.Шефферлинг, В.Михалек маҳаллий санъатни илмий ўрганган.

Хотима. Уч хонлик даврига келиб «Ипак йўли» аҳамиятини пасайиб кетиши умумий иқтисодий инкироз ва маданий ҳаёт ривожига салбий таъсир қилди. Рус зиёлилари А. Герцен ва Н. Огарёв Лондонда туриб Россиянинг Ўрта Осиёдаги босқинини фош этувчи мақола эълон қилди. Л.Тольстой бир қанча қисса ва ҳикояларида (Ҳожимурот) русларга қарши курашган туб ерлик қаҳрамонлар сиймосини тасвирлаб, «Ювуксиз Россия» устидан аёвсиз ҳукм чиқарди.

Америка журналисти Мак-Гахан хотираларида чор истибдодининг қонли манзараларини ҳаққоний чизиб беради. Туркистондаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган В.Наливкин бегуноҳ қон тўкилишини кўриб чор армиясини ташлаб кетади ва Нанай қишлоғидан ер олиб тирикчилик қилишни маъқул кўради. Туркистонликларни шафқатсиз қирган генераллар Скобелев, фон Кауфман, Головачев, Духовский, Черняев, Троицкий, Абрамов, Ивановларни халқ абадий лаънатлайди.

Таянч сўзлар: Рус-тузем мактаблари, «Туркестанские ведомости», «Туркистон вилоят газети», «Тараккий», «Шухрат», «Хуршид», генерал-губернатор, уезд, волост, участка, протекторат, Николай, Чернаев, Скобелев, Кауфман, Муҳаммад Раҳимхон, Абдулаҳадхон, Насруллохон.

V-бўлим. СОВЕТЛАР ДАВРИ 1917-1991 йиллар

XV -боб. Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилиши. Совет ҳокимиятига қарши ҳаракат

1-§. Туркистонда Совет ҳокимияти ўрнатилиши. Туркистон Мухторияти. ТАССР

Туркистон халқларининг асрий орзуси. Совет даври (1917-1991) тарихимизнинг энг мураккаб ва зиддиятли йилларидир, чунки бу давр: 1) Ватан озодлиги учун боболаримиз мустамлакачиларга қарши курашдилар. 2) Ватан равнақи йўлида халқимиз катта бунёдкорлик ишларини амалга оширдилар; 3) совет мустамлакачилиги халқимизга кулфат ва йўқотишлар

келтирган даврдир. Маърифатпарвар, тараққийпарвар *жадидлар* 1917 йил тинчлик йўли билан, ҳуқуқий асосда *Туркистон Мухторияти* учун курашдилар. Бухоро ва Хива хонлигида *Ёш бухороликлар* ва *Ёш хиваликлар* демократик ислохатлар ўтказиш талабларини кўтариб чиқдилар.

Туркистоннинг сўнги генерал-губернатори А.Куропаткин “Биз 50 йил туб жой аҳолини тараққийдан жиловладик, уни мактаблар ва рус ҳаётдан четда тутдик” деб айтган. Рус генерали Скобелев “Миллатни йўқ қилиш учун кириш шарт эмас, унинг маданиятини, тилини йўқ қилсанг, таназзулга учрайди” деган. Андижон қўзғолони етакчиси М.Эшон судда 1898 йил рус амалдорининг “сени оқ подшога қарши чиқишга нима мажбур қилди” деган саволига “Сизларнинг маҳаллий халқ бошига солган зулмингиз, унинг эркини таҳқирлаётганингиз” - деб жавоб берган.

Истиклол учун курашган, қатагон қурбони, маърифатпарвар А.Фитрат “Ватан саждагоҳимдир” - деб айтган. “Хақ олинур, берилмас” шиори ўлка жадидларининг раҳнамоси М. Бехбудийга тегишли. И.Каримов 1996 йил “Бу йиллар тарихи – бу бизнинг тарихимиздир. Тарихдан воз кечиб бўлмайди”, “Ўзбекистон истиклолини қандай ҳимоя этишни боболаримиздан мерос қилиб олишимиз.. даркор” - деб айтган эди.

XX аср бошларига келиб Туркистон халқларининг озодлик учун кураш гоёси янги паллага кирди. Янги аср бошларида ўз ҳаётини юрт, миллат озодлигига бахш этган даргалар – жадидлар етишиб чиқди. Туркистон озодлиги, миллат таълими, тарбиясини ислох қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш учун Бехбудий, Фитрат, Ф.Хўжаев, А.Авлоний, Мунавварқори, А.Шакурий курашди. Бутун Туркистонни ларзага келтирган ҳамда Россия мустамлакачиларини сарасимога солган Ўлка халқларининг 1916 йилги миллий-озодлик ҳаракати ҳам юрт озодлиги йўлига багишланган эди.

1917 йил феврал инқилоби ва Туркистон. Россия самодержавиясига қарши кураш 1917 йил февралда галаба қозонди. Россияни 3 аср бошқарган *Романовлар* ҳукмронлиги ва мутлақ монархия тугади. Россияда 1917 йил март ойи бошларида буржуазия вакилларидан ташкил топган **Муваққат ҳукумат** фаолият кўрсата бошлади.

Петроград ва бошқа жойларда ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари **Советлари ҳокимияти** иш юрита бошлади. Шу тариқа *икки ҳокимиятчилик* бошқаруви вужудга келди. Туркистондаги ижтимоий-сиёсий воқеаларга Россиядаги Феврал инқилоби, сиёсий тузумнинг ўзгариши, демократик жараёнларнинг юзага келиши ижобий таъсир кўрсатди.

Туркистонда юз берган муҳим сиёсий ўзгаришлардан бири - **Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамасининг** тугатилиши бўлди. Унинг ўрнига Муваққат ҳукуматга бўйсунувчи **Туркистон кўмитаси** ташкил этилди. Вилоятлардаги ҳарбий губернаторлик ҳам тугатилиб, унинг ўрнига *вилоят комиссарликлари* тузилди. Феврал ўзгариши энг муҳими Туркистон халқларига муайян демократик жараёнларни бахш эта борди, халқнинг турли ижтимоий қатламлари фаол ҳаракатга кела бошлади.

Туркистоннинг йирик шаҳарларида ташкил топган ва асосий таркиби маҳаллий миллат вакилларидан иборат касаба уюшмалари ва турли касб

кишилари бирлаштирган уюшмалар ҳам аҳолининг туб манфаатлари, иқтисодий ва сиёсий талабларини ҳимоя қилиб фаолият юритди. Россиянинг гарбий ҳудудига мардикорликка сафарбарликдан қайтиб келган юртдошларимиз ҳам 1917 йил майига келиб демократик кучлар сафини тўлдира борди.

Феврал ўзгаришидан кейин инкилобий-демократик ташкилотлар, сиёсий фиркалар, касаба уюшмалари Туркистон халқлари ҳаётида муҳим рол ўйнаб, уларнинг сиёсий фаоллигини оширди. Туркистонда ҳам Россиядаги сиёсий партиялар – эсэрлар, социал-демократлар ва бошқа партияларнинг маҳаллий ташкилотлари ўз дастурий гояларини аҳолининг турли ижтимоий табакалари онгига сингдирди.

1917 йил мартда Тошкентда ишчи ва солдат депутатлари **Совети** ташкил этилди. Туркистонда март охирида ишчи ва солдат депутатларининг 75 та Совети фаолият юритди, бироқ депутатларнинг кўпчилиги европаликлар эди. Туркистондаги воқеалар ва ўзгаришларнинг яловбардорлари жаҳид раҳномалари эди; улар мустамлакачиларнинг тез ўзгарувчан сиёсатидан бохабар бўлиб, ўз кураш дастурига эга эга.

Россия Муваккат ҳукуматининг иккиюзламачилик сиёсати, инкилобнинг туб масалаларини: уруш ва тинчлик, 8 соатлик иш куни, аграр ва миллий масалаларни ҳал этишни турли баҳоналар билан четга суриши жаҳид арбобларини инкилобий-демократик йўналишда курашишга даъват этди. Бу даврда жаҳидлар фаолиятида вақтли матбуот нашрларини йўлга қўйиб инкилобий-демократик мақолалар чоп этиш ва оммага етказиш муҳим ўрин тутган

Жаҳидлар Тошкентда “Турк эли”, “Нажот”, “Кенгаш”, “Улуг Туркистон”, “Турон; Самарқандда “Хуррият” вақтли нашрларни нашр қилди. Тошкентда А.Авлоний 1917 йил апрелидан чиқарган “Турон” газетасининг илк сониди “Яшасин халқ жумҳурияти” шиори биринчи марта янграган эди. Унда “мусулмонлар орасида бидъатни битирмак, жумҳурий идорага халқни тайёрламок” гояси илгари сурилган. “Нажот” газетасининг 1917 йил 26 март сониди Мунавварқорининг “Хуррият берилмас, олинур” деган хитоб босилган.

Шўройи Исломия ва Шўройи Уламо. Туркистонда 1917 йил бошларида юз берган тарихий ўзгаришлар силсиласида маҳаллий ватанпарвар ва тараққийпарвар кучларнинг бўлгуси курашлар олдиан бирлашиш сари интилиши уствор бўлиб борди. Туб аҳолининг кўпчилиги жаҳид йўлбошчилар йўлидан уюшиб бордилар, бунинг учун обрўли сиёсий ташкилот тузиш зарурияти тугилганди, шундай ташкилотгина бўлгуси миллий ҳокимиятнинг ваколатли органи бўла оларди.

Мусулмон аҳолининг ваколатли органи (мусулмонлар кенгаши) сифатида унинг иродасини 1917 йил 14 мартда Тошкентда жаҳид арбоблари ташаббуси билан тузилган “*Шўройи Исломия*” ташкилоти ифода этди. Раёсат таркиби 15 кишидан иборат бўлиб, юрт раҳнамоларидан: Мунавварқори (етакчи), Абдувоҳидқори, М.Мўминбоев, А.Темирбеков, У.Асадуллаҳўжаев, С.Тиллахонов ўрин олди.

Маҳаллий аҳоли орасида ўлканинг турли жойларида тузилган “Шўройи Исломия”нинг куйи *шўбалари* фаолият юритди. “Шўройи Исломия” таъсирида жойларда турли номларда ташкилотлар вужудга келди: Тошкентда “Турон”, Иттиҳоди тараққий”; Андижонда “Озод халқ”, “Хуррият”, “Маърифат”; Самарқандда “Мирваж-ул Ислом”, “Клуб Исломия”, “Мусулмон меҳнаткашлари иттифоқи”; Каттақўргонда “Равнакул Ислом”, “Тулистон” каби. Бу ташкилотлар жадиличлик гоёларида иш юритиб Бехбудийнинг “Ҳақ олинур, берилмас”, Мунавварқорининг “Хуррият берилмас, олинур” шиорлари кураш байроғига айланди.

“Шўройи Исломия” таъсирида бўлган уломаларнинг бир қисми *қадимчилар* номи билан аталарди. Улар ислом таълимотининг муросасиз тарафдорлари сифатида мухторият талабига қарши чиққанлар. Қадимчилар 1917 йил июнда “Шўройи Исломия” билан алоқани узиб, бўлиниб кетди.

Бунинг асосий сабаби, энг аввало Туркистон мустақиллиги йўлида икки хил қарама-қарши тактик ёндашув чиқишидир. 1) Консерватив, мутаассиб уломачилар (*Шўройи Уламо*) Туркистон мустақиллигини фақат мустамлакачиларга қарши газовот бошлаш, яъни қуролли қаршилик кўрсатиш йўли билан қўлга киритишни ёқладилар.

2) Илгор зиёлилар – жадиждлар Россияда юзага келган қулай шароитдан, сиёсий воситалардан фойдаланиб, қон тўкмасдан босқичма-босқич мустақилликка эришишни ёқладилар. Жадиждларнинг Россия Федерацияси таркибидаги Туркистон Мухторияти талаби ҳам шу мақсадни кўзда тутарди. “Шўройи Уламо”чиларнинг нашри – “Ал-Изоҳ” журналида миллатнинг илгор, ватанпарвар зиёлиларига нисбатан адоват ва хусумат қилдилар.

I ва II Умумтуркистон қурултойлари. Туркистонда инқилобий-демократик ҳаракатлардаги турли табақаларни бирлаштиришда 1917 йил давомида бўлиб ўтган *Умумтуркистон мусулмонлари I ва II қурултойлари* қабул қилинган дастурий ҳужжатларнинг роли катта бўлди. Умумтуркистон мусулмонларининг I-қурултойи 1917 йил 16 апрелда “Шўройи Исломия” ташаббуси билан чақирилди, кун тартибига 16 масала қўйилди.

Қурултой анча ваколатли анжуман бўлиб, унинг ишида М.Чўқай, Мунавварқори, Бехбудий, У.Асадуллахўжаев, Ш.Лапин, Т.Норбўтабеков, Валидий, С.Юсупов, И.Шоаҳмедов катнашди. Қурултой ўлканинг бўлажак давлат қурилишига алоҳида тўхталиб, Туркистонга кенг мухторият ҳуқуқини берадиган демократик Россия Федерацияси тузилиши гоёси илгари сурилди.

Қурултойда Марказий раҳбар орган - **Туркистон ўлка мусулмонлар шўросини** тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Унинг 1-йигилишида ижроия органи - *Марказий Шўро* тузилди. М.Чўқай Марказ раиси, Мунавварқори раис муовини, Валидий котиб, Бехбудий, У.Асадуллахўжаев ва бошқалар аъзо этиб сайланди.

Марказий Шўро зиммасига ўлкадаги тарқоқ, дастури бўлмаган ташкилотларни бирлаштириш вазифаси юкланди. Бу вазифани Марказий Шўронинг жойлардаги шўбалари бажарди: Тошкент шўбасини Мунавварқори, Самарқанд шўбасини Бехбудий, Фаргона шўбасини Носирхон Тўра Камолхон Тўра ўгли бошқарди.

Туркистонда шу тарика **уч ҳокимиятчилик** вужудга келди: 1) Муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси. 2) Ишчи ва солдат депутатлари Совети. 3) Туркистон ўлка Мусулмонлар Шўроси.

Жадидлар маҳаллий-худудий манфаатлар билан чекланмай, бошқа минтақадаги мусулмонларнинг илгор вакиллари билан яқинлашиш мақсадида 1917 йил 1-2 майда Москвада бўлган *Бутунроссия мусулмонлари* I-қурултойида иштирок этди. Қурултойда мусулмонлар манфаатини ҳимоя қилувчи давлат қурилиши шаклан миллий-худудий, федерация асосидаги демократик республика бўлиши айтилди. Қурултойда Бутунроссия Мусулмонлар шўросининг Ижроия қўмитаси таъсис этилди, унга Туркистондан У.Асадуллаҳўжаев, И.Шоаҳмедов аъзо этиб сайланди.

Россия мусулмонларининг озодлик ҳаракатини мувофиқлаштиришда Туркистон вакиллари иштирок этган ва 1917 йил 21-31 июлда Қозонда бўлган *Бутунроссия мусулмонлари* II-қурултойи муҳим қадам бўлди. Қурултойда Туркистон, Кавказ ва Қримда давлат бошқарувини меҳнаткашлар ҳал этиши, мусулмонлар курашини ташкил этиш учун Бутунроссия ҳарбий шўросини таъсис этиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Туркистон халқлари ҳаётида 1917 йил 17-20 сентябрда Тошкентда бўлган Умумтуркистон мусулмонлари II-қурултойи муҳим рол ўйнади, унда 500 та вакиллар иштирок этди. Қурултойнинг махсус қарорида Россия конституциясига мос ҳолда шариат асосида иш кўрувчи 12 кишилик Туркистон Ўлка қўмитаси, 24 кишилик “Маҳкамаи Шариат” (парламент) ташкил этилиши таъкидланди. Қурултойда “Шўройи Исломия”, “Шўройи Уламо”, “Турон” каби миллий ташкилотларни бирлаштириб, ягона “Иттифоқи Муслимин” (Мусулмонлар Иттифоқи) сиёсий партиясини тузиш гоёси илгари сурилди.

Қурултойда Бехбудий ҳаммани бирликка даъват қилди. “Улуг Туркистон” газетаси қурултой руҳини акс эттириб Туркистоннинг ички ишларини мустақил ҳал этишга қодир бўлган ўлканинг миллий мухториятини тузиш гоёсини асосий ўринга қўйди. Бироқ Туркистонда айрича фаолият юритган, қарашларида муҳолифатчилик устувор бўлган айрим маҳаллий ташкилотлар бу ноёб имкониятдан фойдалана олмади, бу болшевикларга қўл келди.

Туркистонда Совет ҳокимияти ўрнатилиши

1917 йил октябр воқеалари ва Туркистонга таъсири. Россияда 1917 йил феврал инқилоби туб ўзгаришларга олиб келмади. *Муваққат буржуа ҳукумати* тор манфаатлари туфайли туб масалаларни ҳал этишга ожизлик қилди. Сиёсий тузимда ўзгариш бўлгани ҳолда муҳим масалалар: ижтимоий-иқтисодий, аграр, миллий, сулҳ масалалари амалда ечилмай қола берди. Россиянинг биринчи жаҳон урушида иштирокининг давом этиши ва рус армиясининг мағлубияти умумхалқ норозилиги ва газабини тобора кучайтирмоқда эди.

Россиянинг иқтисодий ва ижтимоий инқирози Муваққат ҳукуматнинг обрўсизланишига, халқдан яққаланиб қолишига, вазиятнинг кескинлашувиغا

олиб келаётган эди. Бу вазиятдан Ленин бошлиқ болшевиклар фойдаланиб *1917 йил 24-25 октябрда* Петроградда давлат тўнтариши қилди ва Муваққат ҳукуматни ағдариб ҳокимиятни эгаллади. Пролетариат диктатураси номи билан аталган **Совет ҳокимияти** вужудга келди. Туркистонни қўлдан чиқармаслик учун болшевиклар *1917 йил 31 октябрдан 1 ноябрга* ўтар кечаси Муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси қароргоҳи жойлашган **Тупрокқалъа** кўргонини қизил аскарлар ишғол қилди.

Туркистонда совет ҳокимиятининг зўрлик билан ўрнатилиши. Фаргона водийсида совет ҳокимиятини ўрнатиш чогида Маргилонда 7 минг, Андижонда 6 минг, Наманганда 2 минг, Бозорқўрғон ва Қўқонқишлоқ (Пахтаобод) атрофида 4,5 мингдан зиёд киши қиргин қилинган. Совет ҳокимияти хужжат ва шиорларида халқларга ҳуқуқий тенглик, ўз тақдирини ўзи белгилаш, миллий давлатчилик тузиш ва ажралиб чиқиш каби ёлгон ҳуқуқлар ваъда қилди. Октябрнинг “Россия халқлари ҳуқуқлари Декларацияси”, “Эзилган ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуқлари Декларацияси”, “Россия ва Шарқнинг меҳнаткаш мусулмонларига” каби хужжатларида халқларнинг озодликка эришувини расман қўллаб, амалда тўсқинлик қилди.

1917 йил 12-15 ноябрда Тошкентда бўлган *Туркистон мусулмонлари* III-қурултойи қабул қилган қарорларда “Ҳокимият маҳаллий аҳолига бегона – ҳарбий, ишчи, деҳқонлар ташкилотлари қўлида бўлиши демократик қоидага жавоб бермайди”- деб айтилди. Бу эътироз болшевикларга таъсир этмади. Болшевиклар ўз мақсадига эришиш учун Тошкентда *1917 йил 15-20 ноябрда* Туркистон ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари *Советларининг* III-ўлка қурултойини чақирди. Қурултойда Туркистон мусулмонлари вакиллари иштирок эта олмади.

Қурултойда **Туркистон Халқ Комиссарлари Совети (ТХКС)** ҳукумати тузилди. Бу ҳукумат большевик (коммунист) **Ф.Колесов** раислигида 7 большевик, 8 сўл эсэр коммунистдан тузилди. Унинг таркибига аҳолининг 95 %ини ташкил қилган маҳаллий халқлар вакили киритилмади.

Туркистон ўлка Советларининг IV-қурултойида (1918, 19 январ) халқ комиссари, шовинист Успенский “Ўртоқ мусулмонлар биз катта оғаларингмиз, сиз кичиксиз, бизга бўйсунингиз керак” - деган. Совет етакчиларидан А.Казаков “Туркистонда 95 % мусулмон ва 5 % руслар яшайди, шу 5 % ҳокимиятни ушлаб турибди. Мусулмонлар тайёр бўлгач бошқаришни топширамиз” - деган.

Бундай мураккаб вазиятда Туркистоннинг маҳаллий тараққийпарвар кучлари ташаббусни қўлга олиб, болшевиклар бош бўлган Совет ҳокимиятига қарши тура оладиган, демократик халқ ҳокимиятчилигига асосланган миллий давлат тузиш йўлини тутди.

Таянч сўзлар: “Маҳкамаи Шариат” (парламент), Қурултой, “Шўройи Исломия”, “Шўройи Уламо”, “Турон”, “Иттифоқи Муслимин”.

Туркистон Мухторияти. ТАССРнинг ташкил топиши.
Туркистонда Совет ҳокимиятига қашаи ҳаракатлар

Туркистон Мухторияти. Туркистон ўлка мусулмонларининг *фавқулодда* IV-қурултойи **Қўконда** 1917 йил **26-28 ноябр**да бўлди. Унда 5 вилоятдан 200 нафардан зиёд вакил иштирок этди. Қурултой ишида “Шўройи Исломия”, “Шўройи Уламо”, Мусулмон ҳарбийлари шўроси, Ўлка яҳудийлар жамияти вакиллари қатнашди. Қурултой ҳайъатига М.Чўқай, У.Асадуллаҳўжаев, Ю.Агаев, О.Маҳмудов, А.Ўразаев, И.Шоаҳмедов, Камол қози, Каримбоев, жами 13 киши сайланди. Қурултой 3 кун давом этиб (26-28 ноябр) якунида **Туркистон Мухторияти** тузилди. Таъсис мажлисигача ҳокимият Туркистон Муваққат кенгаши ва Туркистон Халқ (Миллий) Мажлиси (54 кишидан иборат) кўлида бўлиши таъкидланди.

Қурултойда Туркистон Мухторияти Муваққат Кенгаши - ҳукумати тузилиб, унинг таркибга 12 аъзо сайланди: 1) **Муҳаммаджон Гинишпайев** - Бош вазир ва Ички ишлар вазири. 2) И.Шоаҳмедов - Бош вазир ўринбосари. 3) А.Ўразаев - Ички ишлар вазири ўринбосари. 4) М.Чўқай - Ташқи ишлар вазири (кейин Бош вазир). 5) У.Хўжаев - Ҳарбий вазир. 6) Ю.Агаев - ер-сув бойликлари вазири. 7) О.Маҳмудов - Озиқ-овқат вазири. 8) С.Ферцфельд - Молия вазири.

Европалик аҳоли вакиллари орасидан номзодлар кўрсатилгач ҳукумат таркибига яна 4 киши кейинчалик киритилиши белгиланди. Бу ҳукуматда Саидносир Миржалол ўгли хазиначи лавозимини эгаллади. Қурултойнинг яна бир катта хизмати - Туркистон Халқ Мажлиси (парламенти) таркибининг тузилганлиги бўлди. Миллий Мажлис таркибига сайланганлар орасида Муваққат Кенгаш аъзоларидан ташқари атоқли арбоблардан Т.Норбўтабеков, С.Шарифхўжаев, Н.Камолхонтўра ўгли, Бехбудий, Т.Мусабоев, С.Юсупов, О.Умаров бор эди.

Қурултойнинг Туркистон Мухториятини қабул қилиш ҳақидаги қарорида “Туркистондаги турли миллат Россия инқилоби даъват этган халқларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаш иродасини намоён этиб, Туркистонни Федератив Россия республикаси таркибида Мухтор деб эълон қилади” - деб айтилди. Қурултой “Туркистонда яшаб турган миллий озчилик аҳоли ҳудудларининг” муттасил ҳимоя қилинишини тантанали равишда эълон қилади.

1917 йил декабр бошларида Тошкент, Наманган, Жалолобод, Қўкон, Самарқанд шаҳарларида минглаб одамлар митинг ва намойишлар уюштириб Мухториятни кўллаб-қувватлади. Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида 1917 йил 6 декабрда Туркистон Мухторияти тузилганлигига бағишлаб кўп минг кишилик митинг ўтказилди. Унда М.Қори, М.Одил муфти, С.Ғанихон, П.Аълам Туркистон Мухторияти ташкил этилгани билан қутлади.

1917 йил 5 декабрда “Хуррият” газетасида эълон қилинган Фитратнинг “Мухторият” мақоласида “Қурултой ўз ишини қилди, қолгани миллатнинг вазифаси. Мухториятни сақламоқ учун куч ва ақча керак” - деб ёзган. Туркистон Совет ҳукумати Туркистон Мухториятига дастлабки суиқасдни уюштирди. 1917 йил 13 декабрда Тошкентда Мухториятни ёқлаб ўтказилган катта митингни ўқ отиб таркатди, кўплар қурбон бўлди.

Туркистон Мухторияти огир дамларни кечираётганда 1917 йил 25 декабрда Қўконда ўлка мусулмон ишчи, аскар ва деҳқонларининг I-фавкулудда қурултойи иш бошлади, унда 200 га яқин вакиллар катнашди. Қурултойда ўлканинг қонуний ҳукумати таркибини мусулмон ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари қурултойи вакиллари ҳисобига тўлдиришга қарор қилинди.

Қурултой сўнгги иш кунда - 27 декабрда Петроградга, Халқ Комиссарлари Совети Раисига телеграмма йўллаб Туркистон Мухториятини эътироф этиш ва фаолият кўрсатишига изн беришни сўраган. Болшевиклар ва советлар йўлбошчиси телеграммага муносабат билдирмади, бу талаб қондирилмади. Аксинча очик ва яширин фаолият юритаётган Мухториятни тугатиш ҳақида кўрсатма берилди.

Қурултой Петроградга йўллаган телеграммада “Туркистон халқи икки қурултойда Туркистон Мухториятини эълон қилди. Сайланган Халқ Кенгашида руслар ва европалликлар аҳолининг 2 % ини ташкил этсада, 33 % ўрин ажратдик” - деб айтилган, ушбу телеграмма матни 1918 йил “Ишчилар дунёси” нашри 2-сонда эълон қилинган.

Туркистон Мухториятининг ҳалокати. Туркистон Мухторияти ўзини химоя қилаолмади, аввало қисқа умр кўргани (72 кун) учун кўп нарсаларни бажаришга улгуролмади, қолаверса мухториятчилар орасида бирлик йўқ эди. 1918 йил 18 февралда “Шўройи Уламо” жамияти ташаббуси билан мухториятда тўнтариш қилинди. **М.Чўқай**нинг мухторият ҳокимияти ағдарилиб, унинг бошқаруви Қўкон миршаблари бошлиги **Кичик Эргашга** берилди. Мухторият ташқи оламдан ажралиб қолди, амалий ёрдам берувчи бирорта хорижий давлат билан алоқа ўрнатишга улгурмади. Бу омиллар Туркистон Мухторияти аҳволини танглаштириб, уни фаолиятсизликка маҳкум этди.

Туркистон совет ҳукумати бу вазиятдан фойдаланиб 1918 йил 14 февралда Фаргона вилоятида фавкулудда ҳарбий ҳолат жорий этди. Унинг Қўкондаги маҳаллий ҳокимияти – ишчи ва аскар депутатлари совети 17 февралда мухторият вакилларини таслим бўлишга даъват қилди. Совет ҳокимияти Қўконга ҳужум қилиш учун Тошкентдан Перфилев бошчилигида кизил қўшин олиб келинди ҳамда Қўкондаги миллатчи арман дашноклари ҳам жалб қилинди.

Қўкон шаҳри **1918 йил 19-21 февралда** ўт ичида қолиб, кунпаякун бўлди. *Туркистон Мухторияти ҳукумати* тор-мор этилди. Совет давлати арбобларидан бири Д.Манжара “Миллий сиёсатдаги хатоларимиз туфайли Қўкон Мухторияти вужудга келди. Уни йўқотиш пайтида яна бир хато қилдик” - деган. Совет Туркистони нашри – “Знамя свободы”(Озодлик байроғи) газетаси 1918 йил январда “Рус болшевиклар мухториятни тан олмади, мазлум халқлар ўз ҳуқуқини ўзлари белгиламокчи бўлганида йўл қўймади” - деган.

ТАССР ташкил топиши. Иқтисодий ва маданий сиёсат

ТАССР тузилиши. Совет ҳокимияти Туркистон Мухториятига ўхшаш халқ ҳокимияти қайта тикланишига изн бермаслик учун совет ҳокимиятчилигига миллий, маҳаллий шакл беришни мақсад қилди ва Туркистонда Совет автоном республикасини тузишга киришди. Совет ҳукуматининг фавқулодда комиссари Р.Кобозев, РСФСР миллатлар иши комиссарлиги ходимлари Х.Ибрагимов, А.Клевлейев бу ишга бош-қош бўлди.

Туркистон Совет Автономияси (мухторияти)ни ташкил қилиш масаласи 1918 йил 20 апрел - 1 майда Тошкентда бўлган Туркистон советларининг V-съездида кўриб чиқилди. Болшевиклар фракцияси таклифи асосида съезд қабул қилган “Туркистон совет республикаси тўғрисида қоидалар”да РСФСР таркибида **ТАССР - Туркистон автоном совет социалистик республикаси** эканлиги эълон қилинди.

ТАССРнинг олий қонун чиқарувчи органи сифатида ишчи, аскар, деҳқон ва мусулмон-деҳқонлар советлари съезди белгиланди. ТАССРнинг доимий фаолият юритувчи органи қилиб Марказий Ижроия Қўмита (МИҚ) белгиланди. Ўлканинг бошқаруви, унинг ижроия функциялари *Халқ Комиссарлари Кенгаши* тасарруфига берилди. Жойларда *маҳаллий советлар* ва уларнинг *ижроия қўмиталари* ҳокимият функцияларини бажаришлари кераклиги таъкидланди.

Съезд ҳукумат қошида *Миллий ишлар халқ комиссарлигини* ташкил қилди, жойларда бўлимларини тузиб, миллатлар орасида миллий манфаатларни ҳимоялаш юкланди. ТАССР ҳукумати синфийлик тамойилларига асосланиб, давлат бошқарувида ҳокимият советлар ихтиёрига берилган эди. Улар европалик вакиллардан ташкил топган ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари советлари бўлиб, мусулмон-деҳқон депутатлари советлари уларга бўйсунган. ТАССР тузилишида бир томонлама фақат ҳудудий тамойиллар ҳисобга олинди, ўлка халқларининг миллий тамойиллари ҳисобга олинмади.

Съездда Туркистон Республиканинг ҳокимият органлари тузилди. Қонун чиқарувчи орган - *Марказий Ижроия Қўмитаси* дейилди. Унинг **раиси** этиб фавқулодда ваколат эгаси, болшевик **П.Кобезев** сайланди. Қўмитанинг 36 аъзосидан атиги 9 нафари маҳаллий миллат вакили эди. Ҳукумат - *Халқ Комиссарлари Совети* (ХКС) болшевик **Ф.Колесов** бошчилигида тузилди. 16 кишидан иборат ҳукумат таркибига ҳам атиги 3 та маҳаллий миллат вакили киритилди холос. Марказий ҳокимият Туркистон автоном республикаси жиловини тўла қўлга олиш учун ўлкадаги болшевик ташкилотларни бирлаштириб, ягона коммунистик партия тузишга киришди.

Туркистон компартияси (ТКП) тузилганлиги 1918 йил июнда бўлган I-съездида эълон қилинди. Болшевик (коммунист)ларнинг 2 минг аъзоси бўлиб, съездда иштирок этган 46 делегатдан атиги 6 таси маҳаллий миллатлар вакили эди. ТКП тузилиши билан Туркистондаги совет давлатчилиги янги хусусият касб этди. Советларнинг болшевик (коммунистик) партия раҳбарлигига қарамлиги кучайди. МИҚ ва ХКС таркибида болшевиклар кўп эди.

1918 йил қабул қилинган РСФСРнинг 1-Конституцияси ва муҳим ҳужжатлари ТАССР Конституциясини шакллантириш учун тўла асос қилиб олинди. 1918 йил октябрда Туркистон ўлка советларининг V-съездида ТАССРнинг 1-Конституцияси қабул қилинди. Конституция Туркистонни РСФСРнинг ажралмас қисми, ўлка халқларининг барча масалалари унинг масъуллигида эканлигини қонунлаштирди. Ўлканинг молиявий, муҳофаа, ташқи сиёсат алоқалари, темирўллар, савдо, молия соҳалари РСФСР ҳукумати тасарруфида бўлиши съезд ҳужжатларида ўз ифодасини топди.

Съезд ТАССРнинг олий ҳокимияти деб Туркистон МИКни тасдиқлади. Унинг таркиби 75 киши бўлиб, 20 нафари маҳаллий миллат номзодлари эди. Туркистон халқлари туб манфаатларига оид ҳужжатларни қабул қилган ўлка советларининг V-съезди амалда совет ҳокимиятининг Туркистондаги тўла ҳукмронлигини қарор топдиришга хизмат қилди. Туркистон Конституциясида ҳам ўлка халқларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётининг миллий ўзига хослиги, ҳуқуқий ҳимояси ўз аксини топмаган эди. Конституция бўйича “меҳнатсиз даромад” ҳисобига яшайдиган шахслар, дин пешволари, роҳиблар, хусусий савдогарлар, тижоратчилар, тадбиркорлар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Болшевиклар ҳокимиятининг кучайиши. Туркистондаги совет ҳукумати дастлаб икки партия вакиллари – болшевиклар ва сўл эсерлардан ташкил топган эди, бироқ бу тартиб узоқ давом этмади. Туркистон большевиклари 1919 йил март ойи бошларида сўл эсерларни маҳаллий совет ҳукуматидан сиқиб чиқарди.

Совет ҳокимияти “аксиланкилобий” душманлар ва ёт унсурларга қаша курашувчи Фавқулодда органлар (ЧК) ёки Камбағаллар кўмитасини тузди. Бу органлар чекланмаган ваколатларга эга бўлиб, кескин жазо чораларини қўллашда совет ҳокимияти номидан иш кўрар, керак бўлса ҳокимият органлари – советларнинг вазифаларини ҳам бажарган, бу эса жойларда советларнинг норозилигига сабаб бўлди. Андижон, Наманган, Маргилонда 1919 йил баҳорда мусулмон меҳнаткашлари советлари таркибида фавқулодда органлари сифатида Муваққат инқилобий кўмиталар ташкил этилди. Бундай органлар 1919 йил ўрталарида кўплаб шаҳар ва қишлоқларда ҳам ташкил топди.

Кучайиб бораётган болшевиклар яккаҳокимлигига қарши 1919 йил 19 январда Ҳарбий комиссар К.Осипов бошчилигида ҳарбий *исён* уюштирилди. 14 та Туркистон комиссарлари отиб ташланди. Советларга садоқатли маҳаллий ишчи ва аскар депутатлари советлари, Тошкент темир йўл корхоналари ишчиларининг отрядлари Осипов исёнини бостириб, совет ҳокимиятини сақлаб қолди. Туркистоннинг янги раҳбарлари бу исёндан хулоса чиқариб маҳаллий миллат зиёлилари ва коммунистлари вакилларини ҳам совет органларига тортишга ҳамда уларнинг ўз маҳаллий ташкилотларини ташкил қилишига йўл берди.

1919 йил мартда *Т.Рисқулов* (1894-1938) раислигида Ўлка мусулмон коммунистлари бюроси (Мусбюро) ташкил этилди. Унинг органи – “Иштирокиюн” газетаси нашр этилди. Маҳаллий коммунист ва юрт раҳномаларидан: *Т.Рисқулов*, *Н.Тўрақулов*, *Н.Хўжаев*, *А.Раҳимбоев*,

Қ.Отабоев, С.Турсунхўжаев, С.Сегизбоев, О.Бобожонов, А.Икромов партия ва совет бошқарувига жалб қилинди.

1920 йил январ-июлда ТуркМИҚ раиси бўлган Т.Рискулов худудий-синфий автоном республика ўрнига “Турк республикаси” тузиш гоёсини амалга ошириш учун курашди. У Москвага бориб бу масалани ҳал этолмагач истеъфо берди. Т.Рискулов ўрнига ТуркМИҚ раиси лавозимини эгаллаган *А.Раҳимбоевнинг* фаолияти ҳам натижасиз якун топди.

Туркистонга совет ҳукумати ва РКП(б) МҚ номидан чекланмаган фавкулдда ваколатлар билан 1919 йил октябрда *Турккомиссия* юборилган. Унинг фаолияти ўлкада совет ва партия қурилишини жадал олиб бориш, янги тузумни ўрнатишга қаратилди. Турккомиссия Туркистонда фақат ички масалалар билан шугулланишдан ташқари яна қўшни давлатлар билан турли соҳаларда ташқи алоқалар боғлаш, шартномалар тузиш ҳуқуқларига ҳам эга эди.

Туркистондаги партия ва ҳокимият функцияларини ўз тасарруфига олган Турккомиссия аъзолари эътиборини совет тузумига қарши ҳаракатларни тугатишга қаратди. Унинг аъзолари В.Бокий, Ф.Голошчекин, В.Куйбишев, Ў.Рудзутак, М.Фрунзе, Ш.Элиава эди. Турккомиссия аъзолари “Турк Республикаси”, “Турк Компартияси” гоёсини амалга оширишга интилган Т.Рискулов, А.Тўракулов, Қ.Отабоевларни йўқ қилиш йўлини тутдилар.

Совет ҳокимиятининг иқтисодий сиёсати. Россиядаги каби Туркистонда ҳам болшевиклар мулкни ва ишлаб чиқариш тармоқларини умумлаштириш ва миллийлаштириш вазифаларини ҳал этишни бош мақсад қилиб қўйди. Туркистондаги ишлаб чиқариш устидан 1917 йил кузидан катъий ишчи назорати ўрнатилди бошланди. Шу пайтдан саноат тармоқларини **миллийлаштириш** ҳам бошланди.

Туркистондаги саноатнинг етакчи тармоқлари: пахта тозалаш, ёғ-мой заводлари, босмаҳоналар, банклар, темирўллар, кўмир ва нефт конлари 1918 йил дастлабки ойларида миллийлаштирилиб, давлат тасарруфига олинди, уларнинг сони 330 та эди. Ер тўғрисидаги декрет асосида ер мулкларини мусодара қилиш ва миллийлаштириш ўтказилиши жойларда кескин норозиликлар чиқишига сабаб бўлди.

Марказ ҳукумати ишлаб чиққан “**ҳарбий коммунизм**” сиёсатини Туркистонга кенг қўламда қўллашга киришилди. Унинг асосий йўналиши барча мулклар ва корхоналарни умумлаштириш, халқ хўжалигини бошқаришни қаттиқ марказлаштириш эди. Бу сиёсат очарчиликдан кийналаётган аҳолини эмас, балки “социалистик инкилоб” ва янги тузумни фронтда ҳимоя қилаётган кизил аскарларни ва совет ҳокимияти таянчи бўлган ишчиларни озиқ-овқат билан таъминлашни мақсад қилган эди.

Туркистонда 1920 йил охирида 1075 та саноат корхонаси (кўпи майда корхоналар) зўрлик билан миллийлаштирилди. Давлат корхоналари барча ишчиларнинг 90 % ини, саноатдаги механик двигателларнинг 80 % ини қамраб олди, ялпи саноат маҳсулотининг $\frac{3}{4}$ қисми давлат сектори улушига тўғри келарди. Ўлка ишлаб чиқаришининг анъанавий тармоғи — хунармандчилик турлари бирлаштирилиб *хунармандчилик артелларига*

айлантирилди. 1920 йил охирида Туркистонда 800 га якин артеллар бўлиб, улар асосан давлат ва ҳарбий ташкилотлар буюртмаларини бажарарди.

“Ҳарбий коммунизм” сиёсатининг таркибий қисми сифатида умумий меҳнат мажбуриятининг жорий этилиши кутилмаган фавқулодда ҳодиса бўлди. Шу асосда 16 ёшдан 55 ёшгача эркак ва аёллар мажбурий меҳнатга жалб қилинди. Аҳоли норозилигига сабаб бўлган умумий меҳнат мажбурияти кўпчиликни ишчилар бошқа ҳудудга кўчирилди, оилаларни бир-биридан жудо қилиб, огир моддий шароитга дучор этди.

Бу сиёсатнинг моҳиятини маҳаллий раҳбарлардан Н.Тўрақулов 1921 йил сўзлаган маърузасида “меҳнат сафарбарлигини шундай ўтказишдики меҳнатга яроқли шаҳар аҳолисининг ярми қишлоқларга қочиб кетди. Меҳнат сафарбарлигига одам топиш учун масжидларда одамлар тутиб олинди” - деб таърифлади. “Ҳарбий коммунизм” сиёсати туфайли Туркистонда 1918 йил охирига келиб 1 млн.дан зиёд аҳоли очарчиликка дучор бўлди.

1919 йил бошларидан жорий этилган озиқ-овқат развёрсткаси Туркистон аҳолисини, айниқса қишлоқ меҳнаткашларини огир аҳволга солиб қўйди. Развёрстка совет ҳокимияти органларига аҳолининг ортиқча озиқ-овқат маҳсулотларини тортиб олиш, галлани сотишни тақиқлаш, бозор савдосини ёпиб қўйиш каби кескин чоралар кўришига имкон берди.

Советларнинг бу сиёсатини маҳаллий раҳбарлар Т.Рисқулов, Н.Хўжаев, М.Қори кескин қоралади. Н.Хўжаев 1920 йил охирида ТуркМИК мажлисида қилган маърузасида “Қишлоқ аҳолиси ўт-ўланлар билан овқатланади, шу туфайли ўлим юз бермоқда, айниқса болалар ўлими кўп” - деб айтган. Н.Хўжаев маърузасида келтиришича Фаргона вилоятида аҳолининг 35-40 % и, шу жумладан Маргилон уездида - 60% и, Қўқон уездида – 50 % и очликка дучор бўлган.

Маданий ҳаёт. Туркистон совет ҳукуматининг черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисидаги декрети 1918 йил ноябрда чиқди. Унга кўра хусусий, диний мактаблар тақиқланмасда, бироқ янги совет мактабларини ташкил қилиш, таълимнинг синфий моҳиятига эътибор устувор аҳамият касб этди. Мактаб 2 поғонага бўлиниб: 1-поғона билим юртлари дастлабки 3 синфни уз ичига оларди, 2-поғона яна 4 синфдан иборат эди. Ўрта мактаб ҳам мавжуд бўлиб, кейинги 3 синфни ўз ичига оларди, бироқ бундай мактаблар оз эди, энг кўпи 1-поғона мактаблари эди.

Мактабларнинг моддий базаси ночорлиги, дарслик ва билимли ўқитувчилар етишмаслиги Туркистон халқ таълими бўлими мудирларининг 1920 йил майда бўлган 1-қурултойида эътироф этилди. Ўқитувчилар сонининг камайиб боришига уларни турли ишларга ва ҳарбий ҳаракатларга сафарбар этилиши сабаб бўлди, кўп мактабларда ўқитувчилар таркиби 75 %дан кўпроқ қисқарди. Моддий таъминотнинг йўқлигидан ўлка бўйича мактаб ёшидаги болаларнинг 70%дан кўпи мактабга тортилмай қолди. Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида мактаб ёшидаги 40 минг боладан 10 минги, яъни 25%и ўқиган. Халқ таълими намоёндаларидан: О.Шарафиддинов, Ж.Одилов, Т.Шермухаммедов, С.Содиқов, К.Дадамухаммедов, Қори Ниёзий янги совет мактабларида фаолият кўрсатди.

Туркистонда олий таълим тизимида дастлаб 1918 йил 21 апрелда Тошкентда Туркистон халқ университети очилди. Университет таркибида: табиий-математика, тарих-филология, кишлок хўжалиги ва техника факултетлари мавжуд эди. 1920 йил таълим олувчиларнинг 20 % ини маҳаллий ёшлар ташкил этди. Университетнинг таълим-тарбия жараёнида М.Қори, А.Файзий, Б.Ҳабиб, И.Тоҳирӣ, У.Хўжаев, Ҳ.Файзий фидойилик кўрсатди. Тошкентда 1918 йил ноябрда яна бир олий ўқув юрти Шарқ институти очилди, унга дастлаб 234 нафар талаба қабул қилинди.

Туркистонда XX аср бошларидан шаклланиб борган маҳаллий нашрларда М.Қори, Фитрат, Чўлпон, А.Авлоний, С.Айний, Валидий каби матбаачилар фаолият кўрсатди. Ўлкада 1918-1920 йй. болшевикча руҳда Тошкентда - “Иштирокиюн”, “Халқ дорилфунуни”, Наманганда - “Ишчилар қалқони”, Қўқонда – “Халқ газетаси”, Самарқандда – “Меҳнаткашлар товуши” каби газета ва журналлар ўзбек тилида чиқа бошлади.

Болшевиктик гоё тазйиқига қарамай Чўлпон, Фитрат, Тавалло, М.Сиддикий ўз асарларида халқ руҳиятини акс эттирди. Фитрат 1919 йил тузган “Чигатой гурунги” ташкилоти аъзолари миллий бирлик ва мустақиллик гоёсига содик ҳолда фаолият юритди.

Ўзбек санъатининг илк намуналари шоир ва драматург Ҳ.Ҳакимзода 1918 йил Фарғонада тузган “Ўлка мусулмон сиёсий драма труппаси”, актёр ва режиссёр М.Уйғур Тошкентда ташкил қилган “Турон” труппаси бўлди. Бу труппаларга уюшган санъаткорлар: М.Қори Ёқубов, Ҳ.Сиддиқ Исломов, Тамарахоним, А.Ҳидоятлов, О.Жалилов, С.Олимов кейинчалик театрнинг етук даргалари бўлди.

Туркистонда Совет ҳокимиятига қарши ҳаракатлар

Совет ҳокимиятига қарши ҳаракатнинг юзага келиши. Совет ҳокимиятининг зўравонлигига қарши ватан мустақиллиги ҳаракати сохталаштирилиб “босмачилик ҳаракати”, “аксилинқилобий кучлар босқини”, “бир тўда юрт бузгунчилари ҳаракати” тарзида талқин қилинди. Бутун Туркистонга кенг ёйилган бу қуролли ҳаракат **1918 йил баҳоридан Фарғона водийсида бошланди.**

Бу қуролли ҳаракатни келтириб чиқарган муҳим сабаблар қуйидагилардан иборат: 1) халқ 1917 йил феврал ва октябр ўзгаришларидан умид қилиб, жаҳидлар раҳномалигида Россиядаги демократик ҳаракатлардан фойдаланиб мустақилликка интилди, бироқ совет ҳокимияти ўрнатилгач маҳаллий халқларни сиёсий фаолиятдан четлатди. 2) совет ҳокимияти маҳаллий кадриятларни таҳқирлаш билан шугулланди. 3) Туркистон Мухторияти ағдарилиши, аҳоли қиргин қилиниши, Қўқон шаҳри таланиши халқнинг сабрини тўлдирди.

Фарғона водийси қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг энг дастлабки қайноқ марказларидан бири бўлди. Бу ҳаракатга Кичик ва Катта Эргашлар, Мадаминбек, Шермуҳаммадбек, Холхўжа эшон, Омон полвон, Раҳмонқул, Тўйчи, Алиёр етакчилик қилди. Фарғона водийсининг турли жойларида 1918 йил баҳоридан 40 дан зиёд қўрбоши дасталари фаолият кўрсата бошлади:

Мадаминбек - Скобелев (Фаргона) уезида, Шермухаммадбек - Маргилон атрофларида, Омон полвон ва Рахмонкул – Наманган уезида, Парпи кўрбоши – Андижон атрофида, Кичик ва Катта Эргашлар – Қўқон атрофида, Жонибек кози – Ўзган томонда, Муҳиддинбек – Новкатда ҳаракат қилмоқда эди.

Кичик Эргаш 1918 йил февралда ҳалок бўлгач, Қўқон тевааридаги ҳаракатга бошчилик қилган **Катта (Мулла) Эргаш** ўзининг фаол ҳаракати билан бутун Фаргона водийсидаги озодлик курашининг танилган етакчисига айланди. Катта Эргашнинг қўл остида 1918 йил кузида ҳар бирида 20-1800 тагача йигити бўлган 70 та жанговар дасталар ҳаракат қилар эди, жангчиларнинг умумий сони 15 мингдан 24 мингга етарди. Шермухаммадбекнинг 6 минг, Мадаминбекнинг 5 минг, Жонибекнинг 5,7 минг, Муҳиддинбекнинг 4,5 минг, Парпи кўрбошининг 3,6 минг, Холхўжанинги 3 мингдан зиёд жанговар йигитлари озодлик курашига отланган эди.

Бу ҳаракатларни бирлаштириш учун дастлабки курултой 1918 йил мартда Қўқон уезининг Бачқир қишлоғида ўтказилди. Унда **Катта Эргаш** бутун Фаргона водийсидаги ҳаракатнинг раҳбари этиб сайланиб, унга мусулмон кўшинлари бош қўмондони – “Амир ал-муслимин” унвон берилди. Мадаминбек ва Шермухаммадбек унинг ўринбосари этиб сайланди.

Тез орада **Мадаминбек Аҳмадбек** ўгли (1892-1920) водий курашчилари сардорига айланди. У ҳақда советларнинг ҳужжатларида “ўз олдига совет ҳокимиятини ағдариш ва Фаргона мухториятини тиклаш вазифасини кўйган” - деб таъкидланган. Мадаминбекка қарши курашган Граматович “У бизнинг хатоларимиздан усталик билан фойдаланарди. Унинг «бошқарув аппарати», трибунали, «генштаби» бўлган, у қонунлар чиқарган” - деб эътироф этган.

Мадаминбек йигитларининг сони 1919 йил ўрталарида 25 мингдан зиёд эди. Скобелев, Маргилон, Андижон, Наманган, Ўшдаги кўрбошилар Мадаминбекнинг яшил байроғи остига бирлашди. Мадаминбек совет кўшинларига қарши 1919 йил биринчи ярмида бир қатор сезиларли зарбалар берди. Январда - Маргилон, февралда - Скобелев ва Чуст шаҳарларини эгаллаб, уларда амалий тадбирлар ўтказиши унинг обрўсини янада кўтариб юборди. Мадаминбек йигитлари 1919 йил апрелда Наманган ва Қўқон атрофларида жангларда голиб келди. Ўша кезларда унинг муҳолифларидан бири “Мадаминбек турли сиёсий оқимдаги кишиларни бирлаштира олди. Ҳеч бир кўрбоши у каби қучга эга бўлмаган эди” - деб ёзди.

Қаршилик кўрсатиш ҳаракатларида аҳолининг совет тузумидан норози бўлган ижтимоий қатламлари: деҳқонлар, ҳунармандлар, қосиблар, батрақлар, мардикорлар, зиёлилар, диндорлар, руҳонийлар, бойлар, амалдорлар иштирок этди. Фаргона fronti қўмондони М.Фрунзе “Бу ерда совет ҳокимияти рус ва ерли ишчи, деҳқонларни ўзига тортиш ўрнига ўзидан узоқлаштирди.. Босмачилик ҳаракати шу асосда вужудга келди. Босмачилар – оддий қароқчилар эмас..” - деб эътироф қилган. ТАССР ХКК раиси Қ.Отабоев 1922 йил Туркистон МИК 4-пленида “Биз 4 йил давомида халқ

кўзголони *босмачилик* деб атадик.. ва 4 йил давомида тугата олмадик” - деган.

Мадаминбек лашкарларининг жанговар ҳаракатлари 1919 йил кузида кенг ҳудудларга ёйилди. Рус крестьян (деҳқон)ларидан ташкил топган Монстровнинг ҳарбий қисмлари Мадаминбек билан бирлашди. Советларга қарши ҳаракатга энди рус деҳқонлари ҳам қўшилди, бу ўзгариш 1919 йил октябрда Помирнинг Эргаштом овулида Мадаминбек тарфдорлари ташаббуси билан “Фаргона муваққат мухторият ҳукумати” тузилишида ҳам ўз ифодасини топди. Ҳукумат таркиби 24 кишидан иборат бўлиб, 16 та мусулмон, 8 та рус вакили ташкил этарди. Фаргона ҳукумати бошлиги ва мусулмон қўшинлари бош қўмондон этиб *Мадаминбек* сайланди.

Андижонга яқин Ойимқишлоқда 1919 йил октябр охирида тўпланган водийлик йўлбошчилар қурултойида 150 та жанговор қисмларни ўз таъсирида ушлаб турган 4 йирик лашкарбоши: Мадаминбек, Катта Эргаш, Шермуҳаммадбек, Холхўжа эшон қўмондонликларини бирлаштиришга келишилди. Қурултойда Мадаминбек ислом қўшинларининг бош қўмондони – “Амир ал-муслимин” этиб сайланди.

Бироқ бу бирлашув мустаҳкам эмас эди, Холхўжа эшон ажралиб, мустақил фаолият кўрсата бошлади. Фарғонадаги кураш ҳаракатларини бошқариб турган 3 лашкарбоши қўл остида: Мадаминбекда 30000, Шермуҳаммадбекда 20000, Катта Эргаш кўрбошида 8000 аскар бор эди.

Совет қўшинлари 1920 йил бошларида Мадаминбек, Катта Эргаш, Шермуҳаммадбек, Холхўжа кучларига сезиларли зарба берди. 1920 йил январда қизиллар Катта Эргашга зарба бериб, унинг таянч маркази Бачқирни эгаллади. Совет қўшини 1920 й. январда Монстровнинг деҳқонлар армиясини тор-мор қилди. Гулча қалъаси ишғол қилиниб Монстров асир олинди.

Қизил қўшинлар 1920 йил февралда Гарбува-Қоратепа-Шаҳрихон йўналишида Шермуҳаммадбек лашкарига кучли зарба берди, Шермуҳаммадбек Олой водийсига чекинди. Қизиллар февралда Норин ва Қорадарё қўшилиш жойида Мадаминбек аскарларига катта талофат етказди, совет ҳукумати таклифи билан 1920 мартда Мадаминбек совет қўмондонлиги билан сулҳ тузди. Мадаминбек ўз ҳаракатларини тўхтатди ва сулҳ шартларига асосан 1200 аскарининг дахлсизлиги, қуролига эга бўлиши, водийда тинчлик ўрнатишда иштирок этиши таъкидланди.

Мадаминбек бошқа кўрбошиларга ҳам советлар билан сулҳ тузишни маслаҳат бериб, музокара учун Шермуҳаммадбек ва Холхўжа хузурига боради. Улар *Мадаминбекни* сотқинликда айблаб қатл эттиради. Фарғона водийсида 1920-1923 йй. олиб борилган курашларга ака-ука Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбек, сўнг Ислом палвон ва Раҳмонкул етакчилик қилди. Фарғона водийсида бошланган советларга қарши ҳаракат кейинчалик Туркистоннинг бошқа ҳудудларига, Самарқанд вилоятига, Бухоро ва Хоразмга ҳам ёйилди.

Қаршилик ҳаракатининг мағлубият сабаблари. Мадаминбек “Менинг миллатим – менинг жон-у дилим” - деб хитоб қилган. Шермуҳаммадбек “Туркистон – туркистонликлар ватанидир, бошқа ҳеч ким ҳукмронлик қилишга ҳақли эмас” - деган. Совет ҳокимиятига қарши кураш

мағлубиятга учрашининг асосий сабабларидан бири - ҳаракат етакчилигининг барча табакаларни жипслаштиришга кодир бўлган *ягона миллий ғояга* эга эмаслигидир. Қўрбошилар сиёсий курашда тобланган жадид намоёндаларини ҳам ўзларидан четлаштирган эди. Қўрбошилар ҳаракати ягона кураш дастури асосида ташкил этилмаган эди.

Совет мутасаддилари айёрлик билан ён бериб водий аҳолисини ўз томонига ағдариб олиш учун тадбирлар ўтказди. Улар 20-йиллар бошларида деҳқонларга ер бериш, уларни афв этиш, солиқлар микдорини камайтириш, Мадаминбек каби қўрбошилар билан келишиш, ўзаро ён бериш каби тадбирлар билан аҳволни ўз фойдаларига ўзгартириб бордилар. Совет кўшинлари тасарруфида 1919 йил август охирида 115376 нафар жангчи, 11112 та пулемёт, юзлаб тўп ва бронепоездлар, ўнлаб самолётлар мавжуд эди.

Таянч сўзлар: Туркистон мухторияти, М.Тинишпайев, И.Шоаҳмедов, А.Ўразаев, М.Чўқаев, У.Хўжаев, Ю.Агаев, О.Маҳмудов, С.Герцфельд, Турккомиссия.

2-§. Хоразм Халқ Совет Републикаси ва Бухоро Халқ Совет Републикаси тузилиши. Совет ҳокимиятига қарши озодлик ҳаракатлари

Ёш хивалиқлар уюшмаси XX аср бошларида вужудга келиб, мустабид тузумни ислоҳ қилиш, халқнинг аҳволини яхшилаш, унинг манфаатларини рўёбга чиқариш учун кураш олиб борди. 1917 йил феврал инқилобидан кейин Хивада илгор демократик ҳаракатлар авж олди ва Хива мустақилликка интилди; демократик ҳаракатларга Ёш хивалиқлар ташкилоти раҳномалари етакчилик қилди. Россиядаги 1917 йил бошидаги ўзгаришлар таъсирида Ёш хивалиқлар фаолияти кучайиб ўз дастурий вазифаларини белгилаб, хонликдаги сиёсий вазиятни ўзгартириш ва демократик ислохатларни амалга оширишга ҳаракат қилди.

Ёш хивалиқлар раҳбарлари тинчлик йўли билан, мутлак монархиядан конституцион монархия бошқарувига ўтишга қаратилган *манифест* ишлаб чиқди. Манифестда хоннинг ваколатларини чеклаш, халққа зулм қилган амалдорларни жазолаш ва вазифасидан маҳрум этиш, иктисодиёт, таълим ва маданиятни ислоҳ қилиш талаблари акс эттирилди.

Хива хони **Исфандиёрхон** 1917 йил 5 апрелда манифестни имзолашга мажбур бўлди. Хонликда **конституцион монархия** тузуми ўрнатилди. Хон ҳокимияти ваколатларини маълум даражада чекловчи халқ вакиллиги бошқаруви органлари - таркиби 30-50 кишидан иборат руҳонийлар ва савдо-саноат вакилларидан сайланган *Мажлис* ҳамда *Нозирлар Кенгаши* тузилди.

Бу вакиллик органлари бошқарувига Ёш хивалиқлар ташкилоти раҳномаларидан *Бобоохун Салимов* - Мажлис раиси, *Хусайинбек Матмуродов* - Нозирлар Кенгаши раиси этиб сайланди. Хон хазинаси ва уни тасарруф қилиш устидан назорат ўрнатилди. Хон темирйўл қуриш, почта-

телеграф алоқалари ўрнатиш, янги жаҳид мактаблари очиш тўғрисида ваъда берди.

Юқоридан амалга оширилган бу ўзгаришларнинг вақтинчалик характери 1917 йил июнига келиб маълум бўлди. Исфандиёрхон *Россия муваққат ҳукуматининг* Хивадаги вакили, генерал Мирбадалов ёрдамида Матмуродов бошлиқ Ёш хиваликлар раҳбар гуруҳини қамоққа олди. Хивада 1917 йил июлда *Россия Муваққат ҳукуматининг комиссари* лавозими таъсис этилди. Ёш хиваликларнинг хонлик тузумига қарши курашининг 1-босқичи *муваффақиятсиз тугади*.

Улар бошқа кучлар билан иттифок тузмай мақсадга эришиб бўлмаслигини тушуниб етди. Хиванинг мутаассиб режимини Муваққат ҳукумат ўз ҳимоясига олганлиги факти ҳам Ёш хиваликлар кўзини очди. Ёш хиваликлар бундай вазиятда хонлик истибдодига қарши курашда янада собит бўлиш, ўз тарафдорларини кўпайтириш, четдан, аввало Туркистон демократик кучларидан мадад олиш ва улар билан алоқа боғлашга интилди.

1917 йил кузида Россияда юз берган *октябр ўзгариши* ва Муваққат ҳукумат ўрнига *болшевиклар ҳокимияти* ўрнатилиши, Россия тасарруфида бўлган Хива хонлигидаги воқеаларга сезиларли таъсир қилиб, сиёсий аҳволи кескинлашиб борди. Болшевикларнинг *Советлар ҳокимияти* Туркистонда, Хивага чегарадош бўлган Амударёнинг ўнг соҳили - *Петроалександровск* (Тўрткўл) ва унинг атрофларида зўравонлик билан ўрнатилди. Совет Россияси Хиванинг давлат мустақиллигини расман тан олсада, бироқ унинг ички ишларига аралашини давом эттирди.

Исфандиёрхон юритган калтабин сиёсати, илгор кучларни қувгин қилиши, Ёш хиваликларни тор-мор қилиши хонликни танг аҳволга дучор этди. Қўнгирот, Кўхна Урганч, Хўжайли, Тахта, Порсу бекликларида аҳоли хонлик тузумига қарши бош кўтариб, ҳаддидан ошган амалдорлардан ўч олди. 1918 йил бошида Тошҳовуз беклигининг камбағаллари беклик маҳкамасига хужум уюштирилиб бой ва савдогарларнинг мулки, дони тортиб олинди.

Вазиятни бошқара олмай қолган Хон 1918 йил январда ўз рақиби, анча таъсирли куч эгаси, туркманлар сардори **Жўнаидхон**ни Хивага чақириб, ўз кўшинига бош кўмондон (сардори карим) этиб тайинлайди. Жунаидхон Асфандиёрхонни қатл эттириб, ўрнига иродасиз акаси **Саид Абдулло**ни хон қилиб кўтарди. Амалда Жунаидхон яқка ҳукмрон бўлиб олди ва Советларга қарши очик курашга киришди.

Жунаидхон ҳарбий кучларини 10 мингга етказди. Бухоро билан алоқа боғлади, Англиядан ҳарбий мадад олишга интилди. Жунаидхон Амударё бўлими ва Нукус атрофида совет кучларидан мағлубиятга учради. У ўрнатган ҳарбий диктатурадан аҳоли норози бўлиб ТАССРга борувчи қочоқлар кўпайди. Бу воқеаларни кузатиб борган советлар хонлик аҳолисининг норозилик ҳаракатига инқилобий тус берди ва қочоқлардан жанговар қисмлар тузиб хонлик тузумини ағдаришга сафарбар этди.

Хива хонлиги тугатилиши. Совет Туркистони раҳбарларининг *Амударё бўлими* (Тўрткўл)да Н.Шайдаков ва Н.Шербаков бошчилигида шимолий ва жанубий даста (гуруҳ)лар тузиб, уларни хонлик тузумига қарши

ҳаракатга йўллаши хонлик ҳокимиятини ағдариш учун очик зўравонлиги эди. Хонликдаги зулмдан норози бўлган аҳолидан ташкил топган кўзголон даста (гуруҳ)лари ҳам ҳаракатга келди, улар 3 мингдан ошарди.

Совет кўшинлари ва уларга кўшилган маҳаллий кўзголончиларнинг ҳарбий юриши 1919 йил декабрнинг сўнгги декадасида бошланди. 1920 йил январда Жунаидхонга зарба бериб, Хива томон силжиб борди. Совет кўшинлари **1920 йил 2 февралда** Хивани эгаллади ва кўгирчоқ хон Саид Абдулло тахтдан воз кечди. Жунаидхон Қорақум саҳросига чекинди, кизил армия мадади билан **Хива хонлиги ағдарилди**.

Ҳокимият янгидан тузилган 5 кишидан иборат *Муваққат Инқилобий кўмита*га ўтди. Унинг таркибига Ёш хиваликлар ва туркман уруг-қабилаларидан 2 тадан вакиллар киритилди. Инқилобий кўмита раиси этиб **Жуманиёз Султонмуродов** сайланди.

Тез орада Ёш хиваликлар ишлаб чиққан манифест эълон қилинди. Манифестда мамлакатнинг демократик ривожланиш йўлини акс эттирган кенг социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тадбирлар назарда тутилган эди. Бу тадбирлар: Хон ва унинг ҳукумати мамлакатни бошқаришини барҳам топтириш; Улар мулкани халқ мулки деб эълон қилиш; камбагаллар ҳаётини яхшилаш йўлида йирик заминдорлар еридан фойдаланиш; бепул мактаб ва шифохоналар очиш; камбагаллардан тортиб олинган мулкларни қайтариб бериш; мажбурий меҳнат (бегор)ни йўқ қилишдан иборат эди.

Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР) тузилганлиги **1920 йил 27-30 апрелда** Хивада бўлган халқ вакиллари 1-Бутун Хоразм қурултойида эълон қилинди. Қурултой ХХСРнинг *муваққат Конституцияси*ни қабул қилди. Унда “Хоразмнинг давлат тузуми советлар республикаси эканлиги, халқи ўз вакиллари ёрдамида мамлакатни бошқариши” таъкидланади. ХХСРнинг олий ҳокимияти йилда 1 марта чақириладиган *Қурултой* бўлиб, энг йирик вазифаларни ҳал этади.

Қурултой ХХСРнинг 15 кишидан иборат ҳукумати - *Халқ Нозирлар Кенгаши*ни сайлади. ХХСРнинг 1-Ҳукумати раислигига Ёш хиваликлар раҳбари **Полвонниёз Юсупов** сайланди. Ҳукумат таркиби ҳам Ёш хиваликлар ва туркман уруг-қабилалари бошлиқларидан ташкил топди.

Халқ ҳокимиятига сайловлар умумий бўлиб, қурултой ёки маҳаллий советларга 18 ёшга етган фуқаролар дини, миллати, жинсидан қатъи назар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Фақат Хон ва оила аъзолари, руҳоният вакиллари, судхўрлар сайлов ҳуқуқларидан маҳрум этилди. Конституция шариат суди тизимини сақлаб қолди.

Хивада Хоразм коммунистик партиясининг (ХКП) таъсис конференцияси 1920 йил июнда бўлди. Унда ХКПнинг ташкилий расмийлашуви амалга ошади. Хоразм коммунистлари 1000 киши бўлиб, улар 22 та партия ячейкаларига бирлашган эди. Хоразмда 1920-1921 йй. бошларида касаба уюшмалари, “Кўшчи” уюшмалари, инқилобий ёшлар иттифоқи юзага келди. “Кўшчи” ташкилотларида 6 мингдан зиёд дехқонлар бор эди.

Советлар кўмаги билан ХХСРнинг вужудга келиши Россия Федерацияси ва ТАССР учун айни муддао бўлди. Уларнинг мақсади

Хоразмда совет тартибларини ташкил этиш оркали уни большевиклар ҳокимияти қўл остига киритиш эди. Россия билан ХХСР ўртасида иттифок шартномаси 1920 йил 13 сентябрда имзоланди. Шунингдек икки республика ўртасида ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий келишув имзоланди.

ХХСР ва РСФСР ўртасида тузилган иттифок шартномаси ҳамда ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий ахдлашув: 1)Хоразм республикаси мавқеининг мустаҳкамланишига; 2)унинг қудратли совет давлатига сиёсий қарамлигини янада кучайишига хизмат қиларди.

Миллий сиёсат юритган Хоразм ҳукумати таркиби Москвага маъқул келмагани учун 1921 йил 3 март (март, сентябр, ноябрда) ўзгартирилди. П.Юсупов, М.Ибниязминов, О.Муҳаммадраҳимов ҳукумати таркиби жазога маҳкум этилди. Совет Россияси Туркистондаги миллий республикаларни бўйсундириш учун 1923 йил мартда Тошкентда Туркистон, Бухоро, Хоразм республикалари иштирокида конференция ўтказди. Конференцияда мазкур республикаларни иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш мақсадида Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши тузилди.

Хоразм Республикаси *янги Конституцияси 1923 йил октябрда* 4-Бутун Хоразм қурултойида қабул қилинди. Бу Конституция ўзининг синфийлик моҳияти билан ажралиб турарди. Қурултойда барча соҳалар ўз ривожланишида социалистик босқичга кирганлиги таъкидланди ва ХХСРни *Хоразм Совет Социалистик Республикаси – ХССР* деб эълон қилди.

Конституция ерга бўлган хусусий мулкчиликни бекор қилди, барча ерлар умумхалқ мулки деб эълон қилинди; вақф мулклари Маориф нозирлиги ихтиёрига ўтди. Мажбурий социалистик ўзгаришлар ва мулкий табақаларга нисбатан зўравонлик маҳаллий халқ норозилигига сабаб бўлди. 1924 йил январда халқ қўзғолонлари юз берди, қўзғолон бостирилсада 30-йиллар ўртасигача давом этди.

Бухоро Амирлиги ағдарилиши. БХСР ташкил топиши

Россиянинг ярим мустамлакаси бўлган Бухоро Амирлигига ҳам Россиядаги 1917 йил феврал буржуа демократик инқилоби ва подшонинг ағдарилиши, ҳокимиятнинг бошқа сиёсий кучларга ўтиши ўз таъсирини ўтказди. Бухорода бу даврда ички зиддиятлар жиддий тус олиб боришининг боиси, амирликнинг молиявий-иқтисодий ҳаёти ва савдо алоқалари Россия иқтисодиётига бўйсундирилганида эди.

1917 йил инқилобий воқеаларидан фойдаланиб сиёсий ўзгаришларни рўёбга чиқаришга ҳаракат қилган Бухоро *жадидлари*: А.Бурҳонов, У.Хўжаев (Усмонхўжа Пўлатхўжаев), Ф.Хўжаев, А.Фитрат, С.Айний, М.Мансуров, А.Муҳиддинов эди. Улар амирга тазйиқ ўтказиб уни кўп масалаларда халққа ён беришга, сиёсий тизимни ўзгартиришга, хусусан конституцион монархия жорий этишга ундади.

Ёш бухороликлар раҳбарлари ишлаб чиккан ислоҳат лойиҳасида: амир ҳузурида ва жойларда халқ вакиллари бўлиши; маъмурият яхшиланиши ва у халқ вакиллиги назоратида бўлиши; амалдаги солиқлардан ташқари

бошқа солиқлар бекор қилиниши; мактаб ва матбуот эркинлиги; жоҳил амалдорларни алмаштириш талаблари илгари сурилган эди.

Амир Саид Олимхон 1917 йил 7 апрелда *Манифест* чиқаришга мажбур бўлди, унда амирлик тузумининг туб негизларига дахл қилмаган ҳолда бир қатор демократик ўзгаришлар ўтказиш кўзда тутилган эди. Бу ўзгаришлар: солиқларни тартибга солиш; турли табақа вакилларида Мажлис ташкил қилиш; маориф, тиббиёт, суд тизимини яхшилаш; маъмурий бошқарувни такомиллаштиришдан иборат эди. Ёш бухороликлар бу манифестни маъқуллаб кутиб олди. Бироқ ҳукмрон консерватив кучлар ислоҳатга қарши туриб, намойишга чиққан ислоҳат тарофдорларини қиргин қилди. Ёш бухороликлар ТАССРга кетишга мажбур бўлди. Ислохий ҳаракатларнинг 1-босқичи *мувффақиятсиз* яқун топди.

Россиядаги 1917 йил Октябр давлат тўнтариши ва болшевикларнинг ҳокимиятга келиши Бухорода ҳам акс садо берди. Бухорога туташ рус манзилгоҳларида *совет тузуми* ўрнатилди. Болшевиклар Бухорога социалистик гояларни ёйишга уринди. Россия ва совет Туркистони муҳолифатчи кучларни кўллаб Амирлик тузумини қулатиш учун 1918 йил мартда *“Колесов воқеаси”* номли қонли воқеани содир қилди.

ТАССР ҳукумати раиси **Ф.Колесов** Ёш бухороликлар талабини қувватлаган бўлиб 1918 йил 2 мартда Когон темирўли ёқалаб қизил кўшинлар билан ҳужум қилди. Бухоро аҳолиси болшевикларга қарши курашиб Колесов ҳужумини қайтарди. Бу эса амирга барча инқилобий-демократик кучлардан ўч олиши учун баҳона бўлди. Ёш бухороликлар қиргин қилинди, кўпчилиги муҳожирликка кетди. Ф.Хўжаев айтишича қиргинда 1,5 мингга яқин киши ҳалок бўлган. 1918 йил март воқеалари ва амирлик теваарагидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар Бухорони таназзулга дучор этди. Россияга юборилган қимматбаҳо моллар сотилмай омборларда тахланиб қолди. Россиядан маҳсулотлар келиши тўхтаб қолди.

Совет Туркистони вазиятдан фойдаланиб Бухородан келган инқилобий ва демократик кучларнинг ташкилотлари тузилишига ёрдам бериб “Бухоро инқилоби”ни тайёрлаб борди. Москва ва Тошкентда Бухоро раҳбарлари Ф.Хўжаев, У.Хўжаев, О.Хўжаев, Қ.Пўлатов, М.Кулмуҳаммедов, А.Ёқубов, А.Муҳиддинов, Н.Хусаиновнинг инқилобий фаолияти маъқулланиб, уларнинг инқилобий дастурлари ишлаб чиқилди. Бухоронинг муҳожир инқилобчилари 1918 йил сентябрда Тошкентда *Бухоро коммунистик партияси* ва унинг Марказий Қўмитасини тузди. Унинг раиси А.Ёқубов, ўринбосари М.Кулмуҳаммедов эди.

Тошкентда 1920 йил январда Ф.Хўжаев бошчилигида “Ёш бухоролик инқилобчилар партияси Туркистон Марказий бюроси” ташкил этилди. Уни Турккомиссия, РСФСР ҳукумати ва РКП(б) МҚ эътироф этди. Ёш бухороликлар партияси дастурида: феодал-деспотик тузумни тугатиш, демократик республика тузиш, бир қанча ижтимоий-демократик ўзгаришларни амалга ошириш вазифалари баён этилган эди. Ёш бухороликлар ташаббуси билан 1920 йил июнда Тошкентда чиқа бошлаган “Учқун” газетасида ҳам илгор гоялар илгари сурилди.

Бухоро амирлигини ағдарिश ишлари совет Туркистони ва унинг Фрунзе бошлик Туркистон fronti кўмондонлиги томонидан бошланди. Қизил кўшинлар 1920 йил июн ўрталарида Бухоро чегараларига келтирилди. Бухорода қуролли кўзголони ўтказиш юзасидан ташкил этилган ҳарбий-инкилобий бюро таркибига Турккомиссия вакиллари М.Фрунзе ва В.Куйбишев, ТКП вакили Н.Тўрақулов, ВКП МҚ раиси Н.Хусаинов, Ёш бухороликлар партияси раҳбари Ф.Хўжаев кирган.

1920 йил 29 августда Совет кўшини Бухорога уруш бошлашига Чоржўйда амирга қарши “халқ кўзголони” бошланиши билан, келишувга биноан Бешим Сардор бошчилигидаги инкилобий кўмита совет ҳукуматига мурожаат қилиши баҳона бўлди. Совет кўшини таркиби 10 минг аскар, 40 та тўп, 230 та пулемёт, 10 та зирҳли автомобил, 5 та зирҳли поезд, 12 та самолётдан иборат эди. Туркистон fronti кўшини билан бирга яна кимлар 5 минг кишига яқин бухоролик “инкилобий тузилмалар” ҳам иштирок этди. Амир кўшини сон жиҳатидан (20 минг) кўп бўлсада, қуролланиш даражаси заиф эди.

Совет кўшини Амирликнинг Чоржўй, Қарши, Китоб, Шаҳрисабз худудларини эгаллаб Бухоро томон силжиб борди. Совет босқинчилари **1920 йил 2 сентябр**да Бухорони эгаллади. Ҳокимият *Бутун Бухоро Муваққат Инкилобий Кўмитаси* (ББМИҚ) кўлига ўтди. Амирлик “халқ кўзголони” йўли билан ағдарилди дейилсада, аслида совет кўмондонлигининг ҳарбий кучи ҳал қилувчи рол ўйнади.

БХСР тузилиши. 1920 йил 20 сентябрда ВКП МҚ ва ББМИҚнинг бўлган бирлашган мажлисида А.Муҳиддинов бошчилигида *олий қонун чиқарувчи орган* - ББМИҚ ва Ф.Хўжаев раислигида Республика ҳукумати – *Халқ Нозирлар Кенгаши* ташкил қилинди. 1920 йил 6-8-октябрда Халқ вакилларининг 1-Бутун Бухоро қурултойи бўлди. Унда **Бухоро Халқ Совет Республикаси** (БХСР) тузилгани тўғрисида қарор қабул қилинди.

1921 йил 4 мартда Москвада БХСР билан РСФСР ўртасида иттифок шартномаси ва иқтисодий битим имзоланди. Бухоро ҳар томонлама совет Россиясига боғлиқ бўлиб қолди. Кўшни мамлакатлар ёки Туркия, Германия билан дипломатик ва савдо алоқалари ўрнатишига изн берилмади. Марказдан С.Оржоникидзе, Ш.Элиава, Й.Петерс каби нуфузли эмиссарлар Бухорога тез-тез юборилиб Бухоро ҳукуматини тафтиш қилиб турди.

РКП(б) МҚ 1922 йил майда “Туркистон-Бухоро ишлари ҳақида” қарор қабул қилди. Унда Ўрта Осиёда, хусусан Бухорода социалистик тузумни мустаҳкамлаш қатъий уқтирилган эди. РКП(б) МҚнинг 1923 йил 12 июнда қабул қилган Бухоро масаласига доир махсус қарори ҳам БХСРнинг ички ишларига кўполлик билан аралаштириш эди. Унда Бухоронинг ривожланиш жараёнини “социалистик из”га буриб юбориш мақсади кўзда тутилди.

Москванинг талаби билан Фитрат, М.Аминов, О.Хужаев, С.Хўжаев, Р.Юсуфзода республика ҳукуматидан четлатилди. БХСРнинг асосий раҳбар ташкилоти – ВКП РКП(б) МҚнинг вилоят ташкилоти мақомида фаолият юритишга мажбур эди. 1922 йил Қизил армиянинг 40 минг кишилиқ таркибида бухороликлар атиги 500 кишини ташкил этарди, холос.

РСФСР Конституцияси андозасида тузилган Бухоро Республикаси *Конституцияси* 1921 йил сентябрда қабул қилинди. Марказ ташаббуси билан 1923 йил мартда *Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг* тузилиши ва унга Бухоронинг ҳам жалб қилиниши Бухоронинг иқтисодий мустақиллиги кўлдан бой берилишига сабаб бўлди. 1923 йил қабул қилинган БХСР Конституциясига биноан мулкдорлар, савдогарлар, рухонийлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилди.

БССР тузилиши. 1924 йил сентябрда бўлган 5-Бутун Бухоро курултойида БХСР - **Бухоро Совет Социалистик Республикаси** (БССР) деб эълон қилинди. 1924 йил ўтказилган миллий-худудий чегараланиш натижасида Бухоронинг худудлари Ўзбекистон ва Туркменистон ССР таркибига қўшиб юборилди. Советларнинг бу зўравонлик сиёсатига қарши бошланган Бухоро меҳнаткашлари ҳаракати XX асрнинг 30-йиллари ўрталарига қадар давом этди.

Таянч сўзлар: ХХСР–ХССР, П.Юсупов, М.Ибниязминов, О.Мухаммадраҳимов, БХСР–БССР, Ф.Хўжаев, У.Хўжаев, О.Хўжаев, Қ.Пўлатов, М.Кулмухаммедов, А.Ёқубов, А.Мухиддинов, Н.Хусаинов.

XVI-боб. Ўзбекистон 1920 - 1930-йилларда

1-§. Миллий сиёсат ва давлат қўрилиши. Иқтисодий сиёсат, ер-сув ислохотлари

Миллий сиёсат. Болшевиклар партияси бош бўлган Совет ҳокимияти Туркистонда XX асрнинг 20-йиллари бошларидан “орани буз, ҳокимлик қил” қабилидаги ўз миллий сиёсатини амалга оширишга киришди. Совет мутасаддилари ёлгон ваъдалари билан “ягона Туркистон учун” кураш гоёсини йўққа чиқаришга интилди.

Туркистон Коммунистик Партиясининг 5-ўлка конференцияси 1920 йил январда бўлди. Унда Туркистон АССР МИҚ раиси Т.Рискулов муштарак **Туркистон ғоясини** илгари сурди. Т.Рискулов конференцияда ТАСРни *Турк Совет Республикаси* деб, Туркистон Компартиясини Туркий халқлар Компартияси деб ўзгартиришни таклиф қилди.

Марказда РКП(б) МҚ Сиёсий бюросида “Туркистон масаласи” 1920 йил март-июн ойларида бир неча бор муҳокама қилинди. 1920 йил 13 июнда Т.Рискулов, Н.Хўжаевдан иборат Туркистон халқлари делегацияси ўз амалий таклифи билан Совет ҳукумати раҳбари В.И.Ленин қабулида бўлади, бу улар учун сўнгги умид эди. Туркистонлик делегация илтимосномаси РКП(б) МҚ Сиёсий бюросида 1920 йил 29 июлда кўрилди ва рад этилди.

Совет ҳукумати “РКП(б)нинг Туркистондаги асосий вазифалари тўғрисида” бир нечта қарорлар қабул қилди. РКП (б)нинг “Туркистонда ҳокимиятни ташкил этиш тўғрисида” махсус қарорида Туркистонда Бутун Россия МИҚ, РСФСР ХКС ва РКП(б) МҚнинг доимий ваколатхонаси бўлиши зарур дейилди. Бу қарор Туркистон устидан назоратни кучайтириш ва совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Туркистон

халқларининг умидларини рўёбга чиқаришга муваффақ бўла олмаган Туркистон АССР МИҚ раиси Т.Рискулов истеъфога чиқишга мажбур бўлди.

Марказ ташаббуси билан тузилган Турккомиссия, Ўрта Осиё Бюроси, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши Туркистоннинг барча соҳаларини ўз назоратига олишга ҳаракат қилди. Болшевиклар бошлиқ Советлар ҳокимияти мазлум миллатларни ягона қизил салтанатга бирлаштириш ва қудратли иттифоқ давлатини барпо этишни бош мақсад қилиб қўйди. Подшо Россиясининг мустамлакачилик сиёсатини давом эттирган Совет режими Совет республикалари иттифоқини тузишга ва уларни РСФСР атрофига жипслаштиришга асосий эътибор қаратди.

Ёш совет республикаларининг биринчи жаҳон уруши (1914-1918) ва Фуқаролар уруши оқибатлари, ўз миллий давлатчилиги ва иқтисодий-ижтимоий ҳаётини қуриш, хўжалик ишларини ташкил этиш, кадрлар масаласи, ўз ҳудудий яхлитлигини сақлаш каби вақтинчалик қийинчиликларга дуч келганлиги болшевикларга кўл келди. РСФСР ҳукумати янги совет республикаларига 1918-1922 йй. дипломатик, сиёсий-иқтисодий, ҳарбий, молиявий таъсир ўтказди.

Украина КП МҚ котиблари Х.Раковский ва Д.Пятаков Ягона иттифоқ давлати гоёсига қарши чиқиб, умумиттифоқ ҳокимият органлари бўлмаган “конфедрация” тузишни ёқлаб чиқди. Грузин зиёлилари ҳам ягона иттифоқ тузишни қўлламади. Совет ҳукумати арбоби И.Сталин “автономлаштириш” гоёсини илгари сурди. Унга кўра совет республикалари мухтор (автоном) республика мақоми билан РСФСР таркибига киришлари керак эди.

Бу таклифга миллий республикалар хоҳиш билдирмаслигини англаган Ленин, янги иттифоқ РСФСРдан юқори бўлади ва унга РСФСР ҳам бошқа миллий республикалар каби тенг ҳуқуқлар билан киради деган ҳийлакор фикрни билдирди. РКП(б) тазйиқи натижасида Украина, Белоруссия, Закавказье Федерацияси Компартиялари ва бу республикаларнинг советлар съездлари “СССРни тузиш тўғрисида”ги таклифни қўллади.

1922 йил 26 декабрда Советларнинг Бутун Россия 10-съезди Совет республикаларини ягона Совет давлатига бирлаштишни зарур, деб топди. Съезд ўзи сайлаган делегациясига УССР, БССР, ЗСФСР делегациялари билан биргаликда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи (СССР)ни тузиш тўғрисидаги Декларация лойиҳасини ва Иттифоқ шарномасини тайёрлашни топширди. СССРни тузиш тўғрисида РКП(б) МҚ Пленуми тасдиқлаган Декларация ва Шартнома лойиҳаси 1922 йил 29 декабрда Москвада тўрт республика ваколатли делегацияларининг Конференциясида маъқулланди ва 1922 йил 30 декабрда имзолади.

СССРни тузиш тўғрисида Декларация ва Иттифоқ шартномаси Москвада 1922 йил 30 декабрда Бутуниттифоқ Советларининг 1-съездида тасдиқланди. Съезд янги иттифоқ – СССРнинг юқори ҳокимият органлари - МИҚни ва Ҳукуматини тузди. СССР МИҚ Раислари этиб: РСФСРдан М.Калинин, Украинадан Г.Петровский, Белоруссиядан А.Червяков, ЗСФСРдан Н.Наримонов сайланди. СССР Халқ Комиссарлари Совети (ХКС) раиси этиб **В.Ленин** тасдиқланди.

1917 йил октябр тўнтаришидан 5 йил ўтгач, 1922 йил 30 декабрда СССР тузилди. Унинг таъсисчилари: РСФСР, БССР, УССР, ЗСФСР ҳукуматлари бўлди. Бу иттифоқ (СССР) давлати таркиби XX аср 30-40 йилларида 15 та республикадан иборат бўлди. Натижада ер юзи ҳудудининг 1/6 қисмини эгаллаган Советлар салтанати вужудга келди.

Миллий-худудий чегараланиш. Ўрта Осиёда қадимдан яшаётган халқларда “Биз илдизи, томирлари бир хил халқмиз” деган гоё авлоддан авлодга ўтиб келади. “Бизнинг ота-бобаларимиз ҳам, момоларимиз ҳам бир” - деб таъкидлаган эди И.Каримов.

Совет ҳокимияти қондош халқларни ажратиш, уларни давлат тузишига изн бермаслик мақсадида Туркистонни миллий ўзига хослик, тил бирлиги асосида бўлиб ташлаш гоёси илгари сурилди. Туркистон ишлари бўйича махсус комиссия – Турккомиссия зиммасига Марказ Туркистон ўлкасида Миллий-худудий чегараланишни ўтказиш, Туркистонда бир нечта Совет республикаларини ташкил қилиш вазифаси юклаган эди. Бу соҳага РКП(б) Марказқўми котиби Я.Е.Рудзутак бош мутасадди этиб белгиланган эди. *Мустақил Туркистон гоёси* учун курашган ватанпарвар миллий зиёлиларга Марказ томонидан миллатчиликда, туркпарастликда, исломпарастликда ва совет ҳокимиятига қаршиликда айбланди.

Ўрта Осиёни алоҳида миллий-худудий республикаларга бўлиш масаласи бир неча марта Марказда ва яна Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларида, уларнинг Компартиялари пленумларида ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган – РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси пленумларида муҳокама этилди. Миллий-худудий чегараланиш масаласи яна 1924 йил 5 апрелда РКП(б) МҚ Сиёсий бюросида, 1924 йил 11 майда РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси комиссиясида кўриб чиқилди. Унда Ўрта Осиёда миллий чегараланиш лойиҳасини тайёрловчи махсус комиссия тузилиб, лойиҳа РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг 1924 йил 2 июндаги йиғилишида маъқулланди.

Бундан норози бўлган маҳаллий раҳбарлар: Хоразм КП МҚ котиби Одинаев, ички ишлар нозири Абдусаломов, Ёқубов; Туркистон ва Бухоро вакиллари С.Хўжанов, С.Асфандиёров Туркистонни бўлиш мақсадга мувофиқ эмас, деб эътироз билдирди. Улар Туркистон халқлари бирлигини сақлашга қаратилган “Ўрта Осиё федерациясини тузиш тўғрисида” таклиф киритди. Хоразм республикасини бўлиб юбориш мақсадга мувофиқ эмас, деб 1924 йил 8 майда РКП(б) МҚга келиб тушган “Хоразмда миллий масалани ҳал этиш тўғрисида” хатда айтилди.

Маҳаллий халқларнинг талабини инобатга олмаган РКП(б) МҚ Сиёсий бюроси 1924 йил 12 июнда “Ўрта Осиё республикаларини миллий чегаралаш тўғрисида” ва уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Мунозаралар кучайиб кетгач вақтинча Хоразм республикасида миллий-худудий чегараланишни тўхтатиб туришга қарор қилинди. Бу орада Хоразм раҳбарларига таъсир ўтказиб борилди, кўпчилиги вазифасидан олинди, қолганлари партия қарорига қўшилишга мажбур бўлди. Оқибатда Хоразм республикаси раҳбарлари Хоразм учун ҳам миллий чегараланишнинг зарурлигини “эътироф” этади.

Ўрта Осиё бюроси 1924 йил 15 июлда миллий чегараланиш лойиҳасини тайёрлаш ва уни 1924 йил октябрда ўтказиш зарур деган қатъий хулосага келди. Махсус Марказий ҳудудий комиссия тузилиб у 1924 йил сентябр бошида ўз ишини тугаллади. Бу масалани 1924 йил 25 сентябрда РКП(б) МҚ Сиёсий бюроси, 1924 йил 9-11 октябрда РКП(б) Марказий Қўмитаси (МҚ) кўриб чиқиб, миллий чегараланишни расмийлаштиришга қарор қилди. Бу қарор 1924 йил 14 октябрда СССР Бутуниттифок Марказий Ижроия Қўмитаси (БМИК) томонидан ҳам маъқулланди.

Совет ҳукумати, РКП(б) МҚ ва унинг жойлардаги маҳаллий ташкилотларининг 1920-1924 йй. Ўрта Осиёда олиб борган, халққа ёлгон ваъдалар берган “Ленинча миллий сиёсат”ни ҳаётга тадбиқ этиш каби амалий ишлари яқун топди. 1924 йил 24 октябрда РКП(б) МҚ пленумида Туркистонни кичик миллий бўлақларга бўлиш ишлари якунига нукта қўйилди. **1924 йил 27 октябрда** бўлган СССР БМИК 2-сессиясида Ўрта Осиёда *миллий-худудий чегараланиш ўтказиш* тадбирлари **тўла** маъқулланди.

Ўрта Осиёда мавжуд бўлган 3 давлат: ТАССР, Бухоро ва Хоразм республикалари ўрнида: **Ўзбекистон ССР (ЎзССР)**, Туркменистон ССР ҳамда Ўзбекистон ССР таркибида Тожикистон АССР тузилди. Қирғизлар яшайдиган ҳудудлар Қорақирғиз (Қирғизистон) мухтор вилоятига бирлаштирилиб РСФСР таркибига киритилди.

Туркистоннинг қозоқлар яшайдиган туманлари Қозогистон АССР ихтиёрига берилди. Қорақалпоқлар яшайдиган ҳудудлар Қорақалпоқ мухтор (автоном) вилоятига бирлаштирилиб Қозогистон АССР таркибига киритилди. Туркистон ўлкасида 5 та миллий давлат бирлашмалари ташкил этилди.

Ўзбекистон ССР Советларининг таъсис қурултойига қадар Ўзбекистон ССРда бутун ҳокимият *Муваққат Инқилобий қўмита* ихтиёрига берилди. ЎзССР Инқилобий қўмитаси раиси этиб Бухоро Республикаси ҳукумати раиси **Ф.Хўжаев** тасдиқланди. Инқилобий қўмита **1924 йил 5 декабрда** **Ўзбекистон ССР (ЎзССР)** тузилганлигини маълум қилди. Шунингдек унинг таркибида Тожикистон АССР қирганлигини маълум қилди.

Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларига тегишли бойликлар янги миллий республикалар ўртасида қайта тақсимланди. Миллий чегараланиш билан бир вақтда иқтисодий бўлиниш ҳам ўтказилиб, уни Ўрта Осиё тугатиш комиссияси амалга оширди.

Миллий чегараланиш натижасида Ўзбекистон ССР (ЎзССР) ташкил этилиб, унинг таркибига: ТАССРдан 9 та уезд, 133 туман, 7 кишлоқ округи; Бухоро республикасининг 9 та вилояти; Хоразм республикасининг 23 та тумани киритилди. Ўзбекистон ССР тузилган пайтда ҳудуди 312394 км. кв., аҳолиси 4.447055 киши (1926) бўлиб, 74,2 %и ўзбеклар эди. Ўзбекистон ССРнинг пойтахти этиб 1925 йил апрелда **Самарқанд** белгиланди. 1930 йил охирида пойтахт **Тошкентга** кўчирилди.

«**Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси (ЎзССР)** тузилгани тўғрисида Декларация» 1925 йил 13 февралда **Бухородаги** Халқ уйида Умумўзбек Советларининг 1-қурилтойида қабул қилинди. Бу қурултойда Фарғоналик деҳқон «Қўшчи» уюшмаси раҳбарларидан бири **Йўлдош**

Охунбобоев ЎзССР Советлари Марказий Ижроия Қўмитаси (МИК) Раиси лавозимига сайланди. Ўзбекистон ССР ҳукумати – Халқ Комиссарлари Кенгаши Раиси лавозимига **Файзулла Хўжаев** тасдиқланди.

Миллий чегараланиш даврида Ўрта Осиёда фаолият кўрсатиб келган Туркистон, Бухоро ва Хоразм Коммунистик Партиялари, комсомол, хўжалик ташкилотлари ва қасаба уюшмалари қайта ташкил этилди. Ўзбекистон Коммунистик (болшевиклар) Партияси (ЎзССР КП) ташкилий жиҳатдан Ўзбекистон Компартиясининг 1925 йил 6-12 февралда Бухорода бўлган 1-таъсис съездида расмийлашди. Унинг Марказий Қўмитаси (МК) сайланди. ЎзССР КП МКнинг масъул котиблари этиб *В.Иванов* ва *Акмал Иқромов* (1927 йилдан биринчи котиб) сайланди. 1925 йил тузилган Ўзбекистон комсомоли (ЎзЛКСМ), республика қасаба уюшмалари, унинг раҳбар органлари Марказ ва Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда таянч органлари бўлиб қолди.

ЎзССР 1925 йил 13 майда СССР таркибига киритилди. СССР Конституцияси ЎзССРда бевосита ишлайдиган бўлди. ЎзССРнинг 1927 йил қабул қилинган 1-Конституцияси ва 1937 йил қабул қилинган 2-Конституцияси амалда СССР Конституциясининг кўчирма нусхаси эди. Ўзбекистон қозғоғидаги “суверен” республика бўлиб, амалда Марказга тобе ва қарам бир ўлка эди.

Ички ва ташқи сиёсатни, маъмурий-худудий тузилиш масалаларини Марказ ҳал қилган. Ўзбекистоннинг розилигини сўрамасдан Тожикистон АССР Ўзбекистон таркибидан чиқарилиб 1929 йил Тожикистон ССРга айлантилди ва СССРга қабул қилинди. Ўзбекистон ССР амалда Марказга тўла бўйсунувчи, арзон хомашё маҳсулотлари етказиб берувчи бир ўлка бўлиб қолаверди.

Иқтисодий сиёсат, ер-сув ислохотлари.

Янги иқтисодий сиёсат (ЯИС). XX асрнинг 20-йиллари бошларида Туркистон ўлкаси ҳаёти ночор аҳволда бўлиб, биринчи жаҳон уруши асоратлари, совет тузимининг зўрлик сиёсати кўзга ташланиб турарди. Совет тузимини сақлаб қолиш мақсадида амалга оширилган фавқуллодда сиёсати: озиқ-овқат развёрсткаси ва ҳарбий коммунизм сиёсати (1918-1920) ҳам ўлка ҳаётини мушкул аҳволга солиб қўйди. Ўлкадаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятнинг мураккаблашишига фавқуллодда сиёсат аҳолининг бор-будини тортиб олиб, унинг эркини чеклаб, савдо, бозор муносабатларига изн бермай қўйиши сабаб бўлди.

Вазият совет ҳокимияти олдига аҳволни ўнглаш, танг вазиятдан чиқиш ва хўжалик сиёсатининг янги вазифаларини белгилашни кўндаланг қилиб қўйди. Мамлакат фуқаролар урушидан кейин (1918-1920) тинч хўжалик юритиш палласига кирган экан иқтисодий сиёсатнинг давр талабига жавоб берадиган янги йўналишларини ишлаб чиқиши зарурат бўлиб қолди. Бу вазифалар **1921 йил март**да РКП(б) X-съезди белгилаб берган **Янги иқтисодий сиёсат (ЯИС)**да ўз ифодасини топди.

ЯИС нинг муҳим бўгинлари: озиқ-овқат развёрсткасини озиқ-овқат солиги билан алмаштириш, савдони эркинлаштириш, саноат, хизмат кўрсатиш ва майда хунармандчилик соҳаларида хусусий тадбиркорликка рухсат этиш, бозорни тартибга солиш, ижарага олиш ва ёлланма меҳнатнинг чекланишини бекор қилишдан иборат бўлди. ЯИС шаҳар билан кишлоқ ўртасидаги ўзаро муносабатларни изга солишга, янги ҳокимиятнинг таянч негизи ҳисобланган ишчилар билан деҳқонлар синфи ўртасидаги иттифокни, иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қиларди.

ЯИСнинг бош мақсадларидан бири – бу деҳқон хўжалигини ривожлантириш эди. Чунки бусиз саноатни ҳам, халқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ҳам юксалтириб, етарли хомашё базасини яратиб бўлмасди. Озиқ-овқат солиги талабига кўра экиш мавсуми олдидан давлат билан якка деҳқон хўжалиги ўртасида алоҳида шартнома тузиладиган бўлди. Бу шартнома йил охиригача, яъни ҳосил олгунга қадар ўзгармас эди. Бу эса деҳқонларни ердан кўпроқ ҳосил олиш учун астойдил меҳнат қилишга ундарди.

Эндиликда деҳқоннинг ортиқча галласи тортиб олинмайдиган бўлди ва деҳқонга ўзи етиштирган ортиқча маҳсулотни бозорда эркин сотиш ҳуқуқи берилди. Ортиқча маҳсулот деганда - деҳқоннинг давлат буюртма режасида белгиланган ҳажмдаги маҳсулотни топширгандан кейин ортиб қолган қисми тушунилади. Маълум чеклашлар асосида айрим саноат корхоналари аввалги собиқ эгаларига қайтариб берилди; шунингдек нарх-наво тартибга солинди.

Туркистонда ЯИС ўзига хос хусусиятларга эга эди: 1) Туркистон чекка, асосан кишлоқ хўжалиги ўлкаси бўлиб, замонавий кишлоқ хўжалиги ва саноатни янгидан барпо қилиш керак эди; 2) ўлкада миллий ишчилар синфини шакллантириш зарур эди; 3) Туркистон кўп миллатли бўлиб ЯИСга ўтишда урф-одатларни ҳисобга олиш керак эди.

Туркистон АССР МИҚ *1921 йил 20 апрелда* озиқ-овқат, ем-хашак ва хомашё развёрсткасини маҳсулот солиги билан алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Унда 1921-1922 йй. учун солиқ миқдори белгиланди. Туркистон меҳнаткашларидан олинадиган солиқ Марказий районлардан фарқ қилган. Солиқ ҳажми, миқдори экин ишлари олдидан эмас, балки йил якунида, ҳосил кўтариш чоғида йигиб олинарди. Бу эса деҳқон меҳнатининг камситилишига сабаб бўларди.

Совет ҳукумати Туркистонда биринчи навбатда ўзи учун зарур бўлган пахта, қанд лавлаги, тамаки ва бошқа техник экинларни ривожлантиришга эътибор қаратди. Ёрдам кўрсатиш баҳонасида Туркистонга Россия марказий районларидан 300 мингдан ортиқ ишчи ва деҳқон оилалари келтирилиб жойлаштирилди. Туркистонда аҳвол огир бўлишига қарамасдан 1921 йил кузида Москва ва бошқа шаҳарларга 300 минг пуддан кўпроқ галла маҳсулотлари олиб кетилди. Ўлка меҳнаткашларида бироз бўлсада ҳаётга ишончи уйғона бошлади, чунки совет ҳокимияти чекланган ҳолда бўлсада, ўлкада хусусий мулкчилик ва хусусий тадбиркорликка эркинлик берилган эди.

ЯИС асосида саноатни хўжалик ҳисобига ўтказилиши туфайли саноат корхоналари ишлаб чиқаришининг бироз бўлсада жонланишига олиб келди.

Майда ва ўрта саноат корхоналари, йирик кооператив ташкилотлар ва уларнинг бирлашмалари тадбиркорларга ижарага берилди. Ўлкада Хилково цемент заводи, Фаргона пиллакашлик фабрикаси, Қизилқия ва Хилково темирўл шохобчалари қурилди.

Ўлкада айниқса, пахтачилик ва у билан боғлиқ бўлган пахта тозалаш корхоналари тез суръатда ўсиши Марказ тўқимачилик саноатининг ўзбек пахтасига талаби ортиб бораётганига боғлиқ эди. Пахта экиладиган майдонлар 1921 йилга нисбатан 1924 йилда 3 баробар кўпайди, ишлаб турган саноат корхоналари сони 144 тага етди. Пахта тозалаш саноатида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 1923 йилдаги 23,9 млн. сўмликдан 1924 йилда 57,8 млн. сўмга етди. ЯИС асосида Туркистон саноати тикланиб, ривожлана бошлади.

Партия ва совет ҳукумати Туркистонда ЯИС синфий курашнинг кескинлашувига олиб келмоқда, бойлар, буржуазия колдиклари, йирик савдогарлар, мусулмон руҳонийлари ва бошқа эксплуататор унсурлар жонланмоқда деб, уларга қарши мафкуравий ташвиқот ва тарғиботни кучайтирди. Бу ҳол ўлкада ЯИС йўлидан *чекинишга* олиб келиб, деҳқонга берилган имтиёзлар қайтариб олинди. Улар қишлоқ хўжалик артелларига бирлаштирилди. *20-йилларнинг охирига* келиб Иттифоқ ва Ўзбекистонда маъмурий-буйруқбозлик бошқаруви тизимининг кучайиши натижасида ЯИС ўз мазмун-моҳиятини *йўқота борди*.

Ер-сув ислоҳати. Туркистон халқлари учун ер-сув, ундан фойдаланиш масаласи фавқулодда аҳамият касб этарди; аҳолининг анча қисми ерсиз бўлиб бойлар, йирик заминдорлар мулкида чоракорлик қилар эди. Чор Россияси босқинидан сўнг унумдор ерлар Россиядан келганларга мажбуран олиб берилди. Туркистон қишлоғидаги бу сиёсат ерсиз, батрак деҳқонлар аҳолини танглаштириб юборган эди. Маҳаллий аҳоли совет ҳокимиятининг “Ер – деҳқонларга” деган ваъдаларига, унинг ер тўғрисидаги декретининг амалга ошувига умид қилиб келаётган эди.

Совет ҳокимиятининг “*Ер тўғрисида*”ги декрети 1917 йил 25 октябрда қабул қилинган эди. Унда камбағал, батрак, ерсиз деҳқонларни ер билан таъминлаш, йирик ер-мулкларни мусодара қилиш ва миллийлаштириш вазифалари эълон қилинган эди. Советларнинг ер-сув ислоҳати масаласида тутган сиёсатининг пировард мақсади йирик хусусий ер-мулкларни мусодара қилиш, миллийлаштириш орқали уларни тугатиб, жамоаларга бериб, йирик жамоалашган социалистик хўжаликларни қарор топтириш эди.

Туркистонда ер-сув ислоҳати масаласи 1920 йил сентябрда Туркистон Советларининг XI-съездида кўриб чиқилди. Унга кўра бойлар кўлидаги катта ерларни мусодара қилиш, европаликлар билан ерли халқлар ўртасида ер-сув масаласида тенгсизликка барҳам бериш, меҳнаткашларни советлар теварагида жипслаштириш вазифалари зарур деб топилди. Ер ишлари халқ комиссарлиги режасига кўра тортиб олинган ерлар кам ерли ва ерсиз маҳаллий батрак ва деҳқонларга бўлиб берилиши айтилган эди. Бу жараён бой хўжаликларга маъмурий чоралар ва тазйик ўтказиш йўли билан олиб борилди.

Бу тадбирларга батрак-деҳқонлар ҳам жалб қилинди. Қишлоқ ва овулларнинг ерсиз, камбагал қисмини бирлаштирувчи «**Қўшчи**» уюшмалари тузилди. Бу уюшмалар коммунистларнинг деҳқонлар орасидаги таянчига айланди. Туркистон АССРда 1921 йил давомида тузилган “Қўшчи” уюшмалари 160 минг аъзоларни бирлаштирган эди. 1921 йил декабрда Тошкентда бўлган “Қўшчи” уюшмаларининг 1-республика курултойида “бу уюшмалар меҳнаткашларни советлар ёрдамида хўжалик қурилишига тортиш воситасидир” дейилди.

Ер-сув ислоҳатининг 1-босқичи Туркистонда 1921-1922 йй. ўтказилди. 1-босқич йирик ер-сув эгаларига қарши кескин кураш шиори остида ўтказилди. Самарқанд вилоятида 350 та катта ер эгаларидан 13 минг десятина ерлар тортиб олинди. Республика бўйича бой ва ўзига тўқ аҳолидан 1,7 млн. десятина ер тортиб олинди. Уларнинг 117 минг десятинаси ерсизларга ва камбагалларга берилди, қолган катта қисми асосида “Қўшчи” уюшмалари тузилди. Бу совет ҳокимиятининг камбагалларни ўз томонига олдириб олишга қаратилган ҳаракати эди. Ўртаҳол деҳқон хўжаликлари сақлаб қолинди.

Ер-сув ислоҳатининг *1-босқичи якунида* деҳқон хўжалиklarини **жамоалаштириш** учун замин яратилди. Эндиликда меҳнаткаш халқни ягона йўл – жамоа хўжалиklarига мажбуран бирлашиш масаласи кўндаланг бўлиб турарди. Бу аслида оддий халқни алдашдан бошқа нарса эмас эди. Чунки ер деҳқонга берилмади, балки бир мулк шаклидан иккинчи мулк шаклига айлантирилди, холос. Ерга хусусий мулкчилик тугатилган бўлсада, у *жамоа* (аслида давлат) мулки бўлиб қолди.

Ер-сув ислоҳатининг 2-босқичи. ЎзССР тузилган пайтда ҳам республикада советчасига аграр сиёсатни амалга ошириш тўла ҳал этилмаган эди. 1925 йил бошида Фарғонада ерсиз деҳқонлар 3,4%ни, 3 десятинагача ери бор хўжалиklar 83,1%ни; Самарқандда бу кўрсаткич мос равишда 2,1 ва 51,5 %га тенг эди. Тошкентда ерсиз деҳқонлар 12,5%ни ташкил этарди. Асосий пахтакор вилоят ва туманларда ернинг катта қисми ўртаҳол деҳқонлар қўлида тўпланган эди. Улар пахта, галла ва бошқа маҳсулотларнинг асосий қисмини етказиб берар эди. Камбагал деҳқонлар ўртаҳол деҳқонлардан ижарага олиб ишлашарди.

1925 йил ноябрда ЎзКПнинг II-съезида бу ҳол феодал муносабатларнинг қолдиги деб баҳоланди. Унда хусусий мулкчиликни социалистик иқтисодиётга бўйсундирилиши таъкидланди. ЎзКП(б) МҚ Ижроия бюросида, вилоят, шаҳар, туман партия ва совет ташкилотларида ер-сув ислоҳатининг *2-босқичини* ўтказиш масаласи бир неча бор муҳокама қилинди. Ер-мулкларни қайтадан рўйхатдан ўтказиш биринчи навбатда *асосий деҳқончилик музофотлари* ҳисобланган Тошкент, Фарғона, Самарқанд вилоятларида бошланди.

Ер-сув ислоҳатининг мазмуни даставвал: 1) қишлоқда ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга бўлган тўсиқларни олиб ташлаш; 2) ер ва сув манбаларини тезроқ миллийлаштириш; 3) меҳнат қилмай бошқалар ҳисобига яшайдиганлар ерларини тортиб олиш; 4) янги ташкил этилаётган хўжалиklarга ёрдам бериш муаммоларни ҳал этишга қаратилди. Бу аслида

қишлоқда ЯИСдан чекиниш бўлиб, ЎзССР Ер ишлари халқ комиссари И.Хидиралиев ва бошқалар ЎзКП МҚ ва Ўрта Осиё бюросига мурожаат қилиб, ер-сув ислоҳати маҳаллий халқнинг турмуш тарзига зид, деб ер-сув ислоҳатига ошқора эътироз билдирди.

“Ер ва сувни миллийлаштириш тўғрисида” декрет 1925 йил декабрда ЎзССР МИҚ Фавкулудда сессиясида қабул қилинди. Декретга биноан воҳаларда ерлар давлат тасарруфига олиниши ва миллийлаштирилиши керак эди: 1) Фарғонада 40, Тошкент ва Самарқандда 50 десятинадан ортиқ сугориладиган ери бўлган мулк эгалари жонли-жонсиз мулки билан; 2) қишлоқ ва овулларда яшамаган ва ерда ишламайдиганларга қарашли ерлар мол-мулки билан; 3) вақф ерлари, хўжайини номаълум ерлар мусодара қилинадиган бўлди.

Ер-сув ислоҳати қишлоқда асосий куч бўлган *ўртаҳол деҳқон* билан алоқани мустаҳкамлаш шиори остида ўтди. Фарғонада 7, Тошкент ва Самарқанд воҳаларида 10 десятинагача ери бор ўртаҳол деҳқонлар мулки сақланиб қоладиган бўлди. Асосий мақсад - *ўртаҳол деҳқонларни* совет ҳокимияти таянчига айлантириш эди. Улар бой ва қулоқлардан ажратиб олиниб, камбағал деҳқонларга яқинлаштирилди. Ер-сув ислоҳатини ўтказишга ҳатто хотин-қизлар ҳам жалб этилгани ҳақида бир ҳужжатда: “улар кўмаклашувчи комиссияда катнашиб, яширилган ерларни аниқламоқда, бой ва текинхўрларни фош қилмоқда” - дейилган.

1926 йил декабрда 3 вилоятда ўтказилган ер-сув ислоҳати тажрибаси республика миқёсида умумлаштирилиб, уни қолган вилоятларда ҳам ўтказишга қарор қилинди. Ислоҳат Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида ҳам ўтказилди. Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразмда 20 гектар сугориладиган ва 45 гектар лалмикор ва баҳорикор ери бўлган катта ер эгаларининг ортиқча ерлари тортиб олинди. Ер-сув ислоҳати Қорақалпоғистонда 1929 йил ўтказилди.

Ўзбекистонда ер-сув ислоҳати натижасида жами 1492 та ўзига *тўқ хўжаликлар* тугатилди. 27992 та бадавлат мулкдорларнинг ортиқча ери тортиб олинди. Республиканинг ер фондига тортиб олинган 474393 десятина ер қўшилди, уларнинг 10 %и кам ерлиларга берилди. Қишлоқ аҳолисини *кооперативларга* бирлаштириш кучайди.

Жамоа хўжалиги – кооперацияларга бирлаштирилган деҳқон хўжаликларининг республикадаги салмоғи 1929 йил 81% га етди. Бироқ унда ўртаҳол деҳқонлар, кустарлар, хунармандлар, камбағаллар ҳам қулоқ деҳқонлар қаторида сургун қилинди. Шундай бўлсада ер-сув ислоҳати қишлоқ аҳолиси учун ўзгаришлар олиб келди: камбағал, батрак аҳоли ўз хўжалигини тиклаб, уни юритиш имконига эга бўлди, бироқ бу жараён узокка бормади.

Таянч сўзлар: СССР, Миллий-худудий чегараланиш, ЎзССР, Ер-сув ислоҳати, Янги иқтисодий сиёсат, миллийлаштириш, кооперативлар, колхоз, тўқ хўжаликлар, ўртаҳол деҳқонлар, қулоқ деҳқонлар.

2-§. Саноатлаштиришнинг муштамлақачилик моҳияти.

Қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш

Саноатлаштириш. XX аср 20-йиллари ўрталаридан ҳукмрон коммунистик партия ва совет давлатининг бутун диққат эътибори советлар мамлакатини индустрлаштиришга қаратилди. Бу СССРда социализм куриш режасининг асосий вазифаларидан бири эди. **1925 йил декабрда** ВКП(б) XIV съездида *Индустрлаштириш* социализмни барпо этишда бош стратегик вазифа деб белгиланди.

Ўзбекистонда саноатлаштириш ташаббускори Марказ ва Коммунистик партия бўлди. Советлар Ўзбекистонда саноатлаштиришни амалга ошириш орқали кўп саноат корхоналари яратиб, унинг бой ресурсларини ишга солиш, арзон маҳаллий ишчи кучидан фойдаланиш ва Марказ учун кўпроқ фойда ундиришни кўзлаган.

Иттифок (СССР) ҳукуматининг саноатлаштириш режасида Ўзбекистонда замонавий йирик индустриал тармоқларни эмас, кўпроқ (пахта) хомашёни қайта ишлайдиган саноат корхоналарини, тоғ-кон саноатини ривожлантиришга асосий ургу берилди. Ўзбекистон Марказ учун хомашё маҳсулотлари етказиб беришга ихтисослашиши керак эди. Шу боис эътибор пахтачилик ва у билан боғлиқ тармоқларни ривожлантиришга қаратилди. Ўзбекистонда 1925 йил атиги 21 саноат тармоғига тааллуқли 149 та корхона мавжуд эди. Улар ҳам асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мослашган, унча катта бўлмаган корхоналар эди.

Ўзбекистон индустрлаштириш йилларида энергетик ресурсларга бой бўлишига қарамай, кучли гидроэнергетик иншоотлар курилиши султ олиб борилди. Ўзбекистонда 20-йиллар охирида курилган тўнгич Бўзсув ГЭСи билан Украинада курилган ДнепроГЭС қувватида фарқ бўлиб, ДнепроГЭС қуввати 50 минг кв/с, БўзсувГЭС қуввати 2 минг кв/с эди. Бу Иттифок давлати наздида Ўзбекистоннинг колоқ ўлка сифатида гавдаланиши кераклигига яққол ишора.

Ўзбекистонда саноатлаштириш даврида 17 та пахта тозалаш заводи курилди. Фаргона (1930) ва Тошкент (1936-1939) тўқимачилик, Чирчиқ электрокимё (1937) комбинатлари, Тошкент машинасозлик заводи, консерва, гишт пишириш ва уруг етиштириш корхоналари курилди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Маргилон ва Шаҳрисабзда пиллакашлик фабрикалари курилди. Ўзбекистонда *биринчи беш йиллик* (1928-1932)да 289 та, *иккинчи беш йиллик* (1933-1937)да 189 та саноат корхоналари курилди. Чирчиқ, Янгийўл саноат шаҳарлари вужудга келди.

1925-1940 йй. Ўзбекистонда курилган ГЭСлар сони 49 тага етди. Тошкент-Ангрен темирйўли, Тошкент-Термиз катта ўзбек тракти автомобил йўли курилди. Ўзбекистонда иккинчи жаҳон уришига қадар 1445 та йирик ва ўртача саноат корхоналари, 19 мингга яқин майда корхоналар бор эди. Ўзбекистон саноатини ривожлантириш сиёсати туфайли республика метрополиянинг рангли ва нодир металллар, олтингугурт, озокерит, волфрам, молибден, пахта толаси, хом ипак билан таъминловчи минтақасига айлантирилди.

1928 йил Ўзбекистондаги мавжуд корхоналарнинг 81,7%и Иттифоққа тегишли, 14,5%и республика ва 3,8%и маҳаллий аҳамиятга эга бўлган бўлса, 30-йилларнинг ўрталарида 90 %и Иттифоқ тасаррфида бўлган. РСФСРдан келган ишчилар ҳисобига Ўзбекистон аҳолиси 1926 йилдан 1940 йилга қадар 750 минг кишига ёки 10%дан кўпроқ кўпайди.

Қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш.

Қишлоқда ёппасига жамоалаштириш сиёсатига Совет ҳокимияти 1927 йил декабрда ВКП(б) 10-съездида киришилди. Совет ҳокимиятининг XX асрнинг 20-30 йиллардаги маъмурий-буйруқбозлик ва зўравонлик сиёсати қишлоқда ўтказилган жамоалаштириш жараёнида намаён бўлди. 20-йилларда ўтказилган *ер-сув ислоҳати* даврида бадавлат деҳқонлар, руҳонийлар ва вақф ерлари тортиб олинган эди. Шунингдек от-улов ва асбоб-ускуналар ҳам мусодара қилинди.

1925-1929 йилларда бойлар, йирик савдогарлар ва руҳонийларнинг 45 мингга яқин хусусий хўжаликлари батамом тугатилди. Хўжаликлар тасарруфидаги ортиқча ерлар ҳам тортиб олиниб қайта тақсимланди: уларнинг бир қисми ерсиз ёки кам ерли деҳқон хўжаликларига мулк қилиб берилди. Натижада батрак-камбагаллар тоифаси ислоҳатдан олдин барча деҳқонларнинг 76%ини ташкил этган бўлса, ислоҳатдан сўнг уларнинг сони 39%гача қисқарди. Батрак-камбагалларнинг хўжалик турмуши яхшиланиб, ўсиб борганлиги боис ўртаҳол деҳқонлар салмоги 17%дан 52%га кўтарилди, қишлоқда товар-галла етиштирувчи майда ишлаб чиқарувчилар кўпайди.

Ислоҳат давомида *жамоа хўжаликлари - колхозлар* ташкил этилди. Совет ҳокимияти 20-йилларда қишлоқда юритган мўтадил сиёсат ва ер-сув ислоҳати туфайли деҳқонлар ҳаёти ўзгарди. Ўз хўжалигини тиклаб, ўртаҳоллар даражасига кўтарилган деҳқонлар тез орада оммавий жамоалаштириш жараёнига гарқ бўлди.

Ўзбекистонда оммавий жамоалаштириш сиёсатини амалга ошириш учун партия, совет, хўжалик, ёшлар, хотин-қизлар ва бошқа жамоат ташкилотлари сафарбар қилинди. Маҳаллий раҳбарлар деҳқонларни мажбуран **колхозларга** киритишни *1929 йил иккинчи ярми ва 1930 йил бошларида* авж олдириб юборди.

Республиканинг 17 та туманида ёппасига жамоалаштиришни амалга ошириш вазифаси партия ва ҳукуматнинг **1930 йил февралдаги** “*Жамоалаштириш ва қулоқ хўжалиklarини тугатиш тўғрисида*”ги қарорида белгиланган эди. Қулоқларни тугатиш шиори остида ўртаҳол, ҳатто камбагал деҳқон хўжаликларига ҳам зулм ўтказилди. 1929 йил октябргача деҳқон хўжалиklarининг 3,4%и колхозларга кирган. 1930 йил мартгача 47%и колхозлаштирилган эди. Аҳоли жамоалаштириш хавфидан кўрқиб чорва молларини керагидан зиёд сўйиб юбориши чорвачилик учун қони зарар бўлди. 1930 йил қорамоллар сони республикада 60 мингдан зиёд камайиб кетди.

Аҳоли кўп қишлоқ туманларида ҳокимият органларининг зўравонлигига қарши кескин норозилик билдириб, турли ҳаракатлар

уюштиришга мажбур бўлди. Совет тузумига нисбатан 1929-1930 йй. *деҳқонларнинг оммавий норозилик ҳаракатларида* фақат Қашқадарё округидан 14 минг киши киши катнашди. Шу даврда омавий норозилик ҳаракатлари республикада 240 марта содир бўлган.

Оддий деҳқон хўжаликлари арзимаган сабаблар билан ёки жамоа хўжалигига киришга рағбат билдирмаганлиги вазидан кулоқ қилинувчилар рўйхатига тиркаб юборилган. Ўзбекистонда жамоалаштириш бошларида кулоқ хўжалигига киритиш мумкин бўлган хўжаликлар салмоги умумий деҳқон хўжаликларининг 5%идан камрогини ташкил этарди.

Кулоқлаштириш. Оммавий жамоалаштириш бошланиши билан республикада 15%дан ортиқ хўжаликлар кулоқ қилинди; 1930 й. бой ва кулоқ хўжаликлар тоифасига киритилган 2648 та ўртаҳол деҳқон хўжаликлари тугатилди. «Кулоқ» қилинганлар Украина, Сибир, Қозогистонга ёки янги ўзлаштирилаётган чўл, тўқайзор, камишзор ерларга бадарга қилинди. Бир неча минг кулоқ қилинганлар оиласи Самарканд вилоятининг Миёнкол оролини ўзлаштириб пахта, шולי экади.

Ўзбекистонда деҳқон хўжаликларини ёппасига жамоалаштиришни КП МҚ 1930 йил 5 январ қарорига биноан *1933 йил бошларига қадар тугаллаш* муддати белгиланди. Республикада маҳаллий раҳбарлар уни муддатидан аввал бажариш учун “шиддат” кўрсатдилар. 1930 йил июнида 6124 та колхоз тузилиб, уларга жалб қилинганлар деҳқон хўжаликларининг 27,1 %ини ташкил этган бўлса, 1930 йил охирида 37%га, 1931 йил декабрида 68,2%га етди. Кулоқлаштириш оқибатида Ўзбекистондан 60 мингдан ортиқ киши Украина, Сибир ва Шимолий Кавказга сургун қилинди.

Ўзбекистонда 1932 йил охирида жамоалаштирилган хўжаликлар барча деҳқон хўжаликларининг 81,7 %ини бирлаштирган эди. 800 минг деҳқон хўжаликлари негизда 9734 та колхоз ва 94 та совхоз ташкил этилди. Бу даврга келиб жамоалаштириш пахтачилик туманларида асосан тугалланди. Уларнинг экин майдони 1929 йил 530 минг гектар бўлган бўлса 1932 йил 928 минг гектарга кўпайди.

“СССРнинг пахта мустақиллигини таъминлаш”да Ўзбекистон ўз улушини кўшди: 1935 йил 1 млн. тонна, 1939 йил 1,5 млн. тонна, 1941 йил 1.656.200 тонна пахта тайёрланди. Бу СССР бўйича тайёрланган пахтанинг 60%дан зиёдрогини ташкил қиларди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тизимида 30-йиллар давомида *пахта яккаҳокимлиги* мустаҳкам ўрин эгаллаб борди. 1933 йил пахта маҳсулоти республикада тайёрланаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари умумий ҳажмининг 81,5 %ини ташкил этган бўлса, 1937 йил 93,4 %га етди.

Қишлоқни **жамоалаштириш** ҳам *яқунловчи палласига* кириб, деҳқон хўжаликларини жамоалаштириш даражаси 1937 йил 95 %га етган бўлса, 1939 йил 99,2 %ни ташкил этди. Ўзбекистон бўйича оммавий жамоалаштириш жараёнида “кулоқларни синф сифатида тугатиш” масаласи узил-кесил ҳал қилинди. Минг-минглаб киши кулоқ сифатида қатагон қилинди.

Жамоа хўжаликларининг моддий-техник базаси - Машина-трактор станциялари (МТС)ни ташкил этиш деҳқон хўжаликларини оммавий жамоалаштириш билан узвий олиб борилди. МТСлар янги жамоа

хўжаликларга моддий-техник база бўлиб, техник ёрдам кўрсатган. Ўзбекистонда дастлабки МТС 1929 йил Андижон округининг *Асака туманида* тузилган. 1931 йил МТСлар 48 та кишлоқ туманларида ташкил этилиб, 1937 йил 163 тага, 1941 йил 189 тага етди.

МТСлар йирик дехкон хўжаликлари учун муҳим рол ўйнаган бўлсада, бироқ жамоа хўжалиklarининг давлатга тобелигини янада кучайтирди; йирик ишлаб чиқариш воситалари МТСлар орқали давлат қўлида тўплана борди. МТСлар жамоа ерларини натурал ҳақ эвазига ишлаб берар эди, бу ҳақнинг миқдорини давлат белгилар эди. МТСлар ташкил этилиб, хизмат кўрсата бошлагач кишлоқда шартли равишда “Иккита хўжайин” - колхозлар ва МТСлар қарор топди. Бири – техника учун, иккинчиси – кишлоқ хўжалигининг бошқа ишлари учун масъул ҳисобланган. Ҳар иккаласининг жиловы эса давлат қўлида эди.

“Икки ҳокимиятчилик” юзага келгач, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва техника хизматида хўжасизлик келиб чиқди. Экин ва чорва масъулиятини жамоа аъзолари ҳам, МТС ходимлари ҳам ўз зиммасига олмади. Бу катта харажатга сабаб бўлди.

Ўзбекистон ирригация тизимини ривожлантиришнинг асосий вазибалари **1922** йил белгилаб берилди. Ҳукумат таркибида Сув ва кишлоқ хўжалиги Халқ комиссарлиги, унинг ҳузурида Сув хўжалиги Бош бошқармаси, жойларда вилоят, туман, участка Сув хўжалиги бўлимлари ташкил этилди. Ирригация ишларига 1922 йил 6 млн. олтин рубл ҳисобида маблағ ажратилди. Мақсад сугориладиган ерларни 2 йилда 2 млн. десятинага етказиш эди. Сугориладиган ерлар миқдори 1924 йил 2,4 млн. десятинага, пахта экиладиган майдон 500 минг десятинага етказилди; ирригация соҳасига 1929-1939 йй. 234,9 млн. рубл сарфланди.

Иккинчи жаҳон урушигача бўлган даврда Республикада: Даргом, Нарпай, Савай, Далварзин, Логон, Катта Фаргона каналлари қурилди. Ирригация тармоқлари Чирчиқ-Оҳангарон водийларида, Зарафшон дарёси ҳавзасида, Қашқадарё ва Сурхандарёда анча яхшиланди.

Ўзбекистон КП МҚ ва ҳукумати **1939** йил хашар йўли билан *Катта Фаргона* каналини қуриш тўғрисида қарор қабул қилди. 1 августдан 160 минг колхозчи иш бошлади, уларнинг 70 мингдан зиёди ёшлар эди. Канал 270 км. бўлиб 45 кунда қурилди. Унда 46 та йирик, 274 та кичик гидротехник иншоот, 5 та темирйўл, 40 та автомобил йўллари кўприклари қурилди. Ҳолбуки бундай канални барпо этиш учун Россия мустамлакачилиги даврида 6-8 йил, Совет даврида 6-8 ой керак бўларди. Амалда ўзбек халқи хашар йўли билан 1,5 ойда бунёд этди. Марказ матбуотининг бош органи – “Правда”нинг 1939 йил 13 декабрдаги бош мақоласида “Узоқ Фаргонада ўзбек ва тожик колхозчилари 1,5 ойда канал қазиганлиги халқни қувонтирди” - деб ёзди.

Фаргона водийсида 60 минг гектар бўз, чўлли ерлар ўзлаштирилиб, Катта Фаргона канали 500 минг гектар ерни сув билан таъминлади. Иккинчи жаҳон урушидан олдинги йилларда Шимолий ва Жанубий Фаргона каналлари, Тошкент канали, Кампировот сув тўғони, Қорақалпоғистонда Қизкетган канали, сизими 1 млн.м³ бўлган Каттакўргон сув омбори барпо

этилди. Натижада республикада сугориладиган ер майдонлари кўшимча 1937-1940 йй. 200 минг гектарга кўпайди.

Таянч сўзлар: Жамоа хўжаликлари, Машина-трактор станциялари, «Кулок», Бўзсув ГЭСи, Даргом, Нарпай, Савай, Далварзин, Логон, Катта Фаргона, Шимолий ва Жанубий Фаргона каналлари, Тошкент канали, Кампирровот сув тўғони, Қизкетган канали, Каттақўргон сув омбори.

3-§. Ўзбекистонда Совет ҳокимиятининг маданий-маърифий ва қатағонлик сиёсати

Совет таълим тизимини шакллантириш ишлари Ўзбекистонда 20-йиллар бошларида фаол бошлаб юборилди. 20-йиллар ўрталаридан Эски мактаб ва мадраса таълим-тарбия тизими барҳам топди. Ўзбекистон ҳаётдан муҳим ўрин олган Советча таълим беришга мўлжалланган билим даргоҳлари: 1-босқич (бошлангич) ва 2-босқич (ўрта) мактаблари эди. 1921 йил Туркистонда 165645 ўқитувчиси бўлган 1965 та 1-босқич, 6500 ўқитувчиси бўлган 58 та 2-босқич совет мактаблари бўлган.

Туркистон АССР ҳукумати 1920 йил 17 сентябрда ўлкада 8 ёшдан 40 ёшгача бўлган кишиларни ўқитиш ва саводхон қилиш тўғрисида декрет қабул қилди. Ўзбекистонда 1928-1932 йй. жами 700 минг киши, 1933-1937 йй. 1,4 млн. киши саводсизлик курсларини тугатди.

Халқ таълими соҳасидаги муҳим ўзгаришлардан бири - республикада бошлангич таълим тизимининг жорий этилиши, кейинроқ 7 йиллик таълимга ўтилиши бўлди. Ўзбекистонда 1924/25 ўқув йилида 160 та совет типига мактаблар ташкил қилинди, уларда 17209 нафар ўқувчи таълим олган. 1941 йил 5504 та мактабда 1 млн. 315 минг ўқувчи ўқиган.

Республикада 30-йилларда малакали ўқитувчи кадрлар тайёрлайдиган педагогика институтлари ва ўрта махсус педагогик билим юртлари ташкил қилинди. Бу халқ таълим тизимини яхшилашга туртки бериб, республикада ўқитувчилар сони 1928/29 ўқув йилида 5,5 минг кишига, 1932/33 ўқув йилида 19 минг кишига, 1941 йил 42 минг кишига етди.

Араб имлоси асосидаги ўзбек ёзуви 1929 йил тугатилди, ундан *лотин* графикасига ўтилди. Кўп ўтмай яна 1940 йил *кирилл* – рус алифбоси негизига қурилган ёзувга ўтилди. Республикада ўқитиш жараёни 20-йилларда миллий зиёлилар тайёрлаган дарсликлар асосида ташкил этилган бўлса, 30-йиллардан аҳвол кескин ўзгарди. Энди миллий республикалардаги таълим жараёни Москвадан тайёрлаб юбориладиган дарсликлар асосида олиб борилиши, Халқ таълимининг миллий мазмунига салбий таъсир кўрсатди.

Республика мактаб таълимида 30-йилларда мафкуравий тазйик ўтказиш, муаллимлар таркибини “тозалаш”, улар сафидан “нобоп, ёт унсурлар”ни топиш ҳоллари кучайди. ВКП(б) МҚ, Ўрта Осиё бюроси ўқитувчилар сафини тозалаш тўғрисида 1933 йил 27 мартда қарор қабул қилди. Унга асосан билимли миллий зиёлилар ишдан бўшатилади, қатагон қилинди.

Олий ва ўрта махсус таълимни шакллантириш Советларнинг халқ таълими соҳасида юритган сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири эди. Тошкентда 1920 йил сентябрда ташкил этилган *Туркистон Давлат университети* Туркистонда олий таълимни ривожлантириш, юкори мутахассис кадрлар тайёрлаш ўчоги бўлди. Кейин у Ўрта Осиё университети мақомини олди. Бу университет талабалари сафида маҳаллий миллат ёшлари оз бўлиб, унда ўқиш қийинчилик тугдирди. Чунки ўқитувчиларнинг мутлак таркиби европаликлар бўлиб, ўқитиш факат рус тилида олиб борилди.

Ўрта Осиё Давлат университетида 1923/24 ўқув йилида таълим олаётган 2047 нафар талабадан факат 51 нафари маҳаллий миллат ёшлари эди. Бу университетда 1924/25 ўқув йилида 2440 талаба ва ишчилар факультетида 889 та ёшлар таълим олди.

Ўрта Осиё Давлат университети негизида 30-йиллар бошларида Ўрта Осиё политехника (ҳозирги Техника университети), Молия-иқтисод, Тиббиёт, Қишлоқ хўжалик, Тўқимачилик институтлари, Самарқанд давлат университети ташкил этилди. Малакали педагогик кадрларларга талаб ошгач Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Нукус, Хива, Урганч, Фаргона ва Наманган шаҳарларида педагогика ва ўқитувчилар тайёрлаш институтлари ташкил этилди.

Республикада 1932 йил олий ўқув юртлари сони 31 тага, талабалар сони 12,2 нафарга, 1937 йил талабалар 15,5 мингга, 1941 йил 18 минг нафарга етди. Маҳаллий ёшлар орасидан танлаб олиниб партия, совет ва хўжалик органларида, социалистик қурилиш жабҳаларида фаолият кўрсатишга даъват этилган раҳбарий кадрлар тайёрлашга ҳам эътибор қаратилди. Хукмрон партиянинг “олтин фонди” ҳисобланган бундай кадрларни тайёрлаш учун 1923 йил *Туркистон коммунистик университети* очилди. Унда ўлканинг бўлгуси совет кадрлари “марксча-ленинча” таълимотни ўрганди.

Туркистонда бу даврда яна 2 та марказий, 5 та вилоят ва 5 та уезд партия совет мактаблари ҳам фаолият кўрсатмоқ эди. Улардаги 1312 та тингловчининг 10 %и хотин-қизлар эди. Москвадаги Шарқ меҳнаткашлари коммунистик университетида 1923 йил 77 нафар туркистонлик ёшлар таълим олди: ўзбеклар 24, туркманлар 24, қозоқ-қирғизлар 29 нафар эди.

Ўрта махсус таълим ўқув юртлари: ҳунар-техника таълими мактаблари, техникумлар, махсус билим юртлари Ўзбекистоннинг бу даврдаги таълим тизимида фойдали ва алоҳида ўрин эгаллайди. Республикада 20-йилларда махсус ўқув юртлари: 6 та қишлоқ хўжалик техникуми, 1 та тиббиёт техникуми, 16 та ҳунар-техника мактаби ташкил қилинди, уларда 6800 нафар ёшлар ўқиди. Шу вақтда 5 та педагогика техникуми, 2 та педагогика билим юрти, 1 та хотин-қизлар билим юрти мавжуд эди. Ўзбекистонда 20 аср 40-йиллари бошида махсус билим юртлари сони 92 тага етди, уларда 12,6 минг нафар ўқувчи бор эди.

Илм-фан соҳасида 30-йилларда Қ.Ниёзий, А.Саъдий, А.Авлоний, И.Мўминов, Я.Фулломов, Т.Саримсоқов, Х.Раҳматуллин, Ҳ.Абдуллаев, С.Юнусов каби ўз илмий мактабига асос солган алломалар етишиб чиқди. Республикада Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти (СоюзНИХИ), Маданий қурилиш, Саноат-иқтисод, Саноат қурилиш, Ҳуқуқ-

тадқиқот институтлари, Гидрометеология институти, Гелиотехника лабораторияси, Астрономия Обсерваторияси ва унинг қошида Қуёш хизмати бўлими ташкил этилди.

Айниқса пахтачилик, унинг ҳосилдорлигини ошириш, тезпишар, сифатли янги навлар яратиш соҳасида муҳим янгиликлар қилинди. Геолог олимлар янги конлар, турли хил маъдан топилмаларни кашф қилди. 1927 йил Фаргона водийсида Шўрсув нефт кони очилди, Цемент ишлаб чиқариш учун хомашё топилди, натижада Қувасой цемент заводи қурилди. Мис, олтин, кумуш, қалай мармар конлари топилди ва ишга туширилди.

Ўзбекистон ХКС (ҳукумати) ҳузуридаги Фан қўмитаси негизида 1940 йил 9 январда СССР ФАнинг *Ўзбекистон филиали* таъсис этилди. Унинг таркибида 75 та илмий-тадқиқот институтлари бўлиб, 3024 та илмий ходимлар бор эди, уларнинг 109 нафари фан докторлари, 510 нафари фан номзодлари эди.

“Хужум” ҳаракати ХХ аср 20-йиллари иккинчи ярмида ўзбек хотин-қизларини тутқунликдан, паранжидан озод қилишга қаратилган эди. Ўзбек аёлларини паранжидан озод қилиш масаласани энг аввало фуқаролар орасида тушунтириш, маърифий йўллар орқали тинч ҳал қилиш мумкин эди. Жадидлар раҳбарлари Ф.Хўжаев, Фитрат, Чўлпон, А.Авлонийлар ҳам аёлларни паранжидан озод қилиш масаласини ўз олдига вазифа қилиб қўйган эди.

Шу мақсадда ташкил этилган республика, вилоят, туман, шаҳар ва қуйи совет ташкилотлари қошидаги бўлимларда дастлаб тўғри иш олиб борилди. Хотин-қизлар учун махсус клублар, артеллар, дўконлар, саводхонлик курслари очиш орқали хотин-қизлар жамоатчилиқ ишларига тортила бошланди.

ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг 1926 йил сентябрда махсус қарори асосида паранжи ташлаш ҳаракатини сунъий равишда тезлаштиришга киришилди. Оқибатда бу мажбурий ҳаракат “Хужум” номини олди. Паранжи ташлаш ҳаракатини ўзбек хотин-қизлари хурсандчилик билан кутиб олди, бироқ бу ҳаракат шошма-шошарлик, маъмуриятчилик йўли билан ўтказилди. Бу тадбирга ҳатто эркак коммунистлар ҳам тайёр эмас эди.

1927 йил 8-мартда бўлган кўплаб митингларда минглаб хотин-қизлар паранжиларини ташлашди. Унда коммунистларнинг ҳам хотинлари бор эди, лекин улар эртасига яна паранжини ёпинишга мажбур қилинди.

«Хужум» ҳаракати 1927-1928 йй. янада кенгайиб 1927 йил баҳорида 100 минг аёл паранжи ташлади, улар учун 32 та саводсизликни тугатиш мактаблари ташкил қилинди. Судларнинг халқ маслаҳатчилари орасида 1927-1929 йй. 563 та ўзбек аёллари бор эди. 1927 йил касаба уюшмаларига 7169, матлубот кооперацияларига 5916 аёл аъзо бўлди, 2343 аёл давлат органларига сайланди.

1926 йил биргина Тошкент ва Фаргона вилоятларида “Қўшчи” уюшмаларининг 4900 аёл аъзолари бор эди. Бу борада зўрлаш усуллари салбий натижа берди, ҳатто 10-15 яшар қизлар эрга бериб юборилди. 1927-1928 йй. 2,5 мингдан ортиқ фаол аёллар ўлдирилди. Аёлларга нисбатан

гайриконуний хатти-харакатлар учун 1928 йил 671 киши жазога тортилиб, 7 киши отишга ҳукм қилинди.

«Хужум» ҳаракати натижасида ўзбек аёли ижтимоий ишлаб чиқаришга ва энг огир меҳнат талаб қилинадиган ишларга тортилди. 1930 йил аёллар қишлоқ хўжалигида ишчи кучининг 80 % ини ташкил этди. Ўзбек хоти-қизларининг 273637 нафари 1937 йил саводсизликни тугатиш курсларини битирди.

Аёл ишчи ва хизматчилар сони 1940 йил 232 минг кишига етди, бу бутун республикадаги ишчиларнинг 40,7 %ига тенг эди. Улар тикувчиликда 82,3, қандолатчиликда 65,5, тўқимачиликда 88 %ни ташкил этарди. Ўзбек хотин-қизлари озодлиги курашининг намоёндалари Т.Шодиева, С.Холдорова, Х.Тиллахонова, М.Султонмуродова, Х.Мажидхонова сталинча катагонлик фожиясига учради.

Маданий қурилиш соҳасда коммунистик партиянинг сиёсати асосан XX асрнинг 20-30 йилларида “*шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият*”ни шакллантиришга қаратилди. “*Ленинча маданий инқилоб гоёси*”нинг бош мақсади кўп миллатли советлар мамлакатида ягона социалистик маданиятни таркиб топтириш эди. Бу маданият миллий белги, шаклларни расман кўзда тутсада, амалда ҳар бир халқнинг ўзига хос тарихий ва маданий меросини инкор этарди.

“Худосизлар жамиятлари” тузилиб, дин ва унинг пешволарига қарши атеистик кураш ва тарғиботни авж олдириди, одамлар онгига коммунистик гоёлар сингдирилди, руҳонийлар қувгин ва қиргин қилинди.

1920 йил ўзбек мусикали *театрига*, 1933 йил Ҳамза номли академик драма театрига асос солинди. Ҳ.А.Абдурасулов, О.Ф.Абдуганиев, Д.Ҳ.Ибодов, М.Т.Тошмухаммедов, М.Шерозий, Ш.Шоумаров, А.Ҳидоятлов, Сорахоним, Тамарахоним, Лутфихоним, Мукаррамахоним каби санъаткорлар етишиб чиқди. Москвада 1937 йил ўтказилган 1-ўзбек санъати ва адабиёти декадасида “Фулсара”, “Лайли ва Мажнун” опералари, “Фарход ва Ширин” мусикали драмаси намоёниш этилди.

Кино санъати 30-йилларда Ўзбекистонда янгидан шаклланиб борди. Шу даврда “Асал”, “Қасам”, “Ровот кашқирлари”, “Азамат” каби фильмлар яратилиб экранларга чиқарилди. Бу фильмларни ўзбек кино усталари К.Ёрматов, Н.Ғаниев, С.Хўжаев, Й.Аъзамов, Р.Пирмухаммедов яратди. Республика 20-20 йилларда кўплаб маданий иншоотлар қурилди, 1932 йил 707 та кутубхона, 3087 та клуб, 409 та киноқурилма, 32 та театр, 13 та музей фаолият кўрсатди.

Советлар инсонларни тарбиялашда *адабиёт ва санъат*нинг аҳамиятини ҳисобга олиб адабиётни социализм қурилиш хизматиға фаол жалб этишга, янги тузумни мустаҳкамлашга хизмат қилдиришга интилди. ВКП(б) МҚ 1925 йил 18 июнда қабул қилган “Партиянинг адабиёт соҳасидаги сиёсати тўғрисида” қарорида Совет мафкурасиға зид адабиёт “буржуа мафкураси хизматкори” - деб эълон қилинди.

Бу йилларда А.Қодирий “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, Чўлпон “Кеча ва кундуз”, С.Айний “Одина”, “Судхўрнинг ўлими”, Фитрат

“Абулфайзхон”, Ойбек “Қутлуг қон, Ғ.Ғулом “Кўкан”, “Ёдгор” каби бадиий гоёси юксак асарларини яратди.

Қатағонлик сиёсати

Тоталитар тузумнинг кучайиши. XX аср 20-йиллари иккинчи ярмида Советлар ҳокимиятининг бошқарув-идора тизимида ҳам кескин ўзгариш юз берди. Сталин ўзининг яккаҳокимлигини қарор топтиришга ҳаракат қилди. Сталин томонидан 20-йиллар охирида янги назарий қараш сифатида илгари сурилган “Социализм мустаҳкамланиб борган сари синфий душман қаршилиги ҳам кучайиб боради” - деган гоё гайриқонуний ҳаракатларнинг авж олишига олиб келди.

Ленин асос солган тоталитар бошқарув (маъмурий-буйрукбозлик) тизимини Сталин янада кучайтирди. Бу тизимнинг моҳияти: бошқарув марказлашган ва буйрукбозлик тарзида бўлади, барча соҳалар назорат қилинади, турли фикр, муҳолифатчилик ва сиёсий эркинлик тақиқланади, демократия бузилади, илгор кучлар қатағон қилинади, ҳукмрон партия (КПСС) зўравон бўлади.

Миллий кучларни бўлиб ташланиши. Ўз миллатининг истиқболини кўзлаб ҳақиқатни айтишга журъат қилган миллат вакилларини огмачилик, бузгунчиликда айблаб, миллатчи, халқ душмани, аксилинқилобчи, буржуа малайлари каби асоссиз айб қўйилди. Совет мафкурачилари ўзбек миллий кадрлари шанини булгаш учун “18 лар гуруҳи”, “иногомчилик”, “косимовчилик” деган сиёсий ишларни тўкиб чиқарди. Уларнинг “ягона” гуноҳи ўз миллати ташвишини кўзлаб муҳим муаммоларни ҳал этишга юқорининг эътиборини жалб этганлиги эди.

“18 лар гуруҳи” республиканинг таниқли арбоблари: И.Хидиралиев, М.Саиджонов, У.Аширов, Р.Раҳимбобоев, Р.Рафиқовдан иборат бўлган. “18 лар гуруҳи” аъзолари кўп масалаларда нотўғри йўл тутганликда айбланди. Аслида улар Марказнинг улугдавлатчилик ва шовинистик, миллий кадрларга беписадлик сиёсатига қарши чиқиб, адолатни ҳимоя қилган.

“Иногомчилик” гуруҳига ҳам айблар тўкиб чиқарилган. Р.Иногомов ЎзКП(б) МҚ Матбуот бўлими мудири ва ЎзССР Маориф халқ комиссари вазифасида ишлаган. Р.Иногомов 1926 йил эълон қилган “Ўзбекистон зиёлилари” деган рисолада Октябр ўзгариши ўзбек халқи учун қутилмаган воқеа бўлди ва унга ўзбек меҳнаткашлари тайёр эмас, деган гапларни ёзган. Рисолада зиёлилар ҳақида Октябргача бўлган даврда “Рус истибдодига қарши мустақиллик ҳаракатида тарихий ролни зиёлилар ўйнаган” - деган ҳаққоний фикрлар илгари сурилган.

Р.Иногомов ўзининг бир қатор нутқларида ЎзКП мустақил фаолият юрита олмайганига, Марказнинг назаротчи органларининг ўлка ҳаётидаги зўравонлигига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Иногомов қарашларини маҳаллий партия, совет органлари масъул ходимларидан: Н.Мавлонбеков, И.Исамухаммедов, М.Алиев қўллаган. Иногомов ва унинг тарафдорлари партия ташкилотларида 1926-1927 йй. бир неча бор муҳокама қилинди. Улар

огмачи гуруҳбозликда айбланиб, вазифаларидан олинди, номлари қораланди, тавба қилишга мажбур этилди.

“Қосимовчилик” гуруҳини совет режими 1929-1930 йй. миллий кадрларни, зиёлиларни қатагон қилиш мақсадида айблади. “Қосимовчилик” гуруҳи 1929 йил иккинчи ярмида қамокқа олинди ва улар ЎзССР Олий Суди раиси С.Қосимов ва унинг маслақдошлари деб топилган Н.Алимов, Б.Шарипов каби 7 киши эди. Бу гуруҳнинг “айблов иши”га сиёсий тус берилиб, улар республикадаги миллатчи ташкилотлар билан алоқа боғлаганликда айбланди. Шунингдек “босмачилик” ҳаракатига ён босганликда қораланиб 4 киши отишга, 3 киши кўп йиллик қамок жазосига ҳукм қилинди.

Ўзбекистон истиқболи учун фидойилик кўрсатган Ф.Хўжаев, Т.Рисқулов, А.Раҳимбоев, А.Икромов, И.Ортиқов, А.Каримов каби маҳаллий раҳбарларнинг қисмати ҳам фожиали яқун топди. Совет ҳукумати 1937-1938 йй. Ўзбекистонда йирик аксилинқилобий тузилмалар борлигини тўқиб чиқарди.

А.Икромов ва Ф.Хўжаев бошчилигидаги “Буржуа-миллатчилик аксилинқилобий ташкилоти маркази”ни, А.Қориев раҳбар бўлган “Мусулмон руҳонийларининг миллатчи-исёнчилар ташкилоти”, “Аксилинқилобий ўнг троцкийчи жосуслар ташкилоти маркази”, “Бухоро ва Туркистон бахт-саодати”, И.Ортиқов бошлиқ “Ёшларнинг аксилинқилобий буржуа-миллатчилик ташкилоти”, “Инглиз жосуслик резидентураси”, “Япон жосуслик-қўпоровчилик резидентураси” номли аксилинқилобий ташкилотлар тўқиб чиқарилди. Ўзбекистонда 1937-1939 йй. 43 мингдан зиёд киши қамокқа олинган, 6920 таси отилган, 37 минг нафари қамок ва сургунга ҳукм этилган.

Зиёлиларнинг қувғин қилиниши. Давлат сиёсий бошқармаси (ҒПУ) ва Ички ишлар халқ комиссарлиги (НКВД) ҳибсга олиш ва йўқ айбларни тўқиш билан шугулланган. Қатагон даврида тузилган “Учлик” ҳар қандай кишини айблаб, жазога маҳкум эта оларди, бу гуруҳ сиёсий бошқарма, ички ишлар ва маҳаллий ҳокимият вакилларида иборат бўлган. “Учлик” – сиёсий бошқарма (ҒПУ), ички ишлар (НКВД) ва маҳаллий ҳокимият вакилидан тузилган.

“Миллий иттиҳод” ва «Миллий истиқлол» ташкилоти Мунавварқори Абдурашидхонов бошчилигида халққа зиё тарқатиб келган. Ташкилотнинг 87 аъзосидан 15 нафари Москвада отиб ташланди, қолганлари қамок жазосига ҳукм қилинди. Ўзбек адабиётининг вакиллари А.Қодирий, А.Фитрат, А.Чўлпон, У.Носир, Элбек (Машриқ Юнусов), М.Боту, Ғ.Юнус “халқ душмани” сифатида қатагон қилинди.

Профессор Ғози Олим Юнусов 50 дан зиёд асарлар муаллифи, араб, форс, немис, инглиз ва барча туркий тилларни пухта билган, рус, араб ва немис тилларида Самарқанд университети, Тошкент педагогика институти, Тил ва адабиёт илмий тадқиқот институтида маърузалар ўқиган.

Асарлари дунёга машҳур комусий олим Саид Ризо Ализода 30-йиллар қатагонига учраб Владимир турмасида азобда оламдан ўтди. Лаҳорда 1923-1934 йй. 10 дан зиёд асари, хусусан “Ахборот” китоби чоп этилган. У 1919

йилдан нашр қилган “Инқилоб шуъласи” журнал Туркистон, Туркия, Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистонга тарқалган.

Яхши мутахассис ва фан арбоблари бўлиб етишган, 20-йилларда Бухоро ва Туркистон республикалари ташаббуси билан хорижга ўқишга юборилганлар атайин қатагон қурбонлари бўлдилар. Германия ёки Туркияда таълим олганларга ўша мамлакатнинг жосуслари деган айб қўйилди. Бунинг учун уларнинг уйдан чет элда босилган китоб топилса етарли далил эди. Германия ва Туркияда ўқиган ёш мутахассислар С.Жаббор, С.Мухаммад, М.Султонова “халқ душмани”, “чет эл жосуси” сифатида қатагон этилди.

Ўзбеклардан чиққан дастлабки фотограф ва киноматографлардан бири Х.Девонов 1938 йил 60 ёшида асосис айб билан отилди. 1936 йил “Правда Востока” газетаси тақдим қилган “Лейка” фотааппарати унинг бошига бало бўлди. Гўёки уни “халқ душмани” Ф.Хўжаев тақдим қилган ва Ф.Хўжаевнинг “думи” сифатида айб қўйилган.

Хоразм вилояти Гурлан туманидаги Беговул қишлоғида аёлларни ўқитган 80 ёшли онахон Бибижон Исмоилова “Ахлоқи Мухсинин” (Яхши хулқлар) китобини ўқиб ўтиргани учун айбланган. Момо диний китоб ўқишда айбланиб қамоққа олинадиган ва қийноқлар оқибатида оламдан ўтади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари оёқости қилинаётган пайтда СССРнинг “голиб социализм” Конституцияси ва унга мувофиқ қабул қилинган Ўзбекистоннинг Асосий қонунида инсон ҳуқуқлари, совет демократияси ҳақида лоф урди.

Президент ташаббуси билан қатагон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш учун Тошкентда 2000-2002 йй. “Шахидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи ва “Қатагон қурбонлар хотираси” музейи барпо этилди. Президентнинг 2001 йил 1 майдаги фармони билан 31-август куни “Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини” деб эълон қилинди.

Таянч сўзлар: “Хужум, Қатагон, “Учлик”, ГПУ, НКВД, “18 лар гуруҳи”, “Иногомчилик”, “Қосимовчилик”, “Миллий иттиҳод”,

XVII-боб: Ўзбекистон иккинчи жаҳон уруши йилларида (1939-1945)

1-§. Ўзбекистоннинг урушга тортилиши.

Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалиғи фронт хизматида

Урушнинг бошланиш сабаблари. Германия 1939 йил 1 сентябрда Полшага бостириб кириши билан иккинчи жаҳон уруши бошланган. Бу уруш 61 мамлакатни, ер шари аҳолисининг 80 %ини, яъни 1,7 млрд. кишини ўз домига тортди. Иккинчи жаҳон урушини йирик давлатлар ўртасидаги ихтилофлар, тажовузкор кучларнинг дунёга ҳукмрон бўлиш учун интилишлари келтириб чиқарди. Иккинчи жаҳон урушини асосий босқинчи давлатлар: фашистлар Германияси ва Италия ҳамда Япония бошлади. Германия уюштирувчи, етакчи рол ўйнади.

Фашизм агрессив, урушқок сиёсий куч ва сиёсий партия сифатида биринчи жаҳон уруши тугаши билан Италия ва Германияда вужудга келди.

Фашистик кучларни биринчи жаҳон уруши якунларидан норози бўлган, дунёни қайтадан бўлишга ва дунёда ҳукмрон бўлишга интилувчи йирик молия-саноат корхоналари эгалари, ҳарбийлар ҳар томонлама қўллади.

Фашистлар иккита жаҳон уруши орасида кучайиб: Германия, Италия ва бошқа мамлакатларда сиёсий ҳокимиятни эгаллаб, Германия ва Италия фашистлари ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузиб, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралаша бошлади. Шу тариқа Гарбда, Шарқда, Ўрта ер денгизида уруш ўчоқлари вужудга келди. Фашистлар блоки мамлакатлари биринчи жаҳон урушида маглубиятга учрагани учун халқаро муносабатларни ўзгартириш, дунёни қурол билан қайтадан бўлиш мақсадида урушга тайёрланди.

Фашистлар блокига Англия, Франция ва АҚШдан иборат *иккинчи гуруҳ* қарши туради. Биринчи жаҳон урушида голиб чиққан бу гуруҳ эгаллаган ерларни саклаб қолишга, ҳукмрон мавқеини мустаҳкамлашга, ўз рақобатчиларини заифлаштиришга интилди.

Иккинчи жаҳон урушининг **1-даври** 1939 йил 1 сентябрдан – 1941 йил 22 июнгача. Германия бу даврда Гарбий ва Марказий Европада ҳукмронлик ўрнатди. Германия ва Италия бу даврда 10 та давлатни: Польша, Чехославакия, Югославия, Белгия, Голландия, Люксембург, Дания, Норвегия, Австрия, Францияни босиб олди. Миллатлар лигаси тўхтади.

Германия Гарбий Европанинг ҳарбий, иқтисодий ресурсларини қўлга киритгач, ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартномани бузиб, уруш эълон қилмасдан 1941 йил 22 июнда СССР га хоинона ҳужум бошлади. Бу босқинчилик уруши эди. СССРга ҳужум характер жиҳатидан босқинчилик, адолатсиз уруш бўлиб, Германия билан унинг иттифоқчилари: Италия, Финландия, Венгрия, Руминия, Болгария урушга кирди.

1941 йил 22 июнда совет ҳукумати радио орқали халққа эълон қилган мурожаатномада: “Бизнинг ишимиз ҳақ иш! Душман тор-мор келтирилажак! Биз галаба қиламиз!” - деб айтилди. ВКП (б) МҚ Сиёсий бюроси 1941 йил 23 июнда партия ва совет органларини урушга мослаб қайта куриш тўғрисида қарор қабул қилиб: партия ва совет ҳукуматининг ҳарбий ҳолат тўғрисида; ҳарбий хизматга мажбур бўлганларни армияга сафарбар этиш тўғрисида; қурол-аслаҳа ишлаб чиқариш бўйича сафарбарлик режасини жорий этиш тўғрисида қарорлари эълон қилинди.

СССР ХКС ва ВКП(б) МҚ 1941 йил 29-июнда мамлакатни уруш талабига мослаб қайта куриш дастури - Фронт ёни вилоятлари партия ва совет ташкилотларига йўл-йўриқларини тасдиқлади. Бу йўл-йўриқнинг асосий талаби “Ҳамма нарса фронт учун! Ҳамма нарса галаба учун” эди. Мамлакат ҳаётининг барча соҳаларига раҳбарлик қилиш 1941 йил 30 июнда тузилган Сталин бошчилигида Давлат Мудофа Кўмитаси (ДМҚ) қўлида тўпланди. Унинг қарорини бажариш барча ташкилотлар учун мажбурий эди. Совет раҳбарияти Олий Бош Кўмондонлик тузиши, Сталин СССР Қуролли кучлари Олий Бош Кўмондони ва СССР Мудофа халқ комиссари қилиб тайинланиши барча соҳаларни ҳарбий изга туширди ва мамлакатни ягона ҳарбий лагерга айлантирди.

Ўзбекистоннинг урушга тортилиши. Урушнинг биринчи ойидаёқ Ўзбекистондан 32 мингдан кўп ишчилар, хизматчилар, колхозчилар, ёшлар фронтга жўнатишни сўраб ариза берди. 1941 йил июндан 1942 йил охиригача Ўрта Осиё ҳарбий округи фронт учун 109 та ҳарбий қўшилма тузди, ҳаракатдаги армияга ва Олий Бош Қўмондонлик захирасига 86 дивизия ва бригада жўнатди.

Ўзбекистон ҳукумати ва ватанпарвар кучлар миллий ҳарбий қўшилмалар тузиш ташаббуси билан чиқди. 1941 йил 13 ноябрдан 1942 йил мартгача 14 та миллий ҳарбий қўшилмалар, жумладан 9 та ўқчи бригада 5 та отлик аскарлар дивизияси тузилиб фронтга жўнатилади. Миллий қўшилма аскарларига ҳарбий таълим беришда Ўзбекистонда тузилган захирадаги 24-ўқчи дивизия катта рол ўйнади. Унинг бошлиқлари ва зобитлари таркибида 178 ўзбек хизмат қилди, бу дивизия 390 минг кишидан зиёд жанговар кучларни фронтга жўнатди.

И.Каримов 1996 йил “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир” асарида “Ўзбекистон аҳолиси 1941 йил 6,5 млн. кишини ташкил этган, уларнинг ярмини болалар ва кексалар ташкил этган бўлса, яроқли одамларнинг 50-60 %и, аниқроғи 1433230 киши урушга сафарбар бўлган” - деб ёзган эди.

Мехнат сафарбарлиги. Ўзбекистон фронт орқасини мустаҳкамлаш, хўжаликни ҳарбий изга туширишида ВКП(б) МҚ ва ДМҚ топширигига биноан ишлаб чиқилган ва 1941 йил 16 августда тасдиқланган 1941 йил 4-квартали ва 1942 йил учун ҳарбий хўжалик ишлар режаси асос бўлди. Бу режада Ўзбекистонда янги заводлар, шахталар қуриш, қурул, ўқ-дори, танк, самолёт, тўп ва замбараклар ишлаб чиқариш дастури белгилаб берилди. Ўзбекистонда бу тадбирларни амалга оширишга 1941 йил 25 августда ташкил этилган У.Юсупов бошлиқ махсус ҳукумат комиссияси раҳбарлик қилди.

1941 йил охиригача 300 га яқин корхона ҳарбий ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Урушнинг дастлабки пайтларидаёқ 20 мингга яқин Тошкентлик хотин-қизлар саноат корхоналари ва қурилишларда, 1700 га яқин республика хотин-қизлари кўмир шахталарида ишлашга йўл олдилар. 1941 йил июлдан “Ташселмаш” заводида 220 та хотин-қизлар фронтга кетган оталари, акалари, эрларининг ўрнига ишга кириб меҳнат қилдилар.

Колхозчи ва совхоз ишчиси 2-3 иш нормасини бажариш учун ишлади. Ишлаб чиқаришни ишчи ва мутахассислар билан таъминлаш учун ўқув юртлари фаолияти уруш даври талабларига мос кадрлар тайёрлашга йўналтирилди; яқка ва бригада тартибида хунар ўргатиш ишлари йўлга қўйилди.

Ўзбекларнинг инсонпарварлик фазилатлари. Уруш бўлаётган ҳудудлардан Ўзбекистонга муҳим саноат корхоналари, колхоз, совхоз ва МТСларнинг мулклари, маданий бойликлар ва ўқув юртлари кўчирилди. Ўзбекистонга миллион-миллион кишилар оқиб кела бошлади. Улар фашистлар вайрон қилган шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолиси, етим болалар эди.

Тарихда бундай катта воқеа биринчи марта содир бўлди. Ўзбекистонга 100 га яқин саноат корхонаси: жумладан 48 та машинасозлик, метал ишлаш, кимё, ҳарбий техника ва маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи йирик заводларнинг

асбоб-ускуналари кўчириб келтирилди. Ўзбек халқи урушнинг дастлабки йилларида кўчириб келтирилган Россия, Украина, Белоруссия, Молдавия, Болтиқбўйи республикаларидан 1 млн.дан кўпроқ кишини, 200 мингдан кўпроқ болаларни қабул қилди.

ЎзКП МК 1941 йил 3 декабрда кўчириб келтирилганларни жойлаштириш юзасидан қарор чиқарди. Кўчириб келтирилганларни ҳисобга олиш ва жойлаштириш билан ХКС ҳузурида 1941 йил 10 июлда тузилган махсус Республика комиссияси ва маҳаллий советларнинг ижроия қўмиталари қошида тузилган алоҳида бўлимлар шугулланди. Кўчириб келтирилганлар қисқа муддат ичида Андижон вилоятига 100 минг, Самарқанд вилоятига 165 минг, Наманган вилоятига 53600 киши жойлаштирилди. Ўзбекистон бўйича 1942 йил баҳоригача 716 минг киши, шу жумладан 200000 дан кўпроқ етим болалар қабул қилиб олинди.

ЎзССР ХКС қошида болаларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус комиссия тузилди. Унинг ишида 30 та хотин-қизлар фаолият кўрсатди. Ўзбекистон Халқ маорифи комиссарлиги ташаббуси билан болаларни қабул қилиш-таксимлаш маркази тузилиб вилоят, шаҳар ва туманларда қабул қилиш пунктлари очилиб, ўқитувчилар навбатчилик қилди. Милиция бўлимларида 30 дан ортиқ болалар хоналари ташкил этилди. Кўчириб келтирилган болалар турлича ёшда бўлгани учун 15 ёшгача бўлганлари болалар уйлари ва мактаб-интернатларга, 15 ёшдан катта болалар ишлаб чиқаришга жойлаштирилди.

Республика завод-фабрика таълими мактабларида ўқишга фабрика-завод таълими мактаблари, хунар ва темирўл билим юр்தларининг собик талабалари жалб этилди. 1942 йил 2 январда Тошкент шаҳрида хотин-қизларнинг йигилишида етим болаларни ўз тарбиясига олишга даъват этилган республика аёлларига мурожаат қабул қилинди. Ўзбекистон раҳбарларидан У.Юсупов ва Й.Охунбобоевлар оиласи ҳам етим болаларни ўз тарбиясига олди.

Тошкентлик темирчи уста *Ш.Шомаҳмудов* ва *Б.Акрамовалар* оиласи турли миллатга мансуб 14 болани фарзандликка олди. Урушдан ногирон бўлиб келган Каттакўргонлик *Ҳ.Саматов* оиласи 13 болани фарзандликка олди. Самарқандлик колхозчи аёл *Ф.Қосимова* оиласи 10 болани фарзандликка олди. *И.Каримов* 1996 йил “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир” деган асарида: “Ўша оғир, бир бурда нон тансиқ бўлган йилларда Ўзбекистон минглаб оилаларга бошпана, нон берди” - деб ёзган.

Ўзбекистон – жангчиларни соғломлаштириш маркази. Ўзбекистонга жўнатилган ярадор беморлар учун 1941 йил 1 октябргача 14950 ўринга эга бўлган 47 госпитал барпо этилди. Москва, Калинин ва Ростовдан 15900 ўринга эга бўлган 48 госпитал кўчириб келтирилди. Ўзбекистонда 39140 ўринга эга бўлган 113 та госпиталда ярадар жангчиларга тиббий хизмат кўрсатилди. Ўзбекистондаги госпиталларга уруш йилларида 164382 та ярадор жойлаштирилди, уларнинг 87 %и, яъни 143101 таси даволаниб чиқди. Ярадорларга 18482 нафар донор қон бериб турди.

Госпиталларга хўжаликлар ташкил этиш учун 1941 йил 385,5 гектар ер майдони ажратилди, 1943 йил 656 гектарни ташкил қилди. 1942 йил 1513

меҳнат жамоалари, шу жумладан 750 корхона, колхоз ва совхозлар госпиталларни оталиққа олиб ёқилги, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлади. Бухоро вилоятидаги госпиталларга 1943 йил ёқилгининг 80%ини оталиқ корхоналар етказиб берди.

Мудофаа фонди учун ишчи, колхозчи ва зиёлилар иссиқ кийим, шахсий жамгармаларини, қимматбаҳо буюмларини топширдилар. Ўзбекистон 1941 йил иккинчи ярмида 59 минг от тўплаб берди. Ўзбек раққосаси Тамарахоним 50 минг сўм топширди. Мудофаа фондига 650 млн. сўм пул, 22 млн. сўмлик қимматбаҳо буюмлар, 55 кг.га яқин олтин, кумуш ва қимматбаҳо металлар тўпланди. Аҳолига заём, пул-буюм лотореяси сотиш ҳисобига 4,2 млрд. сўм маблағ йиғилди.

Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалиги фронт хизматида

Саноат тармоқларининг йўналиши Ўзбекистонда ўзгариб, корхоналарда янги меҳнат режими жорий қилинди. Иш куни узайтирилди, ишдан кейин қолиб ишлаш жорий этилди, меҳнат таътиллари, дам олиш кунлари бекор қилинди. Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи ҳарбий қуроллар ишлаб чиқара бошлади. Андижондаги “Коммунар” ва “Строймашина” заводлари самолёт ва танкларга керакли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган бўлди. Қўқондаги Охунбобев номли тикувчилик фабрикаси ҳарбий кийимлар ишлаб чиқарадиган бўлди.

Тошкентдаги 137 саноат корхоналарининг 64 таси 1941 йил декабрғача қурол-яроғлар, фронт учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришди. Ўзбекистон бўйича 1941 йил охирига келиб 300 та саноат корхонаси фақат ҳарбий маҳсулот бера бошлади. Ўзбекистон раҳбари У.Юсупов “Ўзбекистон – бу фронт орқаси эмас, жанг майдони” - деган эди.

Ўзбекистон саноатини ҳарбий изга солиш, кўчириб келтирилган асбоб-ускуналарни жойлаштириш ишларига 1941 йил 5-7 декабрда бўлган ЎзКП МК 5-плenumsида яқун ясалди. Тошкентга келтириб жойлаштирилган “Ростселмаш” заводи “Катюша” ва миномёт снарядлари, Авиация заводи самолётлар, Колчугинскдан келтирилган Кабел заводи ҳарбий алоқа маҳсулотларини етказиб бера бошлади.

Ўзбекистонга кўчириб келтирилган корхоналар 4-5 ойда, айримлари 1-2 ойда қуриб битказилиб, маҳсулот бера бошлади. Уларнинг энг йириклари: Чкалов номли 84-авиация заводи, Москва кабел заводи, Харьков электростанок заводи, Кўтарма кранлар заводли, Ростов “Красний Аксай”, Сулск насос заводи, Вагон-ремонт заводи, “Красний путь” заводи, Киев “Трансигнал” заводи эди.

Ўзбекистондаги ҳарбий изга туширилган “Ташсельмаш” заводи бошқа корхоналардан келтирилган 438 станок, 200 дан ортиқ юқори малакали ишчилар ҳисобига кенгайди. Қодиров, Ҳакимов, Юсупов, Исмоилов каби усталар кунлик нормаларини 200-300 %га ошириб бажарди. Ўзбекистон саноатида урушнинг 1,5 йили мобайнида хотин-қизлар салмоғи 29 %дан зиёд ошди ва 1943 йил 63,5 %ни ташкил қилди.

Электр энергияси ва ёқилғи ишлаб чиқаришни Ўзбекистон саноат корхоналари қувватининг кенгайиши, кўчириб келтирилган заводларнинг ишга туширилиши талаб қилди. Бу муаммони ҳал этиш учун ВКП(б) МҚ ва СССР ХКС 1942 йил 18 ноябрда “ЎзССРда 5 та гидроэлектрстанция (ГЭС) қуриш тўғрисида” қарор қабул қилди. Яна металлургия заводи қуриш, кўмир ва нефт қазиб олишни кўпайтириш тадбирлари ҳам белгиланди. Янги саноат корхоналари ва энергетика тармоқлари қурилиши учун 1 млрд. сўм ажратилди.

Энг йирик гидроэлектростанция - Фарход ГЭСи қурилиши 1943 йил бошланди. Умумхалқ қурилишига айланган Фарход қурилиши ҳашар йўли билан бажарилиб, 10 ойда Сирдарё жиловланди. Уруш йилларида Бўзсув дарёсида: Товоксой, Оққовок, Салор, Қуйибўзсув, Оқтепа, Қибрай ГЭСлари; Самарқан вилоятида Талигулян ГЭСи, 30 га яқин кичик колхоз ГЭСлари қурилиб ишга туширилди. Ўзбекистонда электр энергияси ишлаб чиқариш 2,5 бараварга кўпайди, яъни 1940 йил 482 млн. кв/с. дан 1945 йил 1187 млн. кв/с. га кўпайди.

Кўмир қазиб оладиган дастлабки шахта 1940 йил охирида Охангарон дарёси оқимидаги Қурама тоғ тизмасида қурилган эди. Уруш даврида “Ангренугол” кўмир қонида яна 3 та шахта ва очик усулда кўмир қазиб оладиган қарер бунёд этилди. Ўзбекистон ва Қирғизистон чегарасида Қизилқия кўмир қони ишга туширилгач ўта иссиқлик қувватига эга бўлган қўнғир кўмир қазиб олинди. 1940 йил атиги 3,4 минг тонна кўмир қазиб олинган бўлса, 1945 йил 103 минг тонна кўмир қазиб олиниши натижасида Ўзбекистон саноатининг янги тармоғи – *кўмир саноати* барпо қилинди.

Андижон, Полвонтош, Чангартош, Чимён **нефт** қонларида маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайтирилди. Уруш йилларида Чуқурлангар, Толмозор, Найман, Шаҳрихон, Хўжаобод, Жанубий Оламушук янги нефт қонлари ишга туширилди. Нефт тозалаш заводи, озокерит ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўзбекистонда уруш йилларида нефт ишлаб чиқариш 4 марта кўпайди ва 1945 йил 478 минг тоннадан ортди.

Машинасозлик саноатининг ривожланишига энергетика ва ёқилғи саноатининг ўсиши қулай база яратди. Гарбдан кўчириб келтирилган заводлар базасида 16 та станоксозлик, тўқимачилик ва машинасозлик корхоналари ташкил этилди. **Металга** талаб ошиб борди. Бекободда **металлургия заводи** қуриш ҳақида Ўзбекистон ХКС 1942 йил 17 июнда қарор қабул қилди.

Россия ва Қозогистон саноат корхоналаридан асбоб-ускуналар келтирилди; завод қурилишида 30 мингдан кўпроқ киши иштирок этди. Белорецк, Добрянкa, Гурев, Макейевка заводларидан пўлат эритувчи мутахассислар келди. Ўзбекистонликлар Урал ва Сибирда мартен, прокат ишларини ўрганиб келди.

Ўзбекистоннинг *1-металлургия* (Бекобод) заводи 1944 йил 5 март куни дастлабки металл маҳсулотларини бера бошлади. Тез кунда заводнинг 1-навбати, 1945 йил февралдан 2-навбати ишга туширилди.

Қора ва рангли металл конларини уруш йилларида ўзлаштириш бошланди. Лангар, Ингичка, Қўйтош, Ғўртепа, Олмалик рангли металл конлари, Октош боксит кони ўзлаштирилди.

Ғоркий ва Сталиногорск **кимё комбинатларидан** кўчириб келтирилган ускуналар асосида 1944 йил январда Чирчиқ электрокимё комбинатининг 2-навбати қурилиб, аммиак ишлаб чиқара бошлади. Қувасой кимё заводи, Қўкон суперфосфат заводи, Фаргона гидролиз заводи 1943 йил қурилиб ишга туширилди. Кимё саноати маҳсулотлари салмоғи 1940 йилга нисбатан 1945 йилда 6,5 бараварга кўпайди. Яна 1943 йил 12 та ёғ заводи, 3 та пахта тозалаш заводи, 4 та канд ва 4 та консерва заводлари қурилиб ишга туширилди. Хунар ва темирйўл билим юртлари, фабрика-завод таълим мактаблари 57 мингдан зиёд ёш ишчи кадрларни тайёрлаб берди. Республикада 100 мингдан кўпроқ малакали ишчилар тайёрланди.

280 та янги саноат корхоналари Ўзбекистонда уруш йилларида қуриб ишга туширилди. Саноатнинг янги тармоқлари: авиация, станоксозлик, огир машинасозлик, қора ва рангли металлургия вужудга келди. Ялпи саноат маҳсулотида огир саноатнинг ҳиссаси 1940 йил 13,9 %ни ташкил этган бўлса, 1945 йил 47,5 %ни ташкил этди.

СССРнинг энг катта саноат марказларидан бири Тошкент шаҳари бўлиб қолди. Бекобод *саноат шаҳри* сифатида вужудга келди. Янгийўл, Чирчиқ каби ёш шаҳарлар ривож топди. Ўзбекистон саноатчилари фронтга 2090 самолёт, 17342 авиамотор, 2318 минг авиабомба, 1,7 минг миномёт, 22 млн. мина, 560 минг снаряд, 1 млн. граната, 330 минг парашют, 100 минг км. махсус сим, 125 минг км. телефон кабеллари етказиб берди.

“Тошкент **темирйўли** иши тўғрисида” махсус қарор 1943 йил 25 январда қабул қилинди. Темирйўл ҳарбий ҳолатга ўтказилди, унда ишловчилар сафарбар этилган деб ҳисобланди. Ўзбекистон темирйўлчилари 1941-1942 йй. 2700 составдаги пассажир поездларини, кўчирилган корхоналарнинг асбоб-ускуналари ортилган 17600 вагонларни мўлжалга етказишди. Ўзбекистонда 1941-1945 йй. темирйўл линиялари икки баравар узайди. Тошкент-“Ангрен-угол”, Бойсун-Отқулоқ-Турангли-Тошкент товар станцияси темирйўллари қурилди.

Ўзбекистонда уруш йилларида Тошкент-Самарканд-Ашхобод, Тошкент-Самарканд-Боқу, Тошкент-Самарканд-Краснаводск **телефон** линияси; 2 та Тошкент-Самарканд-Бухор телефон алоқа йўллари қурилди. 1943 йил қурилган 500 км. телефон йўли Тошкентни Хоразм ва Қорақалпоғистон билан боғлади. Йирик корхоналарда ҳам 50-100 ўринли телефон станциялари қурилди. Уруш йилларида **почта** ходимларининг хизмати ўсди. 1941 йил 1 та почта ходими 50 минг хат-хабар жўнатган бўлса, 1942 йил 74,5 мингга, 1943 йил 77,5 мингга етди.

Қишлоқ хўжалигининг барча бўғинларида уруш даврида катъий иш тартиби белгиланди. Энг кам миқдордаги мажбурий меҳнат кунлари 1,5 бараварга оширилди. Ўсмирлар учун ҳам 12 ёшдан меҳнат кунлари белгиланди. Белгиланган миқдордаги меҳнат кунларини бажариш мажбурий қилиб қўйилди. Республика деҳқончилигининг структураси кескин ўзгариб, пахтачиликни асосий тармок сифатида сақлаб қолган ҳолда дон, канд

лавлаги, каноп, пилла, сабзавот, полиз маҳсулотларини кўпайтириш тадбирлари кўрилди.

Уруш йилларида Каттакўргон, Косонсой, Рудасой сув омборлари; Юқори Чирчик, Шимолий Фаргона, Сўх-Шоҳимардон, Учқўргон каналлари курилди. 1942 йил феврал-мартда барпо этилган Шимолий Тошкент канали 15 минг гектар ерни сугориш имконини берди. Республиканинг сугориладиган ер майдонлари 454,7 минг гектарга кенгайди.

ЎзКП(б) МҚнинг 1941 йил декабрда бўлган 5-плenumsида У.Юсупов Ўзбекистонда галла масаласини ҳал қилиш, ўзимизни ўзимиз ун-нон билан таъминлашимиз керак деган вазифани илгари сурди. 1942 йил 1408,1 минг гектар, 1943 й. 2090,2 минг гектар ерга галла ва дуккакли экинлар экилгач дон маҳсулотлари етиштириш кўпайиб, республика эҳтиёжлари қондирилди, натижада 1941 йил 4,8 млн. сўм ўрнига 1943 йил 5,3 млн. сўм олинди.

Ўзбекистон учун янги тармоқ – қанд лавлаги етиштириш йўлга қўйилиб Самарқанд, Фаргона, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари лавлаги етиштирига ихтисослаштирилди. 1942 йил 65 минг гектарга, кейинги йилларда 70 минг гектар лавлаги экилди. Жиззах ва Пастдаргом туманларида ҳар гектардан 400-800 центердан лавлаги ҳосили олинди. Қанд лавлагини қайта ишлаш, шакар, қанд ишлаб чиқариш учун Зирабулоқ, Қўқон, Янгийўл қанд заводлари курилди.

Ўзбекистон уруш йилларида бутун Иттифоқ (СССР)да ишлаб чиқарилган қанднинг 1/4 қисмини берди. Республика бўйича 1944 йил 1 млн. 373 минг сўмлик, 1945 йил 1 млн. 646 минг сўмлик қанд лавлаги топширилди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимлари уруш йилларида давлатга 1262 минг тонна дон, 54,1 минг т. пилла, 482 минг т. сабзавот, 57,5 минг т. мева, 36 минг т. куруқ мева, 159 м.т. гўшт, 22,3 м.т. жун маҳсулотлар етказиб берди.

Пахтачилик уруш йилларида ҳам қишлоқ хўжалигининг муҳим соҳаси бўлиб, 1942-1943-йй. пахта тайёрлаш режаси бажарилмай қолди, давлатга 1 млн. тонна пахта кам топширилди. Бунга сабаб: 1941-1943 йй. пахта майдони 927650 гектардан 625343 гектарга камайди, механизация етишмади; минерал ўғитлар, ёқилги камайган эди; ерни ишлаш, сугориш тармоқларини тозалаш учун ишчи кучи етишмаганидан агротехника ёмонлашди.

Пахта майдонларини қисқартириш ҳисобига дон, қанд лавлаги, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириладиган экин майдонлари кўпайтирилган эди. Республика раҳбарлари Москвага чақирилиб, уларни пахта тайёрлашни ўз ҳолига ташлаб қўйишда, лаёқатсизликда айблади. Пахта режасини бажариш, пахтани янада кўпайтириш талаб қилинди.

Бошқаршнинг маъмурий-буйруқбозлик зуғуми ВКП МҚнинг 1944 йил 6 мартда қабул қилинган “ЎзКП МҚнинг иши тўғрисида”ги қарориде ўз ифодасини топди. ЎзКП МҚнинг 1944 йил апрелда бўлган X-плenumsида бу қарорни бажаришга доир тадбирлар ишлаб чиқилди: колхозлар мустаҳкамланди, бригада ва звенолар қайта тикланди, донли экинга ўтган кўп хўжаликлар пахтачиликка қайтарилди, колхозчилар учун мажбурий меҳнат кунлари яна оширилди.

Иттифок (СССР) ҳукумати Ўзбекистон пахтакорлари учун 2300 янги трактор, 300 юк автомобили, 375 минг тонна минерал ўғит ва қишлоқ хўжалик ускуналари ажратди. Ўзбекистонда пахта тайёрлаш режаси 1944 йил бажарилди. 1943 йилга нисбатан 325 минг тонна кўп пахта топширилди, 1945 йил ҳам пахта тайёрлаш режаси бажарилди. Уруш йилларида 4 млн. 806 минг т. пахта хомашёси етказиб берилди.

Уруш йилларида ишчилар билан деҳқонлар ўртасидаги жипслик, ўзаро ёрдам янада кучайди. Фарҳод ГЭСи қурилишида 70 мингга яқин кохозчи қатнашди. Фронт орқасидаги меҳнати учун 160 мингга яқин киши “Шуҳрат” медали билан мукофотланди.

Аҳоли турмуши. Ҳамма нарса фронтга сафарбар этилиши натижасида озиқ-овқат танқислиги вужудга келиб шаҳарларда озиқ-овқат, саноат молларини *карточка* асосида тақсимлаш жорий этилди. Ишчи ва хизматчиларга кунига 400-500 гр., оила аъзоларига 300 гр. нон бериш белгиланди.

Озиқ-овқат ва саноат молларини меъёрланган тарзда тақсимлаш қишлоқ аҳолисига жорий этилмади. Уларнинг турмуши янада огирлашди, чунки улар ишлаган меҳнат кунлари учун деярли ҳақ ололмасди. Қишлоқ аҳолисига озиқ-овқат моллари матлубот кооперацияси дўконларида топширган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари миқдорига қараб қатъий меъёрланган миқдорда бериларди.

Аҳолини озиқ-овқатлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида саноат корхоналари қошида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилди. Уларга вақтинча фойдаланиш учун 53 минг гектар ер ажратилди. Озиқ-овқат танқислиги шароитида пул кадрсизланиб, чайқовчилик авж олди.

И.Каримов 1996 йил “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир” асарида: “Мамлакат ичкарасида уруш йилларида юз минглаб ватандошларимиз чеккан захматларни.. эсдан чиқариб бўладими” - деган эди.

Таянч сўзлар: Иккинчи жаҳон уруши, Германия, Италия, Япония, фашизм, фронт, Ш.Шомаҳмудов, Б.Акрамова, Ҳ.Саматов, Ф.Қосимова, мудофаа фонди, фронт орқаси, қанд лавлаги.

2-§. Уруш йилларида фан, маориф ва маданият. Ўзбекистоннинг қардош халқларга ёрдами

Илм-фан ғалаба учун. Урушнинг дастлабки кунидан СССР ФАнинг Ўзбекистон филиали, 75 та илмий муассасалар, 25 та илмий-тадқиқот институтлари, 23 та илмий станция хўжалик ҳаётини ҳарбий изга солишга жалб этилди. Олимларнинг тадқиқотларини мувофиқлаштириш мақсадида 1941 йил 29 ноябрда Ўзбекистон Илмий муҳандис-техника жамияти тузилди.

Гарбий худудлардаги йирик шаҳарлардан СССР ФАнинг тарих, иқтисодиёт ва ҳуқуқ, жаҳон хўжалиги ва сиёсати, шарқшунослик, жаҳон адабиёти, моддий маданият, тупроқшунослик, сейсмология институтлари, музей ва кутубхоналар Ўзбекистонга кўчириб келтирилди. СССР ФАнинг

375 та олим ва ходимлари кўчиб келди. Олимлар эътиборини муҳофаза саноати учун зарур бўлган табиий ресурсларни излаб топишга қаратди.

Геолог олим Ҳ.Абдуллаев тадқиқотлари натижасида қалай, волфрам, молибден, ўтга чидамли минераллар, нодир металллар ва бошқа хомашё конлари топилди. А.Укионский бошчилигида геологлар гуруҳи темир конини топиши Ўзбек металлургия комбинати қурилишида катта воқеа бўлди. Д.Богданов ва муҳандис Г.Чикризлов Ангренда кўмир конининг бой захираларини топиб янги шахталар қуришга кўмаклашди.

Сирдарёдаги Фарҳод ГЭСи лойиҳасини ишлаб чиқишда ирригаторлар А.Аскоченский, В.Пославицкий фаол иштирок этди. Лойиҳачиларга академиклар Г.Графито ва В.Веденеев қимматли маслаҳат берди. Кимёгар олимлар нефтнинг сувини кетказиш, олтингугуртдан тозалаш, кўмирни кокслай, пахта чиқиндиларидан фойдаланиш, этил спирти, сода, кислота олишнинг янги усуллари яратди. Кимёгарлар тадқиқоти натижасида турли дори ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тошкентда фармацевтика заводи ишга туширилди.

Бутуниттифок *пахтачилик* илмий-тадқиқот институти пахтанинг янги навларини яратишда изланишлар олиб борди. Селекционерлар С.Канаш ва А.Автономов бошчилигида вилт касаллигини юқтирмайдиган янги навни яратди. С.Канаш яратган С-460, Л.Румшевич яратган Ф-108 юқори ҳосилли навлар ҳамда бошқа узун толали навлар пахтачиликнинг ривожига улкан ҳисса бўлди.

Ўзбекистонда экиб келинган америка пахта навларини янги навлар билан алмаштириш 1944 йил тугалланди. Самарқандда жойлаштирилган Тимирязов номи *қишлоқ хўжалик академияси* ходимлари билан республика олимлари ҳамкорликда ғўза, бугдой ва қанд лавлагини алмашлаб экиш усулини жорий қилди ва қанд лавлагидан мўл ҳосил олишга кўмаклашди.

В.Струве, В.Шишкин, Е.Бертелс, И.Додонов, В.Зоҳидов, Н.Иноятов, А.Якубовский, М.Массон, С.Толстов, Я.Гуломов Ўзбекистоннинг энг қадимги ва ўрта асрлар тарихи, маданияти, этногенези бўйича асарлар тайёрлади. Икки жилдлик “Ўзбекистон халқлари тарихи”ни тайёрлашга киришди. “Ўзбек адабиёти тарихи” асарини ёзувчи А.Толстой раҳбарлигида рус ва ўзбек олимлари яратди.

1943 йил 4 ноябрда **Ўзбекистон Фанлар Академияси** (ЎзФА) очилди. Унинг 1-президенти этиб Т.Н.Қори Ниёзий сайланди. Тез орада Тил, адабиёт ва тарих институти базасида янги илмий муассасалар: Тарих ва археология, Тил ва адабиёт, Шарқшунослик, Иқтисодиёт, Математика ва механика, Тупроқшунослик, Физика-техника институтлари ва лабораториялар ташкил этилди.

Ўзбекистон ФА таркибида 1945 йил 23 та илмий муассаса, шу жумладан 2 та илмий тадқиқот институти, 2 та лаборатория ва тажриба станциялари фаолият кўрсатди. ЎзФАнинг 3 фахрий аъзоси, 15 ҳақиқий аъзоси, 20 мухбир аъзоси ва 1265 илмий ходими, 54 та фан доктори, 172 та фан номзоди илмий тадқиқот ишлари олиб борди. Улар орасида физика-математика фанлари докторлари Т.Саримсоқов ва В.Романовский, геолог

олим Х.Абдуллаев, физик С.Умаров, файласуф И.Мўминов, адиб С.Айний, ёзувчи Ойбек, шоир Ғ.Ғулом бор эди.

Шарқшунослик институти олимлари Шарқ қўлёзмалари асосида тайёрлаган форс, араб ва туркий тилларда ёзилган қўлёзмалар тўплами 3 жилддан иборат бўлиб, уларда 300 га яқин қўлёзма тавсифлаб берилди. ЎзФА Президиумида 1944 йил аспирантура ташкил этилиб, ўша йили 60 киши, шу жумладан 41 нафар ўзбек қабул қилинди. Академия институтларида 1944 йил 2 та докторлик, 17 та номзодлик диссертациялари ёқланди. Уруш йилларида ўзбекистонлик олимлар 1000 дан ортиқ илмий ишларни бажарди. Уларнинг кўпчилиги халқ хўжалик ва муҳофаа аҳамиятига эга бўлди.

Маориф ва олий таълим. Кўпчилик профессор-ўқитувчилар, талабалар фронтга сафарбар этилгач Самарқанд кооператив институти ва Тошкент молия-иқтисодиёт институти, Тошкент ва Самарқанд тиббиёт институтлари, Ўзбек ва Ўрта Осиё давлат университетлари бирлаштирилди. Ўзбекистонга 1941-1943 йй. Москва, Ленинград, Киев, Харьков, Воронеж, Одесса шаҳарларидан 35 олий ўқув юрти ва 7 ҳарбий академия кўчириб келтирилди. Улар ўзаро ёки Ўзбекистон олий ўқув юртлари билан бирлаштирилди.

Москва ва Ленинградлик олимлар талабаларга янги курслар бўйича маърузалар ўқиди, илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга кўмаклашди. Тошкент индустрия институти илмий жамоаси Бекобод металлургия заводини қуриш, мис ва рудаларни эритиш усулларини ишлаб чиқиш, метал коррозиясига қарши йўллари топиш, янги заводлар қуришда қатнашди.

1943-1944 йй. кўчиб келган педагог-олимлар ўз шаҳарларига қайта бошлади. Вақтинча ёпилган институтлар қайта тикланиши, янгидан Чимбой ва Урганч пединститутлари, Наманган ва Маргилон ўқитувчилар институтлари, Тошкент театр санъати институти очилгач илмий-педагогик кадрларга муҳтожлик яна орта бошлади. Олий ўқув юртлари сони 1945 йилда 1940 йилга нисбатан 3 тага кўпайиб 33 тага етди, талабалар сони 19,1 мингдан 21,2 минг кишига ортди. Уруш йилларида 10 мингдан кўп олий малакали ва 3,7 мингга яқин ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрланди.

Мактабларда урушгача эркак ўқитувчилар республикада 74,6 %ни ташкил этарди. 1944 йил ўқитувчилар армиядан мактабларга қайтарилди. Мактабларда таълим-тарбия сифатини яхшилаш мақсадида ўқувчилар билимини баҳолашнинг 5 балли тартиби жорий этилди. Бошлангич ва 7 йилликни тугатганлар учун битирув имтиҳонлари, ўрта мактабни битирувчиларга аттестат учун имтиҳон топшириш, аъло кўрсаткич учун олтин ва қумуш медаллар бериш жорий этилди. Умумтаълим мактабларида 1940/41 йй. 5504 та мактабларда 1368,9 минг ўқувчи, 1945/46 йй. 4976 та мактабларда 989,2 минг ўқувчи таълим олди.

Адабиёт ғалаба учун. Ўзбек ёзувчи-шоирлари уруш йилларида кўчириб келтирилган рус, украин, белорус, молдаван ёзуви-шоирлари билан ҳамкорлик қилди. Улар ҳамкорликда “Биз енгамиз” деган алманах, “Ўзбекистон шоирлари-фронтда” деган антология чоп этдилар. Х.Олимжон,

Уйгун, С.Абдулла, Н.Погодин биргаликда “Ўзбекистон қиличи” мусикали драмасини яратди.

Уруш йилларида Ойбекнинг “Навой” ва “Қутлуг кон” романлари, А.Қаҳҳорнинг “Олтин юлдуз” қиссаси ва “Хотинлар” асарлари яратилди, шеърят юксалди. Ҳ.Олимжон “Қўлингга қурол ол”, “Шарқдан гарбга кетаётган дўстга”, “Жангчи Турсун”, “Роксананинг кўз ёшлари” асарларини яратди. Г.Гулом “Сен етим эмассан”, “Мен-яхудийман”, “Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак” асарларини ёзди. Уйгун “Қасам”, “Бир кадам ҳам орқага чекинилмасин”, “Мактуб” асарларини ёзди. М.Шайхзоданинг “Она кузатмоқда”, “Капитан Гастелло” шеърлари; С.Жўранинг “Пулемётчи овози”, “Найзамиз” шеърлари; Ш.Рашидовнинг “Қаҳрим” шеърлар тўплами чоп этилди.

Оммавий ахборот воситаларидан уруш йилларида Ўзбекистонда 200 га яқин газета, шундан 124 таси ўзбек тилида, 52 та журнал, шундан 19 таси ўзбек тилида нашр этилар эди. Газеталарнинг бир галлик адади 900 минг эди, шундан 600 минг нусхаси ўзбек тилида чиқар эди.

Ўзбекистонлик ёзувчи ва журналистлардан Т.Рустамов ва Р.Муҳаммадий совет армияси бош бошқармасида инспектор бўлиб хизмат қилди. Ж.Азизхонов, Р.Абдурахмонов, А.Раҳмат, Ш.Бўлатов, М.Муродов, Й.Билолов фронт газеталарида муҳаррир ўринбосарлари бўлиб хизмат қилди. Н.Сафаров, М.Исмоилий, З.Фатхуллин, М.Жўра, С.Жўра, Т.Эрназаров ҳарбий муҳбир сифатида ва журналистиканинг жангавор соҳаларида фаолият кўрсатди.

Уруш йилларида ўзбек тилида 14 та фронт ва 12 та дивизия газетаси, “Фронт ҳақиқати”, “Қизил аскар ҳақиқати”, “Қизил армия”, “Ватан шарафи учун”, “Душманга қарши олга” каби газеталар нашр этилган. Маданий-маърифий муассасалардан: 754 та кино қурилма, 11 та музей, 360 та кироатхона, 1044 та клуб, 433 та кутубхона, 2800 та қизил чойхона омма орасида сиёсий, маърифий, тарбиявий ишларни олиб бориш маркази эди.

Санъат фронт хизматида. Уруш йилларида *театр санъати* ривожланиб, 36 та театр ишлаб турди. Тошкент ва Андижонда янги театрлар очилди, кўчириб келтирилган 14 та театр ҳам фаолият кўрсатди. Театрларда уруш мавзусидаги “Даврон ота”, “Шерали”, “Ўзбекистон қиличи” мусикали драмалари, “Улугбек” ва “М.Торобий” опералари, мардлик мавзусида К.Яшиннинг “Босқинчиларга ўлим”, М.Шайхзоданинг “Жалолиддин” пьесалари кўрсатилди.

Уруш йилларида Ўзбек давлат опера ва балет театри 10 та, Ҳамза театри 16 та, Горький номли рус драма театри 32 та янги спектаклни сахналаштирди. Республика театр жамоалари 1942-1944 йй. 203 та янги асарни сахналаштирди, 187568 марта спектакл ва концерт намойиш этди. *Халқ мусиқа санъати* анъаналарига таяниб Т.Жалилов ва Ю.Ражабий халқчил асарлар яратди. М.Ашрафий, Т.Содиқов, М.Бурхонов мусиқа маданиятини юксак даражага кўтарди.

Тошкент бадий фильмлар студияси кўчиб келган киноматографлар билан ҳамкорликда “Икки жангчи”, “Насриддин Бухорода”, “217-рақамли

одам”, “Ватанга совга”, “5 республиканинг фильм-концерти” номли кинофильмларни яратди.

Уруш йилларида Ўзбекистон *рассомларидан* Л.Абдуллаев “Қизил армияга кузатув”, “Мукофот билан табриклаш”, Ў.Тансиқбоев “Отлиқлар хужуми”, “Партизан қиз”, Ч.Аҳмаров “Ўзбекистон-фронтда”, В.Кайдалов “Фашист газандаси йўк килинди”, “Душманга какшаткич зарба” асарларини яратди. Ўзбекистон *рассомлари* уруш йилларида 39 та кўргазма ташкил этди, 5 мингдан кўпроқ бадиий-сиёсий плакатлар яратди.

Санъаткорлардан тузилган 30 дан ортиқ концерт бригадалари фронтдаги ҳарбий қисмларда 400 дан кўпроқ, республикадаги ҳарбий қисмларда 15 мингта, госпиталларда 10 мингта концерт берди. Фронтда, ишчилар ва пахтакорлар хузурида санъаткорлардан Ҳ.Носирова, Тамарахоним, А.Ҳидоят, Л.Саримсоқова, С.Эшонтўраева, А.Бакиров, К.Исмоиловлар хизматда бўлган.

Ўзбекистоннинг байналмилаллик ёрдами. СССРнинг гарбий худудини босиб олган фашист босқинчилари Москва остоналарида, Сталинград, Курск, Орёл, Белград шаҳарларида тор-мор этилди. Озод этилган шаҳар ва қишлоқларни тиклаш ишларига Шеробод МТСининг бригадир-механиги О.Чехимов 10 минг сўм, тракторчи Рўзиев 15 минг сўм, Самарқанд вилояти 170 млн. сўм ёрдам берди, 80 мингта китоб ва дарслик юборди.

Ўзбекистон 1943 йил баҳорида озод этилган туманларга 2 минг трактор, автомобил ва қишлоқ хўжалик машиналари, 8 минг от ва хўкиз, 170 минг бош қўй ва эчки жўнатди. Ўзбекистонлик ёшлар 1943 йил октябрда Ленинградлик болаларга 250 тонна озиқ-овқат, 10 минг жуфт пойабзал ва кийим, 2 млн. сўмдан кўпроқ пул юборди.

Тошкент товар станцияси темирйўлчилари Ғарбдаги станцияларнинг бирини тиклаш учун 35 та кўтаргич асбоблар жамланмаси, 350 дона слесарлик асбоблари, 2 мингдан ортиқ эҳтиёт қисмларни жўнатди. Тошкент темирйўлчилари 1943 йил 30 мартда асбоб-ускуна ортилган бутун бир эшелонни Сталинград темирйўл тармогини тиклаш учун жўнатди. Унда кўчиб юрадиган махсус устахона, 2 та паравоз, жиҳозланган 33 та вагон ва платформа, дори ва ички кийимлар бор эди.

Ўзбекистонлик 60 мингга яқин киши 1943 йил Свердловск, Челябинск, Москва, Иванов вилоятларида ишлади. 540 алоқачи Россия ва Украинада алоқа воситаларини тиклашда катнашди. Ўзбекистон меҳнат резервлари мактабларининг 15 минг талабаси 1943-1945 йй. Донбасс, Киев, Ленинград ва Урал корхоналари, қурилишлари ва темирйўлларида ишлаш учун жўнатилди.

Ўзбек халқининг ғамхўрлиги. Сталин ва унинг амалдорлари урушнинг дастлабки йиллари кичик халқлар ва этник гуруҳларга адолатсизлик қилди. Волгабўйи немислар автоном республикаси тугатилди, 300 мингдан ортиқ аҳолисидан “босқинчилар ёрдам олиши мумкин” деган гумон билан уларни Сибир ва Қозогистонга кўчирди.

Сибир ва Ўрта Осиёга 1943 йил охири - 1944 йил бошида Волга қуйи оқими ва Каспий бўйларида яшовчи калмоқлар, Шимолий Кавказда яшовчи қорачойлар, чеченлар, ингушлар, болқарлар кўчирилди. 1944 йил июнида

Сибир ва Ўрта Осиёга қрим татарлари, греклар, кейинроқ месхети турклари бадарга қилинди. Бу халқлар “фашистлар билан ҳамкорлик қилиш”да айбланди. Ўзбекистонга 175 мингдан ортиқ чечен, 157 минг ингуш, 150 мингдан ортиқ қрим татарлари, 4500 болқар, ўн минглаб месхети турклари, греклар кўчириб келтирилди.

Таянч сўзлар: Тимириязов номли қишлоқ хўжалик академияси, Ўзбекистон Фанлар Академияси, концерт бригадалари, калмоқ, қорачой, чечен, ингуш, болқар, қрим татарлари, греклар, месхети турклари.

3-§. Ўзбекистонликларнинг фронтдаги жасоратлари

Дастанлар жанрлари. Чегарадаги **Брест** қалъасининг 50 дан ортиқ миллатга мансуб жангчилари орасида ўзбекистонликлардан Д.Абдуллаев, Б.Кашанов, А.Алиев, Н.Сиддиқов, У.Ўтаев бор эди. Улар қарийб 1 ой қалъани ҳимоя қилди. Брест қалъаси деворига қон билан “Ўлаётган бўлсам ҳам таслим бўлмайман, алвидо Ватаним” - деган сўзлар ёзилган.

Ғарбий чегаралардаги дастанлар жанрларида Тошкентлик З.Каримов жасорат кўрсатди; у Қрим ва Кавказдаги жасорати учун 1 ва 2 даражали “Шухрат” ордени, “Жасорати учун” медали билан тақдирланди. Ўзбекистонлик жангчилар *Смоленск, Киев, Одесса, Севастопол* шаҳарлари муҳофафасида қатнашди

Одесса ҳимоясида О.Умаров душманнинг 40 автомобилдан иборат колоннасига ҳужум қилиб, 3 автомашинани сафдан чиқарди, 9 немис аскарини ер тишлатди. О.Умаровнинг ҳарбий бўлими Одесса ёнидаги душман аэродромига ҳужум қилиб душманнинг 16 самолёти ва 30 автомашинасини ёндириб юборди. О.Умаров 12 фашистни йўқ қилди, бироқ у *Керч* учун бўлган жангда ҳалок бўлди. Одесса ҳимоясида командир Ҳ.Зариповнинг сапёрлар ротаси душманнинг 27 танки ва 13 бронетранспортёрини портлатди.

Ўзбекистонлик жангчилар қатнашган *Брест, Смоленск, Киев, Одесса, Севастопол, Ленинград*нинг қаҳрамонона ҳимояси Германиянинг “Яшиндек тез уруш қилиш” режасига дастанлар зарба бўлди.

Москва учун жанглар. 1941 йил куз-қиш ойларида тарихда мисли кўрилмаган катта ҳарбий қўшинлар *Москва остоналарида* тўқнашди. Жанубий Ғарбий фронт таркибидаги 353-тоғ ўқчи полкининг жангчиси Қ.Турдиев 1941 йил 25 октябрда Қаҳрамон унвонига сазовор бўлди. У “тил” олиб келиш учун разведкага юборилди. Ўртоқлари ҳалок бўлгач бир ўзи душманнинг 1 дзот, 9 аскар ва зобитини йўқ қилиб, 3 тасини асирга олиб фронт қўмондониди С.Тимошенкога хабар берди.

Тошкентда хизмат қилган генерал И. Панфилов Алмати шаҳрида Туркистонликлардан дивизия тузди. Унинг командирлари таркибида Тошкент пиёда билим юрти ва Ўрта Осиё ҳарбий округи ҳарбий-сиёсий билим юртида таълим олган 180 та зобит бор эди. Генерал Панфилов дивизияси Москва остоналаридаги *Волоколамск* йўналишидаги жангда оммавий қаҳрамонлик кўрсатди. Панфилов ҳалок бўлди, аммо дивизия 8-

гвардиячи Панфиловчи дивизия номи билан жанг қилди. Жангларда взвод командирлари И.Халилов, З.Иброҳимов, М.Мадаминов, А.Тўгаев, жаррох Ғ.Абдурахимов жасорат кўрсатди.

Москвава остоналарида 1 ва 2-отлик аскарлар корпуслари сафида Ўзбекистонда тузилган 21 ва 44-отлик аскарлар дивизияси қахрамонлик кўрсатди. Ўзбекистонда тузилган 258-ўқчи дивизия *Калугани* озод этишда гвардиячи дивизия унвонига сазовор бўлди. Бу дивизия Москва остоналарида 9000 дан кўп душманни ер тишлатиб, 137 та аҳоли манзилгоҳларини озод қилди, 1-бўлиб *Уна* дарёсига чикди. ЎзССР Олий Кенгаши Раиси *Й.Охунбобоев* бошчилигидаги ўзбек делегацияси 1941 йил декабрда Москва остоналарида жанг қилаётган Ғарбий фронт жангчилари билан 1942 йил 1 январ - Янги йилни бирга кутиб олишди. Уларга 29 вагон мева, 9 минг пўстин, 20 минг жуфт кигиз этик, 100 минг жуфт кўлқоп совга қилди.

Москвадаги Театр санъати институтида ўқиётган Андижонлик ўзбек қизи, мохир мерган ва разведкачи *Зебо Ғаниева* Москва мудофасида иштирок этди. Унинг ҳарбий қисми Москва-Волга канали бўйлаб жойлашган эди. У 1942 йил 16 мартда разведкага бориб қимматли маълумот олиб келди. 21 майгача 23 та фашистни ер тишлатди. З.Ғаниева 1943 йил августда Демянск жангида огир ярадор бўлиб, 33 марта жаррохлик операциясига бардош берди. Урушдан кейин у Бокуда институтни тамомлаб, Москва жаҳон адабиёти институтида номзодлик диссертациясини ёқлади.

Москва остоналарида жанг қилган ўзбекистонлик мерганлар Исоқов 354, Абубеков 229, Юсупов 132, Мадаминов 123 фашистни ер тишлатди. “Москва мудофааси учун” медали билан ўзбекистонлик 1753 жангчи мукофотланди. Иккинчи жаҳон уруши бошлангандан бери ўтган 2,5 йил орасидаги фашистларнинг *1-йирик маглубияти* Москва ёнида бўлди. Фашистларнинг “*яшиндек тез уруш*” режаси бутунлай барбод бўлди.

Ўзбекистонлик жангчилар 1942 йил *Қрим, Донбасс, Дон, Кубан, Шимолий Кавказдаги* огир жангларда ҳам катнашди. *Севастополда* 8 ойлик мудофаа жанглариининг бошлиқларидан бири генерал И.Петров Тошкентда хизмат қилган эди, унинг адъютанти Тошкентлик З.Қаҳхаров эди. И.Петров Шимолий Кавказ, 4-Украина фронтларида кўмондонлик қилди, Берлин операциясида катнашди, урушдан кейин Тошкентга келиб Туркистон ҳарбий округига кўмондонлик қилди.

Сталингард жангида Ўзбекистонликлар 62 ва 64- армиялар сафида хизмат қилди. Шунингдек Фаргона ва Самарқандда ўзбеклардан тузилган 90 ва 94-ўқчи бригадалар ҳам етиб келди. 21-отлик аскарлар дивизияси баланд руҳда жанг қилган, унинг комиссари генерал-маёр М.Узоқов эди. Волга бўйларида даҳшатли жанглар бўлаётганда ўзбекистонлик жангчилар ўзбек халқидан олган хатда: “Фарзандларимиз, эрларимиз.. фашистларни ҳамма жойда тўхтатиб қолингиз” - деб ёзилган эди.

128-гвардиячи Туркистон тоғ-ўқчи дивизияси шиддатли зарбалари билан шуҳрат қозонди. М.Кабилов взводининг 40 жангчиси Перелазовск хуторидаги тепаликни ишғол қилишда 11 жангчиси тирик қолиб, тепалик ёнида 300 та душманни 12 кун тўхтатиб қолди. Тирик қолган 11 жангчидан 9 таси ўзбек, 1 таси қозоқ, 1 таси татар эди. Жангда фақат А.Эрдонов ва

М.Кабиров тирик колди. Бу тепалик ҳозиргача “Шарқнинг 11 қаҳрамони тепалиги” деб аталади.

Сталинград жангида 1942 йил ноябрда наманганлик зобит М.Жабборов ўзининг мотоўкчилар ротаси билан душманнинг 2 та полкини кириб ташлади. Бухоро вилоятидан мерган Ҳ.Хўжаматов, Қорақўл туманидан Ҳайтов, Тошкент Педагогика институти талабаси Е.Цемпковская каби ўзбекистонликлар жасорати Сталинград жанги солномасидан муносиб ўрин эгаллади. Машхур Павлов уйини мудофаа қилганлар орасида ўзбек К.Тургунов ҳам бор эди. Ўзбекистонлик 2738 жангчи “Сталинград мудофааси учун” медали билан мукофотланди.

Урушда туб бурулиш. Ўзбекистонда тузилган 62 ва 69-ўкчи дивизиялар, 162-Ўрта Осиё-Новгород-Шимол дивизияси 1943 йил ёзида **Курск ёйи**да бўлган қаттиқ жангларда алоҳида жасорат кўрсатди. Шунингдек ўзбекистонликлар 5 ва 15-ўкчи дивизиялар ҳамда 5 ва 62-гвардиячи ўкчи дивизиялар таркибида ҳам жанг қилди.

“Орёл” дивизияси фахрий номини олган 5-ўкчи дивизияга Золотарёвка қишлоғини озод қилиш топширилди, унда Фаргоналик А.Шукуров бор эди. Унга жасорати учун Қаҳрамон унвони берилди ва бу қишлоқ Шукуровка деб аталди. З.Ҳасанов ўзини ҳам душманни ҳам портлатиб юборди. Шифокор-жарроҳ М.Ашрапова намунали хизмати учун 1-гвардиячи армия жангчилари ҳурматига сазовор бўлди. У Прагагача жанговар йўлни босиб ўтди. Урушдан кейин Тошкент Тиббиёт институтида ишлаб, профессор бўлди.

Курскдаги галабадан сўнг қизил армиянинг 2000 км. узунликдаги кудратли стратегик фронтларда ҳужуми бошланди. Шимолий Дон, Десна, Сож дарёлари ҳам, душманнинг мудофаа позициялари ҳам қизил армияни тўхтатиб қолмади.

Днепрни кечиб ўтишда Тошкент вилоятида тузилган 441-ўкчи дивизия жасорат кўрсатди. Озеров отряди Днепрни кечиб ўтиб Днепр ва Сож дарёлари бурилиш жойидаги кичик истехкомни эгаллади. Улар рота командири Ж.Усмонов келгунча 2 кун маррани эгаллаб турди. Ж.Усмоновга Қаҳрамон унвони берилди. Днепрни биринчи бўлиб кечиб ўтганлар орасида Гиждувонлик В.Набиев, Шофирконлик Х.Аминов, Ромитанлик Ш.Эргашев, Бухоролик Т.Тихонов, Андижонлик Қ.Дўсматов, Қорақалпоқ Х.Шониёзов бор эди. Днепрни кечиб ўтишда жасорати учун 26 нафар ўзбек йигитига, жами 2348 жангчига Қаҳрамон унвони берилди.

Курск ва Днепрдаги галаба жаҳон урушининг боришида *туб бурулиш* ясади. Ҳарбий стратегик ташаббус душмандан тортиб олинди, немис-фашист кўшинларини ҳалокатга маҳкум этди. **Сталинграддаги** галаба Гитлер Германиясининг енгилиши муқаррарлигини кўрсатди. Ўзбекистонлик жангчилар *Ленинград қамалида, Украина, Белоруссия, Молдавия, Болтиқбўйи* республикаларини озод қилишда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. Душман *1944 йил кузида* мамлакатдан бутунлай ҳайдаб чиқарилди, СССР чегаралари тикланди.

Ўзбекистонлик партизанлар. Душманни тор-мор этишда партизанлар ҳаракатининг ўрни катта бўлди. Урушнинг дастлабки даврида ҳарбий қисмлар қуршовда қолиб, асирга тушиб қолди. Асирлар орасида

Ўзбекистонликлар ҳам бўлиб, асирлар сони 5 млн.дан ортиқ эди. Комиссарлар, коммунистлар суриштирилмасдан отилар эди, қолганлар ҳарбий лагерга ташланарди. Фашистлар дастлаб ҳарбий асирларни ўлдирар эди. Кейинчалик уруш душман ўйлаганидек бўлиб чиқмагач, ҳарбий асирлардан текин ишчи кучи сифатида фойдалана бошлади.

Германияга олиб кетилган совет фуқаролари сони 4 млн.дан ортиқ эди. Уларнинг кўпи *Освенсим, Маутхаузен, Бухинвалд* каби ўнлаб ўлим лагерларида ўлдирилди. Партизанча курашга аҳолининг қамалдан чиққан қисми ёки ҳарбий асирликдан қочган жангчилар ўтди. Партизанлар ҳаракати Марказий штаби юборган ҳарбий мутахассислар, разведкачилар партизанларни йирик отрядларга бирлаштириб, уюшган ҳолда душманга қарши курашдилар. Куршовдан чиққан ўзбекистонлик жангчилар *Россиянинг зарби, Украина, Белоруссия, Молдавия* республикаларида партизан кўшинларида иштирок этди.

Белоруссияда машҳур бўлган “Чекист” партизан отрядининг разведкачиси М.Топиболдиевга Қаҳрамон унвони берилди ва Писарево қишлоғи Топиболдиевка деб аталди. *Гомел* атрофидаги «Темир йўл уруши»да урушда Ж.Отабоев иштирок этди. Брянск атофида И.Мусаев, А.Ҳақимов, И.Қосимов душманга тўсатдан зарба берди. **Украинада** С.Ковпак, А.Собиров, А.Феодоров, М.Наумовларнинг партизан кўшинлари сафида юзлаб ўзбекистонликлар ҳам қатнашди.

Ўзбекистонликлар - Европа халоскори. Ўзбекистонлик жангчилар Европани озод қилишда фаол қатнашиб, **Полшада** шонли хотира қолдирган 1-ўзбек генерали 57-гвардиячи дивизия кўмондони *Собир Раҳимов* эди. Унинг дивизияси Кавказдан Шарқий Пруссиягача бўлган жангларни босиб ўтди, унга 1943 йил мартда генерал-маёр унвони берилди.

С.Раҳимов 1943 йил майдан 1944 йил апрелгача Москвадаги Олий ҳарбий академияда таълим олди. У Белоруссияни, Полшанинг Грудзяндз, Гнев, Староград, Дзяддово шаҳарларини озод қилди. С.Раҳимов 1945 йил 26 мартда Гдангск шаҳрини озод қилишда халок бўлди. Улимидан сўнг Қаҳрамон унвони берилди. Полша халқи С.Раҳимов номини эъзозлаб келмоқда.

Махсус лагерлардан қочган ўзбекистонликлар *Чехословакия, Польша, Югославия, Греция, Франциядаги* Қаршилик ҳаракатига кўшилиб жанг қилди. Полшада Самарқандлик Г.Булатов отряди кўприк ва темирйўлларни портлатиб душманнинг эшелонларини ағдарди.

Словакияда 1944 йил ўрталарида фашистларга қаси миллий кўзголонда ўзбекистонликлардан партизан отряди командири В.Мелников, Р.Алламов, А.Нарзуллаев, Р.Ҳамроевлар иштирок этди. **Югославияда** Фаргоналик У.Холматов жасорат кўрсатиб 3 марта Югославия мукофатларига сазовор бўлди.

Францияда 37 миллатга мансуб 2200 совет ҳарбий асирларидан тузилган партизанлар полки А.Козарян кўмондонлигида француз партизанлари билан Алес, Вилтор, Сен-Шели шаҳарларини, Гар ва Лозер департаментини озод қилди. Бу жангларда Самарқандлик А.Раҳматов, Булунгурдан С.Шомуродов, Тошкентдан Р.Раҳимов ва Н.Амиров фаол

катнашди. Франция жанубини озод этишда жасароти учун Кўконлик Х.Исмоилов, Тошкентлик Т.Зияев Франциянинг “Жанна д’Арк крести” ордени билан мукофотланди.

Италиянинг Карраро конларида ишлатиш учун олиб борилган ҳарбий асирлар Андижонлик Т.Кўчқоров ва А.Мамажонов Италияда Гарибалдиячи партизанлар отрядига кўшилиб душманга қарши курашди.

“Туркистон легиони”. Фашистлар партизанларга қарши курашда ҳарбий асирлардан тузган “Рус озодлик армияси”, “Туркистон легиони”, “Волга-Урал легиони” каби ҳарбий тузилмалардан ҳам фойдаланди. Ҳарбий асирлар душман билан “ҳамкорлик” йўлига киришига Сталиннинг асирга тушганларни ватан хоинлари деб ҳисоблагани ҳам сабаб бўлди, улар 1 млн. киши эди. Легионларга кўп ҳарбий асирлар мажбуран киритилгани учун, улар яширин гуруҳлар тузиб партизанлар билан алоқа боғлаш йўлини қидирган.

“Туркистон легиони” отрядини гитлерчилар 1944 йил январда **Черногорияда** Югословиялик партизанларга қарши жангга солади. Отрядларнинг бирида 28 ўзбек йигитлари: С.Файзиев, А.Аҳмедов, З.Хусанов бор эди. С.Файзиев кўрсатмаси билан 28 ўзбекистонлик легиончилар фашист командирларини отиб ташлаб 1944 йил 25 майда Югославияда ҳаракат қилаётган болгарлар баталонига кўшилиб кетади.

Улар орасида Тошкентлик З.Хусановнинг тақдири хайратомуз эди. У 1941 йил Смоленскда, 1943 йил 5 июлда 228-ўқчи полкда огир яраланади. Ҳалок бўлди деб унга Қаҳрамон унвони берилади. З.Хусановни душман асирга олиб “Туркистон легиони”га киритади, у партизанлар томонига ўтиб Приепол шаҳрида жанг қилди. Ярадор бўлгач бир аёл ҳарбий касалхонага жойлаштиради, у соғайгач ўз юртига келади.

Уруш сўнггида ўзбекистонликлар жасорати. Уруш Қаҳрамонлари Б.Бобоев, Т.Бобоев, С.Умаров, “Шухрат” орденининг тўлиқ кавалерлари А.Тўқмоқов ва С.Ниязов **Берлинни** забт этишда қаҳрамонларча жанг қилди. Ўзбекистонлик 1706 жангчи «Берлинни олганлиги учун» медали билан тақдирланди. 109208 ўзбекистонлик жангчи “Германия устидан галаба қозонилганлиги учун” медали билан тақдирланди.

Японияга қарши урушда ҳам ўзбекистонликлар қатнашиб: 22, 79, 275, 388, 221-дивизиялар таркибида жанг қилади. Сейсин порт шаҳрини эгаллашда 335-ўқчи дивизияси баталони таркибида лейтенант Ф.Каримов, разведкачи В.Сулаймонов алоҳида жасорат кўрсатди. Десантчилар орасида пулемётчи Н.Бозоров жанговар медал билан мукофотланди. Шунингдек А.Каримов, У.Дониёров, С.Кўчқоров ҳам жасорат кўрсатди. Шимоли-шарқий Хитой ва Кореяни эгаллаб турган 1 млн.лик *Квантун армияси* тор-мор қилинди. Жанубий Сахалин, Курил ороллари озод қилинди, Япония тор-мор этилди.

Иккинчи жаҳон уруши 6 йил давом этиб 50 млн.дан ортиқ киши ҳалок бўлди, 90 млн.дан ортиқ киши ногирон бўлиб қолди. моддий талофат 4 триллион доллардан ошиб кетди. Уруш Европа, Африка, Осиё ва Океанияда турли фронтларда бўлди, бироқ асосий огирлик СССР зиммасига тушди.

СССРдан 27 млн.га яқин киши ҳалок бўлди, 18 млн.дан ортиқ киши ногирон бўлиб қолди.

Фашизм устидан галабанинг оламшумул *тарихий аҳамияти* шундаки: кўплаб халқларни зулмдан озод этди, демократик, иқтисодий-маънавий тараққиётга йўл очиб берди. Иккинчи жаҳон уруши бутун инсониятга катта сабоқ бўлди, энг муҳим сабоқ - урушнинг олдини олишдан иборат бўлди. Шу мақсадда кўпчилик мамлакатлар 1945 йил халқаро ташкилот - БМТни туздилар. БМТ урушдан кейинги ярим асрдан ортиқроқ давр давомида тинчликни мустаҳкамлаш, халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалалари билан шугулланиб келмоқда.

Ўзбекистондан 263.005 киши урушда ҳалок бўлди, 132.670 киши бедарак йўқолди, 60.452 киши ногирон бўлиб қайтди, 400.000 оила айрилик азобига дучор бўлди. Ўзбекистонлик 120 минг жангчи орден ва медаллар билан мукофотланди, улардан 70 минги ўзбеклар эди. 300 га яқини Қаҳрамон унвонига сазовор бўлди, улардан 75 таси ўзбеклар эди. Ўзбекистонлик 32 нафар жангчи учала даражадаги “Шухрат” ордени билан мукофотланди.

Ўзбекистон фахрийлар уюшмаси ташаббуси билан фашизм устидан галабанинг 50 йиллиги муносабати билан ҳалок бўлган 400 мингга яқин ватандошларимиз ҳақида архив маълумотлари асосида “Хотира” туркумида 30 дан зиёд китоб нашр этилди. Фашизм устидан галаба қозонилган 9 май Ўзбекистонда “Хотира ва Қадрлаш куни” сифатида нишонланмоқда. И.Каримов: “Иккинчи жаҳон урушига қандай қаралмасин.. жангда ҳалок бўлганларни доимо ёдда сақлаймиз” - деб ёзган эди. (1996 й. “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир” асарида, 3-т.)

Таянч сўзлар: Брест, Смоленск, Киев, Одесса, Севостопол, Курск, Керч, Ленинград, Квантун армияси, разведка, партизан, С.Рахимов, З.Ғаниева, “Туркистон легиони”, Қаршилик ҳаракати, Квантун армияси, “Хотира ва Қадрлаш куни”.

XVIII-боб. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти (1946-1990)

1-§. Урушдан кейин Ўзбекистон халқ хўжалиги. Маъмуриятчиликнинг кучайиши

Халқ хўжалигининг тинч қурилишга ўтиши. Ўзбекистон урушдан кейин СССРнинг гарбий вилоятларига хўжаликни тиклаш учун Днепропетровск вилоятига 300 алоқачи мутахассис, Тошкент темирйўлчилари 230 киши юборди. Ўзбекистон, Қозогистон, Туркменистон республикалари Россиянинг шарқий вилоятлари, Чувашистон, Татаристон ва Бошқирдистон автоном республикалари, *Украинага 5000 трактор*, 300 та автомашина, 500 та плуг етказиб берди. Донбасс шахталарини қайта тиклашга Ўзбекистон насос, компрессор, кўтаргич кран, электр кабеллари ва усуналар юборди.

Ўзбекистондаги машинасозлик заводлари қурол-аслаҳа ишлаб чиқаришдан **қишлоқ хўжалик машиналари** ишлаб чиқаришга мослаб қайта жиҳозланди. Чунки Марказнинг мақсади Ўзбекистонни *пахта базаси* сифатида қолдириш эди. “Ташсельмаш”, “Ўзбексельмаш”, “Красний двигатель”, “Подъёмник” заводлари **пахтачилик ҳамда ирригация қурилиши** учун машина ва ускуналар ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Кимё саноати, Енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари ҳам қайта қурилди ва ишлаб чиқаришни кенгайтирди. Уруш йилларида бошланган йирик иншоотлар Фарход ГЭСи, Ўзбек металлургия комбинатининг янги корхоналари қурилиши давом этди.

СССР Олий Кенгаши 1946 йил 18 мартда “СССР халқ хўжалигини тиклаш ва янада ривожлантиришнинг 1946-1950 йилларга мўлжалланган режаси ҳақида қонун” қабул қилди. Марказ ошириб белгилаган вазифалар ЎзССР Олий Кенгаши 1946 йил августда тасдиқлаган “ЎзССР халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришнинг 1946-1950 йилларга мўлжалланган 5 йиллик режаси ҳақида қонун”да ўз ифодасини топди. Режада республика учун саноат маҳсулотларини 52 %га кўпайтириш, пахтачиликни *комплекс механизациялашни тугаллаш* каби нореал вазифалар қўйилган эди, режалар бажарилмади.

Ўзбекистонда 1946-1950 йилларда 150 дан ортиқ янги саноат корхоналари қурилди. “Ташсельмаш”, “Ўзбексельмаш”, “Чирчиксельмаш”, Самарқанддаги “Красний двигатель” заводлари **пахтачилик машиналари** ишлаб чиқаришни кенгайтирди. Қувватига кўра СССРда 3-ўринда турувчи Фарход ГЭСининг 1-ва 2-навбатлари, 1-Оққвоқ, 1-ва 2-Бўзсув гидроэлектр станциялари қурилди. Электроэнергия ишлаб чиқариш 1945 йил 1187 млн. кв/с.; 1950 йил 2681 млн. кв/с ўсди.

Ўзбек металлургия комбинатининг “300” ва “700” прокат стани қурилди, мартен ва прокат цехлари лойиҳадаги ишлаб чиқариш қувватига етди, иссиқлик электр маркази ишга туширилди. Ўзбек металлургия комбинати 1950 йил 119 минг тонна пўлат ишлаб чиқарди. Бу комбинат Ўзбекистон ва бошқа республикалар учун сифатли пўлат етказиб берувчи корхона бўлиб қолди.

Фаргона водийсида Мойли ва Шаҳрихон, Сурхандарёда Кокайди ва Лалмикор *нефть конлари* очилиб фойдаланишга топширилди. Олтиариқ нефтни хайдаш заводи кенгайтирилди. Нефть ишлаб чиқариш 1950 йил 1,3 млн. тоннадан ошди. Полвонтош-Асака газ қузури қурилди, газ ишлаб чиқариш ортиб 1950 йил 52 млн. кубометрни ташкил этди.

Фаргона ва Кўконда янги тўқимачилик комбинатлари, Тошкентда трикотаж фабрикаси, Бухоро, Самарқанд ва Наманганда ип йигириш фабрикалари қурилди. Ип газлама ва трикотаж буюмлари 1941 йил 107 млн метр, 1945 йил 85 млн метр ишлаб чиқарилди. 1950 йил 161 млн метр ип газлама тайёрланди. 1950 йил 552 минг устки кийим, 8427 минг ички кийим ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқарилди.

Хоразм, Туркменистон ва Қорақалпоғистонни боғловчи Чоржўй-Кўнгирот темирўл магистрали қурилди. Тошкентда дастлабки 29 км. троллейбус йўли ишга туширилди. Республикада 1950 йил 2070 км темирўл,

28,7 минг км автомобил йўли, 814 та почта, телеграф ва телефон корхоналари хизмат кўрсатди.

Хунар билим юртлари ва корхоналарда ташкил этилган курслар оркали 1945-1950 йй. 216,7 минг ишчи кадрлар етиштирилди. Олий техника ўқув юртлари корхоналар учун 2372 муҳандис, Ўрта махсус ўқув юртлари 5719 техник кадрлар тайёрлади.

Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш бўйича мажбурий кўрсатмалар СССР ХКСнинг 1945 йил 15 июлда “Ўзбекистонда пахтачиликни қайта тиклаш ва янада ривожлантириш чоралари тўғрисида” ва 1946 йил 2 февралда “1946-1953 йй. Ўзбекистонда пахтачиликни қайта тиклаш ва янада юксалтириш режаси ва тадбирлари тўғрисида” кетма-кет қабул қилган қарорларида белгилаб берилди.

Бу қарорлар ЎзССР КП МҚнинг 1945 йил сентябрда бўлган 13- пленумида муҳокама қилиниб, бажариш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди. Пахта майдонларини кўпайтириш асосий вазифа бўлиб қолди. Пахта ва беда алмашлаб экиладиган майдонлар 1945 йил - 947 минг гектар, 1947 йил - 1287 минг га., 1953 йил - 1500 минг га. Кўпайди. Ғалла, қанд лавлаги, полиз, сабзавот экинлари майдони қисқарди. Колхозларга техник хизмат кўрсатувчи МТСлар сони 245 тага кўпайди. Ундаги тракторлар 1950 йил 29,5 мингтани, пахта териш машиналари 3617 тани, юк автомобиллари 7934 тани ташкил этди.

Хукумат 1949 йил 4 февралда пахтага давлат тайёрлов баҳосини ошириш ҳақида қарор эълон қилди. Илгари 1 тонна пахта хомашёсига 1047 сўм тўланган бўлса, 1949 йилдан 2200 сўмга кўтарилди. 1 т пахта хомашёси 3 т бугдойга тенг бўлди, 1 т пахта етиштириш 1 т бугдойга нисбатан 10-15 марта кўп меҳнат талаб қилади.

ЎзКП МҚ 1950 йил августда бўлган 6-пленумида колхозлар йириклаштирилди. Ўзбекистонда 1777 та колхоз ўрнига 1950 йил августда 752 та колхоз вужудга келди. 1947 йил Тошкент ва Самарқандда очилган 2 йиллик курслар колхоз раислари ва бригадирларни тайёрлаб берди. Самарқанд Қишлоқ хўжалиги институтида МТС директорлари ва туман кишлоқ хўжалик бўлими мудирлари малакасини ошириш 1 йиллик курслари очилди.

Тошкент Ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қошида МТСларнинг катта механиклари малакасини ошириш 1 йиллик курслари очилди. 1947 йил кузида Тошкентда Аграномлар тайёрлайдиган 3 йиллик мактаб ташкил этилди. МТС директорлари орасида Олий ва ўрта маълумотлилар 1944 йил 36%ни, 1949 йил 57,9 %ни ташкил этди.

Республика комсомолининг 1949 йил январда бўлган 12-съезди 20 минг комсомолни доимий ишлаш учун Мирзачўлга сафарбар қилди. 1949 йил 15 мартгача Сирдарё, Мирзачўл, Бекобод, Бўкага 14,5 минг киши, шулардан 10,5 минг комсомол келди. Пахта ҳосилдорлиги ошди, гектаридан 1940 йил - 14,9 ц., 1945 йил - 10,9 ц., 1950 йил - 20,1 ц. пахта олинди. 1950 йил республикада 2282,4 минг тонна пахта етиштирилди.

Чорва моллари уруш йилларида 1 млн бошдан зиёд камайди. Урушдан сўнг чорвани кўпайтириш учун чорвачи бўлмаган колхозларга жамоат чорвасини вужудга келтиришга ёрдамлашилди. Бироқ урушдан олдинги даражага етмади. Моддий-техника базаси ночорлиги, моллар зотини яхшилаш йўлга қўйилмади. Чорвадорлар ўз меҳнатидан манфаатдор эмаслиги туфайли республика чорвачилигида жиддий ўзгариш бўлмади.

Бугдой, арпа, гуруч, картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш 1950 йилда ҳам урушдан олдинги даражадан анча паст бўлди. 1940 йил 280,1 минг тонна, 1950 йил 200,7 минг тонна бугдой тайёрланди. Бу маҳсулотларни етиштириш камайиб кетишининг асосий сабаби сугориладиган экин майдонларининг қисқариши, етарли молиявий ва техник воситаларнинг ажратилмаслигида эди.

Республикада 1950 йил 37 олий ўқув юртида 40 минг талаба ўқиди. ЎзФА таркибидаги 23 та илмий-тадқиқот муассасалари хўжаликни тиклашга кўмаклашувчи илмий изланишлар олиб борди.

Маъмуриятчиликнинг кучайиши

Маъмуриятчилик урушдан кейин иқтисодиётда, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётда кучайди. Мамлакатни бошқариш Сталин эълон қилган фармонлар орқали амалга ошириладиган бўлди. Ўзбекистоннинг ҳуқуқлари чекланиб борди. Сталиннинг галабани таъминлашда рус халқи асосий рол ўйнади, деган гоёси бутун мамлакатни руслаштириш сиёсатига айланди. Руслар “катта”, “улуғ оғамиз” деб тарғиб қилинди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида бошланган қишлоқ аҳолисини ердан маҳрум қилиш жараёни урушдан кейин ҳам давом этди.

ВКП(б) МҚ ва СССР ҳукумати 1946 йил сентябрда “Колхозларда қишлоқ хўжалик уставининг бузилишини тугатиш чоралари тўғрисида”ги қарорни эълон қилди. Колхозлар манфаатини ҳимоя қилиш баҳонасида қишлоқдаги 50 минг колхозчи томорқа ерларидан 25 минг гектари белгиланганидан “ортиқча” деб тортиб олинди. Колхозда яшаган, аммо унга аъзо бўлмаган 20 минг хўжаликнинг 2,5 минг гектар ерлари гўё “қонунга хилоф” равишда эгалланган дейилиб тортиб олинди.

Ижодкор зиёлиларни қатағон қилишнинг янги босқичини ВКП(б) МҚ 1946 йил февралда қабул қилган “Звезда” ва “Ленинград” журнали, “Катта ҳаёт” фильми, В.Мураделининг “Буюк дўстлик” операси тўғрисидаги қарорлари бошлаб берди. Бу қарорлар олимлар, адабиёт ва санъат ходимларини қатағон қилиш учун мафкуравий асос бўлди ва улар “ўтмишни идеаллаштириш, феодал маданият олдида қулларча тиз чўкиш, совет турмуш тарзини бузиб кўрсатиш, миллатчилик”да айбланди.

ЎзКП МҚнинг 1949 йил 25 июндаги “*Ўзбекистон ёзувчилар союзининг иши тўғрисида*”ги қарорида А.Қаҳҳорнинг “Қўшчинор чироқлари” романи танқид қилинди. Ёзувчилардан Ойбек, Миртемир, Ҳ.Ғулом, М.Шайхзода, М.Бобоев, А.Қаюмов бадном қилинди. “Шарқ юлдузи”, “Звезда Востока” журналларига “ярамас” асарлар чоп этган деган айблар қўйилди. 1948-1949

йиллар 20 дан ортиқ йирик олимлар, ёзувчи ва шоирлар миллатчиликда айбланиб 15-20 йилга озодликдан маҳрум этилиб, сургун қилинди.

ЎзКП МҚ 1950 йил 1 сентябрда қабул қилган “ЎзФАнинг иши тўғрисида”ги қарорида бир қатор иқтисод, тил ва адабиёт соҳасидаги олимлар миллатчиликда айбланди. ЎзКП МҚнинг 1951 йил 8 апрелда “ЎзССРда муסיқа санъатини ривожлантириши тўғрисида”ги қарорида Навоийнинг “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Тоҳир ва Зухра”, “Алпомиш” халқ достонларига асосланган опера, балет ва муסיқали драма спектакллари саҳналаштирганлар танқид қилинди. Кўпгина концерт ташкилотлари ва муסיқали театр ходимлари “эски, архаик муסיқани ва гамгин мақом намуналарини”ни тарқатганлиги учун қораланди. Бу қарорда “Ўзбекистоннинг муסיқали санъати ҳаётдан орқада қолмоқда, ўзбек халқини коммунистик руҳда тарбиялашга тўла хизмат қилмаётир” дейилди.

Республика матбуотида 1951 йил 10 августда “Баъзи шоирларнинг ижодидаги мафкуравий бузғунликлар тўғрисида” деган мақола эълон қилинди. Унда Т.Тўла, К.Отабоев, Миртемир, С.Абдулла, Ҳабибий миллатчиликда айбланди. 1951 йил 24 августда эълон қилинган “Ўзбек совет адабиёти вазифаларидан четда” номли мақолада Ойбек, Ҳ.Зарипов, Ҳ.Ёқубов, И.Султонов мафкуравий оғишларда қораланди. 1951 йил М.Шайхзода, Шукрулло Юсупов, С.Аҳмад, Г.Алимов (Шухрат) “советларга қарши миллатчилик фаолияти”да айбланиб қамоққа олинди, улар 25 йилга озодликдан маҳрум этилди.

ЎзКП МҚнинг 1952 йил февралдаги 10-плenums Илмий ва ижодий зиёлиларни қувгин ва таъқиб остига олишда яна бир туртки бўлди. Унда «Республикада мафкуравий ишларнинг ахволи ва уни яхшилаш чоралари» муҳокама қилинди. Бу пленумда файласуф В.Зоҳидовнинг илмий ишларига буржуа-миллатчилик хатолари юкланди. Тарихчи А.Бобоҳўжаев ва иқтисодчи О.Аминов пантуркизмни тарғиб қилишда айбланди. Улар “сиёсий ва ишчанлик жиҳатидан лавозимларига тўғри келмайди” деб ишдан бўшатилади. Т.Тўла ва М.Шайхзоданинг шъер ва кўшиқлари “гоясиз ва ахлоқсиз асарлар” деб баҳоланди.

Сталин вафотидан кейин шахсга сизиниш оқибатларини тугатиш тадбирлари кўрилди. Қатагон қилинганлар ишини қайтадан кўриб чиқишга киришилди. Ноҳақ айбланиб қамалган адиб ва олимлардан А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Шукрулло, Шухрат, Ҳ.Сулаймон, М.Шайхзода ҳамда минглаб партия, совет, комсомол ходимлари оқланди. 50-йиллар бошида шубҳа остига олинган 60 дан ортиқ олим ва адиблар зиммасидан “миллатчи, советлар душмани” деган ёрликлар олиб ташланди.

Таянч сўзлар: комплекс механизациялаш, пахтачилик машиналари, маъмуриятчилик кучайиши, катогон, “Ташсельмаш”, “Ўзбексельмаш”, “Красний двигатель”, “Подъёмник”, Фарход ГЭС, Оққвоқ ГЭС, Бўзсув ГЭС.

2-§. Ўзбекистон саноатининг бир томонлама ривожланиши.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.

Пахта яккахокимлиги фожиаси (1950-1990)

XX асрнинг 50-80 - йиллари Ўзбекистон тарихидаги мураккаб даврлардан биридир: 1) республика иқтисодиёти анчагина ривожланди; 2) тоталитар тузум, маъмурий буюрукбозлик туфайли бир қатор муаммолар инкирозли ҳолатни келтириб чиқарди. 50-80 - йиллардр саноат, қурилиш кенгайди.

Энергетика ва ёқилғи саноати халқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Шу боисдан 1-навбатда электр энергияси тармоқлари кенгайтирилди. 50-80 – йилларда 7-Шахрихон ГЭСи, 2 та Наманган ГЭСлари, 2 та Бўзсув ГЭСлари, Чорвоқ ГЭСи, Хўжакент ГЭСи қурилди. Ўзбек ва тожик халқлари биргаликда Ўрта Осиёда энг йирик Қайраккум ГЭСини қурди, Хисрав ГЭСини ишга туширди. Газ билан ишлайдиган Ангрен, 2-Ангрен, Тахиатош, Навоий, Сирдарё ГРЭСлари ишга туширилди.

Ўзбекистон электростанцияларининг умумий қуввати 9,9 млн кв.дан 1985 йил 47,9 млрд кв/с. ортди, яъни 1940 йилдан 100 баравар, 1950 йилдан 18 баравар кўп электр энергия ишлаб чиқарилди. Республиканинг барча электр станциялари Ўзбекистон ягона энергосистемасига уланди. Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистоннинг йирик электр станциялари *Марказий Осиё ягона электр системасига* уланди.

Кўнғир кўмир 50-йилларда Сурхондарёдаги Шаргун тошкўмир кони ўзлаштирилиб казиб чиқарилди. Янги **нефт** конлари 60-йилларда Бухоро ва Хоразмаги Газли, Жарқоқ, Шўртепа, Шўрчи, Қарантай; 70-йилларда Фаргона водийсида ўзлаштирилди. 1959 йил қурилган Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи кенгайтирилди. Заводда 35 хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди

Газ саноати Бuzоро ва Қашқадарёда йирик газ конлари ўзлаштирилиши билан юксалди. 50-йиллар иккинчи ярмида “Ўзбекнефтегазразведка” трести кидирув ишлари натижасида 1956 йил газ захиралари 500 млрд м³ бўлган Газли кони очилди. Шунингдек Муборак, Ўртабулоқ, Қултак, Шапатти, Учқир, Жарқоқ, Тахиатош, Қоровулбозор нефт ва газ конлари топилди. Ўзбекистонда жами 100 дан ортиқ нефт ва газ конлари топилди. Уларда 2 трлн м³ газ, 250 млн т. нефт захиралари борлиги аниқланди.

1959 йил “Бухороннефтьгаз” бошқармаси тузилди. 1958-1960 йй. “Жарқоқ-Бухоро-Самаркан-Тошкент” газ қувурини қуриш ишлари олиб борилди. 1960 йил 2-декабрда 767 км газ қувури қурилди, унинг йиллик қуввати 4,5 млрд м³ газга тенг эди. 1960 йил Шимолий Сўх-Фаргона, Шимолий Сўх-Қўқон газ қувурлари ишга туширилди. 1959-1965 йй. Ўзбекистондаги 37 шаҳар, 71 туман маркази, 20 та посёлка газлаштирилди. 320 та саноат корхонаси, 3500 дан ортиқ коммунал-маиший корхоналар, 400 га яқин иситиш қозонлари газ билан ишлашга туширилди.

1964-1966 йй. узунлиги 1317 км, диаметри 720 мм. бўлган Муборак-Тошкент-Чимкент-Бишкек-Алмати газ қувури йўли қурилди. Қашқадарё ва

Ўзбекистон шахарлари, Қозогистон ва Қирғизистонга етиб борди. Кейинги йилларда Тошкент-Бишкек-Алмати оралигида иккинчи газ қузури қурилди. 1958-1980 йй. Бухоро, Газли ва Қаршидан Тошкент-Бишкек-Алматигача ётқизилган газ қузури узунлиги 5686 км.ни ташкил ётди (унинг 3618 километри Ўзбекистонда ётқизилган). Унинг йиллик қуввати 23 млрд м³ газ ёқилгисини ташкил ётади.

Муборақда 70-йилларда қурилган энг йирик газни қайта ишлаш заводи йилига 10 млрд м³ газни тозалаб берди ва йилига 160 минг тонна олтингургурт ишлаб чиқаришни таъминлади. 1970-1972 йй. 234 км Қўқон-Наманган-Андижон газ қузури қурилди. 1974-1978 йй. Ховос-Фаргона қузури ётқизилгач, Қашқадарё ва Бухоро газидан Тожикистон ҳам баҳраманд бўлди. Бу газ йўли 677,8 км, унинг 425,8 км Ўзбекистондан, қолгани Тожикистондан ўтди.

1961-1963 йй. Бухоро-Урал орасида 2000 км, 1020 мм.ли газ қузури қурилди. Газлининг газни Уралнинг Челябинск шахригача етиб борди. Бухоро-Урал газ қузурининг 2-3 – навбатлари қурилиши 1965 йил ниҳоясига ётди. 6100 км. Бухоро-Урал газ транспорт системасининг йиллик ўтказувчанлик қуввати 21 млрд м³ газга тенг ёди.

Ўзбекистон ва Туркменистон газини ГАРбий вилоятларга узатиш режаси Ўрта Осиё - Марказ газ қузури деган ном олди. 2750 км. бу газ йўли 1965-1975 йй. қурилди. Икки йўллик газ қузурининг узунлиги 5500 км бўлиб, йилига 80 млрд м³ ёқилги узатиш қувватига эга. Ўзбекистонда 1985 йил атиги 2,8 млн хонадон, жумладан кишлоклардаги 1,3 млн хонадон газлаштирилган ёди холос.

Кимё саноатида минерал ўғит ишлаб чиқариш ётакчи ўринда турар ёди. Шу мақсадда 50-йилларда Самарқанд суперфосфат, 1962 йил Фаргона азот ўғити, 1969 йил Олмалик кимё заводлари, 1965 йил Навоий кимё комбинати қурилди. 70-йилларда Олмалик ва Самарқанд заводларда минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи янги қувватлар қурилди. 1985 йил 7,8 млн т. минерал ўғит ишлаб чиқарилди. Бу 1960 йилдан 7 марта, 1950 йилдан 15 марта ортиқ ёди.

Фаргона кимё толалари заводида кимё толалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Пластмассалар ишлаб чиқариш Охангарон “Сантехника”, Жиззах пластмасса трубалари заводларида йўлга қўйилди. Маиший кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1971 йил қурилган Олмалик маиший кимё заводида, Қувасой, Наманган кимё заводида, Тошкент ёг-мой заводи таркибида 1971 йил қурилган синтетик ювиш воситалари заводида йўлга қўйилди.

Кимё саноатида зарарли воситалар, кислоталар ишлаб чиқариш катта ўрин тутиб, Андижон гидролиз заводи, Фаргона фуран бирикмалари заводи, Янгийўл биохимия заводи пахта ва шолидан спирт, оксил ачитқилари, фуран тайёрлади. Фаргонада триацетилселлюлоза, Навоийда котаран, Чирчикда капролактан ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 1960 йил 235,4 минг т., 1985 йил 2,3 млн т. сульфат кислота ишлаб чиқарилди. Марказий ҳокимият 60-70-йилларда республикага захарли кимё воситаларини ишлаб чиқаришни

тиқиштирди. 1985 йил 47,9 минг тонна турли захарли химикатлар ишлаб чиқарилди.

Ўзбекистон металлургия саноати комбинатида 1962 йил узликсиз пўлат куйув қурилмаси ишга туширилди. 1970-1980 йй. электр ёрдамида пўлат эритиш комплекси ва 2 та печи қурилди ва пўлат идишлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 1985 йил пўлат эритиш 1,2 млн тоннага етди. Рангли металлургия саноатнинг етакчи тармоги бўлиб, 50-йилларда Олмалиқ-Ангрен тоғ саноати районида нодир металллар кони топилиб, Олмалиқ кон-металлургия комбинати бунёд этилди.

Жиззах вилояти Фориш туманида Учқулоч рангли металллар кони комплекс усуллар ёрдамида ўрганилиб 1951 йил Пистали, Қўшқура, Узок, Марказий, Шарқий қўрғошин, рух, мис конлари топилди. Учқулоч ва Банд посёлкалари қурилди. Республикада яна 50 га яқин симоб ва сурма конлари топилди. Ангренда захираси 10 млрд т. бўлган каолин гили топилди.

Олтин қазиб олиш саноати 60-йилларда бунёд этилди. Республикада 30 та олтин кони аниқланди. Олтин қазиб олувчи Мурунгов ва Маржонбулоқ комбинатлари қурилди. Ўзбекистонда Мурунгов, Чодак, Конбулоқ конлари; Фарғонадаги дарё ўзанларида сочма олтин; Нурота, Қурама, Зарафшон, Ҳисор, Помир тоғларида олтин таркибли кварц рудалар аниқланди. “Ўзбеколтин” бирлашмаси тузилгач, унинг таркибида Чодак бойитиш комбинати (1965), Ангренда олтин саралаш фабрикаси қурилди

Машинасозлик саноати Ўзбекистонда 50-80 йилларда кўп тармоқли соҳага айланди. Республикада 1985 йил саноатда 1549 та корхоналарнинг 100 дан ортиги машинасозлик тармоғига тегишли бўлиб, уларда тайёрланган машиналар санот маҳсулотларининг 16 %ини ташкил этди. Дастлаб Пахтачиликка хизмат қилувчи машинасозлик тармоғини ривожлантириш амалга оширилди.

Тошкент кишлоқ хўжалиги заводи (Ташсельмаш) кишлоқ хўжалиги машинасозлигининг бош корхонаси эди. Биринчи Президент И.Каримовнинг меҳнат фаолияти дастлабки йиллари Ташсельмаш заводида ўтган. У заводда уста ёрдамчиси, уста-технолог бўлиб ишлаган. Ташсельмаш заводида 1960 йил 3184 та, 1985 йил 9425 та пахта териш машиналари ишлаб чиқарилди. Бу машиналар Иттифоқдош республикаларга, шунингдек Болгария, Югославия каби 38 та хорижий мамлакатларга экспорт қилинди. Ташсельмаш заводининг филиаллари Сирдарё, Чирчиқ, Асака шаҳарларида қурилди, уларда пахта териш машиналарининг турли қисмлари тайёрланди.

50-йилларда кишлоқ хўжалик машиналари учун редуктор, трактор мосламалари ишлаб чиқарувчи завод қурилди. Бу заводга 1963 йил Ўзбекистон трактор йигув заводи, 1971 йил Тошкент кишлоқ хўжалик машинасозлиги агрегат заводи номи берилди.

“Ташхлопкомаш” заводи базасида 1957 йил Пахта тозалаш саноати учун машиналар ишлаб чиқарувчи “Ташавтомаш” заводи барпо этилди. Заводда 1967-1971 йй. трактор ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва “Тошкент трактор заводи” (ТТЗ) номи берилди. ТТЗда пахта ташувчи транспорт воситалари, “ГАЗ-51” юк автомобили учун эҳтиёт қисмлар, 1970 йил 21,1 минг та трактор, 38,5 мингта прицеп; 1985 йил 26,4 минг та трактор, 38,1

мингта прицеп ишлаб чиқарилди. ТТЗ маҳсулотлари Куба, Эрон, Афғонистон, Покистон каби 30 дан ортиқ хорижий мамлакатларга экспорт қилинар эди.

Қишлоқ хўжалигини механизациялашда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи муҳим ўринни эгаллайди. 1948 йилдан “Ўзбексельмаш” деб аталган бу заводда 1960 йил кўрак чувиш машинаси, 1965 йил тўқилган пахтани терувчи, гўзапоя юладиган машиналар ишлаб чиқарилди. 1976 йил Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди. Бирлашмага “Ўзбексельмаш” заводи, Тошкент кимё қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи, Пахтакор қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи бириктирилди. Бирлашма маҳсулотлари Иттифоқдош республикалар, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Греция каби 28 та хорижий мамлакатга экспорт қилинди.

Машинасозликнинг пахтачилик комплекси таркибига кирувчи яна бир йўналиши - ирригация машинасозлик тармоғидир. Унинг маркази Андижон бўлиб, 1965 йил Андижон ирригация машинасозлиги заводи қурилди. Пахтачилик комплекси билан боғлиқ машинасозликнинг яна бир йўналиши пахта тозалаш саноати ва тўқимачилик машиналари ишлаб чиқаришдир. Бу тармокнинг етакчи корхоналари 50-60 йилларда қурилган Тошкент машинасозлик заводи, Андижон “Коммунар” заводи ҳисобланади.

Тўқимачилик саноати тармоғида 1946 йилдан тўқимачилик машиналари ишлаб чиқараётган Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи етакчи ўринни эгаллайди. Бу завод 1948-1966 йй. тўқимачилик машиналарининг 48 та янги турини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. 1966 йил ПК-100 маркали йиғириш-эшиш ва шиша толаларига ишлов берувчи ПЛ-666 маркали машиналар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Авиация заводи 1941 йил Химки шаҳридан келтирилган завод асосида Тошкентда барпо этилди. Дастлаб ПС-84 ва ИЛ-2 самолётларини ишлаб чиқарди. Тошкент авиация заводида 1953 йил ИЛ-14, 1958 йил транспорт самолётлари, 1966 йил АН-22 самолётлари ишлаб чиқарилди.

1972 йил Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилгач, бу уюшмага Тошкент авиация заводи (бош корхона), Андижон ва Фарғонадаги механика заводлари, Тошкент кислород заводи бирлаштирилди. Тошкент авиация заводида 1961 йилдан бошлаб И.Каримов 5 йил давомида етакчи муҳандис-конструктор бўлиб ишлади.

Қурилиш материаллари саноати Ўзбекистонда 50-80 йилларда ривожланиб, урушгача ғишт заводлари, Бекободда 1926 йил Хилково цемент заводи, 1932 йил Қувасой цемент заводи қурилди. 1985 йил қурилиш материаллари саноатининг: Бекобод, Қувасой, Ангрен, Оҳангарон, Навоий, Қумқўргон цемент заводлари; Тошкент, Чирчиқ, Янгийўл, Ангрен, Оҳангарон, Бекобод, Бектемир, Жиззах, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Қарши, Нукус, жами 11 та йирик панелли уйсозлик комбинатлари бор эди.

Ангрен уйсозлик буюмлари заводида Чўян қувур ва ванналар, раковиналар ишлаб чиқарилди. Ангрен керамика комбинатида қувурлар, Ховосда сопол қувурлар ишлаб чиқарилди. Маҳаллий саноат корхоналарида алибастер, ганч, черепица, чий, қамиш, плиталар ишлаб чиқарилди.

Ўзбекистонда 34 та мармар кони бўлиб, мармарни қайта ишлаш заводлари Тошкент, Ғазалкент, Оҳангарон, Китоб, Нукус ва Ғазгонда бор.

Енгил саноатни устун даражада ривожлантиришга имкон берувчи омиллар Ўзбекистонда мавжуд. Булар: кўплаб пахта, пилла, каноп хомашёси етиштирилиши; ёқилги-энергетикаси ва тўқимачилик машинасозлигига эгалиги; аҳоли ўсишининг юқорилиги енгил саноатни ишчи кучи билан таъминлаш имкониятига эгалиги; аҳолининг тез кўпайиши енгил саноат маҳсулотларининг истеъмолчиси эканлигидир.

Ўзбекистонда 50-80 йилларда енгил саноат бир томонлама ривожланди. Бунда асосий эътибор пахта қабул қилиш ва тозалаш, пиллакашлик, қоракўл тери ва каноп толасига дастлабки ишлов бериш, жун ювишга қаратилди. Ўзбекистонда 80-йилларда 107 та пахта тозалаш заводи, 490 та пахта пунктлари ишлади. Бухоро, Наманган, Жума пахта тозалаш заводларининг ҳар бири йилига 100 минг т. пахтани қайта ишлади, йилига 1,5 млн т. пахта толаси етиштирилди.

Тўқимачилик саноати Республикада пахта толасининг атиги 10 %ини қабул қилиш ва тайёр маҳсулотга айлантириш имкониятига эга эди. 70-80 йиллар бошида тўқимачилик саноатининг йирик корхоналари: Бухоро тўқимачилик (1973) ва Андижон ип-газлама (1979) комбинатлари, Нукус ип-газлама комбинати (1983)нинг Жиззах пахта йигирув фабрикаси; Кўргонтепа, Марҳамат, Янгиқўргон, Бешарик, Риштон, Вобкент, Ғиждувон филиаллари қурилди. Ип-газлама ишлаб чиқариш 1960 йил 234,7 млн м., 1985 йил 395,7 млн метрга кўпайди.

Озиқ-овқат саноати комплексининг ёғ-мой, консерва, нон, ун ёрмаси, қандолат, гўшт, сут, балиқ, чой, тамаки, вино етиштирувчи тармоқлари барпо этилди. Озиқ-овқат саноати комплексида 1985 йил 271 корхона ишлади. Бу тармоқнинг саноат маҳсулотлари умумий ҳажмидаги салмоги 14 %ни ташкил этди. Бу тармоқда ёғ-мой саноати етакчи ўрин эгаллайди. Республикада 1970-йилларда 17 та ёғ-мой корхонаси 2,2 млн т. чигитни қайта ишлаб 294 минг т. пахта ёғи, 1985 йил 451 минг т. пахта ёғи ишлаб чиқарди.

Қандолат саноатида 50-йилларда Наманган ва Бухоро кондитер-макарон фабрикалари, Янгийўлда кондитер (1964), дрожжи-ачитки (1968) корхоналари ишга туширилди. 20-йилларда қурилган Тошкент “Ўртоқ” кондитер фабрикаси 1965 йил тубдан реконструкция қилинди. Республикада 1985 йил 60 та корхонада 165 минг т. қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Транспорт тармоги 50-80 йилларда анча ривожланди. 50-йилларда 627 км Чоржўй-Қўнгирот темирўли қурилди, Қуйи Амударё Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари ва Иттифоқ маркази билан боғланди. 1962 йил қурилган 280 км Навоий-Учқудук темирўли янги конларни саноат маркази билан боғлади. Мирзачўл, Жиззах, Қарши чўлларини ўзлаштириш билан боғлиқ равишда 1962 йил Жиззах-Меҳнат (133 км), 1970 йил Самарқанд-Қарши (144 км), 1974 йил Термиз-Кўргонтепа (218 км) темирўллари қурилди. 1975 йил Тахياتош-Нукус темирўли қурилгач Қорақалпоғистон пойтахти (Нукус) республика темирўл тармоги билан боғланди.

Автомобил йўллари тез ўсди ва 50-70 йилларда замонавий автомобил йўллари курилди. Катта Ўзбекистон тракти (Тошкент-Термиз) таъмирланди. Тошент-Олмалик, Тошкент-Бухоро-Нукус, Мўйноқ-Зарафшон, Самарқанд-Чоржўй, Фаргона ва Тошкент халқа йўллари курилди. Тўрткўлдан Амударё бўйлаб Нукус орқали Тахтакўпирга олиб борадиган Қорақалпоғистон тракти курилди. Яна Бухоро-Газли-Сазакино автомагистрали, Тошкент-Ангрен-Кўкон йўли курилди.

Республикада 70 дан ортиқ автобус-таксамотор парклари барпо этилди. Автомобил йўллари узунлиги 80,4 минг км.ни, қаттиқ қопламали йўллар 66,7 минг км.ни ташкил этди. Автомобил транспорти 1985 йил 1960 йилга нисбатан 5,5 марта кўп ёки 1,1 млрд тонна халқ хўжалик юкларини ташиди. Автобусларда 1985 йил 2,5 млрд пассажир ташилди, бу 1960 йилга нисбатан 7 марта ортиқ эди.

Ҳаво йўллари республиканинг 120 дан ортиқ шаҳарларини боғлади. Узунлиги 60 минг км.га етди. 1985 йил 5,5 млн пассажир, 63,4 минг тонна юк ташилди. Тошкент метроси 1972 йилдан курила бошлади. Унинг 12,1 км. 1-йўналиши 1977 йил, 2-йўналиши 80-йилларда фойдаланишга топширилди.

Алоқа воситалари тармоғи урушдан кейин кенгайди. Шаҳарлараро телефон, телеграф алоқалари вужудга келди. Кабел ва радиореле линиялари курилди. Тошкент 1965 йил Москва ва Иттифок (СССР)нинг бошқа шаҳарлари билан коаксиал кабелли орқали боғланди.

Тошкентда 1971 йил шаҳарлараро кучли автоматик телефон станцияси ишга туширилди. АМТС-ИМ типигаги шаҳарлараро автоматик станциялар 1972 йил Самарқанд, Бухоро, Термиз, кейинроқ Наманган, Қарши, Фарғонада ишга туширилди. 160 минг абонент код орқали шаҳарлараро автоматик телефон алоқаси билан боғланиш имконига эга бўлди. Шаҳарлардаги телефон станцияларининг абонент телефонлари сони 1985 йил 953,9 мингга етди. Республикада 4166 та почта, телеграф, телефон алоқа бўлимлари ишлади. Колхоз ва совхозлар телефонлаштирилди.

Ўзбекистонда 1-март 1956 йил 5 ноябрда *Тошкент телевизион маркази* ишлай бошлади. 60-йиллар охиригача Фарғона водийси, Самарқанд вилояти телевизион кўрсатувлар билан таъминланди. Тошкент телевидениесининг икки программаси 1977 йил рангли тасвирда Самарқанд ва Андижонга узатилди. Тошкентда 1978-1979 йй. 350 м телеминора курилди. Урганч ва Нукусда телемарказ ишга тушди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиғи.

Пахта яккахокимлиғи фожиаси (1950-1990)

Янги ерларни ўзлаштириш. КПСС МҚ ва СССР МСнинг 1956 йил “Пахта етиштиришни кўпайтириш учун ЎзССР ва ҚозССРдаги Мирзачўлни сугориш тўғрисида” ва 1958 йил “ЎзССР, ҚозССР, ТожССРдаги Мирзачўлни ўзлаштиришни жадаллаштириш тўғрисида” қарорларга асосан **Мирзачўлда ирригация тарихида 1-бўлиб** катта мадонларда кўриқ ерлар ўзлаштирилди.

1956 йил кўриқ ерларни ўзлаштириш бош бошқармаси “Главголодностепьстрой”, 1963 йил ирригация ва совхозлар курилиши

бўйича Ўрта Осиё бош бошқармаи -“Главсредазсовхозстрой”, уларнинг худудий бошқармалари тизими ташкил этилди. Мирзачўлда 1956-1965 йй. 84 минг гектар янги ер ўзлаштирилиб, 16 та пахтачилик, 1 та богдорчилик совхозлари ташкил этилди. 456 минг м³ турар жой, 170 км темир ва 759 км автомобил йўллари, 637 км электр линиялари қурилди.

Сирдарё вилояти 1963 йил 16 февралда ташкил этилди, маркази Гулистон шаҳри бўлди. 1957 йил Янгиер, 1961 йил Гулистон шаҳарлар вужудга келди. Сирдарё вилоятида пахта майдонлари 1956-1965 йй. 120 минг га.дан, 211 минг га.га; пахта хомашёси 243 минг т.дан 441 минг т.га кўпайди. Жанубий Мирзачўл канали қурилди. Сирдарё вилоятида 1966-1975 йй. 181 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди. 50-йиллар иккинчи ярми 70-йиллар ўрталаригача янги ерлар 280 минг гектарни ташкил этди, 55 та совхоз тузилди.

Жиззах вилояти 1973 йил ташкил этилди. Посёлкалар базасида 1974 йил Пахтакор, Дўстлик, Гагарин шаҳарлари вужудга келди. Жиззах чўлида 70 минг гектардан кўпроқ янги ерлар ўзлаштирилиб, Мирзачўл (1967), Дўстлик (1970), Зафаробод (1973), Арнасой (1977) туманлари ташкил этилди. Сирдарё ва Жиззах вилоятларида 1985 йил 731 минг тонна пахта хомашёси етиштирилди.

Бухоро вилоятида 1963 йил Аму-Қорақўл, 1965 йил Аму-Бухоро каналлари қурилди. 90 минг гектар ер, 26 минг гектар янги ер сугорилди, Қизилқумда 300 минг гектар яйловга сув борди. Яна Марказий Фаргона, Қорақалпоғистон, Сурхандарё, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида ҳам сугориладиган деҳқончиликни кенгайтириш, ирригация-қурилиш ишлари олиб борилди. Қорақалпоғистонда шоликорлик совхозлари ишга туширилди. Жиззах ва Қарши чўли, Мирзачўл, Сурхон-Шеробод, Марказий Фаргона, Қуйи Амударё ерларини ўзлаштириш, сув чиқариш ишлари авж олди.

Амударё хисобига 70-йилларда энг йирик Туямўйин, Кампирровот дарёсида Андижон, Наманганда Чортоқ ва Эскар, Самарқандда Қоратепа, Сурхандарёда Сурхон сув омборлари; Катта Наманган, Паркент каналлари қурилди. Ўзбекистонда 1946-1965 йй. 600 минг гектар ва 1966-1985 йй. 1,6 млн гектар янги ерлар ўзлаштирилди. 1985 йил 10 млрд м³ сувни тўпловчи 23 та сув омбори, 197 минг км. каналлар, 900 та сугориш системаси, 92 минг гидроузеллар ишлаб турди. Ўзлаштирилган қўриқ ерларда 160 та совхоз, 7,7 млн м² турар жой, 37 минг ўринли мактабгача болалар муассасаси, 102 минг ўринли умумтаълим мактаблари ташкил этилди.

Пахта монокултура сифатида республика қишлоқ хўжалигида ривожлантирилди. 1950 йил 1,1 млн гектар, 1985 йил 2 млн. га. ғўза экилди. Пахта хомашёси 2,3 млн тоннадан 5,4 млн. т.га ошди. Ҳосилдорлик гектарига 20,1 центнердан 27 ц.га ошди. Ўзбекистонда пахта монокултурага, яъни ҳукмрон тармоққа айланди. Чунки Иттифок (СССР) меҳнат тақсимоотида, ягона халқ хўжалиги комплексида Ўзбекистоннинг ўрни пахтачилик эканлиги белгилаб қўйилган. СССРнинг халқаро майдонда пахта мустақиллигини таъминлаш вазифаси Ўзбекистонга юклатилган. Ўзбекистон пахта майдонлари 1985 йил барча экин майдонларининг 2/3 қисмини эгаллар

эди. Андижон, Фаргона, Сирдарё, Жиззах, Бухоро вилоятларида унинг салмоги 70-75 %га етарди.

Қишлоқ хўжалигида маккажўхори, бугдой ҳам етиштирилди. 1970-йилларда барча вилоятларда 18 та ихтисослашган маккажўхоричилик совхозлари ташкил этилди. Маккажўхори экин майдонлари 80-йиллар ўрталарида кескин камайтирилди. Маккажўхори етиштириш 1985 йил атиги 443,1 минг тоннага тушиб қолди. Серсув ва иссиқ жойларда шоли етиштирилар эди. Шоли асосан Чирчиқ, Оҳангарон, Сирдарё бўйларида етиштирилар эди.

ЎзКП МҚ ва Министрлар Кенгаши 1978 йил ноябрда шоли етиштиришни кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Унга кўра Амударё қуйи қисмида – Қорақалпоғистон ва Хоразмла шоликорлик совхозлари ташкил этилди. Бугдой ва арпа учун сугориладиган ер ажратилмади. Бугдой ва арпа баҳорикор (лалмикор) ерларга экилди. Ҳосилдорлик гектарига 5-8 центнердан ошмасди, бугдой бошқа минтақалардан келтирилди.

Чорвачиликда 60-йилларда қорамолчиликка ихтисослаштирилган 30 та совхоз ташкил этилди. 70-йиллар иккинчи ярмида 45 минг сигир боқиладиган сутчилик комплекслари, 65 минг бузоқ боқиладиган гўштчилик комплекслари, очик майдонда 190 минг қорамол боқиладиган 13 та комплекслар қурилди. Чорвачилик, чўчкачилик ва сутчилик комплекслари сони 1982 йил 82 тага етди. 1985 йил хўжаликлар 4,1 млн. қорамол, шу жумладан 1,6 млн. сигир боқди. Бухоро, Жиззах, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон АССРда 90 та қоракўлчилик совхозларида 5 млн.дан ортиқ қоракўл қўйлар боқилди, 3 млн. ҳисори ва жайдари қўйлар боқилди.

Ўзбекистонда 60-70 йилларда 20 дан ортиқ *паррандачилик* комплекслари қурилди. 1985 йил 33,5 млн. товукдан 2 млрд. дона тухум олинди, бу 1960 йилга нисбатан 4 марта ортиқ эди. Амударё, Сирдарё ва Орол денгизи қиргоқларида андатра, нутрия, норка урчитилиб, мўйналар тайёрланди. 1985 йил 26 минг тонна балиқ етиштирилди. Иттифок (СССР) бўйича етиштирилган пилланинг 2/3 қисми Ўзбекистонда етиштирилди. 1985 йил 32,2 минг тонна пилла тайёрланди, 4 минг тонна асал тайёрланди.

Орол фожиасини - чўл ва саҳроларни ўзлаштириш, пахта монокултураси кучайиши, Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида сугориш тизимларини қуриш келтириб чиқарди. Орол денгизи сатҳи 20 метрга пасайди, соҳиллари 60-80 км га чекинди. 4 млн. гектар шўрхок саҳро пайдо бўлди. Денгиз ўрнида 2 та қолдиқ қўл қолди. Оролнинг қуриши экологик қулфат даражасига айланди. Унинг атрофидаги 35 млн. киши хавф остида қолди. Йилига 90 кун давом этадиган бўрон 15-75 млн. тонна тузни 300-500 км.га ёймоқда.

Таянч сўзлар: “Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси”, “Марказий Осиё ягона электр системаси”, Мирзачўл, Сирдарё вилояти, Жиззах вилояти, Орол фожиаси, экологик қулфат, Тошкент телевизор маркази, Тошкент телеминораси.

3-§. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий инқироз вужудга келиши. Маданий ва маънавий соҳадаги мафкуравий тазйиқлар

Ижтимоий-иқтисодий инқироз. Ватанимиз тарихидаги 50-80 йилларнинг биринчи ярми энг мураккаб даврларидан биридир: 1) меҳнаткашлар меҳнати туфайли республика иқтисодиёти ривожланди; 2) барча соҳаларда муаммолар тўпланиб, инқирозли вазиятни келтириб чиқарди. Хўжалик юритиш тизимида бошқарувнинг *маъмурий-буйруқбозлик усули* 20-йиллар охири - 30-йилларда шаклланди. Бу усул 30-йилларда, уруш ва тиклаш даврларида самара берган бўлсада, 50-йиллардан тараққиётга тўсик бўла бошлади.

1956 йил *иқтисодиётни қайта қуриш, бошқарувни демократлаштиришга* уринишлар бўлди. Марказда ҳал этилган маҳаллий масалаларни республикаларга бериш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш, бошқарувни жойларга яқинлаштириш, хўжаликни бошқаришнинг ҳудудий тартибига ўтиш тадбирлари кўрилди, бироқ амалга ошмади.

Иқтисодий ислохатлар қилишга 60-йиллар ўрталарида киришилди ва 1965 йилги ислохатда саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалик корхоналарини хўжалик ҳисобига ўтказиш, рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш мўлжалланди. Ислохатлар 60-йиллар 2-ярмида бироз самара берган бўлсада, кўзланган натижани бермади. 60-йиллар иқтисодий ислохати жамият ривожига, ишлаб чиқариш муносабатлари моҳиятига даҳл қилмади, шу сабабли муваффақиятсизликка учради. Бошқарувнинг *маъмурий-буйруқбозлик* тизими кейинги йилларда ҳам ижтимоий-иқтисодий ҳаётда прогрессив қайта ўзгаришларни, 1979 йилги иқтисодиётни ислох қилиш йўлидаги уринишларни барбод қилди.

КПССнинг 70-80 йилларда бўлган съезларида ривожланишнинг **интенсив** шаклига ўтиш таъкидланган эди. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, раҳбарликда иқтисодий усулларга ўтиш вазифалари қўйилди. Бироқ сўз билан иш ўртасида узилиш рўй берди, тараққиётда депсиниш, инқирозли ҳолатлар юз берди.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасини аниқлашда 60-йиллар охирида илмий ва сиёсий ҳаётга кириб келган *“ривожланган социализм”* тушунчаси назарий ҳатога йўл қўйилганлигининг оқибати бўлди. Ютуқларни улуглаш, миқдор кетидан қувиш, камчиликларни пайқамаслик каби иллатлар мустаҳкам ўрнаша борди. Иқтисодиётда инқирозли вазият вужудга келиб, миллий даромад 1960-1965 йиллардан 1981-1985 йилларгача 7,8 %дан 3,3 %га тушиб қолди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган соф даромад 1965-1985 йй. 7 марта камайди.

Иқтисодиётда ишлаб чиқаришнинг интенсив усулларига ўтиш, моддий хомашё ва энергетика бойликларидан фойдаланиш соҳасида *катта хатоликларга* йўл қўйилди. Моддий бойликларни сақлаш ўрнига, улардан аёвсиз фойдаланиш туфайли меҳнат унумдорлиги пасайиб кетди.

Ижтимоий соҳага ҳам *иқтисодиётдаги инқироз* ўз таъсирини ўтказиб, ижтимоий эҳтиёжлар учун маблағ тақсимлашнинг қолдиқ принципи ва тақсимотда текисчилик қонунининг устун бўлиши туфайли ижтимоий адолатсизликнинг авж олишига олиб келди. Ижтимоий муносабатларда

меҳнатни рағбатлантириш тизимининг бузулиши оқибатида мураккаб вазият вужудга келди. Юқори малакали меҳнат ҳақ тўлашда камситилди. Инженер ва ишчи, врач ва санитария ходими бир хил маош олиши аҳолининг меҳнатга қизиқиши сусайиб, меҳнат унумининг пасайишига олиб келди; бу ҳолат маҳсулот танқислигини юзага келтирди.

Давлат бюджетидан ажратилаётган маблаг камайиб бориши туфайли таълим ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ёмонлашиб, моддий-техник базаси эскиришига олиб келди. Умумтаълим мактабларида 1985 йил бино етишмаслиги сабабли ўқувчиларнинг $\frac{3}{4}$ қисми 2-3-сменада ўқиди. Мактабларнинг 32 %и водопровод, 60 %и марказий иситиш тармоги билан таъминланмаган эди.

Бир қанча жойларда ортикча ишчи кучлари пайдо бўлиб, ишсизлик кучайди. Биргина Фаргона водийсида 200 минг йигит ва қиз ишсиз эди. Қишлоқ оиласининг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ойлик даромод Россияда 98,1 сўмни ташкил қилди. Ўзбекистонда томорқасидан тушадиган даромад билан бирга 58,9 сўмга тенг бўлди, турмуш даражаси СССР миқёсида охириги ўринларга тушиб қолди.

70-80 йилларда партиявий раҳбарликнинг маъмурий-буйруқбозлик услуби тенденцияси кучайди. Ҳамма соҳаларда бошқариш функциялари партия ташкилотлари кўлида тўпланган эди. СССР Конституциясига биноан давлатнинг ҳокимият органлари халқ депутатлари советлари ҳисобланган. Бироқ амалда улар партия ташкилотларининг ижрочиларига айланиб қолган эди.

Советлар обрўсининг пасайиши қонунларнинг бажарилишига ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Қонунлар турли ҳужжатлар билан алмаштирилди. 70-йиллар охири – 80-йиллар бошида халқ хўжалигини бошқаришда 200 мингга яқин буйруқ ва кўрсатмалар тўпланиб қолиши, хўжаликлар фаолиятини чалкаштириб ташлаган эди. Ўзбекистон партия ва ҳукумат раҳбариятида Марказ ва КПСС раҳбарияти, хусусан Л.Брежнев олдида “юзни ёруг қилиш”га интилиш кучайди. Партия, совет ва давлат хўжалик органларидаги хатолик ва қонунбузарлик ҳақида ЎзКП МҚнинг 1984 йил июнда бўлган 16-плenumsида очиқ гапирилди.

Маданий ва маънавий соҳадаги мафкуравий тазйиқлар

Халқ таълими. Мактаб қурилишида 50-йилларда *7 йиллик умумий мажбурий таълим* амалга оширилди, бироқ халқ таълимида жиддий нуқсонлар мавжуд эди. Мактаб таълимнинг мазмуни ҳаётдан орқада қолаётган эди: 1)ўқувчиларнинг билим савияси паст эди; 2)ўн йил ўқиб мактабни битирувчиларнинг касби, меҳнат малакаси йўқ эди.

СССР Олий Совети 1958 йил декабрда “СССРдаги мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш ва халқ маорифи тизимини янада ривожлантириш тўғрисида” қонун қабул қилди. Бу қонунда ўқитишни турмуш билан боғлаб олиб бориш, ёшларни ақлий, маънавий, жисмоний жиҳатдан етук қилиб шакллантириш, уларга умумий политехник билим бериш вазифалари кўйилди.

ЎзССР Олий Кенгаши ҳам 1959 йил шундай қонун қабул қилди. 10 йиллик ўрта мактаблар *11 йиллик* мактабларга айлантирилди. Мактабларда ўқув режалари ва дарсликлар, тажриба участкалари вужудга келди, физика ва математика фанлари соати кўпайтирилди. Ўқувчиларга машинасозлик, саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги бўйича амалий машгулотлар ўтиш йўлга қўйилди.

1962 йил умумий мажбурий *8 йиллик* таълимга ўтилди, барча 7 йиллик мактаблар 8 йиллик мактабларга айлантирилди. Саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалигида банд бўлган ёшларга таълим бериш мақсадида *кечки ва сиртқи* мактаблар ташкил этилди. 1958-1965 йй. 1000 га яқин шундай мактаблар очилди, уларда 1965 йил 134,5 минг ёшлар ўқиди.

ЎзКП ва ҳукумати 1966 йил “Республика умумтаълим мактаблари ишини янада яхшилаш” ва 1969 йил “Республика умумий ўрта таълимга ўтиш муносабати билан халқ маорифини яхшилаш” тўғрисида қарорлар қабул қилди. Бу қарорларга асосан республикада *Умумий ўрта таълимга ўтиш*, янги мактаб бинолари, лаборатория ва устахоналар барпо этиш ишлари бажарилди. *70-йиллар ўрталарида* Умумий ўрта таълимга ўтиш яқунланди.

Мактаб-интернатлар, бадий истеъдодни ривожлантирувчи мактаблар кўпайди. Глиер номидаги ўрта мактаб-интернат, миллий мусиқа ва амалий санъат, спорт мактаб-интернатлари, мусиқа мактаблари очилди. Ўрта умумтаълим мактаблари 1970 йилдаги низомга мувофиқ алоҳида бошлангич (1-3 синлар), 8 йиллик (1-8 синфлар) ва ўрта (1-10 синфлар) мактабларига айлантирилди.

Ишлаб чиқариш таълими бериш мақсадида мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари, касб-хунар билим юртлари тузилди. Шунингдек, куни узайтирилган, алоҳида фанларни чуқур ўргатувчи, ақлий ва жисмоний заиф болалар мактаблари ташкил этилди. Барча турдаги умумтаълим мактаблари 20 йил (1965-1985)да 8716 тадан 9188 тага; ўқувчилар 3055,8 мингдан 6519,6 мингга кўпайди. Ўрта маълумот олганлар 5,7 млн дан ошди.

Совет ҳокимияти таълим ва тарбия бериш мазмунини яхшилаш мақсадида 1984 йил мактаб ва хунар-техника билим юртларини ислох қилишга қарор қилди. Мактабларда “Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари” курсини ўқитиш, микро-калькулятор, ЭХМ, компютерлар билан таъминлаш вазифаси қўйилди. Республиканинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи бу вазифани бажаришни таъминлай олмади. Мактаб ислохати тангликлар орасида қолиб кетди ва таълим-тарбияни жаҳон даражасига кўтариш самарасиз тугади.

Олий ва ўрта махсус таълим урушдан кейин анча ўсди ва 50-йилларда 3 та олий ўқув юрти: Андижонда медицина, Тошкентда Электротехник алоқа ва Физкултура институтлари очилди. 60-йилларда 8 та янги олий ўқув юрти: Андижон пахтачилик, Фаргона политехника, Самарқанд архитектура-қурилиш институтлари; Термиз, Сирдарё, Тошкент вилоят педагогика институтлари; Андижон тиллар, Тошкент рус тили ва адабиёти педагогика институтлари очилди. 70-йилларда 5 та олий ўқув юрти: Нукус давлат университети; Тошкент автомобил йўллар ва Педиатрия институтлари очилди. Янги мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш

йўлга кўйилиб, янги факултетлар, вилоятларда йирик олий ўқув юртларининг филиаллари очилди.

Олий ўқув юртлари сони 1960 йил 30 тани, 1985 йил 42 тани ташкил этди. Уларда 828 мингга яқин турли мутахассислар тайёрланди. Ўрта махсус ўқув юртлари сони 1960 йил 75 тага ва 1985 йил 249 тага етди. Уларда 1 млн 135 мингга яқин ўрта махсус маълумотли мутахассис кадрлар тайёрланди. Мутахассис кадрларни тайёрлашда камчиликларга йўл кўйилди. *Экстенсив метод*, яъни сон жиҳатдан кўп кадрлар тайёрлаш 1-ўринда борди.

Ўзбекистон Фанлар академияси (ЎзФА) уруш йилларида (1943) ташкил этилган. 1946-1990 йй. янги илмий-тадқиқот институтлари, лабораториялар, илмий станциялар ташкил этилди. Академия таркибида 80-йиллар бошида Қорақалпоғистон АССР филиали ва 35 илмий тадқиқот муассасалари фаолият кўрсатди. 38 минг илмий ходим, 1215 фан доктори, 15664 фан номзоди тадқиқот ишлари олиб борди.

Пахтачилик ва суғоришга доир Ўзбекистонда комплекс тадқиқотлар олиб борилди. Тупроқларнинг классификацияси тузилди, у иклимий районлаштирилди, карталаштирилди. Академик С.Рижов *суғориладиган тупроқларнинг* унумдорлик даражаси ҳақидаги тушунчани ишлаб чиқди ҳамда суғориладиган тупроқлар тип сифатида белгиланди.

А.Аскомченский, В.Павловский, Р.Алимовлар *сув тўғонининг* янги конструкцияси, горизонтал ва вертикал зовурлар системаси, гўза ўстиришнинг такомиллашган технологиясини ишлаб чиқдилар. Бу тадқиқотлар Мирзачўл, Далварзин, Шеробод, Қарши чўллари, Марказий Фарғонада катта майдонларни ўзлаштириш ва кишлок хўжалигида фойдаланишга кўмаклашди.

Академик А.Содиқов *гўзадан ўстирувчи моддалар* ва бошқа препаратлар синтез қилди. Н.Рахматуллин, У.Орипов чигитни туксизлантиришнинг механик ва аэрокимёвий усуллариини ишлаб чиқди. Селекционер олим С.Мираҳмедов ва бошқалар пахтанинг “Тошкент – 1,2,3,4” сингари ҳосилдор, тезпишар, толаси сифатли янги навларини етиштирди. Яна шоланинг 20, сабзавот ва полиз экинларининг 50, мева ва узумнинг 60 дан ортиқ навлари; тут, ипак куртининг махсулдор зотлари етиштирилди.

Ўзбекистон *геологиясини ўрганиш*, фойдали казилмаларни топиш борасида 1946-1959 йй. ер пўсти ядро тараққиёти, рудаларнинг интрузиялар билан боғлиқлиги ҳақидаги илмий концепциялар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон олимларининг ер пўсти ва юкори мантиясини ўрганиш, зилзилаларнинг геохимик даракчиларини аниқлаш соҳасидаги тадқиқотлари халқаро майдонда эътироф этилди.

Ҳ.Абдуллаев, И.Ҳамрабоев, И.Исомухамедов, Х.Боймухамедов, К.Бобоев, А.Акрамхўжаев, Х.Тўлаганов, Ғ.Мавлоновлар дунё рудали-петрографик провинциялари классификацияси, элементларнинг геохимик классификацияси, Ўрта Осиё литосферасининг геологик-геофизик моделларини ишлаб чиқди.

М.Ўрозбоев, Ҳ.Рахматуллин, В.Қобулов, Ҳ.Усмонхўжаев, Ғ.Кожевников Ўзбекистонда машина ва механизмлар назарияси илмий мактабига асос солди. Пахта териш машиналари унумдорлигини ошириш ва

стабиллиги назарияси, ричагли механизмларни синтез қилишнинг илмий йўналиши ишлаб чиқилди.

Кибернетика институти Ўзбекистонда 1966 йил ташкил этилгач, академик В.Қобулов етакчилигида саноат корхоналарида кибернетика ва ҳисоблаш техникаси асосида бошқаришнинг автоматлаштирилган системалари яратилди. Академик Ҳ.Усмонов раҳбарлигида кимёгарлар пахта толасининг пишиб етилиш жараёни, технологик хусусиятлар пахта навларига боғлиқлиги, машина теримининг қулай муддатини аниқлади. Ҳ.Усмонов жаҳонда энг яхши стандартли пахта целлюлозасини олиш технологиясини ишлаб чиқди. Ғижимланмайдиган газламалар олиш усулини, полимер дориларни яратди.

Академик О.Содиқов ва С.Юнусов етакчилигидаги *кимёгарлар* ўсимлик моддалари (алколоидлар, юрак гликозидлари, ёғлар, оқсиллар, углеводлар), табиий бирикма ва синтетик моддалар устида комплекс тадқиқотлар олиб борди. Улар 400 та доривор ўсимликлар турини, 300 дан ортиқ алколоидни, шундан 164 та янгиларини аниқладилар. Ғўзадан 80 дан ортиқ моддалар олинди. О.Содиқов биоорганик кимё фанининг вужудга келишига маълум ҳисса қўшди. У ихтиро қилган лимон ва олма кислоталари олиш технологияси *олтин медалга* сазовор бўлди.

Кардиолог олимлар юрак қон-томир касалликлари устида илмий тадқиқотлар қилиб гипертония, атеросклероз, миокард инфаркти, стенокардия, ревмотизм касалликларининг иқлимга боғлиқ хусусиятларини очиқ бердилар. Н.Мажидов, М.Қориев, Р.Пўлатова асаб системаси, қон томирлари, инсулт, ўткинчи мия қон айланишининг бузилиши каби касалликларни даволаш методларини ишлаб чиқди.

Археолог, этнограф, антрополог олимлар ўзбек халқининг этник таркиби, этногенези шаклланиши тарихига оид асарлар яратди. Ўзбекистонда қадимги даврдан одамлар яшаб келаётганлиги, бундан 3000-2500 йиллар илгари шаҳарлар бунёд этилгани исботланди.

Адабиётда 50-80 йилларда роман ва повест жанрлари ривожланди. Уруш даври ҳақида Ойбек “Нур кидириб”, Ш.Рашидов “Қудратли тўлқин”, Шухрат “Шинелли йиллар”, С.Аҳмад “Уфқ”, О.Ёқубов “Эр бошига иш тушса”, Ҳ. Ғулум “Тошкентликлар” романларини ёзди.

Тиклаш ва тинч қурилиш даври ҳақида Ойбек “Олтин водийдан шабадалар”, А.Қахҳор “Қўшчинор чироқлари” ва “Синчалак”, Ш.Рашидов “Ғолиблар” ва “Бўрондан кучли”, И.Раҳим “Ихлос” каби роман ва повестларни яратдилар. Парда Турсуннинг “Ўқитувчи” романи қишлоқ зиёлиларининг фаолиятини очиқ берди.

Ёш замондошларнинг маънавий қиёфаси ва ҳаёти ҳақида П.Қодиров “Уч илдиз” ва “Қора кўзлар”, О.Ёқубов “Муқаддас” ва “Диёнат”, Мирмуҳсин “Умид” асарларини ёзди. Одоб-ахлоқ, тарбиявий масалалар ҳақида Р.Файзий “Ҳазрати инсон”, Ў.Умарбеков “Қиёмат қарз”, Ў.Ҳошимов “Нур борки, соя бор” романларини ёзди.

Тарихий мавзуда Уйғун “Абу Райҳон Беруний”, О.Ёқубов «Улугбек хазинаси», М.Шайхзода “Мирзо Улугбек” асарларини яратди.

Ўзбек шеърятини Ғ.Ғулум, Зулфия, Уйғун, Ҳ.Ғулум Т.Тўла, Қ.Мухаммадий, М.Шайхзода, С.Акбарий, С.Зуннунова янги босқичга

кўтарди. Ўзбек кўшикчилигини Ҳабибий, С.Абдулла, П.Мўмин, А.Пўлат замонавий мавзулар билан бойитди. Ўзбек шеърятининг 60-80 йиллардаги тараққиёти А.Орипов, Э.Воҳидов, Ж.Камол, Н.Нарзуллаев, Б.Бойқобилов, Г.Жўраева, О.Ҳожиева, Ҳ.Худойбердиева, О.Матжон ижоди билан боглик.

Театр ва мусиқа санъати Ўзбекистонда бирмунча ўсди. Ҳамза номидаги ўзбек драма театри Отелло” ва “Юлий Цезар” (Шекспир), “Навбахор” (Уйгун), “Шоҳи сўзана” (А.Қахҳор), “Бир севги афсонаси” (Н.Ҳикмат), “Ганг дарёсининг кизи” (Р.Тагор), “А.Навоий” (Уйгун ва И.Султон), “М.Улугбек (М.Шайхзода) асарларни сахналаштирди.

Т.Жалилов номидаги Ўзбек давлат оркестри репертуаридан 1300 га яқин асарлар ўрин олди. «Лазги», «Шодлик», «Гўзал» хореографик ансамбллари; «Баҳор» халқ рақс ансамбли, «Ялла» вокал-чолгу ансамбллари концертлари халққа манзур бўлди.

Театр жамоалари 60-70 йилларда “Номаълум киши” (И.Султон), “Қонли сароб” (С.Азимов), “Қутлуг қон” (Ойбек), “Қотил” (Уйгун), “Аяжонларим” (А.Қахҳор), “Келинлар кўзголони” (С.Аҳмад), “Шошма куёш” (Ў.Умарбеков) асарларини сахналаштирди. Ўзбек академик театри жаҳон классикасининг шоҳ асарлари - В.Шекспирнинг “Қирол Лир”, “Ҳамлет” драматик асарларини сахналаштирди.

Ўзбек театри ривожига режиссёрлар: М.Уйгур, Я.Бобожонов, А.Гинзбург, Т.Хўжаев ҳисса қўшди. Ўзбек сахнасида актёрлар: А.Ҳидоят, О.Хўжаев, А.Бакиров, С.Эшонтўраева, Ш.Бурҳонов, Н.Раҳимов, Р.Ҳамроев, З.Муҳаммаджонов, Б.Қориева, Я.Абдуллаева, Г.Аъзамов, Ё.Аҳмедов, Т.Орипов, Т.Азизов, Қ.Хўжаев, П.Саидқосимов самарали хизмат қилди. Санъаткорлар: Ю.Ражабий, Ҳ.Носирова, М.Тургунбоева, Тамарахоним, Г.Измайлова, С.Қобулова ўзбек санъатини баланд кўтарди.

Кино санъати 1946-1985 йй. юксалиб, Н.Ганиев “Тоҳир ва Зухра” (1945), “Х.Насриддиннинг саргузаштлари”, “Фаргона қизи” кино фильмларини яратди. К.Ёрматов яратган “А.Навоий” (1947) биографик-тарихий фильми шуҳрат қозонди. 50-60 йилларда яратилган К.Ёрматовнинг “Ибн Сино” (1957), “Осиё устида бўрон” (1965), “Қора консулнинг ҳалокати” (1970); Л.Файзиевнинг “Улугбек юлдузи” (1965) фильмларида ўзбек халқининг тарихий ўтмиши акс эттирилди.

Ўзбек кино санъатига 60-70 йилларда Ш.Аббосов, А.Ҳамроев, Р.Ботиров, Э.Эшмуҳаммедов, Ҳ.Аҳмаров каби ёш режиссёр ва актёрлар кириб келди. Ш.Аббосов «Маҳаллада дув-дув гап» (1961), “Сен етим эмассан” (1963), «Тошкент – нон шаҳри» (1970), “Абу Райҳон Беруний” (1974) фильмларини яратди. А.Ҳамраевнинг “Шиддат” (1971), Р.Ботировнинг “Сени кутамиз йигит” (1972), Э.Эшмуҳаммедовнинг “Нафосат” (1967), “Умид қуши” (1975) фильмларида давр фарзандларининг ҳаёти, изланишлари тасвирланди. М.Қаюмовнинг “Баҳордан баҳоргача” (1963), “Мирзачўл” (1975), “Паранжи” (1977) ленталари Бутуниттифок ва жаҳон кинофестивалларида биринчи мукофотга сазовор бўлди.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг халқаро кинофестивали 1968 йилдан бошлаб Тошкентда 2 йилда 1 марта “Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун” шиори остида ўтказилиб турилди.

Тасвирий санъатда Ч.Ахмаров ва Ў.Тансиқбоев деворий расм, мозаика ва манзара жанрларида; В.Кайдалов ва М.Набиев портрет жанрида; М.Усмонов ганч ўймакорлиги, Қ.Ҳайдаров ва О.Файзуллаев ёғоч ўймакорлиги бўйича асарлар яратди. Тошкентда замонавий **цирк** биноси 1976 йил қурилди. Цирк усталари Тошкенбоевлар, Зариповлар, Хўжаевлар, Мадалиевлар; масхаробоз-қизиқчи А.Юсупов ижод қилди.

Маданий ҳаётга ва ижодий ишларга партиявийлик, синфийлик тамойиллар асосида ёндошиш инкирозга олиб келди. Коммунистик мафқуралаштириш, маъмурий-буйруқбозлик маданий ҳаётга зарар етказди.

Ш.Р.Рашидов (1917-1983) давлат ва жамоат арбоби, адиб сифатида фаолият олиб борган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, уруш ҳақида асарлар ёзган. У 1949-1950 йй. Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви раиси бўлиб ишлади. “Бўрондан кучли”, “Қудратли тўлқин”, “Ғолиблар” романларини ёзди. Ш.Рашидов фаолиятида 50-йиллардан бошлаб масъулиятли давр бошланди. У 1950-1959 йй. Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати Раиси, 1959-1983 йй. ЎзКП МҚ 1-котиби лавозимида ишлади.

60-80 йилларда қурилган саноат корхоналари, йирик иншоатлар Ш.Рашидов номи билан боғлиқ бўлиб, Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Ёзёвон, Сурхон-Шеробод чўллари ўзлаштирилди. Ш.Рашидов раҳбарлиги даврида Навоий, Зарафшон, Учқудук, Янгиер, Ғулистон каби йирик шаҳарлар барпо этилди. Тошкентда метрополитен қурилишининг ташкилотчиси бўлди.

Жаҳонда “Тошкент руҳи” сифатида 1966 йил вужудга келган машҳур тушунча Ш.Рашидов номи билан бевосита боғлиқ, бу Тошкентда тузилган халқаро ҳаракатдир. Ш.Рашидов Осиё ва Африка ёзувчилари ҳамкорлиги ҳаракатининг; Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқаро кинофестивалининг; Ҳиндистон ва Покистон ўртасида тинчлик сулҳи имзоланишининг ташаббускори бўлди. Ш.Рашидов вафот этгач унинг хотираси оёкости қилинди ва “шароф рашидовчилиқ” атамаси ўйлаб топилди.

И.Каримовнинг жасорати туфайли Ш.Рашидовнинг номи оқланди, ўзбек халқининг миллий гурури ҳам ҳимоя қилиб қолинди. И.Каримов 1992 йил “Халқимизнинг оташқалб фарзанди” асарида: “Бу мураккаб шахс, бир тарафдан, миллий манфаатларни ўйлашга, иккинчи тарафдан Марказдан келган, туб манфаатларга зид буйруқларни ҳаётга тадбиқ этишга мажбур бўлганини унутмаслигимиз зарур” - деб айтган эди..

Таянч сўзлар: маъмурий буйруқбозлик, “ривожланган социализм”, экстенсив метод, Ш.Р.Рашидов, 7 йиллик умумий мажбурий таълим, 11 йиллик мактаблар, 8 йиллик таълим, Умумий ўрта таълимга ўтиш, Тошкентда замонавий цирк биноси, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг халқаро кинофестивали.

4-§. “Қайта қуриш” сиёсатининг барбод бўлиши. Ўзбекистон мустақиллик томон йўл тутиши

“Қайта қуриш” сиёсатининг барбод бўлиши. СССРда XX асрнинг 70-80 йилларида иқтисодиётнинг ривожланиш суръати пасайиб, харажатлар ортиб борди. Имкониятларни ҳисобга олмасдан қабул қилинган ижтимоий, озиқ-овқат, аграр, энергетика, экология соҳаларидаги дастурлар самара бермади. Мамлакат катта табиий ресурсларга эга бўлсада, хўжаликлар уларнинг етишмовчилигига дуч келди.

Иқтисодиёт *экстенсив* йўлда кўп қўшимча меҳнат ва моддий ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб этиш йўлида депсинаётган эди. Дунёдаги кўп мамлакатлар фан-техника инқилоби туфайли халқ турмушида ижобий бурулишларга эришаётган эди. СССР ушбу жараёндан орқада қолиб кетди.

Ишлаб чиқариш технологияси эскирган, маҳсулотларнинг сифати паст бўлгани учун маҳсулотлар сотилмасдан тўпланиб қолаётган эди. Маъмурий-буйруқбозлик тизими, иқтисодиётга партиявий раҳбарлик ва унинг мафкуралаштирилиши иқтисодий ислохатларни йўққа чиқарар эди. Ижтимоий эҳтиёжларга маблағ ажратишда қолдиқ тамойили ва тақсимотда текисчилик ҳукмрон эди. Одамлар мулкдан бегоналаштирилгани учун лоқайд эди.

Иқтисодиётнинг ўз қонунлари ва воситалари асосида ривожланишига буйруқбозлик бошқарув усули, сансалорлик, қозғалдиқ, мажлисбозлик тўққинлик қилди. Ҳуқуқ ва қонунийлик путурдан кетган эди. Хўжаликни бошқаришда 200 мингта турли буйруқлар, қонунсимон ҳужжатлар ҳукмрон бўлиб, хўжалик ходимларини назорат қилиб, ташаббускорликни бўғар эди. Дунёда энг кучли икки давлатдан бири деб келинган СССРда инқироз етилди.

КПСС МҚнинг 1985 йил Апрельда бўлган Пленуми ноҳуш тенденциялар йигилиб, СССР танглик вазиятга тушиб қолганини илк бор эътироф этди. Мазкур пленум жамиятни “Қайта қуриш” орқали иқтисодиётни кўтариш, турмушни яхшилаш сиёсатини белгилади. Марказий раҳбарият томонидан 1985-1986 йй. жиддий ўзгаришлар қилиш зарурлиги англанди. Бироқ аҳволнинг мураккаблиги ҳали тўла идрок этилмаган эди. 1987 йилдаги сиёсий тизимни ва иқтисодиётдаги партиявий раҳбарликни сақлаб қолган ҳолда хўжалик механизмини ислоҳ қилишга уриниш ҳам самара бермади, иқтисодий ислохатлар барбод бўлди.

80-йиллар охирида сиёсий системани, биринчи навбатда КПССнинг сиёсий ва мафкуравий ҳукмронлигини чеклашга, давлат ва хўжалик органларини Компартия ҳукмронлигидан чиқаришга, халқ депутатлари советининг тўла ҳукмронлигини таъминлашга уриниш ҳам беҳуда кетди.

“Қайта қуриш” сиёсати даврида иқтисодиётда кучли бузилишлар рўй берди. Марказ “қайта қуриш”нинг илмий ва назарий жиҳатдан аниқ дастурини ишлаб чиқолмади. Иқтисодий сиёсат синов ва экспериментларга асосланган эди. Мамлакат синовлар ва хатолар билан силжиб борди. Мамлакат имкониятларини ҳисобга олмасдан халқ хўжалигининг барча

соҳаларини бир вақта ривожлантиришдан иборат нотўғри йўл тутилди. И.Каримов “бу ҳол чекланган маблағларнинг пароканда бўлишига, молия ва таъминот тизимининг издан чиқишига олиб келди” деган эди.

Совет раҳбарияти инкироздан чиқиш учун маъмурий-буйруқбозлик тизимини, ресурсларни марказлаштирилган тарзда режалаштириш асосида бошқариш ва тақсимлаш йўлидан тартибга солинадиган бозор иқтисодиётига ўтиш кераклигини кеч тушунди. Бозор иқтисодиётига ўтиш зарурияти 1990 йилга келганда англанди ва дастур ва қарарлар қабул қилинди. Бироқ вақт бой берилган, иқтисодиёт барбод бўлган, молиявий ва нарх тизими бошқарув тизими издан чиққан, СССР таназзулга юз тутган эди.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти. Ўзбекистонликлар қайта куриш, ислоҳатларни қатта умид билан кутиб олди. Бироқ тезда аҳолининг ҳафсаласи пир бўлди. Ўз халқини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган, сиёсий иродаси бўш кишилар республика раҳбариятига келиб қолди. Бу раҳбарларнинг ожизлиги туфайли “Кадрлар тўдаси” деб ном олган Марказдан юборилган 400 га яқин келгиндилар Ўзбекистонни ўз билганича бошқарди. ЎзКП МҚда Москва вакиллари Могилниченко, Бессарабов, Пономарёв уя куриб олган эди. Пленум ва йигилишлар “кадрлар тўдаси”нинг бошлиқлари Анишев, Огарёк, Сатин ва уларнинг ҳамтовоқлари назорати остига олинди.

Ўзбекистонда «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» дейилган жиноий ишлар тўқиб чиқарилиб, Москвадан юборилган Гдлян ва Иванов гуруҳи қамаш билан шугулланди. Улар ҳибсга олган раҳбарлар Москва қамоқхоналарига ташланиб, 30-йилларда ишлатилган қийноқ усулларидадан фойдаланди.

Норозилик айниқса хотин-қизлар орасида кўпайди. 1986-1987 йй. республикада 270 нафар аёл ўзини ёндириб юборди. Келгиндилар ва уларга лаганбардорлик қилган айрим маҳаллий раҳбарлар халқни ҳафсаласини пир қилди. Халқнинг анъаналарини, диний қадриятларини, тилини камситди, тўй ёки дафнда қатнашганлар жазоланди.

Дастлабки норасмий ҳаракатлар. Жамоатчилик пахта яккахокимлигини тугатиш, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш, экологик ҳолатни соғломлаштириш масалаларини кўтара бошлади. Норасмий гуруҳ ва ташкилотлар пайдо бўлиб, сиёсий тусга кира бошлади. Улар дастлаб норасмий дейилди, чунки ташкилотларни рўйхатга олиш ва уларга қонуний мақом беришга асос бўладиган қонун, ҳуқуқий ҳужжатлар хали йўқ эди.

Республикадаги дастлабки норасмий ҳаракат 1989 йил ташкил топган “Бирлик” халқ ҳаракати эди. Яна “Ўзбекистон эркин ёшлар иттифоқи”, “Тўмарис” хотин-қизлар ташкилоти, русийзабон зиёлиларнинг “Интерсоюз” ҳаракати тузилди. Бироқ бу ҳаракатлар гоёвий, сиёсий, ташкилий жиҳатдан етарли даражада уюша олмади.

Бу ҳаракатлар дастлабки пайтда маънавий қадриятларни тиклаш, Орол фожиасининг олдини олиш, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулидан воз кечиш каби долзарб масалаларни кўтарди. “Бирлик” халқ ҳаракати раҳбарлари дастурлар ишлаб чиқиш ва сиёсий кураш олиб бориш ўрнига намоёиш ва митинглар

уюштириш, оломонни эҳтиросларини авж олдириш билан шугулланди, окибатда “Бирлик” бўлиниб кетди.

“Бирлик” ҳаракати фаолларининг М.Солиҳ бошлиқ бир гуруҳи 1990-йил бошида сиёсий партия тузишга киришди. 1990 йил 30 апрелда «Эрк» демократик партиясининг таъсис қурулғойи бўлди, партиянинг дастури ва низоми қабул қилинди. “Эрк” партияси раҳбарлари жамиятни янгилаш учун бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш, ислохатлар ўтказиш, одамлар онгини ўзгартириш, ўтиш даврини босиб ўтиш зарурлигини тушуниб етолмадилар.

Ижтимоий инқироз. Иқтисодий ривожланишнинг негизи сифатида 1985 йил қабул қилинган *жадаллаштириш концепцияси* асоссиз эканлиги маълум бўлиб қолди. Хўжалик ва корхоналарни *хўжалик ҳисобига ёки бригада (жамоа) пудратига* ўтказиш самара бермади. Иқтисодий тузилмаларни қайта қуриш, хўжаликни бошқариш ва хўжалик механизмини ислоҳ қилиш, маъмурий раҳбарликдан иқтисодий раҳбарликка ўтиш тадбирлари ҳам 1987 йил натижа бермади.

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда даромади 75 сўмдан ошмайдиган 8,8 млн киши яшарди. Булар аҳолининг 45 %ини ташкил этарди, кун кечириш учун 1 кишига ойда 85 сўм зарур эди. Қишлоқ аҳолисининг атиги 50 %и нормал ичимлик суви билан таъминланган эди. 240 минг оиланинг томорка ери, беш хонадоннинг бирида чорва моли, 37 % хонадонда сигир, ярмида қўй йўқ эди.

Ўзбекистондаги 9000 га яқин мактабларнинг атиги 40 %и мактаб учун мўлжаллаб қурилган биноларда ишларди. Қолганлари мослаштирилган мактабларда ишларди, кўплари авария ҳолатида эди. Ўқувчиларнинг қатта қисми 2-ёки 3-сменада ўқир эди. Ўқувчилар йилига 2-3 ойлаб қишлоқ хўжалик ишларига жалб этилиши ўқув ишларини издан чиқарган эди.

Ғожиали воқеалар Фарғонада 1989 йил май-июнда содир бўлди. 45 йил олдин Сталин ўз еридан бадарга қилган месхети турклари билан туб ерли аҳоли ўртасида 1989 йил 20 майда Қувасойда муштлашув бўлди. Фавқулодда вазиятда ҳукумат комиссияси тузилиб 1989 йил 4 июндан комендантлик соати жорий этилди. Фарғонага СССР ички ишлар вазирлиги ички кўшинларининг 13 минг кишилиқ бўлинмаси келтирилди.

Ур-йиқит 7 июнда яна такрорланиб Қўқон шаҳрига, Риштон ва Ўзбекистон туманларига тарқалди. Қўқонда 8 июнда аҳолининг тинч намоёиши ўққа тутилди. Месхети турклари Фарғонадаги ҳарбий полигонидаги лагерга ва Тожикистоннинг Ленинобод вилояти Ашт туманидаги Новгарзон посёлкасига кўчирилди. Лагерларда одамларни узок сақлаб бўлмагани учун Фарғонадан 16282 киши Россиянинг Смоленск, Орловск, Курск, Белгород ва Воронеж вилоятларига кўчирилди.

ЎзКП МҚнинг 1989 йил 23 июнда бўлган XIV-Пленумида Фарғона ғожиасини ўрганиш учун махсус комиссия тузилди. ЎзКП МҚнинг 1989 йил 29 июлда бўлган XV-Пленумида комиссия ахбороти маъқулланди. Фарғонадаги ғожиали воқеаларга Фарғона вилояти, шаҳар, туман партия ва совет ташкилотларининг, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг ташкилотчилиқ, сиёсий ишидаги хатолар ҳам сабаб бўлди.

Ана шундай кескинликдан, республикада бекарорликни келтириб чиқаришдан манфаатдор бўлган сиёсий кучлар, эстремистлар фойдаланди. Улар олдиндан ишлаб чиққан режа асосида ҳаракат қилдилар, варақалар тарқатдилар. Фарғонада содир бўлган сиёсий игвогарлик Тбилиси, Тогли Қорабоғ, Боқуда ташкил этилган игвогарликлардан бири эди. Кейинчалик Бўқа, Паркент, Ўш, Андижонда ҳам шундай уринишлар бўлди.

Ўзбекистон мустақиллик томон йўл тутиши

И.Каримов ЎзКП МҚнинг биринчи қотиби этиб 1989 йил 23 июнда бўлган ЎзКП МҚнинг XIV-Пленумида сайланди. Янги раҳбарият миллий ўзликни англаш кучаётганига эътибор қаратиб, мустақиллик томон йўл тутилди. Фарғона, Бўқа, Паркент воқеаларининг асл сабаблари очиқ ташланди. Республикада кадрлар масаласида миллий манфаатлар устуворлиги таъминланди. Марказдан юборилган “кадрлар тўдаси” ўз мавқеини йўқотди. Анишчев, Оғарёк, Сатин чиқариб юборилди. Ўзбекистонда адолатни тиклаш учун тадбирлар кўрилди, тўқиб чиқарилган “ўзбек иши”, “пахта иши”нинг шармандаси чиқди. Бу билан боғлиқ ишлар қайта кўрилди, айбисиз қамалган ўн минглаб кишилар оқланди.

Жамоатчилик кўтарган ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш масаласига Ўзбекистоннинг собиқ раҳбарияти аввал миллатчилик, маҳаллийчилик деб қаради. Кейинчалик ўзбек ва рус тилини тенг мавқега кўтаришга уриниб, икки тиллик ҳақидаги қонун лойиҳасини ўтказишга ҳаракат қилди.

Республиканинг янги раҳбари ЎзССР Олий Кенгашининг 1989 йил 21 октябрда бўлган 11-сессиясида “*ЎзССРнинг давлат тили ҳақида*” Қонунни қабул қилди. 1990 йил 19 февралда “*ЎзССРнинг давлат тили ҳақида*”ги қонунни амалга ошириш давлат Дастури қабул қилинди. Иш юритиш рус тилидан ўзбек тилига ўтказила бошланди. Қишлоқ аҳолисининг шахсий томорқалари учун ер ажратилди. 381 минг оилага томорқа ерлари берилди, 372 минг оила ўз томорқаларини кенгайтириб олди, жами 150 минг гектар ер ажратилди.

Олий Кенгашга 1990 йил 18 февралда бўлган *сайловнинг янгиллиги* шундаки, 500 сайлов округининг 326 тасида муқобил номзодлар кўрсатилди, депутатлик мандатига бир нечтадан номзодлар кўрсатилди. Олдинги сайловларда барча номзодлар биринчи турдаёқ деярли 100 % овоз билан сайланган бўлса, бу сафар биринчи турда 368 номзод зарур овозларни тўплай олди, қолган 132 округда қайта сайловлар бўлиб ўтди.

Москванинг тазйиқига қарамасдан республикалар ичида биринчи бўлиб 1990 йил 24-30 мартда 12-чақириқ ЎзССР Олий Кенгашининг 1-сессиясида “*ЎзССР Президенти лавозимини таъсис этиши тўғрисида*” Қонун қабул қилинди, 24 мартда Олий Кенгашда яширин овоз бериш йўли билан И.Каримов Ўзбекистон Президенти этиб сайланди. И.Каримов сессияда нутқ сўзлаб: “Ўзбекистоннинг сиёсий мустақиллигини, ўзини ўзи идора қилиш ва пул билан таъминлашга ўтишни ўзимнинг асосий вазифам” деб таъкидлади.

ЎзССР Мустақиллиги тўғрисида Декларация 1990 йил 20 июнда Олий Кенгашнинг 2-сессияси қабул қилди. Мустақиллик Декларацияси 12 моддадан иборат. Декларация ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан келиб чиққан ҳолда, халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия тамойилларига асосланиб ЎзССРнинг давлат суверенитетини эълон қилди.

Ўзбекистон сиёсий мустақиллигини қўлга киритишга томон тугилган йўл иқтисодий мустақиллик масаласи билан қўшиб олиб борилди. “Президент бошқарувининг муҳим вазифаларидан бири республиканинг иқтисодий мустақиллигини, ўзини ўзи идора қилиш ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтишни ҳал қилишдир” - деган эди И.Каримов.

Ўзбекистон раҳбарияти халқ хўжалигини бозор иқтисодиётига ўтказиш йўлини мустақил белгилашга киришиб “*Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини шакллантириш Концепсияси*” ишлаб чиқилди. Концепсияда халқ хўжалигини соғломлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари белгилаб берилди. Мазкур масала юзасидан 1990 йил октябрда Олий Кенгашнинг IV-сессиясида *ҳуқумат Дастури* маъқулланди.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошида содир бўлган воқеалар давлат мустақиллигини қўлга киритиш томон амалий қадамлар ташлаганлигини яққол кўрсатади. И.Каримов 1999 йил “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” асарида “Бугун ўша даврдаги ҳақиқатни айтсак, Ўзбекистон Марказга қарам, ярим мустамлака мамлакатга айланган” - деб айтган эди.

Таянч сўзлар: Ижтимоий инкироз, “Қайта қуриш”, “кадрлар тўдаси”, “ўзбек иши”, “пахта иши”, Гдлян, Иванов, Фаргона фожиаси, норасмий ҳаракатлар, И.Каримов, “ЎзССРнинг давлат тили ҳақида” Қонун, Мустақиллик Декларацияси, муқобил номзодлар, “Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини шакллантириш Концепсияси”.

VI-бўлим. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ

XIX-боб: Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши

1-§. Ўзбекистон мустақиллиги. Сиёсий ислоҳатлар. Миллий давлат ҳокимият органларининг барпо этилиши

Ўзбекистон тарихи учун XX аср охири XXI аср бошида бутунлай янги саҳифа очилди. У тарихий давр сифатида туб бурилиш ходисасини бошлаб берди. Ўзбекистоннинг совет тизими шароитидаги охириги йиллари ва мустақил тараққиёт даври халқимизнинг бир неча минг йиллик тарихида ўзининг мазмуни, жараёнларнинг тезкорлиги, воқеаларнинг шиддатлилиги билан алоҳида ажралиб туради.

Кўп минг йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтган ва ўтмишда катта тарихий силжишлар билан бирга таназзуллар ва инкирозларга гувҳ бўлган ўзбек халқи ҳаётида XX аср охири XXI аср бошлари муҳим аҳамият касб этди. Ана шу даврда халқимиз яратган буюк бунёдкорликлар, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий соҳадаги бекиёс ютуқлар Ўзбекистоннинг бундан кейинги узок келажакка мўлжалланган тараққиётига асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу даврнинг моҳияти – бутунлай янги тузум, янгича турмуш тарзи, замонавий жаҳон цивилизацияси талабларига жавоб берадиган ақлий салоҳият, интеллектуал имконият билан боғлиқлиги муҳим аҳамиятга эга. Гарчи мустақиллик даври тарихан қисқа бўлсада, мустақил тузум асоратидан совет тизимидан чиқиб кетиш, бутун бир халқнинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш каби гоятда зиддиятли, таҳдидли ва таҳликали, айни пайтда шарафли жараённи бошдан кечирди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, янги жамиятга ўтиш даврида сиёсий ислоҳатларнинг амалга оширилиши, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, фуқаролик жамиятининг шакллантирилиши, иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштиришга доир тадбирлар, маънавий-руҳий покланиш ва миллий кадриятларнинг тикланиши ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши каби муҳим масалалар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлининг мазмун-моҳияти ва хусусиятларини объектив баҳолаган ҳолда мустақиллик даврини икки босқичга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

1) 1991-2016 йиллар. Бу даврда миллий давлатчилик асослари ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини юзага келтиришга қаратилган ўтиш даврнинг дастлабки ислоҳатлар жараёнига илк қадамлар қўйилди. Демократик анъаналар асосида янги давлат бошқарув тизими – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ташкил этилди, ҳамда фуқаролик жамияти асослари яратилди, эркин бозор иқтисодиётига ўтила бошланди. 2000 йилдан мамлакатда фаол демократик янгиланиш ва модернизациялаш жараёнлари кузатилди. Шу даврдан асосий вазифаси қилиб кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтиш вазифаси қўйилди. Натижада мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида

демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнлари чуқурлашди, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилувчи мустақил суд тизими мустаҳкамланди, фуқаролик жамияти асослари ривожланди. 2010 йилдан демократик ислохатлар ва мамлакатни модернизациялаш жараёнини янада чуқурлаштириш масаласи илгари сурилди. Унинг бошланиши Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов томонидан мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш концепциясининг ишлаб чиқилиши билан боғлиқдир. Бу давр давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизими, ахборотлаштириш соҳасини ислоҳ этиш, сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, демократик бозор ислохатларини чуқурлаштиришга қаратилганлиги билан характерланади.

2) 2017 йилдан кейинги йиллар. Бу давр тарихи 2016 йил декабр ойида сайланган Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг стратегик тараққиётга асосланган кенг кўламли ислохатлар даври ҳисобланади. Шунингдек, бу даврда ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга янги иборалар, хусусан “халқ билан мулоқот”, “халқ қабулхоналари”, “виртуал қабулхона”, “танқидий таҳлил”, “қатъий тартиб-интизом”, “арзон уйлар”, “технопарклар”, “Ўз болангни ўзинг асра”, “йўл харитаси”, “кафолатланган хавфсизлик”, “китобхонлик кўникмаси” сингари тушунчалар кириб келди ва ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

Мустақиллик Декларацияси қабул қилиниши. 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашнинг II сессиясида Ўзбекистон ССРнинг Мустақиллик Декларацияси қабул қилинди. Мустақиллик Декларациясидаги “Ўзбекистонни келажак учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, халқаро ҳуқуқ қоидаларига ва демократия принципига асосланиб Ўзбекистон ССРнинг давлат мустақиллигини эълон қилади” деган сатрлар мустақиллик учун ташланган дастлабки қадамни англатар эди. Ушбу Декларациянинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг мустақиллик учун курашининг янги босқичини бошлаб берди. Бу умумдавлат аҳамиятига эга бўлган Декларацияни қабул қилишда республика Олий Кенгаши депутатлари фаоллик кўрсатдилар. “Мустақиллик Декларацияси” депутатлар томонидан моддама-модда, ҳар бир миллат ўз тақдирини ўзи белгилаши, Декларация қоидаси билан кафолатланиши таъкидланди. Унда ўзбек халқининг асрлар давомида қўлга киритган давлат қурилиши ва маданий тараққиёт борасидаги бой тарихий тажрибаси ва анъаналари ҳисобга олинishi уқтирилди.

- “Мустақиллик Декларацияси” кириш қисмида қуйидагича ёзиб қўйилди: «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи, Ўзбекистоннинг келажак учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилади”.

Мустақиллик учун ҳаракатлар фаоллашиши. 1991 йил 19-21 августда Совет Иттифоқида давлат тўнтариши бўлди. Мавжуд сиёсий ҳокимият ағдарилиб, Фавқулодда ҳолат жорий этилди ва ҳокимият Фавқулодда ҳолат давлат комитети (ГКЧП – Государственный комитет по чрезвычайному положению) қўлига ўтди. Уларнинг мақсадлари Иттифок ҳудудида яшовчи барча халқларнинг мустақилликни қўлга киритишига йўл қўймаслик эди. Ана шундай вазиятда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раёсати, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси 1991 йил 21 августда қўшма мажлис ўтказиб, унда “СССР ГКЧПнинг Ўзбекистон ССР Конституцияси ва қонунларига зид ҳужжатлари Ўзбекистон ҳудудида амал қилмайди”, деган қарор қабул қилди.

1991 йил 25 августда Ўзбекистон ССР Президенти мамлакатимизнинг тўла мустақиллиги йўлида тамал тошини қўйган яна бир муҳим фармонни эълон қилади, унда шундай дейилади: “Мамлакатда вужудга келган аҳволни эътиборга олиб ва республика манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Республика Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олинсин. Республика ҳудудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон ССР Президентига бўйсундирилсин. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раёсатига қисқа муддатда Республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисида қонун лойиҳасини тайёрлаш ва уни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси муҳокамасига тақдим этиш таклиф қилинсин”.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаш 1991 йил 26 августда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги тўғрисида қонун лойиҳасини тайёрлаш ва 31 августда Олий Кенгаш сессиясини чақиришга қарор қилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Марказий назорат қўмитасининг 1991 йил 28 августдаги қўшма Пленуми Республика Компартиясининг КПСС МҚ билан алоқасини тўхтатишга, КПССнинг барча ташкилотларидан чиқишга, унинг Марказий органларидан ўз вакилларини чақириб олишга қарор қилди.

Шундай вазиятда XII чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VI сессияси 1991 йил 31 августда ўз ишини бошлади. Унда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида”ги масала кун тартибига қўйилиб, қизгин муҳокама қилинди. Сессияда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.Каримов нутқ сўзлаб, собиқ Иттифокда сўнги пайтларда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар оқибатларини таҳлил қилиб, улар Ўзбекистон тақдирига бевосита дахлдор эканлигини асослаб берди. Вазиятдан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди ва мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонун билан мустаҳкамлашни таклиф қилди. Олий Кенгаш депутатлари муҳокамадан сўнг “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонунни қабул қилди. Сўнг “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш Баёнати” қабул қилинди.

“Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонун қатта аҳамиятга эга бўлиб, бу қонун асосида Ўзбекистоннинг ҳуқуқий ҳолати тубдан ўзгарди. 17 моддадан иборат ушбу қонун суверен Ўзбекистон Республикасининг асосий белгиларини аниқлаб берди. Ўша пайтда ёш, мустақил Ўзбекистон ҳуқумати ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳужжатларни қабул қилди: 5 сентябрда Тошкент шаҳридаги Ленин номидаги майдонни Мустақиллик майдони деб номлаш тўғрисидаги, 6 сентябрда “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш тўғрисида”ги Президент фармонлари имзоланди.

- “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида” Олий Кенгаш қарорида: Республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш баёнати тасдиқлансин ва республика бундан буён Ўзбекистон Республикаси деб аталсин; 1- сентябр Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни деб белгилансин ва 1991 йилдан бошлаб бу кун байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинсин, деб белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Конституцияси қабул қилиниши. Ўзбекистон мустақил бўлгач, давлат мустақиллиги ва суверенитетини Конституция асосида мустаҳкамлаш зарурати юзага келди. Ўзбекистоннинг янги Конституцияни тайёрлаш гоёси дастлаб И.Каримов томонидан 1990 йил март ойида илгари сурилди. 1990 йил 20 июнда бўлган Ўзбекистон Олий Кенгашнинг II сессиясида янги Конституция ишлаб чиқиш лозим, деган хулосага келинди. Сессия Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.Каримов бошчилигида 64 кишидан иборат Конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича комиссия тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Комиссия таркибига Олий Кенгаш депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар вакиллари, давлат, жамоат ташкилотлари ва хўжаликларнинг раҳбарлари, олимлар, мутахассислар киритилди.

Конституциявий комиссия Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини яратиш устида 2,5 йил ишлади. Лойиҳанинг дастлабки варианти 1991 йилнинг октябр-ноябригача тайёрлаб бўлинди. У муқаддима, 6 бўлим ва 158 моддадан иборат эди. Бу лойиҳа ҳали муқамал эмас эди. 1992 йил баҳорида лойиҳанинг 149 та моддадан иборат 2-варианти ишлаб чиқилди. 1992 йил куз ойларида Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун 2-март матбуотда эълон қилинди. Умумхалқ муҳокамаси даврида 6 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

1992 йил 8 декабрда XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг XI сессиясида Асосий Қонунни қабул қилиш масаласи муҳокама қилинди. Сессияда депутатлар лойиҳага 80 га яқин ўзгартириш, қўшимча ва аниқликлар киритди. 8 декабрда Олий Кенгашнинг XI сессияси “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни умумхалқ байрами деб эълон қилиш тўғрисида”ги қонунларни қабул қилди.

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 6 бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат. У “Мустақиллик Декларацияси”, “Ўзбекистон

Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонунда мустақамланган тамойиллар ва гоьларни ўзида мужассамлаштирди.

Давлат рамзлари қабул қилиниши. 1991 йил 15 февралда Ўзбекистон Олий Кенгаши “Ўзбекистоннинг давлат рамзлари тўғрисида” махсус қарор қабул қилди. Унда шундай дейилади: “Мустақиллик тўғрисидаги Декларацияга амал қилиб, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қарор қилади: Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг янги лойиҳасини тайёрловчи комиссияга Ўзбекистон ССРнинг Давлат байроги, Герби ва Мадҳиясига доир таклифлар ҳамда улар тўғрисида Низомлар тайёрлаш топширилсин. Комиссия республика жамоатчилиги ва депутатларнинг фикрларига таяниб иш кўрсин”.

Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинган куннинг ўзидаёқ мустақил давлат рамзларини жорий қилиш юзасидан амалий чоралар кўрилди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроги тўғрисида, республика гербининг нусхаси ва Давлат мадҳиясининг муסיқий баёни ҳақида махсус қарор қабул қилинди. Унда Конституция комиссиясининг эксперт гуруҳига Давлат байрогининг вариантлари устида ишлашни давом эттириш, Олий Кенгашнинг тегишли қўмиталарига Конституция комиссияси ижодий гуруҳи билан ҳамкорликда Давлат байроги, мадҳияси ҳақида қонун лойиҳалари ишлаб чиқиш, навбатдаги сессияга тақдим этиш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрда бўлган VIII сессияси “Ўзбекистон Республикаси Давлат байроги тўғрисида”ги қонунни қабул қилди. 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 10 декабрда бўлган XI сессиясида “Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Сессияда шоир А.Орипов (1941-2016) ва бастакор М.Бурҳонов (1916-2002) тайёрлаган мадҳия варианты тасдиқланди.

- Туркия Республикасида Давлат мадҳиясини ёзган шоирга “Миллий шоир” мақоми берилган.
- *Сессия*-(лот. сессия–мажлис, йигилиш) – Иш, машғулоти даврий равишда амалга ошириладиган ваколатли органларнинг, суд ёки жамятларнинг иш, йигилиш ўтказадиган даври.
- *Депутат*-(лот. депутатус-вакил қилинган, юборилган) – Ваколатли давлат органига сайланган киши, вакил.

Ўзбекистон Республикаси миллий давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиши

Президентлик институти шаклланиши. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, давлат бошқарувининг янги, замонавий – Президентлик бошқаруви шаклини ривожлантиришга киришилди. 1990 йил 24 мартда Ўзбекистон Республикасида Президентлик институтининг вужудга келиши миллий давлатчилик ривожланишида мутлақо янги босқични бошлаб берди. 1990 йил 1 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ижроия ва бошқарув

хокимиятининг тузилишини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан давлат бошқарувининг уйғун тизимини яратиш, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд хокимиятини бир-биридан қатъий фарқлаб қўйиш муҳим эканлигини ҳисобга олиб, президентлик хокимияти билан Министрлар Советининг ижроия-бошқарув хокимияти қўшиб юборилди. Ўзбекистон Республикаси Министрлар Совети Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамаси Раиси бўлиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Министрлар Советининг аппарати Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги битта аппаратга бирлаштирилиши белгиланди.


Мазкур қонун давлат бошқарув шакли – Президентлик республикасига асосланишини мустақамлаб қўйди. Президентлик институти таъсис этилгач кенг қамровли ислохатлар бошланди. 1991 йил 18 ноябрда “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Шу асосда 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентига муқобиллик асосида сайлов бўлиб ўтди. Президент лавозимига икки номзод - ХДП ва Қасаба уюшмалари Федерацияси номзоди И.Каримов ва «Эрк» ДП вакили Салой Мадаминов (М.Солих) номзоди қўйилди. Сайловлар якунига қўра овоз беришда қатнашганларнинг 86 % И.Каримов номзодини; 12,3 % эса С.Мадаминов номзодини ёқлаб овоз берди.

1995 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддати 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш масаласи бўйича умумхалқ референдуми бўлиб ўтди. 2000 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилди. И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Президентига муқобиллик асосида ўтказилган сайловда Ўзбекистон Президенти этиб сайланди. 2002 йил 27 январда бўлиб ўтган референдумда Президентлик лавозими ваколати 5 йилдан 7 йил қилиб узайтирилди. 2007 йил 23 декабрда бўлиб ўтган сайловда 88,1 % овоз билан И.Каримов 7 йилга сайланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддати 2015 йил декабрда тугаши муносабати билан Президентлик лавозимига сайлов ўтказилди. 2015 йил 29 март куни Президент сайловида И.Каримов 90,39 % овоз билан ғалаба қилди.

2016 йил 2 сентябрда И.Каримов оғир хасталик туфайли вафот этди. Шу муносабат билан навбатдан ташқари умумхалқ президентлик сайловлари ўтказилди. 2016 йил 4 декабрда Ўзбекистон Конституцияси ва “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, муқобиллик ва соғлом рақобат асосида Президентлик сайлови ўтказилди. Унда 88,61 % овоз билан Бош вазир Ш.Мирзиёев Президент этиб сайланди.

- Бугунги кунда БМТга аъзо бўлган 193 та давлатдан 143 тасида Президент лавозими таъсис этилган.
- 2011 йил Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, унга қўра Президентининг ваколати 7 йилдан 5 йилга қайтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси. Мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ Ўзбекистонда демократияни тараққий топтириш учун ҳозирги замон стандартларига жавоб бера оладиган Парламентни шакллантириш зарурати юзага келди. Демократик тамойиллар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 3-тамойили – давлат ҳокимиятининг 3 тармоққа бўлиниши нуқтаи назаридан Ўзбекистон давлат ҳокимияти тизими: *қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятига* бўлиниши қонунлаштирилди. Уч ҳокимиятдан ҳар бири фаолиятда мустақил бўлиб, айна вақтда бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. *Президент* ҳар учала ҳокимият фаолиятини мувофиқлаштирувчи мустақил орган ҳисобланади:



Парламентаризмнинг ривожланиши босқичма-босқич амалга оширилиб борилди. Ўзбек парламентаризми тарихига назар солинса: 1990-1994 йилларда Ўзбекистон парламенти - *Олий Кенгаш* дейилиб, 150 депутатдан иборат эди. 1995-2004 йилларда *Олий Мажлис* номи билан аталган 250 депутатдан иборат *1-палатали* парламент шакллантирилди. Бир мандатли ҳудудий сайлов округларидан сайланган депутатлар таркибида: Халқ демократик партиясидан (ХДП), “Адолат” социал-демократик партиясидан (АСДП), “Ватан тараққиёти” партиясидан (ВТП), “Миллий тикланиш” партиясидан (МТП) депутатлар бўлиб, илк бор *парламент фракциялари* ташкил этилди.

2005 йилдан бошлаб мамлакат тарихида илк бор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2 палатадан – Қонунчилик (қуйи) палатаси ва Сенат (юқори палата)дан иборат тарзда иш бошлади. Бу 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум ва шу асосда қабул қилинган (12 декабр) “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонунлар асосида амалга оширилди.

Парламентда 250 киши, жумладан, Қуйи (қонунчилик) палатасида 150 депутат, Сенат (юқори палата)да 100 нафар сенатор фаолият кўрсатади. Сенатга: Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 6 нафардан, жами 84 киши сайланади. Президент томонидан тайинландиган 16 нафар эл-юртда обрў-эътибор қозонган кишилар Сенатнинг аъзоси бўлишади.

- Ўзбекистон парламенти тарихини *3 та даврга* бўлиш мумкин: 1) 1991-1994 йиллар, 2) 1995-2004 йиллар, 3) 2005 йилдан ҳозирги давргача.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. 1990 йил 15 ноябрда Ўзбекистон Президентининг “Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ Ўзбекистон Президенти ҳузурида Вазирлар Маҳкамаси тузилди, Президент айна пайтда Вазирлар Маҳкамасининг *Раиси*

хам бўлди. *Вице-президент* лавозими таъсис этилиб, унинг зиммасига Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қилиш ва унинг ишини уюштириш вазифаси юкланди. Вице-Президент (1990, 15 ноябр) лавозими 1992 йил 4 январда тугатилди, ўрнига Ўзбекистон Республикаси *Бош Вазир* лавозими таъсис этилди. Бош Вазир зиммасига вице-президент ваколатлари берилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XX бобида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми, унинг ташкил этилиши, фаолиятининг асосий йўналишлари ва ваколатлари белгилаб кўйилди. Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг 1993 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги (янги таҳрири 2002 йил) Қонуни асосида олиб боради. *Вазирлар Маҳкамаси* Ўзбекистон Республикасининг *ҳукумати* бўлиб, Олий Мажлиснинг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари бажарилишига раҳбарликни таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг *ижро этувчи* ҳокимият органидир.

Вазирлар Маҳкамасининг доимий органи сифатида Бош Вазир ва унинг ўринбосарларидан иборат таркибдаги Вазирлар Маҳкамасининг *Раёсати* фаолият кўрсатади. 2003 йил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 89-моддасининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти айна вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади” деган 2-қисми олиб ташланди. Ўзбекистон *ҳукумати* - Вазирлар Маҳкамасига Бош Вазир раҳбарлик қилади. Вазирлар Маҳкамаси таркибда Раис лавозими бўлмайдиган бўлди.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиغا биноан, Ўзбекистон Республикаси Бош Вазир, унинг 1-ўринбосари ва ўринбосарлари номзодлари аввал Қонунчилик палатасида, сўнг Сенатда кўриб чиқилади ҳамда тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамасининг бошқа аъзолари эса Бош Вазирнинг тақдимиغا биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Ҳозирда Вазирлар Маҳкамасининг таркибга: Бош Вазир, унинг 1-ўринбосари ва ўринбосарлари, вазирлар, давлат кўмиталари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси киради.

- Ўзбекистонда Бош Вазир мақомига тенг Вице-президентлик лавозимида Ш.Мирсаидов (1990-1992), Бош Вазир лавозимида А.Муталов (1992-1995), Ў.Султонов (1995-2003), Ш.Мирзиёев (2003-2016) фаолият юритган. 2016 йил 14 декабрдан А.Арипов Бош Вазир этиб тасдиқланган.

Суд ҳокимияти - Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. Мустақилликнинг илк йилларида суд ҳокимияти соҳасида ҳам ислохатлар амалга оширилди. Ўзбекистон Конституцияси ва 2000 йилда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги Қонун (янги таҳрирда) суд ислохатларининг ҳуқуқий асосидир.

Суд тизимидаги ислохатларни 2 даврга бўлиш мумкин: 1) 1991-2016 йй. 2) 2017 йилдан кейинги давр. Дастлабки даврда Ўзбекистон Республикаси суд тизимида 5 йил муддатга сайланадиган қуйидаги судлар кирган:

Конституциявий суд; Олий суд; Олий хўжалик суди; Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари; Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди; фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари; фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари; вилоятлар ва Тошкент шаҳарининг хўжалик судлари; ҳарбий судлар.

Фавқулодда судлар тузилишига йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Судларнинг алоҳида ҳокимият сифатида белгиланишидан мақсад Ўзбекистон Республикасида шахс ҳуқуқи ва эркинликларининг ҳолис орган сифатида фақат суд орқали таъминланишига эришиш ва судни аввалги жазоловчи органдан шахс ҳуқуқи ва эркинликларини тўла ҳимоя қила оладиган органга айлантиришдир. Судлар суд қарорини ижро этиш каби ўзларига тегишли бўлмаган вазифалардан озод этилди. 2008 йилдан Ўзбекистонда *ўлим жазоси* бекор қилинди. Фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокуратурадан судларга ўтказилди. Жиноий жазолашнинг инсонпарвар ҳуқуқий тизими ташкил этилди.

Ислохатлар 2-даврининг асосий хусусияти Президент Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида амалга оширилмоқда. Ушбу фармон асосида: Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди бирлаштирилиб, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи - Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлар штат бирликлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди тизимига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармонида кўра, судьялик лавозимига тайинлаш (сайлаш) муддатларига қатъий аниқлик киритилди. Яъни судьялик лавозимига 1-маротаба тайинлаш 5 йилга, 2-маротаба – 10 йил, кейингисида муддатсиз тайинлаш (сайлаш) имкони яратилди. Бу судьяларнинг ёши, малакаси, касб маҳоратини инобатга олган ҳолда узоқроқ муддатга фаолият кўрсатишини кафолатлайди.

2017 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2700 нафар маҳкумни, шу жумладан, жазони ижро этиш колонияларидан 956 нафар турли шароитлар туфайли жиноят содир этган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, яшаш жойи ва жазони ижро этиш муассасасида ижобий тавсифланган шахсларни мамлакат тарихида илк маротаба афв этиш тўғрисида фармон қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари. Истиклолга эришган кунданок Ўзбекистон миллий даламатчилиги, унинг худудий яхлитлиги, аҳолининг тинч ҳаётини таъминлаш давлат сиёсатининг бош масалаларидан бири бўлиб кун тартибига қўйилди. Собиқ иттифоқ пойтахти Москвада 1991 йил 19-21 август кунлари давлат тўнтариши сабабли мамлакат ҳалокат гирдобига келиб қолди. Мамлакат худудий яхлитлиги, аҳоли тинчлигини қуролли ҳимоя қилиш йўлида янги қадамлар қўйилди. Ўзбекистон Президентининг 1991 йил 25 августдаги фармони асосида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик комитетининг Ўзбекистон тасарруфига олиниши, СССР Ички ишлар вазирлигининг Ўзбекистондаги қўшинлари Ўзбекистон Президентига бўйсундирилиши ана шундай биринчи қадамлардир.

Мудофаа ишлари вазирлиги 1991 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Президенти фармони билан ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 10 январда “Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлигининг ҳарбий қисмлари ва ўқув муассасаларини Ўзбекистон тасарруфига олиш тўғрисида” ва 1992 йил 14 январда “Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган ҳарбий қисмлари ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида”ги қарорларни қабул қилди. Ушбу қарорларга мувофиқ собиқ СССР Қуролли Кучларининг Ўзбекистон худудида жойлашган қисмлари, қўшилмалари, бирлашмалари, ҳарбий ўқув юртлари, муассаса ва ташкилотлари Ўзбекистон юрисдикциясига олинди. Мазкур қарор қабул қилинган кун – **14 январ** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йилдаги қонунига мувофиқ “*Ватан ҳимоячилари кун*” деб эълон қилинди.

Чегара қўшинлари бошқармаси 1992 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан Миллий Хавфсизлик Хизмати тасарруфида ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ Президент мамлакат Қуролли Кучларнинг Олий Бош қўмондони ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг қуйидаги *ҳарбий округлари* ташкил топди: 1. Шимоли-гарбий ҳарбий округ (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти); 2. Жануби-гарбий махсус ҳарбий округ (Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари); 3. Марказий ҳарбий округ (Самарканд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари); 4. Тошкент ҳарбий округи (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти); 5. Шарқий ҳарбий округ Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари).

Хавфсизлик Кенгаши давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 1995 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида тузилди. Хавфсизлик Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги маслаҳатлашув органидир. Ўзбекистон Президенти лавозимига кўра Хавфсизлик Кенгаши *раиси* ҳисобланади. Хавфсизлик Кенгаши ўзининг мажлисларига муваққат равишда Ўзбекистон Республикасидаги ҳар қандай мансабдор шахсни таклиф этиши мумкин. Кенгаш мажлиси давомида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва мамлакат Президенти тегишли қарорни тасдиқлагандан сўнг қучга қиради.

2018 йил 10 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгашининг илк бор кенгайтирилган, очик, видеоконференция йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Қуролли Кучларининг жанговар ҳолатга шайлиги илгариги 5 кундан бугунги кунда 3 соатга етказилгани таъкидланди.

2018 йил 9 январда Президент Ш.Мирзиёев ташаббуси билан “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Қонун глобаллашув шароитида халқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдидлар кенгайиб бораётган вазиятда геосиёсий қарама-қаршилик, куч ишлатиш, шу жумладан оммавий қиргин қуролини қўллаш эҳтимоли ошганлиги, халқаро терроризм ва экстремизми фаоллашганлиги, ахборот маконида ўзаро кураш кучайганлигига қарши муносиб тура олиш масалаларини қафолатлайди.

- *Афв этиши* – Суд ҳукми билан жазо тайинланган бирор шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш ёки берилган жазони енгиллаштириш. Одатда афв давлат бошлигининг қарори билан амалга киритилади.
- *Референдум* (лот.-маълум қилиниши зарур бўлган нарса) – Давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масалалар бўйича ўтказиладиган ва баъзан қонун қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган умумхалқ сўрови, овоз бериш йўли билан халқ фикрини аниқлаш.
- *Юрисдикция* (лот.-суд қилиш, суд жараёни) – Ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш, судлов ишларини олиб бориш ҳуқуқи. Муайян давлат органи ваколатлари доирасидаги ҳуқуқ соҳаси.
- *Доктрина* (лот.-таълимот; ўқимишлилик) – Илмий ёки фалсафий таълимот, назария; асосий назарий ёки сиёсий нуқтаи назар.

2-§. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши. Инсон ҳуқуқлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда энг муҳим вазифалардан бири давлат ҳокимиятининг вакиллик ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини янги шароитларга мос тизимини яратиш эди. Ҳозир амалда бўлган *маҳаллий вакиллик органлари* янги органлар бўлмасдан, халқ депутатлари Советлари негизида ташкил қилинган. 1992 йил 4 январда “Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Бу қонун маҳаллий ҳокимиятнинг 2 мустақил орган – *вакиллик* ва *ижро органлари* тизимига бошчилик қиладиган *ҳокимлик* ва *ҳокимлар* лавозими жорий этилди. 1992 йилда Тошкент шаҳрида ва 12 та вилоятда, 163 та қишлоқ тумани ва 18 та шаҳар туманида ҳамда 120 та шаҳарда ҳокимлар тайинланди ва тасдиқланди, уларнинг аппарати – *ҳокимиятлар* тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI боби “Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари” деб номланиб, унда Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тизими, вазифалари, тузилиш тартиби мустаҳкамланди.

Конституцияга кўра, аввалги маҳаллий вакиллик органларининг номи *Кенгашлар* деб ўзгартирилди. Уларнинг самарали ишлашини таъминлаш учун вилоят, туман ва шаҳар *Халқ депутатлари Кенгашлари* вужудга келтирилди.

Ўзбекистон Конституцияси қабул қилингунча маҳаллий вакиллик органларининг 3 бўгинли тизими мавжуд бўиб, улар: 1) вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари (Советлари) – юқори бўгин; 2) туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари – ўрта бўгин; 3) қишлоқ, посёлка, овул халқ депутатлари Кенгашлари – қуйи бўгин ҳисобланарди. Конституция маҳаллий вакиллик органларининг 2 бўгинли тизимини мустаҳкамлади, яъни қуйи бўгин олиб ташланди. Улар ўрнига фуқароларнинг *ўзини ўзи бошқариши органлари* тузиладиган бўлди. Конституцияга мувофиқ, Маҳаллий давлат ҳокимияти, ҳокимият органлари 2 мустақил органларга – *вакиллик* ва *ижроия* ҳокимиятига бўлинди. *Маҳаллий вакиллик органларига* - халқ депутатлари Кенгашлари киради. Улар ўз фаолиятини жамоавий (коллегиал) асосда олиб боради. Халқ депутатлари Кенгашлари ишининг ташкилий-ҳуқуқий шакли – *сессия* ҳисобланади.

«Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунда вакиллик органларига 21 ёшга тўлган фуқаролар сайланади. Халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳри Кенгашларига 60 тадан кўп бўлмаган, туман ва шаҳар Кенгашларига 30 тадан кўп бўлмаган депутатлар 5 йил муддатга сайланади. Ижроия ҳокимиятига – ҳоким ва унинг ижроия аппарати киради. Ҳоким тегишли ҳудудда олий мансабдор шахс ҳисобланади. Ўзбекистон Конституциясининг 101-моддасига кўра ҳокимларнинг ваколат муддати 5 йил.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади. Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туманларга бўйсунадиган шаҳарларнинг ҳокимлари туман ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Вакиллик органлари тузулмайдиган шаҳар таркибидаги туманларда ва туманга бўйсунувчи шаҳарларда ҳам ҳокимиятлар таъсис этилади, уларнинг аппарати – ҳокимият ташкил этилди. Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Президентининг шу жойлардаги вакили ҳисобланади. Маҳаллий давлат ҳокимият органлари суд ҳокимияти органлари, прокуратура, ички ишлар органлари, адлия сингари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб боради.

**Маҳаллий давлат ҳокимият
органлари**

Маҳаллий вакиллик органлари	Ижроия ҳокимияти
Вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари	Вилоятлар ҳокимияти
Шаҳар, туман халқ депутатлари Кенгашлари	Шаҳар, туман ҳокимиятлари

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлига киргач, Ўзбекистонга хос ва мос фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вужудга келди. Жаҳоннинг барча мамлакатларида бу институт маҳаллий ўзини ўзи бошқариш деб аталса, Ўзбекистонда эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши деб аталади.

Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимининг ҳуқуқий замини мустаҳкамланди. Конституциянинг 105-моддасига кўра “Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йигинлари ўзини ўзи бошқариш органи бўлиб, улар 2,5 (3) йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди”. Фуқаролар йигини маълум муддатда тўпланиб иш юритадиган ўзини ўзи бошқариш воситаси бўлса, раис ва унинг маслаҳатчилари доимий фаолият кўрсатувчи тузилмадир.

1999 йил «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», 2004 йилда “Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. 2017 йилда Ўзбекистон Президенти “*Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида*”ги фармонни имзолади. Президентнинг 2017 йилдаги фармони асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича *Республика кенгаши* ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига тегишинча Республика кенгаши, ҳудудий кенгашларга жамоатчилик асосида раислик қилиши белгиланди.

Республика кенгашида ташкилий ишлар ва услубий масалалар бўйича раис ўринбосари, шунингдек, Республика кенгаши ҳамда ҳудудий кенгашларда ёшлар ишлари, диний-маърифий масалалар, кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича раис ўринбосарлари лавозимлари жорий этилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган фуқаролар йигини раисининг ўринбосари – ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди.

Фуқаролар йигини

Шаҳарчалар фуқаролар йигини	Қишлоқ ва овуллар фуқаролар йигини	Маҳаллалар фуқаролар йигини
-----------------------------------	--	--------------------------------

Сайлов тизими. Ўзбекистонда демократик жамиятга хос сайлов тизими барпо этилишида халқаро ҳуқуқ андозалари ва талабларига, илгор чет эл тажрибасига мос сайлов қонунчилиги яратилиши муҳим аҳамият касб этди. Дастлаб сайлов тизимини йўлга қўйиш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида” (1991 йил 18 ноябр) қонун қабул қилинди. XX аср 90-йиллари бошида сайловлар, сайлов ўтказиш тартиби тўғрисида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги ва “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Сайловлар Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил этилади. Комиссия 1998 йилдан мустақил муваққат орган сифатида фаолият бошлаган бўлса, 2014 йилдан эса доимий орган сифатида ташкил этилди. Марказий сайлов комиссияси ва унинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга оширади.

Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларда 18 ёшга тўлган фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқига эга эканлиги, Ўзбекистон Президенти сайлови, Олий Мажлис сайлови, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши белгилаб қўйилган. Ҳар бир фуқаро – сайловчи бир овозга эга. 35 ёшдан кам бўлмаган фуқаро - Ўзбекистон Президенти, 25 ёшга тўлганлар Олий Мажлисга, 21 ёшга тўлганлар вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутат этиб сайланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Конституциясига биноан Ўзбекистон Президенти сайлови, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимият вакиллик органларига сайлов тегишича уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда – декабр ойи 3-ўн кунлигининг 1-якшанбасида ўтказилади.

Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими юзага келиши. *Кўппартиявийлик* – жамиятда икки ёки ундан ортиқ партиянинг фаолият юритиши. Бу демократик йўлга кирган давлат ва жамиятларга хос ҳисобланиб, жамият тараккиёти фикрлар хилма-хиллигига асосланади. Жамиятда сиёсий партияларнинг эркин фаолият кўрсатиши демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг асосий гаровидир. Жаҳондаги демократиянинг асосий мезонларидан бири сайловларнинг кўппартиявийлик асосида ўтказилишидир.

Мустақиллик даврида ташкил топган илк сиёсий партия бу - *Ўзбекистон Халқ демократик партиясидир*. Партияга 1991 йил 15 ноябрида асос солинди. Унинг мақсади ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Партия ташкил этилганидан ҳозирги кунга қадар 5 марта Президент сайловларида ҳамда Парламент сайловларида иштирок этиб, парламентда ўз фракциясини ташкил этишга эришди.

Кўппартиявийликнинг ривожланишида Ўзбекистон “*Ватан тараққиёти*” партияси ҳам ўз ўрнига эга бўлди. Бу партия 1992 йил ташкил топган. Лекин 5 йиллик фаолиятида ўз вазифалари доирасида фаолият юрита олмади, деб топилди. 2000 йил апрелда “*Ватан тараққиёти*” партияси ва “*Фидокорлар*” миллий демократик партиясининг қўшма курултойида ҳар икки партия ҳаракати, фаолият дастури яқдиллиги муҳокама қилинди, уларнинг бирлашиб ишлашлари мақсадга мувофиқ, деган хулоса асосида иккита партия бирлашди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ташкил топган партиядан яна бири – Ўзбекистон “*Адолат*” *социал-демократик партиясидир*. 1995 йил 18 февралда тузилган бу партия Ўзбекистонда шаклланган социал-демократик партиядир. Социал-демократик партияларнинг асосий мақсади жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Партия шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатлардаги социал-демократик йўналишдаги партиялар билан алоқаларни йўлга қўйишга ва халқаро социал демократик ҳаракатларда фаол иштирок этишга интиломда. Ўзбекистон “*Адолат*” социал-демократик партияси ўрта синф ва эҳтиёжманд аҳоли табақасига таянади, уларнинг сиёсий ва ижтимоий иродаларини ифодалашга интилади.

Мустақиллик йилларида ташкил топган партиядан яна бири – *Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидир*. 1995 йил июнда тузилган бу партиянинг асосий мақсад-вазифаси миллий анъаналар ва қадриятларни сақлашдан иборат. 2008 йил 20 июнда Ўзбекистон “*Фидокорлар*” миллий демократик партияси ва Ўзбекистон “*Миллий тикланиш*” демократик партиясининг бирлашув курултойида асосий масала – икки партияни бирлаштириш тўғрисидаги масала кўрилди. Курултойида партияларнинг мақсадли дастурий вазифалари бир-бирига яқинлиги таъкидланди ва улар бирлаштирилди.

Ўзбекистон сиёсий тизимида ўзига хос ўринга эга бўлиб улгурган *Ўзбекистон Либерал-Демократик партияси (ЎзЛиДеП)* 2003 йил ноябрда тузилган. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси умум-миллий сиёсий ташкилот сифатида мулкдорлар қатлами, кичик бизнес, фермерлик ва деҳқон хўжаликлари вакиллари, ишлаб чиқаришнинг юқори малакали мутахассислари ва бошқарув ходимлари, ишбилармонлар манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикасида сиёсий партияларнинг ривожланиши учун ҳуқуқий асос яратилди. Жумладан Ўзбекистон Конституцияси, “*Сиёсий партиялар тўғрисида*”ги, “*Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида*”ги қонунлар, “*Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини*

кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун шулар жумласидан. Сиёсий партияларнинг жамиятдаги мақеини белгиловчи асосий мезон, бу уларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўладиган сайловларда қандай натижаларга эришганлиги ҳисобланади.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати. 2008 йил Ўзбекистон Республикасининг “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг *Қонунчилик* палатасига 5 йил муддатга 135 депутат сайланиб, Қонунчилик палатасининг 15 депутати Ўзбекистон экологик ҳаракатидан, ўз ички қурултойидан сайланиши белгиланди. Ушбу Қонун асосида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги депутатларнинг сони 150 депутатдан иборат бўлди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати 2008 йил августда ташкил топган. Ўзбекистон экологик ҳаракати ўз фаолиятини фуқароларнинг ҳозирги ва келгуси авлоди кулай атроф-муҳит шароитида яшаш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, барча табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳуқуқларини ҳамда уларга сўзсиз риоя қилишни таъминлашга қаратилган янгиланиш жараёнларини янада чуқурлаштиришда жамиятнинг бор куч ва салоҳиятини сафарбар қилишга қаратган.

2017 йил 22 декабрда Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги 15 та депутатлик ўрни белгилаб қўйилмасдан, Экологик ҳаракат бошқа партиялар билан тенг рақобатга киришган ҳолда, сайловлар орқали депутатлик ўрнига эришиши лозимлиги таклиф этилди.

- *Партия* (лот.-бўлак, қисм) – Ғоявий жиҳатдан маслакдош, манфаатлари бир бўлган кишилар гуруҳидан иборат, муайян ижтимоий гуруҳ ёки қатламларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи сиёсий ташкилот.
- *Модернизация* (модерн – замонавий) – янгиланиш, замонавий; давлат, жамият, иқтисодиёт, технология ва бошқа соҳаларнинг янгиланиши, янги услублар, ихтироларнинг қўлланиши асосидаги ўзгаришлар.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишининг асосий босқичлари ва истиқболлари

Кучли давлатдан – кучли жамият сари. 2000 йилдан – ҳозиргача бўлган даврда фаол демократик янгиланиш ва модернизациялаш жараёнлари кузатилди. Бу босқичнинг асосий вазифаси қилиб – миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлашга қаратилган кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтиш масаласи қўйилди. Мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнлари чуқурлашди, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилувчи мустақил суд тизими мустаҳкамланди, фуқаролик жамияти асослари ривожланди, фуқароларнинг иқтисодий ва сиёсий фаоллиги ортиб борди.

И.Каримов томонидан мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш *концепцияси* ишлаб чиқилди. Ушбу босқич давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизими, ахборотлаштириш соҳасини ислоҳ этиш, сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов конунчилигини такомиллаштириш, иқтисодийни либераллаштиришга қаратилган демократик бозор ислоҳатларини чуқурлаштиришга қаратилганлиги билан характерланади.

2002 йили бўлган Олий Мажлиснинг IX сессиясида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов кўп қиррали ислоҳатларни амалга оширишнинг янги тамойилларини ўртага ташлади. Унда ислоҳатларга доир 7 та масала – устувор йўналиш белгилаб берилди. Устувор йўналишлардан бири жамият ҳаётида нодавлат ва ноижорат ташкилотларининг ўрни ва ролини ошириш орқали фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларини чуқурлаштириш, “Кучли давлатдан – кучли жамият сари” тамойилини амалга ошириш ҳисобланади. Давлат сиёсатининг бош йўли – ҳуқуқий, демократик давлатни вужудга келтириш, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш, “фуқаро – жамият – давлат” принципини жорий этиш, шу йўл билан фуқаролик жамиятини барпо этиш бўлди.

Демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти ривожлантириш концепцияси. И.Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусида қилган маърузаси амалга оширилган ислоҳатларни сарҳисоб қилиш ҳамда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини янада ривожлантириш йўналишларини белгилаб олиш нуктаи назаридан муҳим аҳамиятга эга бўлди. Концепсияда мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида амалга оширилган ишлар таҳлил этилиб, бу йўналишдаги демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва изчил давом эттириш бўйича долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Концепсия 6 қисмдан иборат бўлиб, унда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизими, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов конунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, бозор иқтисодийни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш борасидаги муҳим вазифалар белгиланган.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга асосан Концепсиянинг 78, 89, 93, 96, 98-моддаларига ўзгартиришлар киритилиб, унга асосан Бош Вазир номзоди сайловларда (Олий Мажлис) энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдорда кўп ўрин олган сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади. Президент такдим этилган номзодни кўриб чиқиб 10 кун муддат ичида Олий Мажлис палаталари томонидан кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун таклиф этадиган бўлди.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасида адвокатура институти такомиллаштирилди ва унинг мустақиллиги янада мустаҳкамланди. Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан жиноятлар таснифи ўзгартирилди. Санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди.

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш соҳасига оид 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди. “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”, “Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иктисодий асослари тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш белгиланди.

Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасидаги бир қатор қонунларга ўзгартириш киритиш, Ўзбекистонда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Экологик назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Халқ билан мулоқотнинг йўлга қўйилиши. 2016 йилда илк бор аҳоли ва ҳукуматнинг тўғридан-тўғри мулоқоти йўлга қўйилди. 2016 йил сентябрда Бош вазирнинг (pm.gov.uz манзилида) виртуал қабулхонаси очилди. 2017 йилнинг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиниши бу соҳадаги ишларни фаоллаштирди. Президент Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида биноан *Халқ қабулхоналари* ташкил этилди. Унинг ходимлари эса Ўзбекистон Президенти девонининг ходимлари ҳисобланиши белгилаб қўйилди. 2017 йил декабрда Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Халқ қабулхоналари негизида, Президент ҳузурда алоҳида тузилма – *Тезкор давлат хизматлари агентлигини* ташкил этиш гоёсини илгари сурди.

Бир йил давомида такомиллаштирилиб борилган ушбу механизм дунё ҳамжамиятига чинакам демократия йўлидаги муваффақиятлардан бири сифатида намоиш этилди. Президент Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида, халқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий қилиш механизмларини мустаҳкамлашни глобал мақсад сифатида белгилаб, мамлакатимиз барча ҳудудида Президентнинг виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилганини ҳамда ҳозирги кунгача 1 миллиондан ортиқ фуқаролар бу қабулхоналар орқали ўзларининг долзарб муаммоларини ҳал қилганини таъкидлади.

2017-2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартибот, давлат чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори талаби кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашувни ишлаб чиқишни тақозо этди. Мамлакатнинг 2016 йилда сайланган Президенти Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси билан олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитларлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди.

Стратегия долзарб ҳамда аҳоли ва тадбиркорларни ташвишга солаётган масалаларни комплекс ўрганиш, қонунчилик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти ва хорижий тажрибани таҳлил қилиш яқунлари бўйича ишлаб чиқарилган. Ҳаракатлар стратегияси 5 босқичда амалга оширилиб, уларнинг ҳар бири бўйича йил номланишидан келиб чиққан ҳолда алоҳида бир йиллик давлат дастурини тасдиқлашни назарда тутди. Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Президент раҳбарлик қиладиган 14 кишилик Миллий комиссия тузилиб, у мазкур ҳужжатда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилишини назорат қилади.

Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг 5 та устувор йўналишлари келтирилган:

I. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш (Мовий ҳаво ранг – осмион ва тоза сув рамзи, Ами р Темур давлати байрогининг ранги);

II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш (Сийҳранг – қонун устуворлиги ва ор-номуслилик рамзи);

III. Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш (Тилларанг – иқтисодий ривожлантириш элементлари ҳисобланган куч-қудрат ва бойлик рамзи);

IV. Ижтимоий соҳани ривожлантириш (Қизил ранг – ҳаёт ва аҳолининг муносиб турмуш тарзини таъминлаш рамзи);

V. Хавфсизлик, диний багрикенглик ва миллатлараро тотувлик, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат (Оқ ранг – тинчликсеварлик сиёсати элементлари ҳисобланган тинчлик ва софлик рамзи).

- *Концепция* – бирор соҳани ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли лойиҳа ёки қарашлар мажмуи.
- *Санкция* – ҳуқуқшуносликда ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган ва унинг учун муайян оқибатлар келтирувчи чора.
- *Стратегия* – узокқа борувчи таъсир воситалари ва услублари; мақсадни истиқболли динамик аниқлаб олиш.

3-§. Иқтисодий ислохотлар. Бозор муносабатларига ўтиш. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва Миллий хавфсизлик

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли, тараққиётнинг “Ўзбек модели”. Ўзбекистон мустақилликка эришган вақтда ижтимоий-иқтисодий аҳвол ўта мураккаб эди. Ўзбекистон совет тузуми давридаги иқтисодиёт асосини ташкил этган режалаштирувчи сиёсатдан воз кечди. Ва бозор иқтисодиёти йўлини танлади. Жаҳон тажрибасида дунёдаги ҳамма мамлакатлар учун бир хил тараққиёт йўли, бир хил андоза бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир давлат ўзининг тарихий-тараққиёт анъаналари, миллий ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўз йўли, ўз моделини ишлаб чиқиши лозим. Ўзбекистон ҳам ана шу умумий дастур ва умумий қонуният мезонлари асосида бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишга имконият берадиган ўз йўлини танлаб олди.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш йўлига доир И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган 5 тамоили: 1. Иқтисодиёт сиёсатдан устунлиги, уни мафкурадан холи этиш. 2. Давлат бош ислохотчи ва иқтисодий ўзгаришларнинг ташаббускори. 3. Қонун устуворлиги, қонун олдида ҳамманинг тенглиги. 4. Кучли ижтимоий сиёсат юритиш, аҳолининг муҳтож табақаларини ижтимоий ҳимоялашнинг устуворлиги. 5. Бозор иқтисодиётига босқима-босқич, изчил равишда ўтиш, кабилар асос қилиб олинди.

Бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки даврдан республика ҳукумати ва Президенти томонидан бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, давлат пенсия таъминоти, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг соғлигини сақлаш ҳақида қонунлар, ҳукумат қарорлари ва Президент фармонлари қабул қилинди.

Иқтисодий ислохотларни бошқариш тизими барпо этилиши. Бозор инфраструктураси шаклланиши. Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг асосий стратегик мақсади, аввало, кишилар турмуши ва фаолияти учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган, кучли ва мунтазам ривожланиб боровчи иқтисодий тизимни барпо этишдир. Бозор муносабатларига ўтиш даврининг *биринчи босқичи* – мустақиллик кунидан миллий валютани муомалага киритишгача бўлган вақтни ўз ичига олади. Биринчи босқичда 2 та асосий вазифа ҳал қилинди: 1) маъмурий-буюрукбозлик тизимининг оғир оқибатлари енгиб ўтилди, тангликка барҳам берилди ва иқтисодиёт барқарорлаштирилди; 2) бозор муносабатларининг ҳуқуқий негизлари шакллантирилди.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига асосланган жамиятнинг ҳуқуқий-иқтисодий негизлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топди. Ислохотларнинг *1-босқичида* Олий Кенгаш томонидан иқтисодиётга оид 100 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Шу билан бирга хусусийлаштириш чоғида имтиёзлар тизими яратилди. Хусусийлаштирилаётган корхона меҳнат жамоасининг ходимларига аксияларни имтиёзли шартлар билан сотиб олиш имконияти берилди.

Эскирган асосий фондлар, ижтимоий инфратузилма объектлари янги мулкдорга текинга топширилди. Қишлоқ хўжалиги давлат хўжаликларининг мол-мулки, фермалар, боғлар ва узумзорлар имтиёзли шартлар асосида хусусийлаштирилди.

Давлат мулкни **хусусийлаштириш** зарурияти бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган жамиятни барпо этишнинг асосий шартидир. Ўзбекистонда чек воситаси билан хусусийлаштириш гоёсидан воз кечилди, давлат мол-мулки янги мулкдорга фақат сотиш йўли билангина мулкчиликнинг бошқа шаклига айлантирила бошланди. Ўзбекистон Олий Кенгаши 1991 йил 18 ноябрда “Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонун қабул қилди. *Дастлабки босқич* хусусийлаштириш жараёни: умумий уй-жой фондини, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналарини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тизимини қамраб олди.

Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнини ташкил қилиш ва унга раҳбарлик қилиш мақсадида 1992 йил февралда Давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш Давлат қўмитаси тузилди. Бу қўмита 1994 йил Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасига айлантирилди. *Кичик хусусийлаштириш* 1994 йилдаёқ тугалланди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга доир 20 дан ортиқ меъёрий ҳужжат қабул қилинди. 1995 йил халқ хўжалигида *оммавий хусусийлаштиришлар даври* бўлди. 1998 йилга келиб хусусийлаштирилган корхоналар тармоги *кескин кўпайганлиги* билан характерланади. Давлат мулкни хусусийлаштириш юзасидан олиб борилган амалий ишлар натижасида *кўп укладли иқтисодиёт* ва *мулкдорлар синфи* вужудга келди.

Ўзбекистон бу даврда ўз валютасига эга эмасдиги, муомалада эса 1961-1992 йилларда чиқарилган рублнинг бўлганлиги, айрим озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларига ўзининг таннархига қараганда арзон нарх белгиланганлиги учун уларни республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиш авж олди ва мамлакатимизда аҳолини асосий истеъмол маҳсулотлари билан таъминлашда қийинчиликлар юзага келди.

Миллий валюта қабул қилиниши. Ўзбекистон мустақил бўлгач ўз миллий валютасини муомалага киритиши учун маълум вақт, тажриба керак эди. Шу боисдан Ўзбекистон 1991-1993 йилларда собиқ Иттифоқдан қолган рубл зонасида бўлиб турди. Аммо советлардан кейинги маконда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши натижасида рублнинг кадри ҳам тушиб борди. Ўзбекистонда 1992 йилдаёқ муомалага чиқаришга мўлжалланган сўм-купон нусхалари тайёрланади ва 1993 йил 1 ноябрда сўм-купон муомалага киритилди. Унинг курси олдин муомалада бўлиб келган рублга тенглаштирилган эди. Ўзбекистон раҳбарияти сўм-купонлар асосида зарур тажриба орттирди, ҳақиқий миллий валютани жорий қилиш тадбирларини кўрди.

Ўзбекистон Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида”ги фармони билан 1994 йил 1 июлдан бошлаб республика худудида ягона, чекланмаган ва қонуний тўлов воситаси сифатида миллий валюта - сўм муомалага киритилди. Муомалага

1994 йилда 1,3,5,10,25,50,100 сўмлик, 1997 йилдан 200 сўмлик, 2000 йилдан 500 сўмлик, 2001 йилдан 1000 сўмлик, 2013 йилдан 5000 сўмлик, 2017 йилдан 10000 ва 50000 сўмлик банкнотлар чиқарилди.

Замонавий транспорт-коммуникация тизими шаклланиши. Транспорт тармоқлари тизимини бошқаришни такомиллаштириш мақсадида “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси (1992), Ўзбекистон автомобил транспорти (“Ўзавтотранс”) давлат-акциядорлик корпорацияси (1993 йил, 1998 йилдан Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги), “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик компанияси (1994) ташкил этилди. Транспорт корхоналари давлат иштирокидаги акциядорлик компаниялари, корпорациялари, очик турдаги акциядорлик ва масъулияти чекланган жамиятларга, жамоа корхоналарига айлантирилди.

Ўзбекистон кўшни давлатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш мақсадида 1996 йилдан *Тошкент- Андижон-Ўш* магистралининг 100 км дан ортиқ тоғли участкаларида қурилиш ишлари бошланди. Қамчиқ ва Резак тоннеллари фойдаланишга топширилди. *Алмати-Бишкек-Тошкент-Термиз* ва *Самарқанд-Бухоро-Ашхобод Туркманбоши* **автомобил йўли**, Европани Кавказ орқали Осиё билан боғлайдиган автомобил йўли (*Европа-Кавказ-Осиё* транспорт йўлидаги бир қисми)нинг Ўзбекистон ҳудудидан ўтадиган қисмини таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ўзбекистонни Қозоғистон орқали Россия билан боғлайдиган 340 километрли *Қўнғирот-Бейнов* автомобил йўли қурилишининг 1-босқичи якунланди.

Барча транспорт турларининг юк ва йўловчилар ташиш ишларини мақбул ҳолга келтириш, коммуникацияларни жадал ривожлантириш, транспортда юк ва йўловчиларни ташиш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда трансмиллий транспорт йўлакларини ривожлантириш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш мақсадида 2004 йилда “Ўзбекистон транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси” ташкил этилди. Уюшма таркибига “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик компанияси, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси, Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги, “Ўзавтойўл” компанияси, транспорт коммуникацияларини қурилиши билан шугулланувчи республика лойиҳа ва қурилиш ташкилотлари киритилди.

Ўзбекистоннинг ягона **темир йўл** тармоғини вужудга келтириш бўйича 1994-2001 йилларда узунлиги 700 километрга яқин *Навоий-Учқудуқ-Нукус* темир йўли қуриб битказилди. 2001 йилда 341 км. бўлган *Навоий-Учқудуқ-Султонзода* йўналиши, 2007 йилда узунлиги 220 км. бўлган *Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон* йўналиши қуриб битказилди. Ўзбекистонни денгиз транспортига олиб чиқадиган энг яқин йўл Афғонистон орқали ўтишини ҳисобга олган ҳолда бир қатор янги темир йўл қуриш лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон 2010 йил Афғонистон учун стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳани амалга оширди, яъни *Ҳайратон-Мозори Шариф* темир йўлининг 75 километрини қуриб берди. Бу Ўзбекистон ташки садо географиясининг кенгайтишига асос бўлди.

2016 йил июнда *Ангрен-Поп* темир йўли ва Қамчиқ тунели очилди. Қамчиқ довони орқали ўтувчи Ангрен-Поп тармогининг қурилиши Фаргона водийсини Ўзбекистоннинг бошқа худудлари билан боғлашга имкон тугдирди. Темир йўлнинг узунлиги 123,1 километрни ташкил этиб, ушбу лойиҳа доирасида узунлиги 19,2 километрдан иборат бўлган темир йўл туннели қурилди.

Ўзбекистон ҳукумати *йўловчи ташиш* соҳасида янги технологияларни жорий этиш учун *Тошкент-Самарқанд* йўналиши бўйлаб тезюрар йўловчи ташишни ташкил қилди. Янги тезюрар поезд номи Афрасиёб бу – Самарқанд вилоятида жойлашган қадимий шаҳар шарафига қўйилди. 2011 йилнинг октябридан буюшлаб ундан тижорат мақсадида фойдаланиш йўлга қўйилди. 2011 йил иккинчи поезд ҳам келтирилиб, 2012 йилнинг майидан ўз қатновини бошлади. Ушбу энг замонавий тезюрар йўналиш 2015 йилда Қарши шаҳригача, 2016 йилда Тошкент-Бухоро йўналиши, 2018 йили Тошкент-Хива йўналиши ишга туширилди. Поезд максимал тезликни соатига 250 километргача ошириши мумкин.

Тошкент *метроси* қурилиши ҳам мустақиллик йилларида жадал ўсди. 2001 йил августда Юнусобод йўналишининг 6 та бекатдан иборат биринчи қисми фойдаланишга топширилиб, йўловчи ташиш йўлга қўйилди. 2016 йил Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси билан 7,1 километр бўлган Тошкент метрополитенининг Сергели линияси қурилиши олиб борилмоқда. Мазкур янги линияни 2020 йилга қадар қуриб фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Сергели метро линияси бугунги кунгача Марказий Осиёда қўлланилмаган бутунлай янги эстакада усулида бунёд этилмоқда.

Ўзбекистон денгизга тўғридан-тўғри чиқиш имкони чекланган 34 та давлатдан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳаво йўллари транспорти республика иқтисодиётида алоҳида аҳамият касб этади. Бу даврда “*Ўзбекистон ҳаво йўллари*” белгиси билан парвоз қилаётган самолётлар турли давлатларда жойлашган 40 дан зиёд аэропортга мунтазам қатнай бошлади. 2012 йилга келиб авиакомпания замонавий ҳаво кемалари билан таъминланди. “*Ўзбекистон ҳаво йўллари*” авиакомпанияси дунёнинг 25 дан ортиқ мамлакатига парвозларни амалга ошириб, йилига қарийб 75 минг транзит йўналишнинг ҳаво ҳаракатини бошқармоқда. Авиакомпания таркибида фаолият кўрсатаётган, сўнгги авлод авиация техникаларига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган марказнинг хизматларидан 320 та хорижий авиакомпания самолётларига аэронавигация хизмати кўрсатила бошланди.

Ўзбекистон Миллий Авиакомпанияси Боеинг-757/767, А-320 самолётлари, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ИЛ-114-100 замонавий лайнерлари, Боеинг-767-300 ER юк ташувчи самолётларига эга бўлди. 2016 йилда янги авлод самолётлари Боеинг-787 Dreamliner келтирилди. Ўзбекистон МДХнинг барча йирик шаҳарлари ва жаҳоннинг АҚШ, Германия, Буюк Британия, Швейцария, Ҳиндистон, Туркия, Саудия Арабистони, Жанубий Корея, Сингапур сингари 50 га яқин мамлакатлари билан ҳаво йўллари орқали боғланди.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпанияси таркибида 11 та (Тошкент, Нукус, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Қарши, Наманган, Андижон, Фаргона, Навоий) замонавий аэропортлар жаҳон андозалари даражасида модернизация қилинди. 2017 йилда И.Каримов номи берилган Тошкент халқаро аэропорти Марказий Осиёдаги йирик халқаро аэропортлардан бири ҳисобланади. Самарқанд, Бухоро, Урганч аэропортлари халқаро аэропорт макомини олди.

Миллий автомобилсозлик саноатига асос солиниши. 1992 йил августда Тошкентда Жанубий Кореянинг “DAEWOOmotors” корпорацияси ва Ўзбекистоннинг “Автоқишқўжмаш” давлат концерни ўртасида Андижон вилоятининг Асака шаҳрида автомобил ишлаб чиқарувчи “O`zDAEWOO avto” қўшма корхонасини барпо этиш тўғрисида шартнома имзоланди. Унинг таъсисчилари этиб “DAEWOOmotors” корпорацияси ва “Ўзавтосаноат” уюшмаси, ҳар икки тарафнинг қўшма корхонадаги улуши тенг миқдорда 50 % дан иборат қилиб белгиланди. Ўзбекистонлик ёшларнинг 1000 дан кўпроги Жанубий Кореяда “DAEWOO” компаниясида тажриба орттириб келди. 1996 йил 19 июлда “O`zDAEWOO avto” қўшма корхонаси очилди.

1996 йил Андижон вилоятининг Асака шаҳрида Марказий Осиёдаги 1-автомобил заводи ишга туширилди. 1996 йил - Damas, Tico, Nexia; 2001 йил - Matiz; 2002 йил - Nexia DONC; 2003 йил - Chevrolet Lasetti; 2004 йил - Matiz Best; 2006 йил – янгиланган Damas; 2007 йил – Chevrolet Captiva, Epica, Tacuma; 2008 йил – янгиланган Nexia; 2010 йил – Chevrolet Spark; 2012 йил – Chevrolet Malibu, Chevrolet Cobolt; 2013 йил – Lasetti II (Gentra); 2014 йил – Chevrolet Orlando русумдаги автомобиллар ишлаб чиқарилди. 2015 йилда “Ўзавтосаноат” АК томонидан “Ravon” миллий маркаси остида Nexia-3 моделининг тақдимотини амалга оширди. Бугунги кунда деярли ҳар икки оиладан бири шахсий автомобилига эга.

Бугунги кунда “Ўзавтосаноат” АК тизимига кирувчи “GM Uzbekistan” АЖ (2007 йил), “SamAuto” (Самарқанд автомобил заводи 1999 йил), “MAN Auto Uzbekistan” (2009), “GM Powertrain Uzbekistan” ҚК асосий ишлаб чиқариш компаниялари фаолият юритмоқда. Шу билан бирга Ўзбекистон автомобил саноатида маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш натижасида “Ўзавтосаноат” АК таркибида 75 дан ортиқ корхоналар ишлаб турибди.

Президент Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил июндаги “Хорижий инвестициялар иштирокидаги “Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive” корхонасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, “Жиззах” эркин иқтисодий зонасида “Ўзавтосаноат” АК Франциянинг “Pejo Citroen” гуруҳи билан ҳамкорликда “Peugeot” ва “Citroen” брендлари остида йўловчи ва юк ташишга мўлжалланган енгил тижорат автомобилларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилади. У ерда 2019 йилдан бошлаб ҳар йили ички ва ташқи бозор учун енгил тижорат автомобилларини ишлаб чиқарувчи корхона курилади.

Аграр ислохатлар. Қишлоқда амалга оширилган аграр ислохатлар натижасида мамлакатда *кўп укладли хўжаликлар* шакллантирилди. 1996 йилда аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган галланинг 82%, картошка, гўшт ва

гўшт маҳсулотларининг 50%, сут ва сут маҳсулотларининг 60% четдан келтирилар эди. 1991-2000 йилларда қишлоқда амалга оширилган туб аграр ислохатлар Ўзбекистон қишлоқ ҳаётини шакл ва тизимга ўзгартириб юборди. Мамлакатда сув танқислиги ҳисобга олиниб, 1998 йилдан бошлаб пахтачиликда Исроил технологиялари асосида томчилатиб сугориш усули, Андижонлик пахтакорлар ташаббуси билан чигитни плёнка остига экиш технологияси жорий этилди. Ўзбекистон қаноп, тамаки етиштириш соҳасида ҳам дунёда етакчи ўринди туради.

Чорвачилик соҳасини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йилдаги “Чорвачиликда хусусийлаштиришни давом эттириш ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. натижада республикада ишлаб чиқарилаётган гўшт ва сутнинг 75% ни хусусий сектор бера бошлади. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитида *фермер хўжаликларининг* тошқил топиши аграр ислохатларнинг асосий мазмунини ташқил этди. 1992 йил “Дехқон (фермер) хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши фермер хўжаликлари ривожланиши учун ҳуқуқий асос бўлди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан раҳбарият *озиқ-овқат* муаммосини ўз имкониятларимиз ҳисобидан ҳал қилиш, айниқса дон мустақиллигини таъминлаш масаласини кун тартибига катъий вазифа қилиб қўйди. Мамлакатда пахта яққаҳоқимлигига барҳам берилди. Натижада озиқ-овқат хавфсизлиги, *галла мустақиллиги* таъминланди. Қишлоқ хўжалигида ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2003-2009 йилларда 801,5 минг АҚШ доллари қийматидаги 21 та лойиҳа амалга оширилди. Натижада қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги бирмунча ошди, фермер хўжаликларининг даромадини кўпайтириш имконияти кенгайди.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ишларнинг кўламини янада кенгайтириш мақсадида замонавий *сугориш тизимлари* ва энергияни тежайдиган технологиялардан фойдаланишга, тупрок унумдорлигини оширишга қаратилган давлат дастурлари ишлаб чиқилди. 2008-2012 йилларда мамлакатда сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури доирасида умумий узунлиги 10 минг 500 километрдан зиёд хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги коллектор-дренаж тармоқларида жами 60 миллиард сўмга яқин таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди. 2008 йилдан бошлаб мамлакатда қарийб 1 миллион 500 минг гектар сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, ерости сувлари юқори бўлган майдонлар 415 минг гектарга ёки салкам 10% га қисқарди, ўртача ва кучли шўрланган майдонлар 113 минг гектарга камайди.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан мазкур соҳа тармоқларининг самарадорлигини оширишга ёрдам бермоқда. 2010 йили республика раҳбарининг ташаббуси билан Украина ва Полша давлатларидан олиб келинган, интенсив технологиялар асосида парваришланадиган пакана ва ярим пакана олма, нок, олхўри, гилос, шафтоли кўчатлари, асосан Тошкен ва Самарқанд

вилоятларининг фермер хўжаликлари майдонларига экилди. Бундай боғларни кенгайтириш, уларни деҳқон фермер хўжаликларида барпо этиш мақсадида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. 2017 йил ҳолатига кўра Республика ҳудудида жами 5,5 минг гектардан ортиқ майдонда шундай интенсив боғлар барпо қилинган. Ҳозирда етиштирилаётган мевалар кўшни ва Европа мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

- *Дотация* (лот.-тухфа) – маълум харажатларни қоплаш учун иқтисодиётнинг бир субъекти томонидан иккинчисига қайтариб бермаслик шарти билан пул маблағи белгилаши.
- *Аэронавигация* (лот.-кемада сузиш) – Учиш аппаратларини тегишли асбоб ва воситалар ёрдамида белгиланган йўлдан олиб бориш ҳақидаги фан; ҳаво навигацияси.
- *Магистрал* (лот.-бош, асосий) – асосий йўл. Қатнов йўли, умуман тармоқланган системаларнинг асосий қисми.

Мамлакат ишлаб чиқариш салоҳиятининг оширилиши ва жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви

Иқтисодиётни модернизациялаштириш. 2000 йилда бошланган иқтисодий ислохотларнинг кейинги босқичида иқтисодиётга давлат аралашуви даражасининг пасайиши ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти кафолатларини кучайтириш ва уларга назорат қилувчи органларнинг ноқонуний аралашувидан ҳимоя қилиш масалаларига асосий эътибор қаратилди. 2002 йилдан бошлаб импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури амалга оширила бошланди. Бунда экспорт таркибини диверсификациялаш ва хомашё маҳсулотлари ҳамда материалларини экспорт қилишдан қочиб, янги технологиялар олиб келиш ва мамлакат экспорт салоҳиятини орттиришга кўмаклашадиган чет эл инвесторлари иштирокида кўшма корхоналар қуриш устувор вазифа сифатида белгиланди. Шунингдек, импорт ўрнини босадиган товарлар сиёсатини, яъни товарлар импорт қилиш ўрнига машиналар ва саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги учун ускуналар импорт қилишга кўпроқ эътибор қаратилди. Экспортда товар таркибини диверсификация қилиш натижасида мамлакатимиз пахта яккаҳокимлиги оқибати бўлган пахта толаси экспортига қарамликдан халос бўлди.

Ўзбекистон Президентининг 2008 йилдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйиш тадбирлари ва банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш ёки тўғридан-тўғри балансига бериш механизми тавсия этилди. Мазкур корхоналарни модернизациялаш ва барқарор ривожлантириш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш мақсадида

хусусийлаштирилган объектларга нарх белгилашнинг самарали механизми жорий этилди.

Тадбиркорларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, уларни рағбатлантирадиган механизм яратилиши. 2001 йилдан бошлаб хусусий тадбиркорликни, айниқса кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантириш орқали иқтисодий таркибий қайта қуриш амалга оширилди. 2000 йилда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожини учун кенг имкониятлар очиб берди. Хусусийлаштирилаётган корхона меҳнат жамоасига акцияларни имтиёзли шартлар билан сотиш, янги мулкдорга эскирган асосий фондлар ҳамда ижтимоий инфратузилма объектларини бепул топшириш, давлат корхоналарининг мол-мулки, фермалар, боғлар имтиёзли шартлар асосида хусусийлаштириш ҳамда солиқ тўлашда айрим имтиёзлар берилди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда аҳоли учун кучли ижтимоий кафолатлар яратилди.

2002 йил “Сугурта фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши ва Президент фармони асосида 2002 йил февралдан бошлаб сугурта ташкилотларининг 3 йил муддатга даромад солигидан озод қилиниши сугурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланиши. Мустақиллик Ўзбекистонни *тадрижий таракқиёт* йўлига қайтишига имконият яратди. “Ўзбек модели” концепсияси асосида бошланган иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар тадбиркорликнинг ривожланишига имкон очиб берди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бир неча босқичларда олиб борилди.

Биринчи босқич – 1991-1996 йиллар. Бу босқичда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳамда бозор иқтисодиётини барпо этишнинг асоси бўлган кичик мулкдорлар синфининг шакллантирилишидан бошланди. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг конституциявий ҳуқуқлари ва кафолатларини таъминловчи қонунлар қабул қилинди.

Иккинчи босқич – 1996-2000 йиллар. Ушбу босқичда кенг қамровли хусусийлаштириш амалга оширилди, иқтисодий соҳаларига хусусий капитални жалб қилиш имкониятлари кенгайтирилди, дастлабки хусусий тижорат банклари ва молия институтлари (кредит уюшмалари) ўз фаолиятини бошлади. 1996 йилда халқаро иқтисодий маконда юз берган пахта инқирози унинг нархини пасайиб кетишига, айти вақтда республика иқтисодига валюта тушумини таъминлаб турган пахта хомашёсининг экспортдан тушадиган даромад 15% қисқаришига сабаб бўлди. 1998-1999 йиллардаги ноқулай об-ҳаво шароити пахта ҳосилдорлигига жиддий зарар етказди, натижада пахта экспорти 25% га қисқарди. Бунга жавобан ҳукумат импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва бу даврда катта қийинчилик билан тўпланаётган валюта захирасини сақлаб туришга, ундан унумлироқ фойдаланишга қаратди.

Учинчи босқич – 2000-2016 йиллар. Мазкур босқичда хусусий тадбиркорликни кенг кўламда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш ва уни кафолотлашга қаратилган қатор ҳукукий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. 2000 йилда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун билан тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш механизми содалаштирилди, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолотлар ҳамда шароитлар такдим этилди, тадбиркорларнинг имтиёзли кредит олишлари учун ҳуқуқлари мустаҳкамланди.

2008 йилда жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш юзасидан кичик бизнес субъектларининг тижорат банклари кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди, ишлаб чиқариш билан шугулланувчи кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси янада пасайтирилди. Ўзбекистон Президентининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистонда иқтисодий ислохатларни янада чуқурлаштириш чоралари тўғрисида”ги ва “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастури тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ, иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва модернизациялаш ҳамда мамлакатда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Тўртинчи босқич – 2016 йилдан бошланди. Президент Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, тадбиркорликни жадал ривожлантиришга эътибор кучайтирилди. 2018 йил тасдиқланган “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили – давлат дастури”да тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишга 2 йил муддатга мораторий (тўхтатиб туриш) эълон қилинди.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йилнинг 2 сентябрдаги қарорига кўра, Ўзбекистонда 2017 йил 5 сентябрдан бошлаб юридик ва жисмоний шахслар хорижий валютани ҳеч қандай чекловларсиз алмаштиришни бошлади. Бу сўмни конвертациялаш борасида жуда муҳим қадам бўлди. Президент Ш.Мирзиёев 2017 йил 7 декабрда сўзлаган маърузасида шундай деди: “Тадбиркорлик йўлидаги ҳар қандай тўсиқларни олиб ташлаш давлат раҳбари сифатида менинг энг қатъий вазифамдир. Тадбиркор йўлига тўсиқ бўлиш давлатга хиёнат сифатида қаралади”.

Эркин ва махсус иқтисодий зоналар яратилиши. 1996 йилда “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Қонунга биноан Эркин иқтисодий зона деганда муайян минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат чет эл капиталини, истикболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳукукий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир. Президентнинг 2008 йил “Навоий вилоятида

эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармони асосида “Навоий” халқаро интермодал логистика маркази бунёд этилди. 2013 йилдаги Ўзбекистон Президентининг “Жиззах” махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги ва “Ангрен” махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги фармонлари қабул қилинди. Мазкур фармонлар рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш, бу борада қулай шарт-шароитларни шакллантиришга, ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилиш кўзда тутилган.

Иқтисодий зоналар киритиладиган инвестиция микдоридан келиб чиққан ҳолда 3 йилдан 7 йилгача муддатга божхона ва солиқ тўловларидан озод этилади. Ўзбекистон Президентининг 2016 йил октябрдаги “Ургут”, “Ғиждувон”, “Кўқон”, ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари асосида мамлакатимизда (2018) 10 ҳудудда 14 та эркин иқтисодий зона фаолият юритмоқда. “Навоий”, “Ангрен”, “Жиззах”, “Ургут”, “Ғиждувон”, “Кўқон”, ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарида 62 лойиҳа амалга оширилган, 4600 дан ортиқ иш ўрни яратилган. Фармацевтика соҳасига ихтисослашган “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм”, “Паркент-фарм” сингари 7 янги эркин иқтисодий зонани ривожлантириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Президентнинг 2016 йилдаги фармонида кўра “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналари номини бирхиллаштириш мақсадида улар “Навоий”, “Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналар деб юритиладиган бўлди.

Солиқ тизими. Ўзбекистонда 1991 йил августда энг замонавий, янги типдаги солиқ тизими юзага келди. Ўзбекистон солиқ органлари 1991 йилда қабул қилинган “Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида”ги қонун, 2008 йилда янги таҳрирда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодекси” асосида иш юритмоқда. Тиббиёт, таълим ва спорт объектларини сақлаш харажатлари корхоналарнинг солиққа тортиладиган базасидан чиқарилади. Савдода илгари тўлаб келинган 3 та тўлов ўрнига эса ягона солиқ тўлови жорий этилди. Ривожланган давлатлар тажрибаси асосида фуқароларнинг йиллик даромадларини Декларация қилиш тартиби жорий қилинди.

2008 йилдан кейинги даврда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси барқарор ривожланди. Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкини янада камайтириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 10 % дан 8 % га, 2009 йилда 7 % га, кейинчалик 5 % га туширилиши, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги ставкаларининг камайтирилиши ва уни ҳисоблаш тартибларининг

такомиллаштирилиши тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш учун рағбатлантирувчи омиллар яратди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган, солиқ солиш тизимини изчиллик билан соддалаштириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш орқали солиқ юкини пасайтириш каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар ижроси юзасидан, шунингдек солиқ маъмуриятчилигининг замонавий услубларини жорий этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йигилувчанлигини ошириш мақсадида 2017 йил 18 июлда Президентнинг “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йигилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. 2018 йил 1 январдан бошлаб, солиқ органлари ва ҳалол солиқ тўловчилар ўртасида уларга жорий солиқ солиш масалаларини ҳал этишда ҳар томонлама кўмаклашган ҳолда кенгайтирилган ахборот алмашинувини таъминлайдиган солиқ назоратининг замонавий шакли – солиқ мониторингини жорий этиш белгиланди.

- *Диверсификация* (лот. дивесификатио – ўзгариш, хилма-хил) – ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, иқтисодий банкротликни олдини олиш мақсадида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ассортиментининг кенгайтирилиши, маҳсулот сотиладиган бозорларни ўзгартириш ёки янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашиш.
- *Логистика* (юн. логистике – ҳисоблаш, муҳокама санъати) – Инсон фаолиятининг у ёки бу соҳасини моддий-техник таъминлашни бошқариш тизими.
- *Конвертация* (лот. конвертатио – ўзгартириш, айлантириш) – Миллий валютанинг амалдаги курс бўйича бошқа хорижий валюталарга эркин ва чекланмаган миқдорда алмаштирилиши.

Ижтимоий сиёсат ва унинг амалга оширилиш босқичлари

Мустақиллик арафасида ижтимоий-иқтисодий ва демографик вазият. XX асрда 70 йилдан кўпроқ вақт ҳукмрон бўлган, дунё харитасида “Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи” (СССР) деган ном билан катта ҳудудни эгаллаган, маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган йирик мамлакатдаги тўғри бўлмаган, самарасиз ижтимоий-иқтисодий сиёсат 1980 йилларнинг охирига келиб барча иттифоқдош республикалар қаторида Ўзбекистон аҳолисининг ҳам яшаш шароитларини огирлаштириб, уни кўплаб муаммолар исканжасига солиб қўйди. Бу муаммоларнинг барчаси 1980 йилларнинг охири, 1990 йилларнинг бошларида Ўзбекистонда ижтимоий кескинликнинг кучайишига сабаб бўлди. Хусусан, республикада *демографик вазият* мураккаблашди.

Бу даврда аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати 2,8 % ни ташкил қилган. 1991 йилга келиб Ўзбекистонда аҳоли сони 20,7 миллион кишидан ортиб, 1990 йилга нисбатан 386,0 минг кишига ўсган. Бу эса Ўзбекистонда

аҳолининг ўсиш суръати Иттифок суръатларига караганда 3 баробардан зиёд юқори бўлганини кўрсатади.

Бироқ, аҳолининг бундай ўсиши узок йиллар давомида саноат ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида иш жойларини кўпайтириш ҳамда аҳолининг ҳаёт таъминоти учун зарур шарт-шароитлар яратилмади. Бу эса одамлар турмуш шароитининг огирлашуви, ишсизлар сонининг кўпайиши, ижтимоий меҳнат унумдорлиги ва аҳоли даромадларининг камайиши, натижада халқ фаровонлигининг пасайишига олиб келди. Республикадаги ижтимоий аҳвол, одамларнинг ижтимоий таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш қоникарсиз даражада эди. Айниқса, қишлоқ аҳолисининг канализация ва водопровод билан таъминланиши атиги 5% ни, ичимлик сув билан таъминланиши салкам 50 % ни, табиий газ билан таъминланиши 17 % ни ташкил этар эди. Аҳолини уй-жой, соглиқни сақлаш, маданият, маиший хизмат объектлари, мактаблар, болалар богчалари билан таъминлаш ишларида силжишлар сезилмади. Ваҳоланки аҳолининг кўпчилик қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилар эди.

2018 йил 1 январ ҳолатига кўра Ўзбекистон аҳолиси 32,65 миллион кишини ташкил қилади. Бу 2017 йилга нисбатан 1,7 % га ўсган. Жумладан шаҳар аҳолиси сони жами аҳолининг 50,6 % ни, қишлоқ аҳолиси 49,4 % ни ташкил қилади. Аҳолиси сони 3 миллион кишидан ошган ҳудудлар сони 4 та, улар: Самарқанд, Фаргона, Қашқадарё ва Андижон вилоятлари ҳисобланади. Ўзбекистонда Ўрта Осиёдаги жами аҳолининг 1/3 қисмидан кўпроги яшайди.

Юқоридаги ҳолатлар Ўзбекистон аҳолиси даромадлари ва турмуш даражасининг кескин пасайишига олиб келди. *Ижтимоий инфратузулма тармоқлари*: соглиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача болалар муассасалари жуда огир аҳволда бўлиб, мактаб ва касалхоналарнинг 60 % нобоп биноларда жойлаштирилган. Бу эса ўша даврда инсоннинг ҳар томонлама уйгун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожланиши у ёқда турсин, кўпинча яшаш учун керакли энг оддий нарсалар ҳам етишмаганини кўрсатади.

Ижтимоий сиёсат концепсиясининг шаклланиши. Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш давлат сиёсатининг *бош йўналиши* ҳисобланади. И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган 5 тамойилнинг муҳим қисми аҳолини ижтимоий ҳимоялаш эканлиги ҳам шу билан боглиқдир. Ўзбекистон ҳукумати ана шу 5 тамойил асосида ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан зарур чоралар кўрилди. Бу чоралар одамларнинг турмуш даражасини кескин пасайиб кетишининг олдини олишда муҳим рол ўйнади.

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо қилишда давлат томонидан кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати олиб борилди. Ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўлининг етакчи тамойилларидан бири ҳисобланади. Республикада ижтимоий ҳимоянинг ҳукуқий муҳити яратилди, унга қонуний асос солинди. Ижтимоий ҳимоя тамойиллари Ўзбекистон Конституциясида кафолатланиб, қабул қилинган қонунларда ўз аксини топди. Мамлакатда даромад олишнинг кафолатланиши амалга оширилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимидаги *энг асосий йўналиши* – бу нархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиш даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириб бориш ҳисобланади. Энг кам иш ҳақи ва бошқа тўловлар одатда, олдиндан кўпайтириб келинди, нарх-наво ўзгариши билан боғлаб олиб борилди, бу эса аҳолининг тўлов қобилияти сақланиб қолишини таъминлади ва турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл кўймади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг *иккинчи йўналиши* – ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш бўлди. Бунга эришишда муҳими маҳсулотлар экспортини божхона тизими орқали назорат қилиш ва уларга юқори бож тўловлари жорий этиш, кундалик зарур товарларни меъёрланган тарзда сотишни ташкил қилиш каби тадбирлар катта аҳамиятга эга бўлди.

Иқтисодий ислохотларнинг илк босқичида ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг *учинчи йўналиши* - аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш ва кўллаб-қувватлаш борасида чора-тадбирлар ўтказилганлиги бўлди. Бу йўналишда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор қатламлари - пенсионарлар, ногиронлар, кўп болали ва кам даромадли оилалар, ишсизлар, ўқувчи ёшлар, қайд этилган миқдорда нафақа олувчи кишилар турли хил йўллар билан ҳимоя қилиб борилди.

1992-2017 йилларда иш ҳақи ва пенсияларнинг, олий ўқув юртлари талабаларининг, аспирантларининг, докторантларининг стипендиялари миқдори бир неча бор оширилди. Энг кам пенсиянинг мутлақ миқдори иш ҳақининг энг кам миқдоридан ошиқроқ бўлиши муттасил таъминланиб келинди. Бу йўл ижтимоий адолат тамойилларига мос келар эди. 1994 йилга келиб аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими тубдан ўзгартирилди. Ижтимоий кўмак беришнинг мутлақо янги илгор тизими шакллантирилди. Бу тизимнинг моҳияти шундан иборатки, *болалар ва кам даромадли оилалар* бу ёрдамдан баҳраманд бўлувчи асосий қатламлар бўлиб қолди. 1994 йилнинг сентябридан бошлаб *барча болали оилалар* учун *ягона нафақа* жорий этилди. Бундай ёрдам одамларга яқин турадиган маҳалла йигинларида амалга ошириладиган бўлди.

1996 йил декабрда болали оилаларга ижтимоий ёрдам берилишини кучайтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги чора-тадбирларни рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ва масъулиятини ошириш мақсадида “Болали оилаларни давлат томонидан кўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида” яна бир муҳим фармон қабул қилинди. Унда 1997 йилдан бошлаб ёрдамга муҳтож, болали оилаларга болаларнинг сонига қараб энг кам иш ҳақининг 50 % дан бошлаб 175 % гача нафақа бериладиган бўлди. Ногирон болаларни соғломлаштириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Соғлом авлод учун” жамгармаси ташаббуси билан, хорижий ҳамкорларни жалб этган ҳолда, тугма нуксонлари мавжуд бўлган болаларни мураккаб жарроҳлик йўли билан даволаш ишлари амалга оширилди.

1996 йилдан бошлаб 16 ёшгача болалари бўлган барча оилаларга бериладиган ҳар ойлик нафақалар кўпайтирилиб, бу нафақалар болаларнинг сонига қараб белгиланди: 1 болали оилаларга – энг кам иш ҳақининг 30 %; 2 болали оилаларга – энг кам иш ҳақининг 60 %; 3 болали оилаларга – энг кам иш ҳақининг 80 %; 4 болали оилаларга – энг кам иш ҳақининг 100 %; 5 ва ундан кўпроқ болали оилаларга – энг кам иш ҳақининг 120 %. 1997 йил сентябрдан бошлаб ҳар йили 1-синф ўқувчиларига бепул ўқув анжомлари, дарсликларни бериш жорий этилди. Кам таъминланган оилаларнинг бошланғич синфда ўқийдиган болаларига бепул қишки иссиқ кийимлар бериш йўлга қўйилди.

Кексаларни ҳимоя қилиш. Аҳолининг эҳтиёжманд қисми, жумладан ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий-муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2005 йил – “Сихат-саломатлик йили”да 2 мингга яқин ёлғиз нуронийнинг уй-жойи таъмирдан чиқарилди, кам таъминланган оилалар ва кекса фуқароларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўзбекистон Президентининг 2006 йилдаги “2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарорига кўра, “Нуроний” жамгармаси ҳисобидан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож катламларига, фахрийларни даволаш масканларига, “Саховат” ва “Мурувват” уйларига дори-дармон воситалари етказиб берилди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирлиқларининг ҳудудий бўлимлари билан ҳамкорликда нуронийлар тўлиқ диспансер кўригидан ўтказилди.

Тошкент шаҳрида фахрийларга барча қулайликларга эга 150 ўринли “Нуроний” шифохонаси хизмат қилмоқда. Вилоят шифохоналари қошидаги касалхоналарда жамгарманинг вилоят бўлимлари ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг амалий ёрдами туфайли ташкил этилган ёлғиз кексалар ва ногиронларни бепул даволовчи “Нуронийлар хоналари” фаолият кўрсатмоқда. Республикадаги барча “Саховат” ва “Мурувват”, “Меҳрибонлик” уйлари ҳамда махсус мактаб-интернатларга ҳомийлар томонидан ҳар йили моддий ёрдам берилади.

Мамлакатимизда 2007 йилнинг “Ижтимоий ҳимоя йили” деб эълон қилиниши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, унинг турмуш ва фаровонлик даражасини изчил оширишга қаратилган кенг кўламли давлат сиёсатининг амалий ифодаси бўлди. 2007 йил эҳтиёжманд оилаларга давлат томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш механизмларини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари риюя этиши лозим бўлган асосий тамойиллар янада такомиллаштирилди.

2015 йилда ҳам Кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуг инсонлар, айниқса 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида, 2015 йил “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилинди. Ҳар йили уруш қатнашчилари ва фронт ортида

меҳнат қилганларга бепул тиббий хизмат кўрсатилмоқда, улар санаторий курортларда даволанмоқда.

Ҳар йили 9 май – “Хотира ва кадрлаш куни” муносабати билан уруш қатнашчилари мукофотланади. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги фармонида кўра Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари 2 млн сўмдан мукофотланди. Уруш қатнашчиларининг айримларига тўла жиҳозланган уйлар, Ҳаж зиёратига бепул бориш ва навбатсиз автомобил сотиб олиш имтиёзи берилди.

Оналар ва болалар саломатлиги муҳофазаси. Республикада оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилишга катта аҳамият берилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг “Болаликдан ногиронлар тугилишининг олдини олиш учун янги тугилган чақалоқларни ҳамда ҳомиладор айёлларда тугма ва бошқа паталогияни барвақт аниқлаш бўйича “Она ва бола скринингги” Давлат тизимини ташкил этиш тўғрисида” махсус қарори қабул қилинганлиги бу соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Ўзбекистон Президентининг 2009 йил июлда “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола тугилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” қарори қабул қилинди. ушбу қарорга кўра соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва шу соҳада сифат ўзгаришларини амалга оширишни таъминлаш борасидаги ишлар давом эттирилди. Болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш даражаси қарийб 100 % ни ташкил этди.

Барча вилоятлар марказларида катталар ва болалар учун кўп тармоқли тиббиёт марказлари, ҳар бир туманда энг замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти йўлга қўйилди. Республикада 3000 га яқин Қишлоқ врачлик пункти (ҚВП) фаолият кўрсатмоқда. 2015 йилга келиб жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида кўра Ўзбекистонда тугилаётган болаларнинг 92 % мутлақ соғлом. “Болаларни асрайлик” халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда Ўзбекистон болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта гамхўрлик кўрсатаётган энг илгор етакчи ўнта мамлакат қаторига кирди.

2016 йил Ўзбекистонда “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилинди. 2016 йилда чекка қишлоқ туманларида яшаётган аҳоли, биринчи навбатда, хотин-қизлар учун зарур ижтимоий, маиший ва тиббий шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви, табиий газ билан танишиш, хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилди. Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси ҳам сезиларли равишда ортиб борди. Бу борадаги умумий кўрсаткич 1990 йилда 67 ёшни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 74 ёшни ташкил этди. Жумладан, эркаклар ўртасидаги ўртача умр кўриш 66 ёшдан 70 ёшга, аёллар ўртасида эса 72 ёшдан 76 ёшга узайгани одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг натижасидир.

Уй-жойлар қурилиши. Мустабид тузум пайтида Биринчи Президент И.Каримов юксак жасорат билан аҳолини уй-жойли қилиш масаласининг ечимини топди. Натижада 1989-1990 йилларда бир ярим миллиондан кўпроқ оилага кўшимча ер ажратилди, 700 минг оилага томорқа ерлари берилди. Ўзбекистон Президентининг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан бошланган қишлоқ инфратузилмасини янгилашга қаратилган бунёдкорлик ишлари бугун қишлоқлар қиёфасини замонавий архитектура асосида тубдан ўзгартиришга хизмат қиляпти. Хусусан, 2009-2016 йилларда қишлоқ жойларда 69.557 та намунавий уй-жой бунёд этилди. Натижада 83,5 мингдан ортиқ оиланинг яшаш шароити яхшиланди.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги қарори мазкур йўналишдаги кенг кўламли ислохотларнинг манتيқий давоми бўлиб, қишлоқ қурилишида янги босқични бошлаб берди. Айни пайтда қишлоқ аҳолисининг замонавий ва арзон уйларга ўсиб бораётган эҳтиёжларидан келиб чиқиб, имтиёзли кредит беришнинг юқори даражадаги шартлари жорий этилди. Шунингдек, энергияни тежайдиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг янги турларидан фойдаланишнинг янада кенгайтирилиши барпо этилаётган уйларнинг таннархи пасайиши ҳамда аҳолининг барча катламлари учун мақбул нархлар белгиланишига хизмат қилди.

Қарорга кўра, қишлоқ жойларда мавжуд намунавий лойиҳаларга кўшимча равишда хўжалик иморатлари ва обод ҳовлилари бўлган икки, уч қаватли кўп квартирали (2,3 хонали) ҳамда аҳоли зич жойлашган туманларда ҳовлидаги иморатлари билан биргаликда майдони 0,02 гектар бўлган ер участкаларида жойлаштириладиган 1 қаватли 2 ва 3 хонали, шу билан бирга, майдони 0,04 гектар бўлган ер участкаларида жойлаштириладиган 2 қаватли 4 хонали бирлаштирилган арзон уйларнинг янги намуналари жорий этилди. 2017 йилдан бошлаб мамлакат пойтахти ва вилоятларда уй-жойга эга бўлмаганлар, ҳарбий хизматчилар, ёш олимлар ва ички ишлар ходимлари учун арзон тураржойлар қурилиб, эгаларига топширилмоқда.

- *Скрининг* (инг.-саралаш) – махсус усуллар ёрдамида касалликни эрта ва тез аниқлаш учун аҳолини оммавий текширишдан ўтказиш.
- *Инфратузулма* – Ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи ва жамият ҳаёти учун зарур бўлган меъёрий шароитни таъминлашга хизмат қиладиган турли-туман ёрдамчи хизмат кўрсатувчи соҳалар мажмуи.

Ўзбекистонда этник ва конфессиялараро муносабатлар. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик

Миллатлараро тотувлик ғояси ер юзида яшаётган барча этник гуруҳларнинг тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик асосида тинч-тотув яшаш ғоясидир. Миллатлараро тотувлик ғояси миллатпарварлик ғоясидир. У барча миллат ва элатларни тили, урф-одати, анъаналари, байрамлари ривожланишини талаб этади. Миллатчилиқ, фашизм, миллий ва этник кўринишдаги урушларга қарши турадиган ягона маърифий ғоядир.

Айниқса, бугун неофашизм бош кўтараётган, цивилизациялараро тўқнашувлар содир бўлаётган шароитда миллатлараро тотувлик гоёси долзарб ахамият касб этади.

Ўзбекистон Конституциясининг 8-моддасида “Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”, деган қоида белгилаб қўйилган. Бугун Ўзбекистонда 138 та *миллий-маданий марказлар* миллатлараро тотувлик гоёсини ҳаётга тадбиқ этмоқда. Русларнинг “Масленница”, татар-бошқирдларининг “Сабантўй”, уйгурларнинг “Сайил” байрамлари, хитойларнинг “Чунузе” янги йили, корейсларнинг “Соллер” ва “Овол – тано” байрамлари нишонланмоқда. Ҳар йили республика миқёсида “Биз ягона оила фарзандларимиз”, “Ватан ягонадир, Ватан биттадир”, “Ўзбекистон умумий уйимиз” шиори остидаги фестиваллар ўтказилмоқда.

Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар. Ўзбекистонда ўз маданияти ва ўз анъаналарига эга бўлган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Улар ҳам мамлакатнинг барча фуқаролари катори бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Ўзбекистон Конституциясининг 4-моддасида кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади. Ўзбекистон аҳолисининг 80 % ини ўзбек, 4,9 % ини тожик, 3,8 % ини рус, 3,6 % ини қozoқ ва 7,7 % ини бошқа турли миллатларга мансуб кишилар ташкил этади.

Кўпмиллатли мамлакат сиёсатининг асосий мақсади миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни шакллантириш бўлиши зарур. Мустақилликнинг илк кунлариданок миллий сиёсатнинг ўзига хос йўли ишлаб чиқилдики, айти шу сиёсат миллий бағрикенгликнинг барқарор ривожланишига замин яратди. Ўзбекистонда яшовчи турли миллат вакиллари миллий маданий эҳтиёжларини қондириш учун *Миллий-маданий марказлари* (МММ) фаолият юритади. Дастлабки миллий-маданий марказлар корейслар, қozoқлар, яҳудийлар, арманлар томонидан республика вилоятларида 1989 йилда ташкил этилган. Бу марказларнинг чинакам ривожланиши Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин бошланди. Бу даврда уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун кенг имкониятлар яратилди. Натижада уларнинг сони ортиб борди. Агар 1992 йилда 10 та миллий-маданий марказлар иш олиб борган бўлса, ҳозир мамлакатда 138 та миллий-маданият марказлари фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда яшовчи турли миллат вакиллари республика ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш миллий-маданий марказлар фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Шунингдек, хорижий мамлакатлардаги турдош ташкилотлар ҳамда тарихий ватанлари билан дўстлик, ҳамкорлик, маданий-маърифий алоқалар ўрнатиш ва ҳамдўстлик алоқаларини ривожлантириш, Республика Байналмилал маданият маркази, турли давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда ижодий уюшмалар билан ҳамкорликда мамлакатда фуқаролар ҳамжиҳатлиги ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш миллий маданият марказларининг асосий вазифаларидир. 1992 йил ташкил этилган Республика

Байналмилал маданият маркази эса ушбу миллий маданият марказлар фаолиятини мувофиқлаштириб уларга ташкилий ва услубий ёрдам кўрсатиб келди.

Байналминал марказ томонидан ҳар йили 2 марта тил байрами ўтказилиб келинди. Булар – ЮНЕСКО Бош конференцияси 30-сессиясида (1999) 21 феврал – Халқаро она тили куни деб эълон қилинган ва 2000 йилдан 195 та аъзо давлатларда нишонланиб келинаётган “Халқаро она тили куни” ҳамда Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун ҳисобланади. Айни муносабат билан ҳар йили анъанавий тарзда ўзбек тили бўйича нотиклик санъати танлови ташкил этиб келинади.

Ўзбекистон – бағрикенг диёр. Тарихдан маълумки, ўзбек халқи бошидан кечирган огир қатагон йиллари ва иккинчи жаҳон уруши йиллари кўп ситамларга юзма-юз бўлган корейслар, немислар, турклар, поляклар, греклар, крим-татар ва бошқа миллат вакиллари Ўзбекистонни Ватан тутдилар. Уларнинг ҳозирги авлодлари учун эса Ўзбекистон она Ватанга айланди. Чунки, улар шу ерда тугилиб, камолга етдилар, ҳаётда ўз ўринларини топдилар.

Бугунги кунда ҳам халқлар ва динлар орасидаги бағрикенглик – толерантлик гоёси дунёда энг долзарб муаммолардан биридир. Шу муносабат билан, ЮНЕСКО 1995 йил Парижда “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”ни қабул қилди. БМТ эса ҳар йилнинг 16 ноябрини “Халқаро бағрикенглик куни” деб эълон қилди. Ўзбекистонда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланадиган “Мустақиллик” ва “Наврўз” байрамлари, 8 декабр -

Конституция қабул қилинган кун, 8 март – Хотин-қизлар куни, 9 май – Хотира ва кадрлаш куни каби байрам тадбирларида турли миллат ва элат вакиллари ҳам фаол қатнашдилар.

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан Шарқ маънавиятига таяниб яшаш, ҳамжихатликка интилиш, ҳар томонлама баркамол олий кадрият даражасига кўтарилган. Миллатидан, ирқи, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъий назар, ягона ўлчов – инсонни инсонлиги учун улуглаш бош мезон қилиб олинган. Республикадаги барча олий ўқув юртларида турли миллатга мансуб талабалар таҳсил олади. Дунёнинг камдан-кам мамлакатларида кузатиладиган яна бир ҳолат шуки, Ўзбекистонда таълим 7 тилда олиб борилади. Булар сирасига ўзбек ва қорақалпоқ тилларидан ташқари рус, қозоқ, туркман, тожик ва қирғиз тилларини киритиш мумкин. Телерадио кўрсатув ва эшиттиришлар 12 тилда эфирга узатилмоқда, газета ва журналлар 10 дан ортиқ тилларда чоп этилмоқда. Бу Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Миллатлараро муносабатларда янги давр. Республикада яшовчи 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари учун Ўзбекистон Конституцияси миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда миллатлараро тотувликни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда тинчликни янада мустахкамлаш, миллатлараро барқарорликни юксалтириш мақсадида 2017 йил 19 майда Ўзбекистон Президентининг “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ, Байналмилал маданият маркази негизида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари *қўмитаси* ташкил этилди. Бу эса, ўз навбатида мамлакатимизда фаолият юритаётган миллий маданий марказлар ҳамда дўстлик жамиятларини кўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали фаолият юритишида давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтиришда таянч бўлади. 2017 йилда “Бобур” боғига “Дўстлик” боғи номи берилиб, боғнинг марказига Иккинчи жаҳон уруши йилларида турли миллатга мансуб етим болаларни асраб олган машҳур Шомахмудовлар оиласи ҳайкали кўчириб келтирилди. 2018 йилда мазкур ҳайкал “Халқлар дўстлиги майдони”га қайтарилди.

- *Байналмилал* (араб.- миллатлар ўртасидаги, миллатлараро) – Халқаро, умуминсоний, умумхалқий мазмунларида кўлланилади.
- *Менталитет* (немс.- ақл, идрок) – Жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси. Жамият, миллат ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русмлари, урф-одатлари, диний эътиқод ва ирмларини камраб олади.

Ўзбекистонда конфессиялараро муносабатлар

Динлараро бағрикенгликнинг шаклланиши. СССР даврида Ўзбекистонда 89 та масжид, 2 та мадраса бўлган. 2017 йилга қадар эса 2033 та масжид, Ислом университети, Ислом институти, 16 та диний конфессиялар фаолият юритиб келди. Ўзбекистон аҳолисининг 88 % ислом динига, 10 % дан зиёди бошқа динларга эътиқод қилади, 1,8 % ҳеч қайси динга эътиқод қилмайди. Рамазон ҳайити, Қурбон Ҳайити республика миқёсида нишонланяпти, диний журнал ва газеталар нашр этилиб, телевидение ва радиода диний мавзуларда махсус кўрсатув ва эшиттиришлар олиб бориляпти. Ўзбекистонда дин давлатдан, сиёсатдан ажратилган, аммо халқдан ажратилган эмас. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Дин ишлари бўйича қўмита” диндорлар эҳтиёжларини кондиришга қўмаклашиб келмоқда. 2007 йилда Ислом Ҳамкорлиги ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалар бўйича тузилмаси – АЙСЕСКО томонидан “*Тошкент – Ислом маданияти пойтахти*” деб эълон қилинди. Бу Ўзбекистон давлатини динга бўлган муносабатининг натижасидир.

Аҳолиси кўп миллатли бўлган Ўзбекистонда исломдан ташқари христианлик, яҳудийлик, буддавийлик ва бошқа конфессияларга эътиқод қилувчи кишилар ҳам бор. Кўп миллатли ва кўп конфессияли мамлакатда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик соҳасида олиб борилаётган изчил давлат сиёсати турли миллат ҳамда барча диний конфессия вакилларининг эмин-эркин яшашлари учун мустахкам асос яратди. 1991 йил давлатнинг виждон эркинлиги ва динга оид сиёсатини белгилаб берувчи “*Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида*”ги

қонуни қабул қилинди. Унинг қабул қилиниши ислом динига ва бошқа динларга эътиқод қилувчи фуқароларнинг ҳаётида муҳим ўрин эгаллади. Ўзбекистон Конституциясининг 31-моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”, деган қоида белгилаб қўйилган.

1992 йил Ўзбекистон Президентининг фармонида биноан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “*Дин ишлари бўйича қўмита*” ташкил этилди. Қўмита таркибида диний конфессиялар билан ишлаш учун махсус ташкил этилган шўба иш бошлаганидан сўнг, республика ҳудудида жойлашган ва диний фаолият юритаётган барча ташкилотлар ҳақида маълумотлар маълумотлар тўплана бошланди. 1998 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг *янги таҳрири* қабул қилинди. Мазкур қонунда фуқароларнинг виждон ва эътиқод эркинлиги билан боғлиқ ҳуқуқ ҳамда бурчлари аниқ-равшан белгилаб қўйилди. Ушбу қонунга мувофиқ, “Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Бу қонуннинг бузулишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар”.

Ўзбекистон каби кўп конфессияли давлатда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва тараққиётни таъминлашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Зеро, диний бағрикенглик мамлакатда қурилаётган демократик жамиятнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб, 16 диний конфессия ўзаро тотувликда фаолият кўрсатмоқда.

Диний бағрикенглик тамойиллари. Ўзбекистонда қарор топган диний бағрикенглик қуйидаги омиллар билан белгиланади:

Биринчидан, республикада истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари ҳамда турли турли диний конфессиялар фаолиятида ўзаро ҳурмат, сабр-тоқат, бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришда амалий ишлар олиб борилмоқда.

Иккинчидан, миллий ва диний бағрикенглик ўзбек маданияти ҳамда менталитетининг ажралмас қисмидир. Ўзбекистонда диний бағрикенглик борасида олиб борилаётган сиёсат демократик ўзгаришларни ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётни тезлаштиришга, бошқа миллатлар, динлар ва маданиятларга ҳурматсизлик ҳолларидан, экстремизм шаклларидан холи ҳақиқий демократик жамиятни қуриш омилиги айланишига, жамиятда миллатлараро ва динлараро аҳилликнинг сақланишига имкон тугдирмоқда.

Учинчидан, миллатлараро ва конфессиялараро муносабатлардаги уйғунлик халқларнинг маънавий бойлиги манбайи ҳисобланади ва давлатларнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Турли маданият ва дин вакиллари ўртасидаги мулоқотлар келишув ва ўзаро ишончга эришиш йўллари билан бири саналади.

Тўртинчидан, мутахассислар фикрича, бир-биридан фарқ қиладиган 2 хил бағрикенглик тушунчаси мавжуд: *формал* – ташқи кўринишдаги

бағрикенглик ва *ички* – позитив бағрикенглик. Формал равишдагиси бошқа кишининг диний эътиқодига нисбатан тоқатлиликни, унга қарши киришмасликни англатса, *ички* – ижобийси эса бошқа динларни яхши билишни ҳам тақозо этади. Ўзбекистонда ҳар иккала кўринишдаги бағрикенглик амалда ўзининг тўлиқ ифодасини топган.

Турли дин вакилларига муносабат. Илмий манбалар ўлкамизда қадим замонлардан оқ зардуштийлик, буддавийлик, яхудийлик, насронийлик каби мураккаб идеологик тизимга эга динлар тинч-тотув фаолият олиб борганликларидан далолат беради. Бундай ҳолатни ҳозирги Ўзбекистондаги ислом, христиан, яхудий динлари ва бошқа конфессияларнинг ўзаро муносабатлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган ноисломик конфессиялари турли эътиқодда бўлган фуқаролар ўртасида тотувлик ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда муайян мавқега эга. Айтиш пайтда Ўзбекистонда *ислом* дини билан бир қаторда: *православлар, баптистлар, яхудийлар, адвентистлар, католиклар, лютеранлар, кришнаитлар, буддистлар, пятидесятниклар, Иегова худоси шоҳидлари, янги ҳаворийлар, христиан-пресвитерианлар* сингари бир қанча дин ва мазҳаблар мавжуд. Улардан ҳар бирининг ўзига хос мафқураси, талаб эҳтиёжлари мавжуд.

Ўрта Осиёдаги мусулмон ва бошқа конфессияларга мансублар ўртасидаги муносабатлар ҳам сиёсий, ҳам маиший даражада икки асосий хусусиятга асосланган, булар ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликдир. Бу муносабат ҳар хил динлар вакилларининг мураккаб тарихий жараёнлар синовларини мардонавор енгиб ўтишлари натижасида шаклланган. Мамлакатда тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик бўлишидан барча дин вакиллари манфаатдор бўлиб, баъзи конфессиялар вакиллари Ўзбекистонда ва хорижда ташкил этилаётган маънавий ва маърифий тадбирлардаги маърузаларида республикада диний бағрикенглик ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашларини билдирмоқдалар. Бундай муносабат давлат томонидан ҳам тақдирланмоқда. Митрополит Владимирнинг “Дўстлик” ордени билан мукофотлангани бунинг ёрқин далилидир.

Республикада диний бағрикенглик ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда конфессияларнинг ҳам ўрни бор: 1) улар ўз фаолиятлари давомида аҳолида диний бағрикенглик маданиятини камол топтириш йўлида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиб келадилар. 2) мамлакатда динлараро тотувликни қўллаб-қувватлаш ҳамда турли низо ва мураккабликларни келтириб чиқарувчи миссионерлик каби хатти-ҳаракатларга қарши амалга оширилаётган тадбирларда фаол қатнашадилар.

Ислом дини ва диний таълимга эътибор. Ўзбекистонда 16 та диний конфессияга мансуб 2238 та диний ташкилот – Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, 9 та ўрта махсус ислом билим юрти, православ ва протестант семинариялари фаолият олиб бормоқда. Уларда талабалар диний илмлар билан бир қаторда дунёвий илмларни олиш имкониятига ҳам эга. 1999 йилда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримовнинг ташаббуси билан Марказий Осиёда ягона бўлган Тошкент ислом университетига асос солинди. Тошкентда 2013 йил қурилиши бошланган Минор масжиди 2014

йилнинг 1 октябрида, катта Қурбон хайити байрамида очилди. Масжид биноси анъанавий шарк ва ўзбек услубида қурилган 2 минораси ва осмон ранг 1 гумбаз бор. Масжид 2400 дан ортиқ одамлар одамлар учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида шундай деган эди: “Бугунги сессия иштирокчиларига БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилмоқчиман”. Президент Ш.Мирзиёевнинг бу нутқи нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиё ва бутун дунёда ҳамжиҳатликка эришиш, динлараро тотувлик, тинчликни сақлаш йўлида муҳим дастуриламал бўлаётганини, бу жиҳатлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ўз аксини топганини эътироф этди.

Президентнинг 2017 йил 27 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Самарқандда илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди. унинг таркибида ҳадисшунослик олий мактаби, ҳадис, калом ва кироат илмини ўрганишга мўлжалланган хоналар, кўлёмалар кутубхонаси, музей ташкил этилди. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Тошкентда Ислом маданияти маркази ҳамда Президентининг 2017 йил 15 декабрдаги фармони асосида Ўзбекистон Ислом Академияси ташкил этилди.

- *Конфессия* (лот.- тан олиш, эътироф этиш) – Диний ишонч, эътиқод; шу билан бирга мазҳаб мазмунига эга тушунча.
- *Толерантлик* (лот.- сабр-тоқат, чидам, бардош) – Ўзгаларнинг фикр-гоялари, эътиқоди, ҳис-туйғулари, турмуш тарзи ва хулқ-атвориغا нисбатан сабр-тоқатли бўлиш, бепарво қараш; бағрикенглик.
- *Семинария* – 1) Бошланғич мактаб ўқитувчилари тайёрлайдиган махсус ўқув юрти; 2) христиан черковлари учун руҳонийлар тайёрлайдиган ўқув юрти.

4-§. Ўзбекистоннинг маънавий ва маданий тараққиёти.

Таълим тизими ислохатлари ва кадрлар тайёрлаш

Мустақилликнинг илк йилларида таълим тизими. Маданий-маънавий ривожланишнинг энг муҳим пойдевори - таълим тизимидир. Чунки, замон талабларига жавоб берадиган, илгор фан-техника, технология ютуқларини эгаллаб олган кадрларни етиштирмасдан жамиятни юксалтириб бўлмайди. Ўзбекистонда 1992 йил 2 июлда “Таълим тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. бу дастуриламал ҳужжатда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, таълим тизими, унинг бошқарув таркиби, педагог ходимларнинг бурч ва масъулиятлари аниқ белгилаб берилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида 10 мингдан ортиқ халқ таълими ходимларига давлат уйлари, 22 мингдан ортиқ ходимга эса ташкилот ва муассаса тасарруфидаги уйлар бепул хусусийлаштириб берилди. 50 мингдан ортиқ педагог ходимга шахсий қурилиш учун ер майдонлари ажратилди. Қишлоқларда истиқомат қиладиган педагог ходимларнинг ҳаммаси коммунал хизмат учун тўловлардан озод этилди, шаҳарликлар унинг 50 %и миқдорида тўлаб бордилар. Кейинчалик коммунал хизмат бўйича бу имтиёзлар ойлик маошларига қўшиб бериладиган компенсация билан алмаштирилди.

Умумий таълим 1992 йилдаги қонунга мувофиқ 3 босқичда амалга оширила бошланди: *I босқич* - бошланғич таълим (1-4 синф); *II босқич* – асосий (таянч) мактаб (4-9 синф); *III босқич* – юқори ўрта мактаб (10-11 синф).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил декабрдаги қарори билан 1-октябр – “Ўқитувчилар ва мураббийлар кuni” деб белгиланди, бу кун байрам сифатида дам олиш кuni деб эълон қилинди. 1997 йилдан бошлаб ҳар йили 1 октябр “Ўқитувчилар ва мураббийлар кuni” сифатида нишонланиб келинмоқда. Ўзбекистонда барча жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга мансублиги, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойидан қатъий назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар қафолатланди.

**Халқ таълими
вазирлиги**

ОТМ (5)	Вил ХТБ	Малака ошириш институтлари
Мактабгача таълим муассасалари	Тум ХТБ	Умумий таълим мактаблари
	Шаҳар ХТБ	
	Мактабдан ташқари таълим муассасалари	

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистонда таълим соҳасидаги давлат сиёсати 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ўз аксини топди. 1996-1997-ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг 1-синфларида ўқиш *янги алифбода* олиб борилди. Янги имло, алифбода ўқитиш учун зарур дастур, қўлланма ва дарсликлар яратилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури 3 босқичдаги ислохотлар асосида амалга оширилди. *I босқич* – 1997-2001 йилларда дастурини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий-меъёрий, илмий-методик, молиявий-моддий

шарт-шароитлар яратилди. Бунинг учун давлат томонидан кўшимча равишда 65 миллиард сўм маблаг сарф қилинди. *II босқич* – 2001-2005 йилларни ўз ичига олиб, миллий дастур кенг миқёсда жорий этилди. *III босқич* – 2005 йилдан бугунги кунгача. Бу боқичда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури натижасида эришилган натижалар, тўпланган тажрибалар умумлаштирилиб, шу асосда юртимизда таълим тизими такомиллаштирилиб борилди. 2009 йилдан бошлаб, юртимизда тўлиқ 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди.

*Таълим тизими Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни асосида: мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим шакллари*дан иборат.

“Таълим тўғрисида”ги қонуни асосидаги таълим шакллари:

Олий таълим			
Ўрта махсус касб-хунар таълими	ЎЗР таълим турлари		Олий таълимдан кейинги таълим
Умумий ўрта таълим	Мактабгача таълим	Мактабдан ташқари таълим	Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш

9 йиллик умумий ўрта таълим саводхонлик асосларини, умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган. Болалар 1-синфга 6-7 ёшдан қабул қилинади. Умумий ўрта таълим керакли билимлар ҳажмига асос солади, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилиятлари ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки касбий йўналиш ва навбатдаги таълим босқичини танлашга замин яратади. Президентнинг 2004 йилдаги фармони асосида *2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури* қабул қилинди. дастур доирасида янги мактаблар қурилди, бошқалари капитал таъмирланди; аниқ ва табиий фанлардан ўқув лабораториялар зарур ускуналар билан жиҳозланди.

Умумий ўрта, умуман таълимнинг барча босқичларида янги ўқув дастурлари, давлат таълим стандартлари яратилди. Мактаб дарсликлари тамомила янгиланди ҳамда фан ва амалиёт ютуқлари билан бойитиш бўйича такомиллаштириб борилди. Мултимедиа ўқув адабиётлари ҳам яратиш йўлига кўйилди. Республикада 10 мингга яқин мактаблар ишлаб турибди. Уларнинг моддий-техник таъминоти ҳам давлат ҳисобидан амалга оширилди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимининг ташкил этилиши. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни асосида умумий ўрта таълимнинг 9 йиллик этиб белгиланиши билан 9 йиллик

мактабни тугатган барча ўқувчилар таълим олишни ўрта махсус ёки касб-хунар коллежларида давом эттирадilar. Бу янги таълим тизимига босқичма-босқич ўтилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури *I-босқичи* (1997-2001) доирасида амалга оширилди. Шу даврда 300 га яқин янги турдаги таълим муассасалари очилди. Олий ўқув юртлари қошида 46 та лицей ташкил этилди, 800 га яқин ўқувчи чет элларда таълим олди.

Ўрта махсус таълим соҳасида вилоятларда, жойларда бизнес мактаби, кичик ва ўрта мактаб учун касб-хунар курсларининг очилиши, бозор иктисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, янги мутахассислик (фермер, солиқ ва божхона ходими, аудит ва хоказо)лар киритилди. Унга биноан юртимизда 1997 йилдан бошлаб ҳозирга қадар 1400 дан ортиқ касб-хунар коллежи, 200 га яқин академик лицей бунёд этилди. улар соҳалар бўйича мутасадди ташкилотлар ва олий таълим муассасаларига ҳам бириктирилиши туфайли бу босқичда ўқув жараёни самарали ташкил этилиб, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашига эътибор қаратилганига қарамай, бу борада қоникарли натижага эришилмади.

Ўзбекистонда 1998-2016 йилларда бунёд этилган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари:

Академик лицей – 143 та;

Касб-хунар коллежи – 1412 та;

Касб-хунар коллежининг филиаллари – 28 та.

2017 йилги ислохотлар. 2017 йил умумтаълим ва ўрта махсус касб-хунар таълим тизимида туб ислохотлар йили бўлди. Халқ қабулхоналари ва Президентнинг виртуал қабулхонасига тушган таклиф ва мулоҳазалар, шунингдек, республика мактабларидаги битирувчиларнинг ота-оналари ўртасида ўтказилган сўравнома натижаларидан келиб чиқиб, Президент Ш.Мирзиёев ташаббуси билан 9+3, яъни 12 йиллик мажбурий таълимдан 11 йиллик таълимга қайтилди. 11 йиллик таълимга ўтиш бўйича сўравнома натижаси ота-оналарнинг 70 % идан ортиқ қисми 11 йиллик таълим қайта ташкил этилиши тарафдори эканини кўрсатди. 2017 йилда 10-синф ўқувчилари учун 9 млн. нусха дарсликлар чоп этилди ва 10 мингга яқин умумтаълим мактабларида 11 йиллик таълимга ўтилган ҳолда ўқитиш тизими йўлга қўйилди.

“*Мактабгача таълим тизими*” узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўгинидир. “Мактабгача таълим” 6-7 ёшгача оилада, болалар богчасида ва бошқа таълим муассасаларида олиб борилади. Мутахассисларнинг илмий хулосаларига кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва маълумотнинг 70 % ини 5 ёшгача бўлган даврда олади. Шу боис, болаларнинг соғлом ва билимли, етук кадрлар бўлиб вояга етишида богча тарбияси жуда муҳим ўоин тутади.

Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим муассасалари тармогини

кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида Президент Ш.Мирзиёев 2017 йил 30 сентябрда “Мақтабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонни имзолади. Унга кўра, *Мақтабгача таълим вазирлиги* ташкил этилди. Янги вазирлик тизимига: Қорақалпоғистон таълим вазирлиги, Тошкент шаҳри мақтабгача таълим бош бошқармаси, вилоятларнинг мақтабгача таълим бошқармалари ва уларнинг шаҳар ва туманлардаги бўлимлари киради. 2017 йилга келиб Ўзбекистонда 4916 та мақтабгача таълим муассасалари фаолият юритмоқда. Охириги 20 йил давомида богчалар сони 45 % га камайган. Шу билан бирга богчага бораётган болалар, умумий болалар сонининг 30 %ни ташкил қилади.

Олий таълим ва ундан кейинги таълимнинг такомиллаштирилиши

Олий таълим тизими. 1992 йил мартда вилоятлардаги педагогика институтлари негизида Андижон Давлат университети, Бухоро Давлат университети, Термиз Давлат университети, Урганч Давлат университети, Қарши Давлат университети ташкил қилинди. Президентнинг 1992 йил февралдаги фармони билан яна 8 та вилоят педагогика институтларига университет мақоми берилди. Энг замонавий ихтисосликлар бўйича алоҳида университет ва институтлар, жумладан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Навоий кон-металлургия институти, Мудофаа вазирлиги қошида Ҳарбий академия, Ички ишлар вазирлиги қошида Ички ишлар академияси, Банк-молия академияси каби ўнлаб янги олий ўқув юртлари ташкил этилди. тошкент давлат электротехника ва алоқа техникуми институтга айлантирилди.

1993 йил “Ўзбекистонда ўқувчи-ёшларни рағбатлантириш чоралари тўғрисида”ги талаба ва аспирантлар учун махсус стипендиялар белгиланди. Мамлакат кишлок хўжалиги учун зарур бўлган ва замонавий билимлар соҳиби бўлган юқори малакали олий ва ўрта махсус таълим олган мутахассис кадрларни Тошкент Давлат Аграр университети, Андижон, Самарқанд Қишлоқ хўжалиги, Қарши Муҳандислик иқтисодиёт, Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти иш бошлади. Вилоятларда олий универсал таълимни жорий этишда ривожланган давлатлар тажрибасига суяниб иш тутилди.

1992 йил дастлаб республиканинг 6 та олий таълим муассасасида тест синовлари асосида ўқишга қабул қилиш тажрибадан ўтказилган эди. 1993 йилда эса 46 та олий таълим муассасаларининг 19 тасида тажриба тариқасида тест синовлари ўтказилди. 1994 йил Давлат тест маркази ташкил этилиб, олий таълим муассасаларида тест орқали қабул жорий этилди. 1997 йилдаги “Таълим тўғрисида”ги қонунга мувофиқ 5 йиллик олий таълимдан 4 йиллик бакалавриат ва 2 йиллик магистратура босқичларидан иборат 2 погонали тизимга ўтилди. Шунингдек, Президентнинг 2013 йилдаги “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига

мувофиқ юридик институт университет мақомида қайта ташкил этилди, 2014 йилдаги қарори асосида Тошкент давлат стоматология институти таъсис қилинди.

Малака ошириш тизими ҳам тубдан ислоҳ қилинди. Халқ ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари қаторида олий таълим, тармоқ соҳаларида кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишлари тамомила янги босқичга кўтарилди. Президентнинг 2015 йилдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони асосан 15 етакчи олий таълим муассасалари – таянч олий ўқув юртлари сифатида белгиланди. Ўзбекистонда 2017 йилга келиб 80 дан ортиқ олий ўқув юрти, жумладан 19 та университет, 37 та институтлар, 6 та академия, 1 та консерватория, 1 та ракс ва хореография олий мактаби, 13 та ОТМлар филиаллари, 6 та хорижий давлатлар ОТМларининг филиаллари (2019 йилда жами 111 та ОТМлар, шундан 91 та маҳаллий ОТМ ва уларнинг филиаллари ҳамда 20 та хорижий давлатлар ОТМларининг филиаллари) фаолият кўрсатмоқда.

Олий таълимда халқаро ҳамкорлик. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистонда қисқа муддатларда дунёнинг етакчи давлатларида таълим соҳасида эришилган илгор ютуқларни, миллий анъаналарни ўз ичига олган принцип жиҳатидан янги модели ташкил қилинди. мустақиллик йилларида олий таълим тизимида олиб борилган изчил ислохотлар натижасида мамлакатимизда бир қатор чет эл университетларининг филиаллари очилди. Жумладан, Буюк Британиянинг Халқаро Вестминстер университети, Тошкент шаҳрида М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, И.М.Губкин номидаги Россия нефт ва газ давлат университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Италиянинг Турин политехника университети филиаллари иш бошлади. Шунингдек, Тошкентда Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси ва Жанубий Кореянинг ИНХА университети филиаллари ҳам очилди.

Ўзбекистон ва хориждаги ўқув масканларида юзлаб иқтидорли ёшлар таълим олмоқда ва ўз малакасини оширмоқда. Бунда хорижий таълим муассасалари билан икки томонлама тажриба алмашиш йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси таълим даражаси бўйича дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторига чиқди. Ёшларни жаҳон фани ва билимларидан баҳраманд қилишга катта эътибор берилмоқда. Республика ўқув юртларининг чет эллардаги ўқув марказлари билан алоқалари мустаҳкамланди. Чет эллик ўқитувчилар ва мутахассисларни хорижий тилда машгулот олиб бориш учун таклиф қилиш, шунингдек, чет эл ўқув ва илмий марказларида ходимларнинг малака ошириши ва талабаларнинг ўқиши кенгайтирилди. Айни вақтда жаҳоннинг кўплаб мамлакатидан келган хорижий фуқаролар Ўзбекистонда таълим олмоқда.

Хорижий университетларнинг Тошкентдаги филиаллари

Вестминстер университети	М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети филиали	И.М.Губкин номидаги Россия нефт ва газ давлат университети филиали	Сингапур менежментни ривожлантириш институти филиали	Турин политехника университети филиали	Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси филиали	Жанубий Кореянинг ИНХА университети филиали
2002	2006	2007	2008	2009	2009	2014
Иқтисодиёт ва бизнес	Математика ва психология	Нефт ва газ	Менежмент	Техника ва технологиялар	Иқтисодиёт	Ахборот технологиялари

2017 йилги туб ислохотлар. 2017 йил 10 йилдан ортиқ вақт мобайнидаги танаффусдан кейин, давлат ва жамиятдаги малакали кадрларга бўлган эҳтиёжлар инобатга олиниб, Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан сиртки таълим тизими тикланди, махсус сиртки таълим такомиллаштирилди. 2017 йил 16 ноябрдаги Ўзбекистон Президентининг “Республика Олий таълим муассасалари бакалавриятига кириш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб алоҳида иқтидор талаб этиладиган маданият, санъат, дизайн, тасвирий ва амалий санъат, муסיкий таълим, санъатшунослик, спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги таълим йўналишларида тест синовлари бўлмайди. Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ва алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналишларига фақат ижодий имтиҳонлар оркали қабул қилиш йўлга қўйилди.

Тиббиётга оид олий таълим тизимида ҳам бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Тиббиёт соҳасида бакалаврият таълим йўналишларида ўқиш муддати 7 йилдан 6 йил ва тиббий профилактика йўналишида 6 йилдан 5 йил этиб белгиланди. Тест синовлари шаффоф ва ҳаққоний ўтишини таъминлаш мақсадида ушбу тизимни такомиллаштириш ҳамда абитуриентлар, ота-оналарга енгилликлар туғдириш мақсадида мавжуд тизимни ислох қилиш талаб этилди. 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб, тест жараёнини 1 кунда эмас, 15 кун давомида ўтказиш, натижасини эса имтиҳоннинг эртасига эълон қилиш вазифалари қўйилган.

Олий таълимдан кейинги таълим. 2012 йилга қадар аспирантура (3 йил) ва доктарантура (3 йил)дан иборат бўлиб, 2012-2017 йилларда 1 босқичли доктарантура фаолият олиб борди. 2013-2017 йиллар оралигида фақат 360 га яқин тадқиқотчи докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Бу

эса республикадаги олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари учун олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни қондира олмади. Олий ўқув юртидан кейинги таълим соҳасини янада такомиллаштириш, илмий-тадқиқот фаолиятида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини намоён этиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида ҳамда бир қатор илгор хорижий мамлакатларнинг халқаро амалиётини ўрганган ҳолда 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб Олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг 2 погонали тизими жорий этилди: 1) диссертация ҳимоя қилиш ва тегишли фан тармоғи бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини беришни назарда тутувчи таянч докторантура; 2) диссертация ҳимоя қилиш ва тегишли фан тармоғи бўйича фан доктори (Doktor of Science) илмий даражасини беришни назарда тутувчи докторантура тизими.

- *Бакалавр* (лот. Баккалауреус) – Олий таълим дастурининг 1-босқичини тугаллаган талабаларнинг илмий даражаси.
- *Магистр* (лот.- бошлиқ, устоз) – айрим мамлакатларда бакалавр ва фан доктори ўртасидаги илмий даража. Таянч олий таълим курсидан сўнг кўшимча дастур бажарган, махсус имтиҳонларни топширган ва муайян илмий ишни ҳимоя қилган шахсларга берилади.

Мустақиллик йилларида илм-фан ва спорт

Мустақилликнинг дастлабки йилларида илм-фан. Янги тарихий шароит илм-фан соҳасини туб ислохот қилишни тақозо қилди. Чунки, долзарб илмий-техник муаммоларнинг ҳал қилиниши республиканинг ривожланишини таъминлар эди. Аввало, Президентнинг 1992 йил мартдаги фармони билан илмий кадрлар тайёрланишини ташкил этувчи ваколатли орган – Олий аттестация комиссияси (ОАК) ташкил этилди. Президентнинг 1992 йил июлдаги “Илм-фанни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантириш тўғрисида”ги фармони асосида республика олимлари хорижий мамлакатларга тажриба оширишга юборилиши йўлга қўйилди. Фанлар академияси таркибида илмий натижаларни ички ва ташқи бозорга олиб чиқиш билан шуғулланувчи *Республика илмий шиланмаларни инновация тижорат маркази* ташкил этилди.

1997 йил Хоразм Маъмун академияси қайта тикланиб, Фанлар академиясининг минтақавий бўлинмаси сифатида ташкил этилди. 2000 йили Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди дунёнинг энг бой қўлёзмалар хазинасидан бири сифатида ЮНЕСКО маданий мероси рўйхатига киритилди. Президентнинг 2006 йил августдаги “Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “*Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси*” ташкил этилди (ҳозир вазирлик). Қўмитага фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, академик ва олий таълим муассасалари фани интеграциялашувига,

илмий соҳадаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашиш каби вазифалар белгилаб қўйилди.

2008 йилдан буён Тошкент инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси ўтказиб келинмоқда. 2008-2015 йиллар давомида ўтказилган I-VIII ярмаркалар доирасида жами 4000 дан ортиқ ишланмалар тақдим этилди. 2008 йилдан буён умумий қиймати 113 млрд. сўмдан ортиқ бўлган 3000 дан зиёд шартномалар тузилди. Ўзбекистон олимлари демократик ва ҳуқуқий жамиятнинг маънавий-маърифий ва маданий ривожланишини тадқиқ қилиш, инновацион иқтисодий шакллантириш, энергетика ва энергия хомашёни тежаш, ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация, кимё, био ва нанотехнологияларни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, тиббиёт, фармакология, геология, геофизика, сейсмология бўйича маълум ютуқларга эришиб келмоқда.

Археология фани соҳасида 2002 йилдан “Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар” йиллик тўпламлари нашр этилиб, уларда республикамиз ҳудудида олиб борилаётган археологик тадқиқотларнинг умумлашма илмий хулосалари бериб борилади. 2010 йилдан эса “Ўзбекистон Археологияси” илмий журнали чоп этила бошланди. Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти томонидан тайёрланган 10 жилдлик “Табиий бирикмалар (Ўсимлик захиралари, тузилиши ва хоссалари)” номли ноёб маълумотнома инглиз тилида Лондонда чоп этилди. мустақилликнинг дастлабки йиллари биргина Фанлар академиясининг илмий маҳсулот экспорти 8,2 мартага кўпайди.

Илм-фан ва таълим интеграцияси. Ўзбекистон фани ва таълими интеграциясини таъминлашда 2012 йилга қадар Фанлар академияси тизимида илмий-ўқув марказлари ташкил этилиши орқали амалга оширилди. 2011 йили Фанлар академиясининг Физика-техника институтида “Қайта тикланадиган энергия манбалари” илмий-ўқув маркази, 2012 йили Иммунология институтида “Биотиббиёт” илмий-таълим инновацион маркази иш бошлади. 2012 йилдан эса Олий таълим тизимида илмий сектор ривожини таъминлаш мақсадида Фанлар академиясининг 5 та илмий тадқиқот институти, 4 та минтақавий илмий марказлар илмий бўлинма тарзида қайта ташкил этилиб, йўналиши ва ихтисосликларига кўра улар тегишли олий таълим муассасаларига ўтказилди. Фанлар академияси тузулмаларини қисқартириш ва академик фан ва таълим интеграциясини кучайтириш мақсадида 2014 йилда 2 та институт ва 1 та бўлинма олий таълим муассасалари қошидаги илмий-тадқиқот марказлари сифатида ташкил этилди.

Ўзбекистон Президентининг 2012 йилдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармониға мувофиқ 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича Олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг 1 босқичли тизими жорий қилинди. Лекин бу тизим мавжуд халқаро илм-фан стандартларига тўла мос келмаганлиги, республикадаги мавжуд илмий салоҳиятнинг тушиб кетганлиги сабабли, 2017 йил февралдан Президент

Ш.Мирзиёев ташаббуси билан халқаро стандартларга мос келувчи, фалсафа доктори ва фан доктори даражаларини берувчи 2 босқичли тизимга ўтилди.

Илм-фандаги туб ислохотлар. 2016-2017 йиллар Ўзбекистон илм-фанида том маънода туб ислохотлар даври бўлди. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев 2016 йил 30 декабрда илк бор мамлакатнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан учрашди. Учрашув натижаларига кўра, Ўзбекистонда илм-фанига эътибор янада кучайиши белгиланди. Президентнинг 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида 9 та илмий-тадқиқот муассасаси Фанлар академияси таркибига қайтарилди, қатор илмий ташкилотлар қайта ташкил этилди. Фанлар академиясининг фан йўналишлари бўйича 3 та бўлими ва Навоий бўлими ташкил этилди. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича *Жамоатчилик кенгаши* фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йилда имзоланган “Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси “*Инновацион ривожланиш вазирлиги*” ташкил этилди. Мазкур вазирликнинг давлат ва жамият қурилишига, иқтисодиёт тармоқларига, қишлоқ хўжалигига, ижтимоий ривожланишга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш тизимига инновацияларни жорий этиш ҳамда илгор технологиялар жорий этилишини ташаббус қилиш, мувофиқлаштириш ва рағбатлантириш соҳасидаги асосий вазифалар белгилаб берилди.

Фанлар академияси ҳақиқий аъзоллигига охириги сайловлар 1995 йилда ўтказилган эди. Ўтган йилларда академикларнинг сони 2 мартадан кўпроққа қисқарди ва 2017 йилга келиб академиянинг атиги 63 нафар ҳақиқий аъзоси қолган эди. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида”ги тарихий фармони билан 22 йиллик танаффусдан сўнг Фанлар академиясининг 32 нафар янги ҳақиқий аъзолари тасдиқланди. Бугунги кунда илмий тадқиқот билан шугулланувчи 400 та муассаса рўйхатга олинган бўлиб, фан соҳасида 36 минг мутахассис, жумладан 2 мингдан ортиқ фан доктори ва 9 мингдан ортиқ фан номзоди фаолият олиб бормоқда. Бугунги кунда тарих фани соҳасида 4 та академик – Аҳмадали Аскарлов, Эдвард Ртвеладзе, Анатолий Сагдуллаев ва Дилором Юсупова фаолият олиб бормоқда.

- Инновация (ингл.-киритилган янгилик, ихтиро) – Илгор технология, бошқариш ва бошқа соҳалардаги янгиликлар ва уларнинг турли соҳаларда қўлланиши.
- Иммунология (юн.-тушунча, таълимот) – Организмнинг кимёвий хусусиятлари, унинг иммунитетини ҳақидаги фан.
- Интеграция (лот.-тиклаш, тўлдириш) – Айрим қисмларнинг, элементларни қўшиб бирлаштиришни ифодаловчи тушунча. Фанларнинг яқинлашиши ва ўзаро боғланиш жараёни.

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши

Жисмоний тарбия ва спортни қўллаб-қувватловчи тизим яратилиши. Мустақиллик йилларида нуфузли халқаро мусобақаларда Ўзбекистон спортчиларининг муваффақиятли иштирок этишларининг энг асосий сабабларидан бири ҳам ушбу соҳанинг давлат томонидан қўллаб-қувватланганидир. 1992 йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” Қонун қабул қилиниши ва унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, 2015 йилда янги таҳрири тасдиқланиши спорт соҳасини янада ривожлантиришга хизмат қилди.

Республикада юқори малакали спортчиларни тайёрлашга ихтисослаштирилган 536 та болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, 5 та олимпия захиралари коллежлари, 8 та республика олий спорт маҳорати мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 10 августда имзолаган “Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрига қўчирилди. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб таълимнинг сиртки бўлими ташкил этилди.

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг моддий-техника базасини ривожлантириш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Тошкент, Наманган, Жиззах, Фаргона, Бухоро, Хорз, Андижон, Самарқанд, Гулистон ва бошқа шаҳарларда халқаро стандартларга жавоб берадиган спорт мажмуалари қурилди. Тошкент шаҳридаги “Юнусобод”, “Жар”, “Бунёдкор, Наманган шаҳрида “Пахлавон”, Жиззах шаҳридаги олимпия захиралари коллежи спорт мажмуаларидир. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил февралдаги фармонида мувофиқ, Ўзбекистонда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тугатилиб, унинг негизида “*Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси*” ташкил этилди.

Уч босқичли спорт ўйинлари. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштиришда алоҳида давр бўлди. Бу борада *Болалар спортини ривожлантириш республика жамғармасининг* ташкил қилиниши, 2000 йилдан бошлаб Олий ўқув юрти талабалари ўртасида “Универсиада”, Ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида “Баркамол авлод”, Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларининг уюштирилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Уч босқичли спорт турнирлари ташкил этилишидан асосий мақсад ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда халқаро муносабатлар учун мамлакат терма жамоасига номзодларни тайёрлашдан иборат. Тизим таркибидаги “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” мусобақалари ҳар 3 йилда ўтказилади.

Хотин-қизлар спортини ривожлантиришда, айниқса бадий гимнастика ва синхрон сузиш турларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланувчи хотин-қизлар, хусусан

махаллий миллат қизларининг сони мунтазам ортиб бормоқда. 1996 йилда 1180 хотин-қизлар спорт билан шугулланган бўлса, 2016 йилга келиб уларнинг сони 3 миллиондан ортди. Мустақиллик йилларида спортнинг халқ орасида оммавийлашуви билан бирга, айрим спорт турларини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилди. Ўзбекча кураш, теннис, шахмат, бокс бўйича Ўзбекистон спорти жаҳон микёсида ўз ўрнига эга бўлди. Теннис бўйича И.Тўлаганова, бокс бўйича Р.Чагаев, А.Ғригорян ва М.Абдуллаевларнинг дунё спорт ареналаридаги ютуқлари Ўзбекистон спортчиларининг дастлабки натижалари эди.

Кураш. Мустақиллик миллий спорт турларининг қайта тикланишига ва уларнинг спорт тури сифатида халқаро микёсда эътироф этилишига имконият яратди. 1992 йилдаёқ Термиз ва Шаҳрисабз шаҳарларида миллий кураш бўйича дастлабки халқаро мусобақа ўтказилди. 1992 йилда Ўзбекистонда Кураш федерацияси, 2001 йилда Белбогли кураш федерацияси тузилди. Тошкентда 1998 йили сентябрда Осиё, Африка ва Европа қитъасидан келган 28 давлат вакиллари иштирокида Халқаро кураш ассоциацияси тузилди.

2000 йилда Туркиянинг Анқара шаҳрида кураш бўйича 2-жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. 2016 йилга келиб жаҳоннинг барча қитъаларида Халқаро кураш Ассоциациясининг 120 дан ортиқ кураш федерациялари ташкил этилди. 2003 йилда Осиё Олимпия кенгашининг Қувайтда ўтган XXII Бош ассамблеясида Ўзбек кураши Осиё ўйинлари дастурига киритилди. Ўзбек кураши жаҳонга юз тутиши билан янада байналмилал хусусият касб этди. Миллий спорт турининг халқаро майдонда кенг тан олинishi ҳам Ўзбекистоннинг халқаро алоқаларини янада кенгайтишига, унинг шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Олимпиада. 1993 йилнинг сентябрида Халқаро Олимпия кўмитасининг 101-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия кўмитаси тўла тан олинди. 1996 йил январда Халқаро Олимпия кўмитасининг қарорига мувофиқ, жаҳон спортини ривожлантиришдаги хизматлари ва олимпия гоёларига садоқати учун Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов Олимпия Олтин ордени билан мукофотланди. Тошкентда 1996 йил августда олимпия шон-шухрати музейи ташкил этилди. 2000-2016 йиллардаги ёзги Олимпия ва Осиё ўйинларида Ўзбекистон спортчилари муваффақият билан иштирок этишди. А.Таймазов, М.Ибрагимов (эркин кураш), А.Докторашвили (юнон-рим кураши), Р.Собиров (дзюдо), Ў.Ҳайдаров, А.Атоев, Б.Султонов (бокс), А.Фокин (спорт гимнастикаси), Е.Хилко (трамплин) каби спортчиларимиз Ўзбекистон спорти шухратининг халқаро майдонда янада ошишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. *А.Таймазов* бир неча карра Олимпия чемпиони унвонига сазовор бўлган ягона спортчи бўлди.

2016 йилги Рио-де-Женеро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпиада Ўзбекистон тарихидаги энг сермахсул мусобақа бўлди. Унда энг кўп медални боксчиларимиз қўлга киритишди. Боксчиларимизнинг 7 нафари Риодан медал билан қайтишди. Улар: Ҳ.Дўстматов, Ш.Зоиров, Ф.Ғойибназаров (олтин), Ш.Ғиёсов, Б.Мелиқўзиев (кумуш), Р.Тўлаганов, М.Аҳмадалиев (бронза). Ушбу натижа Олимпиададаги бокс

мусобакаларидаги энг юкори натижадир. Спортнинг бокс турида медал жамгариш бўйича улар Куба, Қозогистон ва Россиядан ташриф буюрган ракибларини ортда қолдириб, бокс спорт турида биринчиликка эришдилар. Огир атлетикачимиз Р.Нуриддинов Олимпиада *рекордини* қайд этган ҳолда, олтин медал соҳибига айланди.

Футбол. Мустақиллик йилларида спортнинг энг оммавий тури – футболга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон футболининг халқаро нуфузини ошириш мақсадида 1993 йилда “Ўзбекистон Республикаси футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 1996 йилда “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2006 йилда “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Президентининг қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Дунёда Ўзбекистон спортчиларининг салоҳиятини намоён этаётган ўзбек ҳаками *Р.Эрматов* Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, 2003 йилдан ФИФА ҳаками (рефереси) статусини олган. 2008, 2009, 2010, 2011 ва 2014 йилларда 5 марта Осиёнинг энг яхши ҳаками деб эътироф этилди. Халқаро футбол уюшмалари федерацияси уни 2011 йилда “Дунёнинг энг яхши ҳаками” сифатида тан олди. У ўз фаолияти давомида футбол бўйича жаҳон чемпионатлари финал босқичида энг кўп – 9 учрашувни бошқариб (2014 йилга қадар), дунё рекордини ўрнатди. *Р.Эрматов* Президент фармонларига мувофиқ 2010 йили “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони, 2014 йилда “Эл-юрт ҳурмати” ордени, 2015 йилда “Буюк хизматлари учун” ордени ҳамда “Малибу” автомобили билан мукофотланди.

Ўзбекистон футбол терма жамоаси халқаро турнирларда 3 марта бош мукофотни қўлга киритган: 1) 1994 йилги Осиё ўйинларида олимпия терма жамоаси, 2012 йил 17 ёшгача бўлган ўсмирлар Осиё чемпионати голиби, 2018 йилда Хитойда ўтказилган 23 ёшгача бўлган Ўзбекистон терма жамоаси Осиё чемпиони унвонига сазовор бўлди. Президент Ш.Мирзиёевнинг топшириги билан Осиё чемпионатида зафар қучган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси аъзоларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Қитъа чемпионларининг ҳар бирига Президент совғаси – биттадан янги Чевролет Малибу автомобили топширилди.

Ўзбекистонда ёшлар сиёсати

Ёшлар ташкилоти. Ўзбекистон мустақилликка эришгач мамлакат ёшларини бирлаштириш учун “*Ёшлар иттифоқи*” ташкилоти тузилди. Ташкилот ёшларни ўз пленуми ва конференциялари қарорларини бажаришга сафарбар қилишга уриниши, қарорларга ёшларнинг манфаатлари ва эҳтиёжлари тўла ақс этмаганлиги натижасида 1996 йилда “Ёшлар иттифоқи” ташкилоти тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси ёшларининг “*Камолот*” жамғармаси тузилди. “Камолот” жамғармасининг вазифаси ёшларнинг манфаат ва эҳтиёжларини ўрганиш, уларни қондириш юзасидан дастурлар

тузиш ва давлат кўмагида ҳаётга тадбиқ этишдан иборат эди. Бироқ “Камолот” ёшлар жамгармаси бу вазифаларни бажара олмади, ёшларнинг ҳақиқий маънодаги етакчисига айлана олмади, деб топилди.

2001 йил Тошкентда бўлган ёшлар курултойида ўзини ўзи бошқарадиган нодавлат, нотижорат ташкилот – Ўзбекистон Республикаси “Камолот” ёшлар *ижтимоий ҳаракати* тузилди. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг асосий *мақсади* - ёшларни бирлаштириш, жамиятда муносиб ўринни эгаллашга кўмаклашиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-гайратини тўла намоён этиши учун зарур шарт-шароит яратиш бериш, ёш авлоднинг таянчи ва суянчи бўлишдан иборатдир. Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар бўлимлари, таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, ҳуқуқ-тартибот органларида бошланғич ташкилотлари тузилди. Улар 14-28 ёшдаги Ўзбекистон фуқароларини ўз сафларида ихтиёрий равишда бирлаштирган ҳолда фаолият кўрсатди.

2017 йил 30 июнда Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев иштирокида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати (ЁИХ) курултойи бўлиб ўтди. Курултойда “Камолот” ЁИХ ташкилоти тугатилганлиги ва “*Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи*” ташкил этилганлиги эълон қилинди. Ёшларнинг муаммолари ҳамда ташаббуслари Ўзбекистон Президентининг тўғридан-тўғри эътиборида бўлишини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи” раиси бир пайтнинг ўзида Президентининг Давлат маслаҳатчиси лавозимида бўлиши ҳам белгилаб кўйилди.

- 1996 йилда “Камолот” ёшлар жамгармаси тузилди. 2001 йил бу жамгарма “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати (ЁИХ) га айлантирилди. 2017 йил “Камолот” ЁИХ тугатилиб, “Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи” ташкил этилди.

Ёшларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши. Ўзбекистон аҳолисининг 60 % дан ортигини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки даврданоқ ёш авлод таълим-тарбияси, саломатлигига катта эътибор бериб келинмоқда. Бу долзарб масала давлат сиёсатининг энг муҳим устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, таълим соҳасидаги жаҳон андозаларига мос ислохотлар, аҳоли саломатлигини сақлашга қаратилган ишларнинг замирида ҳам ана шундай муштарак мақсадлар мужассам. 1991 йил ноябрда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. 1997 йил Ўзбекистон Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элларга ўқишини қўллаб-қувватлаш бўйича “Умид” жамгармасини ташкил этиш тўғрисида фармони эълон қилинди.

Ўзбекистон Президентининг 2014 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши Ўзбекистонда юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу қарор илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва

қобилиятли ёшларни, жумладан қизларни интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун янада кенг шароитлар яратишга қаратилган.

Мустақиллик йилларида ёш иқтидорли қизларнинг адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим йўналишларида ўз истеъдодини, салоҳият ва қобилиятларини намоён этишларига имконият яратиб берган Ўзбекистон Президентининг 1999 йилда қабул қилинган “Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони жамият ҳаётида етук мутахассислар, етакчи ва иқтидорли қизларнинг шаклланишига замин яратди. 2017 йилга келиб 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган қизлардан иборат “Зулфия” мукофоти совриндорларининг сони 200 дан ошди. 80 нафарга яқин хотин-қизларнинг мумтоз қўшиқчилик, академик ижро, эстрада, опера, балет, чолгу ижрочилиги, анъанавий ижрочилик, ракс йўналишларида “Нихол” мукофоти билан тақдирланди.

Ҳарбий хизматнинг ёшлар учун мустаҳкам ҳаётий принциплар, ҳарбий хизматни тугатаётган ёшларни рағбатлантиришнинг аҳамиятини, уларнинг ўқишни давом эттириши ва мамлакат олий ўқув юртиларига ўқишга кириши учун имтиёз ва шароитлар яратишни эътиборга олиб, 2005 йилда эълон қилинган Ўзбекистон Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар учун республика олий ўқув юртиларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп балнинг 25 % миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёз бериш белгиланди.

Истиклол йилларида ёшларнинг ҳар томонлама етук, баркамол вояга етиши учун мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Хусусан, 23 та қонун ва 100 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил тадбиқ этилмоқда. Бундан ташқари йилларга ном беришда ҳам ёшларнинг манфаатлари эътиборга олинди. Масалан, 2000 йил - Соғлом авлод йили, 2001 йил - Оналар ва болалар йили, 2008 йил - Ёшлар йили, 2010 йил - Баркамол авлод йили, 2014 йил – Соғлом бола йили, 2016 йил – Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилиниб, яхлит чора-тадбирлар дастурлари амалга оширилди.

Ёшларга эътиборнинг кучайиши. 2016 йил “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Унга кўра 30 ёшгача бўлган барча тоифадаги шахслар ёшлар эканлиги қайд этилган. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистонда ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустаҳкамлашга, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар масъулиятини кучайтиришга, ушбу соҳада соғлом, баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи

фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармонига мувофик, республикадаги барча харбий академик лицейларга “Темурбеклар мактаби” номи берилди. Ёшларни янада рағбатлантириш мақсадида “Мард ўғлон” мукофоти таъсис этилди. 2017 йил сентябрда ўқувчиларнинг аниқ фанларнинг юксак марраларини забт этишига кўмаклашиш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги иктидорларини аниқлаш ҳамда қобилиятларини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб (Ал-Хоразмий мактаби) ташкил этилди. Ушбу мактабга ўқувчилар 5-синфдан бошлаб ёзма ва оғзаки синов натижаларига кўра танлов асосида қабул қилинади.

Президент Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида шундай дейлади: “Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаравонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенсияни ишлаб чиқишни таклиф этади”.

Ўзбекистонда маънавий ва тарихий мероснинг тикланиши

Тарихий хотиранинг тикланиши. Ўзбекистон мустақилликка эришгач долзарб муаммолардан бири – янги тарихий шароитда жамиятга муносиб кишиларни тарбиялаш эди. Ўзбекистон суверен давлат сифатида ижтимоий-сиёсий ҳаётда маънавий янгилашни жараёнини амалга оширмасдан мустақилликни ҳар томонлама мустаҳкамлаб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Шунинг учун ҳам мамлакат раҳбарияти истиклолнинг дастлабки пайтиданок бу борада зарур чоралар кўрди.

Тарихий тафаккурнинг ривожланиши маърифат асосида, маърифатли бўлиш негизида содир бўлади. 1991 йили Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги кенг нишонланди. Бу тўйга республикада қатта тайёргарлик кўрилди ва у халқнинг қатта маданият байрамига айланди. Унинг 20 жилдлик мукамал асарлар тўплами нашр этила бошланди. Юбилей олдидан Алишер Навоийнинг буюк сиймоси ифода этилган сахна асарлари, кинофильмлар яратилди. Алишер Навоий номида Давлат мукофоти таъсис этилди. Адабиёт институтига Алишер Навоий номи берилди. Ўзбекистон пойтахти Тошкентда улуг шоирнинг мухташам ҳайкали қўйилдики, бу жой халқнинг муқаддас зиёратгоҳига айланди. Навоий ҳайкали Комсомол кўли деб номланган истироҳат боғига ўрнатилди ва боғ Алишер Навоий номидаги миллий боғ деб аталадиган бўлди.

1994 йилни ҳукумат қарори билан Улугбек йили, деб эълон қилиниши, Улугбекнинг 600 йиллигини Ўзбекистонда ва жаҳон миқёсида, хусусан ЮНЭСКО қароргоҳи Парижда кенг нишонланиши ҳам буюк алломалар қолдирган мерос умуминсоний қадриятга айланганлиги нишонасидир. 1996 йил Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги ҳам кенг миқёсда нишонланди. Биринчи Президент И.Каримов “1996 йилни Амир Темур йили” деб аташ тўғрисида фармон қабул қилди. “Темур тузуклари” бир неча тилда чоп этилди. Ўша давр тарихий маданий ёдгорликларини тиклаб, ёзма адабиётлар илмий муомалага киритилди. Қисқа фурсатда Тошкентда Амир Темурнинг дунёвий шаъни ва шавкатига мос келадиган Амир Темур ва темурийлар даври тарихи музейи қурилди. 1993 йил Тошкентда, 1996 йил Самарқанд ва Шахрисабзда Амир Темур хайкали очилди. 1996 йил Самарқанд ва Шахрисабз шаҳарлари “Амир Темур” ордени билан мукофотланди.

Ҳукуматнинг махсус қарори билан 1999 йил декабрда Хоразмда Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий таваллудининг 190 йиллиги, Нукусда Ажиниёз Қосибой ўғли таваллудининг 175 йиллиги, 1998 йил октябрда Фарғонада Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги кенг нишонланди. Ислом оламининг буюк алломалари Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Муин Насафий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Имом Мотуридий ва бошқаларнинг илмий мероси ўрганилиб, кўплаб нусхаларда чоп этилмоқда. Имом Исмоил Бухорий, Имом Абу Исо Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд Замахшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Баҳоуддин Нақшбандийнинг 675 йиллиги, Хожа Аҳрор Валийнинг 600 йиллиги ва бошқа алломаларнинг юбилейлари кенг нишонланди.

Инсон хотираси боқий. 2017 йилда Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг эътибори билан эл-юртга меҳнати сингган инсонларнинг ҳурмати жойига қўйиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Тошкент ва Самарқандда И.Каримов (2018 йил Қаршида), Наманган вилоятида И.Ибрат, Хоразм вилоятида К.Отаниёзов, Қорақалпоғистонда И.Юсупов, Фарғонада Э.Воҳидов, Қашқадарёда А.Орипов, Андижонда М.Юсуф хотираларини абадийлаштириш бўйича йирик тадбирлар ўтказилди. Уларнинг номи билан аталадиган марказлар, ижодий мактаблар ташкил этилди. Жиззах шаҳрида Ҳ.Олимжон ва Зулфия хотирасига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуаси очилди.

Юрт тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган, миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Ш.Рашидов таваллудининг 100 йиллиги нишонланиши халқимизни қувонтирди. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 27 мартдаги “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Ш.Рашидов таваллудининг 100 йиллиги нишонлаш тўғрисида”ги қарори асосида 2017 йил 6 ноябр - Ш.Рашидов тугилган куни Жиззахда тантанали тадбирлар бўлиб ўтди. Жиззах шаҳридаги тадбирда Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев иштирок этиб, нутқ сўзлади. Республика раҳбарлигига И.Каримов келгач, Ш.Рашидов шахсига барча тўхмат ва таъқибларни тўхтатди. Унинг пок номи оқланди. 1992 йил Ш.Рашидов таваллудининг 75 йиллиги кенг нишонланди. 2016 йил

Президент Ш.Мирзиёев ташаббуси билан Жиззах туманига Ш.Рашидов номи берилди.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 25 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги қарорига кўра, И.А.Каримов ҳайкаллари Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрига, И.А.Каримов тугилиб ўсган Самарқанд шаҳрига ва И.Каримов биринчи раҳбар бўлиб ишлаган Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрига ўрнатилди. 2018 йилда Президент Ш.Мирзиёев раҳнамолигида Самарқанд шаҳрида, И.Каримов дафн этилган ҳудудда ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. Тошкент шаҳридаги Оқсарой қароргоҳида И.Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси ташкил этилди. Шунингдек, бир қатор кўчалар ва йирик объектларга И.Каримов номи берилди. Президент фармони билан 2018 йил 30 январда И.Каримов таваллудининг 80 йиллиги кенг нишонланди, 24 мартда Самарқандда халқаро конференция ўтказилди.

Ўзбекистонда расман 3 та хотира куни мавжуд: 1) 1999 йилдан бошлаб 9 май – “Хотира ва кадрлаш куни; 2) 2001 йилдан эътиборан 31 август – “Қатагон қурбонларини ёд этиш куни”; 3) 2017 йилдан бошлаб 2 сентябр - Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов хотираси куни.

Миллий урф-одатлар, қадриятлар ва анъаналарнинг тикланиши. Миллий-маънавий меросга янгича муносабат Биринчи Президент И.Каримов раҳбарлигида амалга оширила бошланди. Энг аввало миллий маънавиятимизга, жаҳон цивилизацияси тараққиётига буюк ҳисса қўшган боболаримиз - Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Ал-Фаробий, Ал-Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа аждодларимизнинг миллий ва маънавий мероси халқимизга қайтарилди. Ислом олами алломаларининг диний қарашлари, ижодий фаолиятлари ўрганилиб, таваллуд топган кунлари байрам қилинди.

Халқимизнинг севимли байрам “Наврўз” байрами халқимизга қайтиб берилиши мамлакат тарихида катта воқеа бўлди. 1991 йилдан бошлаб Президент Фармонида кўра 21 март - Наврўз умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди. Совет тузуми даврида И.Каримов унутилмас тарихий ҳужжатга имзо чекди. 1990 йил 2 июн куни “Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига ҳаж қилиши тўғрисида”ги фармонини эълон қилди. 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Дин ишлари бўйича қўмита” ташкил этилди. 1992 йил 27 мартда Ўзбекистон Президентининг “Рўза ҳайитини дам олиш куни, деб эълон қилиш тўғрисида” фармонида кўра, Қурбон ва Рамазон ҳайит кунларини доимий равишда байрам қилиш ва дам олиш кунлари, деб эълон қилинди.

Мустақиллик шарафоти билан “Ислом нури” ҳафтанома, “Ҳидоят” журнали ташкил қилинди, кўплаб диний-ахлоқий адабиётлар чоп этила бошланди. Жумладан, Имом Бухорийнинг 4 жилддан иборат, Имом Термизийнинг 1 жилдли ҳадис китоблари, бошқа алломаларнинг қатор асарлари юз минглаб нусхаларда чоп этилди. Қуръони Карим 8 марта, жами 1

миллион нусхада нашр этилди. Қуръони Карим юртимизда илк бор 1992 йил Алоуддин Мансур томонидан ўзбек тилига таржима қилинди ва 3 марта, жамаи 300 минг нусхада нашр этилди. 2004 йили Тошкент Ислон университетиди Қуръони Каримнинг шайх Абдулазиз Мансур таржимасиди изохли нашри тайёрланди ва чоп этилди. Ўзбекистон мусулмонлари ҳар йили ҳаж ва умра амалларини адо этиш имкониятига эришди. Агар совет даврида Ўзбекистон фуқароларидан 3-4 кишигина ҳаж сафарини адо этган бўлса, 2016 йилга қадар ҳар йили 5000 дан ортиқ фуқаролар ҳожи бўлиб қайтишди. Президент Ш.Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йилдан Ўзбекистон фуқаролари учун ҳаж квотаси сони 5200 дан 7200 нафарга кўпайтирилди.

Маънавий-руҳий покланиш, кадриятларни тиклаш изчиллик билан иш олиб боришни талаб этади. 2000 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги, “Бурҳониддин ал-Маргиноний таваллудининг ҳижрий сана бўйича 910 (1200) йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарорларни қабул қилди.

ЮНЭСКО ижроия кўмитасининг махсус қарорига биноан:

- 1997 йил – Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги нишонланди.
- 2002 йил – Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланди.
- 2002 йил – Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги нишонланди.
- 2003 йил – Нукус шаҳрининг 70 йиллиги нишонланди ва шаҳр “Дўстлик” ордени билан мукофотланди.
- 2006 йил – Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги нишонланди.
- 2006 йил – Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги нишонланди.
- 2007 йил – Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилеи ўтказилди.
- 2007 йил – Маргилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилеи ўтказилди.
- 2009 йил – Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилеи ўтказилди.

Ўзбекистонда маданият ва санъат

Маънавият масканлари. Театр. Мустақиллик йилларида театр санъати ривожланди, янги театр даргоҳлари қуриб ишга туширилди. 1991 йилда Фаргона, 1993 йилда Хоразмда давлат кўғирчоқ театрлари иш бошлади, 1994 йилда Қашқадарё ва Наманган вилоят театрлари қошида кўғирчоқ гуруҳлари, 2001 йилда Сурхондарё вилоят кўғирчоқ театри очилди. Ўзбек давлат академик драма театри (2001), Ўзбекистон академик рус драма театри (1999) каби пойтахт ҳамда вилоят театр жамоаларига янги бинолар қурилди ва таъмирланди. 2015 йил октябрда реконструкция қилинган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг очилиши марасими бўлиб ўтди. Маҳаллий ва хорижий мамлакатлар келган театр ва ва томоша гуруҳлари, атоқли артистларнинг чиқишларига ҳам мўлжалланган “Туркистон” саройи 1993 йил сентябрда иш бошлади.

2009 йилда “Ўзбекистон” халқаро форумлар саройи, 2011 йилда Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий

кутубхонасидан ташкил топган Маърифат маркази мажмуаси, 2014 йилда Фаргона вилоятида Театр-концерт саройи каби маънавий масканлари очилди. Ўзбекистон Президентнинг “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги (1998) фармонида мувофиқ театр арбобларининг фаол иштирокини таъминлаш, бадиий баркамол сахна асарлари яратиш каби мақсадларда “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди. 2017 йил фаолияти танқидий ўрганилиб “Ўзбектеатр” бирлашмаси тугатилиб, унинг функциялари Маданият вазириликка ўтказилди.

Президент фармони билан 2001 йил Ўзбек давлат академик драма театрига “Миллий театр” мақоми берилди. 2014 йилда Президент “Ўзбек миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида” қарор қабул қилди. Қарорга мувофиқ театр таъмирланди ва юбилей тадбирлари бўлиб ўтди. Пойтахтдаги республика театрлари қаторида вилоят жамоалари ҳам *халқаро* маданий муносабатларда қатнашиб келмоқда. Бу борада Ўзбекистон Ёшлар театри, Илҳом театри ва Қашқадарёдаги “Эски масжид” театр-студияси фаол бўлди. 1993 йилнинг 23-30 октябр кунлари Тошкентда ўтказилган “Театр: Шарқ ва Ғарб” халқаро фестивал Ўзбекистонда дунёнинг кўпгина мамлакатларидан келган сахна санъаткорлари қатнашган *1-йирик тадбир* эканлиги билан аҳамиятли бўлди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданок театр жамоалари Амир Темур мавзусига мурожаат қилишди. Дастлаб Қашқадарё вилоят мусикали драма комедия театри ва Ўзбек давлат академик драма театрларида Соҳибқирон ҳаёти ҳақидаги тарихий драмалар сахнага қўйилди. Бу жамиятда миллий ифтихор ўсиши, тарихий хотиранинг тикланиши борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар билан ҳамроҳанг бўлиб, сахна ижодиётида Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фаргоний, Мирзо Улугбек, жадидлар сиймоларининг фаолиятига оид асарлар ҳам яратилди. Миллий мумтоз адабиёт намуналари, айниқса Алишер Навоий дostonлари сахналаштирилди. Фолклор-этнографик манбалар асосидаги пьесалар драматургиянинг алоҳида йўналишини ташкил қилди.

Мусиқа ва ракс санъатида мустақиллик йилларида туб бурулиш аслига қайтиш, анъанавий оҳанглардан таъсирланишда намоён бўлди. Бунинг учун энг аввало, халққа яқинлашиш, энг ноёб халқ истеъдодларини излаб топиш зарур эди. Шу мақсадда 1992 йилда бир қанча кўрик-танловлари ўтказилди. 1992 йил март ойида Тошкент шаҳрида миллий сўз ижрочиларининг “Асрларга тенгдош наволар” ва апрел ойида машҳур санъаткорлар асарлари ижрочиларининг “Бокий овозлар”, май ойида Хоразм вилоятида фолклор жамоаларининг, июн ойида Кўкон шаҳрида аския, қизиқчи ва масхарабозларнинг, август ойида Тошкент шаҳрида лапар ва ялла ижрочиларнинг кўрик-танловлари ташкил этилди. Улар бир неча ўнлаб истеъдодларни кашф қилди. Бу каби тадбирлар, фестиваллар ўтказилиши анъанага айланиб, халқаро микёсда номоддий маданий меросни асраш юзасидан олиб борилаётган ҳаракатлар билан уйғунлашиб кетди.

Мустақиллик даврида профессионал мусиқа ва раксни ривожлантиришга ҳам эътибор қаратилди. 1996 йил “Ўзбекнаво” гастрол-

концерт бирлашмаси ташкил этилди. Ўзбекистон Президенти фармони билан 1997 йил М.Тургунбоева номидаги “Ўзбекрақс” миллий рақс бирлашмаси ҳамда Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби тузилди. Президентнинг 2001 йил “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш *Кенгаши* иш бошлади. Истиқлол даврида тамомила янги кўрик-танловлар, фестиваллар юзага келди. 1995 йилда Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон – Ватаним маним” мавзуида кўрик-танлов ўтказиш юзасидан қарор қабул қилди. 1996 йил март ойидан ўтказилиб келинаётган “Ўзбекистон – Ватаним маним” мавзуидаги кўрик-танлови мустақилликни, Ватанни англаш ва уни улуглашда муҳим қадам бўлди. 1996 йил 27 августда махсус фармон қабул қилиниб, ҳар йили август ойининг 3-якшанбаси “Ўзбекистон – Ватаним маним” кўшиқ байрами куни деб эълон қилинди. Бу танлов мустақилликни мадҳ этувчи юзлаб кўшиқлар яратилишига туртки бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилдаги қарори билан ҳар 2 йилда 1 марта Самарқанд шаҳрида “*Шарқ тароналари*” халқаро мусиқа фестивали ўтказила бошланди. 1-фестивалда дунёнинг 31 мамлакатдан вакиллар иштирок этишди. 2015 йили X фестивалда 66 мамлакатдан вакиллар қатнашди. 1998 йили мамлакатимизда 1-март *симфоник* мусиқа фестивали ўтказилди. Фестивалда дунёнинг 20 га яқин мамлакатларидан ижрочилар иштирок этишди. Мустақиллик йиллари мусиқа санъатини *академик, анъанавий ва замонавий* йўналишларида ривожланишига зарур шарт-шароитлар яратиш қарорида таълимига ҳам эътибор берилди. 2002 йилда Тошкент давлат консерваторияси Ўзбекистон давлат консерваториясига айлантирилди. Консерваториянинг янги биноси қурилди.

Президент қарори билан қабул қилинган *Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг* моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича давлат дастури доирасида 2009-2014 йилларда ҳудудларда 278 та мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди, улар 30 мингдан ортиқ янги мусиқа асбоблари, 61 минг нусхада ўқув қўлланма, миллий ва жаҳон мусиқаси ноталари билан таъминланди. “Нихол”, “Зулфия” номидаги давлат мукофотлари таъсис этилиши, “Камалак юлдузлари” республика болалар ижодиёти фестивали, “Созлар навоси” ёш мусиқа ижрочилар ва бошқа кўрик-танловлар ўтказиб келинаётгани янги истеъдодларни рўёбга чиқариш мақсадларига хизмат қилади.

ЮНЕСКО томонидан юритиладиган инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатидан Шашмақом (2008), Бойсун маданий муҳити (2008), Наврўз (2009), Катта ашула (2009), Аския (2014) ўрин олди. 2017 йилда Президент қарори билан Ўзбек миллий мақом санъати маркази ташкил этилди. 2018 йилдан бошлаб Шаҳрисабз шаҳрида ҳар 2 йилда 1 марта Халқаро мақом санъати фестивалини ўтказиш белгиланди.

Тасвирий санъат ривожидида 1997 йилда Ўзбекистонда 1-март *Бадий академия* ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. 2002 йили Тошкент фото уйи, 2004 йили Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси, 2005 йили Ўзбек либоси галереяси, 2006 йили Маданият ва санъат кўргазмаси иш бошлади.

Президентнинг 1997 йил “Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонида амалий безак санъати аҳамиятини ошириш, қўлда ишланадиган бадиий буюмларни тайёрлаш давлат томонидан мадад берилиш чоралари белгиланди. Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси халқ устаси” фахрий унвони таъсис этилди, “Ҳунарманд” уюшмаси ташкил қилинди. Ҳунармандлар даромад солигидан озод этилди. Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантириш мақсадида солиқ имтиёзларининг муддати узайтирилмоқда. Бу тадбирлар бадиий кулолчилик, кандакорлик, заргарлик, зардўзлик, каштачилик, гиламдўзлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги, наққошлик, лакли миниатюра каби турларини ривожлантиришга қулай шарт-шароит яратмоқда.

Кино санъатини ривожлантиришга ҳам мустақиллик йилларида катта эътибор қаратилди. Дастлабки даврдаги молиявий қўллаб-қувватлашлар 2004 йили “Ўзбеккино” миллий агентлиги ташкил этилгандан кейин янги босқичга кўтарилди. 2005 йилдан бошлаб давлат томонидан йиллик ишлаб чиқариш ҳажмларининг истиқболлик кўрсаткичлари белгиланди (15 та тўла метражли бадиий кинофильм, 20 та хужжатли ва илмий-оммабоп, 10 та мултипликацион кинофильм ва 60 соатлик маънавий-маърифий, ўқув-услубий видеофильмлар).

Кино санъати усталари ҳам мустақиллик ва мустақиллик даврларининг моҳиятини бадиият воситасида очиб берувчи “Абдуллажон”, “Ўткан кунлар”, “Ёзнинг ёлғиз ёдгори”, “Воиз”, “Осмондаги болалар”, “Чашма”, “Йўл бўлсин”, “Ватан”, “Ўтов”, “Паризод”, “Унутма мени”, “Алданган аёл”, “Тубанлик”, “Қўрғошин”, “Барон” каби янги асарларни тақдим этди. Мустақиллик йилларида ишланган “Тўмарис”, “Булбул”, “Кулол” сингари мултифильмлар жаҳоннинг нуфузли фестивалларида ҳам эътироф этилди.

Бадиий адабиётда мустақиллик йилларида миллийлик, тарихий ижодий анъаналар, умуминсоний кадриятлар, эркин фикр юритиш тамойиллари тикланди. Бадиий адабиёт синфийлик, партиявийлик, коммунистик мафкуравийлик каби ҳукмрон иллатлардан озод бўлди. Бадиий адабиётда мустақилликни асраб-авайлаш, озод ва обод Ватан қуриш, баркамол инсонни тарбиялаш, миллий ўзликни англаш каби масалалар бош мавзу бўлиб қолди. А.Орипов, О.Ёқубов, П.Қодиров, Х.Даврон каби ижодкорларнинг тарихий асарларида Амир Темур, Мирзхо Улугбек, Бобур сиймолари умуминсоний ва миллий кадриятларга мос тарзда янгича талқинда ёритилди.

Мустақиллик даври адабиётининг байроклари Ўзбекистон қаҳрамонлари С.Аҳмад, Э.Воҳидов, А.Орипов, Ўзбекистон халқ шоири М.Юсуф ижоди билан халқимиз фахрланади. Миллий истиқлол давридаги ўзбек адабиётшунослиги олдида турган муҳим вазифаларни ҳал этишда О.Шарафиддинов, Б.Қосимов, Н.Каримовларнинг асарлари алоҳида ўрин эгаллайди. Т.Маликнинг романлари, О.Матжон, О.Ҳожиёва, А.Суюн, Й.Эшбек, Х.Дўстмуҳаммад, Ш.Салимова сингари шоир ва адибларнинг бадиий баркамол, гоёвий етук асарлари ўзбек миллий истиқлол адабиётига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Адабиётга эътибор маданиятнинг муҳим

йўналиши бўлиб қолди. Ёзувчиларни қўллаб-қувватлаш борасида 2010 йил Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси хузурида “Ижод” фонди ташкил этилиб, 211 йилдан ёш ижодкорларнинг 1-китоблари давлат ҳисобидан чоп қилина бошланди.

Музейлар миллатнинг ўзлигини англашда миллий, тарихий кадриятларни тиклашда муҳим аҳамиятга эга. 1996 йили Тошкентда Темурийлар тарихи музейи, Олимпия шон-шухрати музейи, 2002 йили Қатагон қурбонлари хотираси музейи, Термиз шаҳрида Археология музейи иш бошлади. Ўзбекистон Президентининг 1998 йил 12 январдаги “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. музейлар давлат муҳофазасига олинди, уларни таъмирлаш, музей экспонатларини бойитиш давлат бюджети ҳисобидан молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, илмий-услубий ёрдам кўрсатиш, моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 1998 йил “Ўзбекмузей” Республика жамғармаси тузилди. Аҳолининг музейшунослик маданиятини оширишга кўмаклашувчи “Мозийдан саъдо” журнали таъсис этилди, журнал 1999 йилдан ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этила бошланди.

Ёшлар маънавиятида Музейларнинг аҳамияти ҳисобга олиниб 2014 йил Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари болалар ва уларнинг ота-оналарига бепул хизмат кўрсатиш, ҳар йили 2-8 сентябр кунлари “Музейлар ҳафталиги”ни ташкил этиш белгиланди. 1991-1994 йилларда 73 та музей мавжуд бўлган бўлса, 2017 йилда 450 га яқин музей фаолият олиб бормоқда. Жумладан: давлат музейлари – 135 та; нодавлат музейлари – 99 та; коллеж музейлари – 28 та; мактаб музейлари – 182 та.

- *Симпозиум* (мусиқа, шеър ўқиш билан ўтадиган йигин) – бирор илмий масала бўйича ўтказиладиган халқаро илмий кенгаш; илмий анжуман.
- *Фестивал* (итал.- байрамона, шод, қувноқ) – санъатнинг мусиқа, кино, театр ва бошқа соҳаларида эришилган энг яхши ютуқлар бўйича ўтказиладиган танлов, кўрикдан иборат оммавий байрам, тантана, сайл.
- *Галерея* (фр.- пешайвон) – бинонинг икки қисмини бирлаштирувчи усти ёпиқ узун йўлак; томоша залида энг юқориги ярус.

5-§. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ва жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви

Ўзбекистоннинг геосиёсий ҳолати. Ўзбекистон ўзига хос географик тузилиши билан Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар орасида алоҳида ажралиб туради. Бундай географик жойлашувнинг қулай ва ноқулай томонлари мавжуд бўлиб, улар Ўзбекистоннинг геосиёсий вазияти ва геостратегик манфаатлари, ҳамда унинг ички ва ташқи сиёсатини танлаш ва белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Мустақил Ўзбекистоннинг қулай геосиёсий имкониятлари қуйидагича: узоқ ўтмишдан Шарқ ва Ғарб ўртасидаги қадимги савдо-сотиқ, маданий-илмий ва дипломатик алоқалар йўли бўлган Буюк Ипак йўли Ўзбекистон ҳудудидан ўтган. Ҳозирда ҳам Европа ва Яқин Шарқдан Осиё-Тинч океани

минтақасига олиб борадиган йўллар Марказий Осиёдан, унинг марказида жойлашган Ўзбекистон ҳудудидан ўтади; Марказий Осиёнинг марказида жойлашган Ўзбекистон ўзининг географик ҳолатидан келиб чиқиб, мазкур минтақада кучлар нисбати ва мувозанатини сақлаш, иқтисодий интеграция жараёнини ривожлантириш, барқарорликни таъминлаш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш имкониятига эга. Ўзбекистон бугунги кунда қўшни давлатлар - Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистон ўртасида боғловчи халқа вазифасини ўтаб келмоқда. Ўзбекистон ўзининг жойлашувига кўра Марказий Осиёнинг транспорт, энергетика, сув тизими марказида жойлашган. Табиий иқлим шароити қулай, улкан минерал-ҳомашё захиралари ва стратегик материалларга эга, деҳқончилик маданияти ривожланган, озиқ-овқат билан ўзини таъминлашга қодир. Ўзини нефт, газ, рангли металллар билан таъминлабгина қолмай, уларни экспорт қилиш имкониятига эга. Ўзбекистоннинг еростида амалдаги Менделейев даврий тизимининг барча элементлари мавжуд.

Мазкур имкониятлар орқали Ўзбекистоннинг геосиёсий жойлашувни ноқулайликлардан мустасно деб бўлмайди. Шу жиҳатдан Ўзбекистонга қийинчилик тугдирувчи омиллар ҳам мавжуд: Ўзбекистон Форс кўрфази, Каспий денгизи ва Тарим ҳавзаларининг нефт ва газга бой конлари жойлашган ярим халқанинг стратегик марказида жойлашгани учун, бутун дунёда энергия тақчиллиги шароитида кўп давлатларнинг бир-бирига мос келмайдиган манфаатлари бу ҳудудда тўқнашмоқда. Дунёдаги кучли давлатлар мазкур минтақада ўз манфаатларини изламоқда. Шу билан бирга Ўзбекистон минтақадаги этник муросасизлик, нарқобизнес ва ҳар хил ташқи кучлар томонидан рағбатлантирилиб келинаётган, ички можоролар ҳали ҳам тугатилмаган Афғонистон каби давлат билан чегарадошдир. Ўзбекистон бевосита денгизга чиқа олмайдиган, бунинг устига денгиз портларидан энг узокда жойлашган мамлакат ҳисобланади. Қора денгиз, Болтиқ денгизи, Япон денгизи, Шимолий денгизларига олиб чиқувчи энг қисқа темир йўли қарийб 3 минг километрли ташкил этади. Мустақил Ўзбекистоннинг умуман ҳамма дарёлари ҳамда республика ҳудудини кесиб ўтадиган, узунлиги 150 ва ундан кўп километрли дарёлар 50 тадан ошган бўлсада, унинг сув ресурслари чекланган ва экологик муаммолари ҳам бор. Орол фожиаси ҳам мамлакатимиз учун ноқулайлик омилдир.

Ўзбекистоннинг мустақил ташқи сиёсати асосларининг ишлаб чиқилиши. Ҳозирда халқаро ҳамжамият мустақил Ўзбекистон дипломатиясининг дастлабки қадамлари, Марказий Осиёдаги мавқеи, минтақа хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни алоҳида эканини тан олмоқда. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг маънавий йўналиши, инсонпарварлик, ошқоролик, кадр-киммат ўз имкониятларига таяниш ва инсониятнинг ягона оиласида ўз тараққиёт йўлига эга бўлишдир. Шу боис истиқлол йилларида Ўзбекистон 133 давлат билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатган, Тошкентда 45 та хорижий давлатнинг элчихоналари, 9 та фахрий консулхона, 11 та халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон Президенти 2018 йил январда мамлакат тарихида илк бор Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари билан очик мулоқот шаклдаги йиғилишини ўтказди.

Мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакат хавфсизлиги, барқарорлиги ва тараққиёти кўп жиҳатдан хорижий давлатлар билан дипломатик алоқаларнинг йўлга қўйилиши билан боғлиқ эди. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсат тизими Ўзбекистон Конституцияси, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил май ойидаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги қарори ва 1994 йил март ойида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари асосида шакллантирилди. 1996 йил “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Конституциясининг 17-моддасида шундай дейилган: “Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади”.

2012 йил сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “*Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси*” эълон қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси – бу давлат ташқи сиёсатининг принциплари ва стратегик устувор йўналишларини, халқаро майдондаги мақсад ва вазифаларини, истиқболда Ўзбекистон миллий манфаатларини илгари суриш механизмларини белгилаб берадиган қарашларнинг яхлит тизимидир.

Мазкур Концепцияда Марказий Осиё минтақасига алоҳида эътибор қаратилган ва “Ўзбекистоннинг ҳаётий муҳим манфаатлари шу минтақа билан боғлиқ” эканлиги расман эътироф этилган. Унда Марказий Осиё ўзининг муҳим геосиёсий жойлашуви ва минерал хомашё ресурсларининг улкан захираларига эга эканлиги туфайли жаҳон микёсида кучли эътибор объектига, йирик давлатларнинг стратегик манфаатлари тўқнашадиган ҳудудга айланиб бораётгани таъкидланган. Шунингдек, дунёнинг йирик давлатлари томонидан минтақада олиб борилаётган ўзаро рақобат инobatга олиниб, “Марказий Осиё муаммолари ташқи кучларнинг аралашувисиз, минтақадаги давлатларнинг ўзлари томонидан ечилмоғи зарур”, деган фикр баён этилган.

Концепцияда Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсат юритиши, ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслиги, ҳар қандай давлатлараро тузилмалар ҳарбий-сиёсий блокка айланган тақдирда, улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиши таъкидланди. Концепцияда қуйидаги қоидалар муҳрлаб қўйилди: “Ўзбекистон ўзини қўшни давлатлардаги қуролли зиддиятларга тортилишининг олдини олиш мақсадида тегишли чораларни кўради; ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари хориждаги тинчликсеварлик операцияларида иштирок этмайди”.

Ташқи сиёсат тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат: мафкуравий

карашлардан катъий назар ҳамкорлик учун очиклик, умуминсоний кадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни саклашга содиклик; давлатларнинг суверен тенглиги ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш; бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик; низоларни тинч йўл билан ҳал этиш; куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик; инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурматлаш; ички миллий қонунлар ва ҳуқуқий нормалардан халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари ва нормаларининг устуворлиги; давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаравонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга кириш ва улардан ажралиб чиқиш; тажовузкор ҳарбий блоklar ва уюшмаларга кирмаслик; давлатлараро алоқаларда тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, давлат миллий манфаатларининг устунлиги; ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмаслик қабилар устувор йўналиш сифатида белгилаб олинди.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлиги

Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг етакчи йўналишларидан бири - Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон билан ҳамкорлик, дўстликни мустақамлашга қаратилган. Минтақадаги 5 та давлат ўртасида ўхшаш жиҳатлар кўп. Тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, динимизнинг бирлиги, томиларимизнинг тутшиб кетганлиги бу мамлакатлар халқларини бир-бирига янада яқинлаштиришнинг заминидир.

Янги тарихий шароитларда вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар Марказий Осиё мамлакатлари халқларининг келиб чиқиши, уларнинг тарихи ўзига хос турмуш тарзлари ва яқин қўшничилик муносабатларига ҳар қачонгидан бошқачарок қарашни ҳаёт тақазо эта бошлади. 1993 йилнинг январида Президент И.Каримов ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг *Тошкент* учрашуви ташкил этилди. Олий даражадаги бу учрашувда *Марказий Осиё Ҳамдўстлиги* (МОҲ)га асос солинди. Беш давлат - Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон раҳбарлари Ҳамдўстлик ҳақидаги битимга имзо чекишди. Буни минтақа халқлари мамнуният билан қарши олдилар.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари 1993 йил Қозоғистон Республикасининг Қизил Ўрда шаҳрида, 1994 йил Нукус шаҳрида, 1995 йил Туркменистон Республикасининг Ташовуз шаҳрида, 1995 йил яна Нукус шаҳрида *Орол денгизи* муаммосига бағишланган учрашувлар ўтказдилар ва бу борада амалий ишлар олиб бора бошладилар. 1999 йил Туркменистон Президентининг саройида Оролни қутқариш Халқаро жамғармасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида экологик фалокат минтақасидаги вазиятни барқарорлаштириш борасида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорлик, минтақавий хавфсизлик ва халқаро миқёсдаги масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

2017 йилда Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан муносабатларида янги давр

бошланди. 2017 йилнинг ўзида Қозоғистон, Туркманистон ва Қирғизистон давлатларига Ўзбекистон Президентининг расмий ташрифлари амалга оширилди. 2018 йил март ойида Тожикистонда олий даражадаги учрашув амалга оширилди. Бундан ташқари 2017 йил Самарқандда БМТ ҳомийлигида “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусида анжуман бўлди. Унда 500 нафар хорижий иштирокчилар қатнашди.

Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг икки томонлама муносабатлари 1992 йил июнда Туркистон шаҳрида Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг ташрифи пайтида Н.Назарбоев билан имзолаган “Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома” асосида мустаҳкамланиб борди. Қозоғистон Президенти Н.Назарбоев 1994 йил январда расмий давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Икки Президент Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида товарлар, хизматлар, сармоялар ва ишчи кучларининг эркин ўтиб туришини назарда тутувчи ҳамда ўзаро келишилган кредит, ҳисоб-китоб, бюджет, солиқ, нарх, бож ва валюта сиёсатини таъминлаш тўғрисида шартномани имзоладилар. 1998 йил октябрда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида *абдий дўстлик* шартномаси имзоланди. Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг Тошкентда 2000 йил бўлган учрашувида икки давлат чегараларни аниқ белгилаб олишга бағишланди. Музокаралар якунида “Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Қозоғистон Республикаси Президентининг қўшма баёнати” имзоланди.

2001 йил Ўзбекистон Президенти И.Каримов расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлди. Икки давлат Президентлари “Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегараси тўғрисида” Шартномани имзоладилар. 2440 км. узунликдаги Ўзбекистоннинг Қозоғистон билан ҳамкорлиги чегаранинг 96 % белгилаб олинди. Қолган қисмини келишув асосида делимитация қилишга келишилди. 2002 йил И.Каримов Остона шаҳрига ташриф буюрди. “Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегараларининг алоҳида участкалари тўғрисида битим” имзоланди ва икки давлат ўртасидаги чегарага оид долзарб масалалар ҳуқуқий жиҳатдан ўз ечимини топди.

Қозоғистон Ўзбекистон учун Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкорлардан бири ҳисобланади. 2013 йил имзоланган “Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома” ҳам ўта муҳим ҳужжатлар сирасига киради. 2013 йил Ўзбекистон Президенти И.Каримов расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлди. 2017 йил июнда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Остона саммити муносабати билан Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев Қозоғистонда бўлди. 2017 йил сентябрда Қозоғистон Президенти Н.Назарбоев расмий ташрифи билан Ўзбекистонга келди. Ўзбекистон ва Қозоғистон президентлари учрашуви якунлари бўйича қатор ҳужжатлар имзоланди. Ш.Мирзиёев Н.Назарбоевни “Эл-юрт хурмати” ордени билан тақдирлади.

Ҳозирда Қозоғистонда 550 мингга яқин ўзбек, Ўзбекистонда эса 1 миллионга яқин қозоқ истиколат қилаётганлиги учун ҳам маданий алоқаларга катта эътибор берилди. 2017 йил Қозоғистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи пайтида 2018 йилда Қозоғистонда Ўзбекистон йили ва 2019 йилда Ўзбекистонда Қозоғистон йили ўтказилиши белгиланди.

Қирғизистон билан Ўзбекистоннинг икки томонлама ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида “дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳақида шартнома” асосида йўлга қўйилди ва ривожлантирилмоқда. Бу шартнома 1992 йил Қирғизистон Президенти *А.Акаев*нинг Ўзбекистонга расмий давлат ташрифи пайтида имзоланган эди. И.Каримовнинг 1993 йил Қирғизистонга қилган расмий давлат ташрифи пайтида шахрида ўртасида 1994-2000 йилларга мўлжалланган иқтисодий интеграцияни ривожлантириш тўғрисида Баёнот имзоланди. Бу ҳужжат иккала республикада ишлаб чиқилган миллий дастурларни мувофиқлаштиришга, хомашё ва ишчи кучидан, илмий салоҳиятдан унумли фойдаланишга қаратилган эди. 1994 йил январда Ўзбекистон Президенти И.Каримов Қирғизистонда бўлди. Расмий ташриф якунида икки давлат Президентлари товарлар, хизматлар, сармоя, ишчи кучларининг эркин юришини, ўзаро келишилган кредит ҳисоб-китоб, бюджет, солиқ, нарх, божхона ва валюта сиёсатини белгиловчи шартномани имзоладилар.

2010 йил июлда Қирғизистонда обрў-эътиборини йўқотган Президент ҳокимиятининг ағдалириши, экстремистик кучлар уюштирган милларлараро қонли воқеалар шароитида Ўзбекистон 100 мингдан ортиқ қочоқларни қабул қилди. Шундай вазиятда мамлакатлар ўртасидаги дипломатик алоқалар сусайди. 2017 йил Ўзбекистон ва Қирғизистон муносабатларида янги саҳифа очилди. 2017 йил сентябрда Қирғизистон Президенти *А.Атамбаев* таклифига биноан Президент Ш.Мирзиёев Бишкекда бўлди. Ўзбекистон ва Қирғизистон президентлари ўз ичига 85 % масофани камраб олган “Чегара тўғрисидаги битим”ни имзолашди. Шу муносабат билан, аҳолининг ўтиб-қайтиши учун икки давлат ўртасидаги 7 йил давомида ёпиб қўйилган чегара постлар очилди. 2017 йил декабрда Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг таклифига биноан Қирғизистон Республикасининг янги сайланган Президенти *С.Жеенбеков* расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасида ўрнатилган алоқаларга Тожикистондаги 1992-1996 йилларда давом этган биродаркушлик уруши салбий таъсир этди. 1997 йил Москвада Тожикистоннинг расмий ҳокимияти билан муҳолифат кучлар ўртасида тузилган миллий мураса ҳақидаги шартнома туфайли Тожикистоннинг қўшни мамлакатлар билан алоқалари яна тикланди. Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг таклифига биноан 1998 йил январда Тожикистон Президенти И.Раҳмон Ўзбекистонга амалий ташриф билан келди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида юк ташиш, газ етказиб бериш, Тожикистоннинг қарзи бўйича ўзаро ҳисоб-китоб тўғрисида битимлар имзоланди. Ўзбекистон Тожикистон ҳудудидан ўтган транспорт коммуникацияларидан фойдаланмоқда.

2017 йил Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатларида янги саҳифа очилди. 2017 йил май ойида Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёд шахрида бўлиб ўтган АҚШ ва араб-мусулмон давлатлари саммитида иштироки доирасида Тожикистон Президенти И.Раҳмон билан илк бор учрашди ва кўплаб манфаатли келишувларга эришилди. 2017 йилнинг апрелида 25 йиллик танаффусдан сўнг Душанбе ва Тошкент ўртасидаги авиақатнов яна тикланди. 2017 йил апрелда Душанбеда

икки томонлама муносабатлар тарихида илк бор Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кенг кўламли кўрғазмаси бўлиб ўтди. 2017 йил май ойининг бошида тожик-ўзбек муносабатларида илк бор Тожикистонда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилди.

Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасида “дўстлик ва, ҳамкорлик тўғрисида” шартнома 1991 йил икки давлат президентлари учрашувида имзоланган. Ўзбекистон Президенти И.Каримов 1996 йил январда амалий ташриф билан Туркменистонда бўлди. Чоржўй шаҳрида С.Ниёзов ва И.Каримов Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳақида шартномани, Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида давлат чегарасини кўриклашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ва сув хўжалиги масалалари бўйича битимлар имзоланди. 1991-2016 йилларда икки мамлакат раҳбарларининг 11 марта олий даражадаги ташрифлари амалга оширилди. Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорликка оид долзарб йўналишларни қамраб олган давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражада имзоланган 150 дан ортиқ халқаро шартномалар икки мамлакат муносабатларининг ҳукукий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда 2001 йилда ташкил этилган Республика туркман маданияти маркази фаолият олиб бораётир. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг турли вилоятларида туркман миллатига мансуб қарийб 170 минг аҳоли яшаб, 70 та мактабда туркман тили ўқитилмоқда. Туркменистон Президенти Г.Бердимухаммедовнинг 2014 йил май ойида Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида Ўзбекистон -Туркменистон ҳамкорлигини янада ривожлантириш масаласида икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

2017 йил 6-7 март кунлари Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев расмий ташриф билан Туркменистонда бўлди. Бу Ш.Мирзиёевнинг Президент сифатида *хорижий мамлакатларга илк расмий ташрифи* ҳисобланади. 2017 йил Ш.Мирзиёев Туркменистон Президенти Г.Бердимухаммедов таклифи билан 2 марта (март, май) Туркменистонга ташриф буюрди ва бир қатор келишувларга эришилди. 2017 йил март ойидаги музокаралар якунида Президентлар Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани имзолади. Икки давлат вазирлик ва идоралари ўртасида иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ва кимё саноати, темир йўл транспорти, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни, ҳудудлараро алоқаларни ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов мустақилликнинг дастлабки вақтлариданоқ ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, тожик, туркман ва минтақада яшовчи барча халқлар ўртасидаги қадимий алоқаларни янги шароитда мустаҳкамлашни назарда тутиб “*Туркистон – умумий уйимиз*” деган гояни илгари сурган эди.

- *Делимитация* (лот.-чегараламоқ, ажратмоқ) – давлат чегараларини тузилган шартномага мувофиқ тавсифлаш ва хариталаштириш асосида белгилаш; белгиланган чегараларни қайта кўриб чиқиш.

- *Саммит* (ингл.-тепа, юкори, чўкки; юксак даража) – икки ёки бир неча давлат бошлиқларининг муҳим халқаро масалалар бўйича учрашуви; олий даражадаги кенгаш.

Ўзбекистоннинг Россия, Хитой ва АҚШ билан ўзаро муносабатлари

Россия Федерацияси билан Ўзбекистон ўзаро ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик 1992 йил имзоланган Давлатлараро муносабатларнинг, Дўстлик асослари тўғрисидаги шартнома, 1998 йил имзоланган 1998-2007 йиллар учун иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги шартномалар асосида ривожланиб борди. Ўзбекистон-Россия муносабатлари янги босқичга кўтарилишида 2004 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома муҳим аҳамият касб этди. 2005 йилда Москвада имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги “Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома”, 2012 йилда Тошкентда бўлиб ўтган учрашув якунига кўра қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация” икки давлат ўзаро муносабатларида алоҳида воқеа бўлди. Икки давлат ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлигининг янада ривожланишига 2013 йил апрелда Ўзбекистон Президенти И.Каримов ва Россия Президенти В.Путин ўртасидаги Москва учрашуви янги туртки берди. Учрашув чоғида давлатларнинг кенг қамровли ўзаро муносабатларидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳолати ва истиқболи кўриб чиқилди. Ҳар икки давлат мустақилликка эришгандан кейинги даврда Ўзбекистон ва Россия ўртасида 160 дан ортиқ халқаро шартнома ва 40 дан зиёд бошқа ҳужжатлар имзоланди.

2017 йил апрелда Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев расмий ташриф билан Россияда бўлди. Президент Ш.Мирзиёевнинг Россия Федерациясига давлат ташрифи якунлари бўйича сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, ҳарбий-техникавий, миграция соҳалари, шунингдек, минтақалараро ҳамкорлик, туризм ва соғлиқни сақлашга оид умумий қиймати 16 миллиард доллар бўлган 55 ҳужжат имзоланди.

Хитой ва Ўзбекистон ўртасида 1992 йил январда дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Хитой Халқ Республикаси (ХХР) Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 27 декабрда тан олган. Ўзбекистон ва ХХР ўртасида анъанавий дўстлик муносабатлари ўрнатилган. Булар икки мамлакатга ҳар икки томонни қизиқтирувчи кўплаб масалалар бўйича ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорлик олиб бориш имконини беради. ХХР Раиси *Ху Сзинтао*нинг 2010 йилда Ўзбекистонга ва Ўзбекистон Президентининг 2012 йил июнда ХХРга давлат ташрифи тарихий аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон раҳбарининг Хитойга ташрифи чоғида “Стратегик шериклик муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги кўшма баёнот” имзоланди.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини 2005 йилда имзоланган “Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисида”ги шартнома, 2010 йилдаги “Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатларини

ҳар томонлама чуқурлаштириш ва ривожлантириш тўғрисида”ги қўшма декларация, 2012 йилдаги “Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисида”ги Қўшма декларация, 2013 йилдаги “Икки томонлама стратегик ҳамкорликни чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақида”ги Қўшма декларация, 2014-2018 йилларга мўлжалланган “Стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш” дастури ҳамда 2016 йилда имзоланган Қўшма баёнот ташкил қилади. Мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши узоқ муддатли истиқболда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

2017 йил 11-13 май кунлари Президент Ш.Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи Ўзбекистон-Хитой муносабатларини янги босқичга кўтарди. Музокаралар якунида Шавкат Мирзиёев ва *Си Цзинпин* Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Қўшма баёнотни имзолади. Ш.Мирзиёев Хитойга ташрифи давомида 23 млрд. доллар бўлган 105 та икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. 2017 йилда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан 60 млрд. долларлик шартномалар имзолаган бўлса, шунинг 35 %, яъни 23 млрд. доллари Хитой улушига тўғри келади.

АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик алоқалар 1992 йил февралда АҚШ давлат котибининг Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида ўрнатилди. 1992 йил мартда Тошкентда *биринчи бўлиб* АҚШ элчихонаси очилди. Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг 1996 йил июнда АҚШга ташрифи Ўзбекистон ва Америка муносабатларини янги поғонага кўтарди. Ислоҳ Каримов АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашди. икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш, томонлар манфаатига дахлдор бўлган сиёсий, иқтисодий, хавфсизлик масалалари муҳокама этилди. Билл Клинтон АҚШ маъмурияти Марказий Осиё мамлакатларининг мустақиллиги, барқарорлиги ва равнақидан манфаатдор эканини, Ўзбекистон билан қалин муносабатлар ўрнатишни истаётганини, Ўзбекистоннинг тезроқ дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви йўлида ёрдам беражагини таъкидлади.

1996 йил Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси очилди. Президент бошлиқ давлат делегациясининг АҚШда бўлиши чет эл сармоясини учун республикада яратилган шарт-шароитлар тўғрисидаги ахборот такчиллигини баргараф этди. 2002 йил март ойида Ўзбекистон Президенти И.Каримов бошлиқ давлат делегацияси расмий давлат ташрифи билан АҚШда бўлди. АҚШни синовли дамларда қўллаб-қувватлагани учун 2002 йил И.Каримов Америка жамоатчилиги томонидан “Халқаро миқёсдаги лидер” мукофоти билан тақдирланди.

2017 йил май ойида Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёд шаҳрида бўлиб ўтган АҚШ ва араб-мусулмон давлатлари саммитида иштироки доирасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва АҚШ Президенти Доналд Трамп *илк бор* учрашди. Доналд Трамп учрашувда Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар жараёнини юқори баҳолади. 2017 йил сентябрда Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев БМТнинг 72-сессияси муносабати билан Америка Қўшма Штатларида бўлди ва у ерда истиқомат қилаётган бир гуруҳ ўзбекистонликлар билан учрашди. Ўзбекистонлик

ватандошлар илм-фан, таълим, технология, инвестиция ва бошқа соҳаларни ривожлантириш, Ўзбекистон ва АҚШ муассасалари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Шавкат Мирзиёев уларга мурожаат қилар экан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотларга дахлдор бўлиш, замонавий билим ва тажрибаларини мамлакат ривожига йўналтиришга даъват этди. Бугунги кунда Ўзбекистон ва АҚШ стратегик ҳамкор ва шерик мамлакатлардир.

Ўзбекистоннинг Япония, Корея Республикаси ва Ҳиндистон билан икки томонлама алоқаларининг ривожланиши

Япония ва Ўзбекистон ўртасида 1992 йил январда ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Шунингдек, Ўзбекистон ўзининг шарқий йўналишдаги сиёсатида Осиё китъасининг Ҳиндистон ва Корея Республикаси каби мамлакатлари билан ҳам давлатлараро муносабатлар ва манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берди. 1994 йил май, 2002 йил июл ва 2011 йил февралда Японияда ҳамда 2006 йил августда Ўзбекистонда бўлиб ўтган давлат раҳбарлари ўртасидаги олий даражадаги учрашувлар икки мамлакат ўртасидаги манфаатли ва дўстона алоқаларга янгича маъно-мазмун бағишлади.

Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг 2002 йилда Японияга ташрифи доирасида бош вазир *Жунъитиро Коидзуми* билан учрашувида ўзаро дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот имзоланди. Ушбу баёнот томонларнинг ҳозирги замон халқаро муносабатлардаги кўплаб муаммолар бўйича қарашлари ва муносабатлари ўхшашлиги, шунингдек уларнинг икки мамлакат кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтиришга интилишини тасдиқловчи расмий ҳужжат бўлиб қолди. 2004 йилда Токиодаги Сока университети ҳудудида Алишер Навоий хайкали ўрнатилди.

Ўзбекистон Президентининг 2011 йил февралда Японияга қилган навбатдаги расмий ташрифи давомида юқори технологиялар соҳасида ихтисослашган йирик компаниялар билан япон технологиялари ва инвестицияларини Ўзбекистоннинг нефтгаз, кимё, энергетика, машинасозлик ва тўқимачилик саноати каби тез ривожланаётган соҳаларига жалб этишга қаратилган қатор битимлар тузишга эришилди. 2015 йил октябрда Япония бош вазири *Синдзо Абенинг* Ўзбекистонга ташрифи доирасида Ўзбекистон ва Япония умумий қиймати 8,5 млрд доллардан кўпроқни ташкил қиладиган қўшма лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди.

Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида 1992 йил мартда Тошкентда дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши тўғрисидаги баённома имзоланди. 2016 йилга қадар Ўзбекистон Президенти И.Каримов Ҳиндистонга 5 марта ташриф буюрган ва 1-расмий ташрифи 1991 йилнинг августидан амалга оширилган эди. 1993 йил майда Ҳиндистон Бош вазири *Нарасимха Рао* давлат ташрифи билан Ўзбекистонга сафари кунларида “Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик принциплари тўғрисида” шартнома ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди. Ўзбекистон

Президенти И.Каримовнинг 1993 йилги Ҳиндистонга расмий ташрифи чогида икки мамлакат ўртасида иқтисодий, савдо ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида қатор битимлар имзоланди.

2006 йилда Ҳиндистон Бош вазири *М.Сингх*нинг Ўзбекистонга расмий ташрифи, Ўзбекистон Президентининг 2011 йил май ойида Ҳиндистонга қилган давлат ташрифи ва 2015 йил июнда Ҳиндистон Бош вазири *Нарендра Модининг* Ўзбекистонга расмий ташрифи ҳамкорлик муносабатларини янада юқори поғонага кўтарди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларга хизмат қилувчи 40 га яқин ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, уларнинг орасида энг муҳими – икки давлат муносабатларини сифат жиҳатдан янги даражага кўтаришга қаратилган Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма Баёноддир. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудида Ҳиндистон сармоясини яшироқида ташкил этилган 60 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда.

Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ҳамкорлик муносабатларининг ривожига 1991 йил декабрда Ўзбекистон мустақиллиги тан олинган ва улар ўртасида 1992 йил январда дипломатик муносабатлар ўрнатилган кунда асос солинган эди. Бу тарихий саналар икки давлат ўзаро муносабатларида фаол сиёсий мулоқот олиб бориш ва ҳар томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг шаклланиши учун йўл очди. Дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ўтган давр ичида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида 12 марта олий даражадаги учрашувлар бўлиб ўтди.

Ўзбек-корейс ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари равиоқида Ўзбекистон раҳбарининг Корея Республикасига 2012 йилги ташрифи янги туртки берди. Учрашув якунларига кўра, Қўшма баёнод қабул қилиниб, унда томонларнинг кўп тарафлама ҳамкорлиги ҳолатига баҳо берилди ва ҳар тарафлама муносабатларнинг истиқболдаги устувор йўналишлари белгиланди. 2014 йил июнда Корея Республикасининг Президенти *Парк Геунхен*нинг Ўзбекистонга расмий ташрифи икки давлат ўртасида Стратегик шерикликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қўшма декларация ва молия, инвестиция, муқобил энергетика ва маданият соҳаларида ўзбек-корейс ҳамкорлигини янада ривожлантириш мақсадида қатор ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистонда Корея инвестициясини яшироқи билан 400 дан ортиқ корхона фаолият олиб бормоқда. 1992 йилдан бери Тошкентда Корея таълим маркази фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат жаҳон тиллари университетиде Корейс тили ва маданияти маркази иш олиб бормоқда.

Корея Республикаси Президенти *Мин Чжэ Ин*нинг таклифига биноан Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йилнинг ноябрида Корея Республикасига расмий ташриф билан борди. Бу Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг Корея Республикасига тарихий бурилиш ясовчи давлат ташрифи бўлди. Олий даражадаги музокараларда ўзаро ҳамкорликнинг кенг кўламли масалалари, сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳалардаги давлатлараро алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари, минтакавий ва халқаро муаммолар юзасидан битимлар имзоланди. 2017 йилда Корея Республикасида Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон

Республикаси Президенти лавозимидаги фаолиятининг 1-йили ҳақида корейс тилида “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев” номли китоб чоп этилди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида янги индустриал ривожланаётган мамлакатлар билан яқин муносабатлар ва ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда ривожлантиришга катта эътибор берилаётир. Бундай давлатлар тоифасига тўла маънода *Жануби-шарқий Осиё мамлакатларини* киритиш мумкин. Жануби-шарқий Осиёнинг Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги ўзига хос ўрни шу билан белгиланадики, бу минтақа ўнта ривожланаётган мамлакатни ўз ичига олади. Улар орасида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт даражаси ва ривожланиш суръатлари бўйича Индонезия, Малайзия, Сингапур ва Таиланд каби мамлакатлар ажралиб туради. Уларнинг мустамлака мутелигидан қутулгандан сўнг тўплаган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар борасидаги тажрибаси янги мустакил мамлакатлар учун аскотиши мумкин.

Ўтган давр мобайнида давлат ва ҳукумат раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган расмий учрашувлар натижаси ўларок, ўзаро англашув, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ва битимларга эришилиб, улар давлатлараро муносабатларга мустаҳкам пойдевор яратди. Буларнинг бари Ўзбекистон Республикаси ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик муваффақият билан равнақ топишига хизмат қилди.

Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги фаолияти ва тинчликпарвар ташқи сиёсати

БМТга Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 мартда қабул қилинди ва Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Ўзбекистон раҳбари И.Каримов томонидан БМТ минбарида илгари сурилган таклифлар бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараккиётга кўмаклашиш, ядро қуроли тарқалишининг олдини олиш йўлида жаҳон ҳамжамиятини бирлаштиришга интилаётган БМТ ва кенг жаҳон ҳамжамияти томонидан қизгин қўллаб-қувватланди. Жумладан, 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Президент И.Каримов илк бор маъруза қилди ва унда Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилиш, Орол муаммоси бўйича БМТнинг махсус комиссиясини тузиш каби бир қатор таклифлар илгари сурилди. 1993 йил октябрда Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси иш бошлади. Ўзбекистоннинг ташаббуси билан ва БМТ раҳнамолигида 1995 йил сентябрда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган Тошкент кенгаш-семинари ташкил этилди. 1995 йил 24 октябрда Нью-Йоркда БМТнинг 50 йиллиги муносабати билан Президент И.Каримов нутқ сўзлаб, Афғонистондаги кескинликни ҳал этиш қалити энг аввало ташқи кучларнинг аралашувини бартараф этишдир, деган таклифни киритди.

2000 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 55-сессияси “Мингйиллик саммит”ида И.Каримов БМТнинг минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал этишдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури қабул қилиниши зарурлигини таъкидлаб, Хавфсизлик Кенгашининг доимий

аъзолари таркибида Германия ва Японияни киритишни, минтақавий ва глобал таҳдидларга муносабат билдиришда тезкорликни ошириш учун Бош Котиб ваколатларини кенгайтириш лозимлигини қайд этди. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан 2001 йилда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг терроризмга қарши кураш бўйича махсус қўмитаси таъсис этилди. 2010 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 65-сессиясидаги Президент И.Каримов ўз нутқида жаҳон мамлакатлари эътиборини яна Марказий Осиёдаги мураккаб муаммоларни ҳал этиш йўлларига қаратди. 2002 йил октябрда БМТ Бош котиби Кофе Аннанинг ва 2010 йил апрелда БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг Ўзбекистонга ташрифлари мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги обрўи ортиб бораётганлигининг далилидир. 2017 йил июнда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш Ўзбекистонга ташриф буюрди. Самарқандда у Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашди. Гутерриш И.Каримов қабрини зиёрат қилиб, кейин Оролбўйи ҳудудидаги вазият билан танишди.

Ўзбекистон БМТнинг ихтисослаштирилган муассасалари: Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди (ХВФ), Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ), БМТнинг Европа бўйича иқтисодий комиссияси (ЕИК), БМТ савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси гуруҳи билан кенг қўламли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси БМТ доирасидаги ихтисослашган муассасалар – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Халқаро олимпия қўмитаси, Халқаро автомобилчилар иттифоқи каби ташкилотларнинг аъзоси.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади. Унда бир қатор масалалар, жумладан БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ва Бош Ассамблеянинг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш, Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, Орол денгизи қуриши муаммоси, қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари, Афғонистонда тинчликка эришишнинг маърифий йўллари масалаларига алоҳида тўхталди. И.Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясидаги илк маърузаси 1993 йил сентябрда 48-сессияда бўлган бўлса, Ш.Мирзиёевнинг илк маърузаси 2017 йил сентябрда 72-сессияда бўлди.

ЮНЕСКО билан Ўзбекистоннинг мунсабатлари мустаҳкамланиб бормоқда. ЮНЕСКО - БМТ ҳомийлигидаги таълим, фан ва маданият билан шугулланувчи халқаро ташкилот. 1993 йил 29 октябрда ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Ўзбекистонни ЮНЕСКОга аъзоликка қабул қилиш маросими бўлди. Ўша куни (29 октябрда) Улугбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш ЮНЕСКО дастурига киритилди. 1994 йил октябрда Парижда Улугбек ҳафталиги тантана билан ўтди. Хива ва Бухоро ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий қадриятлар рўйхатига киритилди, бу рўйхатда 411 та объект бор. ЮНЕСКО қарорига биноан Самарқандда Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти ташкил этилди. ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида, 1995 йил июл ойида мазкур институт очилди.

ЮНЕСКО Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини халқаро миқёсда 1996 йил октябрда нишонлади, Парижда 1 ҳафталик халқаро анжуман бўлди. Амир Темур таваллуд топган Шахрисабз шаҳри ЮНЕСКОнинг маданий қадриятлар рўйхатига киритилди. 1997 йилда жаҳон маданиятининг дурдоналаридан ҳисобланган Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик саналари Парижда кенг нишонланди, халқаро анжуман ва кўргазмалар ўтказилди. Кейинги йилларда бу ҳамкорлик доираси янада кенгайиб борди. Жумладан, ЮНЕСКО халқимизнинг Шашмақом, Катта Ашула, Наврўз каби кўпгина минг йиллик қадриятларини сақлаб қолиш ва тарғиб этишда кенг кўламли иш олиб бормоқда. 2017 йил Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг халқаро ҳамкорлиги доирасида 21 та олий даражадаги ташриф, 60 та давлат ва халқаро ташкилотлар билан учрашув, 400 дан ортик келишув ва 60 млрд. АҚШ доллари ҳажмидаги келишувларга эришилди.

Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш масаласи. 1997 йили Президент И.Каримов Афғонистон билан қўшни 6 мамлакат – Эрон, Хитой, Покистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон шунингдек, АҚШ ва Россия давлатлари иштирокида БМТ шафелиги остида афғон муаммосини музокаралар йўли билан ечишга қаратилган “6+2” мулоқот гуруҳини тузиш ташаббуси билан чиқди. Ушбу ташаббусни амалга ошириш мақсадида қатор сиёсий-дипломатик чора-тадбирлар кўрилди. Тошкент, Нью-Йорк ва Афғонистонда мазкур мамлакатда давом этаётган қуролли тўқношувларнинг иштирокчилари билан махсус музокаралар олиб борилди ва 1999 йилга келиб, Ўзбекистонда БМТ шафелигида “6+2” мулоқот гуруҳининг Афғонистон муаммоси ечимига багишланган халқаро анжуманини ўтказишга эришилди. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ушбу тадбирда 1-мартда Афғонистонда ўзаро нифоклашаётган кучлар вакиллари умумий музокаралар даражасида жамлашга муваффақ бўлинди. Бу ўзбек дипломатиясининг муҳим ютуқларидан бири эди.

Энг муҳими, Ўзбекистон ўзининг таклиф ва гоյларини амалий ишлар билан мустаҳкамлаб борди. Чунончи, Ўзбекистон Афғонистонда йўллар, кўприklar қурилишида фаол иштирок этди. Афғонистон тарихида энг биринчи замонавий темир йўл айнан Ўзбекистон томонидан “Термиз – Ҳайратон – Мозори Шариф” йўналишида қуриб битказилди ва 2010 йили ишга туширилди. Афғонистон пойтахти Қобул шаҳрини узлуксиз электр энергияси билан таъминлай бошлаган мамлакатлардан бири айнан Ўзбекистон бўлди. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг таклифига биноан Афғонистон Республикаси Президенти *Муҳаммад Ашраф Ғани* 2017 йил 4 декабр куни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Мамлакатлар ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган 16 ҳужжат имзоланди.

Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нуткида шундай деди: “Афғонистон масаласи глобал миқёсдаги масалалар марказида бўлиши лозим. Халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатлари, биринчи навбатда, Афғонистондаги ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилмоғи керак”. Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида дипломатик алоқалар 1992 йил 13 октябрда ўрнатилган. Икки томонлама ҳамкорлик 2016 йилга келиб изчил ривожлана бошлади. 2017 йил январда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили тайинлангани мамлакатларнинг икки томонлама муносабатларида алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Экологик муаммолар. Трансчегаравий дарёлар. 1990 йиллардан бошлаб Орол фожиасининг ҳалокатини бошидан кечираётган барча мамлакатлар БМТ, шунингдек бошқа халқаро ва минтақавий ташкилот минбарларидан жаҳон ҳамжамиятининг диққат эътиборини ушбу муаммога, уни минтақавий ва глобал хавфсизлик билан чамбарчас боғлиқ эканлигига жалб этиб келишмоқда. Орол фожиаси ва уни бартараф этиш чораларини қидириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Президенти И.Каримов 1993 йил сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида ва 1995 йил октябрдаги 50-сессияларида сўзлаган нутқларида жаҳон ҳамжамиятини Марказий Осиё минтақасидаги экологик ҳалокат бўлган Орол ва Оролбўйини қутқаришга кўмак беришга чақирди. Мазкур глобал муаммони БМТ шафелигида халқаро молиявий тузилмалар, ривожланган давлатлар кўмагисиз амалга ошириш мумкин эмаслигига БМТнинг эътиборини қаратди.

1993 йилда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон таъсислигида Оролни қутқариш халқаро жамгармаси (ОҚХЖ) ташкил этилди. 2010 йил “Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш” мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда И.Каримов трансчегаравий дарёлар ва улардан фойдаланишда адолат тамойилига риоя этиш зарурлиги, акс ҳолда минтақанинг эко оламига улкан фожиаларни келтириши мумкинлиги ҳақида яна бир оммага маълум қилди. 2013 йилда Оролбўйи учун Амударё дельтасидаги кичик сув ҳавзаларини ташкил этиш, шўрсизлантирадиган қурилмага эга сув чиқариш иншоотларини қуриш, ҳимоя ўрмонини ташкил этиш каби лойиҳа ва тадбирларни молиялаштиришга маблағлар ажратиш режаси тасдиқланган. 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси ва ОҚХЖнинг ўша пайтдаги Президенти И.Каримов ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида “Оролнинг қуриши оқибатларига барҳам бериш ва Оролбўйи экотизими ҳалокатини олдини олиш тадбирлари Дастури” илгари сурилди.

Глобал миқёсда ва минтақамизда экологик вазиятнинг тобора ёмонлашуви ва чучук сув тақчиллиги шароитида Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Маълумки, Марказий Осиёнинг икки асосий трансчегаравий дарёлари – Амударё ва Сирдарё тарихан минтақа халқларининг умумий бойлиги ва ҳаёт манбайи бўлиб келган. Айнан ушбу дарёларнинг қуйилиши ҳисобига Орол денгизи ҳавзаси сув билан таъминланган. Шуларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари томонидан жаҳон миқёсида йирик андозадаги тўгонлар, Амударё юқори қисмида баландлиги 350 метрни ташкил этадиган Рогун ва Сирдарё юқори қисмида Қамбарота ГЭСларини қуриш бўйича олиб бораётган ҳаракатларига бефарқ қараб тура олмади. Ўзбекистон Амударё ва Сирдарёнинг табиий оқимиغا, атроф муҳитга ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига

қандай таъсир этиши мумкинлигини англаш мақсадида БМТ шафелигида холис халқаро текширувдан ўтказилиши керак, деб ҳисоблади.

Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар трансчегаравий дарёларни бошқариш соҳасидаги ҳамкорликнинг йўқлиги туфайли ҳамон мураккаб бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон И.Каримов даврида Рогун ГЭСнинг қурилишига қатъий қарши чиққан. Ўзбекистон ушбу ГЭСнинг қурилиши билан дарёлар суви камайиб кетишини маълум қилган. Шунингдек, ГЭС тўғони бузиладиган бўлса, экологик фалокат хавфи билан оғоҳлантирган. Ш.Мирзиёев президент лавозимига киришгач, Ўзбекистоннинг Рогунга нисбатан позицияси ўзгарди. 2017 йилнинг ёзида Ўзбекистон Рогун ГЭС қурилишига қарши эмаслиги, фақат бу жараёнда Ўзбекистон миллий манфаатлари ҳам ҳисобга олиниши лозимлигини маълум қилди.

- *Трансчегаравий* – чегаралараро, бир неча давлат ҳудудидан ўтувчи. Дарёлар ва йўлларга нисбатан қўлланилади.
- *Шафе* (тарафини олувчи, ҳомий; воситачи) – бировга ён берувчи, ҳомийлик қилувчи; ҳомий.

Ўзбекистоннинг минтақавий ташкилотлар доирасида кўптомонлама ҳамкорлиги

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги мамлакатлар билан ўзаро тенг манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг диққат марказида бўлди. Чунки совет даврида ҳукм сурган бошқарувнинг марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик усули, мустабидлик сиёсати собиқ иттифок таркибига кирган мамлакатларни иқтисодий жиҳатдан бир-бирига шундай боғлаб қўйган эдики, натижада улар ўзаро қарамлик домига тушиб қолган эдилар. Шунинг учун собиқ иттифок таркибидан ажралиб чиққан ёш мустақил давлатлар буни чуқур ҳис қилар ва мавжуд қийинчиликлар ҳамда иқтисодий инқироздан чиқишнинг, мустабид сиёсат асоратидан қутулишнинг бирдан-бир йўли бир ёқадан бош чиқариб, ҳаракат қилиш эди. Ана шу нуқтаи назардан ҳам Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги *гоясини* қўллаб-қувватлади.

1991 йил 8 декабрда Белорус, Россия, Украина раҳбарлари Минскда *Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги* (МДХ)га асос солдилар. 1991 йил 21 декабрда Озарбайжон, Арманистон, Белорус, Қозогистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Украина бошлиқлари Алматида *Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига* аъзо бўлиб кирдилар. Шу тариқа XX асрнинг муҳим воқеаларидан бири содир бўлди – МДХ ихтиёрий иқтисодий уюшма юзага келди. Шундан буён МДХнинг бир неча йигилишлари ўтказилди, кўп хужжатлар қабул қилинди.

1993 йил январда Минскда МДХ давлатлари бошлиқларининг навбатдаги Кенгашида МДХнинг Низоми қабул қилинди. 1993 йил декабрда Ашхабод шаҳрида бўлган МДХ давлатлари бошлиқларининг Кенгашида Грузия МДХга аъзо этиб қабул қилинди. Натижада МДХнинг таркиби 12 давлатга етди. 1994 йил октябрда Москвада ўтказилган МДХ давлат бошлиқларининг Кенгашида Давлатлараро иқтисодий қўмитаси (ДИҚ)

тузилди. ДИҚнинг штаб-квартираси Москва шаҳри деб белгиланди. 1996 йилда МДХнинг *байроғи* қабул қилинди. МДХнинг *Раиси* лавозими навбат билан бир давлат раҳбаридан кейинги давлат раҳбарига ўтади. МДХнинг асосий мақсадларини амалга ошириш учун ҳамкорлик дастурлари ўзаро муносабатларида давлат суверенитетини ўзаро тан олиш ва ҳурмат қилиш, тенг ҳуқуқлилиқ ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, иқтисодий куч ёки бошқа тазйиқ услубларини қўллашдан воз кечиш каби қоидаларга риоя қилиш мажбуриятларини олганлар. 2004 йил сентябр ойида Қозогистон пойтахти Остонада бўлиб ўтган МДХнинг саммитида терроризмга қарши кураш бўйича МДХнинг “*Хавфсизлик Кенгаши*”ни тузишга қарор қилинди.

2005 йил августда Туркменистон МДХнинг расмий аъзоси даражасидан чиқиб, ҳамдўстликнинг ташкилий аъзоси - мақомини олади. 2008 йил август ойида Грузия МДХдан чиқиш ҳақидаги истагини билдирди ва 2009 йилнинг август ойидан Грузиянинг МДХга аъзолик мақомини тўхтатиш тўғрисидаги қарор қилинди. Бугунги кунда МДХнинг таркибига 10 та аъзо давлат: Россия, Украина, Белорусия, Қозогистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон, Арманистон, Молдова ва битта кузатувчи Туркменистон киради.

Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) – субминтақавий халқаро ташкилот бўлиб, Евроосиё худудининг 61 % ни эгаллайди. ШХТнинг расмий тили рус ва хитой тили, рамзи эса ок байрок бўлиб, байрокнинг марказига ташкилотнинг герби туширилган. Ташкилотнинг штаб-квартираси Пекинда жойлашган. 1996 йил Шанхайда Хитой, Россия, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон давлат раҳбарларининг саммитида чегара худудлари бўйича ҳарбий соҳада ўзаро ишончни мустаҳкамлаш билан боғлиқ шартнома (1996 йил 26 апрел) имзоланиши натижасида “*Шанхай бешлиги*” вужудга келган эди. 1997-1999 йилларда Москва, Алмати, Бишкекда бўлиб ўтган саммитларда “Шанхай бешлиги”нинг ҳолати янада мустаҳкамланиб, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилди.

2000 йил Душанбеда Ўзбекистон Республикаси 1-марта *кузатувчи* сифатида иштирок этди. 2001 йилда Хитойда бўлган навбатдаги Шанхай саммитида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов иштирок этиб, Ўзбекистоннинг “*Шанхай форуми*”га *тўла ҳуқуқли аъзо бўлиши тўғрисида*”ги Баёотни имзолади. Ўзбекистоннинг “Шанхай форуми”га кириши муносабати билан унинг номи *Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти – ШХТ*, деб ўзгартирилди. Саммит якунида “Шанхай Ҳамкорлик ташкилотини тузиш тўғрисида”ги декларация ҳамда “Террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисида Шанхай конвенцияси” имзоланди. 2002 йил ШХТга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг навбатдаги Санкт-Петербург саммитида 3 та ҳужжат: ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Декларацияси, ШХТ Хартияси, ШХТга аъзо давлатлар ўртасида Минтақавий антитеррор тузилмаси (МАТТ) ҳақидаги битим имзоланди.

2003 йил Москва бўлиб ўтган саммитда ШХТ *олий органлари* ҳақидаги Низомлар тасдиқланди ва ташкилотнинг *герби, байроғи* қабул қилинди. 2003 йил ШХТнинг Пекин саммитида “ШХТга аъзо давлатларнинг 20 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик Дастури” қабул қилинди. 2004

йил ШХТнинг Тошкент саммитида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор берилди. 2005 йил мамлакат раҳбарлари кенгашиб, 3 та Осиё мамлакати – Ҳиндистон, Эрон ва Покистонга кузатувчи мақоми берилиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Ташкилот географик жиҳатдан кенгайди ва бу ШХТнинг халқаро мавқеини янада юксалтирди. Бундан ташқари Афғонистон ва Мўғулистон мамлакатлари ҳам кузатувчи мақомига эга бўлишди, Туркия эса мулоқот бўйича шерикликка айланди.

2007 йил 1 январидан ШХТнинг *Бош котиби* лавозими жорий этилди ва бу лавозимни Қозоғистон Республикаси вакили Булат Нургалиев эгаллади. Бу лавозимда 2016 йилдан Тожикистон вакили Рашид Алимов фаолият кўрсатмоқда. ШХТнинг 2016 йилги Тошкент саммитида Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар имзоланди ҳамда 2017 йил Остонадаги саммитида Ҳиндистон ва Покистон ШХТга аъзо сифатида қабул қилинди. 2017 йилнинг июн ойида ШХТга аъзо давлат раҳбарларининг Остонада бўлган саммитида Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев нутқ сўзлаб, унда саммит иштирокчилари эътиборини Афғонистондаги вазиятни яхшилаш, ёшларни турли ёт гоълардан асраш, уларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, комил инсон бўлиб вояга етишида давлатлараро ҳамкорликка қаратди. Тартибга кўра, ШХТга Раислик Хитой Халқ Республикасига ўтди.

ШХТнинг олий органлари:

- Давлат бошлиқлари Кенгаши;
- Ҳукумат бошлиқлари Кенгаши (Бош вазирлар);
- Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши (2002 йил 1-мажлиси бўлиб ўтган);
- Миллий мувофиқлаштирувчилар Кенгаши;
- Вазирлар ва (ёки) идоралар раҳбарлари Йигилиши (2000 йил 1-учрашуви амалга оширилган);
- 2002 йил тузилган “Минтақавий Антитеррор тузилмаси (МАТТ);
- 2004 йил январ ойидан иш бошлаган Котибият ва бошқалар.

XX-боб. Миллий тараққиётнинг янги босқичи.

1-§. Шавкат Миромонович Мирзиёев – Ўзбекистон Республикаси Президенти

Президент сайлови. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов Ўзбекистон давлати ва давлатчилигини барпо қилиш, демократик фуқаролик жамияти қуриш асосларини яратди, мамлакат тараққиётининг асосий йўналишларини ишлаб чиқди, юртнинг ёруғ истикболи йўлида кўпмиллатли халқни бирлаштириб, уни улуг мақсадлар сари бошлаб борди. Буюк ишларни амалга оширган Ислом Каримов 2016 йил 2 сентябрь куни 78 ёшида Тошкент шаҳрида вафот этди. У 2016 йил 3 сентябрь куни Самарқанд шаҳрида дафн этилди.

2016 йил 8 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида парламент палаталарининг қўшма қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва ваколатларини бажариш вақтинча Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юкланди.

15 сентябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида 4 декабрда ўтказиладиган Президент сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида 14 та сайлов округи тузилди.

19 октябрь куни Тошкентда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съезди бўлиб ўтди. Унда партия сиёсий кенгаши аъзоси Шавкат Миромонович Мирзиёев номзодини Президентликка тасдиқлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан келган баённомаларга асосан 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган овоз бериш жараёнида сайловчилар рўйхатиغا киритилган 20 миллион 461 минг 805 нафар сайловчидан 17 миллион 951 минг 667 нафари иштирок этганини аниқлади. Бу рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонининг 87,73 фоизини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг натижаларига кўра, Сарвар Садуллаевич Отамуратовни ёқлаб 421 минг 55 нафар сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 2,35 фоизи овоз берди, Шавкат Миромонович Мирзиёевни ёқлаб 15 миллион 906 минг 724 нафар сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 88,61 фоизи овоз берди, Хатамжон Абдурахмонович Кетмоновни ёқлаб 669 минг 187 нафар сайловчи ёки 3,73 фоизи, Наримон Мажитович Умаровни ёқлаб 619 минг 972 нафар сайловчи ёки 3,46 фоиз сайловчилар овоз берди.

Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90, 117 - моддаларига, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 35, 36 - моддаларига, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9 - моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Шавкат Миромонович Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланган деб ҳисоблаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини бешта халқаро ташкилот – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари уюшмаси ва Ислом ҳамкорлик ташкилотидан ҳамда Америка, Европа, Осиё ва Африканинг 46 та давлатидан 600 нафарга яқин кузатувчи кузатиб боргани сиёсий кампания демократия

талаблари асосида очик ва ошкора ўтганининг ёркин далилидир. Сайлов жараёнини мониторинг қилишда сиёсий партиялардан 37 мингдан ортиқ кузатувчи ҳам фаол иштирок этди.

Сайловнинг очиклиги ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари ниҳоятда муҳим ўрин тутди. Президент сайловини 615 миллий ва 272 хорижий оммавий ахборот воситалари, шу жумладан 315 та хорижий ва миллий интернет нашрлари ёритиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ва округ сайлов комиссияларининг матбуот марказлари томонидан Ўзбекистон ва чет элнинг 1 минг 400 нафардан ортиқ журналистлари иштирокида сайлов кампаниясининг муҳим босқичларига бағишланган 180 та матбуот анжумани ва онлайн брифинглар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ 22 минг 700 дан зиёд мақола ва ахборот материаллари эълон қилинди, кўрсатув ҳамда эшиттиришлар эфирга узатилди.

Мажлисида қайд этилганидек, 4 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакат ўз олдига қўйган буюк мақсадлар йўлида – дунёдаги ривожланган демократик давлатлар каторидан ўрин эгаллаш, мамлакатни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан модернизация қилиш, халқ учун эркин, тинч ва фаровон ҳаётни таъминлаш борасида яна бир улкан қадам қўйганини, таъбир жоиз бўлса, мустакил тараққиётининг янги даврига кириб бораётганини яққол намойиш этди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун 39-моддасига мувофиқ, Президент МСҚ томонидан сайлов натижалари расмий тарзда эълон қилинган кундан эътиборан кечи билан икки ой ичида Олий Мажлис йиғилишида қасамёд қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришиши лозим.

Ўзбекистон Конституциясининг 92-моддасига кўра, Президент Олий Мажлис йиғилишида қуйидаги қасамёдни қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади: «Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига қафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».

2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган Президент сайлови якунлари бўйича сайловчиларнинг 88,61 фоиз овози билан Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди. 2016 йил 14 декабрда расман ўз вазифасини бажаришга киришди.

Таянч сўзлар: 1957 йил 24 июль, Ш.М.Мирзиёев, 2016 йил 8 сентябрь, Президент сайлови, С.С.Отамуратов, Х.А.Кетмонов, Н.М.Умаров, 2016 йил 4 декабрь, 2016 йил 14 декабрь.

2-§. Ҳаракатлар стратегияси – халқчил ислоҳатларнинг янги босқичи

*Халқ давлат органларига эмас, балки давлат
органлари халқимизга хизмат қилиши керак.*

Ш.Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралда имзоланган Фармонига мувофиқ уни ҳаётга жорий этиш бўйича қонуний тамойил ва механизмлар тасдиқланди.

Мазкур Фармонга берилган шарҳда Ҳаракатлар стратегиясининг аҳамияти алоҳида таъкидланиб, бу борадаги лойиҳаларни тайёрлаш давомида аҳолининг кенг қатламлари орасида қизгин муҳокамалар олиб борилгани, улар турли ахборот майдонларига жойлаштирилгани, бунинг натижасида кўплаб таклиф ва мулоҳазалар келиб тушгани, хусусан, “Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими” порталида йўлга қўйилган муҳокамалар туфайли келиб тушган 1310 та таклиф-мулоҳаза асосида “Халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурининг 41 та банди қайта кўриб чиқилгани қайд этилади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизда ҳам, чет эл ижтимоий-сиёсий доиралари томонидан ҳам катта қизиқиш ва эътибор билан ўрганилмоқда. Бу борада атоқли олимлар, нуфузли эксперт ва кузатувчилар, турли даражадаги кўзга кўринган раҳбарлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Ҳаракатлар стратегиясининг ҳар бир устувор йўналиши мамлакатимиз тараққиёти учун гоёт муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат.

Биринчи йўналишда давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари алоҳида белгилаб берилди. Унда демократик ислоҳатларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, шу орқали қонун устуворлигига эришиш асосида жамиятда бошқарувнинг эркин ва халқ ҳокимиятчилиги тамойилларини чуқурлаштиришга эришилади.

Давлат бошқаруви тизимини либераллаштириш, турли бюрократик тўсиқларни камйтириш, давлат бошқарувида кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш чораларини кўриш бўйича аниқ гоёлар илгари сурилади. Очик жамият қуриш, давлат ва фуқаро муносабатларини мустаҳкамлаш ва натижада Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида муҳрлаб қўйилганидек, **давлатнинг ягона ва бирдан-бир манбаи халқ экани, давлат халқ манфаатларини ҳимоя қилиши, айна пайтда халқ ўз мақсад ва интилишларини, орзу-умидларини давлат тизимида кўриши** каби принцип ва қоидаларни тўлиқ амалга ошириш асосий мақсад қилиб қўйилган. Айна шу масалалар ислоҳатларнинг халқиллигини аниқлатади.

Иккинчи йўналиш – қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан иборат. Бунда суд ҳокимиятининг чинакам самарадорлигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш устувор вазифа қилиб қўйилади.

Мазкур йўналишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш орқали инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, қабул қилинган барча қонунларнинг тўла ва самарали ишлатиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширишга жиддий эътибор берилади.

Олий суд фаолиятини ислоҳ қилиш, унинг замонавий, ҳозирги кун талаблари асосида ишлайдиган тизимини вужудга келтириш борасида янги гоялар илгари сурилади. Жумладан, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш орқали адолатли, халқчил, фуқаролар манфаатларини тўла ҳимоя қила оладиган, уларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиб берадиган суд тизимини вужудга келтириш талаб этилади.

Жиноятчиликка қарши курашиш, энг муҳими, турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилмаслиги чораларини кўриш, профилактика тизимини янада чуқурлаштириш ва самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, қонунга риоя қилиш ва қонун устуворлигига эришиш орқали суд ва судловнинг юксак маданиятига эришиш йўл-йўриқлари аниқ-равшан акс эттирилади.

Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш орқали суд-ҳуқуқ органларини “жазоловчи органдан фуқаролар манфаатини ҳимоя қиладиган, уларнинг кундалик юмушларига ёрдам берадиган, ҳар қандай муаммоларни қонун доирасида ҳал қилиб берадиган хизматлар органига айлантириш” (И.Каримов) механизмининг юқори савияда ишлашини таъминлаш бўйича амалий ечим ва таклифлар илгари сурилади.

Учинчи йўналиш – иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини ўзида ифода этади. Бунда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, мамлакат экспорт салоҳиятини кучайтириш бош вазифа қилиб қўйилган.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, тупроқ унумдорлигини ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш, янги ва харидоргир маҳсулотлар етиштириш орқали жаҳон бозорига чиқишнинг янги йўналишларини жорий этиш назарда тутилади.

Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, мулкка эгалик қилиш ва унинг ҳажмини ошириш орқали юқори самарадорликка эришиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, уни рағбатлантириш мўлжалланмоқда. Вилоят, туман ва шаҳарларни уларнинг табиий-географик

имкониятлари, ер шароити ва деҳқончилик маданиятини назарда тутган ҳолда, ҳудудий эҳтиёж ва манфаатлар нуқтаи назаридан иқтисодий ривожлантириш чораларини кўриш белгиланган.

Тўртинчи йўналишда ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ўз ифодасини топган. Бунда аҳоли бандлиги ва унинг реал даромадларини изчил ошириш, жумладан, меҳнатга лаёқатли аҳоли қатлами учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат фаолиятининг янги шакл ва турларини жорий этиш назарда тутилмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини янада чуқурлаштириш масалаларига алоҳида аҳмият берилмоқда.

Шунингдек, аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш, ҳаёт шароитларини яхшилаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни модернизация қилиш орқали узок истикболга мўлжалланган ва муносиб турмуш даражасини таъминлайдиган юксак маданиятли яшаш шароитига эришиш чора-тадбирларини кўриш энг муҳим вазифа қилиб қўйилган.

Таълим-тарбия ва илм-фан соҳасини ривожлантиришга, ҳар томонлама баркамол, етук инсон – юқори малакали мутахассисни тарбиялашга алоҳида эътибор берилади. Бу эса ёшларга оид давлат сиёсатини бутун чоралар билан такомиллаштиришни тақозо этади.

Бешинчи йўналиш – хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор вазифалар билан боғлиқ бўлиб, бунда дунё калқиб турган, турли минтақаларда уруш давом этаётган, қон тўкилаётган бир шароитда миллий хавфсизликни таъминлашга жиддий эътибор бериш энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ўндан ортиқ диний конфессиялар, 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари яшаётган Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ўзаро ишонч, бир-бирини тушуниш, турли эътиқод ва маданиятларни ҳурмат қилиш сингари бағрикенглик фазилатларни янада чуқурлаштиришнинг аҳамияти бекиёс эканлиги таъкидланади.

Ўзбекистон деб аталган умумий хонадонимиз, 32 миллионли оиламиз истикболи учун диний эътиқоди, миллий мансублиги, касбу кори ва ёшидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро масъул эканини англаш, фарзандларимизни шу руҳда тарбиялаш асосий вазифа этиб белгиланган.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланганидек, давлатларнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлигини сақлаш, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоиди ва нормаларига асосланиб, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат олиб бориш бўйича устувор йўналишларини ишлаб чиқиш муҳим вазифа қилиб қўйилган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўтган 25 йил давомида мамлакатимиз эришган улкан ютуқлар, тарихий тажрибаларни умумлаштириб, ҳозирги кунда даврнинг ўзи олдимизга қўяётган долзарб масалаларни ҳисобга олиб, кейинги беш йилга ва ундан кейинги даврга мўлжалланган тарихий тараққиётнинг янги уфқларини очиб беришга қаратилган бўлиб, у ўзининг моҳият эътибори билан Ўзбекистонни янги ривожланиш босқичига кўтаришни таъминлайдиган стратегик дастурдир.

Халқимиз ўртасида “Ҳаракатлар стратегияси” деган ном билан тобора машҳур бўлиб, унинг ҳаётига чуқур кириб бораётган мазкур дастурнинг ҳар бир йўналиши ва банди, унинг ажралмас қисми бўлган “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили (2017)”, “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили (2018)” Давлат дастурларининг самарали амалга оширилиши ҳар биримизнинг мазкур жараёнда онгли ва ватанпарвар фуқаро, шу юртнинг фидойи фарзанди сифатида фаол иштирок этишимизга бевосита боғлиқдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ташкил топган кун бутун дунёда 1948 йилдан буён нишонланади. Айти пайтда Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. 2017 йил Тошкентдаги Халқаро Пресс-клубда Ўзбекистон билан БМТ ўртасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил топган кунга бағишланган барқарор ривожланиш соҳасидаги ҳамкорлик масалалари бўйича бўлиб ўтган сессияда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистон Республикасидаги Доимий вакили Хелена Фрейзер Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Дастурига кўмаклашиш борасида тўхталиб ўтди:

“БМТнинг Ўзбекистондаги тизими мамлакат томонидан ўз олдиға қўйилган аҳамиятли вазифаларға эришиш борасида ёрдам кўрсатмоқда. Биз 1993 йилдан буён ҳукуматни миллий ривожланиш дастурларини амалға ошириш борасида қўллаб-қувватламоқдамиз. Ҳозирги пайтда биз Ўзбекистон ҳукумати билан мамлакатдаги БМТ агентликлари ўртасида барқарор ривожланиш соҳасидаги глобал кун тартиби ва ҳукуматнинг Ҳаракатлар Дастури доирасида амалға оширилаётган яқин ҳамкорликни қайд этишдан мамнунмиз,” - деди.

Тадбирда таъкидланганидек, Барқарор Ривожланиш мақсадлари республика учун алоҳида аҳамиятға эға, зеро БМТ тарихида илк бор умумқамровли глобал маслаҳатлашув жараёнида 2030 йилгача ривожланиш борасида яғона нуқтаи назар ишлаб чиқилди. Ушбу кун тартиби БМТ нинг 193 та аъзо давлатлари томонидан тасдиқланди ва шу тарзда 2030 йилгача дунёға нисбатан умумий нуқтаи назарни ифодалайди.

Шунингдек, қайд этилган маълумотларға кўра, 1992 йилдан бошлаб БМТ Ўзбекистонға кўрсатган молиявий кўмағи қарийб 471 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Ушбу молиявий ёрдам Ўзбекистонни ривожлантириш мақсадида бошқа давлатларнинг илгор тажрибасини оммалаштиришда ифодаланди.

Ўзбекистоннинг сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа - Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан биринчи марта мамлакат парламенти – Олий Мажлисга **Мурожаатнома** тақдим этилди. Маълумки, дунёдаги кўпчилик тараққий топган мамлакатларда давлат раҳбарининг миллий парламент аъзолари ҳузурида энг асосий ва долзарб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масалалар ва жамиятни демократик ривожлантириш бўйича Мурожаатнома билан чиқиш тажрибаси мавжуд.

Давлат бошқарувининг бундай демократик усули Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, авваламбор, халқ билан мулоқот принципига гоят уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, иш фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Анжуманда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзолари билан бирга, видеоконференция алоқа тизими орқали туман, шаҳар ва вилоятлардаги маҳаллий Кенгашларга сайланган халқ ноиблари ҳамда барча бўгиндаги ижро ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, нодавлат ташкилотлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мурожаатнома тараққиётнинг янги босқичи бўлган 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган.

Аввало, йил давомида мамлакатни янада тараққий эттириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун давлат ва жамиятнинг бор куч ва имкониятлари сафарбар этилганини таъкидлаш жоиз. Бу борада **“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”** Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим қадам бўлди.

Мамлакатда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар халқ томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳоли ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, эл-юртнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда. Мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарор халқ билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилинмоқда.

“Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” деган гоя бу борада фаолият мезонига айланмоқда. Давлат ходимлари, аввало, биринчи раҳбарлар фақат кабинетда ўтирмасдан, жойларга бориб, аҳолини безовта қилаётган энг долзарб муаммоларнинг амалий ечими билан шугулланмоқда.

Шу маънода 2017 йил халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, ҳаётини муаммоларини самарали ҳал этиш бўйича янги тизим яратилган йил бўлди, деб айтиш мумкин. Бу тизимнинг асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда.

Қисқа муддатда ана шу қабулхоналарга бир ярим миллиондан зиёд фуқаро мурожаат қилгани ва қанча-қанча одамнинг йиллар давомида ҳал этилмаган муаммолари ижобий ечилгани Ўзбекистонда халқ ҳокимияти

номига эмас, амалда жорий этилаётганини кўрсатмоқда. Жойларда раҳбарларнинг йўл кўйилган хато ва камчиликларни тезлик билан бартараф этиш юзасидан шахсий жавобгарлиги кучайгани мазкур тизимнинг муҳим натижаси бўлди.

Айнан халқ манфаатларини ҳисобга олиб, ижтимоий адолатни таъминлаш бўйича энг муҳим институт бўлган суд-ҳуқуқ соҳасида, прокуратура ва ички ишлар органлари тизимида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимда атрофлича сўз юритилди.

2017 йилда Ўзбекистон ёшлар иттифоқини ташкил этиш, Хотин-қизлар кўмитаси, “Маҳалла” ва “Нуроний” жамғармалари ишини янада фаоллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистонда яшаб келаётган, лекин фуқаролиги бўлмаган 1100 дан ортиқ шахсга Ўзбекистон фуқаролиги берилди. Бу инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлашга қаратилган ишларнинг яна бир тасдиғидир.

2017 йилда иқтисодиёт соҳасида замон талабларига жавоб берадиган, янгича маъно-мазмундаги ва самарали ислохотларни амалга ошириш йўлида биринчи қадамлар кўйилди. Иқтисодиётни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича катор конунлар, фармон ва қарорлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилинди ва улар изчил амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг гоят муҳим йўналиши бўлган **ижтимоий соҳани** ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси ҳам босқичма-босқич таъминланмоқда. Маълумки, аҳолини, айниқса, бюджет соҳаси ходимларини, кам таъминланган оилаларни уй-жой муаммоси кўпдан буён қийнаб келарди. Бу огир ижтимоий муаммога деярли эътибор берилмай келган эди.

Халқнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, 2017 йилда имтиёзли ипотека кредитлари асосида **арзон уй-жойлар қуриш** лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Шаҳар ва қишлоқларда жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Бу рақамни аввалги йилларга такослайдиган бўлсак, 2007 йилга нисбатан 20 баробар, намунавий уй-жойлар қуриш дастури бошланган 2010 йилга нисбатан 3,5 баробар, 2014 йилга нисбатан эса 2 баробар кўп уй-жой қурилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, кейинги 25 йил давомида биринчи марта аҳоли учун арзон, барча қулайликларга эга бўлган кўпқаватли уй-жойлар қуриш бошланди. 2017 йилнинг ўзида 800 минг квадрат метрдан зиёд ана шундай уй-жойлар қуриб фойдаланишга топширилди. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида жорий йилда 420 минг квадрат метр кўпқаватли уй-жой фонди фойдаланишга топширилди. Бу 2016 йилга нисбатан қарийб 3 баробар кўпдир.

Одамларнинг ҳаётий эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашда бу муҳим масаланинг нақадар ўткир ва долзарб муаммо бўлиб турганини ҳисобга олиб, бу ишларнинг ҳажмини оширган ҳолда, 2018 йилда ҳам давом эттирилди.

“Чунки, халқ эртага эмас, узок келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни кўришни истайди” – деб таъкидлади Президент.

Оролбўйида экологик вазиятни яхшилаш юзасидан аниқ чоралар кўрилди. Молия вазирлиги ҳузурида Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамгармаси тузилди ва унга 200 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Ана шу маблағлар ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисининг сув таъминоти, турмуш шароити яхшиланмоқда. Шу билан бирга, мазкур ҳудудларда 3 минг километрдан ортиқ ички йўллар капитал таъмирланди ва реконструкция қилинди.

2017 йилда янги **таълим муассасаларини** қуриш, мавжудларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди. 12 та умумтаълим мактаби янгитдан барпо этилди, 320 таси реконструкция қилинди, 152 та мактаб капитал таъмирланди. Шунингдек, 107 та мактабгача таълим муассасаси реконструкция қилинди ва қурилди, 195 та богча капитал таъмирланди. Фарзандлар тарбиясида энг асосий бўгин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жамият ҳаётидаги катта ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Ушбу соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жумладан, яқин 3-4 йилда барча ҳудудларда минглаб янги богчалар қуриш, таълим-тарбия сифати ва даражасини янги босқичга кўтариш лозим.

Кўплаб ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамда кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклифлар асосида 11 йиллик таълим қайта тикланди. Жойлардаги ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни қоплаш учун Тошкент вилоятида Чирчиқ давлат педагогика институти ташкил этилди. Бундан ташқари, 15 та олий таълим муассасасида ташкил этилган махсус сиртки бўлимларда ўрта махсус маълумотга эга бўлган 5 мингдан ортиқ педагоглар учун олий маълумот олиш имконияти яратилди. Таълим тизимидаги инновация ва креатив ёндашувлар асосида Мухаммад Хоразмий ва Мирзо Улугбек номлари билан аталадиган, аниқ фанлар чуқур ўқитиладиган махсус мактаблар ташкил этилди.

Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017-2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури қабул қилинди. Янги ташкил этилган институт ва филиаллар ҳисобидан юртимиздаги олий таълим муассасалари сони 81 тага, ҳудудлардаги филиаллар 15 тага, хорижий университетлар филиаллари 7 тага етди. Шулар қаторида Олмалик шаҳрида Москва пўлат ва қотишмалар институтининг, Тошкент шаҳрида эса АҚШнинг Вебстер университетининг филиалларини ташкил этиш бўйича келишувларга эришилганини таъкидлаш лозим. Олий таълим муассасаларида иқтисодийнинг реал секторидаги талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, сиртки ва кечки бўлимлар очилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси тизими такомиллаштирилди, моддий-техник базаси мустаҳкамланди, унинг таркибида бир қатор илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар фаолияти тикланди. Кўп йиллик танаффусдан сўнг Фанлар академиясига сайлов ўтказилиб, ўзининг илмий ишлари билан мамлакат ва халқаро миқёсда ном қозонган истеъдодли олимлар академик

деган юксак шарафга сазовор бўлдилар. Энди Фанлар академиясидан янги илмий ишланмалар, истиқболли тадқиқотлар яратиш бўйича амалий натижалар кутилмоқда. Буларнинг барчасидан ягона бир мақсад кўзда тутилмоқда. Яъни Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт.

2017 йилда **маданий-гуманитар соҳаларни ривожлантириш бўйича, аввало, маданият, адабиёт ва санъат, оммавий ахборот воситалари соҳасига** тааллуқли 12 та муҳим ҳужжат қабул қилинди. Ижодий уюшмаларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш “Илҳом” жамоат фонди, шунингдек, маданият ва санъат муассасалари ҳамда йирик компания ва банклар ҳамкорлигида “Дўстлар клублари” ташкил этилди.

Тошкент шаҳридаги Миллий бог ҳудудида муҳташам Адиблар хиёбони, Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси, Қорақалпоғистонда ва бир қатор вилоятларда улуг адибларнинг номлари билан аталган ижод мактаблари барпо этилди. Шунингдек, Қўқон шаҳри, Хоразм ва Жиззах вилоят драма театрлари қайта реконструкция қилинди, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фаргона минтақавий филиали ташкил этилди.

Маънавий ҳаётда муҳим воқеа бўлган ана шундай лойиҳалар ҳақида гапирганда, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислом академияси каби илмий-маърифий муассасалар фаолиятини йўлга қўйиш ишлари бошланганини алоҳида қайд этиш зарур. Шулар қаторида буюк алломаларнинг ёдгорлик мажмуалари қошида ҳадисшунослик, ислом ҳуқуқшунослиги, тасаввуф, калом ва ақида илми каби диний-маърифий йўналишларни ўрганиш бўйича махсус мактаблар ташкил этилди. Албатта, бу ишлар чуқур илмий ва амалий асосларга эга.

Маълумки, қадимий маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган бу заминидан ўрта асрларда минглаб олиму уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиққан. Уларнинг аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси, бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини кутиб турибди. Ушбу ноёб асарларда бугунги давр ўртага қўяётган жуда кўп долзарб муаммоларга жавоб топиш мумкин.

Хусусан, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб берадиган, барча одамларни эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик йўлида бирлашишга даъват этадиган теран маъноли фикр ва гоёлар бугун ҳам ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотган эмас.

“Биз ана шундай ноёб мерос ворислари, шундай бойлик эгалари бўлатуриб, уларни ҳар томонлама ўқиш-ўрганиш, халқимиз, аввало, униб-ўсиб келаётган ёшларимизга, жаҳон ҳамжамиятига етказиш бўйича, етарли

иш қилмаганимизни ҳам очик тан олиш керак. Биз диний жаҳолатга, зарарли оқимларга қарши маърифат билан курашиш кераклиги ҳақида кўп гапирамиз. Бу тўғри, албатта. Лекин маърифат, маърифий билимлар қаерда – аввало ота-боболаримиз бизга қолдириб кетган мана шундай мўътабар китобларда эмасми? Бизнинг ушбу йўналишдаги барча амалий ҳаракатларимиз айнан мана шундай эзгу мақсадга қаратилган бўлиб, нафақат мамлакатимиз ва мусулмон дунёсида, балки жаҳон микёсида ҳам катта кизиқиш ва эътибор уйғотмоқда. Ана шундай бебаҳо бойликка, минглаб билимдон уламолар, фаол зиёлиларга эга бўлган, бу соҳада катта ташаббуслар билан чиқаётган халқ ва давлат сифатида юртимиздан қандайдир ақидапараст, диний оқимларга берилган кимсаларнинг чиқиши албатта бизга ярашмайди,” – деди Ш.Мирзиёев.

2017 йил **жисмоний тарбия ва спорт соҳаси** бўйича ҳам катта ишлар қилинди. Ёшларнинг спорт соҳасидаги ютуқлари барчани қувонтирмоқда. Жаҳон ва китъа микёсида янги-янги чемпионлар, шахмат бўйича халқаро гроссмейстерлар етишиб чиқмоқда. 2017 йилда ўзбекистонлик спортчилар бокс, дзюдо, таэквандо, оғир атлетика, эркин кураш, самбо бўйича ўтказилган турли халқаро мусобақаларда салмоқли ютуқларга эришдилар.

2017 йил айниқса ўзбек миллий кураши тарихида ёрқин саҳифа бўлди. Сентябрь ойида Туркменистонда бўлиб ўтган Осиё олимпия кенгаши Бош ассамблеяси йигилишида ушбу миллий спорт турини Осиё ўйинлари дастурига киритиш ҳақида қарор қабул қилинди. Яъни 2018 йил Индонезияда бўлиб ўтадиган 18-Осиё ўйинларида китъа спортчилари ўзбек миллий кураши бўйича ҳам ўзаро беллашдилар. Энди жаҳон спорт майдонларида “халол”, “ғирром”, “чала”, “ёнбош” деган сўзлар жаранглаб, ўзбек номини, Ўзбекистон номини дунёга тараннум этади. Айни вақтда Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитасининг фаолиятини такомиллаштириш устида иш олиб борилмоқда. Бўлгуси халқаро олимпиада ўйинлари ва бошқа нуфузли мусобақаларга тайёргарлик ишлари энди бутунлай янги асосда йўлга қўйилади.

Ўтган давр мобайнида **ташқи сиёсат соҳасида** хорижий давлатлар, биринчи навбатда, кўшни мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасида сезиларли натижаларга эришилди. 2017 йилда 21 та олий даражадаги ташрифлар амалга оширилди, 60 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Натижада 400 дан ортиқ битим ва келишувларга эришилди, қарийб 60 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди. Қабул қилинган ҳужжат ва келишувларни ўз вақтида тўлиқ бажариш мақсадида 40 та “йўл харитаси” ишлаб чиқилди ва хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда амалга оширилмоқда.

“Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё – бош устувор йўналиш” тамойилини амалда татбиқ этишга киришилди. Натижада минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит яратилди, ўзаро ишонч ва яхши кўшничилик асосидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда. Туркменистон ва Қирғизистон билан стратегик ҳамкорлик ўрнатилди. Қозоғистон билан стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш борасида бир қатор муҳим

хужжатлар имзоланди, 2 миллиард доллар миқдорида иқтисодий битимлар тузилди.

Тожикистон билан ҳамкорлик ҳар томонлама мустаҳкамланмоқда. Тошкент ва Душанбе шаҳарлари ўртасида авиақатнов йўлга қўйилди. Қирғизистон билан давлат чегаралари тўғрисидаги битимнинг имзоланиши Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган катта қадам бўлди.

Қўшни Афғонистон Ислом Республикаси билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлида муҳим келишувларга эришилди, янги иқтисодий лойиҳалар бўйича амалий ишлар бошланди. Шунингдек, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Туркия, АҚШ ва Европа Иттифоқи давлатлари, мусулмон мамлакатлари билан ҳам самарали битим ва келишувларга эришилди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби халқаро тузилмалар билан алоқаларни янги босқичда давом эттирмоқда. Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлик тикланди, Европа инвестиция банки билан шериклик алоқалари ўрнатилди. Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялар банки билан ўзаро ҳамкорлик самарали тус олмоқда.

Мамлакатдаги ижобий ўзгаришлар дунё ҳамжамиятида Ўзбекистонга бўлган қизиқишни ошириб, унинг халқаро майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурини амалга оширишда давлат ва нодавлат ташкилотлар, хўжалик бирлашмалари ва компаниялар муносиб иштирок этган, бу эзгу ишга барча инсонлар ҳисса қўшган.

Мамлакатда шаклланган ижобий анъанага мувофиқ, кириб келаётган янги – 2018 йилга қандай ном бериш ҳақида йил давомида фуқаролардан Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига, давлат идораларига келган кўплаб мурожаат ва хатлар, жойларда бўлиб ўтган учрашувларда билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳам ҳисобга олинди. Билдирилган таклиф ва тавсияларнинг барчасини инобатга олиб, Президент янги – 2018 йилга **Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили**, деб ном беришни таклиф этди.

Фаол тадбиркорлик - бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илгор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишдир. Фаол тадбиркор - рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонлардир.

Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш биринчи галдаги вазифа қилиб белгиланди. Хориждаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба орттириши, ўзаро

манфаатли ҳамкорлик қилиши учун уларга ҳар томонлама имконият тугдириб бериш лозим бўлади.

Бугун давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган **инновацион ривожланиш йўлига ўтилмоқда**. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда янги фикр, янги гояга, инновацияга таянган давлат ютади. **Инновация** – бу келажак дегани.

“Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион гоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак. Шунинг учун биз Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этдик ва унинг олдида аниқ вазифаларни кўйдик. Бу вазирлик нафақат иқтисодий соҳасида, балки бутун жамият ҳаётида энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос локомотив ролини бажаради, деб ишонамиз. 2018 йилда илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, бунинг учун зарур молиявий ресурсларни сафарбар этиш, ушбу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини, ижодий гоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси эътиборимиз марказида бўлади,” – деди Мурожаатномада Ш.Мирзиёев.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномаси, унинг сайланганига бор-йўғи бир йил бўлишига қарамасдан, яқин ўтмишдаги вазиятни теран таҳлил қилиб, яқин келажакка аниқ вазифаларни белгилаб берувчи, чуқур мушоҳадали нутқ бўлди, десак тўғри бўлади. Бундай мурожаатлар одатда бошқа давлатларда доимий ўтказиб келинади. Лекин бугун илк бор бундай амалиёт Ўзбекистонда қўлланди. Ўзбекистон раҳбари 4 соат давомида тик турган ҳолда, тўғридан-тўғри мамлакат Парламенти, ҳукумати ва халқига мурожаат қилди. Бу Мурожаат қайси жиҳатлари билан эътиборга молик бўлди:

Биринчидан, мураккаб масалаларнинг ечимига танқидий мулоҳаза орқали ёндашув бўлди.

Иккинчидан, Парламент депутатлари ва сенаторлари олдида янги вазифалар белгилаш ва уларнинг фаолияти доирасини кенгайтириш, жамиятда бўлаётган сиёсий-иқтисодий жараёнлардаги иштирокини кучайтиришда янги «йўл харитаси» белгиланди.

Учинчидан, ҳақиқий демократияни энг қуйи тузилма – туманлардан бошлаб энг юқори Республика идораларида ўрнатиш ва унинг ажралмас механизми – ўзаро чекловлар ва мувозанат тизимини ниҳоят ишлатиш зарурлиги таъкидланди.

Тўртинчидан, Президент 13 йил мамлакат Бош вазири, 10 йил икки вилоят ҳокими сифатидаги кузатув ва хулосаларини аниқ, тартибли тизимга солиб, давлат бошқарувида муҳим институционал ўзгаришларга асос яратиб берди.

Бешинчидан, сўнги йилларда ўз функционал вазифаларини бажаришдан анча нарига чиқиб кетган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига Конституциявий нормага асосланиб иш юритишга чақирди. Хусусан, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Прокуратура, Давлат солиқ қўмитаси. Бу органлар фақат юклатилган вазифалари билан шугулланишга

чакирилди. Тадбиркорлик фаолиятига аралашув, манфаатли «текшир-текшир»ларни тўхтатмасалар, коррупцион ҳолатлар давом этса, шахсан Президентнинг ўзи бу ташкилот мутасаддиларига жиноий иш кўзғатиши таъкидлаб ўтилди. «Биз 37-йилни кўрганмиз. У ҳали ҳам эсимизда. Ҳар хил «деди-деди»лар киши тақдирини ҳал қилмаслиги керак. Бу одатни бас қилайлик», - дея таъкидлади Президент.

Олтинчидан, мамлакат иктисодиёти ва статистикасидан «рассомлар»ни четлаштириш, реал ҳаёт билан яшаш лозимлигига алоҳида ургу қаратди Шавкат Мирзиёев. Халқаро валюта фонди маълумотларига кўра, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотнинг даромад қисми киши бошига ҳажми бўйича 187 давлат ўртасида 134-ўринни эгаллаган. Ваҳоланки, бундай ҳолат Ўзбекистоннинг бой салоҳияти ва ресурсларига тўғри келмайди.

Президент бу соҳада кадрлар кескин етишмаслигини таъкидлаб, журналистика ва оммавий коммуникация воситалари соҳасида алоҳида университет ташкил этиш таклифини илгари сурдилар. Ундан ташқари, нодавлат оммавий ахборот воситаларга, хусусан, веб-сайтлар фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган Давлат жамғармасини таъсис этишни таклиф қилди.

Яна бир муҳим янгилик – Давлат раҳбари тараққиётда муҳим инновация – ҳокимиятни номарказлаштириш, яъни марказ ваколатларининг кўп қисмини вилоятларга беришни таклиф қилдилар. Бу дегани, кўплаб руҳсатномалар, лицензияларни олиш Тошкент билан боглиқ бўлмай, вилоятларнинг ўзида амалга оширилади. Шунингдек, вилоятлар ва туман ҳокимларига кўпроқ эркинлик бериш ва уларга Президентнинг жойлардаги вакили сифатида қараш лозимлигини уқтирдилар.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқи эса Ўзбекистоннинг ички сиёсатида, ижтимоий-иктисодий муҳитида муҳим ўзгаришлар ҳамда янги ва илгор ривожланиш гоёларининг эскилик саркитига қарши тизимли курашини бошлаб берди, десак муболага бўлмайди. Ўзбекистон лидери лоқайдлик, бепарволик, порахўрлик, коррупция, сохтакорлик, ваколатни суиистеъмол қилишга қарши курашни эълон қилди. Умуман олганда, Президентнинг Мурожаати нафақат ички, балки яқин ва узоқдаги қўшнилар билан ҳамкорликни жадаллаштиришга қаратилган «йўл харитаси» ҳам бўлди, десак тўғри бўлади.

Президентнинг виртуал қабулхонасига бир йилда бир ярим миллион мурожаат келиб тушди. Бу тўпланиб қолган муаммолар, масалалар бўйича жиддий кўрсаткич. Президент таклифига биноан янги интерактив инновация – «Менинг фикрим» портали иш бошлади. Энди маиший муаммоларни айтишдан таклиф беришга ўтилди.

Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабр куни Парламентга қилган мурожаати нафақат Ўзбекистон халқи, балки чет эл давлат раҳбарлари ва фуқаролари томонидан катта кизиқиш билан қарши олинди. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаати асосий қисмлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 72-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида “2030 йилгача давр учун барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибини амалий тадбир этилиши бўйича Ўзбекистон ҳукумати чора-тадбирлари тўғрисида”

сарлавҳаси остида тарқатилди. Хужжат ташкилотнинг олтига расмий тилига (араб, француз, инглиз, испан, рус ва хитой) таржима қилинди ва БМТда аккредитация қилинган барча дипломатик ваколатхоналар орасида тарқатилди, шунингдек, БМТ Расмий хужжатлари тизимида жойлаштирилди.

Таянч сўзлар: фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологиялар, «йўл харитаси», арзон уй-жой, диверсификация, коррупция, Ёшлар иттифоқи, мактабгача таълим, Хелена Фрейзер, БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессияси.

3-§. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари.

Ўзбекистон Республикаси истиқлол йилларида эришган ютуқларга таяниб, **миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари** дадил кадам қўймоқда. Мамлакат тараққиётини янада юксак босқичга кўтариш мақсадида Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Бу ноёб хужжатда белгиланган улугвор вазифаларни рўёбга чиқаришга қатъий киришилгани янги уфқ ва имкониятлар очиб бермоқда. Дунё миқёсида рақобат кескинлашиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда мамлакатни илм-фан ютуқлари, юқори технологиялар асосида модернизация қилиш ва янгилаш энг муҳим вазифага айланмоқда.

Ана шундай ўткир талабни чуқур англаган ҳолда, 2018 йил **Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили**, деб эълон қилинди. Бу борада қабул қилинган Давлат дастурида 11 триллион 200 миллиард сўм ва 1 миллиард 300 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Дастур ижросини таъминлаш учун кенг кўламдаги улкан ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатда фаол инвестиция сиёсати юритилмоқда, замонавий корхоналар барпо этилмоқда, солиқ тизими тубдан ислоҳ қилиниб, тадбиркорлик ва хусусий мулкни ривожлантириш, барча соҳа ва тармоқларда инновация, илм-фан ютуқлари, янгича ва ижодий ёндашувларни жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Қишлоқ хўжалигида замонавий, истиқболли тармоқларга асос солиш, кластер тизимини йўлга қўйиш, фермер хўжалиқларининг натижадорлигини кучайтириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатда **макроиқтисодий барқарорлик таъминланмоқда**. Энг устувор вазифа бўлган аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, “**Обод қишлоқ**” ва “**Обод маҳалла**” дастурлари мамлакатнинг энг чекка ҳудудларига ҳам янгиланиш нафасини, бунёдкорлик руҳини олиб кирмоқда. Одамларнинг фикри, дунёқараши ўзгармоқда, қишлоқда турмуш маданияти ошиб бормоқда. Бутун мамлакатни қамраб олган мазкур дастурлар доирасида 416 та қишлоқ ва 105 та маҳаллада қурилиш ва ободонлаштириш ишлари жадал давом этмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг янги, обод қиёфасини яратиш, халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Аҳолининг **замонавий уй-жойга** бўлган талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида жорий йилда 13 минг 900 дан зиёд оилага мўлжалланган 335 та кўп қаватли турар жой фойдаланишга топширилди. 2018 йил охиригача бу рақам 2017 йилга нисбатан 2 баробар кўпаяди. Ана шу йўналишдаги ишлар қишлоқ жойларда ҳам янгиланган лойиҳалар асосида олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунга қадар қишлоқларда 40 мингта оила янги хонадонларга кўчиб кирди. Бу борада биз илгари етарлича эътибор бермаган муҳим масала – яъни, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган инсонларга алоҳида гамхўрлик кўрсатилмоқда. Бунинг тасдиғини ўтган 2 йилда 1000 нафардан ортиқ шу тоифага мансуб инсонлар уй-жой билан таъминлангани мисолида кўриш мумкин. Албатта, бундай ўзгаришлар минг-минглаб оилалар ҳаётига шодлик ва бахт олиб келмоқда.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳар бир оилада тадбиркорлик муҳитини яратиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Кейинги икки йилда мамлакатимиз бўйича 700 мингдан ортиқ юртдошларимиз иш билан таъминлангани, тижорат банклари томонидан тадбиркорларга 25 триллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилгани ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Мамлакатда қабул қилинаётган дастур ва режаларнинг барчасида **ёшлар манфаатлари** алоҳида ҳисобга олинмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакатда янги олий ўқув юртлари, хориждаги нуфузли университетларнинг филиаллари ташкил этилаётгани, қабул квоталари оширилгани, кўпгина йўналишлар бўйича сиртки бўлимлар очилганини алоҳида қайд этиш лозим. Айтиш мумкин буюк алломалар номидаги махсус мактаблар, худудларимизда атоқли адиблари номидаги ижод мактаблари иш бошлагани, ёшлар ўртасида турли танлов ва фестиваллар, спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинаётгани уларнинг илмий ва ижодий камолотида катта роль ўйнамоқда.

Жамиятда **“Қонун ва адолат – устувор”, “Жиноятга жазо муқаррар”** деган муҳим принципларни таъминлаш, суд, прокуратура, ички ишлар органлари, адвокатура тизими фаолиятини такомиллаштириш, уларни том маънода инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоячисига айлантириш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда. Ана шундай ўзгаришлар туфайли йиллар давомида деярли унутиб қўйган тартиб-интизом, қонун-қоида, одамларнинг ҳақли талаблари билан ҳисоблашиш каби энг муҳим тамойиллар ҳаётда тобора чуқур ўрин эгалламоқда.

Халқимизга хос кечиримли, раҳм-шафқатли бўлиш, бағрикенглик ва олижаноблик фазилатлари асосида жамиятда соғлом ижтимоий муҳит мустаҳкамланиб бормоқда. Билиб-билмай нотўғри йўлга кириб қолган, ўз қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган фуқароларни кечириб, уларни оиласи бағрига, фойдали меҳнатга қайтаришга қаратилган тадбирлар яхши натижа бермоқда.

2018 йил 31 августда қабул қилинган Президент фармонида биноан қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган 261 нафар шахс Мустақиллик

байрами муносабати билан афв этилгани шу эзгу ишларнинг давоми бўлди. 261 инсон тақдиридаги бундай ўзгариш – бу аввало уларнинг оиласи, фарзандлари, ота-оналари, яқинлари ҳаётига нур олиб кирди, қувонч олиб кирди, деганидир.

Бугун бир фикрни тўла ишонч билан айтиш мумкин: *бутун жамиятни қамраб олаётган ана шундай эзгу ишлар туфайли ҳаётда файзу барака, миллатлараро дўстлик ва меҳр-оқибат туйғулари кучайиб бормоқда.* Энг муҳими, мамлакатни янада тараккий эттириш йўлида олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат эл-юрт томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Агар халқ рози бўлса, Яратган ҳам албатта рози бўлади. Ватан мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан давлатнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланганларга ана шу мукофотлар марказда ва жойларда тантанали равишда топширилди.

“Бугун миллий тараккиётимизнинг янги босқичига кадам кўяр эканмиз, биз ютуқларимиз билан бирга хато ва камчиликларимизни ҳам чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш ҳақида ўйлашимиз табиийдир. Чунки бу ишларни ўзимиз қилмасак, ҳеч ким четдан келиб муаммоларимизни ҳал қилиб бермайди”, - деди Шавкат Мирзиёев мустақилликнинг 27 йиллигига бағишланган байрам тантанасида.

Бу ҳақда сўз борганда, халқ билан мулоқотнинг мутлако янги ва самарали тизими жорий қилинганини айтиш ўринлидир. Бугунги кунда халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қила бошлагани учун ҳам одамларнинг фикри, дунёқараши ўзгармоқда, эл-юрти ўз кучи ва имкониятларига, эртанги кунга ишонч билан қарамоқда.

“*Шунинг учун бир ҳақиқатни таъкидлаб айтмоқчиман: халқ билан бевосита мулоқот олиб бориш, унинг дарду таъвишлари билан яшаш, эл-юртимизни рози қилиш – бу вақтинчалик кампания эмас. Бу – халқимизнинг фаровон ҳаётини, юртимиз равнақини таъминлашга қаратилган узоқ муддатли стратегиядир*”, - деди Шавкат Мирзиёев.

Бугунги таҳликали замонда тинч-осойишта, эркин ва обод ҳаётни ҳар томонлама асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш энг асосий вазифа бўлиб қолмоқда. Шу мақсадда Қуролли Кучларнинг жанговар салоҳиятини оширишга бундан буён ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дунё миқёсидаги кескин ва бешафқат рақобатга бардош бериш учун иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллаш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини янада оширишга эришмоқ зарур бўлади.

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини, хусусий мулк дахлсизлигини янада кенгроқ таъминлаш – муҳим вазифадир. Бу борада йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан бирга, туризм, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, деҳқон ва томорка хўжалиklarини, ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Айниқса, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, халқ ҳаётини янада яхшилаш, кам таъминланган қатламларни ижтимоий муҳофаза қилиш, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини ошириш доимий эътиборда бўлмоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида “**Ёшлар – келажагимиз**” Давлат дастури қабул қилинди. Ушбу дастур ижроси учун

2018 йилнинг ўзида 786 миллиард сўм маблаг йўналтирилди. Бунинг натижасида, жумладан, 100 мингдан ортиқ ёшларнинг бандлиги таъминланади. Ёш оилаларни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш, ёшларни ишга жойлаштириш, касб-хунарга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича белгиланган катта ишлар изчил давом эттирилади.

2018 йил августда Индонезияда 45 та мамлакат вакиллари ўртасида бўлиб ўтаган ёзги Осиё ўйинларида Ўзбекистон **спортчилари** шижоат ва махорат кўрсатиб, 15 та олтин, 19 та кумуш, 23 та бронза медални қўлга киритди.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти билан, барча узоқ-яқин давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона алоқаларни янада кучайтирмоқда. Турли халқаро ташкилотлар, нуфузли молия институтлари билан кенг тармоқли ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига тўла жавоб беради ва бу йўлни қатъий давом эттиради.

Ташқи сиёсат соҳасида Ўзбекистон барча узоқ ва яқин давлатлар, аввало, қўшни мамлакатлар, халқаро ташкилотлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш сиёсатини изчил давом эттиради. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва халқаро молия институтлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда тузилган шартнома ва келишувларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажариш бўйича барча зарур чора-тадбирларни кўрмоқда. Халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий давлатларнинг элчилари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга хайрихоҳ бўлиб, қўллаб-қувватламоқда.

Таянч сўзлар: ҳаракатлар стратегияси, миллий юксалиш, макроиқтисодий барқарорлик, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлиги, фермерлик, тадбиркорлик, жамоатчилик назорати, электрон ҳукумат, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”.

ХУЛОСА

XX аср жаҳон тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу даврда ҳаёт турли йўналишларда кечди:

Биринчидан, дунёда фан-техника ривожланиб, тараққиёт юқори босқичга кўтарилди.

Иккинчидан, даҳшатли воқеалар рўй бериб 100 миллионлаб кишининг ёстиги қуриди, мисли кўрилмаган вайронгарчилик ва талофатлар кўрилди. Авваламбор биринчи жаҳон уруши, совет давлатининг ўрнатилиши ва иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига жуда катта офат ва кулфатлар келтирди.

Учинчидан, ер юзининг турли минтақаларида миллий озодлик ва мустақиллик ҳаракатлари кучайиб, ўзга давлатларга тобе бўлиб келган мамлакатлар бирин-кетин озодликка эришди.

Тўртинчидан, СССР деб аталган империя емирилиб, унинг ўрнида бир қатор ёш мустақил давлатлар ташкил топди.

Мустақилликка эришган халқлар ўз тақдирини ўзи ҳал этиш, истиқболини ўзи белгилаш, умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланган жамият қуриш, ўз миллатининг буюк давлатчилик тарихи асослари билан мустаҳкамланган давлатга асос солиш ҳамда унинг ички ва ташқи сиёсатини дахлсиз олиб бориш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Мустақилликка эришиш гоёси халқимиз учун азал-азалдан мерос. Шу мақсад халқимизга аждодлар орқали минг йилликлар қаъридан бизгача етиб келмоқда. Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов, “Ўзбек миллати азалдан ўз фикр-зикри ўз истиқлоли учун курашиб яшаган, бунга мозий гувоҳ. Миллатимиз тарихи ҳақидаги ҳақиқат, юртимизнинг фидойи, ўз йўлидан, маслаҳидан, сўзидан қайтмайдиган фарзандларига очилиши лозим. Билишимиз шарт бўлган тарих саҳифаларини кунт билан варақлаш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз” - деганларида ана шу ҳолатни назарда тутди. Халқимизнинг узок тарихи у ўз ўтмишида озодлик, истиқлол учун тинимсиз кураш олиб борганидан гувоҳлик беради.

Туркистон ўзининг 2 минг йиллик тарихи давомида 800 йилдан ортиқ вақтини мустамлакачилик зулми остида ўтказган. Хусусан, Аҳмонийлар-200 йил, Грек-Македонияликлар-180 йил, Араб халифалиги салкам-200 йил, Чингизхон босқинчилари-150 йил, Чор Россияси ва Совет давлати-130 йил ўлкамизни ўз панжаларида ушлаб турдилар. Бу гоётда даҳшатли ва фожиали даврларда юз минглаб одамлар ўлдирилди ва йўқ қилинди. Кўп бойликлар таланди, шаҳар ва қишлоқлар харобага айлантирилди. Бироқ, ҳеч қандай қиргинлар ва вайронагарчиликлар қанчалик ваҳшийларча амалга оширилмасин, ўзбек халқини миллат сифатида йўқ қила олмади. Халқимиз босқинчиларга қарши курашни тинимсиз давом эттираверди.

Халқимизнинг озодлик учун курашлари маглубиятга учрашига кўпинча тахтнинг меросхўрлиги ва унинг учун олиб борилган ўзаро урушлар сабаб бўлган. Тахт таллашишлар жуда огир оқибатларга олиб келган. Авваламбор, у мамлакатда парокандалик ва тарқоқликни, хавотирлик нотинчликни юзага

келтириб, ҳокимият бошқарувига катта зарба берди. Қўшин орасида тарафкашлик ва ўзбошимчалик кучайиб, мамлакат мудофааси жуда заифлашган. Тахт учун курашлар кудратли темурийлар давлатини емирганлигига тарих гувоҳ.

Мустамлака даврида Туркистон халки чет эл босқинчиларига қарши доимий гоҳ пинҳона, гоҳ ошқора равишда курашиб келган. Миллий мустақиллик учун кураш айниқса, Чор Россияси ўлкамизни босиб олгандан кейин авж олди. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, Туркистоннинг Чор Россияси томонидан босиб олинishi, ўлкамиз тарихидаги энг қорра, энг қонли саҳифалардан биридир. XIX асрнинг ўрталаридан ўлкамизга нисбатан Россия босқинчилик ҳаракатларини бошлади. Узоқ жангу жадаллардан сўнг 1852-1876 йилларда Қўқон хонлиги, 1865-1868 йилларда Бухоро амирлиги, 1873 йилда эса Хива хонлиги ишғол қилинди.

Халқимиз 130 йил мобайнида чексиз ёвузликларни бошидан кечирди. Бундай ёвузликларга нисбатан халқ оммасининг озодлик миллий мустақиллик учун кураши кучая борди. Чор Россияси босқинчилиги даврида Туркистон халқлари томонидан мустамлакачилик зулмига қарши исён, қуролли қўзғолон, қаршиликлар ва бошқа шакллардаги 4600 дан ортиқ халқ ҳаракатлари бўлиб ўтди.

Чоризмнинг мустамлакачилик зулмига қарши курашда айниқса XX аср бошларида вужудга келган жаҳидчилик ҳаракати катта ўрин тутди. Жаҳидчилик ҳаракати намоёндалари мустамлакачилик ва миллий зулмга қарши курашда молларини ҳам, жонларини ҳам аяшмади. Жаҳидлар ўлкамизни қолоқлик ва зулмдан қутқармоқ учун аввало маърифий маданий ишларни томир орттириб, кейинчалик халқни катта курашга етакламоқчи бўлдилар. Жаҳидларнинг фаолияти чор ҳукуматининг назорати ва таъқиби учига чиқиб, озодлик гоёси ва курашлари бўғиб ташланган шароитда кечди. Шунга қарамай улар ўзининг ватани озодлиги учун мардонавор курашдилар, бу йўлда жонларини ҳам аяшмади.

Маҳаллий халқлар большевикларнинг берган ваъдаларига ишониб кўп мартаба алдандилар. Натижада уларнинг шўролар ҳукуматига у юргизаётган сиёсатга ишончлари қолмади. Маҳаллий мусулмон вакиллари ҳар қадамда большевиклар томонидан ўзига нисбатан ишончсизликни, душманликни кўрдилар. Улар фақатгина кураш йўли билан ўз тақдирларини ўзлари хал қилишлари мумкинлигига ишондилар ва бу йўлда қатъий ҳаракатлар бошланди. Миллатпарварларнинг бу ҳаракатига қарши 20-30 йилларда оммавий қатагонлар олиб борилганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Умуман, 20-30 йилларда миллий мустақиллик учун курашган миллатпарварларнинг 80 мингдан ортиги сиёсий қатагонга учраган. 1939-53 йиллар оралигида эса 61799 кишига сиёсий айб қуйилиб, тергов ишлари олиб борилган, улардан 56112 киши жавобгарликка тортилган. Айбдор деб топилганларнинг 7100 таси ўлимга ҳукм қилинган. Сталиндан сўнг оммавий қатагонга барҳам берилган бўлсада, барибир демократия ва ошқораликка йўл берилмади. Мустамлакачилик ва миллий зулм яна бир неча ўн йилларга чўзилди ва охири оқибат ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида

инкирозларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. XX асрнинг 80-йилларига келиб халқнинг эътиқодини йўқотиб бўлмаслиги равшан бўлиб қолди ва миллийлик аста-секин юзага чиқа бошлади. Шунингдек, бу даврга келиб ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида инкирозлар кучайиб кетган эди.

Социализм тузуми ўзининг гайри табиийлиги ва самарасизлигини намоиш этиб, мамлакатни ҳалокат ёқасига келтирди. Одатдагидек компартия қатагонлар ўтказиш йўли билан четдан “айбдорлар”ни топиб ва халқни чалғитиб инкирозни хаспўшлаш ва никоблашга ўтди. Қайта қуриш даврида ҳам 1920-30 ва 1939-53 йиллардаги террорчилик сиёсати қайтарилди, чунончи, Ўзбекистонда “пахта иши” ёки “ўзбек иши” номидан қатагон ўтказилди. Бу даврда шуни ҳисобга олиш керакки, “ўзбек иши” аслида никобланган сиёсий кураш бўлиб, мақсад мустамлакачилик ва улуг миллатчилик сиёсатини янада авжига миндириш, халқни огир аҳволдан чалғитишдан иборат эди. Бу сиёсий найрангларнинг иқтисодий томони ҳам бор эди. Марказга Ўзбекистондан дарё каби оқиб бораётган турли туман бойликларни янада кўпайтириш ва уларнинг зарчасини туб аҳолига юқтирмаслик кўзланган.

Бундан ташқари “ўзбек иши” воситасида мамлакатда Ўзбекистонни ишончни йўқотган хавfli зона сифатида гавдалантириб, Россиядан кадрларни - ўз одамларини келтиришни ва республика ҳокимият тармоқларини тамомила эгаллашни мақсад қилиб қўйди. Айни пайтда бир жомадон билан келадиган “устоз”ларнинг катта бойлик тўплашлари учун шароит яратиш назарда тутилади. Бу республика бойликларини навбатдаги ўзлаштиришнинг бир тури эди. Умр бўйи дахшатли фожиаларга тўймаган марказ 1984 йил 6-июндан 1988 йил 6-июнга қадар Гдлян ва Ивановлар бошчилигида тергов ишларини ўтказди. “Ўзбек иши” бўйича 58 минг киши ҳар хил уйдирма, бўҳтонлар билан ишдан олиб ташланди. Улардан кўпчилиги раҳбар кадрлар эди. Шунингдек, 4,5 минг киши қамокқа ташланди, хўрланди, мол-мулки таланди. Гдлянчилар ҳеч нарсадан тап тортмай иш олиб бордилар. Улар қонунга бўйсунмаганлар, аксинча қонун уларга бўйсундирилган. Рухий таъсир ўтказиш мақсадида маҳбуслар узок муддат ва ҳеч нарсадан хабарсиз ҳолда сақланган, ҳатто ойлаб сўрок қилинмаган. Баъзиларни ўлим жазосини берамиз, - деб қўрқитиб, зўравонлик билан тергов қилинаётган бошқа юртдошларига қалбаки гувоҳлик беришга кўндирганлар.

Умуман, 80-йилларга келиб коммунистик мафқуранинг келажаги йўқлиги, узокқа бора олмаслиги аниқ бўлиб қолди. Коммунистик партия истаса-истамаса мавжуд мафқура ва гоьларнинг қисман ўзгартириши, шу услубнинг янги шаклларини излаб топиши керак эди. Ана шу ҳаракатларнинг маҳсули сифатида М. В. Горбачёвнинг “қайта қуриш” сиёсати дунёга келди. Аммо у ижобий натижалар бермади. Хуллас, 90 йилларнинг бошига келиб марказ ва иттифоқдош републикалар ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб марказий ҳокимиятнинг обрўйи пасайиб кетди. Сиёсий, иқтисодий ва хўжалик ҳаёти бошқарилмай қолди. Оқибатда турмушнинг барча соҳаларидаги салбий аҳволдан халқнинг кун сайин норозилиги ортиб

турмуш даражаси ёмонлаша бошлади. Ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми издан чиқди. Бу ҳол табиий равишда халқларнинг кўзини очди, эндиликда улар эскича буйруқбозлик усулини қабул қила олмай қолди. Қисқа килиб айтганда, шу вақтга келиб республикалар суверенитетини ва инсон ҳуқуқларини поймол қилган маъмурий буйруқбозлик бошқарувининг истиқболсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсата бошлади.

Бу йўлда “қайта қуриш” сиёсати ҳам, Иттифоқ Шартномасини тузишга бўлган ҳаракатлар ҳам ҳеч қандай ижобий натижа бермади. Ва ниҳоят марказий ҳокимиятни сақлаб қолиш ва республикаларга мустақиллик беришга жон жаҳди билан қаршилик қилувчи кишилар томонидан 1991 йил 18 август куни СССР Вице президенти Г.И. Янаев бошчилигида фавқулодда ҳолат давлат кўмитаси (ГКЧП) тузилдики, бу вазиятни янада чигаллаштирди. Фитна ўз вақтида бостирилган бўлсада, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазият таранглашди. Марказ ҳокимияти фалаж бўлиб қолди. Шу тариқа КПСС ҳалокатга учради. Республикалар бирин-кетин СССР таркибидан чиқиб кетиб, ўз мустақилликларини эълон қилдилар. Ҳамма республикалар қатори Ўзбекистон ҳам 1991 йил 31 август куни ўз мустақиллигини эълон қилди. Мустақилликка эришган давлатлар ўз истиқлол ва тараққиёт йўллариини белгилаб олишга киришдилар.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида миллий тикланиш ва миллий тараққиёт йўлида улкан ютуқларга эришди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида халқчил ислохотларнинг йўналишлари белгилаб берилди. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари улкан вазифаларни амалга оширишга киришилди.

2018 йил 28 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йилда мамлакатини ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Парламентга Мурожаатномасида шундай дейилади: “Олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий гоёни ривожлантиришимиз зарур. Хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Ўтмишга берилган баҳо албатта холисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан холи бўлиши зарур. Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий гурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак”.

Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

I. Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2015.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакат Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2016 йил 8 декабрь.
5. Мирзиёев Ш.М. Илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили//“Халқ сўзи”, 2016 йил 31 декабрь.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
8. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ қаби муқаддасдир. Т.3. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
9. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
10. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
11. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.5. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
13. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
14. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон турмуш-пировард мақсадимиз. Т.8.. -Т.: Ўзбекистон, 2000.
15. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. -Т.: Ўзбекистон, 2001.
16. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
17. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: Ўзбекистон, 2010.

18. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.
20. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола (Матн). -Т.: Маънавият, 2017.

II. Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1. Oblomurodov N., va boshqalar. O`zbekiston tarixi. O`quv qo`llanma. -Т.: Yangi asr avlodi, 2011.
2. Usmovov Q. va boshqalar. O`zbekiston tarixi. Darslik. -Т.: Sharq, 2007.
3. Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. -Т.: Шарқ, 1999.
4. Муртазаева Р.Х. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Ўқув қўлланма. -Т.: Академия, 2010.
5. Муртазаева Р.Х., Дорошенко Т.И и др. История Узбекистана. Электронный учебник для вузов. – Ташкент, 2010.
6. Муртазаева Р.Х. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. -Т.: 2003.
7. Муртазаева Р.Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. Ўқув қўлланма -Т., Университет, 2007.
8. Ражабов Қ.К., Қандов Б.М., Шойимардонов И.Э. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). Ўқув қўлланма. – Т.: «Ўзбекистон», 2012.
9. Ражабов Қ.К., Ҳасанов Ф., Қандов Б.М. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик солномаси. Ўқув қўлланма. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2011.
10. Раҳимов Ж. Ўзбекистон тарихи: (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошлари). Дарслик. -Т.: “Ўқитувчи”, 2000.
11. Саъдуллаев А. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. Ўқув қўлланма -Т.: Академия, 2000.
12. Саъдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. Ўқув қўлланма -Т.: Университет, 2004.
13. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. -Т.: Шарқ, 2000.

14. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. -Т.: Шарқ, 2000.
15. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. -Т.: Шарқ, 2000.
16. Эшов Б.Ж. Ўрта Осиё қадимги шаҳарлари тарихи. Ўқув қўлланма.- Тошкент, 2006.
17. Эшов Б.Ж. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи. Ўқув қўлланма.- Тошкент, Маърифат, 2009.
18. Эшов Б.Ж. Қадимги Ўрта Осиё шаҳарлари тарихи. Дарслик. -Т., Fan va texnologiya, 2008.

III. Қўшимча адабиётлар:

1. «Авесто». «Яшт» китоби. Ўзбек тилига М. Исҳоқов илмий-изоҳли таржима лари. -Т.: Шарқ, 2001.
2. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. - Т.: Шарқ, 1998.
3. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустикаллиги учун курашларнинг тарихи - Т., Шарқ, 2001.
4. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: Фан, 1993.
5. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1 жилд. -Т.: Фан, 1968.
6. Абулғозий. Шажарайи турк. -Т.: Чўлпон, 1992.
7. Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. Уч жилдлик. -Т.: Гафур Гулом, 1984.
8. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи.-Т.: Шарқ, 2000.
9. Алиев А. Махмудхўжа Бехбудий. -Т.: Ёзувчи, 1994.
10. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Том. 1, 2. - Т.: Узбекистан, 2008, 2009.
11. Амир Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. -Т.: Фан, 1991.
12. Амир Темур Кўрагон. Зафар йўли. -Т.: Нур, 1992.
13. Аскарлов А. Энг қадимий шаҳар. -Т.: Маънавият, 2001.
14. Ата-Мирзаев О.Б., Гентшке В.Л., Муртазаева Р.Х. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. -Т.: Университет, 2002.
15. Ата-Мирзаев О.Б., Гентшке В.Л., Муртазаева Р.Х. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. -Т.: Янги аср авлоди, 2011.
16. Ата-Мирзаев О.Б., Гентшке В.Л., Муртазаева Р.Х. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. 2004. 18,9 п.л. В соавторстве.

17. Аҳмедов Б. Соҳибқирон Темур (хаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти). - Т.: Фан, 1996.
18. Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. -Т.: Мерос, 1992.
19. Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари. Т.: Ўзбекистон. 1998.
20. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти.-Т.: Маънавият, 2000.
21. Бобобеков Ҳ.Н. Қўқон тарихи. -Т.: Фан, 1996.
22. Бобур З.М. Бобурнома. -Т.: Фан, 1960.
23. Буниётов З. Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати (1097-1231). -Т.: Гафур Гулом, 1998.
24. Валихўжаев Б. Хўжа Аҳрор тарихи. -Т.: Ёзувчи, 1994.
25. Ватан туйғуси. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
26. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва таракқиёт учун кураш. - Т.: Университет, 1999.
27. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Икки жилдлик. -Т.: Мехнат, 1992.
28. Иброҳимов А. Биз ким ўзбеклар -Т.: Шарқ, 2000.
29. Ипак йўли афсоналари. -Т.: Фан, 1993.
30. Йўлдошев Н. Баҳовуддин Накшбанд. Бухоро, 1993.
31. Қорақалпоғистон тарихи (1917-1994 йй.). Нукус, 1995.
32. Қурбонов И. Қатагон қурбонлари. -Т.: Ўзбекистон, 1992.
33. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. -Т.: Ўзбекистон, 2001.
34. Махкамова Н. Социальная структура общества на территории Узбекистана: традиции и трансформации (конец XIX в. - 30-е годы XX в.). - Т.: Aloqachi, 2009. -С 236.
35. Маънавият юлдузлари. -Т.: Мерос, 2001.
36. Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи. -Т.: Чўлпон, 1994.
37. Муртазаева Р.Х. Толерантность как интегрирующий фактор в многонациональном Узбекистане. Т.: Узбекистан, 2010.
38. Мустақиллик изохли илмий-оммабоп лугати. -Т.: Шарқ, 2009.
39. Муҳаммаджонов А. Қадимги Бухоро. -Т.: Фан, 1991.
40. Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент. -Т.: Фан, 1988.
41. Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар даври. -Т.: Фан, 1996.
42. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. - Т.: Фан, 1993.
43. Насимхон Р. Турк хоқонлиги. -Т.: Мерос, 1993.
44. Низомул мулк. Сиёсатнома. -Т.: Адолат,1997.
45. Огахий Муҳаммадризо. Шохид ул-икбол. -Т., 2009.
46. Полвонов Н.Т. История социальных движений и политических партий Хорезма (1900-1924). -Т.: Akademnashr, 2011. -С.105.

47. Полвонов Н.Т. Ўзбекистонда ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партия тарихи (Хоразм мисолида). -Т., Университет, 2007, 5,75 б.т.
48. Полвонов Н.Т. Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1900-1924). -Т.: Akademnashr, 2011. -Б.108.
49. Полвонов Н., Қўшжонов О. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. -Т., Abu matbuot consalt, 2007. 24 б.т.
50. Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халклари ўртасидаги муносабатлар (1917-1924 йй.). - Тошкент. Университет, 2005. - Б. 199.
51. Раҳимов Ж. Туркистоннинг чор Россияси томонидан забт этилиши. “ЎЗПФИТИ”, Т., 1990.
52. Собиров Қ. Хоразм кишлок ва шаҳарлари мудофаа иншоотлари (мил.авв. VI асрдан милоддий IX асргача). -Т., Фан, 2009.
53. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
54. Темур ва Улугбек даври тарихи. -Т.: Қомуслар бош тахририяти, 1996.
55. Темур тузуклари. -Т.: Фафур Фулом, 1991.
56. Усмонов Қ. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви. - Т.: Молия, 2003.
57. Ўзбекистон Республикаси: Мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
58. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.1-12. -Т.: ЎЗМЭ давлат илмий нашриёти, 2000-2006.
59. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари -Т.: Шарқ, 2001.
60. Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917-1991 йй.). -Т.: Abu- MATBUOT KONSALT. 2008. -Б. 208.
61. Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. -Т.: Чўлпон, 1993.
62. Ҳасаний М. Туркистон босқини. -Т.: Нур, 1992.
63. Хожаниёзов Ғ. Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари (мил.авв. VI асрдан IV асргача). -Т., 2007.
64. Холиқова Р. Россия-Бухоро: тарих чорраҳасида (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари). - Тошкент. 2005. - Б. 240.
65. Худойберганов Қ. Хива хонлари тарихидан. -Т., 2007.
66. Шарафиддинов О. Истиклол фидоийлари. -Т.: Чўлпон, 1993.
67. Шарифхўжаев М., Раҳимов Ф. Даврни белгилар берган инсон. -Т.: Шарқ, 2004.
68. Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалололдин Мангуберди ҳаёти тафсилотлари. -Т.: Ёзувчи, 1999.
69. Шомий Низомиддин. Зафарнома. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
70. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. -Т., Фан, 2001.
71. Эшов Б. Қадимги давлатчилик ва урбанизация (тарихий лавҳалар). - Т.: Mumtoz so'z, 2010. -Б.108.

72. Эшов Б.Ж. Цивилизация тизимида илк шаҳарлар. Тошкент, Zar qalam, 2004.
73. Юнусова Х.Э. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва маънавий жараёнлар (XX аср 80-йиллари мисолида). -Т., Abu matbuot-konsalt, 2009.
74. Юнусова Х.Э. Ўзбекистонда совет давлатининг миллий сиёсати ва унинг оқибатлари (XX аср 80-йиллари мисолида). -Т., Zar qalam, 2005.
75. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадгу билиг. -Т.: Юлдузча, 1990.
76. Яздий Ш. Зафарнома. -Т.: Шарқ, 1997.

IV. Электрон таълим ресурслари:

1. «Халқ сўзи» газетаси - www.infoXS.Uz.
2. «Туркистон» газетаси - www.turkiston.sarkor.uz.
3. «Маърифат» журнали - www.ma'rifat-inform.
4. «Жамият ва бошқарув» журнали - www.rzult.academy.freenet.uz.
5. «Мозийдан садо» журнали - www.moziy.dostlink.Net
6. www.Ziyo.net.uz.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ (26 соат)

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....5

Ўзбекистон тарихи фанининг назарий-методологик асослари (2 соат)

- 1-§. Ўзбекистон тарихи фанининг предмети ва вазифалари 6
2-§. Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг илмий-назарий ва услубий асослари 11
3-§. Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг асосий манбалари ва уни даврлаштириш 15
4-§. Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг талабалар фаолиятидаги ўрни 17

I-бўлим. ҚАДИМГИ ДУНЁ (4 соат)

(Мил. авв. 1 миллион йилликлардан – милодий III асргача)

I-боб. Қадимги тарих - тараққиётнинг бошланиши

- 1-§. Қадимги тузум. Энг қадимги одамлар. Уругчилик жамияти 19
2-§. Ўзбекистон ҳудудидаги илк давлатлар. Зардуштийлик 26

II-боб. Ўрта Осиё милоддан аввалги VI – милодий III асрларда

- 1-§. Аҳамонийлар ва Юнон-македонлар босқини. Салавкийлар ва Юнон-Бақтрия давлати 28
2-§. Қадимги Хоразм, Қанг, Довон, Кушон давлатлари. Буюк Ипак йўли 32

II-бўлим. ЎРТА АСРЛАР (4 соат)

(III асрдан XVI аср бошларигача)

III-боб. Ўрта асрларда ерга эгалик муносабатлари

- 1-§. Илк ўрта асрлар давлатлари. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар 37
2-§. Турк хоқонлиги. Маҳаллий ҳокимликлар. Маданият (VI-VII) 42
3-§. Араб халифалиги Ўрта Осиёни фатҳ этиши. Халқ қўзғолонлари (VII-VIII асрлар) ... 48

IV-боб. Мовароуннаҳрда мустақил давлатларнинг ташкил топиши

- 1-§. Марказлашган давлатлар: Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар давлати 55
2-§. Ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт. Ўзбек халқининг шаклланиши (IX-XII) 65

V-боб. Мўғиллар истилосига қарши озодлик кураши

- 1-§. Хоразмшоҳлар давлати ва Мўғиллар босқини 72
2-§. Чигатой улуси. Ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт 77

VI-боб. Амир Темур ва темурийлар давлати

- 1-§. Амир Темур марказлашган давлат асосчиси, унинг ҳарбий юришлари 80
2-§. Амир Темур салтанатининг маъмурий-ҳарбий тузилиши. Ғарбий Европа давлатлари билан алоқалар 85
3-§. Темурийларнинг тахт учун кураш. Улугбек маърифатпарвар давлат арбоби 89
4-§. Дехқончилик, ер эгалиги муносабатлари. Маданият. 93

III-бўлим. ЎЗБЕК ХОНЛИКЛАРИ (4 соат)

(XVI – XIX асрнинг 1-ярми)

VII-боб. Бухоро хонлиги ташкил топиши

- 1-§. Мовароуннаҳрда Шайбонийлар ҳукмронлиги. Бухоро хонлиги ташкил топиши 99
2-§. Аштархонийлар даврида Бухоро хонлиги 113
3-§. Бухоро Амирлиги ташкил топиши, мангитлар сулоласи ҳукмронлиги 121

VIII-боб. Хива хонлиги XVI – XIX аср 1-ярмида

- 1-§. Хива хонлиги ташкил топиши. Шайбонийлар ҳукмронлиги 130
2-§. Хива хонлигида Қўнғиротлар ҳукмронлиги. Иқтисодий-маданий ҳаёт 135
3-§. Қорақалпоқлар XVI - XIX асрнинг 1-ярмида 143

IX-боб. Қўқон хонлиги (XVIII - XIX аср 1-ярмида)

- 1-§. Қўқон хонлигининг ташкил топиши. Тошкент беклиги (XVIII аср 2-ярми – XIX аср бошларида) 149
2-§. Қўқон хонлигининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти 152

X-боб. Ўзбек хонликларининг халқаро муносабатлари

- 1-§. XVI–XVIII асрларда халқаро муносабатлар. Ўрта Осиёда Россия - Буюк Британия рақобати 159
2-§. Ўзбек хонликларининг тараққиётдан орқада қолиш сабаблари 164

IV-бўлим. ЧОР РОССИЯСИ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ (4 соат)

(XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошлари)

XI-боб. XIX аср ўрталарида Ўзбек хонликларининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти

- 1-§. Ўзбек хонликларининг маъмурий бошқарув тизими, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти 166
2-§. XIX аср ўрталарида қорақалпоқлар 172

XII-боб. Россия империясининг Ўрта Осиёни босиб олиши

- 1-§. Тошкент босиб олиниши. Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилиши 174
2-§. Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида протекторат ўрнатилиши. Қўқон хонлиги тугатилиши 179

XIII-боб. Россия империянинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати

- 1-§. Мустамлакачилик идора усулининг жорий этилиши 188
2-§. Тошкент шаҳар Думаси. Қишлоқларни бошқариш 192
3-§. XIX аср охирида Туркистонда миллий-озодлик ҳаракатлари 195
4-§. Тошкентда “вабо исёни”. Андижон кўзғолони 198

XIV-боб. XIX аср охири - XX аср бошларида Ўрта Осиёда

ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шаклланиши

- 1-§. Туркистонда демократик гоялар тарқалиши. Жадидлар ҳаракати. Думага сайлов 204
2-§. Туркистонга биринчи жаҳон урушининг таъсири. 1916 йилги кўзғолонлар 214
3-§. Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг ижтимоий-сиёсий аҳволи 216
4-§. XIX аср охири - XX аср бошларида қорақалпоқлар 223
5-§. Мустамлака шароитида Туркистон маданияти 228

V-бўлим. СОВЕТЛАР ДАВРИ (1917-1991) (4 соат)

XV-боб. Туркистонда советлар истибдодининг ўрнатилиши

Совет ҳокимиятига қарши ҳаракатлар

- 1-§. Туркистонда Совет ҳокимияти ўрнатилиши. Туркистон Мухторияти. ТАССР ташкил топиши 236
3-§. Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Републикалари тузилиши. Совет ҳокимиятига қарши озодлик ҳаракатлари 250

XVI-боб. Ўзбекистон 1920 - 1930-йилларда

- 1-§. Миллий сиёсат ва давлат қурилиши. Иқтисодий сиёсат, ер-сув ислоҳотлари 256
- 2-§. Саноатлаштириш сиёсатининг мустамлакачилик моҳияти. Қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш 265
- 3-§. Ўзбекистонда Совет ҳокимиятининг маданий-маърифий ва каттагонлик сиёсати 269

XVII-боб: Ўзбекистон 2-жаҳон уруши йилларида (1939-1945)

- 1-§. Ўзбекистоннинг урушга тортилиши. Саноат ва қишлоқ хўжалиги фронт хизматида 275
- 2-§. Уруш йилларида маданият. Ўзбекистоннинг қардош халқларга ёрдами 283
- 3-§. Ўзбекистонликларнинг фронтдаги жасоратлари 288

XVIII-боб. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти (1946-1990)

- 1-§. Урушдан кейин Ўзбекистон халқ хўжалиги. Маъмуриятчиликнинг кучайиши 293
- 2-§. Саноатининг бир томонлама ривожланиши. Қишлоқ хўжалиги ва пахта яккахокимлиги (1950-1990) 298
- 3-§. Ижтимоий-иқтисодий инқироз. Маданий-маънавий соҳадаги мафкуравий тазйиқлар 306
- 4-§. “Қайта қуриш” сиёсати. Ўзбекистон мустақиллик томон йўл тутиши 313

VI-бўлим. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ (4 соат)

XIX-боб: Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши

- 1-§. Ўзбекистон мустақиллиги. Сиёсий ислоҳатлар. Миллий давлат ҳокимият органларининг барпо этилиши 318
- 2-§. Фуқаролик жамияти асосларининг шакллантирилиши. Инсон ҳуқуқлари 328
- 3-§. Иқтисодий ислоҳатлар. Бозор муносабатларига ўтиш. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва Миллий хавфсизлик 337
- 4-§. Ўзбекистоннинг маънавий ва маданий тараққиёти 358
- 5-§. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви 380

XX-боб. Миллий тараққиётнинг янги босқичи

- 1-§. Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти 397
- 2-§. Ҳаракатлар стратегияси – халқчил ислоҳатлар даври 400
- 3-§. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари 412

Хулоса 416

Адабиётлар рўйхати 420

**Ҳ.Ҳ. Ҳамидов, Ш.Э. Эрназаров,
Б.М. Рахмонов,**

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

Олий ўқув юртлари талабалари учун

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Масъул муҳаррир: т.ф.д. проф. Ш.Ўлжаева

Муҳаррир: М. Мустафоева

Мусахҳих: Д. Алматова

*Босишга рухсат этилди: 20.02.2021 й. Қоғоз ўлчами 60x84 - 1/16,
Ҳажми: 26,75 б.т. 50 нусха. Буюртма № 0030.
ТИҚХММИ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент 100000, Қори – Ниёзий кўчаси 39 уй.*